



Sharq Yulduzi

Ойлик,
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

3

1984

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

53-оил чиқиши

Мундарижа

Совет Иттифоқи Коммунистик
партияси Марказий
Комитетининг Пленуми
Тўғрисида информацион
билдириш
3

КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари ўртоқ
К. У. Черненко нутқи
5

Ўртоқ Н. А. Тихонов нутқи
10

Ўртоқ М. С. Горбачев нутқи
12

Константин Устинович
Черненко
13

КПСС Марказий Комитети,
СССР Олий Совети Президиуми,
СССР Министрлар Советининг
Коммунистик партияга, Совет
халқига мурожаати
14

Комил Яшин
Халқ берган мандат
17

Уйғун
Яқдиллик руҳи
18

Михаил Швердин
Халқ ҳокимияти
20

ШЕЪРИЯТ
Халима Худойбердиева
Муқим журъат олган
қалбни — қалъани
22

Усмон Азимов
Кўксимни тўлдириб товушим
оқар
79

Икром Огамуротов
Жануб қушлари
84

Жамол Камол
Ражаб Ашуров достони
107

НАСР
Эргаш Раимов
Ўз илғамас шуълалар.
Қисса
28

ҲИКОЯЛАР
Фарҳод Мусаҷонов
Фидойи
88

Аҳмад Аъзам
Алмисоқдан қолган Карим
91

Олмос
Анор ўғриси
102

Ойхумор Асадова
Уфқ этагидаги нур
103

ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ
ЖАСОРАТГА ЧОРЛАЙДИ
Бугундан бошланган келажак
122

ПУБЛИЦИСТИКА
Абдурашид Пардаев,
Набижон Тожибоев
Қайнзордан эсан шабада
137

ОЧЕРК
Рустам Шоғудомов
Қалбингда қуёш борми
145

РУС АДАБИЕТИ —
МАҲОРАТ МАКТАБИ
Ойбек
Чехов ва ўзбек адабиёти
152

ЗАМОН ВА ИЖОБИИ
ҚАҲРАМОН
Иброҳим Раҳим, Ҳақим Назир,
Ўткир Ҳошимовнинг

анкета саволларига
жавоблари.
156

АДАБИЙ ТАНҚИД
Озод Шарафиддинов
Характер — бадиийлик мезони
163

Умарали Норматов
Зарур одам
174

ТАҚРИЗЛАР
Бахтиёр Назаров
Меҳир мавжлари

Омонулла Валихонов,
Фатҳиддин Исоқов
Шеър мулкига савҳат
181—184

ИҲЧАМ ТАҚРИЗЛАР
Сафо Матҷонов
Ишонч ва бурч

Мақсуда Абдуваҳובה
Кўнғилга, жойланган умидлар

Жондор Туленов,
Зоҳир Ғафуров
Одоб — ноёб бойлик
185—187

ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ
Алибой Оқбўтаев
Инсонни тушуниш
188

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ
Иван Середюк, Каримбой
Ўразбоев.
Халқ хотирасида
191

Берди Кербобоев
Чегарадаги воқеа
194

ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА
Пўлат Мўмин
Шифобахш диёр қўшиқлари
201



КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари
Константин Устинович Черненко

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси

Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

информацион билдириш

1984 йил 13 февралда КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан Пленумни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. Черненко очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов вафот этганлиги муносабати билан Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари Юрий Владимирович Андроповнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Марказий Комитет Пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудаликка учраганликларини қайд этди. Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, оташин ватанпарвар, ленинчи, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи ҳаётдан кўз юмди.

Юрий Владимирович Андропов партиянинг иродаси билан партия ва давлат ишининг энг муҳим лавозимларида бўлиб, ўзининг бутун кучи, билими ва жуда катта ҳаётий тажрибасини партия сиёсатини амалга оширишга, унинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва муҳофаа қудратини мустаҳкамлашга сарфлади.

Ю. В. Андропов КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари белгиллаган ва ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсифлашга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга, кадрларнинг масъулиятини, уюшқоқлик ва интизомни кучайтиришга, халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини мутасил оширишга қаратилган йўлни турмушга татбиқ этишга кўп эътибор берди.

Ю. В. Андропов социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлашга, халқларнинг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун одилона курашини қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлигида партиямиз билан давлатимизнинг ленинча ташқи сиёсат йўли — термоядро уруши хавфини тугатиш, империализмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба бериш, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўли халқаро майдонда изчиллик ва сабот билан амалга оширилди.

Шу қайғули кунларда коммунистлар, бутун совет халқи ўз сафларини партия ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслаштираётганликларини, партиянинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини

амалга ошириш учун сабот билан курашишга азму қарор берганликларини Пленум таъкидлаб ўтди.

Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари марҳумнинг қариндошларига ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этдилар.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов сўзга чиқди. У ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлашни таклиф этди.

Пленум ўртоқ Константин Устинович Черненко бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Сўнгра Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади. У ўзига партия Марказий Комитети кўрсатган юксак ишонч учун сийқидилдан миннатдорчилик билдирди.

Ўртоқ К. У. Черненко мамлакатимизда коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажариш, СССРнинг иқтисодий ва муҳофаа қудратини янада кучайтириш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда, Коммунистик партия билан Совет давлати ўтказаяётган ленинча ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда давомийликни таъминлаш учун ўзимнинг бутун кучим, билимим ва ҳаётим тажрибамни сарфлайман, деб КПСС Марказий Комитетини, Коммунистик партияни ишонтирди.

Шу билан Марказий Комитет Пленуми ўз ишини тамомлади.



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқи

Азиз ўртоқлар!

Менга юсак шараф кўрсатиб, Марказий Комитетнинг Бош секретари лавозимига сайлаган Марказий Комитет аъзоларига самимий ташакур айтаман. Мен зиммаimgа тушадиган улкан масъулиятни тўла-тўқис англаб турибман. Нақадар муҳим, нақадар бениҳоя мураккаб иш қилиниши кераклигини тушунаман. Ишонччи оқлаш учун, Юрий Владимирович Андропов изчиллик ва сабот билан ўтказиб келган партиямизнинг принципиал йўлини сизлар билан биргаликда давом эттириш учун ўзимнинг бутун кучимни, билимимни, бутун тажрибамни ишга соламан, деб Марказий Комитетга, партияга ваъда бераман.

Юрий Владимирович ўзининг ташкилотчилик истеъдоди, равшан ижодкор ақли билан, назарияда ва сиёсатда ленинизмга содиқлиги, янгилликни дарҳол ҳис қилиши ва омманинг жонли тажрибасини мужассамлаштириш қобилияти, дунёқарашимизга ва турмуш тарзимизга, ахлоқимизга ёт нарсаларнинг ҳаммасига муросасизлиги билан, шахсан ёқимтойлиги ва камтаринлиги билан партия ва халқ орасида зўр обрў-эътибор ва ҳурмат қозонди.

Партия унга ишнинг мураккаб ва масъулиятли участкаларини топширар эди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимларида Юрий Владимирович Андроповнинг энг яхши сиёсий ва инсоний фазилатлари, айниқса, яққол намоён бўлди. У ҳамиша ўз олдида турган вазифалар юксаклигига кўтарилиш учун ўзини аямай меҳнат қилар эди.

Юрий Владимирович Марказий Комитетнинг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ҳозирги босқичда партиянинг ҳар томонлама чамалаб кўрилган ва реалистик йўлини — ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлини ишлаб чиқиш соҳасидаги коллектив фаолиятига шахсан салмоқли ҳисса қўшди. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари унинг раҳбарлигида ўтди, бу Пленумлар партия билан халқнинг турмушида муҳим босқичлар бўлиб қолди. Пленумларнинг қарорларида КПСС XXVI съездининг сиёсий йўли янада ижодий ривожлантирилди ва конкретлаштириб берилди.

Ю. В. Андропов совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнати тинч шароитларини таъминлаш учун, халқро майдонда социализм позицияларини мустаҳкамлаш учун курашга кўп куч ва ғайрат сарфлади.

Партия халққа фидокорона хизмат қилиши, меҳнаткашларнинг манфаатларини аниқ ифодалай олиши, уларни тўғри марксча-ленинча ҳаракат программаси билан қуролланган олиши тўғрисида ўзининг раҳбарлик мавқеига, ўзининг фахрли авангардлик ролига эришганлиги ва уни мустаҳкамлаб бораётганлиги партия обрў-эътиборининг манбаи эканини Юрий Владимирович яхши тушунар эди.

Бу сиёсатни бутун халқ астойдил қўллаб-қувватлаётганлиги КПСС ички ва ташқи сиёсати тўғрисида, бу сиёсат замон талабларига ва руҳига мос бўлиб тушаётганлигининг яққол далилидир. Партия танлаб олинган йўлдан — коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан қатъият билан бормоқда.

Доимо шундай бўлиб келди, ҳамиша шундай бўлаверади!

Бироқ, ўртоқлар, бу йўлдан бориш истагининг ўзи етарли эмаслигини ҳаммамиз тушунамиз. Тўғри мақсадларни ўртага қўя билишгина эмас, шу билан бирга ҳар қандай қийинчиликларни баргараф этиб, бу мақсадларга сабот билан эришиш ҳам керак. Эришилган натижаларни реалистик тарзда баҳолаш, уни бўрттириб юбормаслик, аммо камситмаслик ҳам керак. Мана шундай ёндашишгина сиёсатда хатолардан, исталган нарсани ҳақиқат деб қабул этиш иштиёқидан омон асрайди, Ленин айтганидек, «Биз нималарни «ниҳоясига етказганлигимизни» ва нималарни етказмаганлигимизни» равшан кўриш имконини беради.

Ўртоқлар, Юрий Владимирович Андроповга партиямиз билан давлатимизга бошлиқ бўлиб, оз вақт, алам қиларли даражада оз фурсат меҳнат қилиш насиб бўлди. Унинг ўрни ҳаммамизга билиниб туради. У халқ хўжалигининг ривожини қудратли равишда жадаллаштириб юбориш, мамлакатимиз 70—80-йиллар оралигида дуч келган қийинчиликларни баргараф этиш соҳасидаги катта ва кизгин ишнинг долзарб бир пайтида оламдан ўтди. Бироқ шу қисқа вақт ичида партия нақадар кўп иш қилишга улгурганини, нақадар кўп янгилликлар, самарали ишлар юзага келиб, практикада қарор топганини ҳаммамиз яхши биламиз. Юрий Владимирович раҳбарлигида бошланган ишни давом эттириш ва коллектив куч-ғайратлар билан илгари силжитиш — унинг хотирасини муносиб равишда эъзозлашнинг, сиёсатдаги давомийликни таъминлашнинг энг яхши усулидир.

Давомийлик — маъхум тушунча эмас, балки жонли, реал ишдир. Винобарин, унинг моҳияти аввало тўхтамай, олға боришдан иборат. Борганда ҳам, илгари эришилган ҳамма натижаларга таяниб, уни ижодий бойитиб, коммунистларнинг, ишчилар синфининг, бутун халқнинг коллектив фикрини, куч-гайратини ҳал этилмаган масалаларга, ҳозирги ва келгусидаги энг муҳим проблемаларга қаратишдан иборат. Бу эса ҳаммамизнинг зиммамизга кўпдан-кўп масъулият юклайди.

Партиямизнинг кучи — унинг бирлигида, марксизм-ленинизмга садоқатида, омманинг ижодий активлигини ривожлантириш ва йўлга солиб туриш, уни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жиғслаштириш, ленинча синалган принциплар ва методларга амал қилиш қобилиятидадир. Ўртоқлар, кейинги вақтларда Марказий Комитетимиз, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси, Юрий Владимирович Андропов давлат аппарати ишини такомиллаштириш, партиявий раҳбарлик услубини яхшилаш масалаларига нақадар зўр эътибор берганликларини биласизлар. Партия комитетларининг функцияларини давлат ва хўжалик органларининг вазифаларидан аниқ фарқлаш, уларнинг ишидаги қайтариқларни тугатиш — шу вазифалардан биридир. Бу — сиёсий аҳамиятга эга бўлган катта масаладир. Очиғини айтганда, бу соҳадаги ҳамма иш ҳам пухта йўлга қўйилган эмас. Базван Советларнинг, министрликларнинг, корхоналарнинг ходимлари зарур мустақиллик кўрсатмайдилар, улар ўзлари ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни партия органлари зиммасига ўтказиб юборадилар. Хўжалик раҳбарлари бажарадиган ишлар билан партия ходимларининг шуғулланиш практикаси кадрларни ишдан совитиб қўяди. Бунинг устига, мазкур практика замирида сиёсий раҳбарлик органи бўлмиш партия комитети ролининг бўшашиб кетиш ҳаффи бор. Хўжалик билан шуғулланиш партия комитетлари учун — аввало, хўжаликни бошқарувчи одамлар билан шуғулланиш демакдир. Буни ҳаммаша ёдда тутиш керак.

Ўртоқлар! Бундан бир арим ой муқаддам, Марказий Комитетнинг декабрь пленумида биз мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиши соҳасидаги ишларнинг аҳволига ҳар томонлама баҳо берган эдик. Қабул этилган қарорда бошланган суръатни, вазифаларни амалий ҳал этишга қаратилган ялпи қайфиятни сақлаб қолиш, экономикага партия ва давлат раҳбарлигининг савиясини муттасил ошириш, ижобий тенденцияларни активроқ ривожлантириш, уларга барқарор характер бахш этиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Пленумнинг шу кўрсатмаларини изчиллик билан бажариш — бизнинг бевосита бурчимиздир.

Бизнинг бутун таърибамиз шуни тасдиқлаб турибди: омма билан алоқа, миллион-миллион меҳнаткашларнинг гражданлик активлиги, уларнинг ишлаб чиқаришдаги ишларга, ижтимоий турмуш проблемаларига омилкорлик билан ёндашиши ҳаммаша партия куч-қудратининг энг муҳим манбаи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўз йўлини, ўз қарорларини, ҳаракатларини, аввало, ишчилар синфининг фикрлари билан, унинг зўр социал-сиёсий ва синфий ҳис-туғуси билан доимо таққослаб бориш — Коммунистлар партиясининг бурчидир. Владимир Ильич Ленин ишчилар синфи фикр-мулоҳазаларининг тўппа-тўғрилигини, ҳаётий асосланганлигини ва равшанлигини ҳаммаша юксак кадрлар эди, уларнинг фикрига, воқеалар ва одамлар ҳақидаги мулоҳазаларига сезгирлик билан қулоқ солар эди, улардан энг зарур саволларга жавоблар қидирар ва топар эди.

Ишчилар орасидан, социалистик қурилишнинг олдинги маррасидан чиқадиган сўзга қулоқ солиш, меҳнат аҳли билан маслаҳатлашиб туриш — ҳозир ҳам ҳар бир коммунист раҳбарнинг энг биринчи бурчи, чуқур ички эҳтиёжи бўлиши керак.

Халқ ташаббусини, иш жойидаги меҳнатга омилкорлик билан ижодий ёндашишдан тортиб, давлатни, жамиятни идора қилишда актив қатнашишга ҳам жуда кенг маънодаги ташаббусни ўз вақтида пайқай билиш ва қўллаб-қувватлай олиш тараққиётимизнинг энг буюк, айтиш мумкинки, битмас-туганмас манбаидир. Экономикамиз ўзининг ҳар бир катта ютуғига бирор-бир даражада меҳнат коллективларининг ижодий ташаббуслари туфайли, уларнинг ўз планлари, гапириш одат бўлганидек, муқобил планлари туфайли эришмоқда.

Декабрь Пленумининг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент оширишга ва маҳсулот таънариҳини қўшимча равишда 0,5 процент камайтиришга эришиш тўғрисидаги даъватини мамлакатнинг меҳнат коллективлари бажонидил маъқуллаб кутиб олганликлари чуқур маъмуният туйғуларини уйғотмоқда. Меҳнаткашлар, партия, қасаба союзи, комсомол ташкилотлари бу вазифани ҳал этишга ватанпарварлик жўшқинлиги, ғайрат-шижоат ва ишчанлик билан киришганлиги муваффақият таъминланишига ишонч туғдирмоқда.

Шу ҳисобга олинадиган ҳамма воситалар ва ресурсларни (бу восита ва ресурслар озмунча бўлмайди) совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, медицина-хизматиغا, уй-жой қурилишига сарфлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш лозим деб ўйлайман. Бундай қилиш партия сиёсатининг инсон бахт-саодати тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш ҳақидаги олий мақсадига тўла-тўқис мос бўлиб тушади.

Умуман, ўртоқлар, чамаси, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусларини, новаторлигини моддий ва маънавий жиҳатдан яхшироқ рағбатлантириш ҳақида ўйлаб кўриш керак.

Социал адолат совет тузуми негизининг ўзига асос қилиб олинган. Унинг жуда катта кучи ҳам мана шунда. Шу боисдан кундалик ишларда, иш ҳақи ва муқофотлар ҳақида, квартира ёки йўлланмаларни тақсимлаш тўғрисида, тақдирлаш ҳақида гап борганида адолатга ҳеч оғишмай роия қилиниши — хуллас, ҳамма нарса адолат юзасидан, ҳар бир кишининг умумий ишга қўшган меҳнат ҳиссасига мувофиқ бўлиши жуда муҳимдир.

Бу ўринда партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари аңчагина иш қилишлари керак. Меҳнат коллективларининг ўзларига кўп нарса боғлиқ. Ҳозир уларнинг қонун тарзда мустаҳкамлаб қўйилган катта ҳуқуқлари бор. Эндиги вазифа шу ҳуқуқлардан тўлиқроқ фойдаланишдан иборат.

Кейинги вақтларда партия социалистик жамиятга раҳбарлик қилишнинг янги тажрибасини орттирди. Биз тузумимизнинг афзалликларидан, имкониятларидан яхшироқ фойдалана бошладик. Омманинг уюшқоқлиги ва онглилиги, шубҳасиз мана шулар жумласига киради. Биз тартибни, интизомни мустаҳкамлашга эътибор беришимиз мана шундан келиб чиқади.

Уюшқоқлик ҳақидаги, тартиб тўғрисидаги масала — биз учун энг муҳим, принципиал масаладир. Бу хусусда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай ландавурлик, масъулиятсизлик жамият учун моддий зараргина келтириб қолмайди. Ландавурлик ва масъулиятсизлик жиддий социал, маънавий зиён етказди. Биз, коммунистлар буни яхши тушунамиз, миллион-миллион совет кишилари буни яхши тушунадилар. Партиянинг меҳнат, ишлаб чиқариш, план, давлат интизомини ошириш мақсадида, социалистик қонуңчиликни мустаҳкамлаш юзасидан кўрган тадбирлари чинакам умумхалқ маъқуллашига сазовор бўлганлиги мутлақо табиийдир. Бу соҳада ҳозиргача бирмунча иш қилишга муваффақ бўлинди. Бу нарса ишлаб чиқаришдаги ишларга, ижтимоий турмушимизга, қолаверса одамларнинг кайфиятига ҳам самарали таъсир қилганлигини ҳамма билади. Бироқ, ҳамма иш қилиниб бўлди, деб ўйлаш ногўрғи бўлур эди. Йўқ, ўртоқлар, ҳаёт бу ўринда бўшашувчиликка асло йўл қўйиб бўлмайди, деб ўргатмоқда.

Экономиканиз ривожнинг асосий йўналишларига келганда, бу йўналишларни партия аниқ-раван белгилаб берган. Интенсивлаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш, йирик комплекс программаларини амалга ошириш — мана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада жамиятимизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариши керак.

Экономикани бошқариш системасини, бутун хўжалик механизмимизни жиддий равишда қайта қуриш лозим. Бу соҳадаги иш эндигина бошланди. Бу иш корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш соҳасидаги кенг миқёсли иқтисодий экспериментни ўз ичига олади. Хизмат соҳасидаги хўжалик юритишнинг янги формалари ва методлари қидирилмоқда. Бу ишлар кўп фойда келтириши, бутун халқ хўжалигининг самарадорлигини юксалтиришдан иборат стратегик жиҳатдан муҳим проблемани ҳал этишимизга ёрдам бериши шубҳасиз.

Бироқ, келинглр, ўзимизга ўзимиз: айрим хўжалик раҳбарлари учун экспериментларнинг натижаларини кутиш уларнинг пассивлигини эскичасига ишлаш муддаосини яширувчи ниқоб бўлиб хизмат қилаётгани йўқми? — деб савол бериб кўрайлик. Иқтисодий структураларни янгиллаш — масъулиятли иш, албатта. Етти ўлчаб, бир кес, деган қадимий ҳикматли қойдага риоя этиш бу ўринда фойдадан холи бўлмайди. Аммо бу нарса умуман ўзгарган шароитлар билан, турмушнинг янги талаблари билан ҳисоблашни хоҳламаётган кишиларни асло оқламайди.

Ҳамма поғоналарда кўпроқ мустақиллик кўрсатиш, дадил изланишлар билан шуғулланиш, агар керак бўлса, экономиканинг самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлигини ўстириш йўлида ўринли таваккалдан қайтмаслик керак, биз хўжалик кадрларимиздан мана шундай иш тутишларини кутмоқдамиз.

Бултур КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат экономикани ривожлантиришнинг принципиал масалаларни юзасидан бир қанча қарорларни ишлаб чиқиб, қабул этганликларини биласизлар. Бу қарорлар партия ва хўжалик органларининг қўлига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, мамлакат иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг муайян воситаларини берди.

Белгиланган тадбирлар хўжалик аҳамиятигагина эмас, катта сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, уларни бажариш ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир ходим кундалик ишининг асосий мазмуни бўлиб қолган тақдирдагина рўёбга чиқиши мумкин.

Биз бугунги вазифаларни ҳал этар эканмиз, келгусида анча юқори марраларга кўтарилиш учун шарт-шароит яратамиз. Эҳтимол, эртанги кунимизнинг, ўн иккинчи беш йилликнинг икир-чикирлари тўғрисида гапириш учун ҳали вақт эртадир, аммо келгусидаги ишнинг бош проблемалари, бош йўналишлари ҳозирнинг ўзидаёқ кўриниб турибди.

Янги беш йиллик аввало, ишлаб чиқаришдаги чуқур сифат ўзгаришларининг илк даври бўлиши, халқ хўжалигимизнинг барча тармоқларини интенсивлаш ишидаги ҳал қилувчи бурилиш беш йиллиги бўлиши лозим. Ҳозирги моддий-техника базаси ва бошқарув системаси янги, янада юқори сифатлар касб этиши лозим.

Совет жамиятининг иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётини янада кўпроқ узвий равишда ўзаро боғлашни таъминлаш ҳам гоятда жуда муҳимдир. Зарур социал ва мафкуравий шарт-шароитларни яратмай туриб, экономикани сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариб бўлмайди. Худди шунингдек, иқтисодий ва социал сиёсатнинг мустаҳкам пойдеворига таянмай туриб, социалистик онгни ривожлантиришнинг етуқ проблемаларини ҳал этиб бўлмайди.

Янги дунё қуриш — янги дунё кишисини камол топтириш ҳақида, уни гоъвий-ахлоқий жиҳатдан ўстириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш демокдир. Марказий Комитетнинг июнь Пленуми идеология, оммавий-сиёсий иш масалаларини айна шу нуқтаи назардан қўриб чиққанлиги маъълум. Пленум йўл-йўриқларига мувофиқ партия бу ишнинг ривожланган социализмни такомиллаштириш соҳасидаги катта ва мураккаб вазифалар характерига тўла-тўқис мувофиқ бўлишига ҳаракат қилаверади.

Янги таҳрирдаги партия Программаси бизга мана шу вазифалар комплексини идрок

этишга, уларни ҳал қилишнинг узоқ муддатли аниқ-равшан стратегиясини белгилашга, кундалик ишларимизнинг коммунистик истиқбол билан боғлиқлигини кўрсатишга ёрдам бериши керак. Марказий Комитет бу ҳужжатни тайёрлашга жуда катта аҳамият бермоқда.

Ўртоқлар! Биз мамлакатимизни янада ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш пайтида дунёда рўй бераётган аҳволни эътиборга олмастлигимиз мумкин эмас. Бу аҳвол эса ҳозир мураккаб ва кескин эканлиги ўзларингизга маълум. Мана шундай шароитда партия билан Совет давлатининг ташқи сиёсат соҳасидаги тўғри йўли жуда катта аҳамият касб этади.

Мустақкам тинчлик, халқлар озодлиги ва мустақиллиги иши учун кураш ҳамisha Юрий Владимирович Андроповнинг диққат марказида бўлди. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва давлатимиз ҳокимиятининг олий органлари унинг раҳбарлигида шу олижаноб принципларга мос бўлиб тушадиган актив ташқи сиёсатни белгилаб бердилар. Бу сиёсат инсониятни жаҳон ядро уруши хавфидан халос қилишга қаратилган. Бу ленинча тинчлик сиёсатининг ҳозирги тарихий босқичдаги асосий белгилари КПССнинг сўнгги съездлари қарорларида белгиланган бўлиб, у совет халқининг ва моҳият эътибори билан дунёдаги бошқа халқларнинг ҳам туб манфаатларига мувофиқ келади. Биз бу сиёсатдан бир қадам ҳам чекинмаслигимизни қатъий қилиб айтамыз.

Ўртоқлар, тинчликни сақлаш ва мустақкамлаш ишининг муваффақияти социалистик мамлакатларнинг жаҳон майдонидаги таъсири қанчалик катта бўлишига, уларнинг ҳаракатлари нақадар актив, собитқадам ва ҳамоҳанг бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқлиги мутлақо равшан. Бизларнинг мамлакатларимиз тинчликдан астойдил манфаатдордирлар. Шу мақсад йўлида биз барча социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилаверамиз. Биз социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар билан ҳамма соҳалардаги, шу жумладан, экономика сингари муҳим соҳадаги жипслик ва ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириб ва чуқурлаштириб, шу тариқа халқларнинг тинчлиги, тараққиёти ва хавфсизлиги ишига катта ҳисса қўшамиз. Биз қардош мамлакатларга мурожаат этиб, Совет Иттифоқи бундан буён ҳам сизларнинг ишончли дўстингиз ва содиқ иттифоқчингиз бўлиб қолавереди, деймиз.

Мустамлака қарамлиги сиртмоғини улоқтириб ташлаб, мустақил ривожланиш йўлига ўтган халқлар билан бирдамлик партияимиз билан Совет давлати ташқи сиёсатининг асосларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу районида қонли зўравонлик ва уруш ёнғинларининг энг хатарли манбаларини вужудга келтираётган империализм агрессив кучларининг хуружларини қайтаришга мажбур бўлаётган халқлар билан айниқса бирдаммиз, албатта. Халқларнинг ҳаққоний иши тарафини олиш, мана шу манбаларни тугатиш учун курашиш ҳам — ҳозир ер юзида мустақкам тинчлик учун курашнинг зарур ва муҳим йўналишидир. Партияимизнинг бу масалалардаги принципиал позицияси равшан, бегубор ва олижанобдир, бинобарин, биз бу позицияларга муттапил рўйа қилаверамиз.

Энди капиталистик мамлакатлар билан муносабатлар ҳақида гапирмоқчиман. Улуғ Ленин бизга турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципини васият қилиб қолдирган. Биз шу принципга доимо содиқмиз. Ҳозир, ядро қуроли ва ўта аниқ ракетагалар асида бу принцип халқларга ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Афуски, капиталистик мамлакатларнинг айрим раҳбарлари бунини унчалик равшан тушунмаётганликлари ёки тушунишни хоҳламаётганликлари кўриниб турибди.

Империализм агрессив кучларининг телбанамо, авантюрачилик ҳаракатлари инсоният учун ҳозир қандай хавф солаётганини яхши қўриб турибмиз ва бу ҳақда баралла гапириб, ер юзи халқларининг эътиборини мана шу хавфга қаратмоқдамиз. Бизга ҳарбий устунлик керак эмас, биз бошқаларга ўз иродаимизни мажбуран қабул қилдирмоқчи эмасмиз, аммо биз эришилган ҳарбий мувозанатни бузишга йўл қўймаймиз. Биз мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустақкамлаш, урушқоқ авантюрачиларнинг жазавасини пасайтира оладиган етарли воситаларга эга бўлиш ҳақида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверишимиз хусусида ҳеч кимда асло шубҳа-ғумон бўлмай қўя қолсин. Бу — тинчликни сақлаб қолишнинг жуда муҳим шартидир, ўртоқлар.

Буюк, социалистик давлат бўлиш Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш ва мустақкамлаш учун халқлар олдидаги ўз масъулиятини тўла-тўқис англайди. Биз барча қитъалардаги давлатлар билан тинч ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Биз барча низоли халқаро проблемалар жиддий, тенг ҳуқуқли, амалий музокаралар йўли билан тинч ҳал этилиши тарафдоримиз. СССР халқаро кескинлигини камайтиришга амалий ишлар билан ёрдам беришга, дунёда ишонч муҳитини вужудга келтиришга тайёр бўлган, бошқача қилиб айтганда, ҳақиқатан ҳам урушга тайёргарлик кўришни эмас, балки тинчлик негизларини мустақкамлашга интилувчи барча давлатлар билан тўла-тўқис баҳамжиҳат иш қўравереди. Биз шу мақсадлар йўлида барча мавжуд воситалардан, шу жумладан, албатта, тинчликни сақлаш ва мустақкамлаш учунгина тузилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан ҳам тўла-тўқис фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўртоқлар, биз инсониятнинг тинч келажаги ва тараққиёти учун курашда миллион-миллион синфдош қардошлар билан, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг кўп сонли отрядлари билан қўлни-қўлга бериб бораётганимиз биз, совет коммунистларини астойдил қувонтиради. Пролетар интернационалиزمни принципига бениҳоя садоқатли бўлган бизлар чет эллик ўртоқларимизнинг меҳнатқашлар манфаатлари ва ҳуқуқлари йўлидаги курашига қизгин хайрихоҳлик ва астойдил хурмат

билан қараймиз ҳамда ўртамиздаги алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашни ўз бурчимиз деб биламиз.

Партиямизнинг халқаро ишлардаги йўли ҳақида бугун мана шуларни айтмоқчи эдим. Совет халқи бу йўлни сидқидилдан қизгин қўллаб-қувватлашига ишончимиз комил.

Ўртоқлар!

Совет кишилари ўзларининг ҳамма ютуқларини партиянинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ деб билдилар. Оммага астойдил садоқатли партия омманинг тўла ишончини қозонган.

Яқиндагина партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси тугади. Бу кампания коммунистларнинг онглилиги ва активлиги юксак даражада эканини яна бир бор кўрсатди. Обрў-эътиборли, тажрибали, билимдон кишилар раҳбарлик лавозимларига сайланди.

Пленум ишида ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари қатнашмоқдалар. Ўртоқлар, сизларга алоҳида мурожаат этмоқчиман. Сизларнинг вазифаларингиз, юмушларингиз доираси нақадар кенглиги Марказий Комитетга яхши маълум. Кундалик, яқин вақт ичидаги ва стратегик вазифаларимизнинг ҳал этилиши ҳам кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ эканлигини биледи. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси аминдирки, сизлар саноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш, омманинг меҳнат ғайратини ошириш учун, халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тadbирларни рўёбга чиқариш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қиласизлар. Шу тариқа партиянинг авангардлик ролини ошириш учун ҳам ҳамма ишларни қиласизлар.

Партиямиздаги сайлаб қўйиладиган ҳар қандай лавозим — масъулиятли лавозимдир. Партия комитетига сайланишни партия аъзоларининг ўз ўртоқларига берган ўзига хос ишонч кредити деб билмоқ керак. Бу ишонч эса фидокорона меҳнат билан оқланиши лозим. Бўлиб ўтган йиғилишлар ва конференцияларнинг қатнашчилари мана шундай наказ беришди. Ҳозир — СССР Олий Советига сайлов арафасида партия депутатликка номзод қилиб кўрсатилган, давлат ҳокимиятининг олий органига қирадиган коммунистларга ҳам мана шундай талабчан наказ беради.

Совет коммунистлари сафларининг жипслиги — уларнинг битмас-туганмас куч-қудратидир. Ленин ибораси билан айтганда, «Визнинг ҳаммамиз, партия аъзолари бир кишидек иш кўрганамиз» тақдирда бу куч тўла-тўқис намоён бўлади. КПСС ленинчи Марказий Комитети, унинг раҳбар ўзаги — Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси айна мана шундай жипслашиб, аҳил ишламоқда. Бу эса ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг иттифоқини, ССР Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга олиб борадиган яхши текширилган, атрофлича ўйланган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Юрий Владимирович Андропов чинакам партиявий, ишчан ва ижодий мухитни вужудга келтиришга кўп куч сарфлади. Мана шу мухит партия Марказий Комитети ишининг зарур шarti бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу — КПСС обрў-эътибори янада ўсишининг, коммунистик бунёдкорлик соҳасида олдимизда турган катта ва мураккаб вазифалар муваффақиятли ҳал этилишининг гаровидир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. ТИХОНОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Коммунистик партия, халқимиз, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати оғир жудоликка учрадилар. Партиямиз билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Юрий Владимирович Андропов ҳаётдан кўз юмди.

Юрий Владимирович Марказий Комитетга қисқа муддат, бир йилдан сал кўпроқ вақт бошчилик қилди. Аммо шу вақт ичида нақадар кўп ишлар қилинди. Партия XXVI съезд йўлига амал қилиб, уни ижодий бойитиб, КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида иқтисодий ва социал тараққиётнинг барча йўналишларида мамлакатнинг дадил олға силжишига эришди.

Юрий Владимировичнинг фаолияти кўп қиррали эди, партия унга ишониб топширган масъулиятли лавозимларда у ўзининг бутун кучи ва билимини халқ манфаатларига хизмат қилишга бағишлаб келди.

Юрий Владимировичнинг Марказий Комитет 1982 йил ноябрь Пленумида ва шундан кейинги Пленумларида сўзлаган теран нутқлари ҳаммамизнинг ёдимиздадир. Ана шу нутқларда социализм афзалликларини рўёбга чиқариш, коммунистик қурилишнинг актуал проблемаларини ҳал этишнинг аниқ программаси кўрсатиб берилган эди.

У Марказий Комитетнинг, Сиёсий бюронинг коммунистларни, барча меҳнаткашларни экономикани жадал ривожлантиришга, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга сафарбар этиш соҳасидаги фаолиятини моҳирлик ва зўр ғайрат билан йўналтириб турди.

Юрий Владимирович коллектив тажрибасига таяниб, ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларини сезgirлик билан пайқаб олиб, партиянинг Совет давлати қудратини кучайтириш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш борасидаги ишига катта шахсий ҳисса қўшди.

У партиянинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини, термоядро уруши хавфини тугатишга, империализмнинг агрессив кирдикорларига қатъий зарба беришга қаратилган йўлни изчиллик билан амалга ошириш учун саботматонат билан курашди.

Биз ҳаммамиз партиямиз бошига, бутун совет халқи бошига тушган оғир жудоликдан чуқур қайғурмоқдамиз. Аммо ленинчи коммунистларнинг бурчи ўз сафларини яна ҳам маҳкамроқ жипслаштиришдан, партия билан халқнинг бирлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси қатъий ишонч билдирадиги, Марказий Комитет Пленуми партиянинг бундан буён ҳам ленинча тўғри йўлдан қатъий ва изчил бораверишга бўлган букилмас иродасини бутун мамлакат олдида, бутун дунё олдида намойиш қилади.

КПСС тарихий XXVI съезди ва Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумлари ишлаб чиқаришни интенсивлаш, экономика самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўлиқроқ қондириш соҳасида ишлаб чиққан йўл қатъият ва собитқадамлик билан ўтказилаверади.

Партия ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқини, Ватанимиз халқларининг қардошларча дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлайверади.

КПСС билан Совет давлати барча мамлакатларнинг халқлари ўртасида

тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик идеалларига, социал тараққиёт идеалларига ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар.

Азиз ўртоқлар!

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети Бош секретари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди ва Пленумга ўртоқ Константин Устинович Черненко партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлашни таклиф этишни яқдиллик билан менга топширди.

Константин Устинович бой ҳаёт мактабидан ўтган. У деҳқонларнинг қийин меҳнати ҳам, солдат хизмати ҳам, қишлоқ райкомининг юмушларини ҳам билади.

У кўп йиллар давомида Красноярск, Пенза, Молдавия партия ташкилотларида, КПСС Марказий Комитети аппаратида партия ишининг масъулиятли участкаларига бошчилик қилди.

Константин Устинович қаерда меҳнат қилмасин, у ҳамиша омманинг истеъдодли ташкилотчиси, марксизм-ленинизм ғояларининг оташин пропагандисти, улуг партиямиз сиёсатини амалга ошириш учун букилмас курашчи эканлигини кўрсатиб келди.

Константин Устинович коммунистларга, совет кишиларига Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби сифатида, Леонид Ильич Брежнев ва Юрий Владимирович Андропов каби Ленин типидagi раҳбарларнинг содиқ сафдоши сифатида яхши маълум.

Константин Устинович Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва секретариатида ишлаб, партия ва давлат раҳбарлигининг ленинча услубини ривожлантириш ҳамда қарор топтириш учун кўп иш қилди, ижтимоий ривожланишнинг энг муҳим масалаларини чуқур тушуниш, эришилган натижаларга ва ҳал этилмаган проблемаларга баҳо беришда реалистик ёндашув, кадрларга нисбатан юксак талабчанлик ва айни вақтда уларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва тажрибасига таяниш унга хос хусусиятлардир.

Ўз ғайрат-шижоати билан, ҳар қандай ишга новаторларча муносабатда бўлиши билан кишиларни илҳомлантириб, ўртоқларни аҳил коллективчилик ишига жипслаштира олиш маҳорати Константин Устиновичга хос фазилатдир.

Унинг доимо омма билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжини, унинг хоҳ истеъдодли олим, ёки донгдор металлург, солдат онаси ёки ёш ёзувчи бўлишдан қатъи назар, ҳар бир инсон тақдирига эътиборини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Константин Устинович ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштиришга доир катта назарий проблемаларни ишлаб чиқишда, КПССнинг одис истиқболга мўлжалланган идеологик фаолиятининг яхлит концепциясини яратишда катта роль ўйнади.

Константин Устинович тинчликсевар ташқи сиёсатимизнинг стратегик йўналишларини шакллантиришда, КПССнинг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятида жуда актив иштирок этмоқда.

Бизнинг ҳарбий ходимларимиз Константин Устинович мамлакатнинг муҳофаза қобилиятини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларни замонавий техника билан таъминлаш, Армия ва Флотнинг шахсий составини ғоявий чиниқтириш масалалари билан қағчалик кўп шуғулланишини биладилар.

Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимида партиямизнинг жанговар штабига муносиб бошчилик қилишига Сиёсий бюронинг ишончи комил.

Ленинчи Марказий Комитет ва унинг раҳбар ўзаги теварагида маҳкам жипслашган, партия XXVI съезидида, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида ишлаб чиқилган равшан ва аниқ ҳаракат программаси билан қуролланган коммунистлар, барча совет кишилари келажакка зўр ишонч билан назар ташламоқдалар ҳамда улуг Ватанимизнинг тобора равшан топишини ўзларининг фидокорона меҳнати билан таъминлашга азму қарор бергандирлар.

КПСС Марказий Комитети
Сиёсий бюросининг аъзоси,
КПСС Марказий Комитетининг секретари
ўртоқ М. С. Горбачев нутқи

Ўртоқлар! Биз партия билан халқ ҳаётидаги масъулиятли моментда тўпланган Марказий Комитетнинг навбатдан ташқари Пленумини тугаллаяпмиз. Пленум яқдиллик ва жипслик вазиятида ўтди. Пленумда партия ва халқ олдида ғоят катта масъулият ҳис қилган ҳолда раҳбарликнинг давомийлиги масалалари ҳал қилинди.

Пленум шуни кўрсатдики, партия бундан буён ҳам КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетнинг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари ишлаб чиққан ленинча йўлдан бораверади. Бу нарса ўртоқ Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари вазифасига яқдиллик билан сайланганлигида, унинг КПСС Марказий Комитетининг бугунги Пленумидаги нутқида партия ва давлатнинг ички сиёсати ва ташқи сиёсий фаолияти юзасидан баён қилинган қоида ва хулосалар тўла-тўқис қўллаб-қувватланганлигида, алоҳида куч билан намоён бўлди.

Сиёсий бюро номидан ишонч билдириб айтишга рухсат этгайсизларки, Марказий Комитет аъзолари, Пленумнинг барча қатнашчилари жойларга, партия ташкилотларига қайтиб, партия Марказий Комитетининг ушбу Пленуми учун характерли бўлган бирлик ва жипслик, юксак талабчанлик ва масъулият руҳида иш олиб борадилар.

Ҳаммаларингизга ишда муваффақиятлар тилаймиз.
Пленум ёпиқ деб эълон қилинади.

Константин Устинович ЧЕРНЕНКО

Константин Устинович Черненко 1911 йил 24 сентябрда Красноярск ўлка Новоселово районининг Большая Тесь қишлоғида туғилган, миллати — рус.

1931 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли — педагогика институтини ва ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Партия ташкилотчилари олий мактабини тамомлаган.

К. У. Черненко меҳнат фаолиятини эрта бошлаб, қулоқларга ёлланиб ишлади. Унинг шундан кейинги бутун меҳнат фаолияти комсомол, сўнгра партия органларидаги раҳбарлик иши билан боғланди. 1929 — 1930 йилларда К. У. Черненко Красноярск ўлка Новоселово район комсомол комитетининг пропаганда ва агитация бўлимига мудирлик қилди. 1930 йилда у кўнгилли бўлиб Совет Армиясига борди. 1933 йилгача чегара қўшинларида хизмат қилди, чегара заставаси партия ташкилотининг секретари бўлди.

К. У. Черненко армиядаги хизматни тугатганидан кейин Красноярск ўлкасида: Новоселово ва Уяр район партия комитетларининг пропаганда ва агитация бўлими мудир, Красноярск ўлка партия маорифи уйининг директори, Красноярск ўлка партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, шу ўлка партия комитетининг секретари бўлиб ишлади.

1943 йилдан бошлаб К. У. Черненко ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Партия ташкилотчилари олий мактабида ўқиди. 1945 йилда ўқишни тамомлагач, Пенза область партия комитетининг секретари бўлиб ишлади. 1948 йилда Молдавия ССРга юборилди ва Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг Пропаганда ва агитация бўлими мудирини этиб тасдиқланди. У шу лавозимда ишлаганида республикадаги иқтисодий ва маданий қурилишга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга кўп куч ва билимини сарфлади.

К. У. Черненко 1956 йилда КПСС Марказий Комитети аппаратида ишлашга кўтарилди, бу ерда у Пропаганда бўлимидаги секторга бошчилик қилди ва айни вақтда «Агитатор» журналі редакция коллегиясининг аъзоси қилиб тасдиқланди. 1960 йилдан бошлаб СССР Олий Совети Президиуми Секретариатининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1965 йилда К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Умумий бўлимининг мудирини этиб тасдиқланди. 1966 — 1971 йилларда у КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат бўлди. Партиянинг XXIV съездида (1971 йил март) КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб, 1976 йил мартда эса партия XXV съезидан кейин ўтказилган КПСС Марказий Комитетининг Пленумида КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди.

1977 йилда у КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, 1978 йилдан бошлаб эса Сиёсий бюронинг аъзосидир. 7—10-қақриқ СССР Олий Советининг депутаты. 10-қақриқ РСФСР Олий Советининг депутаты. К. У. Черненко Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган халқаро кенгашда (Хельсинки — 1975, йил) совет делегациясининг аъзоси бўлди, қуролсизланиш масалалари юзасидан Венада ўтказилган музокараларда қатнашди (1979 йил).

Константин Устинович Черненко — Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбобидир. Партия унга қайси лавозимни топширмасин, ҳамма жойда у юксак ташкилотчилик қобилиятларини, партиявий принципаалликни, улуг Ленин ишига, коммунизм идеалларига содиқлигини кўрсатди. К. У. Черненко партиянинг совет жамияти турмушидаги раҳбарлик ролинини ошириш, партия ва давлат ишининг услуби ва методларини такомиллаштириш, социалистик демократияни ривожлантиришнинг актуал масалалари юзасидан бир неча илмий асарлар ёзди. КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида К. У. Черненко доклад қилиб, ҳозирги шароитда КПСС идеология фаолиятини яхшилашнинг энг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Константин Устинович Черненко Ватан олдидаги катта хизматлари учун икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди ва учта Ленин ордени, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва Совет Иттифоқининг кўпгина медаллари билан мукофотланди. У Ленин мукофотининг лауреатидир.

К. У. Черненко социалистик мамлакатларнинг олий мукофотларига сазовор бўлган.

**КПСС Марказий Комитети,
СССР Олий Совети Президиуми,
СССР Министрлар Советининг
Коммунистик партияга, совет халқига
муурожаати**

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудодликка учрадилар. Ленин партияси билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Юрий Владимирович Андропов вафот этди.

Унинг ҳаёти — партия билан халқ манфаатларига, улуг Ленин ишига садоқатли хизмат қилиш намунасидир. Партиянинг иродаси билан Юрий Владимирович Андропов меҳнат қилган ҳамма лавозимларда ўзининг бутун кучи, билимини, жуда катта ҳаётий тажрибасини партия сиёсатини муттасил амалга оширишга, коммунизм ғояларининг тантанаси учун курашга сарфлади. Ю. В. Андроповнинг бутун кўп қиррали фаолиятида — комсомол ишида ва Улуг Ватан уруши йилларида Карелиядаги партизан ҳаракатини ташкил этишда, партия ва дипломатия фаолиятининг энг масъулиятли участкаларида йирик сиёсий раҳбарга хос фазилятлари яққол намоён бўлди. У давлатимизнинг ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга кўп меҳнат сарфлади.

Ленин типидagi раҳбар — ўртоқ Андроповнинг буюк қобилияти ва ташкилотчилик истеъдоди унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимларидаги ишида яққол кўринди.

Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетига қисқа муддат бошчилик қилди. Аммо шу вақт ичида партия ўзининг XXVI съезди йўлидан бориб, уни ижодий бойитиб, иқтисодий ва социал тараққиётнинг ҳамма йўналишларида мамлакатнинг дадил олға силжишини таъминлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари партия билан халқнинг турмушида, уларнинг бузилмас бирлигини мустаҳкамлашда муҳим босқичлар бўлди. Пленумларнинг қарорларида, Ю. В. Андроповнинг нутқларида партиянинг ҳозирги замон стратегияси — етуқ социализмни такомиллаштириш стратегияси ривожлантирилди ва конкретлаштирилди.

Шу даврда партия билан халқнинг куч-ғайратлари экономика ривожини жадаллаштиришга, халқ хўжалигини бошқаришни яхшилашга, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрларнинг масъулиятини оширишга, омманинг ижодий активлигини ривожлантиришга қаратилди.

Партия қабул этган тадбирлар бир мақсадга — совет кишиларининг фаровонлигини ўстиришга, Совет давлатининг қудратини кучайтиришга бўйсундирилди. Мана шу ишларнинг ҳаммасида Юрий Владимирович Андроповнинг хизматлари жуда катта.

Ю. В. Андропов социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлашга, халқларнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашга анчагина ҳисса қўшди.

Унинг раҳбарлигида КПСС Марказий Комитети билан Совет давлати жаҳон майдонида ленинча ташқи сиёсат йўлини — термоядро уруши хавфини тугатиш, империализмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба бериш, халқлар тинчлиги ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлини изчиллик ва сабот билан амалга оширдилар.

Шу қайғули кунларда коммунистлар, бутун совет халқи ўз сафларини партия ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипсаштирадидлар. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари Коммунистик партияни ўзларининг синалган, коллектив йўлбошчиси деб билиб, унинг халқ туб манфаатларини ифодаловчи ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун астойдил курашишга азму қарор берганлар. Партиянинг ленинча йўли ўзгармасдир. Партия КПСС XXVI съезди, унинг Марказий Комитети кейинги Пленумлари ишлаб чиққан аниқ ва равшан ҳаракат программаси билан қуролланган.



КПСС ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, уюшқоқлик ва интизомни кучайтириш, халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини муттасил ўстириш йўлини бундан буён ҳам сабот ва собитқадамлик билан ўтказаверади. У ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлайверади, социалистик демократияни ривожлантираверади, одамларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализи, коммунизм улуғ идеалларига садоқат руҳида тарбиялайверади.

Ҳозирги хатарли равишда кескинлашган мураккаб халқаро вазиятда КПСС, Совет давлати тинчлик ишини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилишни, сабот-магонат ва ҳушёрлик кўрсатишни, империализмнинг авантюрачилик режаларини қатъиян барбод этишни, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашни ўзларининг энг муҳим бурчи деб ҳисоблайдилар.

Совет халқи — низоли халқаро масалаларни куч билан ҳал этишга астойдил қаршидир. Урушларсиз дунё — бизнинг идеалимиздир. Мустаҳкам тинчлик учун курашда қардош социалистик мамлакатлар, коммунистик ва ишчи партиялар, миллий ва социал озошлик учун курашчилар, термоядро фалокатининг олдини олишга интилаётган кенг халқ оммаси биз билан ҳамдамдирлар.

Партиямиз билан давлатимиз турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини бундан буён ҳам қатъият билан изчил амалга ошираверадилар. Биз барча мамлакатлар билан тинчликда яшашни, тинчлик йўлида ҳалол ва амалий ишлашга тайёр бўлган ҳукуматлар ва ташкилотлар билан актив ҳамкорлик қилишни хоҳлаймиз.

Партия Марказий Комитети, унинг раҳбар ўзаги Ленин байроғига, Улуғ Октябрь ишига сикдидилдан содиқ эканликларини совет халқи жуда яхши билади. Партия халқнинг ишончини муқаддас билиб қадрлайди ҳамда совет кишиларининг фаровонлигини ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятининг олий мақсади деб ҳисоблайди. Партия билан халқ бирлиги куч-қудратимизнинг манбаи бўлиб келди, ҳозир ҳам, шундай ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

Юрий Владимирович Андропов коммунистларнинг, барча совет кишиларининг хотирасида Маркс-Энгельс-Ленин таълимотига астойдил садоқатли, принципаал ва камтарин, меҳнат аҳлига меҳрибон, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгир, ҳамма нарсани социалистик Ватан манфаатларига бўйсундиришга маҳоратли инсон бўлиб абадий сақланиб қолади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишонч билан айтадиларки, коммунистлар, барча совет кишилари ўзларининг синфий онглилиги ва уюшқоқлигини, ўзларининг юксак коллективчилик фазилатларини янги куч билан намоён этадилар, халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини, Улуғ Ватанимизнинг янада раванқ топишини собитқадам, фидокорона меҳнат билан таъминлайдилар.

Комил Яшин,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

ХАЛҚ БЕРГАН МАНДАТ

Бизнинг халқимиз тинчлик тарафдори. Шу боис бор куч ва имкониятини бу муқаддас ишнинг жаҳондаги барча халқлар ҳаётида қарор топиши учун сарфлаб келмоқда. Айниқса, тинчлик кун тартибининг бош масаласи бўлиб турган бугунги кунда совет халқининг ушбу йўлдаги қураши янада равшанроқ намоён бўлмоқда. Маълумки, Америка ҳукмрон доираларининг агрессив хатти-ҳаракати туфайли халқаро вазиятда кескин бир ҳолат юзага келди. Шундай пайтда совет халқи КПСС Марказий Комитети теварагига яна ҳам маҳкамроқ жипслашмоқда, жонажон Коммунистик партиямиз билан давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, уларнинг жаҳонда тинчликни сақлаб қолиш, термоядро уруши хавфини бартараф этиш борасида сабот билан олиб бораётган қурашини қизгин маъқулламоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа ҳисобланган СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловлар бунинг ёрқин бир далилидир. У халқ депутатлари Советлари фаолиятининг ўзига хос кўриги бўлиши билан бирга, давлатчилигимизни такомиллаштириш ва социалистик демократияни янада чуқурлаштириш борасида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун унга тайёргарлик совет жамиятини иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ривожлантиришнинг аниқ вазифалари билан узвий боғлиқликда олиб боришни тақозо қилади. Бу эса ҳар бир кишидан, ишининг туридан қатъи назар, фидойиликни, меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни, интизомни, актив ҳаракатни талаб этади. Бунда, албатта, коммунистлар, барча босқичларнинг депутатлари ўрнатилган бўлмоқлари лозим. Сайловнинг асосий моҳияти ана шу асосга қурилиб, унга кўрсатиладиган номзодларнинг амалий ва сиёсий фазилатлари шу жиҳатдан баҳоланмоғи керак. Ҳар бир лаҳзаси янги орзулар, катта ишонч билан йўғрилган бугунги воқелигимиз совет турмуш тарзини, халқимизнинг маънавий кучлари барқ урганлигини, фаровонлик ошганлигини кўрсатиш учун бой материал беради. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда биз, ижодкорлар, халқимизнинг фидокорона меҳнатини асарларимизнинг бош тасвир замирига кўчириб, теран акс эттирмоғимиз даркор. Ўзининг ҳалол меҳнати, ташаббуси, зукко ақл-идроки эвазига эл ўртасида обрў ва эътибор топган кишилар билан адабий қаҳрамонлар даврасини кенгайтириш асосий ишларимиздан биридир. Чунки, халқ ана шундай ўғил-қизларини ўзининг олий органига номзод қилиб кўрсатди. Уларга ишонч мандатини берди.

Бу шарафли ва жуда масъулиятли мандат. Шарафи аён. Масъулияти шундан иборатки, доимо фикри ёдинда сенга овоз берган одамларнинг ишончи турмоғи шарт. Ана шунга муносиб номзодгина халқ берган ушбу ишонч мандатини олишга муяссар бўлади. Бу, кўп йиллик депутатлик тажрибамдан туғилган хулоса.

ЯҚДИЛЛИК РУҲИ

Мана, ўн биринчи беш йилликнинг яна бир, учинчи йили муваффақият билан якунланди. Жонажон республикамиз, барча қардош республикалар қатори, халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича улкан ютуқларни қўлга киритди. Буни мен Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1984 йил январь ойида бўлиб ўтган навбатдаги сессияси мажлисларида халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган депутатларнинг нутқларини диққат билан тинглаб ўтириб, яна бир бор чуқур ҳис қилдим.

Сўзга чиққан барча депутатлар коммунистик партия ва совет халқига садоқат руҳи билан суғорилган нутқларида республикамиз халқ хўжалиги ва маданий қурилишининг ҳамма соҳаларида олдинга силжиганимизни, ижтимоий ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ўсаётганлиги, меҳнат унумдорлиги ошганлиги, социал вазифалар мунтазам равишда бажарилаётганлиги, агросаноат комплекси меҳнаткашлари Озиқ-овқат программасини амалга ошира бориб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини тобора кўпроқ етиштираётганликлари, бу борадаги қийинчиликлар, кўндаланг бўлаётган масалалар ҳақида ҳаяжон билан гапирдилар. Айниқса республика пахтакорларининг зўр ғайрат билан қилган фидокорона меҳнатлари натижасида 1983 хўжалик йили учун белгиланган давлат планини бажарганликлари дилларни қувончга тўлдирди.

Дарвоқе, ўтган йил ўзбекистонлик пахтакорлар учун гоёта оғир келди: баҳорда юз берган бевақт ёгин-сочин туфайли чигит кўпчилик районларда қайта экилиб, ғўза ривожини одатдагидан кечикди, ёзга бориб, кун бениҳоят исиб кетди, сув танқислиги юз берди, ўсимлик танасида етишаётган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди.

Аммо бу қийинчиликлар ўзбек пахтакорини эсанкиратиб қўймади, аксинча у ғайрат, фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилиб, мўлжалдаги ҳосилни етиштирди. Энди уни нобуд қилмай, йиғиштириб олиш керак эди. Бунинг учун Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир одам, у ишчими, деҳқонми, зиёлими, студентми ва мактаб талабасими — ҳамма партия ҳамда ҳукумат чақирғига яқдиллик билан жавоб бериб, ўзини пахтакор деб эълон қилди ва пахтазорга отланди. Етиштирилган ҳосилнинг сўнгги миқдориғача нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун бошланган кураш қизиқ кетди. Совет кишиларидаги яқдиллик руҳи бу курашда ҳаммавақт устивор бўлди, уларни пахтачилик тарихида юз берган бемисл қийинчиликларни енгиб ўтишга рағбатлантирди. Шундай қилиб, Ўзбекистон пахтакорлари давлат планини муддатидан олдин бажардилар. Бу билан меҳнатда ниҳоятда улкан қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар.

Бугина эмас. Республика меҳнат аҳли қишлоқ хўжалигидаги бошқа тур маҳсулотлар тайёрлаш ва давлатга сотиш планларини ҳам ортиғи билан адо этганликлари баробарида, саноатнинг барча тармоқлари бўйича ҳам белгиланган кўрсаткичларни эгалладилар.

Бу ҳол республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари томонидан қабул қилинган қарорларда совет кишилари олдиға қўйилган вазифаларни сабот-матонат билан амалга ошириб келаётганларидан яққол далолат бериб турибди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг январь ойидаги сессияси

республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йил учун Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳаларини яқдиллик руҳи билан бир овоздан маъқуллади ва қонунлар қабул қилди. Чунки бу ҳужжатларда партиямизнинг иқтисодий стратегияси ўз ифодасини топган, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада муттасил ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш, халқ фаровонлигини ўстириш, совет кишиларининг тинч, фаровон ҳаётларини ҳимоя қилиш учун мамлакатимиз мудофаа қудратини муносиб даражада сақлаб туриш ҳам назарда тутилганди.

Маълумки, кейинги йилларга келиб Америка империализми, шахсан оқ уйнинг ҳозирги хўжайини Рональд Рейган бошчилигидаги маъмурият ва унинг НАТО блокига кирувчи ҳамкорлари айби билан башарият бошида ядро уруши хавфи пайдо бўлди. Империалистлар қуролланиш пойгасини авж олдириб, бу йўлда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган миқдорда маблағ сарфлашдан тоймаётирлар ва бу билан ҳарбий қудратда устунликка эришмоқчи бўлаётирлар. Рейган маъмурияти Европа мамлакатларига ўзларининг ядро зарядли ракеталарини жойлаштиришга киришиб, Англия, Германия Федератив Республикаси, Италия тупроғига ўртача узоқликка учадиган ракеталари қурилмаларини ўрнатдилар.

Бизнинг тинч ижодий меҳнатимиз, адолатли ижтимоий давлат тузумимиз, турмуш тарзимиз Ғарбдаги империалист доираларнинг ғашини келтиради. Шунинг учун ҳам улар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши «салб юриши»ни хаёл қиладилар, бизларни яқкалаб қўйишга интиладилар, бу билан коммунистик жамият куриш йўлидаги курашимизга путур етказмоқчи бўладилар.

Биз Коммунистик партиямиз Марказий Комитети ҳамда Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсат борасидаги фаолиятини тўла маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили учун тузилган Давлат планини маъқуллади. Олий Совет навбатдаги сессиясида мазкур планни муҳокама қилди ва тасдиқлади. Бу план партиямизнинг бош йўлига мос келади ва халқимизнинг туб манфаатларига хизмат қилади.

СССР Олий Совети сессияси Совет давлатининг олий органига сайланган депутатларнинг ваколатлари тугаганлигини ҳисобга олиб, давлатимизнинг юқори органига 4 март куни сайлов белгилаган эди. Совет халқи шонли Ватанимизнинг энг илғор ўғил-қизларини депутатликка номзод қилиб кўрсатганларида ҳам ўша яқдиллик руҳи устивор турди. Бу сайлов кампанияси ҳам, олдингилари сингари, социалистик халқ ҳокимиятини янада ривожлантириш, барча босқичдаги Советларнинг обрў-эътиборини ошириш, коммунистлар билан партиясизлар блокани мустаҳкамлаш шиори остида ўтди. Сайлов натижалари совет халқи ўзининг ишчи, колхозчи, зиёли синфига мансуб энг синалган партияли ҳамда партиясиз фарзандларининг номзоди учун яқдиллик руҳи билан овоз берди. Бу билан халқимиз совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини бир оғиздан маъқуллаётганини яна бир намоёиш қилди. Бу эса, социалистик демократиянинг навбатдаги бемисл ғалабасидир.

Бизнинг вазифамиз — Коммунистик партия атрофига янада мустаҳкам жипслашиб, мазкур планни ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан бажариш йўлида юксак меҳнат, сифат интизоми намуналарини кўрсатган совет кишиларининг эсда қоладиган ёрқин бадий образларини яратиш, уларнинг ижодий меҳнатини, жасоратини қуйлаш, социалистик турмуш тарзимизнинг афзалликларини жонли мисолларда ифодалаш, гоявий душманларимизнинг чиркин башараларини очиб кўрсатиш билан жаҳонда тинчликни сақлаб қолиш ишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ

Ўзбек халқи, Совет Иттифоқидаги барча қардошлари каби, халқ ҳокимиятининг юқори органига — Олий Советга ўтказилган сайловга депутатлар сайлади. Мен СССР Олий Советига ўтказилган барча сайловларда иштирок этганман. Ҳар бир сайлов жуда кўтаринки руҳда, ғоят фаоллик билан ўтади. Ҳар бир сайлов чинакам демократиянинг намоиши, коммунистлар билан партиясизлар бирдамлигининг ёрқин намунаси сифатида ўтади. Нима учун сайлов бизнинг мамлакатимизда юқори савияда бўлади? Нима учун сайлов кунлари байрамга айланиб кетади? Сабаби оддий: ҳар бир одам халқ ҳокимиятига мансаби, ҳунаридан қатъи назар, ўзи лойиқ кўрган номзодни кўрсата олади ва сайлайди.

Доҳий В. И. Ленин таъбири билан айтганда, демократизмнинг юксак шакли фақат Совет давлатидагина қарор топиши мумкин. Не бахтки, биз доҳийнинг ана шу кўрсатмалари амалга ошган даврда — социализмда яшамоқдамиз. Социалистик демократия ва гуманизм қарор топган, ҳар бир инсонга тўла ҳуқуқлар берилган, инсоний бахтга эришмоқ учун барча шароитлар яратилган жамиятда яшаш бизга насиб этипти. Мен мана шундай жамият орзу қилинган даврларни ҳам яхши эслайман. Бир томондан чоризм, бир томондан хонлик ва амирлик, маҳаллий бойлар исканжасида эзилган халқнинг оху фиғонига гувоҳ бўлганман.

Қаранг, бир кишининг умричалик ўтган даврда халқ қандай камолотга эришиши мумкин экан! Жаҳолат ботқоғидан тараққиёт шоҳсупасига бу қадар тарихий қисқа муддатда, ақл лол қоладиган қисқа муддатда чиқиш учун нима зарур эди? Бойликми? Эртақларда орзу қилингани каби одил шоҳми? Ёки ноҳир истеъдодларми? Йўқ! Тарихдан маълумки, мамлакатнинг бойлиги ҳам етарли эди, тараққийпарвар шоҳлар ҳам ўтган, истеъдодлар ҳам топиларди. Аммо энг муҳим нарса — ана шу истеъдодларни юзага чиқарадиган бир куч — халқ ҳокимияти йўқ эди! Халққа эркинлик берадиган ҳокимият йўқ эди.

Бирон-бир жамиятнинг афзаллиги асосан бу жамиятнинг меҳнаткаш оммага ва унинг манфаатларига бўлган муносабатида кўринади. Улуғ Октябрь инқилоби ана шу муносабатни халқ манфаати томонга йўналтирди. Оқибатда инқилоб туфайли бунёд этилган янги жамиятда меҳнаткаш омма тарихни ҳаракатлантирувчи кучга айланди. Ҳам моддий, ҳам маънавий бойлик эгаси бўлди. Социалистик тузум давлатнинг меҳнаткашга бўлган муносабатида ҳам ўзгариш ясади. Меҳнатнинг мазмуни ҳам ўзгарди. Халқ эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Инсон ва унинг саломатлиги давлатнинг энг катта бойлигига айланди.

Инқилобга қадар одам ҳам, унинг оиласи, уй-жойи ҳам хоннинг ёки амирнинг хусусий мулки эди. Амир йилномачиларидан бири ёзиб қолдирган воқеа менга сира тинчлик бермайди. Амударёда сузаётган кема фарқ бўлиб, уч юзга яқин одамнинг нобуд бўлганини эшитган амир: «Бу фалокат оллоҳнинг иродаси туфайли юз берди. Оллоҳ иноят қилганлар фалокатдан омон чиқдилар. Қурбонларга куюнишдан не фойда? Амирликнинг фуқароси беҳисоб. Уч юзта кам бўлди-ю, кўп бўлди, фарқи йўқ», деган экан. Кўпни кўрган оқсоқоллар одамга арзимас буюм сифатида қаралган ўша замонларни яхши эсласалар керак.

Социалистик жамиятда меҳнат — ижодга айланган. Меҳнат — мусобақа, меҳнат — яратилнинг туганмас қувват манбаи, меҳнат одамлар ўртасидаги самимий биродарликнинг замини.

Меҳнатнинг, янгича меҳнат тарзининг аҳамиятини яхшироқ англаш учун яна ўтган замонга бир назар солиш керак. Хўш, ўтган замонда нимани кўрамиз: меҳнат — азоб-уқубат, меҳнат — одамларни бир-бирига ёв қилувчи восита. Одам ўзи ёки оила аъзолари учун эмас, беклари, арбоблари, судхўрлари, амирлари учун қадди дол бўлиб тер тўкарди. Ўтмиш деганда қулоғимизга оху фарёд эшитилишининг сабаби ҳам шундан.

Бугун Мирзачўлдан, Жиззах ва Қарши... чўлларида ўтган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Бу ўзгаришлар ҳам инқилоб туфайли, халқ ҳокимияти амалга оширган буюк ишлар туфайли деймиз. Дарҳақиқат, совет ҳокимияти қарор топган дастлабки йиллариёқ аҳвол оғирлигига қарамадан, ўша даврдаги пул ҳисобида 2.587 триллион сўм маблағ деҳқонларга қарзга берилган. Доҳий кўрсатмаси билан эса, суғориш ишлари учун 50 миллион сўм ажратилган. Суғориш ишлари билан амирлик ва хонлик даврларида ҳам «шуғулланишган». Минглаб деҳқонларни ариқ қазиларга учун «ҳашар»га ҳайдаб чиққанлари тарихдан маълум. Ана шу «ҳашар» йўли билан қазилган ариқлардан оққан сувнинг бойлар ерини суғоргани ҳам маълум. Рометон аҳолисининг «шаккоклиги» учун амир буйруғи билан ариқ беркитилиб, халққа сув берилмагани, оқибатда яшнаб турган ерларни қум босгани, қишлоқнинг хароб бўлгани ҳам маълум. Жаннатдай бир қишлоқнинг дўзахга айланганини мен ўз кўзим билан кўрган эдим.

Социалистик тузум меҳнаткашни фақатгина эксплуатациядан озод қилибгина қолмади. Эркин меҳнат айни чоқда янги инсоннинг шаклланишига, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топишига шароит яратиб берди.

Амир замонида Когонда бўлган одамнинг кўзига фабрика дарвозасининг пештоқидаги «Бухоро амири аъло ҳазратларининг пахта тозалаш заводи» деган зарқал ёзувлар ташланарди. Корхона ишчилари орасида Саъдийнинг: «Амир фикрига қарши гапириш ўз қонингга қўл ювишдай гап», деган доно сўзлари бекор юрмасди.

Амир халққа ўзини одил қилиб кўрсатишга уринган, унинг ана шу «меҳрибонлик»ларидан бири Бухородан Мадинага қараб темир йўли сола бошлагани бўлди. Бу иш учун у тилла баробарида уч юз минг сўм сарф этди. Октябрь инқилобининг ғалабасини эшитгани ҳамон эса йўлни буздириб, шпалларни ёқдириб юборди. Ундан сал илгарироқ, 1915 йилда император Николай амир Саид Олимхоннинг «буюк хизмат»ларини инobatга олиб унга генерал-лейтенант ва генерал-адъютант унвонини бериб, империянинг олий нишони «Андрей Первозванный» ордени билан тақдирлади. Кейин маълум бўлишича, амирнинг «буюк хизмат»лари императорга берилган тилла ҳисобидаги бир миллиондан иборат экан. Агар ўша даврдаги ишчи ёки мардикорнинг эрта саҳардан қоронғи шомгача бўлган бир кунлик даромади 50—60 тийинни ташкил этганини ҳисобга олсак, амирнинг «совғаси» бир ярим миллион иш кунини ташкил этганини кўрамиз. «Халқпарвар» амирнинг инсон меҳнатига бўлган муносабати шундай эди.

Узоқ йиллар, асрлар бадалида халқ барча нарсалардан маҳрум бўлиб яшади. Амирлик ва хонлик тузуми ўзининг сўнгги йилларида ажнабий капиталга мамлакат дарвозаларини ланг очиб, юртни сотиш даражасига етди.

Мен тарихнинг бу қора кунларини бежиз эслаётганим йўқ. Биз бугунги эркин меҳнатга, инсоний ҳақ-ҳуқуққа, демократияга ана ўша кунлардан ўтиб келдик. Ҳақсизлик тузини тотган халқ учун халқ ҳокимияти ва у берган эркинлик, демократия беҳад қадрлидир!

Ҳалима
Худойбердиева



МУҚИМ ЖУРЪАТ ОЛГАН ҚАЛЪНИ – ҚАЛЪАНИ

Хато ҳақида

Кимдандир айб ўтди, хато сўз айтди,
Айтишдик, сўнг хато кетди қалашиб.
Биз йўлнинг ярмида айрилдик, қайтдик,
Қайтдик, йўқ нарсалар учун талашиб.

Кимдир хато қилди, эрми ё хотин,
Сўнг қўшилаверди хатолар қўш-қўш.
Сўнг ҳувиллаб қолди ҳонадон бир тун,
Икки юрак қолди ҳувиллаб, бўм-бўш.

Кимдир хато қилди, сўнг бошланди жанг,
Кейин мурдалардан кўтарилди тоғ.
Жаҳон урушин ҳам аслин сўрасанг,
Ҳеч қачон тузатиб бўлмас бир хато.

Муҳими илк хато, кейин қасдма-қасд
Кураш мушкул уст-уст уруш қорини,
Йигирма миллион шаҳид, ҳамма ҳам билмас
Урушнинг дастлабки сабабқорини.

Илк хато, сўнг келар ҳижрон, ўлим, тиг,
Бевақт бебаҳт қолар не бегуноҳ жон.
Балки бу дунёда улугдан-улуг
Ўзни илк хатодан тиёлган инсон.

«Онамнини айтганлари»дан

I

...Жуфт-халолим! кулгуси сим-сим...
Ох, уруш-эй, кўкайинг синсин.

Синиқ-синиқ кўкайимга сен
Дард-хўрсиниқ кўкайимга сен.

Тоғ устига тоғлар қулатиб,
Доғ устига доғлар қулатиб,

Бор бахтимни юлиб ўтказдинг,
Кўрмагандай қилиб ўтказдинг.

Чимилдиққа кирган дам қани?
Арслонворим, бош эгам қани?

Қирқ йил бағрим қийилиб кутиб,
Бор лаззатдан тийилиб кутиб.

Соб бўлмасдан айрилиқ, азоб,
Наҳот умрим бўлмоқдадир соб.

Сирларимни оқ қорга айта,
Суякларим оқарган пайтда,

Ким кўтарар тобутимни жим,
Жуфт-халолим! кулгуси сим-сим...

II

Мен-ку ерда яшаганим йўқ,
Демасманам арши-аълода.
Камчилик йўқ, кўзим-кўнглим тўқ,
Аммо болаларим, бола-да.

Ўғлим-қизим, қуёш-ойим бор
Ҳам сийнамда айрилиқ тиғи.
Сўнг он қадар оғриқ жойим бор,
Бу — бош эгам ўрнин бўшлиғи.

Интиқом

Ҳаёт синовларига биз дош беролмас
эканмиз, болада нима гуноҳ?
Уткир Ҳошимов

Бир томондан ловиллаб бир қиз ташлар кўз
қирин,

Бир томондан шўх йигит, меҳрталаб, ишқталаб.
Тиллашдилар, жуда тез тушундилар бир-бирин,
Тушунарли тил бўлган ҳамиша ҳам ишқ тили.

Кейин беҳишт боғлари ерга қўнди, кўкарди,
Одам хушбахт қуш бўлар ишқ болини тотган кун.
Кейин куёв келинни бошларида кўтарди,
Сигмадилар дунёга, гўдак, сени топган кун.

Шундай, аввал кўп ташна, ишқни суйиб ичдилар,
Аммо... ўртада совуқ шамол эсиб ўтган дам,
Бир-биридан илдамроқ бир-биридан кечдилар,
Нафрат тили ҳамиша — ханжар, кесиб ўтган
дам.

Улар-ку иш қилдилар ё билмайин, ё қасддан,
Ўз-ўзларин ўйлашиб, ўлда-жўлда сен қолдинг.
Улар икки томонга кетдилар тўхтамасдан,
Тўхтаб қўлларинг чўзиқ, аро йўлда сен қолдинг.

Қутлуғ қувонч эдинг сен, ох, бошинга етдилар,
Қушим, бу не маҳзунлик, кексайиб улгурибсан.
Ош-нўнга зор бўлмаган замонда зор этдилар,
Меҳр тилаб турибсан, шафқат тилаб турибсан.

Улар бири-бирига беролмай қолсалар дош,
Ажралса бир-биридан иккиланмай, кўнгил тўқ,
Нечун сенинг кўзингда қалқимоғи керак ёш?
Сенга тегмоғи керак, нечун, улар отган ўқ?

Уруш йиллардагидай, етим қолдинг тонгларда,
Гўдак, энди кўзингни соғинч, армон тўлдиргай.
Битта фарқи урушда ота ўлган жангларда,
Битта фарқи онани азоб, ҳижрон ўлдирган.

Сенинг отанг-онанг-чи, юрарлар гашт суришиб,
Бўм-бўш уйдаи кўксини кундан-кунга тутиб тик,
Бахт барбод-у, отангнинг иши кетган юришиб,
Бахт барбод-у, онангнинг гул-гул ёнгани қизик.

Нега дунё қораймас бу ҳақсизлик чангидан?
Нега ҳамон дард туғар бу омонат ишқу шон?
Улар фарзанд топарлар янги бахтдан, янгидан
Янги ота-онани сен топмайсан, болажон.

Ҳали гўдак кўксингни не туйғулар доғлайдир,
Хотиранг осмонида улар юргайлар сузиб,
Уйланасан, ўй сени улар билан боғлайдир,
Иўқ, улардан ўзингни олгин ажратиб, узиб!

Сен уларга фарзандмас, ҳеч ушалмас армонсан,
Икки кўнгил тубида битмас яра, ўчмас чўғ.
Сен уларга ўқилган умрлик айб, фармонсан,
Кетказиб бўлмас доғсан, манглайларига ёзуғ.

Мен кўрқаман, бу доғни ювмоқ учун етмас сув,
Қор ёққач из, интиқом доим кетмас босилиб.
Сенинг иккита қўлинг дор арқони бўлар-у,
Отанг-онанг бир тонгда унда қолгай осилиб!

Улар ўзи гишт қўйди бу ёзуққа, асосга,
Гарчанд ҳамон яшайсан ишқу шафқатга илҳақ.
Энди қутлуғ қувонч — сен айлангансан қасосга,
Хукм қатъий «Ал-қасос-ул, ал-қасос-ул минал-
ҳақ!»

Мен қачон қуймайман

Рухингда яқиндир ажиб бир айём,
Унга «ишқ ҳайити» деб берайлик ном,
Еруғ кунлар ишқий жоминг қизғанма,
Ўз қўлингда қолиб кетмасин ул жом.

Елғизлик — инсонга энг сўнгги хўрлик,
Бор-ку ердан танҳо ўтаётганлар.
Қизғанма, бу йўлда шўрликдан-шўрлик
Ўз жоми ўзида кетаётганлар.

Ўртаниб кетаман, кўзим қиймай ман
Кўкламай, гулламай сўлиган танни.
Мен қачон кўрмайман, кўриб қуймайман
Ўз жоми ўзида кетаётганни?

Кўз

Кўзлар ҳали хайқира олур.
Рене Шар

Балли, кўзларимдан дардимни уқдинг,
Аммо кўзларимга келмагил кириб.
Дардимни қўймоққа бошқа жой йўқдир,
Кўзимга қўяман яшириб.

Бунча синчков бўлма, бунча топонғич,
Кўзим дарёсига шўнғимагил, жим.
Ахир, бу дунёда энг бежавф ва тинч
Дард яширар жойим — менинг шу кўзим.

Уртадаги дарё

Тушун, ахир, кўзингдаги нур
Айтар сендан кетолмасимни.
Уртадаги бу дарё чуқур,
Айтар менинг ўтолмасимни.

Бир кун чалғиб, сени этсам тарк,
Қолар бўлсанг ёлғиз, ғам чекиб,
Уртадаги дарё қилар ғарқ,
Улигим ҳам бўлар сеники.

Кетаман

«Назокатнинг достони» туркумидан

Сен ишқимга қилганда гумон,
Дил-дилимни босганда туман,
Келганида жаҳлинг — Есуман,
Мен кетаман, бадар кетаман.

Боғлар аро бошланар хазон,
Ишқнинг қадри, қиммати арзон.
Ишқ ҳовучлаб яшайдирми жон?
Уртаб-ўртаб кадар, кетаман.

Ишқ охудир — отиб қўйдинг сен,
Ишқ сир эди, сотиб қўйдинг сен,
Гумон лойдир — ботиб қўйдинг сен,
Сўнг бор ташлаб назар, кетаман.

Севдим, аввал ўт бўлиб севдим,
Сен ишқники бўларсан девдим.
Сен гумонга кўнгил бердинг жим,
Энди қилиб ҳазар, кетаман.

Ишқит изтироби

Қушим, сени овчи отди,
Дегандим, йўқ, совчи отди.

Юксакдан-ку сен қуладинг,
Тошлар нега менга ботди?

Совчиларнинг тили бурро,
Мен хору зор, хасга тенгман.
Кўкдан-ку сен тушдинг, бироқ
Ер бағирлаб қолган менман.

Энди йўқдир ишқ-қўлловчи,
Энди йўқдир йўлим менинг.
Ераб, сени отган совчи
Билмайдир, бу — ўлим менинг.

Гоҳ кунлар ғаройиб

Гоҳ кунлар ғаройиб, шарҳига йўқ сўз,
Таъми талх шаробдай жоминг тўлдирар.
Дуэлга чиқарди аввал юзма-юз,
Энди бир-бирини зимдан ўлдирар.

Аввалги ошиқлар кўзларида қон,
Ишқи учун жонин қўярди гаров.
Эндиги ошиқ гоҳ чамалар имкон,
Қийинроқми, йўлдан қайтади дарров.

Аввалги ошиқлар кўкрагида оҳ,
Майдонга кирганлар ғурур, шон учун.
Бугунги ошиқлар туюлади гоҳ
От солаётгандай мансаб, нон учун.

Тагин, энг қизиги, факат пардали,
Пардали суярлар, пардада юрар.
Кўнглидаги қаҳрни ҳеч ким зардали
Қаҳр билан айтмайди, пардага ўрар.

Парда орасида кетяпмиз ҳориб,
Йўл сола олмасдан ошкор бир ёққа.
Журъат тарк этмоқда бизларни бориб
Дўстга «Мен соғиндим сени», демоққа.

Журъат тарк этмоқда бизларни гоҳо,
«Пичоқ кесар ўткир бўлса дами», деб,
Бировга бермаймиз муносиб баҳо,
Бошқаси аразлаб қоладими деб.

Журъат тарк этмоқда бизларни баъзан,
Гарчанд гоҳ меҳрдан кўнгли ёшланар.
Сор-бургут мадад сўз кутмоқда биздан,
Улуғ парвоз балки шундан бошланар.

Мадад сўзсиз бургут учса-ку учди,
Гоҳ бургут кексаяр шу сўзни кутиб.
Ожизмиз, биз қўллай билмадик қушни,
Аянчмиз, йилт этган нур кетди ўтиб.

Мен ҳаммага аввал журъат тилайман,
Муқим журъат олган қалбни-қалъани.
Душман душманлигин ошкор олсин тан,
Дўстим, ошкор бўлсин кўнглим малҳами.

Журъат нима? Журъат ўзи асли ўқ,
Нишонни урмасдан қўймас отган дам.
Кўп раҳмим келади ошкор фикри йўқ,
«Пардали» шеър ёзган шоирларга ҳам.

Гоҳ кунлар ғаройиб, шарҳига йўқ сўз...

Учинчи қиз

Шекспирнинг «Қирол Лир»
трагедиясини ўқиб

Айтолмайман ширин сўз авраб,
Кечиролмам пастлик, гуноҳни.
Тоза қалби барча ўққа даф
Мен учинчи қизиман шоҳнинг.

Опаларим ўхшаш нусха гул,
Мақтай олар силлик, ширали.
Мен тўғри сўз юрагимга қул,
Бир юракка — чаптаст, қиррали.

Опаларим зарга кўмади,
Ширин алдоқ, сийлови баланд.
Мени эрим олиб жўнади
Юрак — шул бир бисотим билан.

Кекса отам учун талашиб,
Ардоқлашга топиб минг сўз, ранг,
Аввал мушук янглиғ ялашиб,
Сўнг солдилар кўкрагига чанг.

Мол-дунёсин бўлгунча олиб,
Тантиқ жонни унга тикдилар.
Олгач, юртдан олдига солиб,
Шир яланғоч ҳайдаб чиқдилар.

Ҳақ эшитди балки оҳимни;
Қайтардию уни қўлимга,
Қутқарар чоғ қиблагоҳимни,
Мен ўзимни бердим ўлимга!

Халқим, сени ўртамасин дард,
Бошгинангга келмасин-ку тун.
Аммо билиб қўймоқлигинг шарт,
Мен учинчи қизман сен учун.

Сен Лир эмас, Корделия мен,
Аммо абад сен емагин панд.
Ҳақнинг ўзи сени асрасин
Опаларим янглиғ қизлардан.






Баъзи кишиларни сахий, бағри кенг, сокин дарёларга ўхшатгим келади. Сокин дарёлар тубида қанчалар куч-қудрат, қанчалар жўшқинлик, алғов-далғов пўртаналар борлиги ҳаммага аён. Дунёда ана шундай сокин дарёлар мисол камтарин, камсуқум одамлар кўп. Бундайлар гоҳ кўзга чалинади, гоҳ чалинмайди.

Ҳаётимизнинг ёрқинлигида, нурланиб туришида эҳтимол шу оддий одамлар — кўз илғамас шуғлаларнинг ҳиссаси каттадир.

Эргаш Раймов




Сендан айрилганим — элдан айрилганим,
Элдан айрилганим — жондан айрилганим.
(Халқ мақоли)

Айиқ етаклаган киши

Тўхтаҳон бир ҳафтадан бери қафасда эди. У тинмай ғингшир, бетоқат бўлиб, у ён-бу ён алпанг-талпанг юрар, бирдан ғазоби қўзиб, темир панжарани ағдариб юборгудай силкир, тирнарди. Берилган овқатга эса қайрилиб қарамасди ҳам. У томошага тўпланган одамларга панжарадан бирпас қараб турар, кейин гўё: «Эй, барака топкурлар, мени шу қафасдан қутқариб олсанглар-чи!» — дегандай ялинчок оҳангда тўсатдан ўкириб юборарди.

Одамлар эса худди чалабош болаларнинг бошидай белидан анчагина жуни қайчи билан қирқилган бу ғалати, жанжалкаш айиқнинг қилиқларига кулишар, бир оз томоша қилишгач, нарига ўтиб кетишарди. Тўхтаҳон бўлса, уларнинг ортидан мўлтираганча қараб қолар, кейин яна жини қўзир, ғингшиб, ҳаммаёқни тўс-тўполон қилиб ўкиришга, бақиршга тушарди: Янги «меҳмон»нинг бу қилиғи ён-веридаги ҳайвонларни ажаблантирар, ғашини келтирарди. Қўноқда миқ этмай ўтирган тўти шартта юзини тескари буриб: «Нега бақиради бу тентак» дегандай ўзича чулдираб қўяр, маймунлар эса гоҳ тепага сакраб, гоҳ пастга тушиб, уни қўли билан кўрсатиб чувиллашар, чийиллашар, масхара қилишарди. Тўхтаҳон уларнинг масхаралашига ҳам, «тўнг сўзлари»га ҳам парво қилмасди. У юраги торс ёрилгудай бўлиб, кун бўйи панжара билан, қафас билан олишарди. Баъзан тинкаси қуриб умидсизланар, шундай пайтда бирпас хаёл суриб турарди-да, бирдан яна ўкириб панжарага ёпишарди. Тўхтаҳоннинг



Рисом Х. Лутфуллаев

тўполони жуда авжига чиқиб кетганда унинг олдига узун бўйли, озгин, жағлари бир-бирига ёпишиб кетган бир киши келарди-да, дўк урар, пўнса қиларди. Ҳатто бир келганида қўлидаги таёғи билан Тўхта-хонни уч-тўрт марта қарсиллатиб туширди ҳам. Тўхтахон ундан кўрқиб қолганди. Унинг қорасини кўриши билан бурчакка биқиниб оларди. У аллақандай дағал овоз чиқариб, ялингансимон тебраниб турарди. У қафасга ҳеч кўниколмас, қандай қилиб бу ерга келиб, қафасга тушиб қолганига ақли етмасди. Шундай бўлишини олдиндан билганда-ку, ўзини машинадан ташлаб қочарди-я! Билмай доғда қолди-да.

У дунёда шунақа, узун бўйли кишига ўхшаган бераҳм одамлар, темир қафаслар борлигини биринчи кўриб туриши эди.

Тўхтахон темир қафас бурчагида тебраниб хаёл суриб тураркан эркин, озод юрган кунларини, эгаси Болтабой акани ўйларди. Эҳ, Болтабой ака қандай яхши одам эди-я! Оҳ, унинг эркалашлари! Оҳ, унинг ширин сўзлари! Доим олдига кулиб гапириб келарди.

— Тўхтахон, жоним, зерикмадингизми, қорин қалай, қорин? — деб бўйниларини, пешоналарини, орқаларини силаб қўярди. Оҳ, бу мунча ҳам ёқимли қўллар экан-а! Тўхтахон азбаройи ҳузур қилганидан, хуш ёққанидан эркаланиб орқа оёқларида тик туриб Болтабой акани қучоқлаб олар, унинг юзларини ялагиси келарди. Шунда Болтабой ака шўх кулар, юзини Тўхтахондан олиб қочар: «Ҳай-ҳай, ҳай, шошманг, бунақа талтайманг» — деб дарров киссасидан парвардами, қолвами, ишқилиб бирор ширинлик чиқариб унинг оғзига тутарди. Кейин занжирини шилдиради ечиб: «Қани, кетдикми?» — дерди. Оғзи ширин бўлган Тўхтахон тамшаниб-тамшаниб, эгасининг ёнида тўмпанглаб кетаверарди. У Болтабой амакини шундай яхши кўрардики, юрган йўлида ҳам унга эркаланиб, тумшукларини этагига, чопонини барига сурқаб роҳат қиларди. Эгасининг кийимларидан, қўлларидан аллақандай ёқимли ҳид таралиб турарди. Бу ҳид унга жуда хуш ёқарди.

Тўхтахон эсини танибдики, шу Болтабой ака билан бирга эди. Болтабой акага уни Аширмат овчи келтириб берганди. Унда жуда ёш, эндигина кўзини очган, мушукдеккина айиқча эди.

— Тоғдан тутдим, Болтабой, отанг раҳматли: «Битта айиқ боласи қарздорсан», деб юрарди, у кишига насиб бўлмади. Мана, сен ўргат бунни, сен ўйнат.

Болтабой ака ўшанда жуда хурсанд бўлиб кетганди. Уша кезлари у ўнг қўлининг панжалари тўмтоқ бўлиб, эндигина урушдан қайтган, уйига келиб бир дунё ғам-аламнинг устидан чиққан эди. У қон кечиб юрганда дадаси — машҳур айиқчи Йўлчи ота оламдан ўтган, хотинининг вафотига эндигина қирқ кун бўлган, ёлғизгина тўрт яшар қизи Тўхтахон эса безгак бўлиб ётар эди. Тўхтахон Болтабой ака урушга кетмасидан беш кун олдин туғилганди. Хотини Норбуви ҳали докторлар жавоб бермаса ҳам, қўярда-қўймай туғуруқхонадан чиқиб эрини кузатган, уруш тезроқ тўхтасин, отаси эсон-омон қайтсин, деб ният қилишиб қизалоқнинг исмини Тўхтахон қўйганди.

Шу ёлғизгина қизи ҳам Болтабой аканинг пешонасига сиғмади. Ҳайҳотдай ҳовлида чўкиртақдай бўлиб Болтабой аканинг якка ўзи қолди. Айниқса қизининг вафоти уни жинни қилиб қўяёзди. Юраги сиқиладиган, ўқтин-ўқтин қаттиқ санчадиган бўлиб қолди. Унинг устига тўмтоқ қўли азоб берарди, суяги сирқираб оғирди. Шунақа пайтда у дунёдан бош олиб чиқиб кетгиси келар, ўзини қаёққа қўйишни билолмай қоларди. Яхшиям Аширмат овчи шу айиқчани келтириб берди. Унинг эрмаги шу айиқча бўлиб қолди. Қизимнинг номи ўчмасин, деб уни Тўхтахон деб атай бошлади. Унга отасидан ўрганган турли-туман қилиқларни, хунарларни ўргата бошлади. Уйига болаларни йиғволиб томоша кўрсатарди. Тўхтахон жуда зийрак айиқча эди. Болтабой ака ўргатган хунарларни тез уқиб оларди. Дастлаб у орқа оёқларида тик туриб, даврада айланишни ўрганди.

Кейин ўмбалоқ ошишларни, курашни, қоровулнинг ухладини, хотинларнинг хамир қилишини...

Етти-саккиз ойда Тўхтаҳон эсликкина бўлиб қолди. Кўрсатадиган ҳунарлари ҳам ўндан ошиб кетди.

Баҳор кезларининг бирида Болтавой ака битта чопон, битта қопни елкасига ташлаб, айиғини етаклаб Пискентдан чиқиб кетди. Шу кетганча улар кеч кузда, ерга қор тушганда уйга қайтиб келишди. Кейин улар ҳар йили шунақа қилишадиган бўлишди. Эрта кўклам чиқиб кетишиб, кеч кузда қайтишади.

Эҳ-ҳе-э, шу етти-саккиз йил ичида Тўхтаҳон Болтавой ака билан қанчадан-қанча шаҳарларни, қанчадан-қанча қишлоқларни кезиб чиқмади. Қанча-қанча сайилларда, тўйларда, пахта байрамларида қатнашмади.

Улар томошани ҳар йили биринчи бўлиб Тўйтепадан бошлашар, у ерда беш-ўн кун ўйин кўрсатишиб Тошкентга йўл олишар, машҳур Жангғоб йигирма-ўттиз кун сайилгоҳга айланарди. Бир томонда дор, бир томонда кураш, бир томонда Тўхтаҳон; ҳар куни икки-уч маҳалдан ўйин кўрсатишиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлишарди. Кейин улар яна йўлга тушишарди. Беш кун Қовунчида, ўн кун Чинозда, бир ҳафта Галанусибада, Уратепа, Ленинобод, Фарғона, Андижон, Уш дегандай шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб юришаверарди. Бундай сайиллар, томоша кўрсатишлар Тўхтаҳонга жуда хуш ёқарди. Нега деганда бундай пайтларда Тўхтаҳоннинг егани олдида, емагани қетида бўларди. Болтавой ака бўлса оғзидан бол томиб, яна ҳам ширинсўз бўлиб кетарди. Тўхтаҳонни ажойиб ширинликлар, мороженоелар, хушхўр таомлар билан сийлагани-сийлаган эди.

Болтавой аканинг ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда кўнадиган хонадони бўларди. У ҳар келганда ўша ерга кўнарди. Бу хонадонлар Тўхтаҳонга ҳам жуда қадрдон бўлиб қолганди.

Қовунлар фарқ пишган, олмаю ўриклар ер билан битта. Ёзнинг тўкин пайти эди. Болтавой ака эски Тошкентда беш-олти кун томоша кўрсатди. Охири куни Тўхтаҳонни чойхона олдидаги катта чинорга боғлаб қўйиб бозор қилди. Қадрдони Жўравой аканинг болаларига кийим-кечаклар, дўппилар олди. Кечқурун Жўравой акани ҳам, болаларни ҳам хурсанд қилди. Кейин ўша куни саҳардан туриб йўлга чиқди. Кечга томон Чинозга кириб келди. У Чиноз кўчаларидан Тўхтаҳонни етаклаб ўтаркан, бир зумда кўчани бола-бақра тутиб кетди.

— Айиқ кепти, айиқ!

— Айиқчи амаки ўтяпти, айиқчи амаки!

Болалар, жамалак соч қизчалар уйларидан, кўча муюлишларидан ўқдек отилиб чиқишарди. Уларнинг бир қанчаси чувиллашиб Болтавой аканинг ортидан эргашиб келарди.

— Амаки, тишлайдими?

— Тишламайди, тойчоғим, тишламайди.

— Вуй, нега думи йўқ айиғингизни, амаки?

— Сичқон еб қўйган.

— Ростданми?

— Ростдан.

— Олдига борсам майлими, мен айиқдан қўркмайман.

— Йўқ.

— Қачон ўйнатасиз, амаки, ҳозирми?

— Эртага, эртага. Бозор бошига йиғилаверасизлар.

— Э-э, ҳозир ўйната қолинг?

— Ҳозир дам оламиз, Тўхтаҳон чарчаган.

— Вой, оти Тўхтаҳонми? Айиқни оти-я? Мах, мах, Тўхтаҳон, мах,

мах!

— Ва-а, Шарифнинг опасини оти ҳам Тўхтаҳон!

— Ва-а!

— Қизми, амаки айиғингиз?

— Ҳа, қизбола.

— Ва-а, қиз экан, қиз экан.

— Ҳа-а, қизларни ёмон кўрасанми дейман-а! Ростини айт, ёмон кўрасанми?

— Йў-ўқ. Яхши кўраман!

— Э-ҳе! Болалар! Толиб қизларни яхши кўрар экан!

— Дадангга айтаман, дадангга айтаман.

— Амаки, амаки, нега жунининг ҳаммасини олмагансиз? Чалабош қип қўйибсиз-ку айиғиззи.

— Ҳэ-ҳэ! Чалабош, чалабош, Тўхтаҳон чалабош!

Болалар қий-чув қилиб кулишар, Тўхтаҳон уларнинг кулгисидан, шўхлигидан ҳузур қилиб борарди. Чунки у катта давра, шўх кулги, шовқин-суронларга ўрганиб қолганди. Бирпас жимлик бўлса юраги тошиб қайнаб кетарди.

Болалар Тўхтаҳон билан Болтавой акани то Шер отанинг уйигача кузатиб боришди. Шер отанинг уйи тепаликдан тушгач қуюқ толзор, шундай бозорбошида, Беларикнинг ёқасида эди. Болтавой ака Тўхтаҳонни етаклаб ҳовлига кириб борганда Шер ота эски маҳси билан гуп-гуп дам бериб сарик самоварни ўт олдирарди. Уч-тўртта қариялар эса ўрик тагидаги каттакон супада чойхўрлик қилишарди.

— Ассалому алайкум! — деди Болтавой ака ҳовлига кириб бораркан.

— Ия! — Шер ота қўлидаги маҳсини отиб юбориб, кучоғини очиб кела бошлади. — Э, бормисан, Болтавой, бормисан! Қара, кечагина гапирувдим-а!

Болтавой ака елкасидаги қопни, қўлидаги занжирни ерга ташлаб Шер отага кучоғини очди. Супада уч-тўртта чол қуюқ суҳбатларини тўхтатиб, уларга қараб турарди.

— Омонмисиз, Шер ота? Бардамгина юрибсизми?

— Шукр, шукр! Ўзинг бормисан! Тўхтаҳон қалай, Тўхтаҳон! Ҳа, баракалла. Яхши юрибсанми? — Шер ота Тўхтаҳоннинг орқаларини силаб, эркалаб қўйди.

— Қани, чиқ, супага чиқ.

— Ҳозир, ҳозир, — Болтавой ака Тўхтаҳонни олиб бориб ҳар вақтдаги жойи — каттакон толга боғлаб келди. Ариқдан қўлини ювиб, белбоғига артаркан, супага чиқди.

— Бардаммисиз, Абди ака, саломатмисиз, Ғани ота! Бақувватгина юрибсизми, Юсуп ака! — у чолларнинг ҳаммаси билан қўл олишиб чиқди.

— Сафарлар қовул!

— Қуллуқ.

— Қани, омин, — Абди чўкиртак қўлини очиб фотиҳа қилди. — Тинчлик, омонлик бўлсин! Хуш келибсан, Болтавой.

— Хушвақт бўлинг! Мана, Тўхтаҳон билан йўл юриб, йўл юрсак ҳам мўл юриб, сизларнинг ҳузурингизга етиб келдик.

— Жа, яхши бўпти-да. Отангнинг арвоғи қўлласин, — Абдулла партизан керилиб гапга тушиб кетди. — Отанг раҳматли кўп ажойиб одам эди. Мутлақо қўрқмасди-да! Довюррак, ботир эди. Э, Йўлчи ака билан кўп ишларни қилганмиз биз. — Шу тобда Абдулла партизаннинг хотираси жонланиб келарди. Ешлик, йигитлик чоғлари, бойлар, босмачилар билан чақмоқдек олишиб юрганлари ялт-ялт кўз олдидан ўтарди. — Визни сибазной (связной) эди-да, Болтавойнинг отаси.

У Шер отага қараб кулиб қўйди.

— Эсингдами, Шер? — сўради у қизиқ бир воқеани хотирлаб. — Бувабек, Қудабек, Солибекларни қўлга олганимиз?

— Эсимда, эсимда, — деди Шер ота ҳам қиличдек юрган кезларини хаёлидан ўтказиб. — Жўра бойваччанинг тўйида эди-да.

— Ҳа, баракалла, — унинг гапини тасдиқлади Абдулла партизан,

кейин давом этди. — Мана шу ҳозирги дўхтирхона, қадимги Етивой бойнинг ички-ташқиси, бизни иштабимиз эди. Кечаю кундуз уйқу билмасдик ўша кезларда. Бир куни ярим тунда Ёнламадан хабар келиб қолди: «Бовабеклар Жўрабойваччаникида. Тез етиб келинглар. «Қўнғир».

«Қўнғир» — бу Йўлчи ака эди. У дов, қўнғир айиғини етаклаб қишлоқма-қишлоқ, тўйма-тўй андишанглаб юрарди-да. Айиғи «Қўнғир»ни ўзига яшириңча лақаб қилиб олганди. Маълумотимизда Жўрабойваччанинг тўйи ўтганига уч кун бўлганди. Комиссаримиз Забир Нўғой. Қуролланиб ўн иккита бўлиб тонг отмаёқ Ёнламага етиб бордик. Жўрабойваччанинг қўрғонини тўрт томондан ўраб олдик. Шер бошлиқ олти киши бойваччанинг уйига бостириб кирдик. «Э, келинглар» — деб Жўрабойваччанинг ўзи кутиб олди. Жон-пони чиқиб кетгани шундай афтидан билиниб турарди. Эски чопон кийиб олибди. «Кичкина тўйчиқ қилиб, ўғилчанинг қўлини ҳалоллаб олдик», дейди. «Бовабеклар қани?» — дедик. «Э, нима деяпсизлар, улар бизникида нима қилади», дейди. Нонни ўртага қўйиб қасам ичади. Ҳаммаёқни тит-пит қилиб чиқдик, йўқ. Ҳатто босиб қўйган шох-шаббаларини ағдар-тўнтар қилиб қарадик, йўқ. Қўни-қўшниларикига одам чиқардик, бефойда. «Қоширғансин син сволиш!» — деб Забир нўғой Жўрабойваччанининг қўлини шартта боғлади. «Топиб бермасанг мана шу ерингдан отаман», деб пешонасини кўрсатди.

Уламан саттор билмайман, дейди. Уни олиб кетмоқчи бўлиб ҳовлисидан чиқаётгандик, Шер: «Тўхтанглар!» — деб қолди.

Тўйўчоқдан сал нарида катта-катта иккита қозон тўнтарилиб ётарди. «Шуни тагини бир кўрайлик», — деди Шер йигитларни қозонлар томон бошлаб. Икки йигит битта қозонни четидан ушлаб даст кўтарганди эмаклаб Бовабек чиқиб келяпти-да. Шарт қўлини боғладик. Иккинчи қозоннинг тагидан Қудабек билан Солибекни суғуриб олдик. Забир нўғай «Син настоящий чекист», — деб Шерни елкасига қоқиб мақтагани ҳали эсимда. Тўғрими, Шер!

— Ҳа, у даврлар, — Шер ота калласини чайқаб қўйди. — Бамисоли олов эдик, Абдулла, олов!

— Ана шунақа, мулла Болтавой, отангиз зўр одам эди, худо раҳмат қилсин. — Абдулла партизан сўздан тўхтади, олдидаги пиёла-ни «чойдан қуй» дегандай Абди чўкиртакка узатди.

Болтавой ака отаси, отасининг қадрдонлари бўлган бу чоллардан фахрланиб илжайиб ўтирарди.

— Кеча Шер ҳам айтаётувди, хойнаҳой Болтавой ҳам бугун-эрта кеп қолса керак деб. Ҳазирни йўқлабсан, Шер, — деди Абди чўкиртак чой қайтараркан. У меҳмонни дастурхонга таклиф қилди. — Қани, нондан ол, ўғлим.

— Ҳа, деди Болтавой ака Абди чўкиртак узатган чойни оларкан. — Кеча эски Тошкандда эдик, Жўравой аканикида. Сахарлаб йўлга чиқдик.

— Кеча тушимга кирувдинг, эрталаб пиёламда шама турган эди, сен экансан-да, — Шер ота дастурхонга иккита нон, бир сиқим оққанд ташлади.

Шу пайт ўн бир-ўн икки ёшлар чамасидаги тўладан келган, сапсарик бола гурсиллаганча ҳовлига чопиб кирди. Унинг юзларига, қошкўзларига оппоқ ун гардлари қўнган, қўллари хамир юқи эди.

— Ассаломалайкум! — у ҳарсиллаб келиб Болтавой ака билан кўриша кетди.

— Э, Искандарбекмисан, ростдан ўзингмисан? Уҳ-хў-ў! Танимай қолишимга сал қолди-я! Жуда азамат йигит бўлиб келибсан-ку!

— Буваси кепак билан боқаяпти-да, — Абдулла партизан кулиб қўйди.

— Қачон келдий? — деди Искандар илжайиб.

— Ҳозир келиб турганимиз. Ҳа, ўзингиз қаёқдан келяпсиз? Тинчликми? Ё, тегирмончига...

— Э, сўрама, Болтавой, — Шер ота унинг гапини бўлди. — Исканбойнинг иши йирик. Махтабдан келиб новвойлик қияпти. Қобил новвойга шогирд тушган.

— Э, баракалла! Ана шу ишни зўр қипсиз. Хунарли киши хор бўлмас. Энди Шер ота, нонингизни ёг билан ейсиз. Новвойлик, садағаси кетай, яхши касб. Бир кишига етмиш хунар оз дейдилар. Худо хоҳласа бизнинг хунарни ҳам ўрганадилар.

— Мен қўймадим, — деди партизан ўз ишидан мамнун бўлгандай бош силкиб. — Бола махтабдан келиб салаглаб юрмасин, тўрт чойнак чойни ўзинг ҳам дамлаб бераверасан, болани бекор қўйма, хунар ўргансин, дедим.

— Жуда яхши айтибсиз-да, — Болтавой ака Абдулла партизаннинг гапини маъқуллади. — Буvasининг ёнига киргани яхши-да. Энди, Искандарбек, бувангизни ёғли нонлар, ёғли патирлар билан боқасиз.

— Ҳа, ҳозирданоқ нон ўзимиздан чиқиб қолди. Худо хоҳласа, мана Искандарбойнинг ҳам нонини еяпмиз. Қобил новвой ҳам барака топсин, жа қўли очик, тузук одам. Ҳар куни жиззали қилиб беш-олтитадан нон бервориб турибди. — Шер ота неварасининг елкасига қоқиб қўйди. — Тўхтаxonни кўрдингми, Тўхтаxonни?

— Ҳа. Уям катта бўлиб кетибди.

— Сени танидимми? — сўради Болтавой ака кулиб,

— Таниди.

Искандар дастурхондан иккита оқ қанд олди-да, тол тагида у ёқ-буёққа юриб турган Тўхтаxonнинг олдига борди. Унинг жунларини, пешоналарини эркалаб силади-да, кафтидаги қандни унга тутди. Тўхтаxon қандни қасир-қусир ер экан, тагин борми, дегандай Искандарга суйкалди.

— Бўлди энди, ҳали обкелиб бераман. — Искандар яна уни эркалаб, силаб қўйди.

Икки ошнани кузатиб, супада завқланиб ўтирган Болтавой ака чолларга қаради.

— Кўп жойларга бораман, кўп жойларга қўнаман. Олдига болалар боришмайди, қўрқишади. Жўравой аканинг болалари ҳам, Ортиқхўжа отанинг ўғиллари ҳам журъат қилишолмайди, узоқдан туриб томоша қилишади. Худонинг қудрати билан шу Искандар чўчимайди. Ҳов ўша биринчи келган пайтимдаёқ тап тортмай олдига бораверганди. Юрак бор Исканбойда, юрак бор.

— Тўғри, — деди Абди чўкирттак бошини лиқиллатиб. — Одамда юрак бўлса бас. Инсондан ҳайқмайдиган жонзот йўқ. Қўрқмасдан олдига дадил, ботиниб бораверсанг йўлбарс ҳам даф қилолмайди. Одамнинг кўзи қаттиқ, кўзи.

— Ҳайвон ўта зийрак бўлади, — гапга аралашди Абдулла партизан, — кўнглингда нима борлигини сезиб туради. Шунга қараб муомала қилади.

— Ҳа, отангизга раҳмат, — бошини лиқиллатди Абди чўкирттак. — Бу дунёда одам ҳам, ҳайвон ҳам яхши гапнинг гадоси. Гапингиз ширин бўлса, кўнглингизда гидир бўлмаса, ҳаммаси ҳам эл бўлиб кетаверади. Бекорга айтилмаган-да «яхши гапга илон инидан чиқар», деб.

— Тўхтаxon ўзи болажон, одамохун ҳайвон, — деди Шер ота. — Негаки доим халқ ичида юради-да. Бировга зарари йўқ.

Чоллар бу ёқда гурунг қилишаркан, Искандар ҳамон айиқни сийлар, уйдан қанд олиб чиқиб берар, бўйинларидан қучиб эркалар эди.

Исёнчини жазолашди

Семон ҳовузнинг суви ҳар томонга сачрар, тушмуқлари қоп-қора, гавдалари узун-узун оқ айиқлар шалоп-шалоп этиб ўзларини ҳовузга

ташлашар, бирмунча шўнғиб кетиб, кейин секин сув юзида кўринишарди.

Болалар, катталар ҳовуз четида туриб оқ полвонларнинг чўмилишини, уларнинг қилт этмай сузишларини, шўнғишларини томоша қилишарди. Сув бетида эса увиган буханка нонлар, бурдасурда булочкалар, тешиккулчалар қалқиб юрарди.

Оқ полвонларнинг одати қизиқ эди. Одам сийрак пайтда улар қирғоққа чиқиб олиб, семон супаларда чўзилиб ётишар, кўзларини чирт юмиб ўзларини офтобга тоблашар, томошабинлар сал кўпайди-ми, дарров гўё маҳоратларини намоёиш қиладигандек чўмилиш, шўнғиш мусобақасини бошлаб юборишарди.

Тўхтаҳоннинг қафаси семон ҳовуздан анча нарида бўлса ҳам, у сувнинг шалоплашини эшитиб турар, марвариддек томчиларнинг ҳар томонга сочилишидан кўзини узолмасди.

О, қани энди ҳозир шу панжара олдида эгаси пайдо бўлиб қолса. Тўхтаҳоннинг панжарада ётганини кўрса. Нима қиларди. Узиям жуда ҳовлиқиб қолса керак. Ким экан унинг айиғини қамаб кўйган! Нега қамайди? Нега?!

Турган гап, Болтавой ака шарақ-шуруқ этиб қафаснинг эшигини бузиб ташларди. Кира солиб айиғининг бўйнидан қучиб эркаларди. Кафтида парвардами, ҳалвоми берарди.

Тўхтаҳон оғзида ширинлик таъмини ҳис қилиб тамшанди.

Темир панжара кун тиғида қизиб кетганди. Чўғдай темир унинг лунжларини, лабларини куйдирди. Тўхтаҳон ғинғиш панжарадан нари кетди. Бай-бай-бай! Кун мунча ҳам иссиқ-а! У ҳеч қачон ҳозирдагидек исиб кетмаганди. Шунақа иссиқ кунларда эгаси доим уни чўмилтирарди.

Тўхтаҳоннинг қулоғига ҳозир Белариқнинг шалдираб оқиши эшитилиб кетди. Оҳ-оҳ-оҳ! Белариқнинг сувидай сув бор эканми дунёда. Тўхтаҳон Шер отаникига борганда бу ариқда неча марта чўмилган. Ҳов ўша охирги марта боришганда ҳам Болтавой ака билан Искандар уни роса сувга пишишганди. О, Тўхтаҳон ўша куни шундай маза қилгандики...

Белариқнинг суви тип-тиниқ, муздай эди. У секин-секин сувга тушганди. Сув аввал унинг қорнидан келди. Яна бир-икки қадам кўйганди, бирдан оёғи ерга тегмай қолди. Тўхтаҳон бошини юқори кўтариб, пишқирганча гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа қараб суза бошлади.

Шимининг почаси шимарилган Искандар бўлса қирғоқда туриб, занжирни шилдиратар, силкиб тортиб-тортиб кўярди. Тўхтаҳон оғирлашиб, сувдан аранг чиқди. Унинг қорнидан, жунларидан, оёқларидан сув оқарди. У лапанглаб нари-бери юрди-ю, бир силкиниб Болтавой аканинг ҳам, Искандарнинг ҳам уст-бошини шалаббо сув қилиб юборди.

Тўхтаҳон ҳозир ўзини Белариқда ҳис қилиб турарди. У занжири-ни шилдиратиб сувда сузарди.

— Вой, сариқ айиқ, опа, сариқ айиқ! Кўринг, бизга қараяпти, — бирдан Тўхтаҳоннинг хаёлини бижилдоқ қизчанинг овози бўлиб юборди.

Унинг қафаси олдидан қизчасини етаклаб бир аёл ўтиб борарди. Қизча унга кўлини чўзиб: «Маҳ, маҳ, маҳ, сариқ айиқ», дерди. Тўхтаҳон панжара орасидан уларга тикилганча мўлтираб қолаверди.

Тўхтаҳоннинг қафаси бир чеккада бўлгани учун олдидан ҳеч ким ўтмасди. Ҳадеб бўкириб тўполон қилаверганидан атайин уни жазолашганди. Сўпоқбошнинг таклифи билан қафасни боғнинг гадой топмас бир чеккасига кўчиришганди. Бу ердан анови аёлга ўхшаб, адашиб, аҳён-аҳёнда битта-яримтаси ўтиб қолмаса, деярли одам юрмасди.

Тўхтаҳоннинг юраги пишиб кетди. Эҳ, ўша қизча билан аёл унинг олдида бир зум туришса нима қиларди-я! Агар бирпас тўхташганда, ҳатто Тўхтаҳон уларга ўйин ҳам кўрсатиб берарди.

Тўхтаҳон калласини ерга ҳам қилиб, қафасда лапанглаб тез-тез, у ён-бу ён юра бошлади. Юрагини ёлғизлик эзарди. У бирдан ўкирди. Темир панжарани гажиб юборадигандек унга ташланди. Унинг ўкириши, бақириси авжга чиқди. У қанча тўполон, исён қилди, ўзи ҳам билмади. Бир маҳал яна унинг олдига ўша сўпоқ бош, узун бўйли киши келди. Кела солиб бақириб дўқ ура кетди. Тўхтаҳон ириллади. Сўпоқ бош қўлидаги узун ёғоч билан Тўхтаҳоннинг бошига, тумшугига бир-икки туширди. Умрида бунақа калтакларни емаган Тўхтаҳон ўзини ёғочдан олиб қочиб бурчакка тикилди. Сўпоқ бош ўзича алланарсалар деб сўкина-сўкина қаёққадир кетди-да, хиёл ўтмай ёнида икки кишини бошлаб келди. Янги келганларнинг иккаласи ҳам оппоқ халат кийиб олишганди. Бирининг қўлида ҳалқасимон бошига брезент қоп ўрнатилган узун темир, бирининг қўлида эса кичкина чамадонча бор эди. Уларни кўриб Тўхтаҳоннинг юраги аллақандай қўрқувдан зирқираб кетди. Булар нима қилмоқчи ўзи? Бир ёвуз ният билан келишди-ёв. Тўхтаҳон қўрққанидан ўкириб яна ҳам бурчакка тикилди. Матраб ушлаган киши қўлидаги темирни панжара орасидан ўтказди. Уни бир-икки силкиган эди, Тўхтаҳон бўкириб унга даф қилди. Шу пайт кўз очиб юмгунча Тўхтаҳоннинг боши брезент қопга тушиб қолди. У бақириб бошини қанча силкимасин, боғичи қаттиқ тортилган қоп унинг калласидан сира чиқмасди. Шу чоқ сўпоқ бош, шақ-шук қилиб қафаснинг эшигини очди. Тўхтаҳоннинг қоп кийгизилган бўйнига айри солиб панжарага тираб турди. Оқ халатли киши тезлик билан чамадончасини очди-да, ундан қандайдир дори, шприц олди. У шприцни олдин осмонга қаратиб бир тизиллатди-да, кейин порт этиб Тўхтаҳоннинг сонига санчди. Тўхтаҳон калласи қопда бўлгани учун бўғиқ овоз билан бир бақириб қимтинди-ю, жим бўлди.

— Энди тинчийди, — деди укол қилган киши шприцни чамадончасига солар экан.

— Тинчимай қаёққа борарди. Эндиям ўкириб, бақириб кўрсинчи! — сўпоқ бош ҳамон айри билан Тўхтаҳоннинг бўйнини панжарага қисиб турарди. — Ўзиям жуда жонга тегиб кетди-е! Бутун зоопаркни бошига кўтаради-я!

— Ҳайвон-да, ҳайвон! Янги жойга ўрганолмаяпти, — оқ халатли киши чамадончасини кўтарганча тез-тез юриб қафасдан чиқди. Сўпоқ бош ҳам айрини бўшатиб орти билан юриб қафас эшиги олдига келди. Айрини панжарага тиради-да, шарақлатиб эшикни қулфлади.

— Олаверинг энди, — деди ташқарида матрабнинг дастасидан икки қўллаб ушлаб турган кишига. У темир даста билан бирга ушлаб турган чилвини шиф этиб тортгани, Тўхтаҳоннинг бошига кийгизилган қопнинг оғзи очилиб кетди. Бир зумда матрабни панжара орасидан тортиб олди.

Тўхтаҳон уларга қарамади ҳам. У бошини ерга эгганча турган жойида тебранарди, ўзида аллақандай холсизлик сезарди. Ўзи нима қилиб кетишди? Нега бунақа бўляпти. Тўхтаҳон ҳайрон эди. У секин-секин қафас ичида юра бошлади. Қизиқ, қадами ҳам гўё босган жойига тушмаётгандай эди. Назарида бирдан темир қафас чайқалиб кетгандай бўлди. Шўрлик айиқ йиқилиб кетишдан қўрқиб панжарага суянди. Заиф, бўғиқ овоз чиқариб ингради.

Унинг боши айланарди, кўз олдини хира туманлик қоплаб келарди...

Аширмат овчи

Тўхтаҳон эгасини интизорлик билан кутарди. Икки кўзини йўлдан узмасди, тинмай уни ўйларди. Назарида ҳозир келиб қоладигандек, ҳатто уни қандай ҳолатда келишини ҳам кўриб турарди.

Болтавой ака бошьяланг, ялангоёқ эди. Катта кўчада Тўхтаҳонни етаклаб борарди. У айиғини топиб олганидан ўзида йўқ хурсанд эди.

Нукул ҳовлиқарди. Бечора, айиғим ўрмонга қочиб кетган бўлса керак, деб ўйлагандир.

Э, ўрмонда нима бор унга. Ўрмон тамом эсидан чиқиб кетган-ку! Тўғри, яширмайди, анови куни диққинафас бўлиб қафасда ётганда ўрмонни ўйлади, кичкиналик пайтини эслади. Ҳов ўша кичкиналигида Аширмат овчи уни Болтавой акага олиб келиб берганда ўрмонга қочиб кетмоқчи бўлиб бир-икки бор ҳаракат ҳам қилганди. Ушанда айниқса ўрмондан ҳам кўра онасини соғинганди.

Тўхтаҳон ўшанда кичкина бўлса ҳам онасини яхши эслайди. Онаси чиройли, сап-сарик жунлари ўсиқ-ўсиқ, баҳайбат айиқ эди. Унинг бағри шундай иссиқ эдики, момикқа ўхшарди. У доим Тўхтаҳон билан яна битта боласини бағрига босиб ялаб ётарди. Ростдан у ўшанда онасидан қандай қилиб айрилиб қолганди? Ҳа, ҳа, бу воқеа ғира-шира эсида...

Улар шу куни горда — уяларида эди. У укаси билан шўхлик қилиб ўйнашиб, бир-бири билан айқашиб ётишарди. Болаларининг ўйинини томоша қилиб ётган онаси бирдан безовта бўлиб, ётган жойидан туриб кетди, бир хавфни сезгандай кўзлари бежо бўлиб пишқира бошлади. У аввал каттасини, кейин кичигини бўйнидан тишлаб горнинг бурчагига обориб қўйди. Онаси нега бунақа қияпти, болалари ҳайрон эди. У бир нарсадан қўрқаётганга ўхшарди. Улар ҳам алланарсани сезишгандай эди. Юраклари дук-дук уриб, кўзлари милтиллаб горнинг бурчагида миқ этмай ётишарди. Бир маҳал онаси гор эшигига бориб ўкириб юборди. Кейин жаҳл билан ортига қайтди. Горга секин-секин аллақандай кўкиш нарса кириб кела бошлади: ҳиди жуда ғалати, ачимсиқ эди. Айиқ болаларининг бурнини қичита бошлади, кейин кўзларини ачиштирди, ғимир-ғимир қилиб ётган жойидан туриб кетишди. Онаси бўлса тамом нима қилишини билмай, горда у ёқ, бу ёққа юрарди. Кўкиш нарса бир зумда горни тўлдириб юборди. Айиқ болаларининг нафаси қайта бошлади, бунинг устига ҳеч нарсани кўрмай қолишди. Улар ғингшиб, бу аччиқ балодан қаёққа қараб қочишни билишмасди. Онаси ғазаб билан ўкирар, болалари бўлса, қуюқ тутун ичида бир-бирларига туртинишарди. Йўқ, охири чидаб бўлмай кетди. Онаси болаларини битта-битта бўйинларидан тишлаб гор оғзига келди. Горнинг оғзи ҳам мана шундай аччиқ дуд билан тўла эди. Онаси бир зум дир-дир титраб турди-да, жонҳолатда гордан отилиб чиқди. Шу пайт гумбураган бир нарса эшитилди. Онаси қаттиқ ўкириб юборди. Болалари ҳам жон ҳолатда гордан отилиб чиқди. Нима бўлаётганига тушунолмайд қолган каттаси ўтакаси ёрилиб қаёққадир қоча бошлади. Шу пайт қанақадир овозлар унинг қулоғига чалинди.

— Ушла, ановисини ушла, югур!

— Қаёққа қочяпсан, эй, қаёққа қочяпсан, жиннивой, — айиқ боласини жон ҳолатда алланарса таппа босди. Айиқча ундан қутулмоқчи бўлиб, бор кучи билан питирлади. Йўқ, қутулолмади.

— Буни кичкиналигини қаранг, Аширмат ака, ҳали жуда ёш экан-а, — дерди уни ушлаб турган йигит.

— Жуда боптаси экан, мана шунақа ёши яхши бўлади. Кўзини очмагани бўлса ундан ҳам соз бўларди, — деди Аширмат дегани қўлидаги қопнинг оғзини очиб, — ташла.

Айиқчани ушлаб турган йигит уни қопга ташлади. Қопда эса иккинчи кичик айиқча питирларди. Улар анчагача қопдан чиқиб кетишга уриниб ётишди. Овчилар эса улардан анча нарида нимадир қилишарди. Бир маҳал Аширмат овчи билан ҳалиги йигит гангир-гунгур қилишиб яна қоп олдида пайдо бўлишди.

— Зўр айиқ экан, баччагар, — дерди Аширмат овчи йигитга мақтаниб. — Бир ҳафта пойлаганимизнинг қусури чиқди. Терисининг ўзи бир пўстин деявер.

— Мен болалари уч-тўртта бўлса керак, деб ўйловдим, — йигит

оёғининг учи билан айиқчалар ётган қопни туртиб қўйди. — Иккита экан.

— Борига барака, ука.

Овчилар анчагача яна нималарнидир гаплашишди. Айиқчалар бу ёвузларнинг нима деяётганига тушунмасди, димоғларига янги гўшт ҳиди уриларди. Уч кун олдин онаси уларга юмшоққина янги гўшт келтириб берганди. У шундай юмшоқ, лаззатли эдики, роса тортқилашиб ейишганди.

— Қани, обкел, — деди эгарга қўниб олган Аширмат овчи.

Йигит бир-бирининг пинжига тиқилиб, дир-дир титраб ётган айиқчаларни туртиб-туртиб икки томонга ажратди-да, қопни хуржун қилиб Аширматга тутди. Аширмат уни олдига ўнгариб олди.

— Кетдик, — у отига қамчи босди.

Икки от олдинма-кейин йўртиб кетди.

Шу воқеанинг эртасигаёқ айиқчаларни бир-биридан ажратишди. Каттаси Болтавой аканинг қўлига келиб тушди. Кичиги қаёққа кетди. Уни каттаси билмай қолди.

Каттаси кечаги тўс-тўполондан ҳали ҳам ўзига келолмаганди. Онасининг фожиасидан ҳам мутлақо беҳабар эди. Шошиб, қўрқиб қолганиданми онасига нима бўлганини билмасди. Уша қаттиқ гумбурлаган овоздан унинг қулоғи чиппа битиб қолганди...

Тўхтаҳон қафасда кўзини юмиб ётаркан, шуларни ўйлади. У уйғоқмиди, ухлаётганмиди ўзи ҳам билмасди. Нуқул кўз олдида онаси келарди. У чиройли, сап-сарик жунлари ўсиқ-ўсиқ баҳайбат айиқ эди. Қуюқ арчазорлар орасидан ўтиб, жар ёқасидаги горга савлат билан кириб келарди. Кела солиб оғзидагини болалари олдига ташларди. Онасининг келиши Тўхтаҳон учун ҳам, укаси учун ҳам бамисоли байрам бўлиб кетарди. Улар жон-жаҳдлари билан ўзларини овқатга уришарди. Онаси бўлса бу маймоқларни ҳидлаб тўймасди, бирини қўйиб, бирини яларди.

Тўхтаҳон ўша куни ўлжани укасидан тортиб олиб нари ёққа судраб кетганди.

У ҳозир онасини, укасини шундай қўмсадики, юмиб ётган кўзларидан икки томчи ёш думалаб тушди.

У укасини ўша ажратиб юборишгандан кейин сира кўрмади.

Тўй тегишлиники

Бултур Болтавой ака билан Андижонда юришганда тўсатдан Ўшга борадиган бўлиб қолишди. Тағин машинада! Нега мунча шошилишч, Тўхтаҳон билмасди. Тушга яқин битта юк машинани чойхонанинг ёнидаги дўнгликка орқаси билан ҳайдаб келишди.

— Қани, юринг жоним, бир катаяса қиладиган бўлдингиз сиз ҳам, — дея Болтавой ака уни машинага етаклади. Тўхтаҳон аввал бир оз чўчиди. Ие, чўчиб нима қилади. Ахир ёнида эгаси бор-ку! Эгаси бўлгандан кейин нега қўрқиши керак. У тихирлик қилмай машинага чиқаверди. Болтавой ака қопини бир чеккага қўйиб, кабина орқасига туриб олди. Тўхтаҳон бўлса ундан бир қарич ҳам жилмай ёнида турди. Машина катта кўчада елдай учиб борарди. Оҳ-оҳ-оҳ! Мунчаям шабада-я! Жоннинг роҳати-ку. У машинага чиққанидан севинарди. Ғир-ғир шабада Тўхтаҳоннинг жунларини ҳилпиратарди. Бу эса унга шундай хуш ёқардики, азбаройи маза қилганидан кўзларини бир оз юмиб туриб, яна очарди.

Машина қанча юрди — Тўхтаҳон билмади. Ҳарҳолда унинг назарида жуда тез келиб қолишгандай бўлди. У яна бир оз катаяса қилишни хоҳларди. Йўқ, машинадан туришга тўғри келди.

Тўйхонанинг олдида одамлар кўп эди. Қўш карнай, қўш сурнай янграрди. Қалта беқасам чопон, қизил селондан кенг шалвор кийиб олган ёшгина бир бола узун-узун ёғоч оёқда қўлларидоғи қайроқни шўх шақиллатиб ўйнади. Унинг бўйи томдан ҳам баланд эди.

Тўхтаҳон одамларнинг кўплигини кўриб яйраб кетди. Даврада қанча одам кўп бўлса, унинг димоғи шунча чоғ бўлаверарди. Тўйхонадаги болалар ёғоч оёқ у ёқда қолиб, бир зумда уларнинг атрофини ўраб олишди.

— Яна айиқ келди, яна айиқ келди! — деб чувиллашарди улар. Болтавой аканинг олдиға қулочини кенг очиб чўпдай озгин киши кела бошлади. Болтавой ака ҳам унга қулочини очди. Улар қучоқлашиб кетишди.

— Хуш келибсиз, хуш келибсиз! Қадамларига ҳасанот, — дерди озгин киши Болтавой акани бағридан бўшатмай.

— Тўйлар муборак бўлсин, тўйлар муборак бўлсин! — Болтавой ака ҳам уни қаттиқ қучоқлаб олганди. — Қуллуқ, айтворибсиз, эшитдиг-у, Тўхтаҳонни етаклаб келавердик.

— Офарин! Офарин! Абдулла тажанг айтиб қолди, Болтавой Анжонда юрибди, деб. Абдурашидхонни чоптирдим-да. Адашбой ҳам шатта. Машак полвонни обкелган.

— Э, шунақами, ҳаммаёқ айиқ ўйин экан-да, — кулди Болтавой ака. Озгин киши ҳам бўйини чўзиб қийқирди.

— От ўйин ҳам шатта, оёқ ўйин ҳам шатта. Қидирганингизни топаверасиз. Қўғирчоқбоз дейсизми, Али дарбоз дейсизми...

— Энди ака, тўй тегишлиники, ҳайит барчаники дейишади. Карнайчининг тўйига карнайчи, сурнайчининг тўйига сурнайчи келади-да. Тўй эгаси халқ ичида юрган Турсун қўғирчоқ бўлгандан кейин...

— Ҳа, отангизга раҳмат! Бугун дарбозлар, қўғирчоқбозлар-у, айиқчилар базми.

— Кабутар бо кабутар, ғоз ба ғоз...

Улар аския қилиб кула-кула ичкарига йўналишди. Тўхтаҳон олдин эътибор бермаганди. Бу озгин, бўйинлари қириб қўйган сабзидай, чиллақдаккина киши кўзига танишдай туюлди. Уни қаерда кўрган эканман, деб ўйлади у. Э, бўлди, бўлди эсига тушди. Бундан уч-тўрт йил олдин Булоқбошида мана шулар билан бир ҳафтача биргаликда ўйин кўрсатишганди. Бир ёқда қўғирчоқбозлар, бир ёқда Тўхтаҳон. Э, ўзиям томоша зўр бўлганди. Ҳали-ҳали эсида. Ушанда Тўхтаҳон ярим жунидан айрилганди. Ўйин бошланишидан олдин ҳам, ўйиндан кейин ҳам Болтавой акани хотин-халаж ўраб олишарди. Тўхтаҳоннинг жунидан сўрашарди.

— Айланай, айиғингизнинг жунидан жичча беринг, неварамнинг бешигига тумор қилиб қўяман.

— Амаки, менга ҳам жичча беринг.

— Келинимнинг бўйида бўлмаепти, ирим қилувдим.

— Инсу жинслардан асрайди, менга ҳам бир чимдим беринг.

— Худоё барака топинг, менга ҳам зинғиртай берсангиз.

— Хўп, хўп онажонлар, опажонлар...

Ҳар бир аёлга жун беришдан олдин Болтавой ака Тўхтаҳонга мурожаат қиларди, унинг розилигини оларди.

— Тўхтаҳон, жоним, бувингиз озгина жунингиздан сўраептилар. Бир чимдим оберсам майлими?

Тўхтаҳон розиман дегандай бошини қимирлатиб қўярди. Болтавой ака ялтироқ қайчича билан айиғининг бел томонидан қирч этиб бир чимдимгина жун қирқиб сўровчига узатарди.

— Мана, энажон, неварангиз катта йигит бўлсин, катта қиз бўлсин, куёв-келин бўлсин, орзу-ҳавасини кўринг. Тўйларида Тўхтаҳон билан биз келиб хизмат қилайлик.

Одамларнинг жун сўраши Тўхтаҳон учун янгилик эмас эди. У эсини танибдики, ҳар йили шунақа эди. Сафарга чиқишдими, тамом, қаерга боришмасин, қайси кўчада кетишаётган бўлишмасин, одамлар, айниқса аёллар унинг жунидан сўрашарди. Тўхтаҳон ҳеч тушунмасди. Нима қилишаркин-а, унинг жунини?! Балки яхшидир-да. Севинишяпти-ку. Лекин биринчи йиллари бир нарса унинг ғашига

тегиб юрди. Кўчада кетишаётганда баъзи бир шўх болалар: Чалавой, чалавой» деб уни калака қилишарди. Тўхтаҳон, ўзларинг чала, ўзларинг чалабош дегандай уларга ўқрайиб қараб қўярди. Кейинчалик бунақа гаплар, болаларнинг ҳазили унинг парвойига ҳам келмайдиган бўлиб қолди. Қайтанга болакайларнинг чуғур-чуғуридан, кулгисидан хурсанд бўлиб кетаверадиган бўлди.

Турсун қўғирчоқбозни Тўхтаҳон ана ўшанда — Булоқбошида кўрганди. Бугун иккинчи кўриши. Дарров таниди. Ичкарига кириб Тўхтаҳоннинг оғзи очилиб қолди. Вой-бўй! Ҳовли мунчаям катта. Тўйхонага одам сигмасди. Ҳовлининг ўртасига кичик дор қурилганди. Арқон устида қўлига узун лангар ушлаган хипча йигит гоҳ олдинга юриб, гоҳ ортига юриб ўйин кўрсатарди. Дордан сал берида уч-тўртта ёғоч каравотда ҳофизлар, аскиячилар ўтиришарди. Айвоннинг олди каттакон бахмал билан тўсиб қўйилганди. Ортида қўғирчоқбозлар ўйинга шайланишарди. Баланд супада эса яна қандайдир санъаткорлар, Адашбой айиқчи, Шокир беданавозлар ўтиришарди. Болтавой ака Тўхтаҳонни ҳовли этагига олиб бориб олчага боғлаб келди. Белидан белбоғини ечиб, ундан бир даста пул олди. Санаб-санаб дарвоза томон юрди. Турсун қўғирчоқбознинг олдига бориб, қўлидаги пулни енг учидан унга тутди.

— Айбга буюрмайдилар, жиянларга атаб совға-салом ҳам обкелолмадик. Озимизни кўпча кўрасиз, энди, — деди кулиб.

— И-я, и-я, нима қиляпсиз? Сиздан гинамиз борми? — Турсун қўғирчоқбоз пулни қайтармоқчи бўлди. — Қўйинг-э, келганингизнинг ўзи биз учун катта тўяна.

— Унақа бўлса бўйнимизга битта аргамчи боғлаб тўйхонага етаклайверинг, — бўйинини эгди Болтавой ака.

— Ие-ҳе-ҳе! Олдингиз Болтавой, олдингиз, — Турсун қўғирчоқбоз тиззасига уриб қийқириб кулди. — Бў-ў-ў деб кирасизми, мў-ў-ў деб кирасизми?

Икки ошнанинг кулгисига атрофдагилар қўшилишди.

— Энди олмасангиз хафа бўламан, — Болтавой ака пулни қўғирчоқбознинг қўлига кистирди. Кейин қўшиб қўйди. — Айтиб қўяй, бизники табаррук. Элники, халқники. Писабилло!

— Элдан айланай, халқдан ўргилай. Бизни эъвозлаб, бошига кўтариб юрган мана шу эл-да. Бир бурдадан берса тўйдиради... Ҳай, майли, биз ҳам яхши кунларингизда қайтарайлик, тўйларингизда қамишдан бел боғлаб хизмат қилайлик. Ҳимматингиз учун раҳмат, Болтавой. Қани, ичкарига.

Ичкарида кулги, аския авжида эди. Болтавой ака кириб бориши билан супада гап бериб ўтирган Аширмат овчи ҳайҳайлади.

— Бу ёққа, Болтавой, бу ёққа.

Болтавой ака Аширмат овчини кўрмаганди. У илжайиб супа томон йўналди. Шу пайт айвонда — бахмал парда ортида иккита қўғирчоқ пайдо бўлди. Қўғирчоқларнинг бири Насриддин афанди, бири сигир эди. Сигир тинмай ўйноқларди. Насриддин афанди сигирни қўлидаги чивик билан бир урди.

— Тек тур-э, ҳаром ўлгур. Бозордаям нағма қиляпсанми! — У томошабинларга қаради. — Бу сўйилиб кўн бўлгурни сочиб қутулмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Қандай бало жин урган сигир экан, тавба қилдим, ёмоннинг бир қилиғи ортиқ дегандай, бу хулиган олдидан борсанг сузади, ортидан борсанг тепади. Хотиним бечорани тепиб белини чиқарди. Олти ойлик ҳомиласи бор эди, сродно туғдирворди.

Тўйхонада гурра кулги кўтарилди. Насриддин афанди гапини давом эттирди:

— Шу қилиқлари устига бу нозик ойим бирам чимхўрлар, бирам ширинтамоқлар, бирам таннозларки, беданинг гулига ҳам ноз қиладилар. Шу таманноликларига яраша кошки сут берсалар. Икки йилдан бери қисир қоладилар.

Одамларнинг қаҳқаҳаси яна авжга чиқди. Шу пайт Насриддин

афанди билан унинг қашқатаёқ сигири олдиға яна битта қўғирчоқ чиқиб келди. У пешонасини қийиқ билан боғлаб олган яккакифт эди. Узун-узун қора мўйловлари буралиб-буралиб кетганди. Қўғирчоқ сигирни у ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтиб кўра бошлади. Насриддин афандининг юраги пўкиллаб турарди.

— Илоё тепволиб, оғзи бурнини қоп-қора қон қилмасин-да, — деб қўйди томошабинларға қараб.

— Сигирни пўллаб берайми, мулла Насриддин? — деди ҳалиги афандининг олдиға ўтиб.

— Яхши бўларди, тақсир, — деди Насриддин афанди хоксорлик билан. — Бировға ишқаб беринг, шу падарқусурни.

— Ширинкомаси катта бўлади-да.

— Албатта, албатта.

Даллол қўғирчоқ лик-лик юриб кетди-да, бир деҳқонбашара қўғирчоқни бошлаб келди.

— Шу сигирни оберайми, мулла Қўзи? — деди шеригига. Шериги:

— Майли, ўзингиз биласиз, — деди қўл қовуштириб.

— Ширинкомаси катта бўлади-да.

— Албатта, албатта!

— Мен бу сигирни яхши биламан, — дея мақтаб кетди даллол қўғирчоқ. — Зотдор сигирнинг боласи. Ўзи жудаям хўра. Кечасию кундузи жағи тинмайди, нима берсанг ейверади. Ҳар куни тўрт пақир, беш пақир соғиб олаверасан. Бу жониворнинг сутини қуюқлигини айтмайсанми, турган-битгани қаймоқ. Ағдарсанг косадан тушмайди. Бунинг устига жонивор шундай ювош, шундай ювошки, тепсанг тебранмайди. Аммамнинг бузоғи деган гапни эшитганмисан?

— Эшитганман, тақсир, эшитганман.

— Ҳа, баракалла! Ана ўша аммамнинг бузоғи мана шу сигир бўлади. Жонивор ҳар йили туғиб беради. Туққандаям нуқул урғочи туғади. Мана ҳозир ҳам қорнида саккиз ойлик боласи бор. Худо хоҳласа бир ойдан кейин оғзинг оқаради қолади. Қарабсизки, қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой. Шу сигирни ол, мулла Қўзи. Барака топасан. Мани айтди дерсан, пулинг ўзинг билан бирга кетади.

Даллол қўғирчоқ сигирининг мақтовидан оғзи анграйиб қолган Насриддин афандига қаради.

— Энди, мулла Насриддин, сигир бегона бўлмасин, — деди у ялтоқланиб. — Шуни мулла Қўзи олсин, буям ўзимизнинг одам. Қани, қўлни беринг.

— Лаббай, — деди Насриддин ўзига келиб.

— Қўлни беринг деяпман.

— Сигирни сотмайман, — афанди сигирини етаклаб йўлга тушди.

— А? — даллолнинг қўли узатилганча қолди. — Ҳай, менга қаранг, нега сотмайсиз?

— Эсингиз жойидами ўзи? — деди Насриддин аччиқланиб. — Шундай яхши сигирни сотаманми. Ювош бўлса, хўра бўлса, бунинг устига қорнида саккиз ойлик боласи бўлса... Шунақа сигир ўзимизга ҳам керак, — Насриддин афанди сигирини етаклаб парда орқасига ўтиб кетди.

Даллол қўғирчоқ «Шошма, тўхта» деганча унинг ортидан бақириб қолди. Кейин у афтини буржмайтриб томошабинларға қаради. — Э, сигир сотмай ўл! Даллолнинг гапига ишонаб ўтирибди-я! — деди кулгили бир қиёфада. — Лақма! Қани юр, мулла Қўзи, — у харидор қўғирчоқни етаклади. — Насриддинни сигири қурсин! Ёздаям ўқо-лоқлайди, қишда ҳам... Узим сенга бир онаси ўпмаган жонон... сигир обераман.

Тўйхонани қийқириқ тутиб кетди. Қўғирчоқлар бир зумда бошларидаги ниқобларини ечиб парда олдида пайдо бўлишди. Улар икки қўлларини кўксиларига қўйиб, қарсақ ураётган одамларға

эгилиб-эгилиб қайта-қайта таъзим қилишарди. Бир аёл келиб уларнинг елкасига битта-битта шойи қийиқ ташлади.

Шу пайт кулгидан кўзлари ёшланиб кетган Болтавой акани бир йигит секин туртди:

— Ака, айиғингизни насиваси, — у қўлидаги тоғорачани кўрсатди. — Ҳзим обориб берай десам қўқапман.

— Э, яшанг, — Болтавой ака ўрнидан ирғиб туриб йигитнинг қўлидаги тоғорачани олди. — Ҳх-ҳў-ў! Раҳмат, ука, — у тоғорачани кўтариб Тўхтаҳоннинг олдига кетди. Тоғорачада ўн-ўн беш бўлак совундай-совундай карчлаб қўйилган асаларининг уяси бор эди. У худди асалга ботирилгандай гиж-гиж шира эди. Болтавой ака Турсун кўғирчоқбознинг фаросатига, ҳимматига қойил қолди. Ундан астойдил миннатдор бўлди.

Тўхтаҳон олча тагида тебраниб, у ёқ-бу ёққа юриб турарди. У Болтавой акани кўриши билан интилди.

— Ҳа, жоним, зерикмаяпсизми? — Болтавой ака қўлидаги тоғорачани айиғининг олдига қўйди. — Мана, сиз яхши кўрадиган таом. Олинг, туширинг. Турсун тоғангиз сизни ҳам унутмабдилар.

Тўхтаҳон тоғорачани ҳидлаб-ҳидлаб ҳалиги таомдан бир бўлагини оғзига олди. Оҳ, мунча ширин бу жонивор. Бирпасда Тўхтаҳоннинг оғзи ширага тўлиб кетди. У оғзини катта-катта очиб, калласини тепага кўтариб чайнади, жуда маза қилаётганиданми, кўзлари сузилиб, ғилайлашиб кетарди.

Асал Тўхтаҳоннинг жони эди. Болтавой ака ҳар йили ўни уч-тўрт бор мана шунақа асалга тўйдирарди. Айниқса, кўкламда, кузда.

Қиш уйқуси

Тўхтаҳоннинг одати жуда ғалати эди. Кузнинг охирларида бирдан унинг феъли ўзгариб, бир оз инжиқлашиб қолар, Болтавой аканинг буйруқларидан ҳам бош торта бошлар, ўйинга ҳам унча ҳафсаласи келмасди, ётгиси келаверар эди. Болтавой ака уни дарров тушунарди. «Э, кўрмулладан дарак кеп қолганга ўхшайди», дерди кулиб. Кейин: «Бу йилги сезон шу билан тамом» дерди-да, айиғини етаклаб йўлга тушарди. Улар ҳар йили ноябрнинг охирларида уйларига келишарди. Уйга келиши билан Болтавой ака қиш тараддудига тушиб кетарди. Аввал Тўхтаҳоннинг ертўласини созларди. У тоза турган бўлса ҳам яна қайтадан супуриб-сидириб чиқарди. Кейин мўл қилиб юмшоқ ҳашақлар тўшарди. Қалин тахтадан асалган эшикнинг тирқишига эски пахталар тикарди. Ертўлани саранжомлаб бўлгач, Тўхтаҳоннинг парваришига зўр берарди. Уни ўн беш-йигирма кун обдан боқарди. Яхши гўштлар, мўм-асалларни, турли-туман мева-чеваларни олдига тўкиб ташларди.

Тўхтаҳон емишнинг зўрлигидан сал кунда гупчакдай семириб кетарди. Декабрнинг ўрталарига бориб у олдидаги емишларига қарамай ҳам қўярди. Кўзлари қисилиб, ўжириб эснай бошларди. «Ҳа, жоним, роса етилибсиз-ку. Қани, юринг, кулбаи шохонангизга обкириб қўяй». Болтавой ака уни етаклаб ертўлага олиб тушарди.

— Мана энди дам олинг, — дерди бўйнидаги занжирларини, бошидаги қайиш нўхталарини ечиб олиб, — Кўкламгача хайр!

Болтавой ака ертўланинг эшигига катта қулф урарди. Ташқаридан яна харсанглар, ғўлалар билан тамбаларди. Йўлакни сим четанлар, шох-шаббалар билан ўрарди. Шу билан Тўхтаҳон қиш уйқусига кетарди.

Болтавой ака ҳар икки-уч кунда ертўладан хабар олар, туйнукчадан ичкарига мўралаб қўярди. Тўхтаҳон бўлса юмшоқ ҳашақ устида, маст уйқуда хуррак тортарди.

Болтавой ака қишнинг оёғи қандай келишини мана шу айиғидан биларди. Тўхтаҳон қаҳратон чилланинг қоқ ярмида бир уйғонарди.

Гоҳида уйғониб, яна ухлаб қолганини Болтавой ака сезмай ҳам қоларди. Шунақа пайтда у: «Ҳа, қишнинг бу ёғи юмшоқ келар экан, Тўхтаҳон у ёнбошидан бу ёнбошига тинчгина ағдарилибди-ку», деб қўярди. Баъзи йиллари эса Тўхтаҳон шундай тўс-тўполон, шовқин-сурон билан уйғонардикки, худди уйқуси чала бўлган боладек ўкириб-ўкириб ҳаммаёқни булдирадди.

Болтавой ака бунақа пайтда ҳушёр бўлиб турарди. Тўхтаҳонни уйқусираб, эшикни бузиб чиқиб кетишидан хавфсизларди. Айниги бир кун, ярим кун мана шунақа жиннилик қилиб, маст одамдай бақириб-чақириб яна ухлаб қоларди. «Қишнинг бу ёғи чатоқ экан, қаҳр айлаб кетса керак», — ўйларди Болтавой ака.

Ҳақиқатан ҳам айиқ аюҳаннос солиб уйғонган йили қиш қаттиқ келиб, совуқ чўзилиб кетарди. Буни Болтавой ака кўп синаганди.

У қиши билан ёз тайёргарлигини кўрарди. Бозорга тушиб ёнғоқ, майиз олиб чиқарди. Ёнғоқни чақиб, мағзини майизга қўшиб ҳавончада туярди. Ундан ўриқдай-ўриқдай думалоқ хап холва ясарди. Яна шакар билан ундан парвардачалар пиширар, уларни қуриштириб халтачаларга солиб қўяверар эди. Кўкламгача бутун ёзга етадиган хап шираларни тайёрлаб қўярди.

Чилла чиқиши билан Тўхтаҳон ноз уйқудан уйғонардилар. Болтавой ака эшикдан харсангларни, тўнғак, гўлаларни олиб ташларди. Эшикни очиб:

— Тўхтаҳон, жоним, қалай, калла пишдимми? — дерди у.

Эгасини соғиниб қолган айиқ унга сурканарди.

— Бай-бай-бай, — дерди Болтавой ака айнигига ҳазиллашиб. — Жуда соқи сумбат бўп қопсиз-ку!

Ҳақиқатан ҳам Тўхтаҳонни ёзда кўрган одам ҳозир танимасди. У озиб-тўзиб, ихчамлашиб кетарди. Усиқ, пахмоқ жунлари эски наматдай осилиб ётарди. Қалласи чўзилиб, тумшуғи ингичкалашиб қоларди. У уйқудан шундай иштаҳа билан турардики, олдики, олдига қўйилган нарсани кўрдим демасди.

Болтавой ака унинг шу иштаҳасидан фойдаланарди. Тўхтаҳонни ҳар куни эрталаб ертўладан олиб чиқарди, аввал жунларини тараб эркаларди. Кейин ҳовлида бир оз айлантириб, янги ўйинларни машқ қилдирадди.

Тўхтаҳон яхши биларди: машқларни, буйруқларни бажармагунча унга овқат тегмасди. Шунинг учун иложи борича машқларни тез бажаришга, тихирлик қилмасликка ҳаракат қиларди. У ҳар бир ҳаракати, ҳар бир ўйини учун Болтавой акадан мақтов эшитарди, оғзига ширинлик тушарди.

Машқларни обдан меъёрига етказишгач, Болтавой ака унга росмана овқат берарди. Бергандаям ҳар хилидан: гўшт, олма, ерёнғоқ, картошка ва ниҳоят пировардида уч-тўрт бўлак мўм-асал...

Тўхтаҳон тўйхонада, олча тагида мўм-асал чайнарди. Болтавой ака унинг бўйнилларини, жуни қирқилган белларини, қўймичларини силарди.

— Маза қиялсизми, жоним, маза эканми, бир яйрадингизда, а? — деб қўярди у айнигининг роҳат қилаётганидан хурсанд бўлиб.

Бирдан унинг кўзи булар томон келаётган Аширмат овчи билан Адашвой айиқчига тушди.

— Э, келинлар. Турсун ака Тўхтаҳоннинг шивағасини бериб юборган экан уряптилар, — у айнигини қўйиб улар томон юрди.

— Бу баччағаринг жа катта бўп кетибди-ку! — деди Аширмат овчи кеккайиб белини ушлаганча.

— Ҳа, яхши ўсди.

— Ўзи онаси дов эди-да, бунинг. Адашбойники унча ўсмабди. Унга қараганда бу дуркун. Саккизга кирдимми?

— Тўққизга, — деди Адашбой айиқчи.

— Тўққиз йил бўпти-я! — бошини чайқаб қўйди овчи. — Мушук-дек эди ўшанда булар.

Бир нарса хаёлига келдими, тўсатдан Аширмат овчининг думалок кўзлари ўйнаб, чақнаб кетди.

— Бир-бирини танирмикин? — деди у дам Болтавой акага, дам Адашбой айиқчига жалтанглаб. — Бир учраштирмаймизми? Қанақа бўларкин?

— Майли, — кулди Болтавой ака. — Опа-укалар бир кўришсин.

Аширмат овчи Адашвойга буюрди:

— Қани, обкел-чи!

Адашбой ҳовлининг нариги бурчида боғлоқлик турган айиғининг олдига келди. У: «Ишқилиб уришиб кетишмаса эди», деган хавотирда эди. Машак полвоннинг гавдаси Тўхтахонниқига қараганда чоғроқ эди. У ердан бошини узмай, катта-катта қадам ташлаб, тинмай юриб турарди.

— Машакбой, опангизни кўрасизми? — деди Адашбой ака айиғини ечаркан. Машак ҳеч нарсага тушунмай, тумшуғини эгасининг белбоғига суқди.

— Қани, юр, — у Машакни овчи билан Болтавой ака турган жойга етаклаб кетди.

Тўхтахон узоқдан Машакни кўриши билан унга тикилиб қолди. Машакнинг эса, Тўхтахонга кўзи тушиши билан қадами тезлашди. Адашбой айиғини сал берида, Тўхтахонга етказмай тортиб турди. Машак ҳам, Тўхтахон ҳам «ғўқ-ғўқ» деб овоз чиқариб бир-бирига интиларди.

— Обор, обор, — деди нима бўлишига қизиқиб турган Аширмат овчи. — Яқинроқ оборавер.

Адашбой Машакнинг занжирини бўшатди. Машак тез-тез юриб Тўхтахоннинг олдига борди. Аввал улар бир-бирини айланиб ҳидлаша бошлади. Тўхтахон Машакнинг бўйнига тумшуғини қўйди. Машак бир зум жим турди. Кейин у ўгирилиб Тўхтахоннинг тумшуғини ялай кетди. Улар хўрс-хўрс қилиб жуда ғалати овоз чиқаришарди. Машак Тўхтахоннинг дам у ёнига, дам бу ёнига ўтиб суйкаларди, қандайдир хушонад қиларди.

Адашбой шошиб айиғини берига тортди. Машак Тўхтахоннинг олдидан кетгиси келмай қайсарлик қилиб бошини чайқарди.

— Э, билмайди булар, бир-бирини танимайди, — у айиғини куч билан тортаркан, койиб берди. — Тентаклик қилма, бўлди, Машак!

— Йигит-да, йигит, — шарақлаб кулди Аширмат овчи.

Бу ғалати учрашувдан кўнгли аллақандай бўшашиб турган Болтавой ака гап қотди:

— Энди таниса-танимаса булар ҳайвон-да.

Адашбой айиғини зўрлик билан етаклаб кетди. Тўхтахон унинг ортидан бормоқчи бўлиб интиларди, занжир таранг бўлиб тортиларди. У ҳозир ўзига ўхшаган мана шу айиқ билан бирга бўлишни, у билан айқашиб, уйқашиб ўйнашишни хоҳларди...

Айиқнинг кўзи юмуқ эди. Хаёлида эгаси уни қидириб, бўзлаб юрарди. Ана, Болтавой ака бошяпланг, ялангоёқ, халлослаб тўрт томонга зир югурарди. «Тўхтахон, жоним, қайдасан?» деб гоҳ у қафаснинг, гоҳ бу қафаснинг олдига борарди. Бирдан унинг кўзи панжарадан осилиб турган Тўхтахонга тушиб қолди. У чопганча келиб, қафасни бор кучи билан бир тортган эди, унинг темирлари ҳар томонга сочилиб кетди.

Айиқ Болтавой акани кучоқлаб хўнг-хўнг йиғларди. «Йиғлама, йиғлама, жоним», дерди Болтавой ака унинг оғзига парварда тутиб. «Ма, мана шуни егин, мана шуни егин. Ҳозир ўзим сени тўйга обора-ман».

Одамлар ҳайрон эди, чўчиб ўзларини четга олишарди. Катта кўчада айиқ етаклаб бошяланг, ялангоёқ Болтавой ака борарди. Тўхтахон одимини алпанг-талпанг ташлаб тўйга ошиқарди. Уни ҳов ўша Андижонда, Ушга боришганда тўйда кўрганди. Яна кўрадиган

бўлди. У худди ўзига ўхшаган жунлари олтиндай сап-сарик айиқ эди...

Ҳаво дим эди. Ҳайвонот боғида димоққа аллақандай қўланса ҳид уриларди. Аҳён-аҳёнда тун сукунанини бузиб бўрининг улиши, йўлбарснинг ириллаши, уйқусираган қайсидир қушнинг пат-пат этиб қанот қоқиши кулоққа чалинарди. Мудраб турган зебра, пакана отлар оғирлигини у оёғидан бу оёғига олиб, думини сонига шап-шап уриб қўярди. Узоқдан, жуда узоқдан чилдирманинг «так-тум, така-тум» и эшитиларди. Тўхтаҳон қафас бурчагида ғужанак бўлиб ётарди.

* * *

Гира-шира тонгда ҳайвонот боғида ғалати ҳаёт ҳукм сурарди. Ҳамма ҳайвонлар, паррандалар ниманингдир илинжида жонсарак бўлиб, питирлаб қолишарди. Маймунлар у ёқдан-бу ёққа сакраб вижирлашар, қушларнинг чуғур-чуғури авжга чиқарди. Хўролар қанотларини тап-тап уриб қичқиришар, товуқлар лапанглаб юриб қақақлашар, ниманидир кутишарди. Еввойи отлар қўрани гир айланиб кишнар, қўтос тумшугини панжара тирқишига тикиб пишқиар, йўлбарслар, шерлар бетоқат бўлиб ириллашар, қафас эшигига дам-бадам бориб келишарди.

Қора, узун халат кийган одамлар шошиб юриб кичкина аравачаларда уларга нонушта таширди. Кўпинча аравачаларда бўтқа, сўйилган тарвуз, қуён гўшти, помидор, дон, хашак уни, яна алланима-балолар бўларди. Иштаҳалари карнай бўлиб турган ҳайвонлар типирчилаб қолишар, лаб-лунжларини ялаб овқатга шайланишар, ўзларича ғалати овоз чиқариб бетоқат бўлишарди.

Кечаги уколдан кейин Тўхтаҳон энди уйғонганди. Бутун вужудида аллақандай ҳорғинлик, ланжлик сезарди. Унинг олдига алла-падлада сўпоқ бош келди. Унинг қорасини кўриши билан Тўхтаҳон ўрнидан туриб кетди, бориб қафас бурчагига тикилди.

— Ҳм, мулла минган эшакдай бўлиб қолдингми? — деди у тиржайиб. Тўхтаҳон ҳавотирда эди. Тагин кириб бир бало қилмасайди, деб қўрқиб турарди у. Йўқ, сўпоқ бош бир оз қараб турди-да, қайтиб кетди. Сал ўтмай у Тўхтаҳонга нонушта олиб келди.

— Энди жиннилик қилаверма, ол, е, — деди у тоғорага картошка, бўктирилган нон, яна чириган олма тўкаркан.

Тўхтаҳоннинг қорни жуда очган эди. Сўпоқ бош кетиши билан у тоғорадаги нарсаларни ҳидлаб-ҳидлаб ея бошлади. Байбай-ей! Мунчаям бемаза бу овқат. Маза-матраси йўқ. О, илгари у қанақа овқатларни ерди. Болтавой ака ҳатто унга мороженолар олиб берарди-я!

Тўхтаҳоннинг шу пайт шундай ширинлик егиси келиб кетдики, тоғорадан бошини кўтариб тамшаниб қўйди. Эҳ, қани энди ҳозир ёнида Болтавой ака бўлса, оғзига биттагина қандми, хап холвами ташласа...

Қарз

Тўхтаҳон панжарадан тикилганча Болтавой акани ўйларди, унинг доимо кулиб турадиган юзи, қошларини учириб-учириб сўзлашлари кўз олдидан бир-бир ўтарди. Э, дунёда Болтавой акага ўхшаган одам кам топилади. Оғзидан бол томарди-я, бол! Баъзи пайтлари Тўхтаҳон инжиқлик қилиб, гапини уқмаган чоғларидаям қаттиқ гапирмасди-я! Ҳатто жеркимасди ҳам. Яхши гапириб, эркалаб, суюб пешонасини силарди. Тўхтаҳон у билан шунча юриб, бирор марта ҳам аччиғи чиққанини кўрмаганди. Лекин бир куни кўрди: Тўхтаҳоннинг оғзи очилиб, эгасини танимамай қолди. Болтавой ака шунақаям тутоқиб

кетдики, ўзи ҳам бунақа ҳолатга биринчи тушиши бўлса керак. Нега унинг бунақа хуноби ошиб кетди — Тўхтаҳон билмай қолди.

Бу воқеа ўша Шер отаникига келган кунларидан кейин бир ҳафта ўтгач рўй берди. Бозор куни эди. Улар бозорга чиқишга, томоша кўрсатишга тараддулланишарди. Болтавой ака ўски сочиқни ҳўллаб Тўхтаҳоннинг оёқларини, жунларини, тумшукларини артарди.

— Қошингизга ўсма тортиб, кўзингизга сурма ҳам босиб қўяйми, жоним? — деб куларди у айиғини эркалаб.

Шер ота одатдагидек қориндор сариқ самовари билан овора эди, уни ағдариб ўтхонасини бўшатарди, кулини қоқарди. Бирдан ҳовлига ўқдай отилиб Искандар кирди. Унинг ранги бўздай оқариб кетганди.

— Бува, — деди у ўпкаси бўғзига тикилиб, — анави киши яна келяпти.

— Ким дединг? — Шер ота таёқдай қотиб қолган белини кўтарди.

— Анави кўр киши, — деди Искандар буvasига ачиниб.

— Оббо падарлаънати-ей! Ўзим ҳам ўйловдим-а! — Шер ота Зуннун кўрга нима жавоб қилишини ўйлаб питирлаб қолди. — Ҳозир яна оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Бошига тумонатни тўплайди.

Шер ота доводирарди, нима қилишини билмасди. «Дунёда нима ёмон десанг қарз ёмон экан», ўйларди у. «Худо қарғаган одам бировдан қарз бўларкан. Қарз бўлдингми, на еган-ичганингда, на ётар-турарингда ҳаловат қоларкан. Қарз ўлгур ичингни қуртдай кемиравераркан».

Шер ота шу ёшга чиқиб бунақа изтироб чекмаганди, бунақа хўрлик кўрмаганди. Шу кунларда унинг гавдаси одам бўлиб юргани билан, ўзидан ўтганини ўзи биларди. Ҳамма айб ўзида. Унга қассоблик чикора эди. Парда қассобнинг гапига лаққа учиб, бекорга Зуннун кўрдан иккита қўй қарз бўлиб ўтирибди.

Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон керак дегандек, бултур Шер ота рўзгордан анча толиқиб қолди. Парда қассоб унга маслаҳат берди.

— Сендан ҳаракат, мендан баракат деган худо ҳам. Ўтирасизми, берсанг ейман, урсанг ўламан деб. Иккита тошни бир-бирига урма-сангиз олов чиқмайди, ака. Қўй сўйиб сотинг. Мана, кунимиз ўтяптику! Ҳеч бўлмаса гўшт-ёғингиз ўзингиздан чиқади-ку, ахир! Қалла-почаси билан ҳам кун ўтказса бўлади. Худо берса беш-ўн сўм ёнга ҳам қолади.

— Дастмойя йўқ, Пардавой, дастмойя! Қассобликка ҳам дастмойя керакми ахир? — Шер ота ўзинг кўриб турибсан-ку, дегандай елкасини қисди.

— Зуннун кўрдан кўтаринг! Тани сеники, фойдаси тенг шерик дейсиз.

— Кўнармикан у судхўринг? — Шер ота қандай бўларкин, дегандай иккиланди. — Занғаринг бир пулни икки пул қилиб берасан, дейдиганлардан.

— Кўнади! — Парда қассоб ишонч билан гапирди. — Ҳафтада гўшт-ёғ бериб тураман десангиз, кўнади. Унинг пулини кимлар ишлатмаяпти дейсиз. Кўрда пул кўп.

Шер ота эртасига Зуннун кўрнинг уйига борди. Кўр айвонда, тақир кўрпачада чордона қурганча қаққайиб ўтирарди. Унинг парда босган кулранг кўзлари олхўридай ирғиб-ирғиб чиққанди.

Зуннун кўр Шер отанинг дардини диққат билан эшитди.

— Қанча муҳлатга оласиз? — кескин сўради у.

— Қанча бўлса шунчага-да, қори. Керак деган кунинг қайтариб бераман.

— Бу гапингиз хом, Шер ака, — деди Зуннун кўр ўтирган жойида миқ этмай. — Аниқ муҳлатни айтинг, олти ойга оласизми, бир йилга оласизми? Шунга қараб иш тутамиз.

— Ҳа, ана, бўпти, бир йил десанг бир йил. Бир йилда қайтараман.

— Тилхат берасиз.

— Оббо! Менга ишонмайсанми? — «Тилхат» сўзи Шер отанинг

иззат-нафсига текканди. — Қўрқма, қочиб кетмайман, еб кетмайман, кишининг ҳақидан ҳазар қиламан.

— Тўғри, тўғри, — кўр вазиятини бузмади. — Биламан, тонмай-сиз. Аммо мен бировга қарз берсам шундай қиламан. Негаки, билиб бўлмайди, Шер ота. Бу иссиқ жон, одамнинг ётди-турдиси бўлади. Бугун борсан, эртага... Шунинг учун ўнта гувоҳдан битта ҳужжат афзал. Ишнинг пишиқ бўлгани тузук.

— Бўпти, тилхат бўлса тилхат-да, — Шер ота гапни калта қилди. Ичида ўйларди. «Келиб-келиб шу судхўрга хор бўлдимми, шунга бўйнимни қисдимми. Бу кўр одамлар айтганча бор экан. Худонинг бориб турган газаби экан. Шунга айтадилар-да, дўстга хор, номардга мухтож қилмагин, деб».

Улар ҳамма гапни пишиқ-пукта гаплашиб, келишиб олишди. Зуннун кўр Шер отага тилхатни қандай ёзишни тушунтирди. Эртасига у ўғли Зухриддинга тилхатни ўқитиб эшитди. Тилхат бир парча қоғозга шундай ёзилганди:

ТИЛХАТ

Менким Шермуҳаммад Имомберди ўғли Зуннун Ҳайдар ўғлидан бир йил муҳлат билан қайтариш эвазига минг сўм қарз кўтардим. Қарзим муҳлати биттач, пулни бадали билан бир минг тўрт юз сўм қилиб қайтараман ва шу билан бирга ҳар икки ҳафтада Зуннун қорини бир кило думба ёғ, бир кило гўшт билан сийлаб туришга сўз бераман. Кишининг ҳақи тангрининг ўқи. Омонатга хиёнат қилмайман, деб Шермуҳаммад Имомберди ўғли.

195... йил, наврўзнинг учинчи куни».

— Яхши, — деди Зуннун кўр тилхат ёзилган қоғозни ўғлидан оларкан. Кейин унга буюрди.

— Минг сўм санаб чиқ.

Зухриддин лип этиб уйдан чиқди.

Шер ота қассобликни бошлаб юборди, қўй олиб сўйиб сотиб юрди. Бу ҳам гоҳ чикка, гоҳ пукка иш экан.

Баъзида беш-ўн сўм фойда қилди, баъзида зўрға учма-уч чиқарди. Ҳар қалай чолнинг қора қозони қайнаб турганди.

Бир бозор куни уни худо уриб қўйди. Кеч куз эди. Эрта тушган қора совуқ юз-кўзларни яларди. Азонда қўй бозорида савдо авжида эди.

Жуман даллол Шер отани бир қозоқ чолнинг олдига бошлаб келди. Қозоқ чол авраси чий бахмал каттакон тулки тумоғини томоғидан танғиб олганди. Эгнидаги анча уриниб қолган калта пўстини, азбаройи кирлигидан қатирмачоқ бўлиб, йилтиллаб турарди. Тумоқ ичида бир бурда юзи, кичкина қисик кўзи аранг кўринарди.

— Шу ўтағасининг қўйини кўринг, ака, — деди Жуман даллол қозоқ чол ушлаб турган сариқ қўчқорни кўрсатиб. Шер ота қўйнинг у ёғига ўтиб қаради, бу ёғига ўтиб қаради. Белларини, биқинларини сиқимлаб кўрди, думбасини салмоғлади.

— Бўладими? — даллол шуни олинг дегандай Шер отага имо қилди.

— Қанча дейди? — сўради Шер ота.

— Қани, айтинг, ўтағаси?

Қозоқ чол бир оз ўйланиб турди. Кейин:

— Жетов деймин, — деди.

Жуман даллол унинг қўлини олди.

— Бўладиган савдони қилайлик, ўтағаси, — у чолнинг қўлини маҳкам қисди. — Тўртта, тузукми, тўртта.

— Жўк, — қозоқ чол бош чайқади.

— Тўрт ярим, бўлдими, барака денг, — Жуман даллол чолнинг

қўлини силтай бошлади. — Емон қилмадим, тўрт ярим, барака денг энди, барака денг.

— Жўқ, — чол бўлмади дегандай даллолнинг панжаларидан қўлини тортиб олмоқчи бўларди, даллол қўйиб юбормасди.

— Бозор шу, ўтағаси, бозорга қаранг.

— Қарадим бозорни. Қўй кўпгўй, алаберингдар.

— Чорак кам, бўлдимми? Қани, бор барака. Барака денг энди, ўтағаси.

— Жўқ, — қозоқ чол юзини тескари ўгирди.

— Вей, менга қаранг, бу ёққа қаранг, нега тескари қарайсиз? — Жуман даллол чолнинг қўлини омбирдай қисиб, бор кучи билан силтарди. — Сотасизми ўзи қўйни? Барака денг, ахир! Менга қаранг!

— Қарасам не? — қозоқ чол овора бўлма, дегандай унга қаради. Жуман даллол яна жаврай кетди.

— Бундан ортиққа кўтармайди, ўтағаси. Мен сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмоқчи эмасман. Ўртадаги холис одамман. Лекин кам қилмадим. Бараками? Бор барака, денг!

— Бўлмайди, ширағим, бўлмайди, — қозоқ чол бир силтиб қўлини тортиб олди. — Кўриб турсин, қўй этти.

— Қайсарлик қиляпсиз. Майли, ўзингиз биласиз. Аммо кам қилмадим. — Жуман даллол Шер отани бошлаб нари кетди. Йўл-йўлакай унга шивирлади.

— Қўйи семиз. Юки эллик бешдан ошади. Лекин олсангиз зиён қилмайсиз. Бештани ҳам кўтаради. Бир зум айланиб яна ўтамиз. Бўлмаса ҳозир биттаси илиб кетади.

— Бештага кўнса... — Шер ота гапини тугатолмади. Бирдан икки йигит сўкишиб, ёқа бўғишиб, уларни суриб кетди. Одамлар гур этиб тўполон қўлган жойга чопишди. Олатасир бошланди. Йигитлар бир-бирига калла қўйиб, тешишарди.

— Э, тентаклар, қўйсаларинг-чи, жинни бўлганмисанлар, бас-э! Биринг оғир бўл, биринг... — Уч-тўрт қария уларни ажратмоқчи бўларди. Шер ота билан Жуман даллол оломон ичида қолганди. Йигитлардан бирининг оғзи-бурни дабдала қон бўлди. Одамлар гуж бўлиб муштлашни томоша қилишарди. Бир полвон киши калтаклаётган йигитнинг қўлини қайириб, туртиб-туртиб даврадан чиқариб юборди. Калтак еган йигит қон тупуриб сўкинарди:

— Аблах, ҳали кўрсатаман сенга, аблах! Ичагингни бошингга салла қилиб қўймасам одамдан туғилмаганман. — У сўкина-сўкина оғзи-бурнини кафти билан артиб одамлар орасидан чиқиб кетди.

Жуман даллол билан Шер ота яна қозоқ чолнинг олдига боришди.

— Ўтағаси, нима қилдик? — Жуман даллол чолга гап қотди. Яхман деб тураверасизми?

— Турсақ, тураберемиз, базаргўй бу.

— Қўлни беринг, — Жуман даллол шахт билан чолга қўлини узатди. — Кўнглингиздагини билиб турибман, боринг ана, сиз айтганингиз. Барака денг! Ҳаддингиздан ошманг энди, хўп денг.

— Қанша дейсин? — чол кулумсираб сўради.

— Бешта. Жа осмонга сапчиб кетдик. Бор барака денг!

Жуман даллол қозоқ чолнинг қўлини яна жон-жаҳди билан силташга тушди.

— Ойбой, қандай балесин ўзи! Адамди қўясинба жўқпа! — чол бир оз юмшагандай бўлди.

— Энди бошқа гап ортиқча, ўтағаси. Таранг қилманг, бу ёғи узилиб кетади. Бор барака, денг.

Чол бирпас яна таранг қилиб турди. Кейин азбаройи қўли оғриганиданми, ё савдо мўлжалига етдимми:

— Бор барака! — деб юборди.

— Қани, Шер ака, пулни чиқаринг, — Жуман даллол чунонам чаққон бўлиб кетдики, сабрсизлангандан кафтларини бир-бирига ишқарди.

Шер ота шартта қўйнига қўл тикди. Унинг қўли лўп этиб чопонидан ташқарига чиқиб кетди.

— И-я! — деб юборди у жон аччиғида. — Пул йўқ, Жуман! Шўрим қайнаб қопти! Уйим куйди, Жуман, уйим куйди. Кесиб кетибди!..

Ҳақиқатан ҳам унинг биқинидан бир қаричча жойи то чуруккина костюмигача кесилиб ётарди.

Шер ота шундай довираб қолдики, бечора нима қилишини билмай дам шимининг чўнтағига, дам қўйнига қўл тикарди.

Бу кўргиликдан Жуман даллол ҳам, қозоқ чол ҳам бир зум донг қотиб қолишди.

— Қудай уриптов сени, қария! — қозоқ чол Шер отага ачиноиб бошини чайқарди. Жуман даллол унга нима дейишини билмасди.

— Тавба! — деди охири гап тополмай. — Камбағални туянинг устида ит қопади, дегани шу-да! Эҳтиёт бўлиш керак эди, ака! — У Шер отани койиди. — Ҳозир, биласиз, ёмон кўп.

— Эҳтиёт қилгандим. Белбоғимда эди, белимга боғлаб олгандим, — Шер ота дир-дир титрарди. — Нима қилдим энди-а, Жуман, нима қилдим? — у нажот тилагандай Жуман даллолга жовдирарди. — Дастможа бировники эди. Кошки ўзимники бўлса! Зуннун кўрдан кўтаргандим! Хонавайрон бўлдим, Жуман.

— Бояги тўполонда ўмаришган, падарлаънатлар. Тўполонни ҳам, муштлашни ҳам атайин уюштиришган чоғимда, ярамаслар.

— Ушалар дейсанми-а? Қаёққа кетди у болалар?

Шер ота мол аччиғи, жон аччиғи дегандай каловланиб бояги муштлашган йигитларни қидириб кетди. У ҳелпиллаб юриб мол бозорни, қўй бозорни бир зумда айланиб чиқди, йигитларнинг арвоҳини ҳам тополмади.

Чикмаган жондан умид дебми, Шер ота ўша куни кечгача бозорда юрди. Гўё ҳозир топиб оладигандай чайқов бозори борми, мева бозори борми... каппонларни ҳам айланди. Одамлар уймалашган жойда киссавурни пойлади. Йўқ, ҳеч кимни гумон қилиб ушлолмади. Охири пулдан умидини узди. Кечқурун ҳориб-толиб уйига қайтди.

Ҳовлисига икки қанор жиққа ҳўл кўрак ташлаб кетишганди. Шер ота кўракка қарамади ҳам. Анчагача уйга кириб, эшикка чиқиб, нима иш қилишини билмай каловланиб юрди. Ҳўл кўракнинг устида бирпас ўйланиб ўтирди. Кейин ўрнидан туриб, музлаб қолган қанорларни судраб даҳлизга олиб кирди.

Бечора чуваккина чол эди, бирпасда келган мусибат уни яна ҳам кичрайтириб, қаддини букиб қўйди.

Кечаси кампири, Исканбой ғўза чувиб ўтирганди. Абди чўкиртак чиқди. Одамлардан эшитганми, у билан кетма-кет қўлида фонус, туртиниб-суртиниб Абдулла партизан кириб келди.

— Нима жин урди сени, ўртоқ, — у уйга кира солиб Шер отани койиб кетди. — Қўй ёғи, қўй гўштига ош емасанг емасдинг, зигир ёғ ҳам тешиб чиқмасди. Партизанлик чоғингда очин-тўқин ҳам юргансан-ку, балоям урмаганди.

— Э, ким билади дейсан, Абдулла, — Шер ота бошига ниқтади. — Одам галавасини бир йўқотса йўқотавераркан.

— Галава! — кулди партизан. — Насия еманг этни, суяги йиртар кетни, деганлари шу-да! Бировдан пул кўтариб қассоблик қилишни ким қўювди сенга. Бир кунинг ўтмаётувдимми? Ҳай, майли, куйма! — деди Абдулла партизан энди дўстига тасалли бериб. — Бўлар иш бўпти, қайғуришнинг фойдаси йўқ.

— Тўғри! — Абди чўкиртак партизаннинг гапини маъқуллади.

— Асло қайғурма. Минг дод-вой қил, ўғри баттол обкелиб бермайди энди. Есин-ичсин, тўймасин, вассалом. Сеники қақшатибди-ми, икки дунёда косаси оқармайди, худо хоҳласа.

— Шу-да энди, Абди, нима қиламиз, чиқаси келган экан, — Шер ота тақдирга тан бергандай уф тортди.

Э. РАЙМОВ ◆ КУЗ ИЛГАМАС ШУЪЛАЛАР ◆ ҚИССА

— Парво қилма, ўртоқ, — Абдулла партизан чолнинг кўнглини кўтарди. — Қул ўлмас, ризқи кўммас. Ўрни тўлиб кетади.

Чоллар ярим кечада икки қоп гўзани чувиб ўрниларидан туришди.

Шу-шу кўрак чувиш баҳона бўлди, маҳалланинг қари-қартавлари, кексалари, Шер отаникига йиғиладиган бўлишди. Улар ярим тунгача уч-тўрт қанор кўракни чувиб ташлашар, ўтган-кетган гаплардан гаплашишар, ҳангомани қизитишарди. Шер ота бўлса уларга чой дамлар, топган-тутган бир сиқим майизи борми, беш-тўрт чақмоқ қанди борми, чолларнинг олдига ташларди.

Аста-аста унинг уйи чоллар базмгоҳига, кичик «чойхона»га айланиб бораётганди. Баъзилар чойпули деб дастурхонга бир сўм-ярим сўм ташлаб кетишарди. Шер ота:

— Э, бу нима қилиқ! — деб бир-икки хафа бўлганди, Ғани полвон уни жеркиб ташлади:

— Нима, сиз Миразиз боймисиз! Ошиб-тошиб ётибсизми?!

Шер ота:

— Ҳай, майли, худо кармонингларга барака берсин, — деб кулиб қўйди.

Судхўрнинг жазаваси

Ҳақиқатан ҳам, Абди чўкиртак айтгандай, тирик жоннинг куни ўтаверар экан. Шер ота ҳам кўп бўлмаса оз, ишқилиб бир кунини амаллаб ўтказаверди. Аммо қарз отанинг ўтирса ўрнини, юрса йўлини куйдирарди. У кечаю кундуз шу қарзни ўйларди. Эсоён-омон шу қарз балосидан қутулиб олеа бас, у ёғи худо подшо. Шу фалокатдан кейин бир ой ўтар-ўтмас Шер отанинг эшигидан чамаси ўн икки, ўн уч яшар юпунгина кийинган, бурни сумакдай бир бола кириб келди.

— Кел, ўғлим, кел, — деди Шер ота уни қаршилаб.

— Бувам юбордилар, — деди бола енги билан бурнини артиб.

— Хўш, хўш, буванг ким?

— Зуннун қори. Гўшт, ёғ бераркансиз.

— Э, Зуннун қорининг набирасимисан? — Шер ота дарров тушунди. Бир марта гўшт-ёғ бервормаганига зинғиллатиб набирасини жўнатибди. У болага нима жавоб қилишини билмай бир зум ўйланиб қолди. Кейин унга тайинлади:

— Уғлим, бувангга бориб айтгин. Шер отам қассоблик қилмаяптилар экан дегин, хўпми? Қўй сўймапман ҳозир, дўрустми?

— Майли, — бола индамай чиқиб кетди. Шер отанинг ичи хижил бўлиб қолди. «Кўр ўлгур ўзи келиб тўполон қилмасайди», деб қўрқарди у.

Иўқ, қори келиб тўполон қилмади. Бола келиб кетганича улар шу баравар жим бўлиб кетишди.

Қиш ўтиб кўклам келди. Кейин ёз... Тилхатнинг муддати тугаб борарди. Шер ота қарияларнинг маслаҳати билан уйини кичкинагина «чойхона» қилиб қўйди. У бир амаллаб қарзидан қутулиш пайида эди. Уч, тўрт танга топса, туфлаб белига тугарди.

Бугун Шер отани тинмайдиган, чарчайдиган куни эди. Ҳар жума, бозор унинг куни туғарди. Узоқ-яқиндан жума намозига, бозорга келган чоллар, кексалар тўғри бориб Шер отаникига келиб тушарди. От-уловларини толларга боғлаб қўйиб ўзлари бозор қилишарди. Кейин келиб соя-салқин жойларга ўтирволишиб чойхўрлик, ошхўрлик қилишарди, бедана уриштиришарди. Шер ота кун бўйи уларнинг хизматида бўларди.

— Шер, чойдан бер.

— Шер, шўрвангдан бир коса обкел.

— Шер, ошни сузвор.

Кавказлик чолларга ўхшаб юзларини калта, оппоқ соқол босган, бели букчайиб, елкалари туртиб чиққан, пешоналарининг ажини қатқат бўлиб кетган, жиккак, сап-сарикқина Шер ота ёш боладай зипиллаб юриб чой ташир, қозонга қарар, ош дамлар, хуллас ошхона билан чойхўрлар олдига бўзчининг моксидайд бориб келарди. Илгари унга Искандар, кампири Ойниса буви қарашиб турарди. Икки ойдан ошдики, бечора кампири оёқ оғриқ бўлиб ўтириб қолди. Искандар бўлса новвойхонада, бир нафас бўшамайди. Ҳамма иш Шер отанинг ўзига қолганди. Рўзгор ҳам, бозор-ўчар ҳам, супур-сидир ҳам, қозон-товоқ ҳам. Шер ота ўйларди: «Майли, ётиб қолмасам бўлгани. Меҳнат билан одам ўлмаган. Ишқилиб мана шу қарздан қутулиб олсам бас». Баъзан туриб-туриб қилган иши ўзига нашъа қиларди. Бир замонлар отининг туёғидан ўт чақнарди. Душманлар номини эшитса зир титрарди. Энди келиб-келиб бир судхўрга бош эгиб ўтирса-я! «Бундайларнинг тухумини ўйнатардинг-ку, илгари, Шер! Томирингдаги қайноқ қон қайда қолди? Судхўрдан қарз кўтариб, қассобчилик қилишни ким қўювди сенга. Шусиз ҳам бир тирикчиликни ўтказсанг бўларди-ку! Уйламай қилинган иш шунақа бўлади. Ҳе, хом сут эмган банда», деб ўзини ўзи койирди.

Инсон боласи тирик экан, ҳар балони кўравераркан, ҳар балога кўникавераркан. Шер ота қариган чоғимда шундай бўламан деб ўйлаганиди. Икки арслондай ўғли урушда йўқ бўлиб кетмаганда-ку, бу кўргиликлар Шер отага қаёқда эди. У ҳам бошқа бойвачча чолларга ўхшаб чопонини елкасига ташлаб айш қилиб юрарди. Исломи билан Пирмати ёнида бўлганда уйини хонаки «чойхона» қилиб қўярмиди. Нима қилсин, кўпга келган тўй экан, ўғиллари урушдан қайтиб келмади. Ўзиям, кампири ҳам мункиллаб қолди. Келини Асолат эр қилиб уйда қоққанда қозиқ, осганда хурмачани ҳам қўймай ҳамма нарсани ортди кетди. Исломидан яккаю ёлғиз мана шу невараси Искандар ёдгор бўлиб қолди. Шу бола омон бўлсин. Шер отадан кейин унинг чироғини ёқиб ўтирадиган шу набираси. Шунини улғайтириб одам қилса, тўйини кўрса чолнинг армони йўқ. Эсон-омон анави қарзидан қутулиб олсин, «чойхона»ни ҳам бас қилади.

Бир куни шу чойхонани ҳам худо кўп кўришига сал қолди. Жума намозидан чиққан беш-тўртта чоллар супада чойхўрлик қилиб ўтиришарди. Ким билади, биров чаққанми, етказганми, тўсатдан ҳовлига Жаббор молия кириб келди. Унинг ёнида боғичи узун чарм сумкасини елкасига осиб олган Шамси налог ҳам бор эди. Жаббор молияни кўриб чолларнинг капалаги учиб кетди. Усмон қора билан Шокир ота қўлида кўтариб ўтирган беданасини шошиб қўлтиғига тикди. Буни сезиб қолган Жаббор молия тўғри супанинг олдига борди.

— Қани, беданани бу ёққа олинг! — деди довдираб қолган Усмон қорага.

— Қанақа бедана? — Усмон қора ҳеч нарса билмагандай кулди.

— Олинг, олинг! — дағдаға қилди Жаббор. У Шокир отани ҳам кистади. — Сиз ҳам олинг.

— Э, қўй, Жабборжон, болам, эрмак қилиб кўтариб юрамиз-да, — ялинди Шокир ота!

— Қани, ўша эрмакни бу ёққа олинг, мен бир кўрай.

— Нима қилмоқчисан? — хавотирланиб сўради Усмон қора.

— Менга беринг деяпман беданани?! Нега гапни кўпайтирасиз? — дўқ қилди Жаббор.

— Ма, — деди Усмон қора шартта қўлтиғидан беданасини олиб. — Шу бир сиқим парга зормисан?

— Зорман. Қани, сиз ҳам беринг.

Шокир ота ҳам ноилож беданасини қўлтиғидан чиқариб Жабборга тутди. Жаббор иккала беданани ҳам калласини шарт-шарт юлиб отиб юборди. Усмон қора сапчиб ўрнидан туриб кетди.

— Э, нима қилдинг беданани? Уволи тутсин илоё! Сенга зиёни тегаётувдими? Худога солдим! Эсизгина беданам...

— Қарғаманг, бақирманг! Обориб қаматиб қўйсам кейин биласиз уволини!

— Э, қаматсанг қаматиб қўя қол! — энди Шоқир отаники тутиб кетди. — Қарияларнинг дилини оғритгани худодан кўрқ! Бедана сенга нима ёмонлик қилди?! Ҳе йўқ, бе йўқ, бошини узасан! Э, зумраша, жаллод!

— Ҳақорат қилманг! Мана шу сўзингиз учун жавоб беришингизни унутманг! — ранги бўзариб ўшқирди Жаббор. Кейин шахт билан бориб Шер отага дўқ қилди:

— Сиз нега уйингизда собственной чойхона очиб қўйдингиз! Ким сизга рухсат берди бунақа ўзбошимчаликка?

— Қанақа чойхона? Қани чойхона? — Шер ота бу нима деганинг дегандай елкасини қисди. — Чойхона йўқ, ўғлим. Ўзимга ўхшаган уч-тўртта қариялар келишади, ўтган-кетгандан ҳангамалашиб ўтираминг-да.

— Ўзингизни гўлликка солманг, Шер ота, — гапга қўшилди Шамси налог. — Чойхона бўлмай нима бу? Ёмонликка олинса шу билан кетасиз. Бу ишингиз бориб турган қип-қизил жиноят-ку! Шахсий чойхона очиш! Бунинг учун жавобгарликка тортиласиз. Давлат сизга катта налог чиқаради. Бор нарсангиз мусодара қилинади.

— Мусодара? — кулди Шер ота. — Нима бор экан мени мусодара қилинадиган. Анови қора қозоним билан сариқ самоваримдан бошқа кўзга илинадиган буюмим бўлса, ол, мусодара қила қол.

— Тилга эрк берманг, ҳукумат билан ўйнашманг, билдингизми! — Шамси молия, кўп гапирманг, дегандай Шер отага қараб кўзини қисди, лабини тишлади. — Бугундан бошлаб бунақа ишни йиғиштираман денг, вассалом. Жаббор Сулаймонович ҳам, мен ҳам мусулмон болаларимиз.

Жаббор молия бедананинг бошини узган панжаларини ёзиб, гўё жиркангандай ҳовлидан чиқди, ариқдан қўлини юва бошлади. Шамси налог Шер отани бир чеккага имлади. Унга шивирлади:

— Нима қиласиз айтишиб. Жаббор Сулаймонович билан ўйнашиб бўладими? Хўп, сеники маъқул денг-у, жим тураверинг. Беш-ўн сўмингиз бўлса беринг, тушундингизми гапни, у бир тикилса ёмон, у ёғини ўзим тинчитвораман.

— Э, Шамсиддин-а! Бундай демайсизми, ўғлим, томоғимиз қичиди десанг-ку, олам гулистон! — Шер ота чўнтагини ковларкан бош чайқарди. — Кела солиб дўқ урасанлар! Бедананинг калласини узасанлар!

— Уларингиз ўзларининг бошлари омон қолганига шукр қилишсин.

Шер ота киссасини қоқиштириб Шамси налогга узатди. У пулни чўнтакка ураркан, баланд овоз билан гапириб яна пўписа қилди:

— Ҳамма иш қонуний бўлиши керак, Шер ота. Қонун билан ўйнашманг. Бу галча кечирдик, қарилгингизни ҳурмат қилдик. Аммо иккинчи такрорланмасин бу иш. Унда чатоқ бўлади.

Шамси налог томоқ қириб, гердайганча ҳовлидан чиқиб кетди. Шер ота ичида уни қарғади. Қилган иши ўзига алам қилди. «Энди пора бериб кун кўрадиган бўлиб қолдингми? Бундан кўра ўлганинг ахши эмасми, Шер», деб ўзини ўзи сўқди.

Яна келиб кўрсин! Кўпчиликни гувоҳ қилиб шартта мелисага тутиб беради. Пора еган тишини суғуриб олади.

Шер ота: «Буларни бир боплайман», — деб телва тўнини тескари кийиб юрганди. Воя Исқандар: «Бува, анови киши яна келяпти» — деганда Шер ота яна ўша суллоҳларми деб ўйлаганди, йўқ, Зуннун кўр экан. «Оббо, зангар-эй! Ҳозир келади-ю, цармандаи шармисор қилади».

Наврўзнинг роппа-роса учинчи куни ҳов ўша гўштга келган бола тагин пайдо бўлган, Шер ота оёғини қўлга олиб Зуннун кўрникига борган, яна уч ой муҳлат олган эди. Уч ой ҳам ўтиб кетди. Зуннун кўр икки марта чопар юборди. Мана энди ўзи келибди.

Болтавой ака Белариқ олдида ҳамон Тўхтастоннинг пардози билан овора эди. Бир эски, шалоқ эшак арава дўқир-дўқир қилиб тепаликдан тушиб кела бошлади. Аравада бўз яктаги устидан сахтиён нимча кийиб олган, бошида шайтонтеридан тикилган учи чўққи ҳожи дўппи, қаққайиб Зуннун кўр ўтирарди. У икки қўли билан араванинг четини ушлаб олганди. Эшак устида эса ҳов ўша, бурни сумакдек бола эди. Арава кўприкдан ўтиб эшик олдига келганда у эшагини «иш-ш-ш», деб тўхтатди. Зуннун кўр етиб келганини билди шекилли, аравага ростланиб ўтириб олди. Кейин бўйинни хўроздай чўзиб, ичкарига қараб бақира бошлади. Унинг шанғи овози қўни-қўшниларга бемалол эшитиларди.

— Шер! Ҳо-о, Шер! Инингга биқиниб олдингми, муттаҳам! Чик бу ёққа!..

— Бақирма, бақирма, кел, қори, — ичкаридан гарангсиб Шер ота чикди. У нима қилсинки, тили қисик. Шунинг учун ёмон оғриққа яхши ош, қабилда муомала қилмоқчи бўлди, қорига ялиниб-ялпоғланди.

— Қори, ҳеч бўлмаса ёшимни ҳурмат қил, соқолимни ҳурмат қил. Етти-саккиз қўйлакни сендан ортиқ йиртганман-а! Майли, сенсанг ҳам шовқин солма, ука. Худо хоҳласа оласингни оласан, юзюзга тушади...

— Пулимни бер, муттаҳам! — деди кўр Шер отанинг гапини писанд қилмай! — Қачонгача алдайсан, имонсиз?

— Бераман, қори, бераман, бермайман, еб кетаман, деяганим йўқ-ку! Андек сабр қил, ука. Икки оёғимни бир этикка қисаверма. Бераман пулингни.

— Ҳозир бер пулимни, аблаҳ, ҳозир бер. Шу бугун бермайдиган бўлсанг соқолингни битталаб юламан. Эшакка тескари ўтқазиб сазойи қиламан. Бировнинг ҳақини ейишнинг жазоси шу! Олишда ассаломалайкиму, беришда астағфирулломи, муттаҳам!

— Тонаётганим йўқ-ку, қори! Оғзингга қараб гапир, ука! — Шер ота ҳақоратларга алам билан чидар, унга нима дейишини билмас, гапиришга гап тополмай тили гўлдиарди. Зуннун кўр гапга қўноқ бермасди, борган сари авжига чиқарди, лўлилик қиларди.

— Олишда кирар жоним, беришда чиқар жонимми, соқолинг кўксингга тўкилгур. Бундан кўра без тер, тезак е!

Унинг бақир-чақирини атрофдан бир зумда бола-бақралар, қўни-қўшнилари югуриб чиқишганди. Текин томоша бошланганди. Баъзилар қорини инсофга чақирарди.

— Юзсизлик қилманг, қори, андиша қилинг.

— Ҳа, ҳа, шайтонга ҳай беринг, шайтонга! Қарзи бўлса беради, Шер ота унақа одам эмас.

— Келишинглар, келишинглар!

— Отани койиманг, қори, иккаланглар бир жойнинг одами-сизлар-а!

— Э, шу мусулмонми?! Қип-қизил муттаҳам-ку бу! Дўзахи бу! Имонсиз бу! — Зуннун кўр баттар оғзидан кўпик сачрата бошлади. — Мен бу иблис, шайтонни одам дегандим. Йўқ, одам эмас экан. Пулимни еб кетмоқчи, еб кетмоқчи! Еб кетиб бўпти! Қани бермасинчи, уйига ўт қўяман, кулини кўкка совураман! Илоҳи омин, — кўр кўкка қараб қўлини очди, жазаваси тутиб дуоибад қила бошлади. — Боланг ўлсин, Шер! Боланг ўлмаса асло розимасман! Боланг ўлсин! Шер ота пешонасига муштлаб ҳўнграб юборди.

— Қарғама, кўр! Боламни қарғама!

— Қарғайман! Боланг ўлсин, билдингми, боланг ўлсин!

— Бас!!! — боядан бери тўсатдан бошланган тўполондан эси

оғиб турган Болтавой аканинг қўлидан шилдираб занжири тушиб кетди. У югуриб келиб, сапчиб аравага чиқди. Чўккалади-ю, бир қўли билан Зуннун кўрнинг ёқасидан бўғиб олди. — Қанақа хунаса, ноинсоф одамсан, ифлос! Боласини нега қаргайсан, боласини! Иккала кўзинг кўр экан, тилингни суғуриб оламан ҳозир!

— Кимсан? Кимсан сен? Ёқамни қўйвор, аблаҳ! — Зуннун кўр ўтирган жойида Болтавой аканинг қўлига ёпишиб питирлади.

— Қанча ҳақинг бор Шер отада? Гапир, қанча ҳақинг бор?!

— Ўзидан сўра! Ўзидан сўра у муттаҳамнинг! — ҳамон тилига эрк бериб, бўш келмасди кўр. — Бир минг етти юз пулим бор бўйнида! Муттаҳам саккиз ойдан бери бермайди!

Болтавой ака силтаб унинг ёқасини қўйиб юборди. Шу силтанишда тўмтоқ, майиб қўли араванинг четига қаттиқ тегди. Оғриқ зинг этиб бошига чиқди. Лекин у ҳозир оғриқни ҳам сезмасди. Юлқиниб қўйлагини кўтарди-ю, шимига — камар ўрнига боғлаб олган қийғини ечди. Қийиқ қатларини ёзиб, ундан бир даста тахлоғлик пул олди. Пулни кўрнинг тумшугига ниқтади. — Мана, бир минг бир юз эллик сўм! Қолганини янаги якшанба куни кечқурун оласан. Гувоҳлар олдида санатиб ол.

Зуннун кўр пайпаслаб икки қўли билан пулни чангаллади. У шошиб ўша ерда турганларга ялинди.

— Мусулмони комиллардан борми шу ерда? Санаб беринглар пулимни! Барака топкурлар, санаб беринглар! — кўр атрофга қараб жовварди. Набираси қарадай бўлиб, эшакка тескари ўтирганча ҳангомани томоша қиларди.

Тўхтагон эгасининг куфрлиги тутганини, унинг жаҳли чиқиб, қаттиқ бақирганини биринчи кўриши. У қайиш нўхта урилган тумшугини дам пастга, дам осмонга кўтариб, ён-атрофга аланглаб бирпас қараб турди. Кейин занжирини шилдиратиб, лапанглаб секин-секин эшак арава олдига кела бошлади. Аравани ўраб турган одамлар бирдан қичқиришиб: — Айиқ! Вой айиқ! — деб ҳар томонга тўзиб кетишди. Болтавой ака сакраб аравадан тушди.

Тўхтагонни обориб толга боғлади. Унинг юз гўштлари, кўзининг таглари пир-пир учар, арава ёғочига уриб олган майиб қўли зирқираб оғрир, бутун вужуди дир-дир титрарди. Юраги эса, бамисоли от ўйнагичдай урарди. У ўзини босиб олиш учунми, тинмай Тўхтагонни силарди, айиғи бўлса эркаланиб унга суйкаланарди. Эшак араванинг олдини яна одамлар, бола-бақралар гужғон ўраб олишганди. Шер отанинг қўшниси Неъмат деган йигит араванинг шотисига суянганча, бир томонга қийшайиб нуқул бир сўмлик, уч сўмлик, ўн сўмликдан иборат пулни диққат билан санарди. Томошабинлар нафас олмай унга тикилиб туришарди.

Шер ота у ёққа, бу ёққа юриб аламдан, исноддан, хўрликдан бошини чайқаб пиқ-пиқ йиғларди. Искандар карахт бўлиб қолганди. У толга суянганча қимир этмасди. Шер ота каловланиб бориб Болтавой аканинг елкасига қоқди.

— Барака топ, Болтавой, — деди ҳижиллаб. — Бу яхшилигингни икки дунёда ҳам унутмайман. Худо хоҳласа пулингни бераман.

— Хафа бўлманг, Шер ота, хафа бўлманг. Пулни гапирманг, — Болтавой ака чолинг кўнглини кўтарди. — Пул қўлнинг кири, топиладиган нарса. Аҳмоқ одам экан. Парво қилманг гапига. Шунинг учун ҳам уни худо урган экан.

Зуннун кўр пулни одамларга қайта-қайта санатди. Кейин уни олиб қўйнига, нимчасининг ички чўнатига тикди. У пулни ким бергани билан ҳам иши йўқ эди.

— Ҳой, Шер! — деди у кекиртагини чўзиб, баланд, кескин овозда. — Беш юз эллик сўмим бўйнингда, билиб қўй. Бир ҳафтадан сўнг олти юз сўм қилиб берасан.

Зуннун кўр аравага жойлашиб олди, шахт билан набирасига буюрди.

— Фахриддин, ҳайда аравани!

— Хих! — деди бола қўлидаги таёқ билан эшакнинг бўйнига ураркан. — Хих!

Арава қисирлаб бурилиб, дўқир-дўқир қилганча тепага кўтарилиб кетди.

Далбон, далбон, далбон...

Тўхтагон тумшугини ерга қилганча қафасда нари-бери юрарди. У аҳён-аҳёнда тўхтаб, четда турган тоғорага қараб қўярди. Сўпоқ бош ташлаб кетган овқат унга ёқмасди, ҳидлаган сари кўнгли озарди. У шу йўсинда анчагача қафасни айланиб юрди. Бирдан кўзи узоқда — йўлакда турган кишига тушиб қолди. Киши этик кийган, кўйлагини шимининг ичига тиқиб олган, камар ўрнига белбоғ боғлаган эди. Бошига эскигина кўзон дўппини бостириб кийиб олганди. У энгилгина қопини орқалаб маймунларни томоша қилиб турарди. Тўхтагоннинг юраги шув этиб кетди. Эгасими у? Е тавба! Худди ўзи-я! Бўйи-басти ҳам, кийимлари ҳам, туриши ҳам ўзи. Ушамикин?! Э, йўқ, қўлида таёғи йўқ-ку! У бўлмаса керак. Е таёғини йўқотиб қўйганмикин? Тўхтагон унга тикилганча қолди. Киши тўхтаб-тўхтаб яна юрар, анқайиб ҳайвонларни томоша қиларди. Тўхтагон уни Болтавой акага гоҳ ўхшатиб, гоҳ ўхшатолмасди. Эҳ, қани энди манови темир панжара бўлмаса-ю, югуриб бориб қараса... У панжарани секин оёғи билан тирнади. Ғалати қилиб овоз чиқара бошлади. У ўзича эгасини чақирарди.

Болтавой ака унга қарамади, овозини ҳам эшитмади. У қопини орқалаганча аста-секин юриб нари кетди. Тўхтагон чуқур хўрсиниб қўйди. Унинг юраги шундай сиқилиб кетдики, яна жини қўзиб, жаҳли чиқа бошлади. Бу қанақаси ахир? Нега уни бу томоша боғнинг бир чеккасига, одам кўрмас кунжагига тиқиб қўйишди? Айби нима? Ахир у одамларсиз яшолмайди-ку! Нега буни тушунишмайди улар?! Мана бу темир қафасга қамаб қўйишгани-қўйишган, бундоқ тузукроқ, гавжумроқ жойга қўйишса бўлмас эканми? Ҳеч бўлмаса одамларнинг кириб чиққанини томоша қилиб ётарди-ку! Қафасда бўлса ҳам уларга қизик-қизик ўйинлар кўрсатиб кулдирарди, ҳам ўзининг кўнгли ёзиларди, ҳам одамларни хурсанд қиларди. Тўхтагон ўйинларини эсларди. Эҳ, у қанчадан-қанча ўйинларни билса-ю, бекордан-бекорга темир қафасга тиқилиб ётса-я. Бирдан унинг қулоғига Болтавой аканинг қувноқ овози эшитилиб кетди.

«Ҳай-й, далбон, далбон, далбон,
Уйнасин Тўхта полвон!..»

Болтавой ака ўйинни доим мана шу Тўхтагонни эрқалатадиган, талтайдирадиган, завқига завқ қўшадиган қўшиқ билан бошларди. Бу қўшиққа у шундай ўрганиб кетгандики, «далбон» сўзини эшитиши биланоқ ётган бўлса жойидан ирғиб туриб кетар, беихтиёр икки олдинги оёғини осмонга кўтарарди. Эгасининг бу қўшиғини Тўхтагон сўнги бор қачон эшитганди?

Эсида. Уша, Болтавой аканинг ғазабланган куни, Шер отаникида бўлган тўполондан кейин улар бозорга чиқиб кетишди. Бозорда одам қайнарди. Тўхтагон ҳеч ернинг бозорини Чинозникига ўхшатолмасди. Бу бозорнинг файзи, шовқин-сурони ўзгача эди, жуда катта бозор бўларди. Олувчию сотувчилар бу ёғи Занги ота, Қовунчи, Эски Тошкентдан, бу ёғи Очамайли, Ужагат (Хўжакент), Қўрғончадан, нарёғи Бекобод, Голанусуп (Галодний степ), Сирдарёдан келишарди. Моллар, қўйлар, отларнинг туёқлари остидан чиққан тупроқдан Қўрғонтепанинг чанги осмонга кўтариларди. Туёқ излари Қўрғонтепа тупроғига ажойиб нақшлар чизарди. Бу ерда қўйлар маърарди, отлар

— Ай-й-й, далбон, далбон, далбон
Уйнасин Тўхта полвон!

Тўхтахон завқ-шавқ билан даврани гир-гир айланаркан Болтавой ака ҳам жўшиб, қўшиғини авжига чиқарарди.

— Ай-й-й, далбон, далбон, далбон,
Уйнасин Тўхта жонон!

Тўхтахон эгаси айтаётган қўшиқнинг ҳар бир бандига, мисрасига, оҳангига мос аллақандай қилиқлар қилар, худди раққосалардай бутун танасини дириллатиб силкитиб қўяр, бошларини ғалати қилиб қимирлатарди. Даврада қийқирик, кудги кўтариларди. Болтавой ака кумуш занжирини худди музика асбобидай шилдиратар, қўшиғини давом эттирарди.

— Ҳай-й-й! Далбон, далбон, далбон,
Уйнасин Тўхта полвон!
Эй-й-й! Яшнасину яшнасин,
Қадамни майда ташласин!
Қўлни қўйинг-чи, белга,
Хизмат қилайлик элга.
Ай-й-й! Далбон, далбон, далбон
Уйнасин Тўхта полвон!..

— Э, яшанг, Тўхтахон! Офарин, офарин! Қойил, қойил, тан бердик. — Болтавой ака Тўхтахонни мақтаркан, унинг оғзига хап холва ташлади. — Мен билмас эканман, сиз жуда уста раққоса экансиз. Найзонгулдан ҳам ўтиб тушаркансиз. Рақсингиздан мана томошабинлар ҳам мамнун бўлишяпти. Қарсақларни эшитяпсизми, қарсақларни. Қани, бир раҳмат деб қўйинг.

Тўхтахон икки қўлини кўксига қўйиб, гўё машҳур артистлардай ҳар томонга қараб уч-тўрт бор эгилди. Кейин орти билан юриб эгасининг олдига келди, тамшанди.

— Баракалла, Тўхтахон, баракалла! — Болтавой ака айиғидан миннатдор бўлиб пешонасини силади. Кейин унга таъкидлади. — Мана шунақа, халқни сийласангиз халқ бошига кўтарайди, элни сийласангиз эл кафтида олиб юради. Ҳеч қачон халқингизни, элингизни назаридан қолманг, ҳимматингизни, ҳунарингизни мана шу қора кўзлардан аяманг. — У томошабинларга қаради. Давранинг олдироғида неварасининг чопончасини бошига қийшиқ ёпиниб, илжайганча бир кампир турарди. Болтавой ака таёғи билан кампирни кўрсатди.

— Тўхтахон, мана шу энангиз саҳар туриб нима иш қиладилар, биласизми? — деб айиғидан сўради. Тўхтахон, биламан, дегандай калласини қимирлатди.

— Қани, билсангиз кўрсатиб беринг-чи?

Тўхтахон чаққонлик билан Болтавой аканинг бошидан дўпписини юлиб олди. Дўппининг гардишини тепага қилиб ерга қўйди. Кейин чўккалаб олганча, гўё хотинлар хамир қоргандай икки қўллаб дўппининг ичини муштлай бошлади. Даврада гурр этиб кулги, қаҳқаҳа кўтарилди. Кампир бўлса чопонча билан юзини беркитиб:

— Вой, ўлмасам, вой тавба! — деб қотиб-қотиб куларди.

Болтавой ака:

— Бўлди, бўлди, Тўхтахон, бўлди. Хамирни жуда яхши қораркансиз. Лекин бу менинг дўппим, — деди айиғига ҳазиллашиб. — Энангизнинг хамир қорадиган тоғораси эмас. — У дўпписини ердан олиб, кафтига қоқаркан, даврадагилар гурр-гурр кулишарди. Чоллар, йигитлар қойил қолишгандан тиззаларига уришиб, бошларини чайқашарди.

— Оббо, қизиталоқ-эй, хамир муштлашини қаранг уни.

— Ўргатган-да, ўргатган.

— Маладес, маладес! Яша, Тўхтахон! — бир йигит одамлар орасидан бақириб қўйди.

— Қора кўзлар хунарингиздан мамнун, — деди Болтавой ака айигини суюб. — Энди бор хунарингизни кўрсатасиз. Қани, Чўпон бобонгиз қўйларини яйловда қандай боқади?

Тўхтагон алпанг-талпанг юриб қоп олдиға борди. У ерда ётган узун кетмон дастадай таёқни олиб белиға қўйди. Кейин икки қўлини орқаға қилиб таёқдан ўтказди. Худди чоллар ҳассасини белиға қўйиб юргандай у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Даврада қийқириқ кўтарилди. У давранинг ўртасига келиб таёқни белидан олди-да, энгагини унга тираб суянди. Гўё яйловда қўй боқиб юрган чўпонға ўхшаб, бир зум узоқ-узоқларға тикилиб турди.

— Офарин, офарин, Чўпон бова, — Болтавой ака уни алқаб кетди. — Сиз илғор чўпон экансиз. Қўтонингизға бўри даримасин! Қўйларингиз кўпаяверсин, бири минг бўлсин. Эл-юртни гўшт-ёққа сероб қилаверинг. Халқимиз ёғли паловхон тўрани ураверсин.

Болтавой ака тамшаниб, унга тикилиб турган Тўхтагоннинг оғзига хап холва ташлади.

— Мана, Тўхтагон, илғор чўпон бобонгизни кўрсатиб бердингиз, — деди у айиққа мурожаат қилиб. — Ҳаётда илғорлар қаторида онда-сонда бўлса-да, ялқов, беғам, дангасалар ҳам учраб туради. Энди навбат танбал тоғангизға.

Болтавой ака занжирини бўшатди. Тўхтагон қоп олдиға бориб бир учи тўмтоқ чўпон таёғини кўлиға олди. Ҳафсаласизлик билан таёқни обдан у ёқ-буёғиға қаради. Сўнг кетмонини елкасига қўйиб олган деҳқондай босайми, босмайми деб давра ўртасига келди. Кетмонға суяниб, бир зум ҳар ёнға аланглади, хаёл сурди, чаккасини қашилади. Оғзини каппа-каппа очиб эснади. Кейин таппа ерга ётиб, бошиға кетмондастани қўйди, кўзини юмди. У гоҳ бу оёғини, гоҳ у оёғини гарт-гарт қашиб қўяр, баланд овозда хуррак отар эди. Унинг ётишиға, гулдурос хуррагига томошабинлар қаҳ-қаҳ уриб куларди.

Болтавой ака дангасанинг олдиға келиб, уни таёғи билан турта бошлади.

— Ҳо, полвон танбал! Ҳо, полвон танбал, туринг энди! Момагулдурракдек хуррагингиз билан ҳаммаёқни булдирвордингиз-ку! Ҳо, танбал полвон.

Тўхтагон ялқовлик билан ўрнидан турди. У янги уйқудан турган одамдай мудраб, мушти билан кўзларини ишқалади.

Даврада гуррос кулги, чапак янгради. Айиқ ролини қотириб бажарганидан мамнун бўлиб, ҳар томонға қараб таъзим қилди.

— Яшанг, яшанг, Тўхтагон, — деди кулиб Болтавой ака, танбалларни ҳам хўп машқини олибсиз. Сизнинг бу танқидингизни кўрган ялқов борки, пешонасига бир уриб:

Танбал бўлдим, хор ўлдим,
Бурда нонға зор ўлдим!

— деб танбалликдан ҳам воз кечворадиган бўлди. Қани, энди, дадаси атлас қўйлак обермаган қизчанинг аразини қилиб беринг. Бошланг, қора кўзлар сизға мунтазир.

Болтавой ака занжирни шилдиратди. Тўхтагон икки оёғи билан Болтавой акани қучоқлаб олди. Калласини чайқаб қийшанглади.

— Ие, ие, бу нима қилиқ? — деди Болтавой ака айиғининг бошини силаб. — Мен сизға аразчи қизнинг қилиғини қилиб беринг деяпман. Қани, бошланг!

Тўхтагон бошини эгасининг кўкрагига ишқаб гингшиди. Болтавой ака ажаблангандай елкасини қисди. Халққа қараб илжайди.

— Эркаликлари тутди, — кейин айиғининг тумшугидан ўпиб насиҳат қилди.

— Томошабинлар сизға мунтазир бўп қолди. Мени хижолат қилманг-да, бунақа, Тўхтагон. Қани, эрка қиз қанақа қилиб аразлабди?

Тўхтагон ўжарлик билан бош чайқади.

— Оббо, одамни уялтириб юбордингиз-ку! Муддаонгиз нима, муддаонгиз?

Айиқ аллақандай «ғўқ-ғўқ» деб овоз чиқарди.

— Лаббай? — Болтавой ака энгашиб айигидан сўради. — Тушунмадим!

Айиқ ерга қараб яна «ғўқ-ғўқ» деб овоз чиқарди.

— Уяласиз? — Болтавой ака кулди. — Мана, уялсангиз қулогимга айта қолинг, ҳеч ким эшитмайди.

Тўхтахон оғзини Болтавой аканинг қулогига обориб яна «ғўқ-ғўқ» деб алланарса дегандай бўлди. Болтавой ака бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Хўп, хўп, жоним, — деди у айигини эркалаб. Кейин хижолатомуз томошабинларга қаради.

— Айбга буюрмайсиз, ҳурматли қора кўзлар, — у бир қўлини кўксига қўйиб узр сўрагандай бўлди. — Бизни Тўхтахон шунақа, бир оз таманнорқлар, ширин томоқлар. Ҳозир фавқулодда кўнгиллари ширинликка сушт кетибди. — Болтавой ака Тўхтахоннинг оғзига хап холва ташлади:

— Энди суюлманг, бор ҳунарингизни кўрсатинг. Дадаси атлас кўйлак обермаган қиз қандай аразлабди?

Тўхтахон илдам юриб давранинг ўртасига келди. У бирдан тап этиб ўтириб олди. Қовоғини ҳурмачадай осилтириб ерга қаради. Икки қўлини тумшугининг олдига келтириб тирноқларини ковлай бошлади. Гоҳ-гоҳ бурнини тортиб қўярди. Болтавой ака узоқдан туриб унга буюра бошлади:

— Тўхтахон, ҳовлига сув сепинг!

Тўхтахон бошини ердан кўтармаган ҳолда зарда билан ўнга бурилиб ўтирди.

— Тўхтахон, дарвозахонани супуриб қўйинг.

Тўхтахон жаҳл билан чапга бурилиб ўтирди.

Болтавой ака қопидан қоғозга ўралган алланарсани олиб қўйнига тикди.

— Тўхтахон, сизга атлас обкелдим, — деди у хурсанд бир кайфиятда.

Айиқ секин елкаси оша унга қараб қўйди. Болтавой аканинг қўлида ҳеч нарса кўрмагач, яна тумтайиб олди.

— Қаранг, жуда чиройли атлас экан, — Болтавой ака қўйнидан уриниб қолган атлас парчасини чиқарди. — Бир кўринг, бай-бай-бай, кўкрак бурма қилиб тиктирсангиз ҳам бўлади.

Тўхтахон чап елкаси оша секин кўз қирини ташлади. Эғасининг қўлида атлас парчани кўриб, дик этиб ўрнидан турди. Талпанглаб бориб Болтавой акани қучоқлади. Унинг икки юзидан ўпди. Атласни олиб қувониб кетган қизчадай уни одамларга кўз-кўз қилди.

Одамлар бўлса унинг бу қилиғидан даврани бошларига кўтариб кулишарди.

Шундан кейин Тўхтахон бошига тугун қўйиб, далага кетаётган Хонча холанинг юришини кўрсатиб берди. Келинчакнинг бола эмизиши томошабинларнинг ичагини узди.

Болтавой ака Тўхтахоннинг белига қийиқча боғлади. Уни етаклаб ўртага олиб келди.

— Қани, талабгорлардан борми? — деди у томошабинларга мурожаат қилиб. — Тўхтахон билан кураш тушадиган полвонлардан борми? Қўрқманглар, зиён етказмайди. Шунини ҳам айтиб қўяй, йикитганга тўн, йиқилганга морожний.

Тўхтахон белида қийиқ билан худди катта полвонлардай алпанг-талпанг юриб даврани айланарди. У билан курашгани юрак бетлаб ҳеч ким чиқмади.

— Полвон, ўзимиз бел олишиб, бир синашамизми? — Болтавой ака ҳам белига бўштоброқ қилиб қийиқ боғлади. — Лекин айтиб

қўй, — айиғига таъкидлади у, — ғирром қилиш йўқ, чалиш йўқ. Даст кўтариб уриш!

Иккиси билакларини қийикдан ўтказиб бел олишди. Каллаларини бир-бирининг елкасига тирашди. Улар пайт пойлаган полвонлардай талпанг-талпанг юришиб хадис қилишарди.

— Ё ҳазрати Алишери даргоҳ! — у Тўхтаҳонни даст кўтармоқчи бўлди. Лекин айиқнинг оёғини ердан узолмади. Улар даврани яна айлана бошлашди.

Бехосдан Тўхтаҳон ўкириб юборди. У шу ўкиришидаёқ Болтавой акани кучоқлаб кўтариб кетди. Болтавой ака бўлса икки оёғи билан айиғининг сонини маҳкам қисиб олди. Айиқ чалишиб кетиб орқаси билан ағдарилди.

Давра гувранди.

Болтавой ака унинг устидан тураётиб оғзига ширинлик ташлади.

Тўхтаҳон думаланиб ўрнидан турди-ю, икки қўли билан орқасининг чангини қоқа-қоқа қоп олдиға борди. Қопдан битта қора тўн олиб Болтавой акаға берди.

Худди даврадаги судьяларға ўхшаб, сиз ғолибсиз дегандай унинг қўлини кўтарди.

Одамлар Тўхтаҳоннинг мардлиги, тантилигига қойил қолишиб кулишар, қарсақ устиға қарсақ чалишарди.

— Раҳмат, Тўхтаҳон! Раҳмат! Мана шу жўмардлигингизга борман! — Болтавой ака айиғини эркалаб қўйди.

Айиқ унинг белидан белбоғини ечиб олди-да, давранинг бир четига ёзиб қўйди.

— Ҳай-ҳай-ҳай, уят бўлади, уят бўлади-я, — Болтавой ака қийиғини ердан олмоқчи бўлганди, Тўхтаҳон қаршилиқ қилди. У эғасининг қўлини баланд кўтариб, даврани яна айлана бошлади.

Одамлар айиқнинг ақлиға тан беришиб, ёзиб қўйилган қийиққа пул ташлай бошлашди.

— Ташаккур, азиз биродарлар, ташаккур, — Болтавой ака одамларға қуллуқ қиларди. — Бизни сийласангиз сизни худо сийласин, бизға бирни берсангиз худо сизға мингни берсин! Биз ҳали шу ердамиз, сизларға кўп хизмат қиламиз. Тўхтаҳон томошаларини сизлардек сахий, қўли очиқ қадрдонларимиздан дариг тутмайди. Қани Тўхтаҳон, — айиғига буюрди у, — мухлиеларингизға яна бир бор қуллуқ қилинг!

Тўхтаҳон икки қўлини кўксига қўйиб одамларға таъзим қила бошлади.

Болтавой ака қоп-кажағини йиғиштириб энди жўнамоқчи бўлиб турганди, осмондан тушгандек лўп этиб олдида Шамси налог пайдо бўлди. Болтавой ака уни кўриб титраб кетди. «Бари бир бир сўм ҳам бермайман», дерди ичида у. «Бу гал олиб бўпсан».

— Ҳорманг, ҳорманг! — Шамси налог айиқдан чўчибми, сал беридан туриб сўрашди. — Ака, ўйинлар зўру, а!

— Раҳмат, саломат бўлсинлар, — Болтавой ака ноилож унга илжайди.

— Сизға бир хизмат чиқиб қолди, — бидирлади налог. — Эртаға тушда Жаббор Сулаймоновичникида бешиктўйи бор эди. Шунга бориб, хотин-халажларға бир хизмат қилиб берасиз. Уйлари шундоқ мактабнинг ёнида. Хўпми?

— Оҳ-оҳ-оҳ! Жоним билан эди-я! — Болтавой ака афсус дегандай бош чайқади. — Бир оғиз сўзингиз эди. Бугуноқ Қўрғончага жўнаймиз. Фронтдош бир акам бор. Шўрликнинг бир оёғи йўқ. Ташлаб келганлар. Бир шинелни ёпиниб ётганмиз, бирга қон кечганмиз. Жума куни атайин айтиб кетдилар. Тўйлари бор экан. Уларникига бормасам ҳеч иложим йўқ. Худо хоҳласа бошқа бир хизмат қиламиз.

— У ёқни қўйинг, Жаббор Сулаймоновичникига борасиз, — худди ўтказиб қўйгандай буюрди Шамси налог.

— Айтяпман-у, бош устига эди, — қўлини кўксига қўйди Болтавой ака.

— Лекин билиб қўйинг, Жаббор Сулаймоновични ранжитсангиз ёмон бўлади! — Шамси налог шундай деди-ю, жаҳл билан ортига бурилиб кетди.

Болтавой ака бир зум ўйланиб қолди. «Э, ранжиса садқайсар», деди-ю, Тўхтахонни етаклаб йўлга тушди.

Улар Наби полвоннинг самоварида тушлик қилишди. Болтавой ака бир чеккага ўтирволиб тушган пулларни санади. Тангаларни ҳисобга олмаганда уч юз олтмиш тўққиз сўм...

— Халқдан айланай, халқдан, — деди суюниб Болтавой ака. — Бир бурдадан берса тўйдиради... Худо хоҳласа шу жумага Шер отанинг қарзини узаман...

Балойи нафс

Улар Гулзорободдан ўтиб Чирчиққа етишганда ҳали қуёш ботмаган, кип-қизил баркашдек бўлиб уфқ четида турарди. Новча, озгин, қоп-қора косовдай бола уч-тўртта кеч қолган бозорчиларни паромга чиқарарди.

— «Хайрият, паромчи кетиб қолмабди, — суюнди Болтавой ака. — Чирчиқдан ўтиб олсак бас, нарёғи беш-тўрт чақиримлик йўл, етиб оламиз», деб ичида ўйлаб келарди у. Нияти холис чиқди.

— Қани, чиқа қолинглар сизлар ҳам, — паромчи уларни шоширди.

— Болтавой ака Тўхтахон билан энлик тахтадан юриб паромга чиқишди. У ерда турганлар айиқдан чўчиб ўзларини четга олишди.

— Йўл бўлсин, тоға? — нарида турган йўловчилардан бири сўради.

— Насиб қилса, Қўрғончага — тўйга, — деди Болтавой ака. — Иброҳим оқсоқол тўйга айтгани.

— Ҳа, ҳа, набираларини тўй қиляптилар. Эртага катта базми. Яна бир йўловчи гапга қўшилди.

— Қўрғончада тўй кўп. Шу ҳафта ичи беш-олтита бор. Лекин ҳаммасидан зўри Иброҳим оқсоқолники бўлади.

— Юрт тинчлик, — деди Болтавой ака мамнунлик билан. — Тўйлар бўлаверсин, бизнинг бошимиз хизматдан чиқмасин.

Бирдан паром силкинди. Кейин ғичир-ғичир қилиб силжий бошлади.

Чирчиқ суви шиддат билан шалдираб оқар, паромни суриб кетмоқчи бўларди. Бармоқдек йўғонликдаги симга осилган паром кийшайиб, ғийқиллаганча олға интиларди.

Болтавой ака билан Тўхтахон паромнинг четига туриб олиб, сувнинг шовқин солиб, кўпириб оқишини томоша қилишар, сувдан кўзларини узишмасди.

Болтавой аканинг кўзи сувда бўлса ҳам, хаёли бошқа ёқда эди. «Бугун томошабинларга жа сурбетлик қилиб юбордимми, дейман. Бермаганингга қўймади-я, деб ўйлайдигани ҳам бўлади. Ханна тушгани дедим-да. Бу ёқда тўрт-бешта тўй бор деяпти, бу ҳам бўлса Шер отанинг насибаси... Шўрликни ёмон эзди сўқир. Жа оғзи шалок экан-а! Боланг ўлсин дейди-я! Оббо лаънати бераҳм-эй!» — ичида Зуннун кўрни янирди у.

Улар паромда сузишаркан Шер отаникида бугун бўлиб ўтган маш-машада эса мутлақо беҳабар эдилар.

Соат учлар чамаси эди. Супада, тол тагига тўшалган шолчада чоллар чақчақлашиб чойхўрлик қилишарди. Елкасида кир сочиқ, бошяланг бўлиб олган Шер отанинг қўли-қўлига тегмасди. Зир югуриб чой таширди. Самоварга тараша ёрарди, қозонга қарарди.

Бир қозонда шўрва, бир қозонда ошнинг зирваги биқиллаб қайнарди. Ховлига шиддат билан Жаббор молия кириб келди. Ичиб олган, шира-кайф, авзойи бузук. Ким бўпти ўзи унинг сўзини қайтарадиган, бир дайди, дарбадар, ялангоёқ-да. У бешиктўйига бормайдиган айиқчи ҳойна-ҳой шу ерда бўлса керак, бир адабини бериб қўяй, деб кирганди чоғи. Жабборнинг ғазаб тўла кўзлари бир зум айиқчини қидирди. Болтавой айиқчи кўринганда у ҳозир еб ташларди. Афсуски, айиқчи кўринмади. Энди у Исанинг аламини Мусадан олмоқчи бўлди.

«Кайфи тарах-ку, бу баччағарнинг». Шер ота югуриб унинг олдига борди. — Ке, Жаббор, ўғлим, — деди ёмон оғриққа яхши ош тарзида мулойим гапириб.

— Сизга неча марта айтиш керак! — ўшқирди у Шер отага. — Яна нега чойхонани очдингиз?!

— Энди, ўғлим, бугун бозор... Уйга кир, шўрва тайёр!

У отанинг гапини писанд қилмай важоҳат билан чойхўрлар олдига борди.

— Қани, ҳамманг жўна! — деди томоғи йиртилгудек бақириб. — Давлат чойхўрлар учун қолиҳида чойхона очиб қўйган. Незаконий чойхонада ўтириш мач алоҳида.

— Сансирама, сансирама, ўғлим, — супада ўтирган чоллардан бири унга дакки берди. — Ҳаммамиз отанг тенги, буванг тенги одамлармиз-а! Аввало бу чойхона эмас...

— Насихатингни пишириб е! — Жаббор шолчанинг бир учидан ушлаб қоқиб юборди. — Тур, жўна ҳозир ҳамманг!

Дастурхондаги чойнак-пиёлалар ағдарилди, нонлар, туршак, майизлар учиб кетди.

— Ҳа, нон кўр қилгур, нонтепки. Кўр бўласан, кўр бўласан.

Чоллар қарғаниб, туртина-суртина ўрниларидан туришди.

Жабборнинг жазаваси тутди. У шахт билан бориб қайнаб турган сариқ самоварни тепиб юборди. Самовар ағдарилиб буг қўтарилди.

— Ҳой, ҳой безори! — Шер отанинг оғзидан бехосдан шу сўзлар чиқиб кетди. — Самоварни нега тепасан шол бўлгур, эшшак!

— Собственный чойхона очганинг учун ҳам, хизмат постимда ҳақорат қилганинг учун ҳам жавоб берасан! Мияси айниган чол! Шу гапинг учун минг сўм бериб ҳам қутулолмайсан. Турмада чиритаман сени! — Жаббор молия кутурган туядек оғзидан кўпик сочарди.

— Чирит! Чирит! Қўлингдан келса осмонни ташлаб юбор. — Шер ота ҳам тап тортмади. — Ит эмган, порахўр! Шамси налог икковинг қанча пулимни олдинг, ошимни единг. Энди келиб самоваримни тепасан!..

— Кўп валдирама! Тухмат учун биласанми?! Минг сўм бериб ҳам қутулолмайсан. Шошма! Сен билан бошқа жойда гаплашаман!

Жаббор молия юлқиниб чиқиб кетди. Зум ўтмай ёнида ёшгина милиционер билан қайтиб келди.

— Бу чол давлат душмани! Хусусий мулкчи! — деди Шер отага қўлини бигиз қилиб. — Органни ҳам, мени ҳам иш постимда ҳақорат қилди. Обориб ўтқазиб қўйинг! — буйруқ қилди милиционерга. — Оборинг!!

— Қаёққа оборади? Нима гуноҳ қиппан оборади? Сен бола...

— Ота, ота, — деди милиционер илтимос оҳангида. — Ўзингизни босинг, бақирманг. Юринг ўша ёқда гаплашамиз.

— Э, гаплашсанг гаплашавераман. Бунақанги этагини тугмаганларнинг кўпини кўрганман.

Жаббор молия билан милиционер Шер отани олдига солиб чиқиб кетди. Шер ота ялангоёқ, бошяланг эди. Кир бўлиб кетган калта яктаги белбоғидан чиқиб осилиб қолган. У гўё юриб эмас, чопиб борарди. «Ҳозир бориб начальникка бор гапни шартта-шартта айтаман, — дерди ичида тутақиб. — Мен бировнинг арпасини хом ўрганим йўк. Ўғирлик қилганим йўк, тўрт чойнак чой сотганим учун

қамасанг қамай қол, дейман. Аммо бир гапни айтиб қўяй, мана бу Жаббор молиянг худонинг газаби экан! Бу амалдор эмас, халқ бошига тушган мита, дейман. Шамси налог иккови меникига танда қўйиб олди. Нукул бер дейди. Нимамни бераман? Витимни бераманми? Дўқ уради, налог соламан, қаматаман дейди. Тунов куни Жабборинг товук, хўроз деб кирибди. Димлама қилинг, дейди. Товуғим йўқ, ўғлим, йўқни йўндираманми, дедим. Жахл билан чиқиб кетди. Бугун кепти, кайфи тароқ...»

* * *

Милиция подполковниги Мирпўлат Ғозибеков Абдулла партизаннинг гапларини кула-кула эшитарди. Абдулла партизан унга аллақандай ҳужжатларни, четлари йиртилиб, сарғайиб кетган расмларни кўрсатарди.

— Мана, мана буни кўринг, — деди кафтдек эски расмни узатиб, — шапкани биринчи Шер қийган эди. У шапка кийди, ўрис бўп кетди, деб уни ҳамма Шер шапка, Шер ўрис деворишган.

Мирпўлат Ғозибеков расмга узоқ тикилди. Бошини чайқаб кулиб-кулиб қўярди. Мана шу юзлари буриш-тириш, мункайиб қолган чол бир вақтлар ёш, навқирон йигит бўлгани, чекистлик, партизанлик қилиб, бойларнинг, қулоқларнинг додини бергани унга қизик туюларди.

— Тавба қилдим, одам ажали етмаса ўлмас экан, — ёқасини ушлади Абдулла партизан.

— Дадабек мингбоши Шерни тириклай кўммасам кўзим очик кетади», дебди. Шер уникида хизматкор эди-да, қизини яхши кўриб қолган. Бермаган. Кейин Шер унга қасдма-қасдликка инқилобчиларга қўшилиб кетган. Бутун бойлигини, яширган-туширгани борми — ҳаммасини чекистларга айтиб берган. Узи ҳам уларнинг ичида қолган. Мен ундан кейин қўшилганман. Дадабек мингбошининг алами ичида экан. Бир куни одамлари Шерни уйида таппа босиб қопти. Бир зумда оғзига латта тиқиб, қўл-оёғини боғлаб, отга ўнгарганча олиб кетишибди. Бир маҳал у ўзини Зуфар бойваччанинг меҳмонхонасида кўрибди.

— Олиб келдим, Дадабек ака, — дебди ўзининг қахрамонлигидан гердайиб Тўлахўжа бой.

— Фирқа! Тўртинчи! Тузлуғимга тупурган ит! Уни тириклай кўминглар! Чуқурни ўзига ковлатинглар! — буйруқ берибди Дадабек мингбоши.

Шерни Тўлахўжа бошлиқ иккита барзангидай йигит обчиқиб кетишибди. Уни Зуфар бойваччанинг чорбоғи этагига олиб боришибди. Қўлига кетмон беришибди.

— Мана шу деворнинг тагидан ўзингга чох ковла!

Шер ерга кетмон урган экан, кетмон сапчиб кетибди. Ер ўлгудай заранг экан-да.

— Сал наридан ковласам майлими? — сўрабди у.

— Майли, истаган ерингдан ковла, — «Хэ-хэ-хэ»лаб кулибди Тўлахўжабой. Шер деворнинг тагини мўлжаллаб нари борибди.

— Мана шу ердан ковлайман, — дебди у ортида тўппонча ўхталиб юрган учта одамга.

— Ковла! Ковла, тезроқ, аҳмоқ фирқа! — дейишармиш учаласи «қа-ҳо»лаб. Оғизларидан бўза ҳиди анқирмиш.

Шер ғайрат билан ишга тушиб кетибди. Ер юмшоқ, ҳар кетмон урганда гуппа-гуппа тупроқ отармиш. Ярим соатга қолмай, деворга қапиштириб, худди сабзи ўрага ўхшатиб чўзинчоқ чуқур қазибди. Чуқур киндигидан келганда: «бўлди» дебди.

— Бўлган бўлса ёт, жаноза буюрмаган кофир! — буйруқ берибди Тўлахўжа бой. Шер чуқурга узала тушиб ётибди. Икки йигит «ҳо-

ҳо»лашиб унинг устига тупроқ ташлай бошлашибди. Улар бир зумда чуқурни кўмиб ташлашибди. Кейин устига чиқиб бир-икки тегишибди-да, келган йўлларига жўнашибди. Шер бир маҳал бизникига бориб қолди. Ярим кеча, ҳаммаёғи тупроқ. «Ҳа, ҳа, тинчликми?» — деди сергак тортиб. У кула-кула бўлган воқеани айтиб берди. «Чуқурга ёт», — деди. Етдим. Устимга кетмонлаб тупроқ ташлаша бошлади. Етти-саккиз кетмон тупроқ тушгач, секин олдинга силжий бошладим. Қарабсанки, деворнинг нариёғидаманда. Эшитиб турибман, улар гуппа-гуппа тупроқ ташлашапти. «Инграмайдиам баччағар фирқа!» деб қўйишади бир-бирларига гўнғиллашиб. «Чуқурни ҳам худди сув ўтадиган омборга тўғрилаб қовладим-да, Абдулла», — деб ўзининг тадбиркорлигидан завқланиб кулади денг. Оғзим анқайиб қолибди. «Чиқиб кетганингни сезишмадимми?» — дейман нуқул хайратим ошиб.

— Э, қаёқдан сезишади, учаласи ҳам ўлардай маст эди. Қани отлан! — деди шошиб. — Беляев отрядига хабар берамиз.

...Уша куни десангиз ярим кечаси Дадабек мингбоши бошлиқ босмачиларга ёрдам бериб юрган ўндан ортиқ казо-казо бой ва бойваччаларни ўликдай маст ҳолда қўлга олдик.

Абдулла партизан бошини чайқаб қиқир-қиқир кула бошлади.

— Тавба! — соқолини тутамлаб силаб қўйди у. — Шерга кўзи тушган Дадабек мингбоши ўлган одам тирилиб келганини биринчи кўриши эканми, бирдан кўзи олайиб, дағ-дағ қалтираб, тили калимага келмай шайтонлаб қолса бўладими.

— Тақсир, мингбошини бу ёққа олиб келгин, деб у дунёдан мени бу ёққа отправка қилишди. Шахсан Азроил бобонинг буйруғи бу! — деб Шер тушмагур ўшанда отряддагиларни роса ичагини узганди.

Ғозибеков столга бағрини берганча Абдулла партизаннинг ҳикоясини тингларкан, ичида ўйларди. «Ишқилиб ҳар бир одам бир тарих экан-да. Шу чолни кўчада кўрган киши «Ҳа бир эски чопон-да, мункиллаб юришини-чи буни», — деб менсимай ўтиб кетаверади. Ваҳоланки, шу эски чопон ичида қанча воқеаларни, қанча ғожиаларни бошидан кечирган одам кетаётгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди».

Абдулла партизан ёшлик йилларини айтиб адо қилолмасди.

— Бир айиқчи бўларди, — алланарсани эслагандай у бир оз ўйланиб қолди. — Оти Йўлчибой эди. Айиғини етаклаб шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб юрарди. У бизнинг айғоқчимиз эди, маълумот бериб турарди. Ундан ҳеч ким шубҳа қилмасди. Зимбордор Ҳожини Шерни тошбўрон қилдирмоқчи бўлганда Йўлчибой айиғи билан қутқариб қолган. Иккаласи нонни ўртага қўйиб дўст тутунишганди. Ўғли бор унинг. У ҳам айиқчи. Ҳар замонда кеп туради. Э, бу Шернинг ишлари... Айтаверса эртак, эртак... Ҳаққул Ҳусанбеков, Султон Сегизбоев деганлар ҳам тан беришган-да унга!

— Гап бундай, Абдулла ака, — Ғозибеков ўрнидан турди, келиб Абдулла партизаннинг елкаларини силаб қўйди. — Хафа бўлманг, бобойни чиқариб юборамиз.

— Кам бўлма, ўғлим. — Раҳмат, менинг бир оғиз гапимни ерда қолдирмадинг. Мартабанг бундан ҳам баланд бўлсин. Шер ўзи жуда куйган банда. Икки ўғли урушда бедарак кетди. Шунинг дуосини ол, ўғлим.

— Хўп, Абдулла ака, — хўп, — Ғозибеков уни кузатиб ташқари-га чиқди. Кўнглини хогиржам қилиб, машинага ўтказиб юборди. Кейин кабинага кирди-ю, кнопокани босди. Навбатчи кирди.

— Имомбердиев қайси камерада? Тўртинчидами? — жаҳл билан сўради Ғозибеков.

— Худди шундай, тўртинчида, ўртоқ подполковник. — Жиддий туриб жавоб берди навбатчи.

— Обчиқинг чолни бу ерга!

— Есть! — навбатчи чиқиб кетди.

Тилхат олинган кун

Калласи қовундек чўзинчок, бурни сўррайган, совуққина одам бўлгани билан сўпоқ бош унчалик бағри тош, бераҳм киши эмасди. Биринчи кўргандаёқ Тўхтаҳонга бақириб-чақириб, қўпол муомала қилишининг сабаби уни кўрқитиб олиш, ўзига итоатгўй қилиш эди. Лекин бу муомала Тўхтаҳоннинг юрак-юрагида қолиб кетди. Кейинчалик у қанча ширинсухан бўлмасин, бари бир, Тўхтаҳон унга элакишмас, ётсираб, аллақандай ҳадик билан қарарди.

— Нима бало, очлик эълон қилганмисан, мишка? — дерди у ҳар гал овқат келтирганда. — Бунга қара, эрталабки нонуштаннинг тузини ҳам кўрмабсан. Қандай қўйган бўлсам шундайлигича турибди-я! Бунақада ҳадемай қулоғингдан кун кўришиб қолади-ку! Ол, е! Етказганига шукр, деб туширавермайсанми! — у қўлидаги таёқ билан тоғорани Тўхтаҳоннинг олдига суради. Тўхтаҳон чўчиб, ортига тисланади.

— Қўрқма, қўрқма, урмайман, ол, оғайни, е! — у бирпас қараб туради. Кейин, нима қилиш керак сени, дегандай елкасини қисади, бурилиб кетади.

У кетиши билан Тўхтаҳон секин-секин юриб тоғора олдига келади. Хидлайди. Уфф! Яна ўша бадбўй овқат. Унинг кундан-кунга силласи қуриб борарди.

Сўпоқ бош кечки хўракни келтирди.

— Мана, мишка, қуён гўшти, ўзиям биққа семиз, — у тоғорадаги кип-қизил гўштни Тўхтаҳоннинг олдига сурди. — Ол, е, ошна. Агар шу ҳам ўтмаса, — қўлини бигиз қилиб пўписа қилди, — доктор чақираман, иштаҳа дори ичираман, укол қилдираман.

У кетиши билан Тўхтаҳон қуён гўшtidан татиб кўрди. Емон эмас, ҳарҳолда еса бўларди.

Тун яримдан оққанди. Тўхтаҳон темир қафас бурчагида мудраб ётарди. Алланарсанинг тап-тапидан, пишқиришидан чўчиб кетди. Қафаси олдига қоп-қорайиб алланарса турарди. Нима у? Тўхтаҳон ўрнидан турди. Бурчакка қисиниб синчиклаб қаради. Ие, от-ку! Бемаҳалда нима қилиб юрибди у? От тумшугини қафас темирларига ишқаб-ишқаб пишқириб, типирчилар, олдинги оёқлари билан ерни тап-тап тепиб қўярди. Худди чиройини кўз-кўз қилгандай, пешонасидаги кокилини, чўткага ўхшаб қирқилган ёлини, калта думини силкиб-силкиб баданини дириллатарди.

Тўхтаҳон ёнига от келганига севинди. Ҳарҳолда ғарибгина бўлиб ётганинда олдинга мушукми, кучукми, отми, ишқилиб бирор жонзот йўқлаб келгани яхши-да. У секин-секин юриб панжарага яқинлашди. От хўрс-хўрс қилиб тумшугини панжара ёригидан тикмоқчи бўларди. Тўхтаҳон ҳам унга тумшугини чўзди. От ҳуркиб калласини бурди. Пишқириб панжаранинг у ёқ, бу ёғига ўтди. Кейин орқа оёқларини керганча тап-тап юриб кета бошлади.

Оббо, жўнаворди-ку. Бирпас турса-чи. Қаёққа кетяпти энди.

У темир панжара ичида тик турганча хаёлга чўмди. Эҳ-хе, Тўхтаҳон Болтавой ака билан юрган кезларида қанчадан-қанча отларни кўрган.

Улар бурноғи йили кузда Сирдарёда «Пахта байрами»да қатнашишганди. Кўчада келишаётганда ёнларидан сал нарида машина тўхтади. Машинадан шляпа кийган икки киши тушди. Улар Болтавой ака билан қуюқ сўрашишди. Кейин нималарнидир илтимос қилишди, тайинлашди.

— Эшитганмиз, албатта, албатта. Жонимиз билан, жонимиз билан Райком бува, атайин айтганингиз учун қуллуқ, шунақа сайилларда хизмат қиламиз, деб юрибмиз-да, — миннатдорчилик билдирди эгаси. У ҳозир бир қоп семириб кетганди. Эгасининг хурсандлигини кўриб, Тўхтаҳон ҳам ёнида талтайиб турарди.

Эртаси куни:

— Қани, юринг, энажоним, пахта байрамига борамиз, пахта-корларга бир ҳунарингизни кўрсатасиз, ҳам кўпкари бўлади, томоша қилиб қайтамиз, — деди Болтавой ака.

Улар пиёда йўлга тушишди. «Интилиш» колхозининг Қўстонбой яйловига одамлар оқиб борарди. Отлиқлар қанча, пиёдалар ундан кўп, чоллар, болалар, бричка араваларда ясан-тусан қилиб олган қизлар, аёллар... Кўча бамисоли ҳайит эди.

Тўхтаҳонлар кенг ялангликка етиб боришганда унинг оғзи очилиб қолди. Вой бў-ўй! Ана одаму мана одам. Ана оту мана от! Йўнғичқазорда чавандозлар отини совутарди. Уч-тўрт жойда кўчма магазин олдида гужгон одам қайнарди. Писта, хўрозқанд, ҳолва сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмасди. Тиликлаб қовун, тарвуз сотаётганлар қанча. Болалар, чоллар, кемшик қизчалар сувини оқизиб қовун ерди.

Айиқни кўриб ҳамма, айниқса бола-чақалар Болтавой ака олдига тўплана бошлади. Бирпасда ёнларига тумонат одам йиғилди. Тўхтаҳон ҳозир ўйин кўрсатаман дегандай тебраниб ўзини чоғларди.

Болтавой ака қопдан чилдирмачасини олди. Аввал йиғилганларни пахта байрами, ҳосил байрами билан қутлади, келгуси ишларига омадлар тилади, кейин илжайиб чилдирмачасини чала бошлади. Давра кенгайди. Бирдан Тўхтаҳон қаддини ғоз тутиб ўйинга тушиб кетди. У завқ-шавқ билан, азбаройи яйраганидан сўлақайлари оқиб ҳуна кўрсатарди. Даврада тинмай эгасининг овози янгарди. Тўхтаҳон теримчи қизнинг чаққонлик билан пахта тераётганини кўрсатарди. У олдига этак тутиб олиб, гўё пахта тераётгандай қўлларини шунақанги эпчиллик билан ҳаракатга келтирардики, томошабинлар қийқириб кулишарди.

— Э, яшанг Тўхтаҳон, яшанг! — Болтавой ака айиғини мақтаб кетди. — Сиздек илғор теримчиларимиз кўпаяверсин, пахта планларимиз ҳамиша юз бўлаверсин. Мана сизга мукофот, — у олдида яланиб, тамшаниб турган Тўхтаҳоннинг оғзига ширинлик солди. — Сизни мен колхозда омборчи деб эшитаман, — дея гапини давом эттирди у. — Шу гап ростми?

Айиқ калласини ликиллатиб «ҳа» ишорасини қилди.

— Қани бўлмаса мана шу ерда йиғилган қоракўзларга омборчилик фаолиятингиздан бир шингил кўрсатинг-чи! — Болтавой ака қўлидаги занжирни аллақандай сирли қилиб шилдиратди.

Тўхтаҳон бирдан образга кирди. У кўзлари олазарак бўлиб, у ёқ-бу ёққа ўғринча қараб олди. Кейин ён-атрофига аланглаб, секин-секин юриб қоп олдига борди. Ерда турган лаш-лушларни апир-шапир қопга тиқа бошлади. Қопнинг оғзини бураб, ҳеч ким кўрмадимикин, дегандай тағин ҳар томондан ҳадиксираб аланглади. У лип этиб қопни орқалади. Кейин энгашган куйи оёғининг учида зиппиллаб кета бошлади.

— Ҳой, ўғри, қаёққа?! — Болтавой аканинг овозидан Тўхтаҳон чўчиб тушди, таққа тўхтади. Оёқ-қўллари дир-дир титрай бошлади. Қоп орқасидан сирғалиб тушди. Айиқ жонҳолатда ўзини ерга ташлади. Сўнг тез-тез эмаклаб келиб Болтавой аканинг оёғини қучди, йиғламсираб гингший бошлади.

— Ҳа, муттаҳам, ўғри! Омборни ўмариб яна «обидийда» қилганинг нимаси?!!

Даврада бирдан гуррос кулги кўтарилди.

— Эй, ўйининг қурсин! Йўқот айиғингни! — олдинда турган, гупни кийган, юзи еллиштовокдек семиз бир киши одамлар орасидан сўкиниб чиқиб кетди. Унинг гапидан томошабинларнинг кулгиси баттар авжга чиқди.

— «Кўтарма» колхозининг омборчиси Эшпўлат ака-ку! Тегиб кетди шекилли! — одамларнинг «ҳа-ҳа-ҳо-ва-ҳа-ҳо»си бутун ялангликни тутиб кетди.

— Ана, Тўхтаҳон, битта оғборчи акангизни нозик жойларига тегиб қўйибсиз! — Болтавой ака ҳам одамларга қўшилиб қаҳ-қаҳ уриб куларди.

Бирдан улардан сал нарида ҳай-ҳай сурон, бақирӣқ-чақирӣқ бўлиб кетди.

— Кўпқари бошланыпти! — Одамлар гуриллаб ўша ёққа чопа бошлашди.


Болтавой ака ҳам, Тўхтаҳон ҳам ўйин билан овора бўлиб билишмаганди. Йўнғичқазорни от босиб кетганди. Ҳаммаёқ гижинглаган, оёқлари узун-узун, думлари тугилган от эди. Қалта камзул кийган, белларини қийиқ, бошларини рўмол билан танғиб олган чавандозлар булутга сапчийман деб турган отларини ўйноқлатиб роса кўпқари чопишганди. Тўхтаҳон ҳам, Болтавой ака ҳам отларни жон олиб, жон бериб мусобақа қилишганини ўшанда кўришганди. О, зўр томоша бўлганди-да, ўзиям.

Иброҳим оқсоқолнинг тўйида ҳам отлар кўп эди. Яна улоқ бўларканда. Болтавой ака кўпқарини яхши кўради. Тағин маза қилишаркан-да.

Афсуски, Тўхтаҳон кутган, уни севинтирадиган улоқ бўлмади. Аммо бу тўйда Тўхтаҳон ҳам, Болтавой ҳам роса яйрашди. Хотин-халажга, бола-бақраларга тўрт-беш марта ўйин кўрсатишди.

Тўй уч кун давом этди. Охирги кун эрталаб ҳовлининг ўртасига аламазон — гулмайдон қилиб олов ёқишди. Энди чипрон бўларди. Бунақа чипронларни Тўхтаҳон кўп кўрган. Чилдирма чалишиб, тўйболани олов атрофида айлантирашади. Қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар чилдирмачига, тўйболага, уни опичиб олган кишига пул қистиришади.

Э. РАЙМОВ ◆ КУЗ ИЛГАМАС ШУЪЛАЛАР ◆ ҚИССА



Бу томоша Тўхтаҳонга жуда ёқарди.

Бир оёғи ёғоч Иброҳим оқсоқол Болтавой акани роса ҳурмат қиларкан.

Оёғида гулдор этикча, бошида укпаридўппи, қизил бахмалдан костюм-чолвор кийган беш яшарча тўйболани бир йигит кўтариб келиб Болтавой аканинг қўлига берди.

— Болтавой, ният қилдик, Эркинбойни ўзинг опич! — деди Иброҳим оқсоқол. — Зиён-захмат кўрмай, улли йигит бўлсин.

Ўртада гулхан гуриллайди. Тўхтаҳон тўй боладан кўзини узмасди. Бир аёл Болтавой аканинг бўйнига узун оқ сочиқ ташлади. Болтавой ака тўй болани опичиб олди. Кейин аста-секин гулхан атрофида айлана бошлади. Бир кичкина бола қизимаган кепчик чилдирмани «пақ-пақа пум, пақ-пақа пум» қилиб чалиб турарди.

Чипрон ўн, ўн беш дақиқа давом этди. Уйдан бир мўйсафид чиқиб, остонада турганча ҳай-ҳайлади.

— Қани, ҳов, обкелақол.

— Обора қолинг энди, обора қолинг. — Жўрабоши фотиҳа берди. — Устанинг қўли энгил бўлсин.

Болтавой ака тўйболани кўтариб уйга кириб кетди. Ҳар доим шунақа. Чипрондан кейин болани уйга обкиришади. Тўхтаҳон бу ёғини билмайди. Болани уйда нима қилишади, сира ақли етмайди.

Иброҳим оқсоқол Болтавой акага пайшанба куни жавоб берди. Фронтдош дўстига хизмат қилганидан унинг вақти чоғ эди. Эгаси хурсанд бўлгандан кейин Тўхтаҳон ҳам хурсанд-да. Унинг ҳам дили яйраб кетди.

— Жоним, зерикмадийизми? — Болтавой ака айиғини эркалаб кафтида алланарса берди. Айиқ тамшаниб унга суйкалди. — Энди қайтамыз. — У занжирни ечиб тўмтоқ қўлига ўради. Бир қўли билан қопни орқалади. Йўлга тушишди.

Аввал қатор, пастқам, девор-тошсиз уйлар олдидан ўтишди. Кейин тупроқли дала йўли келди. Икки ён шолитор. Энди бош тортган шолитар шабадада чайқалади. Улар билқ-билқ тупроқ кечиб йўл босишади.

Тоғда кийик боласи,
Битмас қалбим яраси.
Пешонамга сиғмади,
Кўзим оқу қораси...

Уйлаб қайрилма қошим,
Селдек оқади ёшим.
Юртлар кезиб юрарман,
Сенсан менинг йўлдошим...

Бу майин, сеҳрли қўшиқ Тўхтаҳонга таниш. Қуйи ҳам ёқимли. Кўпинча ёлғиз кетишаётганда Болтавой ака негадир шу қўшиқни хиргойи қилади. Уни Тўхтаҳон қишлоқма-қишлоқ кезиб юришганда кўп эшитган. Ҳозир ҳам қўшиқдан сел бўлиб, ерга қараганча эгасининг ёнида кетяпти.

— Ана, жоним, Чирчиқ ҳам кўринди, — Болтавой ака орқасидаги қопини силтаб тўғрилаб олди.

Узоқдан Чирчиқ суви кўзга ташланди. Ёйилиб оқаётган сув қуёш нурида ойнадай ялт-ялт қилар, жимирлаб кўзни қамаштирарди.

Тўхтаҳон бошини кўтариб бир силкиниб қўйди. У хурсанд эди. Ҳозир яна паромга чиқишади. Сув шовуллади, юзингга муздай шабада уради. Роҳат.

Паромда улардан бошқа йўловчи йўқ эди. Косовдай қоп-қора Тўлқин зерикканиданми, қирғоқда чўзилиб ётарди.

У таниш айиқчани кўриб лип этиб ўрнидан турди.

— Қайтибсизлар-да! — деди илжайиб.

— Ҳа, қайтдик, — Болтавой ака қопини ерга қўяркан сўради. — Йўловчилар камми дейман?

— Жума, шанба, бозор кунлари кўп бўлади. Жа тикилинч бўлиб кетади. Қолган кунлари санжоб, онда-сонда бир йўловчи ўтмаса... Кўпинча бўш ўтираман. Қани, юринглар. — Тўлқин кулиб қўйди. — Яна икки-уч йилдан кейин паромни ҳам кераги бўлмай қолади.

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўради Болтавой ака.

— Кўрғончада катта балиқ комбинати ташкил этилади деган гап бор. Худди мана шу ерга кўприк қуриларкан.

— Унда жуда саз бўлади-ку!

— Бўлмасам-чи.

Тўлқин бир зумда моторни гуриллатди.

Паром юксиз, бўш бўлганиданми кучли сув уни қийшайтириб четга тортар, оқизиб кетмоқчи бўларди. Симга осилган ҳалқа ғариллаб олға силжирди.

Улар Наби полвоннинг чойхонасига кириб боришганда вақт пешиндан оққан эди. Болтавой ака бир чойнак чой ичди. Кейин Наби полвондан Зуннун кўрнинг қаерда туришини сўради.

— Кўрга ишингиз тушиб қопти? — ажабланди полвон.

— Бировнинг омонат гапи бор эди, — деб қўя қолди Болтавой ака.

— Қозимаҳаллада. Мачитни биласиз-а? — Ҳижжалаб тушунтирди чойхоначи. — Шу мачитнинг орқаси подахона. Подахонадан ўтиб ўнгга буриласиз. Бир оз юриб чапга қайриласиз. Тепалик келади. Шу тепаликдан тўғри чиқиб борсангиз Зуннун қорининг уйи-да. Уша ердаги болалардан сўрасангиз ҳам айтиб беришади.

— Яшанг, раҳмат.

Болтавой ака Тўхтагонни етаклаб тепаликка кўтарилгандаёқ таниш аравага кўзи тушди. Шалоғи чиқиб кетган эшак арава дарвозахона олдида лайлак бўлиб турарди.

Қадимда ўймакорлик билан ишланган, ҳозир эса чириб, ён сувоқлари тўкилиб кетган икки табақали дарвоза занжир эди. Болтавой ака эшикни қоқди. Анчадан кейин аёл кишининг «Ки-к-им?» деган овози эшитилди.

— Зуннун ака бормилар?

— Ҳозир! — аёл кимгадир шанғиллади. — Ҳой, биров чақир-япти, қарачи!

Йўлакка югуриб аллаким келди. Занжир шириқ-шириқ қилиб, дарвоза қия очилди. Уша таниш башара — бурни сумакдек бола кўринди. У айиққа кўзи тушди-ю чўчиб дарвозани ёпди: «Ҳозир бувамни чақираман». Бола ғизиллаганча кириб кетди. У ҳовлиқиб қолган, ҳовлидан овози эшитилиб турарди.

— Бува, анави айиқчи кепти. Айиғи ҳам бор. Кирсинми? Айиғичи? Обкирсинми?

Буваси уйдан туриб бир нарсалар деди шекилли, сумак бурун «хўп» дедию, яна ғизиллаганча дарвозахона олдига келди. Эшик тирқишидан мўралаб деди:

— Айиғизси аравага боғлаб қўйиб ўзийз киринг экан.

Болтавой ака Тўхтагонни араваининг ғилдирагига боғлади-да, ичкари кирди. Ҳовли тор, чуқурликда бўлиб, гир айланаси пастак-пастак уйлардан иборат эди. Бола Болтавой акани энг тўрдаги уйга бошлади.

Ёнбошида уч-тўртта ёстиқ, тагида шапарак кўрпача, бошида ҳожидўпписи, кир, итёқа кўйлаги устидан ўша сахтиён нимчасини кийиб, ғўдайганча Зуннун кўр ўтирарди.

— Ассаломалайкум! — останада туриб салом берди Болтавой ака.

— Ваалайкум... — кулранг парда босган соққадай кўзларини шифтга қадаганча алик олган бўлди қори. — Нима гап?

— Шер отаниннг омонатини обкелдим.

— Ҳм... яхши. Пахридин! — сумак бурун болани чақирди

у. Бола дарвозадан мўралаб айикни томоша қилаётган эканми, узоқдан «хўвв» деб чошиб келди.

— Ҳа, бува? — деди у ҳарсиллаб.

— Зухриддин қани?

— Ухлаяптилар.

— Уйғот, бۇ ёққа чиқсин!

Зуннун кўр қимирламас, киприк қоқмас, худди тошдан йўнилган ҳайкалга ўхшаб ўтирарди.

Зухриддин кириб келди.

— Ҳа, дада? — деди у кўзларини ишқалаб.

— Уйқуга тўясанларми сенлар!? Ғафлат босиб ётаверсанларми?!

Ўтир бундай! — буюрди отаси. Зухриддин тиз чўкди.

— Пулни ҳаммасими? — баланд овозда сўради қори.

— Ҳаммаси, олти юз сўм, — жавоб берди Болтавой ака.

— Зухриддин, санаб ол! — кўр бир қўли билан соқолини тутамлаб силади. — Хушёр бўлиб сана, адашиб кетма, — тайинлади у.

Болтавой ака қўйнидан бир даста пул чиқариб Зухриддинга узатди.

— Вой бўй, ҳаммаси майда-ку! — Зухриддин пулни оларкан бошини чайқаб қўйди.

Чўкка тушганча санашга тушди. Уйни пашша учса билинадиган сукунат қамради. Қорининг бутун диққати пулда эди. Кўрмаса ҳам ўғли санаётган сўмларни вужуди билан ҳис қилиб, калта-калта нафас оларди.

Зухриддин эринмасди, қайта-қайта санарди. Юз сўм, юз сўм тахлаб, белига беш сўмликдан белбоғ боғларди. Охири у олти даста пулни устма-уст қўйиб дадасига узатди.

— Мана, дада, олти юз сўм.

Қори пулни икки қўллаб олди, пайпаслади, ён-верини силади, гўё кўрадигандай кўзига яқинлаштирди. Унинг узун бармоқлари дир-дир титрарди.

— Янглишмадингми? Тўғрими ҳаммаси? — ўғлидан сўради у.

— Тўғри, беш марта санадим.

— Бўпти, ма, обкириб қўй.

Зухриддин пулни олиб чиқиб кетди. Бир оз ўтиб қайтиб кирди. Зуннун кўр сахтиён нимчасининг иккита тугмасини ечди. Қўйнига қўл тикиб анча пайпасланди. Эски латтага ўралган тумордек алла-нарсани олди.

Қўли қалтираб уни ўғлига узатди.

— Зухриддин қарачи, шуми Шернинг тилхати?

Зухриддин латтани очиб буклоғлик бир парча қоғоз олди. Езувига кўз югуртирди.

— Шу! — деди қоғозни ўқиркан.

— Бўпти! Борвор!! — Шер билан орамиз очик.

Болтавой ака тилхатни буклаб чўнтагига солди.

— Қори ака, — деди синиқ овозда. — Сиздан бир илтимосим бор.

— Ҳўш? — Зуннун кўр шифтга кўзини қадади.

— Ўша куни Шер отани қаттиқ ранжитдингиз. Боланг ўлсин, деб қарғадингиз. Шу қарғишингизни қайтволсангиз!

— Пулимни бермагандан кейин қарғайман-да!

— Сиздан ўтинаман, қарғишни қайтволинг! — ялинди Болтавой ака.

Зуннун кўр бирпас миқ этмай ўтирди.

— Хўп, — деди охири. — Ана. Бола-чақасининг боши тошдан бўлсин! — у истамайгина соқолини силади.

— Бизга жавоб! — Болтавой ака ўрнидан турди.

У Тўхтагонни етаклаб Шер отаникига жўнаркан, худди елкасидан тоғ ағдарилгандай, ўзини жуда енгил ҳис қилди. У азбаройи қувонганидан йўл-йўлакай айиғига гапириб борарди.

— Кўнгил чирокдай ёришди-да, жоним. Кўрни қарғиши юракка

михдай қадалиб турганди-да. Хайрият, ишқилиб қайтволди баччағар. Аммо, бу қарғиш ўлса чолнинг суягида кетарди-да, бир умр армон бўлиб қоларди. Яхши бўлди, қайтволди.

Тўхтагон эгасининг гапига тушунгандай, унинг қувончига шерик бўлгандай калласини ликиллатганча талтайиб ёнида борарди.

Болтавой ака негадир шу пайт ийиб кетдими, шартта тўхтаб айиғининг пешонасини, бўйинини силади. Киссасидан хап ҳолва олиб оғзига тутди.

— Хафа бўлмадингизми, жоним? — деди яна йўлда давом этаркан. — Шу ҳафта ичи сизни ҳам кўп ишлатвордим-а? Майли, яхшилик учун ишладик. Саҳий элимиз омон бўлсин. Нима бўлса ҳам, икки ёрти бир бутун бўлиб, Шер отани кўрнинг қарғишидан, дағдағасидан қутқардик-ку! Аммо бу ишимиз қандай бўлди, жоним. Ҳозир бориб чолни хурсанд қиламиз. Боши осмонга егади қариянинг. Худо хоҳласа бугун отаникида тунаймиз.

Улар кайфлари чоғ бўлиб, Шер отаникига кириб келишди. Негадир ҳовли жимжит, сув сепгандай эди. Болтавой ака Тўхтагонни толга боғлади. Қопини супага қўйиб, секин деразадан уйга қаради. Ойниса буви кўрпача устида бир ўзи қўнқайиб, хаёл суриб ўтирарди. У ҳовлида тап-туп қилиб этигини қоққан бўлди, кейин уйга кирди.

— Ассаломалайкум, янга!

— Вой, сенмисан, Болтавой, мен ким экан деб... — Ойниса буви ўтирган жойида унинг елкасидан олиб кўришди.

— Тинчликми? — хавотирланиб сўради Болтавой ака.

Бирдан кампирнинг кўзларидан дувва ёш тўкилди.

— Чолни қамаб қўйишди.

— А? Қачон?

— Бозор куни. Бугун тўрт кун бўлди.

Болтавой аканинг юраги алланечук бўлиб кетди. Ҳолсизланиб деворга суянди. «Отага бу кўргилик ҳам бормиди» — лаби пичирлади унинг.

Августнинг дим кечаси

Вале Миён мазорининг шайхи Қоровой ота ҳар кунгидан барвақт уйғонди. Ўрнидан туриб чироқни ёқди. Занжирли соатига тикилиб қаради. Соат беш. «Ҳали эрта экан. Ке, ётмай қўя қолай». У чопонини елкасига ташлади-ю, обдастани кўтариб ташқари чиқди. Қоп-қоронғи, кўкда юлдузлар чарақлаб турибди.

Таҳорат олди. Ўрнидан туриб энди иштонбоғини боғлаётган эди, унга алланарса суйкалгандай бўлди. Қоровой ота қайрилиб қаради. Қаради-ю кайфи учиб кетди. Ёнида сап-сарик, баҳайбат ит турарди. Шайх сесканди, бутун вужуди жимирлаб баданидан нимадир ўрмалаб ўтди.

— Тур кет! Тур кет! — деди у жонҳолатда.

Ит орқасига бурилиб кета бошлади. Унинг бўйнида занжир шилдирарди.

— Валақувватул... — Епирай! Бу ит эмас-ку! Айиқ-ку! — Қоровой отанинг жонида жон қолмади. — Худо бир асради. — У оёғининг учида лип-лип юриб ҳужрага кирди.

— Айиқ қайдан пайдо бўлди мазорда? — ҳамон ўзини босолмай дир-дир титрарди, калима келтирарди. Шайх чопонини бошига тортиб, бурканиб ётган Аъзам сўфини туртди.

— Аъзамжон, туринг, бундай туринг!

— Ҳали барвақтмасми? — сўфи уйқусираб бошини кўтарди. —

Соат нечи?

— Э, соатни сўрайсиз!.. Мазорга айиқ дорибди.

— Айиқ? — Сўфи ҳушёр тортди. — Йўғ-э, итдир.

— Айиқ деяпман, айиқ. Нега ишонмайсиз? Ўз кўзим билан кўрдим.

— Қачон? — ўтирган жойида сўради сўфи.

— Ҳозир. Таҳорат олаётгандим. Шундай ёнимда турибди-да. Жуда катта, баҳайбат айиқ. Олдин мен ҳам ит деб ўйладим..

— Даф қилмадимми?

— Йўқ. Мозорга кириб кетди. Мен бу ёққа қочдим.

— Е худоё тавба! Бу офат қаёқдан пайдо бўлди? — шошиб ўрнидан турди сўфи. — Айиқ мозорга ўрганса ёмон-ку!

У кўйлак, иштонда секин келиб хужра деразасидан ташқарига тикилди. Ташқари ҳамон қоп-қоронғи эди. Айиқ кўринмасди. Шайх ҳам унинг ёнига келди.

— Кўринадимми?

— Йўқ, — бош чайқади сўфи.

— Уни бу ердан даф қилиш керак, — Қоровой ота нима дейсиз дегандай Аъзам сўфига қаради. — Айтганингиздай бу бало мозорга ўрганса ёмон. Янги гўрларни очиши ҳам мумкин..

— Турган гап, — шайхнинг фикрини маъқуллади сўфи. — Отиш керак уни!

— Милтиқ қайда дейсиз?!

— Милтиқ йўқ-а?

— Бўлганда ҳам иккимиз эплотмаймиз уни. Кўпчилик керак. Шайхнинг ҳам, сўфининг ҳам боши қотди. «Нима қилиш керак», ўйлашарди улар.

— Кийининг! — деди Қоровой ота бир қарорга келгандай бо-тирланиб. — Чиқиб одамларни айтиб келамиз. Беш-ўн киши бўлмаса кийин. Йиртқич, йиртқич-да!

— Бемаҳалда-я! — сўфи ташқарига чиқишга чўчиб иккиланди. — Сал тонг ёришсин.

— Э қизиқмисиз! — уни жеркиб бирди шайх. — Тонг ёришса уни қайдан топасиз? Бир кунжакка киради кетади. Тунда тагин келади.

Улар хужра эшигини гичирлатмасдан секин очишди. Айвонга чиқишди. Қоровой ота деворга суяб қўйилган паншахани, сўфи дастаси узун белкуракни олди. Атрофга синчиклаб қарашди. Айиқ йўқ.

— Бир жойда пусиб турган бўлмасин баччағар! — сўфи айвондан пастга тушиши билан айиқ ташланиб қоладигандай дағ-дағ қалтирарди.

— Жиминг! — шивирлади унга Қоровой ота кўзлари олазарак бўлиб. Иккалалари баб-баравар пастга тушишди.

Юраклари гуп-гуп урарди. Белкурак билан паншахани худди автомат ўқталгандай ушлаб шипиллаганча дарвоза томон йўналишди.

Эшикдан чиқишдию, худога шукр қилишди. Мозордан юз эллик, икки юз метр нари янги маҳалла эди. Улар тўғри бориб Тошпўлат деган йигитнинг эшигини қоқишди. Тошпўлат сарпойчанг, кўйлагининг тугмасини қадашга ҳам сабри чидамай югуриб чиқди. У сахарда эшиги тақиллаганидан хавотирда эди. Шайх билан Сўфини кўриб яна ҳам кўрқуви ошди.

— Ўғлим, бемаҳалда безовта қилдик сени ҳам, — деди Қоровой ота ҳижолатомуз. — Мозорда айиқ оралаб юрибди. Беш-ўнта қўни-қўшнингни чақир. Милтиги бўлса обчиқишсин. Даф қилмасак бўлмайди уни.

— Айиқ?! — Тошпўлатга ғалати туюлди бу гап. — Қаердан кепти у?

— Билолмадик, касофат қаердан дорибди, — гапга қўшилди Аъзам сўфи. — Ўрганса ёмонда йиртқич, йўқотиш керак уни. Милтиги борлар милтигини обқиқсин, бўлмаса сўйилми, калтакми олволишсин. Кўпчилик бўлсак, худо хоҳласа ўлдирамай.

Тошпўлат бир зумда қўни-қўшнларига хабар берди. Ким милтиқ кўтарган, ким кетмондаста ушлаган, ҳаш-паш дегунча ўн беш, йигирма чоғли одам тўпланди.

— Бундай қиламиз, — деди ғўладан келган Исомбой деган киши. — Тўда бўлиб юрсак қочирворамиз. Бир милтиқликка икки одам, мазорни ҳар томондан ўраб қирамиз. Милтиқликлар, хушёр бўлинглар, кўрдим дегунча от, йиртқич ҳайвон қурол кўтаргани ёмон кўради, ташланиб қолиши мумкин.

Августнинг бошлари. Ғира-шира тонг палласи. Ҳаво мусаффо. Ёқимли шабада эсади, дарахтларда қушлар чирқиллайди. Яқин атрофдан басма-басига сайраётган беданаларнинг питбилдиғи эшитилади.

Чўқмор, калтак, милтиқлар билан қуролланган одамлар Вале Миён мазорини ҳар томондан ўраб кириб боришмоқда. Улар ҳар ённи диққат билан қузатиб, эҳтиётлик билан одимлашади. Шитир этган овоздан хавфсираб аланглашади. Оёқлари остида шўралар, қовжирок ўтлар қисирлайди.

Қуриб қолган сада қайрағоч олдидан ўтишаётганда зилдай чўқмор кўтариб олган Тошпўлатнинг юраги бирдан орқасига тортиб кетди. Ундан чамаси йигирма метрлар нарида, тупроқлари янги тортилган қабр тепасида чўнқайиб сап-сарик айиқ ўтирарди. У ёнида келаётган Акром дев билан Сулаймонни туртди.

— Ҳов ана!..

— Қани? — Сулаймоннинг қўлида милтиқ бор эди.

— Ҳа, ҳа, кўрдим, — Акром дев ҳам шивирлади.

— Қани? Қани? — Сулаймон аланглаб милтиқ тепкисига бармоғини босиб турарди.

— Ҳув, чап томонда, — Тошпўлат қўли билан кўрсатди. — Кўрдингизми, ўтирибди.

— Ҳа-а! Шошма! Ҳозир ағдарамиз. — Сулаймон милтиқни айиққа тўғрилади.

Акром дев қўққисдан Сулаймоннинг милтиғига ёпишди, бақириб юборди.

— Отма!!! Бу ҳалиги... кимнинг... айиғи-ку! Уч кун олдин кўмилган!

Акром девнинг қилиғидан Тошпўлат ҳам, Сулаймон ҳам танг қолишди. Мазорни Акромнинг йўғон овози тутиб кетди.

— Отманглар айиқни, оғайнилар! Зарарсиз айиқ у! Отманглар!

Айиқ кучли бақир-чақирдан чўчиб тушди. Тумшугини кўтариб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Мазор ичида писиб, чопиб юрган одамларни кўрди. У парво қилмади. Яна чўнқайганча ўтираверди.

Бу Тўхтагон эди. Кутилмаганда бошига тушган мусибатдан ҳамон ўзига келолмай, гарансиб юрган шўрлик айиқ эди. У кунни кеча одамлар орасида, эгасининг ёнида эркаланиб, тўмпанглаб хурсанд юрганди. Бугун эса боши ҳам...

Тўхтагон ҳеч ўйлаб ўйига етолмасди, бу воқеа қандай рўй берди, билмасди.

Шер отанинг қамалганини эшитиб Болтавой аканинг юраги қалқиб кетди. Ҳолсизланиб деворга суянди. Худди шу пайт уйга ўқдай отилиб Искандар кирди.

— Буви, суюнчи беринг! — деди у ҳовлиқиб. — Бувамни қўйво-ришди!

— А? Қачон? Вой худога шукр-эй! — Ойниса буви ўтирган жойида шошганидан питир-питир қиларди. — Кел, оғзингдан бир ўпай, болагинам. — У Искандарни чўлл-чўлл ўпди. — Қанилар?

— Келяптилар! — илжайди Искандар.

Бу хушхабар деворга суяниб, ғалати бўлиб турган Болтавой акага ҳам жон киритди.

— Э, хайрият, хайрият! — деди у юзига қон югуриб.

Искандар уни энди кўрди. Боя ҳовлиқиб қолганидан пайқаманганди. Толда боғлоқлик турган Тўхтагонга ҳам қарамаганди.

— Ассаломалайкум! — у бир оз довдираб, хижолатомуз кўришди. — Қачон келдийиз?

Э. РАЙМОВ ◆ КУЗ ИЛҒАМАС ШУЪЛАЛАР ◆ ҚИССА

— Ҳозир кеп турганим, — Болтавой ака унинг бошини силаб кўйди.

— Болтавой, — Ойниса буви ҳам анча жонланиб, очилиб қолди. — Пойқадамнинг қутлуғ келди, болам. Кеча қаёқда эдинг, олдин куни қаёқда эдинг. Отанг бечора сенинг келишингга қараб турган экан. Илоҳим қутилгани рост бўлсин.

— Э, кўрган-боққанлари шу бўлсин-а!

Ҳовлига Шер ота билан Абдулла партизан кириб келди.

Бирпасда тўй бўлиб кетди. У қўшни чиқди югуриб, бу қўшни чиқди чопиб. Қий-чув, тўполон... йиғи, кулги... Ҳозиргина мунғайиб, ҳувиллаб турган ҳовлига файз кирди-қўйди. Чол дарров янги кўйлак, иштон дўппи кийиб чиқди. У гўё неча замонлар юриб, узоқ сафардан қайтгандай, худди одамларни ўн йил кўрмагандай, соғинишиб қолгандай, бағрини кенг очиб, қучоқлашиб кўришарди.

...Тешигидан буғ уфуриб, сариқ самовар биқирлаб қайнарди. Чолларнинг чақ-чақи авжга чиқарди.

Абдулла партизаннинг қизиқ ҳангомалари уларнинг ичагини узарди.

— Пирқага содиқ эдик-да, содиқ! Бу ўзимники, юз-хотир деган нарса бўлмасди бизда. Мана шу кампиримни бойнинг қизисан, деб болахонадан отворганманда! Бахтимга ўлмай қолган. Ҳали ҳам билтанглаб юради бечора. Ҳар кимда эътиқод бўлсин! Ғозибеков яхши бола экан, — деди у гапни буриб. — Мен одамни бир кўрганымда биламан. Жабборни ҳам думига пақир боғласа керак энди.

— Боғлайди, боғлайди, — унинг гапини тасдиқлади Шер ота. — Баччағар суллоҳнинг барча қилмишини айтиб бердим. «Хафа бўлманг, тирикчилигингизни қилаверинг, отахон» деди. Бу гапни унча-мунча начайлик айтмайди. Жабборники тўғри, деб кетаверадиганлари нечта.

Чолларнинг суҳбати обдан қизиди. Улар алла-паллада тарқалишди. Ётар олдидан Болтавой ака тилхатни кўйнидан олди.

— Мана, ота, — деди уни чолга узатиб. — Бугунги хурсандчиликнинг севинчиси сизга. Кўрдан қутулдингиз. Қолганини ҳам бериб келдим қисталоққа. Қарғишини қайтволди!..

— А? Қайтволдири? — қоғоз Шер отанинг қўлида шилдираб кетди. Унинг бармоқлари дир-дир титради. Шу тобда Болтавой акага нима дейишини ҳам, миннатдорчилигини қандай изҳор қилишни ҳам билмасди чол. Томоғига алланарса тиқилиб, борган сари ўпкаси тўлиб келарди.

— Барака топ, болам, — деди овози қалтираб. — Уғлим... йўқлигини билдирмадинг. Отангнинг арвоҳи қўлласин. Худо хоҳласа қайтараман, яхшиликларингга қайтараман. Қариганимда бошимга...

Шер ота хўрлиги келиб, ўзини тутолмай пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

Болтавой ака уни қучиб елкасини силади.

— Йўқ, йўқ, йўқ! Унақа деманг. Мен ҳам битта ўғлингизман, билсангиз. Мен сизни дадам деб юраман. Исканбой бор, мен бор ҳам еманг. Худо хоҳласа ойнанинг ўн беши қоронғи-ю, ўн беши ёруғ. Бу ҳалиги... сизга асло қарз эмас, хотиржам бўлинг. Дуо қилиб юрсангиз бас бизни.

— Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Яхшиям бахтимга сен бор экансан, — Шер ота кўз ёшларини артди.

— Омонлик бўлса азонда бизга фотиҳа берасиз, — деди Болтавой ака. — Йўлга равона бўламиз.

— А? — Шошиб қолди ота. — Бозорни олмайсанми?

— Сафаримиз қариди бетта, — кулди айиқчи.

— Барвақт турсанг ёта қол, ўғлим, — чол питир-питир юриб ўрин ҳозирлашга тушиб кетди.

Болтавой ака жоноқи олма тагидаги алмисоқдан қолган темир каравотда ухларди. Ундан сал нарида — тол тагида гужанак бўлиб

олган Тўхтагон мудрарди. Искандар супада буваси билан ёнма-ён ётарди.

Тун ярмидан оққан бўлишига қарамай ҳаво дим, қилт ётган шабада йўқ эди.

Тубсиз жарнинг таги кўринмасмиш. Болтавой ака қуюқ туман ичида осмондан шувиллаб тушиб келаётганмиш. У босинқирарди. «Ўлдим, энди ўлдим энди» дерди нукул юраги хапқиқиб, Йўқ, жар эмас, бозор ёмиш. Ҳамма тўс-тўполон бўлиб қочиб юрганмиш. Жаббор молия билан Шамси налог тишларини иржайтириб «қаҳ-қаҳ» лаб кулармиш, милтиқ ўқталиб одамларни қувармиш.

Болтавой ака бозорга шинелда, пилоткада кириб келганмиш. Озиб, чўпдай бўлиб қолган айигини йўргаклаб кўтариб олганмиш.

Зуннун кўр пайпасланиб: «Бу нима, бу нима?» — деб йўргакка чанг солармиш. «Болам-ку, кўрмаяпсанми, қўлингни торт!» — дермиш Болтавой ака юлқиниб.

«Омин, боланг ўлсин!» — қаргармиш кўр. Болтавой ака майиб қўли билан шартта унинг тилини суғуриб олибди. Кўр каппа-каппа озгини очармишу овози чиқмасмиш.

«Ҳа-а, қалайсан, энди қарғолмайсан, энди қарғолмайсан» — дермиш Болтавой ака суюниб.

Шамси налог ер бағирлаганча писиб унинг олдига келаётганмиш. Орқароқда Жаббор молия... Болтавой ака Зуннун кўрнинг тилини: «Мана, ейсизларми, мана» — деб уларнинг олдига ташлабди. Улар тилга қарамасмиш. «Айиқни бер!» — дермиш иккиси ҳам дўқ уриб. «Бермайман, ахир бу, ахир бу»... — Болтавой ака «милтиғим қани-я, деб ён-верига қарармиш.

«Учгача санаймиз! Берсанг бердинг, бермасанг айиғингни отиб ташлаймиз — Бир! Икки!!

Жаббор молия чап кўзини қисиб айиқни мўлжалга олаётганмиш. Болтавой ака шошиб нима қилишини билмасмиш. Бирдан айиғи турган жойида қизига айланиб қолибди. Жамалаксоч, қошу кўзлари по-пукдай, сап-сарикқина қизи Тўхтагонмиш. У кўзлари жовдираб: «Дадажон, отиб қўйишади, отиб қўйишади» — деб дир-дир титраганча Болтавой аканинг оёғини кучоқлаб зор-зор йиғлармиш.

«Қўрқма, қизим, қўрқма» — дея Болтавой ака уни шинелига ўраб беркитмоқчи бўлармиш.

«Бир! Икки!! Уч!!!» — деб Жаббор молия тепкини босармиш. Лекин милтиқ отилмасмиш, тепки «чиқ-чиқ» қилиб қўярмиш. Болтавой ака: «Ҳа-а, энди қалайсанлар!» дея жон ҳолатда ўзини уларга ташлабди.

У чўчиб уйғонди. Қаттиқ оғриқдан инграб юборди. Юрагига шу онда кимдир пичоқ санчгандай бўлди. Тушими, ўнгими? Йўқ, ўнги. Болтавой ака майиб қўли билан юрагини чангалламоқчи бўлди, аммо кўлини кўтара олмади.

Хаёлга берилиб кетган Шер ота ҳали уйғоқ эди. У бўлиб ўтган кўнгилисизликларни ўйлабми, тўлғаниб ухлолмасди. «Ҳали замон тураман. Озгина мизғиб олмасам бўлмас». Ота кўзини юмди. Яна ўйга чўмди. Яқинида, жуда яқинида чигиртками, калтакесакми тинмай чириллайди. Белариқнинг шовуллаши уни аллалагандай бўлади.

Шер отанинг ётиб-ётиб охири кўзи илинди. У қанча ухлади билмади. Ўзидан ўзи сапчиб уйғониб кетди. Назарида кимдир инграгандай бўлди. Кампиридан хавотир бўлди. Урнидан туриб ўтирди, қулоқ солди. Йўқ, у эмас.

Тўхтагон тол тагида у ёқ-бу ёққа юриб қаттиқ пишқирарди, безовта бўларди, гингширди.

«Ҳм, айиқ экан». Шер ота ўрнига ётди. Унинг яна уйқуси қочди.

Тўхтагоннинг безовталиги тобора ортиб борарди. У занжирини шалдираиб, бошини чайқарди. Болтавой ака ётган каравот томон интилиб, жон-жаҳди билан ер тирнарди. «Ўҳ! Ўҳ!» деб овоз чиқариб қўярди.

«Бу жонивор, мунча хархаша қилиб қолди», ўйлаб ётарди Шер ота.

Э. РАИМОВ ◆ КУЗ ИЛГАМАС ШУЪЛАЛАР ◆ ҚИССА

Бирдан айиқ қаттиқ ўкириб юборди. Тун қўйнида сукунатга чўмиб ётган ҳовли унинг бақиригидан ларзага келди.

Шер ота ирғиб ўрнидан турди.

— Болтавой! — деди у супадан тушмасданок, — Болтавой, айиғингга қара-чи, бир гап бўлдимми?

Айиқ ҳамон ўкирар, ғингшир, панжалари билан тол танасини тирнарди.

Чол апил-тапил супадан тушиб каравот олдига келди. У шошиб Болтавой акани туртди.

— Болтавой! Болтавой!!! Болтавой дейман!!!

Болтавой акадан садо чиқмади! Унинг боши ёстиқдан тушиб, каравот четида оғиб ётарди.

— Епирай! — Шер ота жонҳолатда унинг пешонасини ушлади. Муздай! Чол кўрқиб кетди. Унинг бошини ёстиққа оларкан, яна бир-икки: «Болтавой! Болтавой!» деди. Болтавой ака миқ этмади. У беҳосдан келган юрак санчиғидан ёруғ жаҳон билан видолашганди.

Шер ота ҳаддан ташқари довдираб қолди. У каравот атрофида гир айланиб, нима қилишини, қаёққа боришини билмасди.

Ярим тундаги бу мудҳиш хабар ҳаммани ҳайратга солди. Турғун, Қобил новвой югуриб чиқишди. Бирпасда ҳовлини қўни-қўшнилари тутиб кетди.

Шер ота меровланиб қолганди. Ким гапирса оғзига қарарди.

— Шер ота, — деди Одил бригадир. — Қариндош-уруғларига хабар қилиш керак бечорани. Қаерда туради уруғ-аймоғи?

— Ҳеч кими йўқ шўрликнинг, — ота бош чайқаб йиғлади. — Пискентда Санталат деган биттагина синглиси бор.

— Майли-да, беҳабар қолмасин. Мен раисга айтаман. Машинаси билан Абдушукурни жўнатамиз.

— Яхши бўларди.

Одил бригадир раисникига жўнади.

Улди-йитди чоғида одамлар жуда чаққон, илдам, мурувватли бўлиб кетишади. Айниқса ғариб-ғурабо, ҳеч кими йўқ кимса қазо қилса, одамгарчиликданми, савоб учунми, ишқилиб ҳамманинг ҳам оқибат қилгиси келади.

Халқ орасида дарбадар кезиб юрган айиқчининг ўлими бутун Бешкапани оёққа турғизди. Эрталабгача кўмиш тараддуди тахт қилиб қўйилди. Тобут олдида ғам-аламдан эзилиб, муштумдай бўлиб қолган Шер ота юм-юм йиғларди. «Жигарим, вой болам» деб фарёд қиларди. Унинг ёнида дўппи, чопонча кийиб олган набираси Искандар бўзларди. Қўшнилари Турғунбой, Қобил новвой, Абди чўкиртак, Тешавой ҳолвачилар ҳам чопон кийиб, белбоғ боғлаб азадор бўлишганди.

Отанинг ҳовлисига одам сиғмасди, таёқ ташлашга жой топилмасди. Дарвоза олдида, толлар тагида тўда-тўда бўлиб жанозага келганлар туришарди.

Тўхтагонни Искандар ҳовлидан сал наридаги олмурутга боғлаб қўйганди. Айиқ тинмай юрар, тебранар, юлқиниб калласини чайқар, ғалати овоз чиқариб инграр эди.

Жанозага келганлардан баъзилари берида туриб уни томоша қилишарди, ҳаракатларидан ажабланишарди.

— Жонивор, сезган-да, беҳаловат бўлишини қаранг, — шипширди бир-бирларига.

— Ҳайвон зол бўлади, сезади дарров, — уларга қўшилди сариқ, паст бўйли бир йигит. — Истансадаги Шокиров шашликчининг итини билармидингиз! Тўрт кўз, гуржи... Жа эслик эди-да. Шу эгасининг ўлишидан бир кун олдин оёғига ёпишиб ғингшиган-да. Уришса ҳам, урса ҳам нари кетмаган. Жониворни тўрт кундан кейин Шокировнинг гўри устида ўлиб ётганини кўришган.

— Ҳа, ҳа, эшитганман.

— Эй, анбарга олишяпти, юринглар, — кимдир уларни туртди.

Ҳовлида қиёмат кўпди. Санталатнинг: Вой жигарми-е, мусофире-

ем, мени ёлғиз ташлаб кетган жигаре-ем! — деб бўтадай бўзлаши, кўни-қўшни хотинларнинг йиғи-сиғиси, Шер ота, Искандарларнинг аламли фарёди юракларни ларзага солиб, ҳамманинг кўзига ёш қалқитди.

Тобут кўтарилди.

Олмурут тагидан Тўхтаҳоннинг кучли ўкириги эшитилди. Айиқ ўзини ҳар томон уриб, занжирини узиб юборар даражада талпинар, сакрар, айқириб бўкирарди.

Қани энди у ҳозир бўшалиб кетса-ю, одамлар билан бирга кадрдони, меҳрибони Болтавой акани сўнгги йўлга кузатиб қўйса...

Августнинг шу дим кечасидан кейин уч кун ўтди. Айриликқа чидолмаган Тўхтаҳон ҳамон ўзини қўйгани жой тополмасди. У кечая кундуз олмурут тагида тинмай айланар, гоҳ-гоҳ алам билан ўкириб кўярди.

Искандар кун бўйи у билан овора эди. Овқат берса емасди, қанд, нон тутса, бошини чайқаб тескари қарарди. Бир мартагина у Болтавой аканинг қопида қолган хап ҳолвадан еди.

Айиқ уч кундаёқ кўзлари киртайиб озиб кетди. Кечқурун уни Искандар Белариқда чўмилтирди. Кейин яна олмурутга боғлаб қўйди.

Азонда Шер ота Тўхтаҳондан хабар олгани борганда олмурут таги бўм-бўш эди...

— Ия! Айиқ кетиб қопти-ю! чолнинг ўтакаси ёрилиб кетди.

Худди шу пайт дарвозадан Ақром кириб келди.

— Шер ота! — деди у ҳовлиқиб. — Анови айиқчининг айиғи мозорда юрибди.

— А? Оббо жонивор-эй! Болтавойни кўмсаб борганда шўрлик. — Шер ота шошиб Искандарни уйғотди. — Тур! Омонат боғлаган экансан-да! Айиқ мозорда юрганмиш!..

Искандар сакраб ўрнидан турди. Ота-бола Ақром девнинг ортидан лўкиллаганча йўлга тушишди. Улар мозорга борганда Тўхтаҳон Болтавой аканинг қабри тепасида ўтирарди. Уни силаб-сийпаб етаклаб уйга олиб келишди.

Шер отанинг боши қотарди. Айиқни нима қилишни билмасди.

Бир ҳафтадан кейин Санталатнинг куёви Назиржоннинг маслаҳати билан Тўхтаҳонни Тошкент ҳайвонот боғига бериб юборишди.

Қирқ биринчи кун

Кечагина ҳаммаёқ кўм-кўк, ям-яшил эди. Дала-ю, боғлардан ёз нафаси уфурарди.

Бугун эса табиат заъфарон тусда товланади. Дов-дарахтларнинг сийраклашиб қолган япроқлари енгил шабадада олтин исирғадай шилдирайди. Пахтазорларда, полизларда сузилиб ипак мезон учади. Жилғаларда, ариқчаларда шишадек тип-тиниқ сувлар чулдирайди.

Тўхтаҳоннинг қафасга тушганига бугун роппа-роса қирқ бир кун бўлди. У шу кунлар ичида фақат қафас билан олишди, Болтавой акани ўйлади, одамларга интилди. Темир панжараларни тирнай-тирнай мадордан кетди. Энди у илгариги лўмбиллаб юрган эрка Тўхтаҳон эмасди. Митти кўзлари яна ҳам кичрайиб, ич-ичига ботган, чўпдай озиб, хунуклашиб кетганди. Сап-сарик олтиндай жунлари қирданми, чангданми унниқиб, қўнғир тусга кирганди.

У касал эди. Ҳеч нарсага қарамай гужанак бўлганча бир нуқтага тикилиб ётарди. Сўпоқ бош қанча парвона бўлмасин, бошини кўтармасди. У икки марта доктор олиб келди. Оқ халат кийган доктор укол қилди, зўрлаб аллақандай суюқ дори ичирди.

Дориси шундай сассиқ, аччиқ эдики, Тўхтаҳоннинг кўнглини айнитди. Бари бир, минг дори ичиришсин тузалмайди. Унга эгаси, кенг

майдон, одамлар керак. Уйин кўрсатса бас. О, Болтавой акани, одамларни у шундай соғиндики, шундай соғиндики... Қани энди эгасининг «жоним» деган сўзини бир мартагина эшитса...

Қирқ биринчи куни чамаси кундузи соат ўн бирлар эди. Узоқдан сўпоқ бош кўринди. У ҳар доимгидай узун қора халатда тез-тез юриб келарди. Тўхтаҳон унга парвосизгина қараб қўйди. Сўпоқ бош негадир жуда хурсанд эди. У билан орқама-орқа келган аллақандай машина Тўхтаҳоннинг қафаси олдида тўхтади. Машина жуда ғалати эди, ҳамаёғи темир, деразаси панжарали.

Машинадан икки киши тушди. Бири узун бўйли, сап-сарик, тепакал, катта-катта кўзлари кўм-кўк. Иккинчиси — паст бўйли, лўмбиллаган, семиз, калласи катта, юзлари нақш олмайди таранг, қошлари қалин, қоп-қора. Иккови ҳам олифта кийинган. Улар паст, баланд бўлишиб, панжара олдига ўтишди. Илжайишиб бир зўм айиққа тикилишди. Паканаси узунига қараб бир нарса деди. Иккаласи барабар кулишди.

Сўпоқ бош қафас эшигини очиб ичкари кирди. Тўхтаҳон хушламайгина ўрнидан турди. «Қадрдони» тўсатдан унинг тумшугига темирдан тўр сетка тутиб қўйса бўладими! У буни шундай чаққонлик билан қилдики, Тўхтаҳоннинг ўзи ҳам сезмай қолди.

Ие, бу нима қилди асти, оғзини боғлаб қўйди-ку! Узи шу етмай турувди унга. Иккинчиси эса, бўйнига калта занжир солиб қафасдан етаклаб чиқди.

— Жонивор, бир сиқим пўстақ бўп қопти-ю! — кулди пакана киши шеригига қараб.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ! — узун бўйли айиқни эркалаб белларини, пешонасини силади.

Кейин машинадан кичкина зинача тушириб Тўхтаҳонни чиқаришди.

— Хўп, хайр Зулун ога! — улар сўпоқ бош билан хайрлашишди. Раҳмат сизга!

— Яхши! Яна келинг, Акром ака! — Зулун-сўпоқ бош машинага қўл силтаб қолди.

Енбошига «Ўзбек цирк» деб ёзиб қўйилган машина қандайдир кўчалардан ғизиллаб кетаркан, Тўхтаҳон ҳайрон эди.

1980—1983 йил.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Буюк Британия бош министри маҳкамасидагилар мулзам бўлиб қолишди. Шотландиялик машҳур шоир Х. Хендерсон ҳамма тартиб-қоидаларни бузиб, юксак мукофот — «Британия империяси» орденини олишдан воз кечди. Адабиёт соҳасидаги ютуқлари учун Англия ҳукуматининг бошлиғи М. Тэтчер шахсан унга шу мукофотни иноят этган эди. Шоир бош министр маҳкамасига ёзган хатида консерваторларнинг милитаристик йўлига қарши норозилик белгиси сифатида шундай қарорга келганлигини таъкидлади.

«Бош министрнинг телбанамо, урушқоқ АҚШ президенти билан биргалликда ўтказатган ўзини-ўзи ҳалок қилувчи ҳарбий сиёсати ер юзидаги инсоният ҳаётини хавф остида қолдираётганлиги сабабли мен мукофотни асло қабул қила олмаслигимдан М. Тэтчер хонимни хабардор қилишингизни сўрайман», — дейлади, жумладан, хатда.

Иккинчи жаҳон урушининг ветерани Х. Хендерсон таниқли адиб, халқ ижодиёти-ни ўрганувчи атоқли мутахассисгина бўлиб

қолмай, ядровий қуролсизланиш ҳаракатининг актив қатнашчиси ҳамдир. У шотландиялик ёзувчиларнинг милитаристик йўлидан ва мухолифликдан, Британия территориясида Американинг биринчи бўлиб зарба урадиган янги ракета ядро қуролни жойлаштиришдан воз кечишни талаб қилиб ҳукумат номига юборилган талабноманинг авторларидан бири эди. Ҳужжатни 191 киши имзолаган.

Бош министр маҳкамасидагилар сир бой бермасликка тиришдилар. Маҳкама ходими шотландиялик шоирнинг норозилик ҳаракати аҳамиятини очикдан-очик пасайтириб кўрсатишга уришиб, мухбирларга мукофотни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш Х. Хендерсоннинг ўз «иши ва ҳуқуқи» деб айтди.

Бу норозиликни инглиз жамоатчилиги жуда кенг табақалари ҳайрихоҳлик билан тушуниб кутиб олдилар. «Таймс» газетасининг хабар қилишича, Х. Хендерсон ўзининг мардона қарорини қўллаб-қувватловчи юзлаб хат ва телеграммалар олган.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Усмон Азимов

КЎКСИМНИ ТЎЛДИРИБ ТОВУШИМ ОҚАР

Иўқлов

Гагарин хотирасига

Элликка кирибсиз...

Қутлаб қўяйин
Иилларнинг устидан чўзиб қўлимни.
Асли учрашмоқ ҳам эди-ку тайин,
Ўртадан кўтариб ташлаб ўлимни.
Ўлтиринг...

Шеър ёзай сиз ҳақингизда
(Минг войки, фақат шеър бўлмоқ бурчингиз),
Ҳамон ўша савол ҳалқумимизда:

— Нега сиз кўчдингиз?

Нега кўчдингиз?..

Тўй уни кўчмоқдан сўзладим бежо,
Ногоҳ ғам келди-ю, кўзни намлади..
Нечун она замин одамлар аро
Илк юлдуз бўлмоққа сизни танлади?
Сиз аввал самога ташлайсиз кўзни,
Сўнг ерга қиласиз ғамгин ишора..
У ҳам нима десин —

хоки юлдузни
Иилларки, кўчоқлаб йиғлар бечора.
Йиғлар-у, эслайди...

Келар оч баҳор,
Фашист ўқ отади кўзига қараб.
Ерудан тирмашиб чиқиб ҳар наҳор,
Бир бола теради емакка алаф.
Ушанда она ер оҳ урмайин деб,
Бор кучин тоқатга жамлаганмиди?
Балки ўша уни меҳрдан ийиб,
Уни юлдузликка танлаганмиди?

Эслайди...

Бир ўсмир ёзади мактуб:
«Она, кеча олдим биринчи маош,
Сенга йўллаяпман...

Юрма ғам ютиб,
Кўйлак ол, етарли бўлса нону ош»...

Ушанда она ер ёшени артиб,
Дилдан олий ният айлаганмиди?
Кўкка ҳам меҳр-ла берар деб тартиб,
Уни элчиликка танлаганмиди?
— Биз билан яшайсиз... Тортинмоқ бас, ҳа...
Уйингиз битгунча, хулласи калом...
Наҳот, шу кўнгли кенг инсон учмаса? —
Учади!

Она ер, шубҳалар тамом!

— Уч, икки, бир...

— Кетдик!

Пастда она ер!
Беланиб ётибди мовий зиёга.
У бир мовий сўздир,
у бир сатр шеър,
Қоп-қора дунёда, қора дунёда.

Кетдик!

Узоқ кетмоқ сизга эмас эп,
Дарҳол англадингиз қайтмоқ керакдир.
Ер шундай ягона, шундай гўзал деб,
Барча одамларга айтмоқ керакдир.

Қайтасиз...

Сарғайган суратлар гувоҳ,
Қувончдан чарақлаб, кулиб қайтасиз.
Балки — энди ҳеч ким бўлмагай гувоҳ —
Дарду оғриқларга тўлиб қайтасиз.

Қайтасиз...

Ордену медаллар тақиб,
Савлат тўкмоққамас даврада ўктам,
Қайтасиз айтгани кўзларга боқиб:
«Замин ночер эрур ҳаммамиздан ҳам...»
Қайтасиз...

Юлдузлик ерда оғирми?
Ерда норавоми?..

ноҳос учдингиз...
Ҳамон ўша савол эзар бағрини:
— Нега сиз кўчдингиз?

Нега кўчдингиз?

Ҳар кимса шеър ёзиб эсланавермас,
Шеър ўзи қуйилса — мен нима дерман?
Қабрингиз устида ким йиғлар бесас?
Сизни йўқлаган ким?

Титов-ку! Герман!
Сочи оқарибди — йиллар бешафқат,
Аммо аввалгидай кўзлари ёниқ,
Келибди сиз билан қургани суҳбат,
Тинглайсиз ва жавоб берасиз аниқ...

— Эсингдами, дўстим...

— Эсимда бари...

— Қандай иноқ эдик...

— Яшардик тошиб!

— Эсингдами, дўстим...

— Эсимда бари...

— Қизим қўрқитганди иссиғи ошиб...

Ўшанда биз билан уч кеча-кундуз
Бошида ўлтирдинг...

— Борми саломат?

— Катта бўлиб кетган...

Фақат сен ҳануз

Етибсан — бошингда сағир самовот...

— Эсингдами, дўстим...

— Эсимда бари...



Сен ҳали ёшлигинг билан оввора...
Мен кўзни юмдимми, келади босиб
Ҳам шонли, ҳам бешан ҳамда бечора
Хотира юкининг оғир карвони.

Сен ҳали сўйлайсан ҳаммага бийрон...
Мен эрсам, ночорлик ичида тўзиб,
Елғон куйлаганман қачондир, бир он,
Сўнг узиб ташладим тилимни ўзим.

Ҳали тушларингда учасан юксак...
Мен қанотдай қанча қоқмай қўлимни,
Йўқолган осмондан топмасман дарак,
Кўраман туманлаб кетган йўлимни.

Дўсту душманларинг сенга-ку аниқ...
Мен-чи, оломонга термиламан жим, —
Билмасман ағёру ёримни таниб,
Менга ҳам дўстим, деб боқмагай ҳеч ким.

Сен ҳали ҳар лаҳза кулишга тайёр...
Менинг кўзларимда музлаган оғриқ,
Эриса — бир мавжи ўзбаки диёр,
Оқса — бир соҳили виждонга боғлиқ.

...Росту ёлғон аро тентираб юриб,
Қувондим, йиғладим, жунжикдим, қотдим...
Сенинг кўзларингга термилиб туриб,
Ўзимни фош қилиш бахтини топдим.



Бир тараф дўстларинг — журъатсиз ва ғаш,
Бир тараф душманлар — шоколадзабон...
Шунда жонга тегар ҳайқириб куйлаш,
Ҳатто шивирлашга қолмагай дармон.

Кўчага чиқаман ўшанда ҳорғин.
Сесканиб тўхтаيمان... Эвоҳ! Куз... Қачон?
Хазонрез кўчалар ғамгин ва ёрқин
Боқадир. Тепада бир юпқа осмон.

Боғларни кезаман. Келадир босиб
Бўғзимга, кўзимга тошқин-тошқин дард...
Шунда ҳадиксираб, тақдирдан қочиб,
Кифтимга қўнади бир қавжироқ барг.

Бир лаҳза қўнар-у, учиб кетади,
Ненидир шивирлаб этади огоҳ.
Шивирининг мавжи қалбга етади,
Руҳим чуқурлашиб кетади ногоҳ...

Боғдан чиқмай туриб куйлай бошлайман,
Кўксимни тўлдириб товушим оқар.
Қалб билан кетаман, танни ташлайман,
Йўлимни ҳайқириқ гулхани ёқар.

Дарахтлар, одамлар сатримга кўчар,
Езаман Ер, Осмон вазиятини...
Мен — тирик қолган дўст, ижро этаман
Уша — қавжироқ барг васиятини.

Навоий

1

Бу оламни яратдинг, эгам,
Етти кунда йўқдан қилдинг бор.
Дариг тутма меҳрингни мендан,
Сўзсиз қолдим. Тангрим, сўз юбор.

Сўз йўқ. Гарчи туғёнларимдан
Барча йўқлик тушар ларзага.

Бир сўз бергил — мен яратаман
Бу оламни етти лаҳзада.

2

Қуёш бўлиб олисдан боқдинг,
Зор қилдинг-ку йўлингга, келгин!
Мен ҳаммани оловда ёқдим,
Фақат ўзим музладим, севгим...

Ҳолат

«Мени тинч қўй! Бор, қабрга бор,
Деразадан боқмагин, арвоҳ.
Йўқлик қўйиб юбормас зинҳор,
Энди қайтиб келолмайсан, оҳ...

Куйма! Мени севар бу одам
Тун умримга тонглар тўшайди,
Рости, унга дил бердим мен ҳам,
Чунки сенга жуда ўхшайди.
Қара, сенга жуда ўхшайди»...

Аёл аста пардани тортар,
Каравотда ухлар бир одам.
Арвоҳ тунга ўзини отар
Ва чирқиллай бошлайди бирдан...

Юзга босиб барги хазонни,
Ўкириб-ўкириб йиғлайди, ёху!..
Гўлдирайди битта каломни:
«Ахир, менга ўхшамайди-ку...
Ахир, менга ўхшамайди-ку...»

Мен йўқман. Елгонлар мени йўқотди.
Худолар, шайтонлар қилмади карам.
Нега чорраҳада тош каби қотдинг,
Энди сайр қилгин изғирин билан.

Қўнғироқ чалмагин. Очмайди ҳеч ким.
Эшик на жилмаяр, на бир сўз билсин
Азизлик тахтидан тушган азизим,
Пальтонгни сукунат қозиққа илсин.

Ўт жонидан ўтар — бўзлайди чойнак,
Дераза йиғлайди — ташқари туман.
Теле экранининг оғзини пойлаб,
Энди қаҳва ичгин ёлғизлик билан.

Соат бонг уради. Тун ярим... Ярим...
Дил ярим — гуссадан тўлмас ҳеч қачон...
Зулматгоҳ хонанинг ичида, ёрим,
Энди сезавергин ўзингни тобон.

Ухлайсан. Не учун титранар нафас?..
Яна йиғлаяпсан.. Чорлама. Мен — йўқ.
Мен — йўқ. Энди менинг кўксимга эмас,
Естикнинг юзига ёшларингни тўқ.

Йўқ, йўқ, ишонмагин! Бу шеърдан тондим.
Бу — менинг ўзимга отганим ўқдир.
Ахир, бу дунёда мен сенсиз қолдим,
Ҳатто дардлашмоққа ёлғизлик йўқдир...

Гладиатор

Бу аёлга хуш ёқмайди қон,
Чўзганича титраган қўлин,
Шивирлайди беҳушу бежон:
— Улим... Улим...

Мағлубга ўлим...

Менинг бекам эди бу аёл,
Аmmo бекалиги ўзига!
«Севаман» деб боқдим бемалол
Кўзига, кўзига, кўзига!

Қамчи билан урди у мени,
Бироқ ўжар лабим тинмади.
У қаршимда бошини эгиб
Йиғлади, йиғлади, йиғлади!

Хўжайиним — семиз сенатор —
Рашкими, йўқ, келибми гаши.
Қаҳ-қаҳ уриб кулди: —

Театр!..

Жангга, хотинимнинг ўйнаши!

Мен мағлубман. Синди ҳаётим.
Улдирмоқлик рақибнинг бурчи...
Тушларимда мен у аёлни
Озодликдан қаттиқроқ қучдим!

Сен нимани кўрибсан, эй, Рим? —
Дабдаба-ю, жанглар, қурбонлар...

Мен-чи, анов аёл-ла сурдим
Тушларимда не-не давронлар!


Мен ўламан. Сен-чи, кетасан
Сенатга ё қургани базм.
Сен маст-аласт ухлаб ўтасан,
Унутгансан туш кўришни, Рим.


— Улим! — аёл силкитар қўлин. —
У ҳам сенинг бир қўрқоқ наслинг.
Рим, қурбоннинг кўзига қараб,
Алдамоқни қилгансан расм.

Мен ўламан. Мени кўммайсан.
Ем бўлади итларга танзим.
Сен одамни итча кўрмайсан,
Сенга нима инсонлик шаъним!

Мен ўламан. Шоиринг ўқир
Хос мажлисда ғофил шеърини.
Эркакларинг ёлгон ваъз тўқир,
Хотинларинг алдар эрини...

Қандай ўлар гладиатор? —
Сўнг онимни айтмоқ ҳам бурчим...
Уларимда мен у аёлни
Ҳаётимдан қаттиқроқ қучдим!





Икром Отамуротов

Жануб қушлари

Жануб қушлари,
даштларимнинг парвоз қилган хаёлларисиз:
тўрғайларим,
чуғурчиқларим,
бургутларим,
келинг,
 келинг, келинг,
кўнглимга киринг.

Кўнглимга киринг
даштларимнинг зар кокиллари —
қўзигулар исига,
майсаларнинг рангига,
жамалак сочли қиз орзуларига йўғрилган
қўшиғингиз-ла...

Чунки
қўшиқлар кўп эрур дунёда,
дунё бағри рангларга тўлиқ
шундан-да,
келинг,
 келинг,
 келинг,
кўнглимга киринг...

Дашт одамлари

У ерда одамлар кўп сокин,
Кўп сокин одамлар у ерда,
Фигонидан чанг чиқмас ёки
Тўзғимас салгина шамолда.

У ерда одамлар кўп сокин,
Кўп сокин одамлар у ерда;
Чақмоқлар чақнайди лекин.
Қалбларин тубида.

У ерда одамлар кўп сокин,
Кўп сокин одамлар у ерда;

Тугён урар тўфонлар лекин
Қалбларин тубида.

У ерда одамлар кўп сокин,
Кўп сокин одамлар у ерда;
Яшашар кўтариб қоматин,
Сўзлашар тик қараб кўзларга.

У ерда одамлар кўп сокин,
Кўп сокин одамлар у ерда.
Бу — кенгликлар муҳридир балки
Оқғувчи қон томирларида.

Келинг, қўлларни берайлик қўлга,
Сафларимиз бўлсин мустаҳкам, тигиз.
Қайдадир турибди, ўқталиб бизга
Бош бармоқларини, қилганча бизиз,

Кимлардир нафратин, қахрини сочиб,
Узун кун бизларга тўғрилар нишон...
Дарахтлар бир-бирин турган-чун қучиб,
Урмонга писандмас ҳар қандай тўзон.

Елғизлик — майдонда турар дийдираб,
Дўстлик-ку, ҳамиша ғолиб қад кераб,
Шу учун «Хайр»дан чекмай изтироб,
«Салом»нинг меҳридан қонсин кўнгиллар.

Қойилмасман, бу учун кечир,
Ғани осмон бўлган биродар.
Унутмагин, сени бари бир,
Сафига қўшмайди юлдузлар.

Осмон бағри кенгликда танҳо,
Юлдузлар-ку чақнаган туйғу.
Сени тинглаб ўйлайман, оббо,
Улар хислатидан заррача йўғ-у?!

Бу дунёда неки бор, фақат,
Урнин топгай ўзлиги билан.
Ўзлик — кўп оғир хилқат —
Эътиқод манзилида. Югурган.

Барча етиб боролмас унга
Ва шуъласи этмагай насиб
Қўлин чўзган ҳар бир кимсага:
Қайсики юрган имондан кечиб.

Кўнглида заррача ҳарорати йўқ,
Йўқ кўнглида заррача кадар.
Кўзларини қилиб турар лўқ,
Хушомад йўлида бундайлар.

Ўзини-ку унутиши рост,
Авзоини кўриб ҳавонинг.

Падаридан ҳам ҳатто кечар воз
Сояни қуюқ кўрган замони...

Хотирамга келади шунда
Муҳрин босган олис манзара:
Ўқигандим қайсидир юртда
(Ўхшашлигини қаранг)

Бир ўсимлик бор экан, ажаб,
Бўй торгаркан фақат сояда.
Дарахтларнинг бағрида яшнаб
Ўсар (Қандай яхши-я?!),

Ўзин худди осмонга чоғлаб,
Юлдузларга этганча қиёс,
Дарахтларга томирин боғлаб,
Баргларида ранг оларкан мос.

Дарахтларнинг фарқи йўқ унга,
Фақат, соя берса бўлгани.
Йўқса офтоб тикка келганда,
Чўққини қучган муз сингари,

Эриб кетар. Тоғни емириб...
Атрофинга жуда ҳушёр боқ
Эътиқод — юракда тик туриб.
Булутларга ниш урган чақмоқ.

Осмон тоқида порлаган юлдуз
Сенсан, азизам,
Заминдан унга мафтун боққан кўз
Менман, азизам.

Осмон тоқида чақнаган чақмоқ
Сенсан, азизам,
Заминда худди титраган титроқ
Менман, азизам.

Осмон тоқида балқиган ҳилол
Сенсан, азизам.
Нигоҳи қамашиб, қотиб турган лол
Менман, азизам.

Юлдузли, чақмоқли, ҳилолли осмон
Сенсан, азизам.
Қўллари чўзилган замин — сен томон
Менман, азизам.

Комилон балладаси

Нақл қилишларича, қачонлардир Касби бегининг ҳузурига бир мусофир келади. У бекдан шу манзилда тув тутиб яшаши учун бир парча ер беришини сўрайди. Мусофирнинг исми Комил экан. Бек унинг исми жисмига қанчалик мос эканини билмоқчи бўлибди. Бунинг замирида қандайдир ҳикмат бўлса ажабмас... Чақалоққа ном топишнинг қийинлиги балки шундандир...

Бек отбоқарига тўриқлардан бирини эгарлаб келтиришни буюрибди. У, эгарланган отнинг жиловини мусофирга тутқазса туриб, шундай деган экан: «Мана бу от сенга. Уни шу жойдан хоҳлаган томонингга қараб ҳайда. Отингнинг туёғи етганча жой сенга бошпана бўлсин. Фақат тўрғайларни безитма. Улар даштларнинг азалий нидоси...»

...У бир назар солди, қўлини
Пешонасига соябон қилиб.
Кўринмас ҳеч учи-қирғи,
Атроф бирдай ётар чўзилиб:

Кун чиқар тараф ҳам бепоён,
Кун ботар тараф ҳам бепоён.
Шамол эсар тараф бепоён,
Иссиқ келар тараф бепоён.

Турди бир зум хаёлга толиб,
Кўз ўнгидан ўтди кўп нарса.
Қарар, қай тарафга йўл солиб,
Қай тарафга от қўйса.

Кун чиқар тарафга қаратиб,
Жиловини бўш қўйди отнинг,
Офтоб жингиртоб этиб
Ендирган чоғида сукутни.

Қамчинни жуфт ушлаган Комил,
Маҳкам қучиб борар эгарни.
Не сабаб, унга бунчалик майл?..
От еларди.

Лол қолдирар бундай саховат,
Кўп қийиндир тағига етмоқ.
Бекларга бу камдан-кам одат...
Жилови бўш от кетар узоқ.

Кириб борар сукут бағрига,
Бўрондайин уриб ўзини
Ларза-ларза.

Даштнинг саҳнига
Зарб қилганча изини...

Шу тоб отга нимадир бўлди,
Ҳавогами кетди қоқилиб,
Комил ундан учиб йиқилди..
Атроф бирдай ётар чўзилиб:

Кун чиқар тараф ҳам бепоён,
Кун ботар тараф ҳам бепоён.
Шамол эсар тараф бепоён,
Иссиқ келар тараф бепоён...

Сел қуярди
Осиё жазираси.
Елпир эди
Уни тўрғайлар саси...

...От йўқ.
Комил турди ўрнидан
Бир қишлоқ бўлиб.
Келар унинг қаъри-қаъридан
Замонларга урилиб
Отнинг ҳансираши,
Чуқур-чуқур ҳансираши...

¹ Ульянов районидаги қишлоқ.

Фарҳод Мусажонов

ФИДОЙИ

Ҳамидхонов фидойи одам эди. Қирқ йилдирки, фақат уч-тўрт жойда ишлади. Қаерда бўлмасин, қийинчиликдан бош товламади, дам олиш кунлари, ҳатто отпусказида ҳам идорасида бўлди. Мен бўлмасам иш тўхтаб қолади, деб очик керилмаса ҳам, аммо бунга ишонар, ўзини жуда керакли одам ҳисобларди. Астойдил ишларди. Баъзиларга ўхшаб тўй-маъракаларга боравермас, иш вақтига хиёнат қилмасди.

Бир айби — ичарди. Ичганда ҳам уйида, пинҳона ичарди. Емон маст бўларди, кўп алжирарди, ёш боладек шовқин кўтарарди. Иккинчи айби — қитмироқ эди. Ишда ҳамма нарсага бурнини суқаверар, кўли остидагилардан ҳамма нарсени унинг руҳсати билан қилишларини талаб этарди. Ҳатто зарурат учун чиққан одамни коридорда учратиб қолса, била туриб, «Ҳа, қаёққа?» деб сўрарди. Бошлиқларнинг камчилигини юзига солиш одобдан эмас. Сўнгги пайтда иккита ҳодиса рўй берди-ю, Ҳамидхоновни гангитиб қўйди.

Ярим йилдан ошдики, Ҳамидхонов ўзига янги муовин олди. Кўп ажабтовур одам чиқди муовини қурмағур. Ўзи Ҳамидхоновдан тўрт-беш ёш катта, бироқ жуда бардам, тетик.

Бугун Ҳамидхонов ишхонага анча хомуш келди. Сабаби, эрталаб турса боши чўяндек оғирлашган, ниҳоятда мадорсиз. У ўз хонасига кириб, амал курсисига ястаниб ўтирди. Секретарь қизга айтиб, кийик ўти қўшилган аччиқ кўк чой дамлатирди. Анчагача ўшани майдалаб ўтирди. Шу ерда бўлса иш яхши кетишини, ходимлардан бирортаси алаҳсимаслигини Ҳамидхонов биларди.

Шу пайт янги муовини Мукаррамов шахт билан хонага кириб келди, меъеридан оширмай илтифот билан бошлиқнинг қўлини қисиб, хол-аҳвол сўради.

— Э, маза йўқ, — деди бошлиқ — Ез иссиқ келдими ёки қари-япмизми, билмайман, нуқул тинкам қурийдим.

Ҳар доим тасалли бериб, бошлиқнинг кўнглини кўтарадиган муовин бу гал бирдан мавзунини ўзгартди.

— Ҳа, чарчагансиз, ёмон чарчагансиз. Сезиб турибман, ҳозир ҳам стулда фақат соянгиз ўтирибди... Э, сиздақа ишласа фил ҳам қулайди.

— Бу нима деганингиз, домла?

— Эшитишимга қараганда, йигирма йилдан бери шу корхонада ишларкансиз-у, аммо бирор марта отпусказ олмасиз!

— Тўғри, отпусказ нималигини билмайман, — деди Ҳамидхонов гурурли овозда, — нима қилай, шунга одатланганман. Бир кун ишсиз қолсам, ўзимни қўярга жой тополмайман.

— Хачир экансиз-да, — шарақлаб кулди Мукаррамов.

— Нима?! — қалтироқ овозда сўради бошлиқ.

— Хачир экансиз дейман, — пинагини бузмади Мукаррамов, — дам олмасдан йигирма йил ишлашнинг ўзи бўладими!..

Ҳамидхонов ўзини босиб, олдидаги қандайдир ҳужжатга тикилди.

Мукаррамов ҳам бошлиқларнинг қош-қовоғига қараб иш тутадиган анойилардан эмасди.

— И-е, ана холос, хафа бўлдингизми? Ким айтади сизни катта идоранинг бошлиғи деб, битта гапни кўтаролмасангиз?!

— Э, биз кўтарган гапларнинг юздан бири сиздақаларни эворади, — муовиннинг тенг келиши Ҳамидхоновга ёқмади, қандай қилиб бўлса ҳам, ўзини ундан устун эканлигини сездириб қўйишни хоҳларди. — Лекин... бари бир сал оғизга қараб гапириш керак.

— Сизга астойдил ачинганимдан гапирыяпман.

— Нега менга ачиғар экансиз?

— Ҳаммаси дам олмаслигингиздан, — Мукаррамов пинагини бузмади. — Асабларингиз шўрлик адои тамом бўлган. Мудом таранг тортилаверса пўлат сим ҳам узилади-да!

Бу гаплар Ҳамидхоновнинг эңсасини қотирди.

— Хўп, агар бошқа гапингиз бўлмаса... Мана бу ҳужжатни сродно ўқиб чиқишим керак.

— Ҳужжат ҳеч қаёққа қочиб кетмайди. Ҳозир сизга айтадиган гапим бор. Шуни айтаман-у, кетаман.

Бошлиқ муовинининг сурбетлигидан жаҳли чиқди.

— Бўпти, қисқароқ қилинг!

Мукаррамов шошилмади. Илжайди, алланечук ачиниш, меҳр билан бир фурсат Ҳамидхоновга тикилиб турди-да, сўради:

— Сиз баҳорда лола сайлига ҳеч чиққанмисиз? Ёзда денгиз сувида чўмилганмисиз? Кузда анҳор соҳилида сувга қармоқ ташлаб ўтирганмисиз? Қишда қорли ўрмонда чанғида юрганмисиз?..

Ҳамидхонов анг-танг бўлиб қолди, кейин тўнғиллади:

— Бекорчиларнинг ҳунари булар.

— Демак, бу дунёнинг лаззатларидан бутунлай воз кечган экансиз. Йиллаб курсига ёпишиб ўтираверса соғлиқни ҳам бой бериб қўяди одам. Кейин, касалхонадан боши чиқмайди... — Мукаррамов ўрнидан турди. — Мана мен, ҳар йили отпускани сайру саёҳат билан ўтказаман. Шукр, пенсияга чиқадиган вақтим аллақачон ўтиб кетган бўлса ҳам ишга чанқоқман. Қувватим ҳам, ғайратим ҳам бор. Ҳайронман, табиатдан баҳра олмай қандай яшаш мумкин?!

Мукаррамов чиқиб кетганидан кейин Ҳамидхонов анчагача хаёлга ботиб ўтирди-да, яна уни ҳузурига чақиртирди.

— Хизмат? — муовин ҳар доимгидек хонага очиқ чехра билан кириб келди.

— Утиринг, — деди бошлиқ. Кейин ички телефонда бухгалтер билан кассирни сўради.

Чақиртирганлари хонада ҳозир бўлиши билан бошлиқ уларга эртадан отпускага чиқишини, бир соатга қолмай буйруқни ҳисоб-китоб қилиб, расмийлаштиришларини тайинлади. Кейин мағрур қиёфада муовинига қаради.

— Дам олиш қандай бўлишини, мана, мендан кўрасизлар!

— Мана бу, бошқа гап! — севинчини яширмади муовини.

— Ажаб қиласиз, — илжайди бухгалтер, — аммо, бизларга жабр бўлади, осонми бир ой бошлиқсиз ишлаш. Тағин айни квартал ҳисоботи топшириладиган пайтда!

— Бош бухгалтеримиз жуда тўғри айтяптилар, бизга қийин бўлади, — таъзим қилди кассир, — ҳисоботни бир амаллармизку, аммо сизга ўрганиб қолган эмасмизми, роса зерикамиз.

— Энди чидайсизлар, бизга ҳам жон керак, — деди бошлиқ сал эркаланиб.

Бухгалтер билан кассир мусибат тушган одамдек бошларини эғиб хонани тарк этдилар. Мукаррамов уларнинг орқасидан эргашди. Коридорга чиқишлари билан луқма ташлади.

— Намунча куйиб-пишмасаларинг, нима, бир ойгина бошлиқ бўлмаса осмон узилиб ерга тушадими ё иш тўхтаб қоладими?

Бухгалтер билан кассир Мукаррамовга жавоб бермадилар, фақат бир-бирларига қараб истехзоли илжайиб қўйдилар.

— Ахир ўзларинг эмасми, — Мукаррамов бўш келмади, гап билан узиб олди, — йигирма йилдан бери стулига мукка тушиб ишлайди деб нолиган. Бунақа бошлиқ меъдага уради. Борсин, дам олиб келсин, сиз билан бизнинг бағримизга ҳам бундай шамол тегсин.

— Оҳ, оҳ... қани эди, — фиғон чекди кассир.

Бухгалтер кулгидан тўхтаб, мингирлади:

— Чиқмайди-да, отпускага...

— Ахир, буйруқ тайёрланглар, ҳисоб-китоб қилинглар, деди-ку?!

— Деди. Буйруқ ҳам тайёрлаймиз, пулини ҳам берамиз, аммо... — кассир қўл силтади.

Мукаррамов қошларини чимирди. Бошлиқнинг олдида икки букилиб, ортидан менсимасдан гапираётганликлари унга ёқмаётганини яширмади. Буни дарров бухгалтер ҳам, кассир ҳам сездди.

— Ҳали сиз янги одамсиз, — деди бухгалтер, — акамларнинг хунарларини билмайсиз...

Ҳамидхонов ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, ҳамма билан хайрлашди. Эртасига ишга чиқмади. Бироқ пешиндан кейин бухгалтерия — телефони жиринглади. Трубкадан бошлиқнинг овозини эшитган бухгалтер сира ажабланмади.

— Хўп, хўп... албатта, — деди бухгалтер трубкага, — тўғриси ҳам шундай, сиз бўлмасангиз эплолмаймиз, ахир қалтис пайт бўлса... Ҳа-ҳа, кейин жойроқ оларсиз отпускангизни. Кеча ўзингизга айтмоқчи бўлиб турувдим, ботинолмадим-да!.. Бўлди, бу ёғидан хавотир олманг.

Бухгалтер трубкани қўйиб, Мукаррамовнинг олдига йўл олди. Кириб янгликни маълум қилди.

— Иш тиғиз пайти бўлганлиги учун бошлиқни шошилиш равишда отпускадан чақириб олиш ҳақида буйруқ тайёрлар экансиз.

— Ким айтди?

— Бошлиқнинг номидан мен айтяпман. Ўзлари ҳозиргина телефон қилдилар. Лекин, таклифни мендан чиқди деб ҳисоблайсиз.

Мукаррамов бир лаҳза анқайганича бухгалтерга қараб қолди.

— Шунақа, — эшик томон йўналди бухгалтер.

— Тўхтанг, қачондан ёзай буйруқни, неча қундан кейин чиқади-лар ишга?

— Эртадан, — бухгалтер хонани тарк этди.

Эртасига эрталаб эшик тагида муовин, бош бухгалтер ва кассир Ҳамидхоновни кутиб олиш маросимини ўтказдилар.

— Яхши дам олиб келдингизми? — бегараз қолди муовин.

— Қелинг, акахон, бардаммисиз, бир кун йўқлигингизга идора дарров хувиллаб қолди-я, — деди бухгалтер, — файзингиз бошқача-да, файзингиз бошқача!

— Омонмисиз, акахон, заб қайтдингиз-да, — деди кассир, — бир кунгинага ҳам худди етимчадек бўзлаб қолдик. Тўрда бирорта суянадиган тоғинг савлат тўкиб ўтирмаса бўлмас экан.

Бу мулозиматлардан Ҳамидхонов талтайиб кетди.

— Ҳа, бизнинг пешонамизга битгани шу, иш экан, — деди ва хушхол бир кайфиятда хонасига йўл олди.

Учовлари — Мукаррамов, бухгалтер ва кассир — худди тил бириктиргандек муовиннинг хонасига кирдилар. Кассир билан бухгалтер букчайволиб кулишарди.

Аҳмад Аъзам

1949 йили Самарқанд областининг Жомбой районидаги Ғазира қишлоғида туғилган. Ҳикоя ва адабий-танқидий мақолалари республика матбуотида эълон қилиниб туради. 1982 йили «Ойнинг гардиши» деган ҳикоялар тўплами, нашр этилган. Ҳозир «Совет Ўзбекистони санъати» журналида бўлим редактори бўлиб ишламоқда.



АЛМИСОҚДАН ҚОЛГАН КАРИМ

Карим — пакана, кўримсизгина йигит, лекин қўллари кучли, муштумлари юм-юмалоқ, тошдек қаттиқ: у тош кўтариб, эспандер билан қўллари ни роса пишитган. Агар иккита тош ёнғоқни кафтида сиқса, ёнғоқлар эзилиб, мағзи пўчоғига ўтиб кетади. Жиғини топиб урса, ҳар қандай йигитни ҳам қулатади. Пахтада, ётоқни тозалашга ўзининг ўрнига уни мажбурламоқчи бўлганда, факультетнинг энг уришқоқ, бўйчан йигитларидан бири — каттақўрғонлик Искандарни бир урган, яхши ҳамки, девор бор экан, бўлмаса, Искандар учиб тушарди. Агар шунда Искандарнинг шериги Қодир Каримни маҳкам қучоқлаб олиб, Искандарнинг ўзига келишига қўймаганда, Карим уни чатоқ қиларди. Лекин бари бир, Қодир қўйиб юборгандан кейин ҳам у ҳеч нарса қилолмади — улар зўр келишди. Аламдан Каримнинг кўзи ёшланди. Хўрликдан эмас, аламдан: кучи бўлатуриб бўйининг пастлигидан, шундай бақувват қўллари-нинг калталигидан, рақибларининг икки кишилигидан, курсдошларининг ҳаммаси бундан беҳабар, ташқарида, мактаб ҳовлисида қийқириб фўтбол ўйнаётганидан, буларни деразадан кўриб қолган Манзуранинг чинқириб юборганидан, яна битта — жуда муҳим сабабдан йиғлаб юборди.

Бу гап штабга бориб етди. Манзура: «Курсдошимиз Каримни учинчи курсдаги Искандар билан Қодир тентак роса уришди», — деб қизларга сотиб қўйибди; фаолиги ошиб-тошиб ётганидан ўзини яна қай тарзда кўрсатишни билмай юрган Салима штабга бориб айтибди. Декан пахтадагиларнинг аҳволдан хабар олгани шу куни келган экан, бу гапни эшитгани заҳоти учаласини ҳам чақиртирди. Искандар ҳайдаладиган эди, фирромликка ўтди, ўламан саттор, олдин ўзи урди, деб исботи учун шишиб турган юзини пеш қилди, оғзини очиб кўрсатди: Каримнинг бир уришидаёқ унинг лунжи ичидан икки-уч тарам қирқилиб, милкларигача қонталаш бўлиб кетган экан.

Декан Искандар билан Қодирнинг бир ойлик стипендиясини олиб ташлади. Бироқ бунинг Каримга иссиғи ҳам, совуғи ҳам йўқ эди, «Майли, улар стипендиясини олсин, менга бари бир. Лекин бир кун эмас, бир кун Искандарнинг бир ўзи қўлимга тушиб қолар-ку», — деди.

Искандарни якка қўлга туширганда Карим нима қилишини ўзи биларди-ю, аммо вазият ўзгариб қолди — Искандар шу куни оқшом жўражонларидан олти кишини эргаштириб, уларнинг ёторига бостириб кирди. Энди ухламоқчи бўлган Каримни куткилашиб, ўртага олишди. Бу ёғи тушунарли эди, йўқ, агар Адҳам бўлмаганда, буёғи нима билан тугаши ўз-ўзидан маълум эди.

Ана шунда Адҳам ўзини кўрсатиб қолди, шу билан ҳаммани ҳайқитириб, Каримнинг ҳаётига, ички сирларига аралашиб кетди. Каримнинг эса ҳеч кимга айтмаган, айтолмайдиган битта ички сир бор эди. Бу сир жуда муҳим эди.

Хуллас, Адҳам ана шунда орага тушди. Искандар жўралари билан бостириб кирганда бошқа болалар қўрқиб кетишди, Адҳам эса кичкина ёговча билан тирноғини тозалаб ўтирган эди, индамай қўзғалди-да, Каримнинг ёнига келиб, уни Искандарлардан тўсиб олди ва гўё бу ерда ҳеч гап бўлмаётгандай,

бамайлихотир тирноғини тозалайверди. Боши оғиб, ким-қайлардан адабиёт факультетига тушиб қолган хумкалла, ғирт безори Маъруф уни туртиб, «Сан бола нари тур», — деганда, Адҳам киприк қоқмай, ўзига икки баравар айиқполвон Маъруфга шундай деди: «Қўлингни торг. Кучим бор, деб овора бўлма, қўл кўтарганинг заҳоти кекиртагингни юлиб оламан. Геофакдаги оғайниларибни биласанми? Каримни бир чертиб кўринглар-чи!» Шу гапдан сўнг Маъруф негадир бирдан чўкди, бошқаларнинг ҳам шашти қайтиб қолди. Искандар Маъруфга қаради, Маъруф эса шерикларига мўлтираб тикилди. «Бу — номардлик, — деди Адҳам, шунча гап етмагандай. — Бир кишига етти киши бўлиб келиш — номардликнинг ўзгинаси. Албатта, ҳозир Каримни, Каримга қўшиб, ким билади, балки мени ҳам урарсизлар. Лекин эртага... эртага бошқатдан гаплашамиз».

Кейин муросяу мадора бошланди: улар Каримни тинч қўядиган, Карим ҳам Искандарга индамайдиган бўлди (буни Адҳам ўз зиммасига олди). Маъруф Адҳамни қўярда-қўймай ташқарига судради. Улар нимани гаплашди — буни ҳеч ким билмади. Қайтиб киришганда Маъруф Адҳамнинг елкасидан дўстона кучмоқчи эди, Адҳам унинг қўлини силкиб ташлади. Шунча гап-сўзнинг орасида Адҳам қўлидан ялтироқ эговчани туширмади, пуф-пуфлаб тирноғини тозалайверди.

Ҳамманинг кўзи, бор ҳайронликнинг сабаби шунда бўлгандек, эговчадан узилмади.

Хуллас, жанжал босилди. Лекин Каримнинг қўли, Адҳамнинг юраги бақувватлигини ҳамма билди.

Шунда Карим Адҳамни бирдан яхши кўриб кетди, Адҳамнинг нимасидир уни ўзига ром қилиб олди.

Карим айтмаслиги кераклигини яхши билиб турса ҳам, бари бир, унга яқинлашгиси келганиданми ёки кечаги ҳимояси учун ўзича миннатдорчилик билдирмоқчи бўлди, ишқилиб, Адҳамга кўнглини очди: ҳеч кимга сездирмаган, билдирмаган юрак сирини — Моҳибини яхши кўришини тутила-тутила айтиб берди. Адҳам эса у кутганчалик очилиб гаплашмади, фақат «ҳа-а», деди-ю, ғалати қараб қўйди.

Карим сирини бериб қўйганига афсусланди. Афсуслангани заҳоти шу гапларни айтиб Адҳамнинг домига илинганини, нима учундир бундан сўнг унга бўйсунганини ҳис этиб, кўнгли эзилди.

Адҳам уни ечинтириб қўйган эди: унинг юраги яланғоч, очик, ҳимоясиз қолган эди.

Шу воқеадан кейин икки ярим йил ўтди. Бу орада Карим билан Адҳам узоқлашиб ҳам кетишмади, яқин ҳам бўлишмади. Каримнинг Моҳибига муносабати эса кучайгандан-кучайди, лекин жилла ҳам яхшиланмади, яъни Карим бундай юрак бетлаб, Моҳибига дардини ёриб кўрмади. Ўзича севиб, севгисидан изтироб чекиб, азобланиб юраверди. Ҳар эрталаб Моҳибини кўргананда юраги зирқ этар, кўкси куйишиб кетар эди — худди биров унинг оғзидан ичига бир ҳовуч лахча чўғ ташлаб юборгандек. Езги таътиллари-ку, гапирманг: Моҳибини икки ой олис Сариосиёсига, Карим қурилишга кетади!

Карим уч йилдан бери Моҳибига севги иззор қилишни, лоф эмас, юз марталар ўйлаб кўргандир. Лекин қандай айтади! Умрида бирон-бир қизни севиб, унга севги иззор қилмаган одам! Ана, айтди ҳам дейлик. Агар Моҳибини: «Мен ҳам сизни...» деб қолса-ку, бу эҳ-ҳе!.. Моҳибининг розилиги шу қадар ёрқин, шу қадар ёрқин бахт эдики, Карим бунга ишонишдан ҳам қўрқиб кетарди. Хўп, яхши, Моҳибини ҳам кўнса, ундан сўнг бир гап бўлар. Ҳарҳолда бу яхшиликка-ку. Лекин рад қилса-чи? «Бошқани севаман, Каримбой, беҳуда овора бўлманг», деса-чи? Йўқ, буни тасаввур қилиш оғир. Карим қувончига чидар-ку, бироқ қайғудан тайин ўлади. Моҳибининг рад жавобини эшитгандан кўра, шундай, ҳозиргидек ғойибдан яхши кўриб, умид узмай юргани яхши.

Баъзилар нозикниҳол, бўйчан, хипчадан келган қизларни ёқтиришади, бироқ Каримга бунақа қизлар учун, чиллакчўпдай ориқ, яъни хунук кўринади. Моҳибини деганимиз эса исми жисмига мос — ўн тўрт кунлик ойдек, тўлагина, ойкулчадек ширингина қиз эди.

Моҳибининг шундоқ чиройли исмини бузиб, «Мабийи» деб қақришлари Каримга жуда оғир ботади, ҳамма шундай деб қақиради, паспортида шундай ёзилган экан. Моҳибига метрика берган қай бир чаласавод, кар, тўнка котибнинг иши-да бу! Ноилож — Карим ҳам тишини тишига босиб, Моҳибига «Мабийи» деб мурожаат қилади. Лекин у билан ҳар куни, ҳар соатда хаёлан сўзлашганда, албатта «Моҳибини!» — деб шивирлайди. «Мабийи» — «Ма, бийи — бийи, мана буни ол», — деган каби жуда хунук эшитилади, ахир.

«Моҳибини, мен сизни севаман!»

Карим тунни, кўрпага киришни сабрсизлик билан кутади, ётгани заҳоти бошини кўрпага буркаб, Моҳбиби билан ширин-ширин энтиктирадиган «суҳбатлари»ни бошлаб юборади.

Шундай дамларда хаёл билан ҳақиқатнинг ўртасидаги ғовлар янчилиб кетади.

«Моҳбиби, мен сизни севаман!»

Моҳбиби индамай бош эгади. Карим Моҳбибининг қўлларидан ушлайди, Моҳбиби ўзини олиб қочмайди. Қўллари шундай майин, юмшоқ... Карим Моҳбибининг қўлларидан ушлаб ўзига тортади. Моҳбиби унга тикилади, кўзларида — «Қўйинг!» деган ҳаё... Моҳбиби эгилиб, юзларини бекитиб олади. Карим эса унинг юзини кўрмоқчи... Моҳбиби бошини кўтармайди, фақат Каримнинг қўлини қисиб қўяди — оҳиста, беозор...

Кейин... Кейин улар жимгина кетишади. Моҳбиби Каримнинг елкасига бош қўяди, сочлари Каримнинг бўйинини қитиқлайди, ёқимли, маст қилғувчи ҳид таратади...

Унинг сочлари қанақа ҳид таратади? У нима билан бош ювар экан?.. Карим ширин хаёлидан янглишиб кетади-да, ҳаммасини қайтадан бошлайди...

Билмайди — қанча ётади, ишқилиб, не маҳалда кўрпа тагида қизиб, дами қайтиб кетади-да, бошини очади; ҳамҳужраси Бурҳонга сездирмай секингина уф тортади; яна икки-уч соат ухлолмай, ўйланиб ётади.

Уч йилдан бери шундай. Уч йилдан бери Карим азоб чекади, ўртанади. Энди бу юрак сирининг сирлиги ҳамма биладиган оддий гап бўлиб қолган.

Йўқ, уни Адҳам ёймайди. Адҳам ўзининг ўрисча китоблари, севимли ёзувчилари, бир-иккита ўзига ўхшаган дардқашлари билан бўлиб, Каримнинг муҳаббатини эса ҳам одмагандир. Моҳбибининг яхши кўришини Каримнинг ўзи билдириб қўйди. Доим Моҳбиби кўринадиган жойга ўтириб олиб, у билан кўз уриштирганда лавлагиси чиқиб, Моҳбиби бирон нарса сўраса, гапидан адашиб, севгисини ҳаммага ўзи ошкор қилиб юрди: кўнглидагиси — кўзида, бетига қарасанг, ичи кўриниб турадиган бола бўлса...

Яхшими, ёмонми, Карим шундай яшаб келаётган эди. Балки Бурҳоннинг бир гапи бўлмаганда, Карим эски дардини ортмоқлаб тўртинчи, ундан бешинчи курсга ва шу кўйи — Моҳбибига дардини айтолмай, қишлоғига жўнаб кетармиди?

Баҳорда — қизлар қишлоқ рўдаполарини ташлаб, аввал енгилроқ ёмғирпўшда, сўнгра кўзни қувнатиб, кўнгилини эзадиган гуногун кўйлақларда дарсга қатнай бошлаганларида, Бурҳон ҳужрада олма арчиб ўтириб, шундай деб қолди:

— Шу-у, Мабийингиз, бўйи пакана бўлса ҳам, одамнинг қучоғини тўлдиради, а? Яхши хотин чиқади шундан. Е нотўғрими, Каримбой? Бир гапириб кўрсангиз бўларди — кейин маза қилиб яшайсиз: қайнатангиз — совхоз директори; институтни қизил диплом билан тугатган куёвтуранинг тағларида машина! Ҳайит дегани бор-ку, жуда олғир кўринадиган — қизингизни шу илиб кетар-ов.

Каримни иссиққина уйдан қип-яланғоч ҳолда қаҳратон кўчага қувиб чиқариб, бу ҳам етмагандай, устидан бир пақир сув сепиб юборишгандек бўлди.

— Қайси Ҳайит? — деди у ичи қалтираб. — У... Унинг қизи бор эмасми?

Бурҳон: «Ҳай, ошнам-эй, жуда соддасиз»да», дегандек, бош чайқади, кулди. Олмадан бир бўлак қирқиб, пичоқ учидан Каримга узатди:

— Унга ўхшаганларнинг қизи битта бўладими! Бугун биттаси билан юрса, эртага бошқасини айлантиради.

Каримнинг томоғидан олма ўтмади, бўғзида туриб қолди.

— Ҳадемай битиради, — дея олма кавшаб давом этди Бурҳон. — Дипломга қўшиб совхоз директорининг қизини ҳам олиб кетса, нима, тешиб чиқадими? Эй, ошнам, улар яшашни билади!

Каримнинг кўнглида нуқта каби муаллақ юлдуз чақнади. Ундан ўткир санчиқ таралиб, кўкрак қафасини тешиб чиққудек оғритди.

Нимадир қилиш керак эди. Карим ҳозир нимадир қилмаса, ҳоли не кечишини ўзи ҳам билмасди.

— Яна ейсизми? — деди Бурҳон. — Яхши олма экан. Яна бир бўлак енг. Карим бош чайқади.

— Шу қизларга ҳам хайронсан, — деди Бурҳон. — Қаранг, шу Салимача ҳам ўзига топиб олибди-я. Йигити, бечора, аспирант, домла эмиш.

Бурҳоннинг жағи очилиб кетди: Салиманинг читтакдек эканлиги-ю, йигитнинг ғирт аҳмоқ эканлигини роса чайнади, кейин ўзининг соддагина

қишлоқ қизига уйланиб (олий маълумотлисининг нозу фироғи ҳам дипломига яраша бўлиб, «Мен сендан кам эмас», деб турар экан), тинчгина турмуш кечириш ниятини баён қилди; қишлоқларида «Бурҳонжон акам қачон бизга оғиз соладилар», деб сочини ёйиб ўтирган қизлар сон-мингта эмиш.

Карим унинг гапини диққат билан тинглаб, ишқилиб, яна Моҳбиби ҳақида гапириб қолмасин, дея юрак ҳовучлаб ўтирди.

Лекин кўнглидаги оғриқ зўрайгандан-зўрайди, бунга чидашнинг сира иложи йўқ эди: «Моҳбиби» деган номнинг ўзи нур эмас — шаффоф, тигдор оғриқ таратаётган ойга ўхшаб қолди — фақат Каримнинг кўнгли эмас, шу торгина хона, ташқаридаги кенг дунё ҳам оғриққа тўлиб кетгандек; гўё ҳаво ҳам томоқни тирмалаб ўтиб, ўпкага санчиларди.

Карим ётоққа отланди. Кийинаётиб ойнага қаради-ю, дарров кўзини олиб қочди: ойнадан кўримсиз, хунук, бурунбой бола ўзига қараган эди.

Шу бурҳонларга ўхшаб ҳеч кимни севмай юрса нима қиларди, а!

Карим тўғри Моҳбибиларнинг хонасига борди. Тақиллатган эди, ҳеч ким очмади. Эшикни итариб кўрса, ичкаридан қулфлоглик экан. Бирдан хаёлига келган мудҳиш, даҳшатли манзарадан ўзи ҳам кўрқиб кетиб, эшикни гурсиллатиб урди. Салдан кейин эшик қия очилди-да, Турсуноининг чўчиган, уйқуга тўймаганидан ола-кула бўлиб кетган кўзлари кўринди.

— Э-э, — деди Карим. — Э-э, ухлаб ётувдиларингми? Мен...

Турсуной эшикни қарс уриб ёпиб олди. Карим шундан сўнг ҳам жойидан қимирламай, бир-икки гулдиради, ёпиқ эшикка:

— Кечирасизлар, — деди.

Лекин кўнглидаги оғриқ бирдан қўйиб юборди: «Ухлаб ётишибди-ку! Эҳ, мен бўлсам... — деб шодланди у. — Ухлаб ётишибди-я! Агар эшикни Турсуной эмас, Ҳайит очганда нима қилардим? Нима ҳам дердим?» — сал ўтмай Карим шундай ўйлади. Майкачан; сочлари тўзғиган Ҳайитнинг «Ҳа, ошна, нимага бизнинг ишимизга тумшурингизни суқяпсиз?», дегандек қарашини кўз олдига келтиридю ич-ичигача қизариб кетди.

Карим коридорнинг ўртасида турган Адҳамни кўрди. Кўксига нимадир ғарчча қирқилиб кетгандек бўлди — ихчам, ингичка, Каримдан узун Адҳам жуда ўткир, одам сесканарлик нигоҳини унга санчиб турган эди. Карим тўғри унга қараб юрди.

Адҳам индамай қўлини чўзди, бошқа бирон жойи қилт этмади. Карим унинг қўлини негадир қаттиқ қисди.

Адҳамдан «ҳа» билан «ҳим»га ўхшаган бир товуш чиқди.

— Шу, — деди Карим унинг қўлини бўшатмай, — ўзим...

Адҳам қўлини тортди. Жилмайди — лабидан ип қочди. Шу ип Каримнинг бўйнига сиртмоқ бўлиб тушди.

— Қани, киринг, — дея Адҳам ортига бурилиб, эшикни очди.

Карим унинг ортидан судралди.

Адҳам турган хона торгина, икки кишилик, лекин Адҳам комендант билан келишиб, ёлғиз ўзига тўғрилаб олган эди. Хона жуда шинам, девордаги трубка тишлаган серсоқол одамнинг расмини айтмаганда, бошқа биронта ортиқча безак йўқ. Столда очиқ китоб, бир даста қоғоз — усткисининг ярмигача ёзилган.

Хона рангсиз, хира, қоронғироқ; каравотнинг бош томонидаги гулдор сочиқ кўзга яққол ташланади. Билинар-билинемас тамаки ҳиди келади.

Карим стол ёнидаги курсига ўтирди, нима дейишини билмай, жим қотди. Адҳам хона тўридаги яккаю ягона креслога чўқди. Деразага орқа ўйирганидан юзи сирли тус олди.

«Шунақа нарсаларга пул сарфлаб, магазиндан эринмай кўтариб келганини айт», — ўйлади Карим креслога суқланиб боқар экан.

— Мабийининг олдига келувдингизми? — Адҳам дабдурустдан сўради.

Карим талмовсиради:

— Э, йўғ-а, ўзим шундай...

— Нима, ўзим шундай?

«Бунинг ҳам Моҳбибига кўнгли борми? — ўйлади Карим. — Менга йўл бўлсин! Қайси қиз бунга йўқ дейди?»

— Нима ўзим? — такрор сўради Адҳам. — Яширишнинг нима кераги бор? Келдим, деб айтинг, ҳеч ким сизни айблаётгани йўқ-ку.

Карим миқ этмай бош эгди, қўлларини кийиштирди.

— Шунинг ростдан ҳам яхши кўрасизми? — деб Адҳам уни яна найзага илди.

Карим рад қилгиси келди-ю, лекин керакли гап тополмаганидан, ноилж бош ираб, Адҳамнинг гапини тасдиқлади.

— Ҳа, яхши, — деди Адҳам бир оз ўйланиб тургач. — Яхши кўрасиз. Яхши кўрсангиз, нега шуни ўзига айтмайсиз? Уч йилдан бери нима қилиб юрибсиз? Е Мабийнинг ўзи келиб, «Каримбой, мен сизни севаман» деб айтишини кутяпсизми?

Каримнинг кўнглида умид йилтиллади:

— Нима қилай бўлмаса?

Адҳамнинг жаҳли чиққандек бўлди.

— Гаплашинг! Бу юришдан иш чиқадими? Нима қилай эмиш! Бирон йўлини топиб айтинг-да.

Карим ҳозир Адҳамнинг узоқ гапиришини, ўз тажрибаларини сўзлашини ва охирида Моҳибининг кўнглини олиш йўлларини бирма-бир кўрсатиб беришини хоҳлар эди. Адҳамнинг жаҳл аралаш гапираётгани ҳам унга ўтиришди, кўнглида нимадир юмшади; бирдан энгил тортиб, отасидан танбех эшитаётган боладек, йиғлагиси келди.

— Нима, Мабийнгиз осмондаги ойми, ҳаммасига ўхшаган бир қизда. Сизнинг ҳам камчилик жойингиз йўқ, Э, уч йилдан бери оғзингизга талқон солиб юрибсиз-а, тавба! Бориб, «Мабийи, сизда икки оғиз гапим бор эди», деб гаплашиб олиш шунча қийинми? Ҳарқолда, уч йил қийналиб юришдан кўра осонроқдир?

Каримнинг кўнглида нотайин, умидсиз оғриқ яна турди.

— Е Мабийга ўзим айтмайми? — деди Адҳам.

Карим чўчиб тушди.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз, — деди у шоша-пиша, худди Адҳам ҳозир Моҳибининг олдига борадигандек. — Нима деб ўйлайди, ахир!

— Бўлмаса, ўзингиз бориб айтинг-да.

Каримни ваҳм босди.

— Хат ёзсаммикан? — деди у юрак ютиб.

Адҳам заҳарли илжайди — бир зумда Каримдан узоқ-узоқларга кетиб қолди.

— Хат?! Ғазал ёзиб бера қолинг, «Ишқингда зор ўлдим, нетай», деб. У ҳам сизга «Кел, ғарибим, ўлдим мано», деб жавоб қайтаради.

«Мунча тили аччиқ бунинг!» — Каримнинг гаши келди.

— Кулманг!

— Куладиган гапни айтаяпсиз-да, — деди Адҳам сал юмшаб.

— Бўлмаса нима қилай? — деди Карим эзилиб.

— Менга қаранг, нима, тилингига тирсак чиққанми? Боядан бери эшакнинг қулоғига танбур чертяпманми!

Карим ўзи ҳам кутмаган ҳолда зорланиб кетди:

— Қачон борсам, хонасида одам бўлади. Ўзи ўтирган вақтида энди гапираман десам, биров кириб қолади. Ўтириб-ўтириб, қайтиб келавераман. Ўзи кўп ҳам боравермайман-ку-я. Ҳайит ака кўп борар экан.

— Хўш? Ҳайит борса нима бўпти? — деди Адҳам ажабланиб.

Карим ўнғайсиз аҳволда қолди.

— Билмасам, у ҳам Мабийига...

— Э, сизда калла борми ўзи? — деди Адҳам. — Ҳайит уни... Мабийи уни бошига урадими? Ҳайитнинг Гулнораси унга қариндош-ку, шуни ҳам билмай-сизми?

Карим изза бўлди.

— Бурҳон... бугун шунақа деб...

Адҳам қўл сиқтади.

— Қўйсангиз-чи! Одам қуригандай, шу махсимчага ишонасизми?

Каримнинг кўнгли сал ёришгандай бўлди.

Адҳам сукут сақлаб турди-да:

— Ҳозир нима қилишяпти экан? — деди.

— Кимлар? — деди Карим.

— Ким бўларди? Мабийилар-да.

— Нима эди? — деди Карим. — Ухлашяпти.

Адҳам Каримга тик қаради:

— Ҳозир бориб уйғотсам, Мабийидан бошқасини чиқариб юборсам...

Айтасизми?

Каримнинг тиззаларигача титроқ тушди.

— Ҳозир-а? Э, йўқ, бўлмайди.

Адҳам ўзини ҳайронликка солиб, қўлларини керди:

— Нега бўлмас экан?

Карим индамади. Адҳам чуқур нафас олди:

— Эртага-чи?

Карим Адҳамга мунғайиб қаради.

— Каримбой, — деди Адҳам. — Бу латтачайнарлигингиздан маънили иш чиқмайди, жўра. Е бориб Мабийига очиқ айтинг, ё ундан тамом воз кечинг. Бунақа резинкадек чўзманг.

— Майли, — деди Карим бирдан.

— Бугунми? — Адҳамнинг товушида ғалати, ёқимсиз қувонч бордек эди. — Хўш?

— Йўқ, бугун эмас, — деди Карим бўғиқ овозда. — Эртага. Майлими?

Тун — узундан-узун йўл, қиррали тошлари қизиб-қақшаб ётган тошлоқ азоб эди. Карим ана шу йўлдан ҳар қадамда бир қоқилиб-йиқилиб кетди.

Моҳбиби гоҳ Каримни энтиқтирар, гоҳ тескари қараб, Ҳайитми ё шунга ўхшаш бировнингми елкасига бош қўйиб, ғамзали кулар, гоҳ Каримга ялинар, гоҳ Каримни ялинтирар эди.

Бу қайноқ, телба-тескари хаёллар узра яратганнинг ўзи каби лоқайд, мағрур Адҳам креслода, оёқ чалиштириб, уч-тўрт жойидан букланган қиличдек ваҳм солиб ўтирар эди.

Шу кеча Каримнинг Моҳбиби ҳақида ўйлаган неки ўю хаёли бўлмасин, ҳаммаси Адҳамга урилиб, парча-парча қирқилиб кетаверди.

Ҳовлидаги водопровод жўмраги туни билан жириллаб чиқди.

Томдаги мушуклар икки марта нағма кўрсатди.

Карим ухлаб-уйгоҳ ётганда Бурҳон уни туртди, лекин у ҳозир туришини, нонушта қилишини, сўнгра институтга боришини, у ерда Моҳбибини кўришини, айниқса, Адҳамнинг суяк-суякка қадаладиган нигоҳига дучор бўлишини ўйлаб, кўзини очмади, жўрттага эловсираб, деворга ўгирилиб олди.

Бурҳон ювиниб келди, қиртиллатиб соқол олди; таранди, сочи дағал эди, тароқ текканда чисирлади. Карим буни аниқ эшитди, негадир кўнгли ғалати бўлиб кетди. Бурҳон узоқ нонушта қилди: чойни пиёлага қулқуллатиб қўйди, хўриллатиб ичди, оғзини чапиллатиб нон еди, устма-уст томоқ қирди, йўталди — Карим бу товушларнинг барчасини тинглаганча ижирганиб ётаверди.

— Хў, Карим, — деб чақирди Бурҳон, — биринчи пара — Ҳакимова. Туринг, кеч қоласиз.

Карим кўзларини қаттиқроқ юмиб олди: Ҳакимова домла уни осса осиб юбора қолсин!

— Узингиз биласиз, — деди Бурҳон.

Бурҳон чиқиб кетганидан кейин Карим кўзини очди.

Ҳаво қандайдир бўғиқ, деразадан кўриниб турган осмон туссиз эди.

Карим ташқарига чиқиб, анча вақтгача зинада мудраб ўтирди. Кейин сакраб турди-да, ҳовлини гир айланиб чопа бошлади, узоқ чопди. Сўнгра бадангарбия қилди: барча билган усулларини қайта-қайта такрорлади; танасининг турли-турли жойларидаги мускулларни пишитувчи машқлар бажарди, икки қўлига тиралиб санаб ўттиз марта ётиб-турди. Аъзойи баданига тер кўпчига,ч, белигача яланғоч бўлиб узоқ ювинди.

Карим бу орада Моҳбибини, Адҳамни, бугунги бўлажак учрашувни ўйламасликка тиришди.

Стол устида бир оз қолбаса, сариеғ, уч-тўрт чақмоқ қанд, юмшоққина нон қолган экан, Карим қанднинг ҳаммасини чойга солиб, ажабтовур иштаҳа билан нонушта қилди. Кейин танасида ёқимли бир ҳорғинлик ҳис этиб, каравотга чўзилди.

Ўйлаган ўйининг маънисига ҳам бормай бир оз ётганини билади, кейин кўзи илиниб, донг қотибди.

— Карим кўзини очганда устига офтоб тушган эди. Ҳаво очилибди. Вақт тушдан оғиб, соат миллари тўртта яқинлашиб борар эди.

Карим уйкуга тўйган, тиниққан, таъби равшан тортган эди. Бўлажак учрашув унинг хаёлида имкондан ташқари, мавҳум бир нарсасидек тикланди.

Бориб Моҳбиби билан гаплашгандан кўра, офтоб қоплаган иссиққина кўрпа тагида роҳатланиб ётиш минг карра яхшироқ эди. Керак бўлса, Моҳбибининг ўзи келсин, Каримдан «Мени севасизми?», деб сўрасин. Ох, қани эди шундай бўлса! Карим кўрпадан чиқмай, бош ирғаганча тасдиқлаб қўя қоларди. Лекин Моҳбиби сира келмайди-да — Каримнинг ўзи бориши, бугун бориши керак. Қаёқдан ҳам шу Адҳам аралашди?

Бориш керак. Бормаса бўлмайди. Адҳам совуқ бўлса ҳам, мард йигит. Рост, судралиб юришдан иш чиқмайди. Латтачайнарликдан фойда йўқ. Тавваккалда! Ҳа, аё Моҳбиби унга қарамаса, шу билан дунё тугаб қоладими! Ундан яхшироқ қиз қуриб кегибдими! Карим ҳали ёш бўлса, аъло ўқиса. Ким билади, балки келажакда институтларда ишлаб, кўтарилиб кетадими? Моҳбиби-чи, албатта қишлоғига жўнайди-да, бошқа қайга ҳам борарди. Қиз бола-да, додини

кимга айтади. Қишлоғига боргандан кейин ким қайси тракторчигами, сувчигами, жуда бахти чопса, адабиётнинг «А» ҳарфини ҳам билмайдиган агроном ё пиёниста мол дўхтиригами бериб юборишади. Беш йил шаҳарда ўқиб келган қизни ҳамма ҳам ишониб, жон деб олавермайди. Кейин унинг ўзи пушаймон ейди, «Эҳ, ўшанда Каримнинг кўнглини оғритиб катта аҳмоқлик қилган, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйган эканман», — деб умр бўйи эзилиб ўтади. Эри бўлса ҳар кун кирлаб, тердан тарашадай қотган кўйлагини ечиб отади-да, китоб ўқиб ўтирган Моҳибига: «Ҳей хотин, Мабийи, деяпман! Этикни тор! Йиғиштир байту газалиниги, чойни опке», — дея сенсираб бўкиради... Замон айланиб, Карим ўз машинасида маданий аҳволни текширгани уларнинг Сарносиёсига бориб қолади. Шундоқ муюлишда рулни бураётиб, челақ кўтарган, озиб шафтолиқоқидай бўлиб қолган Моҳибига кўзи тушади. Моҳибига ҳам уни кўриб, турган жойида, кўзида ёш, қотиб қолади.

Э, шундан бошқа гап қуриб кетибдими! Моҳибининг бахтсизлиги унинг ҳам бахтсизлиги эмасми? У азоб чекмайдими, эзилмайдими? Кейин, Моҳибига ҳам жуда кўчада қолгани йўқ. Агар тегаман деса, ҳамма ҳам ноз қилавермас. Адҳамнинг йўли бошқа, лекин шу Бурҳончанинг ўзи питирлаб қолса керак — сўлақайи оқиб турибдику, «истараси иссиқ, пули кўп, отаси совхоз директори», деб.

Бориш керак. Адҳамга ваъда бермаганда, у билмаганда бошқа гап эди. Бормаса, Адҳам уни қўрқоқ деб ўйлайди. Карим қўрқоқлардан эмас. Қани, борсин-чи, кейин бир гап бўлар-да, ахир.

Етоққа яқинлашгани сари, Каримнинг оёқлари оғирлашиб, босган қадами орқага кетаверди. Гўё ҳамма деразалардан уни кузатиб туришгандек, бошини кўтаришга журъат қилолмади.

Зиналар бунча кўп!

Коридор бунча сирли, бунча ваҳимали!

Карим зиналардан кўтарилиб олгач, тўртинчи қаватнинг коридорида туриб қолди: тўғри Моҳибиларникига борсамми ё олдин Адҳамни кўриб ўтсамми? У балки Каримнинг келишини кутиб, ҳали қизларни чиқариб юбормагандир.

Карим Адҳамнинг эшигини очди-ю, остонада қотди: Турсуной узала тушиб ётган Адҳамни қучоқлаб ўтирар эди!

Турсуной сапчиб турди, саросима билан ёқасини тўғрилаб, Каримга ўқрайиб тикилди.

Адҳам бамайлихотир: «Келинг», дея ўрнидан кўзгалаётган эди, Карим бурилиб, секингина эшикни ёпди. Орқасидан Адҳамнинг «Карим» деган алланечук меҳрибон товуши ва Турсунойнинг асабий қиқирлагани эшитилди.

Беҳаё!

Гўё ҳеч гап бўлмагандек, Адҳам чиқди.

— Сизни деб, мана, биттасини овутириб ўтирибман, — деди у Каримнинг елкасига қўлини қўйиб.

Карим ўзини жуда ожиз, бахтсиз ҳис қилди. Адҳамнинг қўли тагида елкаси эзилиб кетаётгандек бўлди.

— Боринг, — деди Адҳам шивирлаб. — Хонасида ёлғиз ўтирибди. Нега кечикдингиз? Майли, боринг.

Карим кетди. То Моҳибиларнинг хонасига етгунча ортига ўгирилишга журъат қилолмади: Адҳамнинг нигоҳи унинг елкасига қўш найзадек тиралиб борар эди. Эшикни тақиллатишдан олдин бурилиб қаради: Адҳам югуриб чиққан Турсунойни ичкарига итариб юборди-да, ортидан ўзи ҳам кириб кетди.

Карим эшикни секингина чертди, нафасини ичига ютиб қулоқ тутди — жимлик. Яна чертди. Каравотнинг ғижирлагани эшитилиб, Моҳибининг «Кираверинг», деган жиндай ҳаяжонли товуши келди. Карим елимлаб қўйилгандек, жойидан жилолмади.

Эшикни Моҳибининг ўзи очди. Каримнинг тилига гап келмади, у гунг-кар эди, фақат кўзлари очик; бошини қуйи солганича Моҳибига эргашиб ичкари кирди.

Карим биринчи сезган нарса — кўп қиз бир хонада яшаганда пайдо бўладиган ҳид бўлди: қандайдир қуюқ, тўқ, ёпишқоқ...

Карим эгилиб, бошмоғининг боғичини бўшатди, лекин ечмай шундоқ эшикка тақалган каравотга ўтириб олди.

На Каримдан бир гап чиқди, на Моҳибидан.

Карим Моҳибига қарашдан қўриқиб, тўғрига, эшиги очик шкафга кўз ташлади: шкафда икки-учта қўйлақ, яшил ёмғирпўш, битта йигитларнинг костюми (кимники бўлса?), унинг ёнида эса сарғиш ичкўйлақ осиглиқ эди. Албатта, Карим биринчи бўлиб шу ичкўйлақни кўрди. Бир зум ўйланди:

ичкўйлак калтагина эди, бу хонада турувчи Моҳбибидан бошқа қизларнинг ҳаммаси бўйчан эди. Каримнинг юраги гумуриб кетди-да, ичкўйлақдан кўзини олиб қочди, лекин ичкўйлак яна ўзига қаратди. Моҳбиби буни сезиб қолди шекилли, сапчиб туриб келди-да, шкафни ёпиб қўйди.

Карим ялт этиб Моҳбибига қараб олди, Моҳбиби ҳам қизариб кетган эди, юзини тескари бурди.

Энди Карим гапириши керак эди.

Лекин қизларнинг нафаси, атир-упа, кийимларнинг бурчакдаги кир-чир челақнинг иси қоришиб кетган бу ҳид Каримнинг димоғига қаттиқ ўрнашиб, шусиз ҳам гапга келмаётган тил-жағини боғлаб турар эди.

Карим Моҳбибига қарамаса ҳам, кўз қирида унинг бир неча марта сабрсиз нигоҳ ташлаганини сездди.

Анча вақт ўтди шекилли, Каримнинг томоғида нимадир гўлдураб:

— Шу-у, — деган товуш пишиллаб чиқди-ю, бирдан ўчди.

Моҳбиби ўтирган каравот гижирлади, Карим баттар букчайиб кетди.

Карим афсун қилингандек, мутлақо тилдан қолиб, оғзига талқон солиб олди.

Нега Моҳбиби индамаяпти?

Карим Моҳбибининг нега бундай ўтиришини, ўзининг нима мақсадда келишини Адҳам олдиндан айтиб қўйганини энди англаб етди. Англаб етди-ю, ҳозир, худди шу топда Моҳбибидан, ўқишдан, шаҳардан — ҳамма-ҳаммасидан воз кечиб, тўппа-тўғри қишлоғига пиёда қочиб кетгиси, айниқса қизларнинг ҳиди гупиллаб турган шу хонадан чошиб чиққиси келди.

Лекин бунинг ўрнига бошини тиззалари қадар эғиб, бошмоғига тикилди. Қўнғир ранги унқиқиб, оқариб қолган бошмоғи аста-секин каттариб бора-ётгандек туюлди. Еғлаш керак экан, эсидан чиқибди.

Моҳбиби йўталди. Йўқ, атайлаб эмас, шамоллаганга ўхшайди.

Жимлик жуда баҳайбат, вазмин бир нарсага айланиб, Каримнинг бошидан босди. Карим ҳозир гапириши кераклигини, ҳозир гапирмаса кейин кеч бўлишини билиб турса ҳам, тили айланмас, бунинг ўрнига гавдаси оғирлашиб, қулоқлари шанғиллар, тобора кучлироқ шанғиллар эди.

«Бурним қонаб кетмаса эди», деб ўйлади у.

Бошини тиззалари орасига олиб, қаттиқ қисгиси келди унинг.

Яна қанчадир вақт ўтди.

Моҳбибининг каравоти яна гижирлади — у ўтирган жойидан чўзилиб, дераза токчасидаги китобни олди, китобни очишдан олдин Каримга бир зум тикилди. Карим буни ҳам сездди. Китобнинг варақлари шилдиради. Каримнинг ич-ичидан нимадир кўтарилиб келиб, ҳиқилдоғига кўндаланг бўлди; кутилмаганда ундан товуш чиқди:

— Мабийи...

Овоз жуда майин, нотавон эди — хижолат тортганидан Каримнинг боши тиззалари орасига тушиб кетди.

О, шундай пайтларда бирдан учиб кетсанг, эртақлардагидек турган жойингда йўқ бўлиб қолсанг!

Карим қўлларини кийиштирди, қаттиқ қисди — суякларигача қисирлаб, елкасида титроқ турди. Анчадан бери кўксини чангаллаб ётган оғриқ бирдан ташқарига отилди — бўғиқ, бешафқат:

— Мабийи!... Ишонинг! Яхши кўраман сизни!

Каримнинг боши енгиллашиб, бўм-бўш бўлиб қолди. У қадини ростлаб, Моҳбибига қаради.

Моҳбиби китобни икки қўллаб тутиб, кўзларини катта-катта очганча, Каримга тикилиб ўтирган эди.

— Мабийи? — деди Карим негадир юраги шувиллаб. — Нима дейсиз?

Мабийи ўзгарди: юзида, қалин лабларида қотган табассумга ўхшаш жонсиз бир ифода суратланди, кўзларида Каримга мутлақо нотаниш бифарқлик қалқди.

Каримнинг юраклари эзилиб кетди, шунда ҳам «умид узмай Моҳбибига термилди.

— Мабийи, тушунсангиз-чи!

Моҳбиби бош чайқади — бунинг маъноси ўз-ўзидан аён эди: тамом, ҳаммаси тамом бўлди!

— Карим, қўйинг, керак эмас шунақа гаплар, — деб ниҳоят тилга кирди Моҳбиби.

Каримнинг сўнги умиди чирс этиб ўчди.

— Йўқми? — деди у.

— Қўйинг, — Моҳбибининг овози Каримнинг кўксини ёқимсиз тирмалади.

Карим отилиб турганича Моҳиббининг ёнига бориб қолганини билмади. Моҳибби унга қараб қўрқиб кетди.

— Мабийи, йўқми деяпман? — деди у ҳансираб.

Моҳибби бош чайқади.

Каримнинг кўз олди қоронғилашиб, худди йиқилиб бораётгандек, Моҳиббининг елкаларидан ушлаб олди.

— Менга қаранг, — деб ихранди. — Менга қаранг, деяпман.

Моҳиббининг елкалари тўла, қаттиқ эди, Каримнинг қўллари ботмади. Моҳибби унинг қўлидан чиқишга уриниб, юлқинди, бошини кўтариб ғазаб билан тикилди. Карим ҳам ундан кўз узмай, елкаларини қаттиқроқ чангаллади.

Китоб полга гуп этиб тушди.

Моҳибби бирдан:

— Қўйи... Қўй, деяпман сенга! — деб чинқириб юборди.

Шу онда ёввойи ғазаб Каримнинг бўйнига чангал солди, ҳаво йўлларини тўсиб қўйди.

Карим Моҳиббининг елкаларидан қўлини олди, кейин... бирдан қулочини керди-да, Моҳиббининг юзига шапалоқлаб урмоқчи бўлди. Моҳибби ўзини олиб қочаман деб ўтирган жойида каравотга ағнаб тушди, кўйлаги юқорига сирилиб, оёқлари очилиб қолди.

Хона чир-р айлашиб, эшик Каримга рўпара бўлди.

Узун коридор... Ортидан таъқиб этиб, елкасига гурсиллаб пайдар-пай қоқилаётган қадамлар — ўзининг қадамлари, чўчинқираш, қизиксиниш, ҳадик билан четланиб, липилаб қолаётган юзлар, қизғиш-қорамтир йўлак, дарахтларнинг ғадир-будур таналари — Карим келиб қараса, шусиз ҳам кимсасиз паркнинг хилват бурчагида, кўзёшлари томоғига тикилиб, ҳирқираганча, ёмон жуда ёмон сўкиниб борапти.

У таққа тўхтаб, атрофга олазарак аланглади. Кўз олдига Моҳиббининг қўрқувдан каттариб кетган кўзлари келди. У яқиндагина бўлган ўриндиққа беҳол чўкди. Уриндиқдан сал наридаги ҳалқобчага бир тўп чумчуқ кўнди; бири қанотларини кериб чириллади. Кўз ўнгига яна Моҳиббининг каравотга ағнаб ётгани, сонларининг аянчли тарзда очилиб қолгани, кўйлак тагидан пистоқи ичкўйлакнинг титила бошлаган оқиш тўрҳошияси чиқиб тургани келиб, инграб юборди-да, қўлларини асабий силтади.

Чумчуқлар гур-р кўтарилиб, нарироққа тушди. Уч-тўрттаси — ботирроқлари, чанқови босилмаган чоғи, дик-дик сакраб, ҳалқобчага яна яқинлаша бошлади.

Ох, шу иш бўлмаганда эди! Карим ёмон туш кўргандек, ҳозир сакраб уйғониб кетгандек эди!

Карим сакраб турди.

Чумчуқлар бирдан кўтарилди.

Квартиранинг эшиги ланг очиқ эди. Тамаки тутатиб ўтирган Адҳамни кўриб, Каримнинг юраги орқага тортиб кетди.

Ёнига борса, Адҳам уни уриб юборадигандек, Карим тўхтаб қолди, бўйинини елкаларига тошбақа сингари тортди, қунушиб олди.

— Эшшак экансиз-ку! — деди Адҳам ғадаблаб.

Карим ҳақиқатан ҳам «эшшак» эканлигига бирдан кўнди.

— Сиз тўнкани икки соатдан бери пойлаб ўтирибман! — деди Адҳам.

Карим тўнкаликка ҳам рози бўлди. Фақат ҳозир Адҳам уни аямай сўкаверса, сўкаверса... Эки ҳовлига судраб чиқиб, лойга думалатиб, биғиллатиб тепса...

Лекин Адҳам бирдан юмшади:

— Утсангиз-чи. Нега қоққан қозикдай туриб қолдингиз?

Карим ўтди.

— Нима бўлди ўзи? — деди Адҳам. — Нима қилдингиз?

Карим индамай ерга боқди, кейин Адҳамга мўлтиради, яна ерга боқди.

— Гапирсангиз-чи, — деб бетоқат бўлди Адҳам. — Сизга айтяпман.

Гапирсангиз-чи!

Карим бошини буриб, деразага тикилиб олди. Нима деб гапиришини ҳам билмади.

— Бунга бир гап бўлганми ўзи, — деди Адҳам қўлларини керганча ёнбошга ўгирилиб — худди хонадонда учинчи бир киши ҳам бордек. — Қиз болага қўл кўтариб, урмоқчи бўлибдилар, полвон-эй!

Пичоқ Каримнинг кўксига қадалди.

— Қип-қизил аҳмоқ экан-ку бу, — деди Адҳам шафқатсиз. — Уғил боламидики...

Пичоқ кир-рт этиб Каримнинг юрагини тешиб ўтди. Лекин Карим ўлмади, аксинча, миясида ярқ этиб нажот — ҳаммасидан биратўла қутулиш йўли очилиб кетди:

— Кетаман!

— Қаёққа? — деб ажабланди Адҳам.

— Уқимайман. Э, ҳаммасини... — Бирдан Каримнинг кўзига ёш қалқиб, томоғи ҳирқираб қолди. — Кетаман.

Адҳам унга тикилганча анграйди.

— Э, ўқишини ҳам, қизларини ҳам... — Карим баттар жазавага тушди, кўз ёшлари тирқираб кетди. — Ҳозироқ кетаман!

Карим Адҳамга алам билан қаради, кетса ўзидан, ўзидан ҳам кўра Адҳамдан боплаб ўч оладигандек, баттар хуруж қилди:

— Керак эмас: Ҳеч нарса керак эмас. Бориб трактор ҳайдайман, арава қўшаман, гўнг ташийман, гўнг! Ҳаммага бунақа шарманда бўлгандан кўра... Қишлоқда булардан минг марта яхши қизлар бор.

Адҳам тўсатдан кулиб юборди.

— Карим, — деди Адҳам, — бир гапнинг тўғриси айтмайми?

«Ҳозир йиғлаганимни айтади!» деб ўйлади Карим юраги увушиб.

— Нимани?

— Хафа бўлмайсизми?

«Кўзёш тўкиш — хотинларнинг иши, дейди. Майли, деса депти!» — Карим ўзига ҳам нотаниш хотиржамлик туйди.

— Йўқ, хафа бўлмайман. Сиздан хафа бўлмайман.

— Шу бугунги ишни... — Адҳам гапидан тўхтаб Каримга тикилди.

Каримга Адҳамнинг нигоҳи уни тешиб ўтиб, ортидаги бир нарсага қаттиқ ботаётгандек туюлди.

— Шунини, — деди Адҳам ҳамон Каримдан кўз узмай, — мен уюштирдим.

Каримнинг оёғи остидаги тахта пол қаёққадир сурилиб кетаётгандек бўлди.

— Қанақасига?

— Шунақасига-да, — деди Адҳам. — Шу бола арзимаган қиз учун хор бўлиб юрадими! Кел, шартта орасини узиб ташлайин, дедим.

Карим илон авраган қурбақадек, оғзини каппа-каппа очди, яна тили айланмай, ичидан ҳирқироқ товуш келди.

— Нега?

— Неғалигини бугун кўрдингиз, — деди Адҳам ниҳоят кўзларини ундан олиб қочиб. — Мабийи сизни ёмон кўради. Қизлар ўзлари севмаган йигитларнинг суйкалишини ёмон кўради. Сиз буни билмасдингиз. Бугун билдингиз. Бу ёғи яхши бўлади.

Лекин ҳозир Каримга яхши эмасди. Сира яхши эмасди. Унинг кўксини яна нимадир куйдириб ўтди, ўтган жойи ёмон из қолдирди.

— Биласизми, — деди Адҳам, — мен бу ишни ёмон ниятда қилмадим. То битиргунча шундай юраверар эдингиз, аммо бирор иш чиқмасди. Мана энди сиз бугундан бошлаб озодсиз! Нега бунақа қарайсиз?

Карим Адҳамдан кўзини олиб қочди.

— Ҳали ҳам тушунмаяпсизми?

— Йўқ, тушунапман, — деди Карим гулдураб. — Шунини олдин тўғри ўзимга айтсангиз бўлмасмиди?

— Айтсам ҳам бўларди, бундан осони борми! Лекин менга ишонмас эдингиз-да.

Карим ўзини камситилган ҳис қилиб, хўрлиги келди.

— Нега, ахир? Мен шунақа...

Адҳам бош чайқади.

— Неғалигини билмайман-у, лекин менга ишонмас эдингиз. Бунақа масалада бировнинг айтгани, аралашгани билан иш битмайди. Айтганим билан, бари бир, кўнгил узмай яхши кўриб юраверар эдингиз. Бировнинг гапи билан ажрашиб кетадиган бўлганингизда... Сиз уни севасиз-ку. — Адҳам яна битта сигарет тутатиб олди. — Лекин шу қиз севишга арзимамайди.

— Нега унақа дейсиз? — деди Карим бу гапдан неғадир енгил тортган бўлса ҳам.

Адҳам қўл ситади.

— Майли, кейин ўзингиз билиб оларсиз. Ҳали уни унутасиз, унутганингиздан кейин ҳаммаси ойдин бўлади.

Адҳам бир зум жим туриб қолди, кейин:

— Сизга ҳавасим келади... — деди бирдан.

— Нимамга? Бугунги аҳволимгами? — деди Карим, гарчи Адҳам бу ўйда эмаслигини, аммо жуда муҳим гап айтмоқчилигини сезиб.

— Рост, — деди Адҳам. — Шундай бўлмаганда, сизни ахтариб келмасдим.

Карим тўлқинланди, томоғига алланарса тиқилди.

— Тирик одамсиз-да, — деди Адҳам. — Менга ўхшамайсиз — сиз яхши кўрасиз. Майли, шу Мабийичани бўлса ҳам, севасиз. Яшаяпсиз!

— Сиз-чи? — деди Карим. — Қайси қиз...

— Йўқ, буни сизга тушунтиролмайман, — деди Адҳам бирдан тундлашиб. — Умуман, севмай яшаш ёмон демоқчиман. Одамнинг кўнгли ўлади. Улик кўнгли билан яшаш қийин.

Адҳам ҳозир жуда чиройли кўринарди: оқиш, чўзинчоқ юзи, пешонасига тушган, салгина йилтираб турган сочи, маънос чақнаётган кўзлари, қирра бурни, текис бичимли лаблари, ўртаси салгина чуқур ияги, узун бўйни, кулранг, оҳорли кўйлаги — бор кўриниши жонли ҳайкалдек, Каримни сеҳрлаб, олам-олам ҳавас, қандайдир илиқ ҳасад уйғотар эди.

— Баъзан йиғлагим келади, — деди Адҳам. — Аммо йиғлолмайман — дийдам қотиб кетган. Ҳатто йиғлашни ҳам одам соғинар экан...

Адҳам кўп гапирди, лекин Карим ҳеч балони тушунмади:

«Тавба, юраги сўққабош ўтиши нима экан? Бунга нима етишмайди? Бўйдан, чиройдан, гапдан худо берган бўлса...»

Қоронғи тушди. Деразадан салқин елвизак кирди. Карим деразадан бошини чиқариб тепага қаради: осмонда юлдузлар бодрокдай сочилиб кетган эди.

— Бурҳон келмади. Етоқда қолди, — деди Карим.

— Нега? Еш болами?

— Ким билади? — Карим кифтини учирди. — Бу ерда ҳам бир ўзи ётолмайди. Қўрқишини мендан яширмоқчи бўлади, лекин мен биламан. Шу учун ёлғиз қолдирмайман. — Карим кулди. — Қизиг-эй, ўлғудай ҳасис, пул сўрасан, кундуз кунни бермайди. Лекин оқшом сўрасам, беради.

Адҳамнинг жуда ажаблангани кўзларидан ҳам кўриниб турар эди.

— Ростданми?

— Рост, — деди Карим. — Лекин эрталабданоқ кеча берганимни қачон қайтарасиз, деб сўраб олади.

Бурҳон ҳақида гапиришгани сайин Карим очилиб борарди. У негадир шу чоққача Бурҳонни шу қадар ёмон кўришини билмаган, ўйлаб ҳам кўрмаган экан, энди эса уни иштиёқ билан ёмонлай кетди. Ёмонлагани сари кўнгли ёришиб, ўзини яхши одам ҳисобларди. «Мен Бурҳондан қанчалар яхшиман», деб ўйларди.

Адҳам шу ерда тунаб қолди. У Бурҳоннинг кир кўрпасига ижирганиб қараган эди, Карим унга ўзининг тоза кўрпаларини берди.

Карим узоқ вақт ухлай олмади.

Ой чиқди, деразадан кўринди, Адҳамнинг юзини ёритди: Адҳам ухлаб ётганида пиш-пиш нафас олар, юзи ҳам мулоим тортиб, ҳимояга муҳтож ёш боланинг худди ўзи бўлиб қолар экан.

Карим ҳозир ўрнидан туриб, Адҳамнинг ёнига ўтиргиси, ҳеч бўлмаганда унинг кўрпасини тўғрилаб қўйгиси келди, лекин Адҳамнинг уйғониб кетишини, уйғоқ пайтларда ўзи билан қандай гаплашишини тасаввур қилди-ю, юраги бетламади.

Лекин бари бир Адҳамнинг шу ётишида ҳимояга муҳтож ёш гўдакни эслатадиган нимадир бир нарса бор эди...

Карим кўзини юмди: «Эртага эрталаб, албатта, Адҳам кетгандан сўнг, Моҳбиби келса... «Каримжон, мени кечиринг...» Карим қувониб кетади, ю лекин сир бой бермайди. Моҳбиби гўё ярашмоқчидай, унинг пинжигига тиқилади, қўлларини силайди. Карим уни итариб юбормайди, аммо юзини тескари буриб олади. Моҳбиби унинг муштумини ёзмоққа уринади, «Қўлларингиз мунча кучли!», дейди. Шунда Карим эриб кетади-да, ёлғондакам нўписа қилади, шу билан бугунги қилмиши учун кечирим сўрайди: «Мана шу қўлми? Сизга кўтарилган мана шу қўлни каравотнинг тугқичига бир уриб синдириб ташлайми?» Карим қўлини силтаб тугқичга урмоққа чоғланади. Моҳбиби эса ростдан ҳам қўрқиб кетади, «Йўқ, йўқ, — дейди у йиғламсираб. — Нега? Ахир, шу қўлингиз менинг ақлимни киритиб қўйди-ку!» Моҳбиби унинг қўлини ўпиб қўяди».

Карим шу пайт беихтиёр ўзининг қўлини ғалати ташналик билан ўпди ва бирдан ўзига келди, ҳозирги аҳмоқона орзунинг бундан кейин ҳеч қачон амалга ошмаслигини ўйлаб, ғижиниб кетди, қўлини қаттиқ тишлади...

Унинг юраги хануз оғриётган эди.

АНОР ҰҒРИСИ

Уруш охирлаб қолган эди. Ұша йили боғимизда анорлар шигил гуллаб, биттаси ҳам хато бўлмай, мева турди. Унинг гули ҳам, меваси ҳам жуда чиройли бўлади. Сувни кўп ҳам хуш кўрмайди. Енида ариқ, ариқда доимо сув оққани учунми, кузакка бориб анорларнинг меваси чатнаб-ёрилиб кетади. Милт-милт қилиб турган оқ, пушти, ёқутдек қизил доналарини кўрсангиз, оғзингиз сув очиб, беихтиёр ютинасиз.

Ұша кезларда боғимиз этагидаги мактаб касалхонага айлантисилган бўлиб, унда урушдан ярадор бўлиб қайтганлар даволанишарди.

Катта опам худди шу касалхонада ҳамшира бўлиб ишларди. Биз, қўни-қўшнининг болалари уни қора тортиб, ярадорларга боғимизда пицган мевалардан олиб борардик. Уларнинг баъзи хизматларини бажарардик. Кўпинча бизга хат ёздиришарди. Касалхонага операция кунларигина қўйишмасди.

Жуда синчков бола эдим. Анор етилган ҳар куни уларни кўздан ўтказиб турардим. Бир куни қарасам, анорлар камайиб қолганга ўхшади. Уларни кимдир ўғирлаётганини гумон қилиб пойладим.

Ғира-шира қоронғи тушганда боғимиз четига касалхона томондан қўлтиқтаёқли бир киши келди. Узоқ турди. Чамаси, зерикди шекилли, битта анорни узиб олди-да, ея бошлади. Мен «анор ўғриси» ярадор солдат эканини кўриб, индамадим. Унга раҳмим келди. Шу чоқ нарида шарпа кўринди. Яқинлашиб кела бошлади. Қарасам: опам. У қўлтиқтаёқли киши ёнига бориб тўхтади. Улар алланарсалар ҳақида кулиб-кулиб узоқ гаплашишди, сўнг бирмунча боғ кезишди. Мен уларни ўғринча кузатаётганимдан уялсам ҳам, энди беркиниб турган жойимдан чиқа олмас эдим. Хайрият, кўп ўтмай, опам боғ қўраси томон қайтиб кетдилар, ҳалиги киши эса қўлтиқтаёғини дўқиллатиб касалхона томонга жўнади. Мен ҳам ҳеч нарса кўрмагандек, қўрага келдим.

Тун,

Қорачироғнинг ғира-шира шуъласида аям ниманидир тикиш билан банд, опам эса, аямнинг ёнларида бир нарсани у қўлидан бу қўлига олиб ўйнаб ўтирар эди. Раъно опам кўзимга шунақа чиройли кўриниб кетдики, унинг қоп-қора қош-кўзлари, сочлари; маъюс, оппоқ юзи худди бувим айтиб берадиган эртақлардаги малиқаларни эслатарди. Нақ париларнинг ўзи! Унга ҳавас билан тикиларканман, иччимдан ғурурланиб, «жуда чиройли» деб қўйдим.

Опам ҳар замонда аямга ғилтиллаб қараб қўяр, назаримда унга бир нима демоқчи бўлар, аммо ботиниб айтолмас эди. Мен унга, аямга қараб ўтириб, кўзим илинай деган экан, опам секингина:

— Ая, бир гап айттайми? — деб қолди.

Аям «айт» деган ишорани қилиб, ишларида давом этдилар.

— Ая, мен сиз, кўришма, деган йигит билан яна кўришдим... Уни яхши кўраман, нима қилай? Юраги шу анордек ёрилиб кетай деяпти, — деди қўлидаги ёрилган анорни кўрсатиб.

Аям шахт билан ишларини четга қўйиб:

— Яна ўша гапми, сени шунчалар шайдо қилган ким экан ўзи? — дедилар жаҳл билан.

— Уми?... У одам, мени жуда яхши кўради, мен ҳам уни... Мени ўз юртига олиб кетаман деяпти...

Бу гаплардан уйқум қочди. Кўзимни оча солиб:

— Ая, ая, у анор ўғриси, ҳар куни келиб аноримизни ўғирлайди, энди Раънони ҳам олиб кетмоқчи экан-да? — деб юбордим.

Улар мени ухлаб қолди, деб очикчасига гаплашишаётган экан. Аям кулдилар. Сўнг:

— Вой, сен ҳам билдингми? — дея пешонамни силадилар. — Ухла, сени ҳам бирор «анор ўгриси» ўғирлаб кетмасин тагин.

Лампа чироқнинг мойи тугаб, аллақачон пилиги сўхта бўлиб қолганди. Қоронғида аям билан опам аллавақтгача гаплашиб ётишди.

Уларнинг гаплари менга худди афсонадек туюларди.

Эртаси куни ўша «анор ўгриси» келиб, ясанган-тусанган Раъно опамни ЗАГСга олиб кетди. Уруш вақтида катта тўйга кимнинг қурби етарди дейсиз. Уйимизда кичкинагина тўй, хурсандчилик бўлди. Ўша бўйи баланд, сочи жингалак аскар йигит — «анор ўгриси» менинг поччам.

Улар кўп ўтмай, поччамнинг юрти — Туркменистонга жўнадилар. Опамнинг кичкина тўйи катта ғалаба тўйи билан бир кунда ўтган эди.

Ойхумор Асадова

УФҚ ЭТАГИДАГИ НУР

Қуёш ботаяпти. Унинг нурлари туташ тоғлар бағрига аёвсиз санчилади. Тип-тиниқ мовийлик қизғиш тусга кира бошлаган... Этагини судраб юрган эринчоқ паркув булутлар олов рангида... Қилт этган шамол йўқ, атрофни аллақандай бўғиқ сукунат қоплаб олган. Букри толларнинг узун-қисқа соялари аста-секин қоронғилик қаърига сингиб кетаётгандек... Лойқа, бўтана сувли Булоқсой қирғоққа тўш уриб пишқиради.

Этак томондан куюқ тўзон кўтарилди — Эшим подачи от чоптириб, сўкинганича кўчани шаҳд билан кесиб ўтди. Қўноғига шопилаётган товук қақолаганича ўзини девор панасига урди. Аллақачонда совлиқдан адашиб қолган қўзи тинимсиз маърайди. Кимдир хас-хашакларни йиғиб, ўт қўйиб юборди чоғи, атрофни ўт-ўланларнинг ўткир ҳиди тутиб кетди.

Чол негадир ана шундай пайтларда мунғайиб қолади. Ботаётган қуёшга узоқ тикилади. Тикилганда ҳам кўзлари толгунча тикилади. Дард хуруж қилганда нимжон, бурушиқ қўллари билан ёстиқ жилдини рижимлайди... Қаёқданам шубод деган нарсага йўлиқди?! Кундан-кунга яхши бўлиш ўрнига тобора огирлашмоқда. Уйқуси-ку, қуш уйқуси бўлиб қолган. Тиқ этган товущдан уйғониб кетади. У ёққа аганайди, бу ёққа аганайди, дарднинг зўридан тўлганиб тонг отиради. Уззукун ётаверганидан елкасини ер тешиб кетди. «Ҳеч бўлмаса кун ботишини кўрай...» Чол шу ўй билан бир оз тетиклашгандек бўлди, ихраб-ихраб ўрнидан туриб ўтирди. Носқовоғини узоқ излади: кўрпа қатларини, ёстиқ тағларини кўрди, тополмагач, диққати ошиб, набирасини чақира кетди:

— Шаҳоб, қаердасан, болам? — жавоб бўлмагач овозини баландлатди, — Шаҳоб дейман, хў мулла Шаҳобиддин, ўйин боласи бўлмай кет, бери кел!.. Бувангнинг аҳволи бу бўлса-ю, сенинг юришингни қара, ўйиндан қўлинг тегмайди... Ҳай, носқовоқ ўлгурни топиб бер, менга!

Чол бир отим нос отди-да, узоқ ўйга толди. Гужумтолдаги Шоди тўппончани ўсал ётибди, деб эшитганди. «Оёқлаб кетдимикин қария?.. Касалгарчилик курсин, бир-биридан хабар олиб туриш ҳам қийин бўпқолди...» У шу хаёллар билан банд экан, кўча дарвозаси очилиб, ишдан қайтган келини Мехринисонинг кириб келганини ҳам сезмай қолди. Ёнгинасидаги аллақандай ўйинчоқнинг «ичак-чавоғини» чиқариб, ўйнаб ўтирган неварасига юзланди.

— Ҳай, болам, кўнглим сезаяпти, кетадиганга ўхшайман... —
У эшитилар-эшитилмас алланималарни пичирлади, пировардида, —
эй худо, оз оғриқ, осон ўлим бергин-да, менга ҳам, — деб қўйди.

Боланинг қуралай кўзлари юм-юмалоқ бўлиб кетди.

— Қаёққа кетасиз?.. Нималар деяпсиз?..

— Бувингнинг ёнига, тойчоқ, бувингнинг ёнига. Мени чақираяпти шекилли... Бор, ўйна...

Бу нима деган гап бўлди, ора-чора чойхонага чиқиб, чоллар билан у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтиргани ҳам бир нав экан. Ҳа, ишқилиб, худонинг ўзи мушкулини осон қилсин-да. Қирқ йил қирон бўлса ажали етган ўлади, деганлар. Шундай ўт-олов ичида қон кечиб, жони омон қайтса-ю, арзимаган дард кўрпа-тўшакка михлаб қўйса-я... Во дариг, умр — оқар дарё деганлари шу бўлса керак-да, қани уни орқага қайтариб бўлса! У ёққа оласан, бу ёққа еласан, бир куни гўр оғзига бориб қолганингни сезмай ҳам қоларкансан киши. Шунгаям ҳайё-ҳуйт деб қирқ йил ўтиб кетибди.

Урушдан қайтгач, нари-бери лойсувоқдан чиқарилган чала иморатни битиришди. Девор лойсувоғида раҳматли дўсти Даминнинг панжа излари қолганини кўриб, анча кунгача ўзига келолмай ўксиб юрди. Булутдек йигит эди, шаҳид кетди. Урушдан қайтмади. Момо-қалдироқдек гулдираб куларди ўзиям. Шундан биргина зурриёт — Абдумалик қолган. Шўрлик Қорасоч умрини шу бола билан ўтказди. Сув келса симириб, тош келса кемириб, шу болани одам қилди. Бурноғи йил қазо қилди бойбича. Таъзиясига нақ ер ёрилиб, ердан чиққандай одам келди ўзиям.

Меҳнатдан косаси оқарди. Гуласали билан рўзгорининг оғир-енгилини деб елди-югурди. Кам бўлишмади. Болалари эл қаторига қўшилди. Одам боласининг қўлидан нималар келмайди, дейсиз. У томошахонада маймунга ботинка кийгизиб ўйнатишдан тортиб, еттинчи осмоннинг авра-астарини ағдариб ташлади, ойнинг бир четидан ушатиб ҳам келди. Ана, кенжаси осмонда самолёт ҳайдайди. Ҳу, майдоннинг тўридаги ёнғоқ шаҳардаги олим ўғли билан тенг. У ҳам икки кам қирққа киради бу йил. Кўнгли сезиб турибди, ҳойна-хой, у ҳам бугун-эрта келиб қолса керак. Раҳматли кампири борида ҳам шундай бўлгучи эди: кўнгиллари қўмсаб турган пайтда дарвоза ғийқ этиб очилиб, кириб келишарди... «Ҳа, ишқилиб, қаерда бўлишса ҳам омон бўлишсин... — ҳаёлга толди чол. — Ғамсиз, ташвишсиз одам бўлмас эканда-а? Ҳаҳ, Гуласал, Гуласал-а, ташладинг кетдинг-а? Раҳминг ҳам келмади-я?.. Шўрлик поқиза жувон эди ўзиям, уч кунгина ётиб, тоза-озодагина омонатини топширди-қўйди. Феъли ҳам кенг эди... Гўри ҳам нақ қасрдай чиқди. Шунгаям ўн қовун пишиғи ўтиб кетибди...» Лекин Гуласалсиз ўтган умри умр эмас. Яшамагандек.

Гуласали бўлганда гап бошқача бўларди-да, тўрда ётиб олиб остонага термилмасди. Болалари... Ўзи билан ўзи овора... Бурун фарзандлар аёлсиз қолган отадан уч марта «Ота, уйланасизми?» деб сўрар экан. Бундан уч марта эмас, ўн марта сўрашгандаям рози бўлмасди. Гуласалга ўхшаганлар дунёга бир марта келади. Аммо-лекин, тан маҳрам бўлмаса ҳам қийин экан-да, айниқса кексайганда, бошинг ёстиққа етганда. Ишқилиб, қизлари-ю, келинларига оғирлиги тушмасин-да... Тунов куни ўртанча келинининг қилиғи суяк-суяғидан ўтиб кетди. Худди ирkit нарсани ушлагандай, ижирганиб, кийим-бошини ювгани олиб чиқиб кетди. Кўрди-ю, ич-ичидан зил кетди. «Қўй, ювма» демоқчи эди, шайтонга ҳай берди. Ҳарҳолда, онда-сонда меҳмон қатори келиб кетади, хафа бўлмасин деди. Ўзи азалдан дастурхоннинг бошида ҳам ялангбош ўтирадиган бу келинини унча хушламайди.

Чол бугун кампирини неча марта ўйлаган бўлса, худди эшикни очиб кириб келаётгандай туюлаверди. Ҳеч бунақа бўлмасди.

— Абди, болам, акангга хабар берсанг яхши бўлармиди. Омонати-ни топширадигандекман...

— Нималар деяпсиз? Қанақа омонат?.. — ишдан, чарчаб келган

ўғли этигини ечаётиб отасига юзланди. — Кўргингиз келган бўлса, эртага бир этиб шаҳарга тушиб, айтиб келарман.

— Санжарни ҳам лагердан олиб кел. Чимхўр бола, қандай қилиб юрганикин?.. Бир ўзим ҳувиллаган уйда ётгим келмай қолди шу кунларда. Унга ўргайиб қолганман..

Кечки овқатни ташқарида, ишқом тагидаги чорпояда ўтириб ейишди. Бир тилимгина келадиған ой терак учига илиниб қолган. Атроф қоронғи. Электр нуридан ток барглари йилтиллайди. Сонсаноксиз парвоналар лампочкалар атрофида ғужғон ўйнайди. Аллақарда чигиртка тинимсиз чириллайди. Супанинг чап томонидаги мўъжазгина цемент ҳовузчага чала буралган водопровод жўмрагидан жилдираб сув тушиб турибди. Боғ тўридаги қорайиб турган дарахтлар совуққина шовуллайди. Бўрибосар узук-юлуқ улийди. «Ҳақиқий бўрибосар, оёқлари нақ келисондай» ўйлайди чол.


Оёқ товуши эшитилди. Ёнидаги ухлаб қолган қизалоғини олаётган сулув келинига қараб қўйди-да, шу топда негадир унга бисотидаги энг яхши гапларни айтгиси келиб кетди.

— Барака топ, болам, сендан мингдан-минг розиман...

Келини ҳорғин нигоҳлари билан мулоимгина тикилди, нимадир демокчи эди-ю, овози титраб айтолмади. «Дунё тургунча турсин, — кўнглидан ўтказди чол. — Ота-она — андозада!» Келини Меҳринисо Ҳаким чавандознинг кенжаси. Чавандоз валламот одам. Болаларини хўп яхши тарбиялаган. Меҳринисо уни фариштадай қилиб қўяди, оқ юзиб-оқ тарайди. Оёқ-қўли чаққонгина, мўмин-қобилгина. Ҳали бирор марта қовоғини солиб қараганини эслолмайди. Отасининг боласи-да!.. Қишлоқда тўй-томоша Ҳаким чавандозсиз ўтмайди. Ҳарҳолда эртага унинг ҳам келди-кетдисига бош-қош бўлиб турса ажабмас.

Етар чокда ўғли уни кўтариб, ичкарига олиб кирди. Чолнинг оёқлари сирқираб оғриси ҳам шу топда ётгиси келмади. Дарпардаларни сурдириб, деразани ланг очириб қўйди. Хиёл ўтмай айвон чироғи ўчди. Чол дераза оша қоронғилик қаърига мунғайиб тикилди: «Чарчашган, майли дам олишсин...» Негадир юраги баттар сиқилди. Қоқсуяк елкалари қалтираб, титроқ қўллари билан носқовоғини излади. Узоқ тимирскиланди. Мадори етмай ёнбошлаб қолди. Назарида эшик қия очилди-ю, кампири Гуласал оппоқ кийимда кириб келиб, остонага чўкқайиб ўтирганча уни имлагандек бўлди. Кейин, тисарилиб аста-секин орқасига юра бошлади. Назарида Гуласал борадиған жой маъқулдек эди, унга. Баданидаги оғриқни ҳам унутди, ёру биродарларига, фарзандларига айтадиған гапларини ҳам унутди — енгил сўлиш олиб Гуласалига эргашди.

Самарқанд.



Жамол
Камол
РАЖАБ
АШУРОВ
ДОСТОНИ



Йигитнинг йўлдоши — от.
Мақол

*Иироқлардан —
Кишнаб келар жийрон от,
Туёғига таслим бўлиб майдонлар;
Дупур-дупур қадамлари бийрон от,
Ялт-юлт ёниб кўзларида осмонлар.
У қирларни, кўкламларни севади,
Майсаларни, шабнамларни севади.*

*Иироқлардан —
Кишнаб келар жийрон от,
Шамолларда ўйнаб ипак ёллари.
Ўйнаб келар жийрон эмас, жайрон от,
Шамолларга тўлиб атроф-ёнлари.
У мрамардек ҳаволарни севади,
Жаранглаган садоларни севади...*

*Иироқлардан —
Кишнаб келар жийрон от,
Талпинади унга йироқ-ёвуқлар.
Еру кўкка солиб сурон от,
Уфқларга сингиб кетар уфқлар.
От ўзини уфқларга оғади,
Туёқлари тупроқларга ботади...*

*Дупур-дупур,
Дукур-дукур — дунёга
Бир чайқалиш; ларза солиб ўтади.
Жийрон учиб борар қайси маъвога,
Жийрон қайси манзилига етади?
Чақиради уни баҳор еллари,
Туёғига оқиб тушар терлари...*

Мана

У
Чимиради қулоқларини:
Бир қуш учиб ўтди
қичқариб.

Кейин
тарс-турс босиб
туёқларини,
Тушиб келаверди
сувга
пишқариб.

Атрофга
Юлдузлар сачради кейин,
Кўзларини қамаштирди нур.
Жунжикди,
сесканди,
силкинди,

Танига ёйилди
тиник бир ҳузур.

Кейин
Муздек сувга қўйди лаб,
Муздек тўлқинларга
Тўлди теграси.
Шу пайт, етмагандай,
Ҳовуч-ҳовучлаб,
Елкасидан қўйди эгаси...

Сув ичида, сеҳрлангандек,
От турарди
Дуркун, хивич бел.
От ёнида эса
Турарди йигит,
Жингалак соч,
Қомати адл.

Отнинг туришидан
ёғарди виқор,
Йигитнинг юзидан —
севинч, табассум.

Кейин —
Кўринарди осмон беғубор,
Осмонки,
боланинг кўзидек маъсум...

Кейин
Кўзгу синди,
Суврат йўқолди.
Чайқалди,
Чалпинди зилол сув.
Йигит енг шимарди,
Ҳовуч-ҳовучлаб
От устига қуя берди у...
Ҳар ёнда —
Тўлқинлар

чулдираб
бийрон,
Кумуш қатраларга кўмилди.
Кумуш қатраларга
кўмилди жийрон,



Кумуш шодаларга чўмилди.

Кейин

Бир талпиниб,

Қирғоққа чиқди,

Тани атлас каби

яшнаб зиёда,

Сувдан чиқаётган.

дуркун от каби

Гўзал малак борми дунёда!..

Ҳарорат ошганди йигит танида,

Отнинг баданида — тароват.

Томчилар —

Марварид маржонлар каби

Оқиб тушар эди

Бахш эгиб роҳат.

Йигит

Силаб-сийпади такрор,

Оқшом эди —

мовий,

хушчиroy.

Чорбоғлар оралаб

Юриб кетди тулпор,

Кўкдан боқар эди

кемтик ой...

Уша оқшом,

Уша мовий оқшом

Йигит яна келди

жийрон ёнига.

Келиб, қучиб олди

Бўйнидан маҳкам,

Юзларини сурди ёлига.

От яна пишқирди,

Йигитдан —

Келар эди ғалаги ҳидлар...

Улардан отга ҳам уфурар эди

Ажаб энгикишлар,

умидлар...

«Жийроним!..

Жийроним! Жоним!..» дерди йигит,

Отига бергудек жону жисмни.

Оловдек лаблари

Шивирлар эди

Яна аллақандай исмни...

Йигит кетди,

Унинг ўпичларидан

Қолди от бўйнида

иссиқ-совуқлар,

Қоқоғлаб қўйишди

чўчинқираб,

Бостирма тагида ётган

товуқлар.

Йигит масрур эди бу оқшом,

Олам гўзал эди кўзига.

Илк бўса олганди

Қизнинг лабларидан,

Кўксини босганди кўксига...

Кемтик ой кўринган
Уша оқшом —
Илк бора ёрини қучди ул.
Ухлаб қолди
Лабда табассум билан,
Илк бор уйқусида

Хар ёнда
Харирдек чала ойдин,
Юлдузлар чамани — осмонда.
Йигит термилади чалқанча ётиб,
Ариқ шовуллайди чорбоғ томонда.
Шаббода елпиниб, ҳовличани
Нур ва сояларга ўрайди.
Жим қотиб туради деразалар,
Деворлар жимгина мудрайди.
Дарахтлар учуда
Енади милт-милт
Юлдузларнинг гавҳар донаси.
Супада,

тўшакда ётади йигит,
Бир ёнда отаси,

Узоқ ётди осмонга боқиб,
Ениқ юлдузларга кўз тикиб.
Ениқ ҳислар билан кўксини ёқиб,
Ениқ орзулардан энгикиб...
Қаноти бўлсайди,

У ёқда севгани — қизлар сараси...
Кўзларини юмди,

Борлиқ билан йўқлик ораси...
Ана,

Япроқларнинг қатидан
Аста чиқиб келди
кемтик ой.

Шунда
Пахса девор ортидан
Кимдир овоз берди:

«Ражаббой!..»

Ҳовлиқиб,
Атрофга кўз солди,
Атроф жимир-жимир...
Ипак-шойидан.
Шу маҳал
Мўъжиза рўй берди худди,
У қўзғалиб

Юраги ҳаприқиб,
Энгиккан кўйи,
Учаркан,
юзига сочилди ёғду.

Аввал дарча бўйи,
Кейин том бўйи,
Кейин дарахт бўйи
кўтарилди у...

Осмон!..
Ойдин, мовий бир кенглик!
Ҳайратдан —
Ҳар замон «тавба»лар айтиб,
Қулочини ёзиб,
Учарди қушдек,
Ҳаяжондан нафаси қайтиб...
Қулочи остида эди қишлоғи,
Боғчалар,

ҳовлилар,
ариқлар.
Чизилгандек, тиниқ эди бари,
Сувлар ой нурида ярақлар.
Туташ-туташ
Боғчалардан нари
Кўринарди поёнсиз дала.
Уфққа ёндашиб Қўрғонтепа
Кўриниб туради баралла...
Шундай ёнбошида турибди,
мана,

Суюкли қизининг ҳовлиси.
Яшил айвончаси
боқар жимгина,

Олдида олмаси,
ўрик,
олуси.

Айвонча остида
Ухлайди сокин
Уша жон офаги,
суманбар.

Сочлари ёстиққа
сочилган балким...

Йигит бир талпинди,
Лекин шу маҳал —
Ётди қулоғига
Таниш дукўр-дукўр,
Туёқлар титради ҳарённи.
Аланглаб кўрди у
Катта йўлда
Кетиб бораётган жийронни.

Талпиниб-талпиниб
Қува кетди,
Яқинлашиб қолди
полиз чайлага.

Чайладан ҳам ўтди,
Тутқизмади,
Жийрон чиқиб олди
катта далага.

Жийрон чопиб борар настда,
Ражаббой

Уни қувиб борар баланддан.
Юраги дукўрлаб уради тинмай,
Аллақандай ташвиш,
аламдан...

Ана, яқинлашди
Ва қичқирди: «Ҳайт!»
Юзига урилди жийрон ҳовури,

Лекин Қўрғонтепа
Ортидан шу пайт
Епирилиб чиқди отлар уюри.
Йигит
Жонҳолатда қичқирди,

Бўғилиб,
чиқмади нафаси,
Чўзган қўли ҳавода қолди,
Айқаш-уйқаш бўлиб
кетди ҳаммаси...

Кейин...

Айқаш-уйқаш бўлиб кетди
дунё,
Айқаш-уйқаш бўлди давронлар.
Йигит жийронига миниб
жўнади,
Уни ўраб олди жанглар,
суронлар...
Ғазаб кўзларида ўт ёқар,
Остида булутдек тулпори.
Кечаги ўспирин отбоқар
Бўлди асл жангчи — суворий.
Қон кечиб, жон кечиб,
жанг қилди йигит,

Жанг қилди у

қорда, қуюнда.

Юз минглар қатори
Сирмади қилич,
Даваторчи отлиқ қўшинда.
Россиянинг майдонларида
Минглаб қиличларнинг ялтирашини,
Фашистларнинг қўрқиб-қалтирашини
Кўрди у оловли айёмда.
Чақмоқдек чақнаган қиличи билан
Евлар ўтакасин ёрди у.
Ургимчак тамғали танк устига ҳам
Неча бор бостириб борди у.
Давомли жангларнинг бўрони
Ҳар нафас интиқом сўрганда ёвдан,
Неча бор синашга жийрони
Уни олиб чиқди оловдан...
Душман мағлуб бўлди —
Тўкилди қони,
Синди қанотлари қайрилиб.
Йигит ғолиб қайтди,
Содиқ жийрони
Ва бир оёғидан айрилиб...
Уйланди.
Уч қизу уч ўғил кўрди,
Ўқиш, меҳнат билан ўтди
ҳар куни.

Ўқитувчи бўлди,

кейин колхозда

Партком қилиб сайлашди уни.
Юлғичларга бўлди бешафқат,
Уйламади ўз роҳатини.
У кўзлади,

сўзлади фақат

Асл меҳнаткашнинг

манфаатини...

Уни севишарди юракдан,
Севиб, баъзан ҳазил қилишар эди.
«От билан танкларнинг

йўлини тўсган

Ражаб акамиз», деб кулишар эди.
Тажанг ва асабий юрарди гоҳо,
Сал нарсага ташларди койиб.
Лекин шалоладек мусаффо
Кулгиси бор эди ажойиб.
Кесик оёғида кенжа бармоғи
Қичишиб қоларди баъзан ғалати.
Шунда тўмтоғини, сирли жилмайиб,
Силаб қўйиш эди одати...
Ҳамиша кўзида ўтли бир туйғу,
Ҳамиша қомаги ғоз эди.
Улгунча отлиқ аскар эди у,
Улгунича чавандоз эди.
Урушдан сўнг узоқ яшади,
Баъзан кўринарди ҳоли танг.
Юрагида узоқ

жанг тўхтамади,

Юрагида узоқ

давом этди жанг...

Буни биров билиб,
Биров билмади,
Билган баъзилар ҳам
Парво қилмади.
Кундузлар кечарди

меҳнатда,

Иш, — ташвиш,

ҳар турли мажлислар билан.

Лекин кечалари, албатта,
Солишиб чиқарди фашистлар билан.
Урушдан сўнг узоқ яшади,
Лекин юрагида — қонли из...
Орёл кўчасида уни ҳар кеча
Кутиб турар эди уч фашист!
Ўзини ҳеч кечиролмасди,
Ҳамиша руҳида яшарди ларза.
Унинг кўз ўнгидан кетмасди —
Ўзи шошиб қолган

ўша бир лаҳза...

Улгунча солишди фашистлар билан,
Сўнгги нафасгача солишиб ўлди.
Уша ҳалокатли,

машғум бир лаҳза

Унинг сўнгги нафаси бўлди...

Свердлов районида
Хумин деган қишлоқ бор,
Пахта ўсар ёбонида.
Атрофида мевазор.
Уфқлардан уфқларга
Туташади йўллари,
Яшнаб ётар гулзорида
Нозбўй деган гуллари...
Гулларига мовий само

Етдиради саломлар.
Бу ерларда тонглар сулув.
Сафолидир оқишомлар.
Оқишомлари осмон юзи
Юлдузларга тўлади.
Шунда оппоқ чанга ботиб,
Бир машина келади.
Етиб келиб, тол тагида
Тинар мотор товуши.

Машинадан аста тушар
 Адлқомат бир киши.
 У оёғин судраб бир оз,
 Оқсоқланиб юради.
 Келиб, бирпас ариқ лаби,
 Суз бўйида туради.
 Ховучида суз олади,
 Юзларини ювади.
 Кўкрагини хўллаб-хўллаб,
 Чарчоғини қувади.
 Шунда бир оз тиниққандай
 Бўлар хуши-хаёли.
 Уни супа ўргасида
 Кутиб олар аёли.
 — Келдингизми?
 — Келдик...
 — Келинг...
 Ҳар кунни шу гап такрор.
 Уч калима гапда лекин
 Ҳар кунни бир маъно бор.
 Аввал бошлаб, чойнақдан у
 Симириб чой ичади.
 Сўнг ястаниб кўрпачага,
 Протезни ечади.
 «Ёғочоёқ» бир чеккада
 Жой оларкан тиккайиб,
 У «ух-ух» лаб оёғини
 Уқалайди энкайиб.
 Хотин лаган келтиради,
 Келтиради илиқ суз.
 Тўмтоғини силаб-сийпаб,
 «Ух-ух» лайди ҳамон у.

«Тўмтоқ» яна қизарибди,
 Қабарганга ўхшайди...
 Хотин яна чидаёлмай,
 Дийдиёни бошлайди.
 — Парткомликни қўйинг энди,
 Сизга тўғри келмайди...
 У индамай боқар яна.
 Не дейишин билмайди.
 — Узингизни ўйланг, ахир,
 Болалар бор бу ёқда...
 — Ҳа, айтмоқчи, кўринмайди,
 Болаларинг қаёқда?
 — Ут теришга кетди Жамол,
 Жаббор ҳали мактабда.
 — Розия-чи? Назира-чи?
 — Келиб қолар шу тобда...
 Улар пахта теришади
 Тонгдан қора шомгача,
 Кейин китоб ўқишади
 Шомдан яна тонггача.
 Оёғини силайди эр,
 Уф тортади аёли.
 У эрига ачинади,
 Бўлинади хаёли.
 — Овқатингни келтир тезроқ.
 — Ҳа, намунча?
 — Бюро бор.
 — Сиз ҳам бундоқ дам олинг-да!..
 Яна эски гап такрор.
 — Парткомликни қўйинг энди,
 Сизга тўғри келмайди...
 У хўрсиниб боқар яна.
 Не дейишин билмайди.

Ярим тунда қайтди бюродан,
 Лаблари қовжираб, толиқиб.
 Хотин кутиб олди уни

дарвозада,

Уйқусиз кўзлари ториқиб.
 Яна илиқ суз ва сочиқ тутди,
 Яна аргиб қўйди «ёғочоёқ»ни.
 Яхна чой келтирди, каравотга
 Суяб қўйди қўлтиқтаёқни...

— Овқат келтирайми?

— Йўқ, қорин тўқ.

— Бир тилик қовун енг, бўлмаса...

Эри бош чайқади:

— Егим йўқ.

Ухлайлик, шу топда ухламоқ — маза...

Тўшакка узаниб, юмди кўзларини,

Лекин ухлатмади оёғи қақшаб.

Боши ғувилларди овозлардан,

Ғала-ғовур — бозорга ўхшаш...

Кимдир дўқ уради, ўдағайлайди,

Кимдир бидирлайди жонҳалак.

Хаёлида ҳадеб

айланаверди

Иирик, дум-думалоқ
ҳандалак.

Кейин
Унда бир жуфт кўз очилди,
Укки кўзларидек

шум,
айёр.

Лаб-лунж пайдо бўлди,
Қорин осилди,
Мана — турқ-тароват тайёр.
Шу қишлоқда магазинчи у,
Кичикни «куёв» дер, каттани «почча»,
Чорими, Панжими — исми бир бало,
Лекин лақаби бор — Бойвачча...
Нарх устига нарх қўйиб сотиб,
Қақшатиб юрибди қишлоқ аҳлини.
Ражаб ака бугун учратиб,
Киригиб қўймоқчи бўлди

ақлини...

Қўлини кўксига қўйиб Бойвачча,
«Хўш-хўш» лаб илжайди ҳар онда.
Раиснинг пинжиги кириб олган шум,
Орқатоғлари бор районда...

Кимдир дўқ уради,
ўдағайлайди,
Кимдир бидирлайди жонҳалак.

Бўғилиб —
Очади кўзларини у,
Юксалиб туради бошида фалак.
Шу фалак, шу сокин осмон остида
Жим қотиб туради қўрғонча,
Жим қотиб туради ўчоқ бошида
Қора қумғон билан қозонча.
Жим қотиб туради деразалар,
Дарахтлар

жимгина боқар қорайиб.

Ой чиқиб келади бир маҳал
Коинотга

қизғиш шуғласин' ёйиб.

Негадир шу маҳал,
Худди шу маҳал —
Кўксига бир қалқиб,

ҳаприқади жон...

Йилтираган девор ортидан —
Кимдир қичқиради: «Ражабжон!..»
Шунда у қўзғалиб, учади —
Шарпасиз, садосиз, булутга монанд.
Ана, том бошига кўчади,
Ана, кўтарилар томдан ҳам баланд.
Яна кўтарилсам, дейди, баландроқ
Ва яна баландроқ кўтарилади.
Қуш каби ҳавода туриб муаллақ,
Атрофга термилиб,

кулади...

Атрофда кенг, ойдин уфқлар,
Ой нурида томлар,

ишкомлар сулув.

Боғлар ой нурига бурканиб ухлар,
Ярқираб кўринар ариқларда сув...

Лекин шу пайт...
Таниш дукур-дукур
Титратиб юборар ҳарённи.
Аланглаб, кўрар у
Катта йўлда
Кетиб бораётган жийронни.
Талпиниб-талпиниб қувади,
Ана, яқинлашар полиз чайлага.
Лекин чайлани ҳам четлаб ҳадемай,
Жийрон чиқиб олар далага.
Жийрон чопиб борар,

бошини буриб,

Гоҳо эгасига тикар кўзини.
Эгаси талпинар,

энгашар

Ва эгарда кўрар ўзини...
«Атака!» деб қичқирар кимдир,
У шошиб,
Атрофга кўз ташлар ҳамон:
Қияликдан настликка қараб
От қўйиб боради эскадрон!
Снарядлар портлайди бот-бот,
Оқиб тушар манглайдан тер.
Эгар ғирчиллайди, ҳансирайди от,
Ялтираб боради қўлида шамшир.
Душман қочиб борар пилдираб,
Командир ҳайқирар:

«Вперед! Олға бос!»

Тутунга бурканган уфқ остидан
Орёл шаҳри чиқиб келади пешвоз...
Пистирмага қўйиб отларни,
Шаҳарга уришар ўзни шу заҳот.
Шаҳар бўм-бўш,
Кўчалар жимжит.
Қайдадир тариллаб қўяр пулемёт.
Қайси бир қуролдош ўртоғи билан
Ўзни бир кўчага урар Ражаббой.
«Шаҳарни душмандан тозалаш керак!»
Изғиб юришгандир, хойнаҳой».
Лекин кутмаганда,
Ҳеч кутмаганда,
Ен кўчадан, шундоқ юзма-юз,
Уч фашист чиқади —

кийимлари қон,

Қўлда автоматлар,
қарашлари муз...

Душманга кўз ташлаб,
Ражаббойдан
Ғолиб келди ғалати бир ҳол
(Икки йил жанг қилиб, ёнгинасида
Фашист турганидан, эҳтимол).
Автоматни бўйнидан олиб,
Отмоқчи бўлди у, мана, қўл чўзди.
Лекин улгурмади,
Шу маҳал —
Фашист тариллатиб ўқ узди,
Худди чўрт кесилган дарахтдек,
Шериги йиқилди юзгубан.
Ражаббой учаркан бир ёққа,

Уни кўриб қолди кўз қири билан.
Қаттиқ зарб учирди Ражаббойни,
Бир ёққа итқитиб юборди.
Гўё даҳшатли бир аждаҳо
Уни ямлади-ю,
ютиб юборди...

Бўғилди,
зўриқди,
бўғриқди,
Дунёни қоплади қоронғу.
Нафаси ичига тушиб,
музларкан,
«Онажон!.. Улдим!..» деб
айта олди у...

Шу талваса, шу зўриқишдан —
Бирдан фавворадек отилди қони!
(Сонини ўқ мажақлаб ўтганди,
Косадек ўйилган эди бир ёни...)
Қони отиларкан
Нафаси чиқди,
Гўё қайта кирди танига жони
Ва лекин шу маҳал,
Худди шу маҳал
Қулоғига етди

таниш дукур-дукур,
Излаб келар эди уни жийрони...
Тўрт қадам нарида уч фашист
Ҳамон туришарди тўсиб дунёни,
Ен кўчада эса —
Ҳамон «дукур-дукур»,
Излаб келар эди уни жийрони.
Мана, от,
чамаси,

яқинлаб қолди...
Ражаббой шунда бор мадори билан:
Жонининг энг сўнги дармони билан:
«Отни қайтаринглар!» дея дод солди.
— Отни қайтаринглар!..
Қўли ногаҳон —
Сув тўла косани ағдарди,
Хотини уйғониб, бошига борди.
Қалтироқ босганди
Бутун вужудини,
Каравоти тинмай ғичирлар эди.
Кўзлари олайган,
Лаблари титроқ:
«Отни қайтаринг!» деб
пичирлар эди...

Қўшниси қизини узатди,
Қишлоққа ош берди туш пайти.
Сунбула тўлишиб, сувлар тиниққан,
Қуёшнинг яллиғи
қолганди қайтиб.
Келишди ҳар ёқдан тўп-тўп жамоат,
Еронлар, элатлар —
ҳаммаси.
Кечикиброқ келди Ражаб ака,

Узоқ бригадада экан чамаси.
Қутлуғ, деб тўйчига тавозе қилди,
Уни бошладилар давра тўрига,
Бахмал кўрпачали катта сўрига,
Қирмизи чиннида ош келди.

Шу пайт

Қуйироқда турган сўридан
Эшитилди совуқ, хирилдоқ кулги.
Бойвачча эди бу, ичиб олганди,
Гап отарди турган еридан.
— Тоға, дейдиларки, Амир Темур
Чўлоқ бўлган экан, шу ростми?..
— Ҳа; Темурланг дейишган уни!..
Жавоб берар унга қўшни сўридан
Тоғаси, гумбаздек кал Бадир;
Яна ўша хунук, хирилдоқ кулги...

Бир сесканиб тушди Ражаббой ака,
Наштар қадалгандай кўкраги санчди.
Пичинг отишарди тоға-жиан,
Унга шама қилиб... Қандай аянчди
Уларнинг қилмиши! Лекин не илож?
Тўйда айтишмоқни айб санайди эл;
Шунинг-чун тишини тишига қўйди,
Чидаб тура берди сиполик билан.
Унга маълум эди, кимлиги аён —
Пихиллаб юргувчи, семиз кал Бадир.
Ҳалол кишиларни кўрарди ёмон,
Ор-номус эди унга беқадр.
Раис бўлиб уруш йиллари
Қадамини кўп чакки босган,
Хотинбоз деб ном ҳам чиқазган,
Ҳозир беда — ўт қоровули.
Ҳаромдан ҳазарни билмас ҳеч қачон,
Ҳаромдан келади омади,
Лекин жони қаттиқ, жудаям қаттиқ,
Икки бор ток урди, ўлмади...

«Устимдан кулармиш... Сени қара-ю,
Сўзинг томоғингга тиқилгур.
Сен ҳам яшайсан... Умр эмишми
Сен умр деб санаган умр!
Ҳаётингда не мағно-тамиз?!
Балойи нафс учун яшайсан ҳар дам.
Ҳа, шошмай тур ҳали, тортиб қўямиз
Сендайларнинг танобини ҳам!»

Шундай деб ўзига берди тасалли,
Лекин юрагидан учди хўрсиниқ.
Лекин кайфияти бузилди,
Хомуш бўлиб юрди, қовоғи солиқ.
Шу кеч уйқусида учмади,
Ярим тунда қочди кўзидан уйқу.
Аста туриб, ҳовлига чиқди,
Ой тўлиб, оламга сочарди ёғду...
Ариқ шовиллайди боғ эгагида,
Шовиллаб оламни аллалар.
Девор оша боқди, осмон тагида
Осмондек ястаниб ётар далалар.



Узоқ термилди у... Изига қайтиб,
 Совуқ тўшагига чўзилди.
 Кўзларини юмди, вожаб,
 Оёғи заминдан узилди...
 Ражаббой дод солиб, ўрнидан учди —
 Тўшакдан йиқилди пастга

гурс этиб.

Хотин, болалари келишди етиб.
 Жиққа терга ботган,
 Вужуди титраб,
 Кўзида бир ваҳм — ўт ёнар эди.
 Гоҳ унга, гоҳ бунга
 Телбадек қараб:

«Отни қутқаринг!» деб
 ёлборар эди...

«Қанақа от ўзи;
 Қуриб кетсин!
 Дўхтирга кўрининг...» — деди аёли.
 У узоқ хўрсинди бошини эгиб,
 Сўз айтишга етмай мажоли...

Мезон келди, бир-икки бор қўйди ёмғир,
 Кўкка боқиб, деҳқон дили така-пука.
 Авжга чиқди дала-даштда югур-югур,
 Белга этак тутди бутун республика.
 Катта-кичик теримга деб энг шимарди,
 Кимлар қолиб, кимлар ўзиб доврўқ солар.
 Мактабларда — қўйи синф болалари,
 Уйда қолди мункиллаган кампир-чоллар.
 Эски «Газик» югуради дала-даштда,
 Югурмасанг, ишнинг сира унуми йўқ.
 Узун-узун йўллар босар Ражаб ака,
 Тиними йўқ, бирор жойда қўними йўқ.
 Кундузлари юрар пахта даласида,
 Шошилтирар: бир тола ҳам қолдирма, тер!
 Кечалари эса райком бюросида
 Раис билан тикка туриб, ҳисобот бер...
 Ҳашарчилар келиб, бир оз ошди сурғат,
 Иш кўпайди, яна узун бўлди йўли.
 Уйига бир бош суқишга борми фурсат,
 Ҳаттоки бош қашишга ҳам тегмас қўли.

Эшвой даласида эди ўша кун
 Қулоғига етиб келганда магар —
 Бадалвой шофернинг боласини
 Машина босибди, деган

шумхабар...

«Вой, афсус!» деб изтироб билан
 Кўтаролмай қолди бошини анча.
 «Ким бостирган? Ким?» деб

сўради кейин,

«Магазинчи бор-ку... Бойвачча!..»

Болакай мактабдан пилдираб чиқиб,
Кўча ўртасига аранг етибди.
Ширакайф Бойвачча «Жигули»сида
Шамолдай келаркан,

босиб ўтибди...

Бола қоришибди тупроққа,
Дафтар-китоблари сочилиб,
абас.

Лекин босганича кетаверибди,
Қарамабди оргига нокас.
Шумқадамнинг шум қадамидан
Рўй берибди шундай ҳалокат.
Авжи йиғим-терим палласи
Бу қандай фожиа,

фалокат!..

Бутун колхоз чузуллаб қолди,
Чалинди қулоқдан-қулоққа.
Райондан келишди,
Тергов қилишди,
Бойвачча олинди қамоққа...
Орадан ўн кунча ўтди шекилли,
Бўм-бўш эди каттакон кўча.
Магазин олдида кўриб қолди у:
Ишшайиб турарди Бойвачча.
Яқин борди, унинг кўзига
Кўзларини тикди: «Гапир! Нима гап?»
Бойвачча илжайиб-тиржайди: «Бадал
Даъвосидан кечди», — деди бидирлаб.
— Даъвосидан кечди? Наҳотки?!
Бойвачча югиниб, тасдиқлади: «Ҳа»
Ражаббой тушунди ва шарақлатиб
Қотилнинг бетига туширди:

«Аблаҳ!»

Сўнг шартта бурилиб, жўнади,
Юрди ижирганиб,

тупуриб...

Бадални топтирди, кутиб олди .
Уни кабинетда тик туриб.
Бадал кириб келди боши хам,
Иккови туришди юзма-юз.
— Қани, гапир, — деди Ражаббой ака,
Бадал тура берди

мўлғайиб, маъюс.

— Гапир, пул бердими?!
Бадал нафасини
Ичига ютгандай: на садо, на ун.
— Қисмат экан, — деди кейин ғудурлаб,
Йиғламоқчи бўлди...
— Қисматинг қурсин!..
Ўз болангни пулга сотдингми?!
Одамхўр, шарманда!..
Бадал турар лол.
Ражаб ака муштумини тугди,
Гурсиллатиб урди столга: «Йўқол!..
От кишнаб юборди,
Яна мук тушди,
Яна ирғиб турди жойидан.
Оёқлари қалтирар эди,
Қони оқар эди пойидан...
Шунда яна бири —

Учинчи фашист
Юриб келди бир-икки қадам.
Туриб олди, икки оёгин кериб.
Жийронга тикилар, қўли тепкида...
Ражаббой —
Яқиндан кўриб турарди
Душманнинг чаёндек важоҳатини:
Отга тикиларди фашист — кўзи лўқ...
Ана, у бир елка учириб,
Найзадек ўқталди
автоматини...

Кейин
буриштирди афтини,
Ва тепкини босди...
Қарсиллади ўқ!

От унсиз йиқилди, кишнамай,
Йиқилди жонивор ногаҳон,
Ҳар ёнга сочилди
Лахта-лахта қон...
Ражаббой
Ингради, оҳ урди!

Шунда
У сира ҳам кутмаган савдо,
Ҳатто хаёлидан ўтмаган савдо
Унинг кўз ўнгида

рўй берди...
От ётаркан оғир ҳансираб,
Ҳаммаёғи қон ва шилта лой;
Бир чеккадан киришди пусиб —
Бойвачча,

кал Бадир,
Бадалвой...

Улар ўраб олиб Жийронни,
Тепкилаб кетишди беомон.
Гурс-гурс тегишарди

айланиб,
Инграб қўяр эди гоҳида
Жийрон...

Ражаббой ингради отга қўшилиб,
Гоҳ чиқиб, гоҳида чиқмай нафаси —
Дод солди, дод солди, дод солди!...

Кейин
Айқаш-уйқаш бўлиб
кетди ҳаммаси...

Бир ҳафтача ётди ёниб-ҳансираб,
«Отни қутқаринглар!» дея дод солди.
Докторлар йиғилди бошига,
Бири укол қилди, бири қон олди...
Бари бир кўзини очмади,
Еттинчи кун таслим этди жон,
Тонготар маҳали
Унинг ҳовлисидан
Ениқ фарёд учди:
«Ражабжон!..»

Сен кетдинг,
алвидо, дедим оламга,
Кўзда ёшимизни селдай тошириб...
Мен қандай чидайман энди бу ғамга,
Азиз биродарим — Ражаб Ашуров!

Мард эдинг,
соҳиби майдон эдинг сен,
Яшадинг, курашда зарбинг ошириб,
Зотан, инсон эдинг, инсон эдинг сен,
Азиз биродарим — Ражаб Ашуров!

Нега сен дардингни элга айтмадинг,
Нега юрагингда юрдинг яшириб?
Лекин сен йўлингдан сира қайтмадинг,
Азиз биродарим — Ражаб Ашуров!

Бағримда ифтихор, кўнглимда тугун,
Қабрингга келаман ҳали бош уриб,
Алвидо айтаман бошингда бугун,
Азиз бародарим — Ражаб Ашуров!..

Оламга боқаман: суронли ҳаёт,
Кўзимда умидлар, ҳайрат-ажаблар.
Қаранг, туғилмоқда янги бир авлод,
Янги Ашуровлар, янги Ражаблар!..

Ҳаёт боқий эрур, қуёш абадий,
Қуёшда кўкарган ниҳоллар боқий.
Меҳнат абадийдир, бардош абадий,
Ҳаромлар ўткинчи, ҳалоллар боқий.

Қисматингни ўйлаб, оғир ўй суриб,
Умр қўшигинга яна қайтаман.
Умринг қўшиқ бўлди, Ражаб Ашуров,
Дам кулиб, дам йиғлаб, яна айтаман:

Иироқлардан —
Кишнаб келар жийрон от,
Туёғига таслим бўлиб майдонлар.
Дупур-дупур қадамлари бийрон от,
Ялт-юлт ёниб кўзларида осмонлар.
У қирларни кўкламларни севади,
Майсаларни, шабнамларни севади...
Дупур-дупур,
Дукур-дукур — дунёга.
Бир чайқалиш, ларза солиб ўтади.
Жийрон учиб борар тайин маъвоа,
Балки бир кун манзилига етади.
Чақиради уни баҳор еллари,
Туёғига оқиб тушар терлари!..

Дўрмон,
1983 йил, август

БУГУНДАН БОШЛАНГАН КЕЛАЖАК

...Меҳнат унумдорлиги фақат ходимнинг маҳоратигагина эмас, шунингдек, унинг меҳнат қуролларининг такомиллашганлигига ҳам боғлиқдир.

К. МАРКС.

Меҳнат унумдорлигини ошириш энг асосий вазифалардан бирини ташкил этади, чунки бусиз узил-кесил коммунизмга ўтиб бўлмайди.

В. И. ЛЕНИН.

Меҳнат унумдорлигини тубдан ошириш — иқтисодий соҳадаги энг муҳим вазифадир. Бу соҳада биз дунёдаги энг юксак даражага етиб олишга интилишимиз керак.

Ю. В. АНДРОПОВ.

Ю. В. Андропов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Июнь (1983) пленумида шундай деган эди: «Ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилиги ишлаб чиқариш муносабатларининг асосидир: Маълумки, бизда бу мулкнинг икки хил шакли: давлат мулки ва колхоз-кооператив мулки бор. Биз мана шу икки шаклдаги мулкни яхлит, ўмумхалқ мулки қилиб қўшиб юбориш истиқболлини кўриб турибмиз. Бунга колхозларни механик тарзда совхозларга айлантириш йўли билан эришилмайди, албатта. Бошқа йўллар, масалан, агросаноат интеграцияси, колхозлараро ва колхоз-совхоз бирлашмаларини ривожлантириш сингари йўллар борлигини тажриба кўрсатиб турибди».

Бугунги кунда ижтимоий тараққиёт ва халқ фаровонлигини янада ошириш йўлида жуда катта ва кўпқиррали программ вазифалар турмушимизга кириб келди. Шулардан бири агросаноат бирлашма йўсинидир. Озиқ-овқат программасининг амалга оширилишида ҳам унинг асосий омил бўлиб қолаётганлиги шундан. Агросаноат бирлашма, Озиқ-овқат программаси, пудрат усули... Партия ва ҳукуратимизнинг қатор қарорлари ана шу масалаларнинг ҳал этилишида муҳим дастуриламал бўлиб қолмоқда. Ҳаёт синовидан ўтаётган тажрибалар оммалашмоқда. Нуқсонларга барҳам берилиб, бу донғил йўл уфқлари тобора кенгайиб кўринмоқда.

Журналимизнинг ўтган йилги 9-сонидан ана шу масалалар юзасидан суҳбат ўтказилган, унда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Министрлар Совети Президиумининг агросаноат комплекси масалалари бўйича Комиссия раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бектош Раҳимович Раҳимов бу борада атрофлича тушунча берган эди. Мақола кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ана шу масалаларнинг ҳал этилишида асосий эътибор қаратилган бугунги кунда биз яна шу мавзуда давра гурунги ўтказишни маъқул топдик. Журнал Бош редактори Пирмат Шермухамедов олиб борадиган давра суҳбатида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Министрлар Совети Президиумининг агросаноат комплекси масалалари бўйича Комиссия раиси Бектош Раҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва

агитация бўлимининг инструктори, иқтисод фанлари кандидати **Нурислом Тўхлиев**, ЎзССР Қишлоқ хўжалиги министри **Абдукарим Уркинбоев**, ЎзССР Мева ва сабзавотчилик хўжалиги министри **Ориф Алимов**, ЎзССР Гўшт ва сўт саноати министри **Йўлдош Мамажонов**, ЎзССР Озиқ-овқат саноати министри **Мўминжон Йўлдошев**, Урта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий-тадқиқот институтининг директори, ВАСХНИИЛнинг мухбир аъзоси **Саидмахмуд Усмонов**, ЎзССР Қишлоқ хўжалиги министрининг биринчи муовини, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси раиси **Фармон Омонов**, ЎзССР Фанлар академияси иқтисод институтининг катта илмий ходими, иқтисод фанлари кандидати **Искандар Тўхлиев**, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати **Искандар Ҳайитов** ўртоқлар иштирок этадилар.

П. Шермухамедов. Доҳий В. И. Ленин янги меҳнат интизомини вужудга келтириш, кишилар ўртасида ижтимоий алоқанинг янги шаклларини ўрнатиш, кишиларни меҳнатга жалб қилишнинг янги усулларини жорий этиш, бу — кўп йиллаб давом этадиган, ғоят хайрли ва олижаноб ишлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бектош Раҳимович, сиз журнализмизнинг ўтган йилги 9-сонида ана шу хайрли ва олижаноб иш йўлида меҳнат унумдорлигини, мамлакат иқтисодини юқори поғоналарга кўтарётган тадбирлар ҳақидаги саволларга жавоб берган эдингиз. Яъни, агросаноат комплекси ва унинг бирлашмалари, тузилиши, фаолияти, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўлида олиб борилаётган ишлар хусусида, пудрат усулининг фазилатлари ҳақида тўхталган эдингиз.

Бугунги давра гурунгимизда асосий диққат-эътиборни ана шу иш жараёнларида қўлга киритилаётган иқтисодий кўламлар ва уларнинг иш йўсинлари тўғрисида бетафсилроқ суҳбатлашиб олсак...

Б. Раҳимов. Бу мақсадга мувофиқ гап, Пирмат Шермухамедович! Чунки халқ хўжалиги ишлаб чиқаришини агросаноат комплекслари асосида қайта ташкил бўлганининг афзалликлари ва бу борадаги муаммоларни оммавий матбуотда кенг ёритиб бориш умумий ишимизга катта ёрдам беради, деб ўйлайман. Зотан, устивор жамиятимизда янгидан-янги усул ва шакллар совет кишиларининг турмуш тарзига, яшаш шароитига яна ҳам ҳусн бахш этапти. Агросаноат комплекси ва бирлашмалари, Озиқ-овқат программаси, пудрат усулига ўтиб ишлаш — буларнинг барчаси бугунги кунда фақат халқ фаровонлигини, мамлакат иқтисодини оширибгина қолмасдан, балки мамлакатимизнинг халқаро мавқеини оширишда ҳам катта аҳамият касб этапти.

Агросаноат комплекслари ва бирлашмаларининг ҳаётга йўлланма олишига асосан КПСС Марказий Комитетининг Март (1965) пленумида асос солинган эди. Партияимизнинг кейинги қарорларида қувватланган аграр сиёсатини жадал ривожлантиришга аҳамият берилди. КПСС XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг май (1982) ва ундан кейинги пленумлари бу сиёсатга алоҳида эътиборни қаратди. Айна пайтда Озиқ-овқат программаси ишлаб чиқилди. Съезд материалларида қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини янада ривожлантириш, колхозлараро ва давлат-колхоз корхоналари ҳамда ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, агросаноат комплекслари ва бирлашмалари тузиш зарур, деб кўрсатилган эди. Ушандан буён агросаноат комплекслари ва бирлашмалари хўжаликлараро ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантириш ва бир қатор ташкилий ишларни йўлга қўйишдан ташқари меҳнат унумдорлигини яхшилаш, аҳолини бутун йил давомида иш билан таъминлаш, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг моддий, маданий ва сиёсий онгини янада ошириш сингари қатор ижтимоий масалаларни жадал ҳал этишда фаоллик кўрсатапти.

Шунингдек, КПСС XXVI съездида, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва 1983 йил июнь ҳамда декабрь пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорларида бу масалалар янада пухта ва атрофлича кўриб чиқилди. Партия ва ҳукуватимизнинг бу йўлда белгилаб бераётган кўрсатмалари, тадбир ва чоралари муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси энг аввало меҳнат унумдорлигини ошириш омили бўлиб қолаётгани кўриниб турибди. Зотан, Карл Маркс айтганидек, иқтисодий даврлар бир-бирларидан нималар ишлаб чиқарилгани билан эмас, балки қандай ишлаб чиқарилгани билан, қандай меҳнат воситалари қўлланилгани ҳолда ишлаб чиқарилгани билан фарқ қилади. Меҳнат воситалари киши иш кучининг нақадар ривож топганини ўлчайдиган бир меъёр бўлибгина қолмай, балки меҳнатнинг қандай ижтимоий муносабатларида амалга ошганини ҳам кўрсатади.

С. Усмонов. Тўғри: Худди шу мақсадда қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланиш истиқболларига янгича ёндашган КПСС Марказий Комитетининг май

ДАВРА

СУХБАТИ

ИШТИРОКЧИЛАРИ



Бектош РАХИМОВ

Нурислом ТУХЛИЕВ

(1982) Пленуми агросаноат комплексини режалаштириш ва бошқаришнинг мустақил объективи сифатида ажратишга қарор қилди. Натижада районлар, ўлка, область ва автоном республикаларда агросаноат бирлашмалари, иттифоқдош республикалар ва марказда агросаноат комиссиялари тузилган эди.


Агросаноат комплексларининг вужудга келиши, ривожланиши уни ташкил этувчи тармоқларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш муаммоларини ҳам келтириб чиқарди. Ана шу борада олиб борилаётган изланишлар агросаноат комплексининг оптимал ривожланиши учун илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқишга қаратиляпти. Тармоқлараро иқтисодий алоқаларни текшириш, агросаноат комплекси тармоқларига ҳам ашё етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишга қаратилмоғи лозим. Бу агросаноат комплекси системасида тармоқлараро алмашинувининг эквиваленти даражасини аниқлашга кўмаклашади.

Н. Тўхлиев. Албатта, партиямизнинг аграр сиёсати ҳақида гап кетганда, аввало, социалистик ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллариаро узвий боғлиқликни тушунамиз. Бу ўз-ўзидан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг ялпи интенсив йўлига ўтиш, иқтисодни максимал пиравард натижаларга йўналтириш, Озиқ-овқат программасини бажариш, деганидир. Агар масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугунги кунда ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг специфик шакллари сифатида хўжаликлараро кооперация билан агросаноат интеграцияси асосий ўрин эгаллаб қолмоқда.

А. Уркинбоев. Мазкур журналнинг ўтган йилги 9-сонидаги суҳбатда ҳам бу саволларга қисман жавоб бергандингиз, Бектош Раҳимович. Шу хусусда яна кенгроқ тўхталсак.

Б. Раҳимов. Республикамиз агросаноат комплекси иттифоқимизда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки бизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини саноат негизига кўчириш учун жуда қулай имконият ва шароитлар бор. ЎзССР агросаноат комплексини асосан тўрт кўринишдаги иқтисодий гуруҳларга бўлинган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик; иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни марказлаштириш, ихтисослаштириш ва индустрлаштириш; учинчидан, ишлатиладиган ҳам ашёнинг характери ва тўртинчидан, ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш. Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инсон ҳаёти учун зарур бўлган моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ўз навбатида янги хил маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни кучайтиради. Демак, моддий неъматларни ишлаб чиқаришга талаб ҳам ўз-ўзидан тагин ошади. Маълумки, инсон эҳтиёжига мансуб маҳсулотлар орасида озиқ-овқат маҳсулотлари алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин қудратли озиқ-овқат фондининг мавжудлиги хўжаликнинг туб асосларидан бирини ташкил этишини уқтириб ўтган эди. Бу ерда ҳам агросаноат комплекси иқтисодий жиҳатдан муҳим ўрин тутаётганини назарга олишимиз керак.

Н. Тўхлиев. Энди, мен озиқ-овқат программаси озиқ-овқат комплекси ривожланишининг асосини ташкил этиши хусусида тўхталмоқчиман. Озиқ-овқат программаси аҳолининг барча турдаги маҳсулотларга бўлган талабини тўла қондиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган ҳолда турмушга кириб келди. Озиқ-овқат комплекси ҳам агросаноат комплекси сингари уч кўринишда: комплекснинг барча соҳалари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, яъни деҳқончилик ва чорвачилик, балиқчилик; қишлоқ хўжалик ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини ҳамда ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда намоён бўлаётир.



Абдукарим УРКИНБОВЕВ

Ориф АЛИМОВ

Йўлдош МАМАЖОНОВ

А. Уркинбоев. Маълумки, ҳозир агросаноат комплексининг асосий соҳасини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ташкил этапти. Энди ўлка агросаноат комплекси, область, район бирлашмалари мамлакатдаги энг йирик — ягона агросаноат комплексига узвий боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатаяпти. Бу усул ҳар бир министрлик, ҳар битта ишлаб чиқариш коллективини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш ва қайта ишловчи корхоналар билан боғлаб қўяди.

Меҳнат тақсимотининг чуқурлашув жараёни, биринчидан, ихтисослашган корхоналарнинг ташкил топишига, иккинчидан, улар ўртасида кооперациянинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу икки жараён бир-бири билан шу қадар алоқадорки, К. Маркс таъбири билан айтганда, меҳнат тақсимотининг ўзиёқ кооперациянинг алоҳида кўринишидир ёки унинг барча афзалликлари, умуман олганда, кооперациянинг бутун моҳиятидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, ҳозирги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашув даражаси агросаноат интеграцияси учун иккинчи иқтисодий шарт-шароит бўлиб қолади.

Агросаноат комплекси шаклланишининг учинчи шarti қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг қудратли моддий-техника базаси ҳисобланади. Саноат ва қишлоқ хўжалигида тармоқлараро алоқаларнинг кучайиши, шунингдек, агросаноат комплексларини тузишнинг зарурлиги ва муқаррарлигини исботловчи илмий назариянинг шаклланиши агрокомплекснинг тўртинчи шarti, деймиз.

И. Ҳайитов. Худди шу жиҳатдан олганда, ҳозирги кунда СССРда вужудга келтирилган қудратли саноат йилдан-йилга қишлоқ хўжалигини моддий-техника воситалари билан таъминламоқда ва, ўз навбатида, кўплаб миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқармоқда. Масалан, саноатга хом ашё сифатида тушаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори 1959 йилдаги 39,6 фоиздан 1980 йилда 60,2 фоизга ошди ёки ҳозир халқ хўжалигининг 80дан ортиқ тармоғида қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан фойдаланилмоқда. Шу давр ичида қишлоқ хўжалигига ўз маҳсулотини етказиб берувчи саноат тармоқлари сон 28 тадан 90 га етди.

Бошқача айтганда, саноат колхоз ва совхозларга тахминан 70 фоиз тракторлар, 30 фоиз юк автомобиллари, 96 фоиз комбайнлар, 80 фоиз маъдан ўғитлар, кўплаб қурилиш техникаси ва материаллари, электр жиҳозлари, ёқилғи ва бошқа саноат маҳсулотлари етказиб бермоқда. Натижада, шу кунларда қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг 80 фоиздан ортиғи саноат асосига эга бўлиб қолди. Бу демак, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 60 фоизи моддий ҳаражатларда саноат ҳиссасига тўғри келаяпти, деган сўздир.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини ва саноат учун хом ашёни ишлаб чиқариш биргина қишлоқ хўжалигига эмас, кўп жиҳатдан иқтисоднинг бошқа тармоқларига ҳам боғлиқ бўлиб қоляпти.

Ф. Омонов. Мен шу ўринда деҳқончиликни интенсивлаш билан тупроқ унумдорлиги ўртасида азалдан зиддият борлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман. Ердан қанча маҳсулот етиштириб олсак, у шунчалик мадори қуриб, унумсиз бўлиб бораверади. Аммо бу зиддиятга ҳозирги кунда барҳам бериш йўллари топилган. Энди деҳқончилик системаларида амалга оширилиши лозим тадбирлар комплекси ёрдамида тупроқ унумдорлигини қайта тиклаб боравериш, ҳатто ошириш ҳам мумкин. Худди ана шу йўлда кимёлаштиришнинг аҳамияти бениҳоядир. Биргина мисол. Ҳозир қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг 50 фоиздан зиёдроғи маъдан ўғитлардан унумли фойдаланиш натижасида қўлга киритилаяпти. Экинни турли хил



Мўминжон ЙУЛДОШЕВ



Саидмахмуд УСМОНОВ



Фармон ОМОНОВ

касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари ҳам потенциал равишда яна 15—20 фоиз ҳосилни сақлаб қолишга сабаб бўлмоқда. Мана шу каби устунликлар кўзда тутилиб, 1979 йили мамлакатнинг ягона ихтисослашган агрокимёвий хизмати йўлга қўйилди. Натижада, бундан уч ярим йил муқаддам «Узсельхозхимия» ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси ташкил топди. Колхоз ва совхозлар кимёлаштиришнинг барча воситалари билан таъминлана бошланди.

П. Шермухамедов. Бу ишларни йўлга қўйишда келиб чиқаётган камчиликлар ҳам бордир?

Ф. Омонов. Албатта. Ўтган уч йилча муддат — янги тармоқ тўла шаклланиб бўлди, дейишга ваколат бермайди. Хусусан, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда кўп ишлар амалга оширилиши керак. Аммо бирлашма фаолияти ўз вақтида бошланганлигини таъкидлаш зарур. Шу қисқа вақт ичида ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ва иқтисодий даромад ошганлиги, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматида илгарилаш юз бергани, кимё тадбирлари комплексида экинларни кимёвий дорилаш салмоғи камайгани, атроф-муҳитни ифлослантирмаслик имкониятини берадиган биологик воситалар ҳамда уйғунлаштирилган методлар тобора асосий ўринни олаётгани каби жуда кўп ўзгаришлар бу йўлнинг ойдин уфқларини кўрсатиб турибди.

А. Уркинбоев. Ҳақиқатан ҳам, пахта ҳосилдорлигини ошириш масаласи кўп қиррали ва кўп нарсага боғлиқ: умумий деҳқончилик маданиятини юксалтириш, алмашлаб экишни йўлга қўйиш, илмий-техника прогресси ва илғор тажрибага эришиш, экишдан то пахта ҳосилини йиғиб-териб олгунга қадар бўлган барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб амалга ошириб борилиши керак. Шу ўринда агросаноат бирлашмалари, пудрат усулига ўтиб ишлаш усуллари қўл келяпти.

И. Ҳайитов. Дарвоқе пахтачиликка ихтисослашган республикамиз шароитида агросаноат бирлашмаларини вужудга келтириш учун кенг имкониятлар бор. Чунки ўлкада пахта-саноат комплекси мавжуд, яъни Ўзбекистон саноатининг кўпчилик тармоқлари пахтачилик билан бевосита боғлиқ. Масалан, Ўзбекистон индустриясининг 30 фоизидан ортиқ маҳсулотини берадиган пахта тозалаш саноатини олайлик. Ҳар йили 5,8—6 миллион тонна пахтани қайта ишлайди ҳамда бу тармоқ қишлоқ хўжалиги билан бевосита алоқададир. Ўз навбатида бу тармоқ чигит етказиб бериш орқали ёғ-совун саноати, чорва озуқаси етказиб бериш орқали чорвачилик ҳам ашёси — пахта толаси етказиб бериш бўйича тўқимачилик, ип-газлама каби кўплаб саноат тармоқлари билан алоқададир. Демак, бу тармоқда агросаноат комплексларини ривожлантириш истиқболлари мажуд.

Мамлакат ҳаёти, унинг иқтисодий ва муҳофаа қудрати учун металл, нефть ва дондек зарур бўлган пахтани териб олиш ва қайта ишлаш катта куч талаб қилади.

Пахтани териб олиш, табиий сифатларини сақлаб қолиш, қисқа муддатда қайта ишлаб, аъло сифатли тола олиб тўқимачиларга етказиб беришдан биргина пахта тозалаш саноати министрлиги эмас, балки тайёрлаш қишлоқ хўжалиги министрликлари, колхоз ва совхозлар ҳам манфаатдор. Шундай экан, бу министрликлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш зарур. Ўз навбатида Навоий областидаги «Нарпай», Наманган областидаги «Қизил Равот», Сирдарё областидаги «Оқ олтин» ва бошқа агросаноат бирлашмалари тажрибаларини умумлаштириб, йирик колхоз ва совхозларда шундай бирлашмаларни вужудга келтириш мумкин эмасмикан? Ҳозирги кунда республикамизда пахта заводлари замонавий машиналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқаришда поток линиялар қўлланилмоқда. Битта заводнинг

ДАВРА

СУҲБАТИ

ИШТИРОКЧИЛАРИ



Искандар ТУХЛИЕВ



Искандар ҚАДИРОВ

Ўзи ҳатто 100 минг тоннагача пахтани қайта ишлашга қодир. Демак, Пахтачилик районларида пахтакорлар билан тозаловчилар ҳам манфаатдор бўлган, маҳсулот сифати учун жавобгарлиги устивор агросаноат бирлашмалари вужудга келиши шарт.

Б. Раҳимов. Шундай бўлиши турган гап. Область, ўлка, республика агросаноат бирлашмалари қишлоқ хўжалиги ва бошқа саноат тармоқларини режалаштиришни яхшилаш мақсадида тармоқлараро алоқаларни тақомиллаштириш ва агросаноат комплексига бўйсунадиган саноатларнинг фаолиятини ўстириш, мавжуд иқтисодий ишлаб чиқариш потенциали ва ресурслардан тўлароқ фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва тайёрлашни мунтазам кўпайтириб бориш, комплекс тармоқлардаги самарадорликни таъминлаш, умуман, СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш кўзда тутилган. Бу ўринда шунинг айтиш керакки, РАСБ, яъни район агросаноат бирлашмаси таркибига қирадиган хўжаликларда ўз мустақиллиги ва ўз соҳасининг раҳбарлигига итоат ҳуқуқи ўзида қолиши назарда тутилган.

М. Йўлдошев. Журналхонларимизнинг эътибори учун мен қуйидаги гапни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Бизнинг министрлик асосан пахта тозалаш саноати, мева-сабзавотчилик, гўшт ва сут саноати, шунингдек, қишлоқ хўжалиги министрликларидан олинган хом ашёни қайта ишлайди. Бу министрликлар билан муносабатларимиз агросаноат комплекси асосига қурилган бўлиб, мустақкам ҳамкорликда олиб борилади. Маҳаллий хом ашёдан яхши ва самарали фойдаланиш учун бир қатор муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади, албатта...

И. Мамажонов. Агар ЎзССР Гўшт ва сут саноати министрлиги корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятига тўхталадиган бўлсак, шунинг айтиш мумкинки, кейинги йилларда колхоз ва совхозларда тармоқни юқори сифатли чорвачилик хом ашёси билан таъминлашда маҳсулот етказиб бериш графиги ва контрактация шартномаларига қатъий амал қиляпти. Кўпгина корхоналар агросаноат бирлашмалари фаолиятида қатнашиб, қайта ишлаш корхоналарига хом ашёни мунтазам етказиб бериш ва хом ашё базасини мустақкамлаш масалаларини биргаликда ҳал қилмоқда.

Сут саноати корхоналари колхоз ва совхозларга чорвачилик фермалари қошида лабораториялар очиш ва уларни турли хил асбоб ва реактивлар билан таъминлашда ёрдам бераётганлиги қайта ишлаш корхоналарига борадиган сутнинг сифатини яхшилашга бирмунча сабаб бўлаётир. Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан ҳамкорликда колхоз ва совхозлардан олинган сутни марказлашган йўсинда қайта ишловчи саноат транспорти билан ташишга тайёргарлик кўрмоқда.

Шуларни кўзда тутилиб, фермаларда сутни тезроқ қабул қилиш, сақлаш, совитиш учун зарур қурилмалар ўрнатилмоқда. Буларнинг барчаси гўшт ва сут сифатига самарали таъсир кўрсатди. 1983 йил ўн бир ойнинг ўзидагина асосий кўрсаткичлар бўйича план бажарилиб, қўшимча 15 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Б. Раҳимов. Шунинг эътирофи қилиш керакки, ҳозирги даврда аҳолининг гўшт ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби тўлиқ қондирилмаяпти. Шунинг учун ҳам республикамиз Озиқ-овқат программасида ўн биринчи беш йилликда гўшт тайёрлашни 400—410 минг тоннага, ўн иккинчи беш йилликда 540—560 минг тоннага, шунингдек, сут етиштиришни 2,6—3,5 миллион тоннага, тухум ишлаб чиқаришни эса 2,4 баробар кўпайтириш мўлжалланган.

И. Тўхлиев. Мамлакатнинг ягона халқ хўжалиги системасида агросаноат комплекси маълум ўрин тутди. Унинг ҳиссасига халқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг тахминан 30 фоизи, яъни ижтимоий маҳсулотнинг 35 фоизидан ортиқроғи ва ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг қарийб ярми тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги ва саноатни бирлаштиришнинг шакллари кўп. Шулардан ҳозир энг кўп тарқалганлари агросаноат корхоналари, агросаноат комбинатлари, агросаноат бирлашмалари, агросаноат тармоқларини йўлга қўйишдир.

Й. Мамажонов. Уз навбатида яна шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон гўшт саноати тайёрлаш бош Бошқармаси сўйиладиган чорва молларини ой давомида бир текисда еткази олмаётгани сабабли ой охирига келиб, мавсумчиликка зўр берилади. Шу каби қатор масалаларни ечиш бўйича министрлик ва унинг корхоналари агросаноат комплексидаги ўз шериклари билан ҳамкорлик қилмоқда.

М. Йўлдошев. Айни пайтда, республика Гўшт ва сўт саноати министрлиги қўюлтирилган ва қуритилган сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш муаммосини бартараф этиш керак. Бу каби ярим фабрикат маҳсулотларни ишлаб чиқариш нон ва қандолат маҳсулотларининг биологик ва истеъмол қийматини оширибгина қолмай, қанд-шакар маҳсулотларидан ортиқча фойдаланишни ҳам бирмунча чеклайди.

И. Тўхлиев. Гўшт ва сўт саноати министрлиги соҳасида агросаноат комплексига маълум территорияда жойлашган ва бир хил технологик жараён асосида ўзаро боғланган ихтисослашган корхоналар уюшиб, улар давлат ёки кооператив корхоналари негизида ташкил топиши мумкин. Бунга паррандачилик фабрикалари мисол бўла олади. Бундай фабрикаларда она товўқларни сақлаб қолиш, улардан инкубацион тухумлар олиш, инкубация орқали жўжа очтириш, паррандани улғайтириш, сўйиш ва жойлаштириш, шунингдек, тайёр маҳсулотларни реализация қилиш амалга оширилади.

Аммо кўп жойларда бу кўзда тутилгандек бормаяпти. Асосий сабаб, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг бир меъёردа ривожлантирилмаётганидадир.

С. Усмонов. Ҳаммамизга маълумки, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача мўлжалланган асосий йўналишлари»да ҳам: «Чорвачилик қишлоқдаги зарбдор фронт ҳисобланади. Бу тармоқ маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш... таъминлансин», дейилганди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш — республикамиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, республикада бу маҳсулотни етиштириш даражаси ўртача иттифоқ кўрсаткичидан ҳам орқада қолиб келмоқда.

Ҳозир бу соҳада анча тадбирлар жорий этилди. Мана, қора кўлчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тузилгани ана шу тадбирлардин биридир.

Й. Мамажанов. Афсуски, Саидмахмуд Нуъмонович, ҳамма жойда ҳам ишлар оператив ҳал этилмапти. Масалан, қолхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалиги министрлиги ва қишлоқ хўжалиги техника таъминоти давлат комитети айби билан жойларда сўт совутиш қурилмаларини ўрнатиш иши қонқарли олиб борилмаяпти. Шунинг учун ҳам бу ҳоллар марказлашган тарзда сўт ташишни кечиктирмоқда.

О. Алимов. Менимча, бундай вазифалар аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенг кўламда индустриаллаштириш ва тўла ихтисослаштириш ҳамда министрлигимизнинг қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш ҳисобига ҳал этилмоғи керак. Асосий эътибор Озиқ-овқат программасида кўрсатилганидек, узумчиликни, хусусан, майизчиликни ривожлантиришга қаратилади. Бунинг учун бизда яхшигина база бор. Кейинги йилларда асрлар давомида фойдаланилмай келган тоғ этакларида 270дан ортиқ ихтисослаштирилган совхознинг ташкил топгани бунга мисол бўла олади.

М. Йўлдошев. Яна бир гап. Биз республика Мева-сабзавотчилик хўжалиги министрлиги билан бу тармоқда етиштирилаётган маҳсулотлардан янада унумлироқ фойдаланишда қандолатчилик ва спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз. Бу ерда бир камчилик ҳукм суряпти: қуруқ мева тайёрлаш ишини ҳали кўнгилдагидай деб бўлмайди. Мева ва сабзавотчилик хўжалиги министрлиги Украина ССРда орттирилган тажрибаларга ижодий таяниб, бу муаммони ҳал этиши лозим.

О. Алимов. Бу фикрингиз тўғри, Мўминжон Йўлдошевич! Озиқ-овқат программасининг энг муҳим вазифаларидан бири сабзавот, картошка, полиз, мева ва узумчиликни ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат. Ун биринчи беш йилликнинг дастлабки уч йилида ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш министрлик совхозларида 36 фоизга кўпайди. Шу давр ичида қайта ишлаш саноатида (вино, консерва, турли хил шарбатлар, спиртсиз ичимликлар) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 18 фоизга кўпайгани ҳолда умумиттифоқ фондига мева ва узум етказиб бериш 68 фоизга ошди.

Б. Раҳимов. Масаланинг бошқа томони ҳам бор: у ҳам бўлса, етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш, уни қайта ишлаш, яхши асраш ва истеъмолчиға ўз вақтида етказиб бериш муаммосидир.

Бунда, айтилик, қишлоқ хўжалигининг истеъмол маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ва савдо тармоқлари қолхоз-совхозлар билан бевосита алоқа

қилиши керак. Бу, истеъмол моллари қўлдан-қўлга ўтмасдан, ишлаб чиқариш жойларидан тўғридан-тўғри магазин орқали ёки бевосита истеъмолчига етказиш, демакдир.

Сабзавот маҳсулотларини бевосита колхоз ва совхозларнинг ўзида қабул қилиб олиш, сабзавот конвейерининг барча босқичларида исрофгарчиликка йўл қўймаслик, маҳсулотни жойларга жўнатишга тайёрлаш, унинг ностандарт қисмидан фойдаланиш, тайёрлов пунктларида ишни пухталаш каби талай жараёнлар кўнгилдагидай бўлиши зарур. Бу йўлда республика Мева ва сабзавотчилик хўжалиги, Тайёрлаш министрликлари қатор амалий тадбир-чоралар кўрмоқлари керак.

П. Шермухамедов. Сиз бунга нима дейсиз, Ориф Алимович!

О. Алимов. Ҳа, Бектош Раҳимович муаммоларимизни жуда тўғри қайд этди. Амалга оширилиши зарур яна бир муҳим вазифамиз бор. Совхозларни тўла ихтисослаштириш асосида сабзавот маҳсулотлари кўпайтириш, сабзавот ва картошкани индустриал техника асосида етиштириш ва йиғиб олишга ўтишимиз керак. Чунки республикада тайёрланаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий қисми Ўзбекистон Мева ва сабзавотчилик хўжалиги министрлиги совхозлари ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, хўжалиқларимизда мева тайёрлашнинг ўзига яна 73 фоизни ташкил этади.

Совхозларнинг ихтисослаштирилиши, мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлашда индустриал технологиянинг жорий этилиши маҳсулот сифати ва миқдорининг кўпайишига олиб келмоқда. Масалан, айрим ихтисослаштирилган совхозлар ҳар гектар ердан 400 центнер сабзавот, 200 центнер мева, 300 центнер узум олмақда. Совхозларни тезроқ ихтисослаштириш ва белгиланган асортиментда экиш ва кўчат ўтказишда маҳаллий область ва район партия, совет ташкилотлари ҳамда агросаноат бирлашмаларининг ёрдами ҳар қачонгидан зарур.

Тошкент, Самарқанд, Наманган, Фарғона ва Андижон областларининг кўплай совхозлари асортимент бўйича сабзавот маҳсулотлари тайёрлашни муттасил бажармай келмоқда. Тўғри, қарам ва лавлаги тайёрлаш планлари ошириб адо этиляпти, аммо эртаги бодринг, сабзи, қалампир, бақлажон ва саримсоқпиёз тайёрлаш планларининг бажарилмаётганлиги эса савдо шаҳобчаларида сабзавот маҳсулотларининг танқислигига олиб келмоқда.

Б. Раҳимов. Олдинги суҳбатимизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати барча хўжалиқларни янгича стандарт бўйича пахта сотишга ўтказиш ҳақида қарор қилгани ва бу янгилик фазилатлари тўғрисида ҳам тўхталган эдик. Бу ҳаммамиздан ялпи ҳосилни машинада териб олишга асосий эътиборни қаратишни тақозо этади. Демак, бу — етиштирилаётган пахта сифатини яхшилашда ҳаётга кириб келаётган яна бир муҳим омил.

А. Ўркинбоев. Ҳа, албатта. Янги ГОСТга кўра машинада, шунингдек, қўлда терилган пахтани қабул қилиш, унга ҳақ тўлаш ва комплектлаш пахтанинг етилганлигини ҳамда толанинг сифатини билдирувчи қатор белгилардан иборат ягона кўрсаткич бўйича олиб бориляпти. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янги ГОСТ ва пахтани харид қилишнинг янги нархлари агросаноат бирлашмаларидан коллектив пудрати бўйича ишловчи тармоқларга жиддий эътибор билан қарашни талаб этади.

Б. Раҳимов. Муҳими шундаки, СССРнинг ягона халқ хўжалиги плани мамлакат иқтисодини бир меъёردа ривожлантиришга асосланган бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини интенсивлаштиришга қаратилган. Бу ерда иқтисод жиҳатдан (қишлоқ хўжалиги ва саноат иттифоқига эришилгач) хўжалиқлараро меъёрийликка аҳамият бериш лозим. Бундан илгарилари саноат бу соҳада ютиб келарди. Энди ҳар ким, ҳар бир коллектив ўз зиммасига юклатилган бурчнигина эмас, балки оқибат-натижани, умум манфаатдорликни, самарадорликни кўзлаб ишлайди.

П. Шермухамедов. Дарсликларда буюк рус масалчиси Криловнинг бир масали бор. Унда уч ўртоқ — Оққуш, Чўртанбалиқ ва Қисқичбақа юкли аравани тортмоқчи бўлишади. Бироқ арава енгил бўлса ҳам уни сира ўрнидан силжита олишмайди. Боиси: Оққуш кўкка парвоз қилганича, қисқичбақа ортга тисланганча, балиқ эса сувга шунғиганича аравани тортиш пайида бўлишган. Ҳар ким ўз ҳолича, ўз улушини ўзича ҳал этиш ҳаёли билан чиранган.

Кўполроқ ўхшатиш бўлса-да, эскича иш усули шу манзарани эсга солади. Бир коллективда ҳар ким ўз улушини ошириб бажариш билан бирга, ўз навбатида, ҳар бир коллектив фақат ўз ташвиши билан банд эди. Энди-чи? Ҳозир умумманфаатдорлик, коллективнинг пировард натижаси билан белгиланган иқтисодий кўламлар салмоғи суҳбатимизга мавзу бўлиб турибди.

И. Ҳайитов. Жуда яхши мантиқий ўхшатиш қилдингиз, Пирмат Шермухамедович. Хўш... Энди яна пахтани олиб қарайлик. Пахта толасининг сифатига, унинг

табий хусусиятларини сақлашга, бир мисқолини ҳам нобуд қилмасликка ва уни қайта ишлаб чиқишга район агросаноат бирлашмалари катта аҳамият бериши керак. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг деярли барча пахтакор районларида пахта заводлари, тайёрлов пунктлари мавжуд. Улар колхоз ва совхозлардан пахта қабул қилиб олади, уни сақлайди ва қайта ишлайди. Бу эса колхоз-совхоз билан пахта заводлари ўртасидаги алоқани кучайтиришни талаб қилади. Улар агросаноат системасида ҳамкорлик қилишлари ва пахта толасининг юқори сифатли бўлиши учун биргаликда жавоб беришлари керак.

Шундай қилинган тақдирда, колхоз-совхозлар пахта тайёрлаш сифатини оширишлари муқаррар. Пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари ходимлари эса уларга бу борада ёрдам кўрсатишлари лозим.

Агросаноат комплексида ҳамкорлик қилаётган колхоз-совхозлар ва заводлар сўнги маҳсулот учун баварар жавобгар бўлган тақдирдагина, йғим-терим мавсумининг биринчи куниданоқ асосий эътиборни фақат биринчи нав пахтани эмас, балки 3—4-навларни ҳам қайта ишлашга қаратади. Бу, шубҳасиз, пахта табиий хусусиятларини сақлаб қолишда, уни қисқа муддатларда исроф қилмай қайта ишлашда кенг имкониятлар очиб беради.

М. Йўлдошев. Мисолларга мурожаат қилайлик. Республика Пахта тозалаш саноати министрлиги бизга чигит ва унинг навлари ҳамда кварталлар бўйича факт ва маълумотларни аниқ тўқис етказиб бермайди. Натижада хом ашё билан таъминлаш муаммоси ўз вақтида ҳал этилмай қолади. Бу эса ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни режалаштиришда бир қатор қийинчиликларни туғдиради. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ЎзССР Пахта тозалаш министрлиги республика Автомобиль транспорти министрлиги билан ҳамкорликда чигит етказиб беришни узлуксиз таъминлаб бориши даркор. Бу автотранспортдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлайди ва кечаю кундуз транспортни унумли ишлатишга олиб келади.

Б. Раҳимов. Буларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимиз қабул этаётган ҳаётбахш қарорларга жавобдир. Утган йилнинг декабрь ойда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Халқ хўжалигида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юкларни автомобиль транспортида ташиш чоғида ошириб ёзишга қарши курашни кучайтириш ҳамда ёнилғи-мойлаш материалларининг яхши сақланишини таъминлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда автомобиль юк транспортининг ҳаракат составидан фойдаланишда юз бераётган жиддий камчиликлар қайд этилган. Далили нуқсонлар айтилиб, уларни бартараф этишда муҳим тадбир ва чоралар белгиланганди. Шу қарордаги кўрсатмаларга жавобан бизнинг республикамизда ҳам юк автомобиллари ҳайдовчиларининг меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада шаклини янада такомиллаштириш ҳамда бригадирларни хўжалик ҳисоби шароитида бригада пудрати методи асосида ишлашга тўла ўтказишга киришилди.

И. Ҳайитов. Бунга яна шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, пахта заводи колхоз ёки бўлмасам совхозга катта даромад келтириши турган гап. Лекин агрокомплекс иттифоқига қўшилган ҳолда, айна пайтда ўз мустақиллигини сақлаб қолиши керак.

И. Тўхлиев. Буни вақтнинг ўзи кўрсатади. Мен бошқа масала хусусида тўхталмоқчи эдим. Агросаноат бирлашма йўсинида ишлаётган бирор коллектив аъзосининг янги усул шарт-шароитлари ва фазилатлари билан таниш бўлишини зарур, деб топаман.

П. Шермухамедов. Шубҳасиз, бу — айна муддао. Эҳтимол, қишлоқ хўжалиги ва саноатимиз раҳбар ходимлари учун агрокомплекс иш юритиш усулларини ўрганиш бўйича махсус курслар очиш керакдир.

Н. Тўхлиев. Бу — аллақачон етилган масала.

Энди интеграция хусусида тўхталсак. Энг аввало, интеграция, бу — асосий хом ашёдан бир корхонада турли турдаги ишлаб чиқаришни уйғунлаштириш, демак, Интеграция — ишлаб чиқаришни юксак даражада концентрлаш ҳам деган сўз. У ихтисослаштириш ва кооперациялаш йўли билан узвий боғланган. Кооперация асосида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш интеграцияни амалга оширишда қулай шарт-шароит яратиб беради. Республикамизда Попдаги В. И. Ленин номи, Хўжаободадаги Киров номи, Янгийўлдаги Усмон Юсупов номи, Сарисийёдаги «Коммунизм», Жиззахдаги «Москва», Оқ олтиндаги «Оқ олтин» агросаноат бирлашмалари тармоқлараро ишлаб чиқаришнинг афзалликларини исбот қилмоқда.

А. Уркинбоев. Нафсиламрини айтганда, агросаноат бирлашмалари йўсинида ишлаш, пудрат бригадаси фазилатлари ўз-ўзидан янги усулларни қўллашга олиб келмоқда. Масалан, энди барча пахта майдонларида биостимуляторлар қўлланилиб, чигитни пуштага экиш йўлга қўйилаяпти. Бу экиннинг эрта, сифатли униб чиқишини таъминлайди. Улар биологик усулда ўстирилиб, химикатлардан

фойдаланишдан воз кечилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги янги бошқариш органлари — агросаноат бирлашмалари хўжаликларни пахтачиликда мавжуд моддий-техника қувватларидан тўла фойдаланиш имконини берапти.

Н. Тўхлиев. Авваламбор, КПСС аграр сиёсати қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан қайта қуришни кўзда тутди. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май пленумида ҳам қишлоқларда уй-жойлар қайта қурилишини тез суръатлар билан олиб бориш, айна пайтда маданий-маиший қосоналар билан бир вақтда йўл қурилишини яхши йўлга қўйиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Бу эса деҳқонларнинг янада унўмлироқ меҳнат қилишига кўмаклашади.

Мен эътиборларингизни бир фактга тортаман. Агар 1960 йили колхозчилар бир кунлик иш ҳақи учун 1 сўм-у, 40 тийин олган бўлса, бундан икки йил муқаддам бу миқдор 5 сўм 70 тийинни ташкил қилди. Авваллари колхоз ва совхозларда асосан шофёр, тракторчи, комбайнчи касби бўйича мутахассислар бўлган бўлса, эндиликда механизатор-чорвадор, механизатор-электрик, механизатор-мелиоратор, машинада сут соғувчи мастер ва оператор, созловчи каби касбдаги мутахассислар сони кундан-кун ошиб бораёпти. Қайта қурилаётган барча қишлоқларни водопровод суви билан таъминлаш, газ, телефон, медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатиш сингари қатор қулайликларнинг жадал амалга ошаётгани диққатга сазовордир. Бу каби шарт-шароитлар давр талабига, агросаноат-усулида ишлаш йўсинига мос бўлиб тушаётир.

Ф. Омонов. Агар гап маромини агрокимёга бурадиган бўлсак, мен район агрокимё хизматини яхшилашнинг яна бир йўли бор, деб ҳисоблайман. Қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар, агрокимё хизмати билан таъминлайдиган ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил қилиш кун тартибига кириши керак. РАСБ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларга даҳлдор муаммолар ўз вақтида бартараф этиб борилса, агросаноат комплекси бўйича колхоз ва совхозларнинг шерикларидан бири бўлган «Сельхозтехника» таркибидаги корхоналарнинг фаолияти шунчалик самарали бўлади. Айна пайтда экиладиган ерлар унўмдорлигини тиклаш ва ошириш вазифаси, хусусан, Озиқ-овқат программасига амалий жавоб бериш шунчалик осон кўчади.

Н. Тўхлиев. Тўғри, худди шундай... Энди бошқа бир масалани ҳам сизларга эслатиб ўтмоқчиман. Виз агросаноат тузилишларини инкор қилмаган ҳолда, бирлашмаларни сафоат ва қишлоқ хўжалиги интеграциясининг энг мукамал ҳамда ривожланган қуйи шакли, деб атаганимиз маъқул. Чунки улар келгусида мамлакат агросаноат комплекси бошланғич структурасининг негизи ҳисобланиб қолади.

Агросаноат интеграцияси шароитларида ҳам колхоз, ҳам давлат мулки шакллари янада юксак босқичда бўлади. Бироқ бу икки мулк бир-биридан ажралган ҳолда ривожлана олмайди. Яъни социалистик мулкчиликнинг икки шакли бир-бирига киришиб кетади.

А. Уркинбоев. Вақти-вақти билан матбуотда иқтисод масалаларини ёритиб бориш жуда муҳим. Чунки, кўпинча, пахта етиштиришга кетадиган маблағнинг тенг ярми терим палласида сарф бўлади. Агар машиналардан тўла фойдаланилса, бу харажатларни бемалол иқтисод қилиб қолиш мумкин.

Кўчма рейдлар, давра баҳслари умум ишимизда фойдадан ҳоли эмас. Инсон ўзи амалга ошираётган ишнинг моҳиятини тушуниб ва англаб олмоғи керак.

Н. Тўхлиев. Шунингдек, агросаноат комплексининг ишлаб чиқаришни бошқаришининг такомиллашувига, унинг ташкилий ва иқтисодий структураларини уйғунлаштиришга, ихтисослаштириш даражасига, кадрлар масаласи аҳволини яхшилаш ва шу каби қатор муаммоларни бирварақайига бартараф этишга эътиборни қаратмоқ лозим.

П. Шермухамедов. Утган йилнинг декабрь ойида саноатда меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада шаклини янада ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масала КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган эди. Унда янги типдаги бригадалар — ягона наряд асосида ишлаб, яхши натижаларга қараб ҳақ тўланадиган комплекс ва узлуксиз меҳнат қиладиган бригадалар хусусида гап кетган эди. Колхоз ва совхозларимизда бўлса, пудрат усули, яъни нарядсиз усул ўзини оқлаётти. Кези келганда, шу хусусда ҳам икки оғиз гаплашсак.

Б. Раҳимов. Бир пайтлар маҳалланинг ўзига хос қиёфаси, ўзига хос тартиб-интизоми, ўзига хос жазо қонун-қондаси бўларди. Айтайлик, бир маҳаллада бир киши тартибни бузди: лўттибозлик қилди, ичиб келди, безорилик қилди, оиласи тинчини бузди ва ҳоказо...

Бундай пайтда шарт-шароит тақозосига қараб, маълум даражада жазо чораси қўлланиларди.

Пудрат бригадада-чи? Аввало ишەқмас ёки лўттибознинг ўз қадрини ва

умумхалқ манфаатига ёт хатти-ҳаракати энг аввало иш ҳақини камайтириш йўли билан жазоланади. Ана шу оқилона ва таъсирчан тадбир ўз самарасини кўрсата-япти. Дейлик, шунда ҳам бригада аъзолари орасида иш ёқмаси, «бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» дейдигани чиқиб қолди, деб фараз қилайлик. Хом сут эмган банд деганларидай, шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир.

Унда шу аъзо бир огоҳлантирилади, икки огоҳлантирилади. Агар кўпчиликка оғирини ташлайверса, дарҳол мажлис чақирилиб, бригада кенгаши қарори билан бригададан четлатилади. Ана унда бошқа бирор бригада ёки звено уни ўзига аъзо қилиб олиб кўрсин-чи! Ана ўшанда колхоз правлениеси ҳам, суд аралашуви ҳам орага тушолмайди. Чунки коллектив пудратда кимнинг кимлиги исботсиз ҳам яққол кўзга ташланиб қоляпти. Бу тадбир-чора — оддий ва ҳалол меҳнатга нотўғри муносабатда бўлишнинг ана шу жазоси тушунган кишига ҳар қандай чорадан оғир бўлиб тушади...

Энди пудрат фазилатлари туфайли меҳнатга тўғри муносабат муҳим ўрин тутаяпти; маҳсулот сифатига-сифат, ҳосилга-ҳосил қўшиляпти; меҳнат тақсимоти ҳам, ҳақ тўла тақсимоти ҳам ўзаро тўғри тақсимланаётгани жуда қўл келаяпти; энг муҳими, у инсон тарбиясининг асосий омилларидан бирига айланиб қоляпти. Яна бир муҳим ютуқ шундан иборатки, фарзандларимиз ўқишдан ажралмаган ҳолда ота-оналарининг дастёри бўлиб қолмоқдалар.

И. Тўхлиев. Жуда тўғри, Бектош Раҳимович. Бу — ҳақ гап. Дастлаб бу усулда ишлага ўтишдан олдин масалага ҳайиқиб ёндашганлар ҳам бўлди, албатта. Бир-иккита тепса-тебранмаслар таъсири кўпга урмасайди, деган хаёлларга ҳам борилди. Йўқ, бунинг акси бўлиб чиқди. Ҳар кимнинг қобилиятига қараб ҳақ тўланиши, шунга қараб иш талаб қилиниши кўнгилдагидай натижа берди. Одамларда бир-бирига бўлган ўзаро онгли назорат ошди.

Агар у ёки бу пудрат бригада, ёки бирорта аъзо ўзини ишда кўрсатса, фавқулудда яхши ишлай олишини бир маромга солиб ололса, шунга кўра унинг ойлик маоши оширилиши йўлга қўйилди. Акси бўлса, камайтирилди. Қарабсизки, қозон ҳам мой, чўмич ҳам.

П. Шермуҳамедов. Янги иш усули, ишда сифат, интизом масалаларини йўлга қўйиб, ҳосилга-ҳосил қўшаётгани кўзланган натижани бeryпти.

Ф. Омонов. Бўлмасам-чи!.. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усули бригада пудрати туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида юксак натижаларга эришилаётганини, «Сельхозхимия» ходимларининг шахсий ва коллектив моддий манфаатдорлигини оширишга ёрдам бераётганини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Хўжаликларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши бу янги усулнинг ўзагидир. «Узсельхозтехника» бирлашмаси ташкил топмасдан аввал қишлоққа хизмат қилувчи муассасаларнинг ҳеч бири ҳосилни агрокимёвий жиҳатдан таъминлаш орқали етиштиришга ҳозиргидай сафарбарлик кўрсатган эмас эди. Шуни очик эътироф этиш керакки, ҳатто ўлкамизда алоқадор моддий-техника базасининг ўзи ҳам йўқ эди. Энди-чи? Харьков область Первомайский районининг КПСС Марказий Комитети қўллаб-қувватлаган тажрибаси асосида Ўзбекистонда суғориладиган деҳқончилик шароитида қишлоқ хўжалигини комплекс кимёлаштириш системасини яратиш мақсад қилиб қўйилган.

П. Шермуҳамедов. Кимёлаштириш системасини қандай тушуниш мумкин?

Ф. Омонов. Бу — шундай: бир хўжаликда зарур машина ва механизмлар билан таъминланган ўғитлар ва пестицидлар сақланадиган омборлари ҳамда катта сифимли идишлари бўлган кимёлаштириш пунктлари ташкил этишни, органик, ўғитлар жамғариш ва ерга солиш билан шуғулланадиган отрядлар тузишни ўз ичига олади.

А. Ўркинбоев. Ҳаммага шу нарса аёнки, пудрат усулига ўтишдан илгарилари хўжалик сувчилари, чопиқчилар, механизаторлар, хуллас, ҳар ким фақат ўзига топширилган иш учун жавобгар, фақатгина графикларнинг бажарилиши масъулиятини ҳис этиб ишлашарди. Бригада, бўлим бирор коллектив умумий иши учун мутлақо жавобгарлик ҳиссини ўзида мужассамлаштирмас эди.

Энди эса бирор коллективнинг умумий иши учун бригада ёки бошқарувчи, раис ёки фақат мутасадди шахсина жавобгар эмас, балки барча баробар жон куйдирадиган, йил охиридаги натижанинг самарадорлиги учун курашадиган бўлиб қолди. Айни пайтда бунда шахсий манфаатдорлик принципи ҳам асосий мезонлардан биридир.

С. Усмонов. Чунки доҳиймиз Владимир Ильич Ленин ҳам: «Шахсий манфаатдорлик бўлмаса, ҳеч қандай натижа чиқмайди», деб бежиз айтмаган эди. Бу башоратни замондошларимизнинг бугунги турмуш тарзида ҳам кўриб турибмиз. Оддий мисол: кун кечагина йилига икки минг атрофида даромад қилиб келаётган бир оилани олайлик. Пудратнинг шарофати билан шу оила энди

ўн-ўн икки мингга яқин даромад қияпти! Энди у ишлаётган бригадани, колхоз ёки районни кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а! Агар ҳар бир киши даромадини сарҳисоб қилиб кўрсак, умум иқтисодининг нечоғлик юксалиши ўз-ўзидан маълум бўлади.

Б. Раҳимов. Жуда кўп ўринда таъкидлаб айтганимиздек, sanoатда, қурилишда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида пудрат бригадаларини тузиш жараёни баъзи жойларда расмиётчилик ва мавсумчилик қурбони бўлиб қоляпти. Кўпинча, пудрат бригадалар олдиндан пухта таёргарликсиз, мавжуд имкониятлар ва мавжуд ишчи кучи ҳисобигагина тузилмоқда. Натижада бундай жойларда иш услуби ҳамишагидай, одамларга иш тақсимлаш ҳамишагидай бўлиб қолаверади-ю, фақат коллектив номигагина пудрат бригада, деб аталади, холос. Шундай тоифа аъзолари энди янгича усулда ишлаётганликларини ҳис этишади-ю, аммо унинг иш шакллари, усуллари ва фазилатларидан мутлақо беҳабар бўлиб қолаверишади.

П. Шермухамедов. Яъни: эски ҳаммом, эски тос, денг.

Б. Раҳимов. Шундай бўлмаслиги учун энг аввало пудрат бригадага ўтишга тўлиқ тайёргарлик кўриш керак. Албатта, бу тадбирлар бизнинг шароитга мослаштирилган ҳолда амалга оширилади. Худди шу ўринда Сурхондарё областининг тажрибасини, алмашлаб экиш участкасидан фойдаланиш самараларини айтиб ўтиш жоиздир. Чунки Сурхондарёда ёппасига пудрат бригада усули жорий қилиниб, натижага қараб манфаатдорлик белгиланибгина қолмасдан, балки мавжуд коллективларда аъзоларнинг ерга эгалик туйғуси ҳам шаклланимоқда.

Яна бир гап. Бу каби масалалар хусусида, яъни пудрат бригада фазилатлари ҳақида «Правда», «Сельский жизнь» каби газета-журналларда мунтазам материаллар бериб келинаётгани мақсадга мувофиқ бўлаяпти.

П. Шермухамедов. Менимча, бундай ҳолларда кўпинча, бирор министрлик томонидан бирор бир коллективда бригада пудрати жорий этиши ҳақида кўрсатма берилиб, унинг шарт-шароитлари, янгича усулга ўтиш учун қурилган тайёргарлиги ҳисобга олинмайди. Оқибатда расмий ташкил этилган пудрат бригадаси аъзолари яна бурунгидай алоҳида-алоҳида топшириқ олиб, уларга иш ҳақи ҳам эскичасига тўланаверади.

Б. Раҳимов. Тўғри айтдингиз, Пирмат Шермухамедович. Меҳнатнинг янги усулини ташкил этишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Тармоқларнинг раҳбар органлари, бирлашмалар ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари, жойлардаги партия, совет ва қасаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришни, меҳнатни ташкил қилишнинг янги усулларини йўлга қўйишда худди мана шу масалага асосий эътиборни қаратмоқлари керак. Акс ҳолда бу борада англамай босилган ҳар бир қадам қимматга тушади. Айна пайтда РАПО ва область агросаноат бирлашмаларининг ташкилотчилиги катта бўлиши керак.

П. Шермухамедов. Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин таъбири билан айтганда, меҳнатни севиш керак. Севишгина эмас, балки унга ҳалол муносабатда бўлиш даркор.

Н. Тўхлиев. Ҳа, яхши айтдингиз. Менинг ҳам ёдимга Калининнинг бир доно сўзи тушди: «... СССРда, — дейди у, — меҳнат шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам — энг оддий юмшдан тортиб то малакали меҳнатгача — теран мазмун касб этди, социализмнинг буюк ғояси билан жонланди, кишиларни ёшартирадиган, уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялайдиган ижодий қудратга айланди. «Бу, коммунистик жамиятимизнинг моҳиятини очиб берадиган мантиқий фикрлардан биридир.

И. Ҳайитов. Ҳа, коммунистик меҳнат шаънига жуда топиб айтилган гаплар кўп. Шоир Блок мана бундай ёзган: «Инқилобнинг Қизил байроғига меҳнат деб ёзиб қўйилган. Меҳнат — одамларга ҳаёт бағишловчи, уларнинг ақли, иродаси ва қалбини тарбияловчи муқаддас меҳнат бу!» Бизнинг кунларда у яна ҳам муқаддаслашиб қолди. Меҳнат кишиларнинг кимлигини белгилайдиган, бир-бирига тағин ҳам меҳр-оқибатли бўлишга ундайдиган, самарадорлик уфқларини кенгайтирадиган омилга айланди. Калинин таъбири билан айтганда, ҳар қандай меҳнат тури виждон, шон-шараф, жасорат ва қаҳрамонлик ишига айланди. Меҳнатнинг пудрат усулини олсак...

П. Шермухамедов. Искандар Ҳайитович, сиз — тарихчисиз. Шу ўринда, шоир айтмоқчи, меҳнатнинг одамлар маънавий дунёсини тарбияловчи омил бўлиб қолаётганига бирор мисол келтиролмайсизми?

И. Ҳайитов. Бўлган бир воқеани айта қолай:

Н. номли колхоз бир пайтлари бошқа хўжаликларни орқага тортиб, ўзи ҳам ботқоққа ботиб кетаверибди. Шунда унинг С. исмли аъзоси ўзга жойларга кўчиб кетиб, кунини кўриб, қаёқдан кун чиқса ўша ёққа юзини буриб яшайверибди.

Кунлар ўтиб, колхоз ўзини ўнглаб олибди. Ташаббускор раҳбарини топиб, ҳар

жиҳатдан ғолиб хўжаликка тенглашиб олибди. Коллектив пудратнинг кудрати уни яна кўкларга кўтарибди.

Шунда колхознинг ҳалиги С. исмли собиқ аъзоси яна кўчиб келибди. Қабул қилишларини сўраб, колхоз правлениесига ариза берибди. Иттифоқо шу ариза кўриб чиқиладиган бўлибди-ю, барча бригада ва звено бошлиқлари йиғилибди.

Орага бирпас оғир жимлик чўкиб, ниҳоят, раис шундай дебди:

— Хўш... Ким рози?..

Шунда кўпни кўрган, тажрибали, кекса бригадирлардан бири сўз олибди:

— Кўй бир терида неча ориқлаб, неча бор семиради. Колхозимиз ҳам шундай бўлиб келди. Ориқлагандаям, семирғандаям доим бирга бўлдик. Азобиниям, роҳатиниям бирга баҳам кўрдик. С. отлик қишлоқдошимиз эса енгилнинг устидан, оғирнинг остидан юрди: Ниҳоят, дўппи тор келгач, ғойибдан бахт излаб, кўчиб кетди. Мана энди тайёрига баковул бўлиб келибди...

Гап ундаям эмас. Бизлар аввал бошдан керакли одамни олиб бўлганмиз. Ер бўлса етишмайди. Ҳатто ҳашарчиларнинг ёрдамини ҳам рад этяпмиз.

Раис С. исмли кишига қараб, «Иложим қанча?!» дегандек, елка қисдида, мажлисга яқун ясади.

Биз ҳам ҳайрон эдик. Энди у нима қилади? «Экканини ўрадида...», деган фикр хаёлимиздан кечди ўшанда.

П. Шермухамедов. Авваламбор бундай усулда ер тобора, (аввалгисидан ҳам!) кадрини топиб, унумдорлиги ўсишидан ташқари кишиларнинг онги ҳам ҳар жиҳатдан янада такомиллашиб боради. Кишиларнинг бир-бирларига ва атроф муҳитга бўлган муҳаббати тағин ҳам ортади. Демак, масаланинг ана шу жиҳати ҳам ғоят эътиборга моликдир.

А. Уркинбоев. Ишчи-деҳқонларга имкониятига қараб олдиндан иш ҳақи белгиланиши, йил сўнггида эса пландан ташқари маҳсулот ҳамда маҳсулот етиштиришга ажратилган маблағдан тежалгани учун қўшимча ҳақ берилаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Аксар хўжаликлар ана шу йўсинда ишляпти-ю, лекин кўпчилик дастлабки пайтларда маҳсулот етиштириш учун ажратилган маблағдан иқтисод қилинган маблағ билан иш ҳақи учун ажратилган маблағдан тежалган маблағни чалкаштирган ҳолда тушуниб келди. Бъязилар ҳозиргача ҳам шундай ўйлашади: Ваҳоланки, бу тежалган маблағларни алоҳида-алоҳида тушунмоқ керак. Наряд билан ишлаётган коллектив аъзолари буни яхши тушуниб олмоқлари зарур. Бу ерда иш ҳақидан иқтисод қилинган маблағнинг маълум фоизи бериларкан-да, деган хулосага келмаслик лозим. Балки, бу йил бўйи бериб келинган вақтбай ойликлар чиқариб ташланганидан сўнг тежалган иш ҳақининг қолган қисмини тўлиғича бригада аъзоларига йил давомида олган вақтбай иш ҳақига нисбатан тенг тақсимланади, деган сўздир.

И. Тўхлиев. Рост айтдингиз, Абдукарим Абдуқодирович. Ҳанузгача бу усул имкониятлари ва фазилатларини англаб етмаётганлар топилади. Шунинг учун ҳар қайси хўжалик бу усулни турли шаклларда жорий этишга, турли кўринишларда қўллашга мажбур бўляпти. Масалан, пахтачиликни олайлик: кўп хўжаликларда йил давомида ажратилган маблағ пахта мавсуми даврида ўзгариб қоляпти. Бари бир, икки ўн беш бир ўттизлигини кўпчиликка тушунтириш қийин кечяпти. Лекин шу нарса аниқки, бу усул аста-секин тўла ғалаба қилади.

А. Алимов. Ҳа, кундалик турмушимизнинг бир бўлағига айланиб қолаётган янгиликлардан бири коллектив пудрат бўлди. У — кўпчиликнинг кўзлагани кўп бўлар, бирлашган ўзар, коллектив тарбия, ҳамма, бир киши учун, бир киши ҳамма учун сингари тушунчаларнинг амалдаги кўриниши сифатида майдонга чиқди. Қишлоқ хўжалиги тармоқларининг бошини бир жойга қовуштириб иш кўраётган агросаноат бирлашма йўсини, Озиқ-овқат программасига айна жавоб ўлароқ, қўшимча хўжалик натижаларига уйғун бўлиб тушаётган коллектив пудрат уфқлари кун сайин кенгайиб, кишилар ўзлари бажараётган ишларига сидқидилдан, ҳалол ёндашадиган бўлдилар.

Ф. Омонов. Илгарилари кимнинг қўли узун, тили узун бўлса, ўғит ёки асбоб-ускуна оморидан кўпроқ ўмариб кетаверарди. Бъъзан бирор раҳбар ходим «маслаҳати» — буйруғи билан бирор юмуш муддатидан кечиктирилиб ёки барвақтроқ бажариларди. Ёинки жойларда ҳуда-беҳудага колхоз ё совхозларга ноўрин «ақл» ўргатиларди, меъеридан ортиқ қоғозбозликка, мажлисбозликка йўл қўйиларди, энди бундай нуқсонлар барҳам еди.

И. Тўхлиев. Шу ўринда яна бир соддароқ мисолни айтишга тўғри келади. Бир колхоз пахта, гўшт, пилла, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қаторида узум ҳам етиштирди, дейлик. Сафарбар меҳнатдан ташқари ҳосилни йиғиб олиш, транспорт ажратиб заводга элтиб бериш сингари юмушлар ҳам деҳқонлар бўйнида... Энди ундай эмас. Агросаноат бирлашмаси ишни ва ишчи кучини, шароит тақозоси билан масалага тўғри ёндашишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Демак,

вино заводи ишчилари етиштирилган ҳосилни ўз транспортларида олиб кетиши, бунинг устига, вино заводи ана шу ҳосилдан фойдаланиб, тўплаган маблағидан маълум улушини колхозга тўлаши керак.

С. Усмонов. Айтмоқчисизки, агросаноат бирлашмалари, нарядсиз, ягона нарядли ёки звенолар бир-бирини тўлдирувчи бир-бирининг юксалиши йўлида ҳамқору ҳамжиҳат бўлиб қолмоғи лозим.

И. Тўхлиев. Ҳа, шундай, Саидмаҳмуд Нўъмонович. Озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш учун ҳамма жойда қорхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш, шу тариқа ишчи ва хизматчилар умумий овқатланишининг гўш, сўт, сабзавот ва картошкага бўлган эҳтиёжларини қондириш кўзда тутилган.

Чорвачиликни саноат негизига ўтказиш, юксак даражада механизациялаштирилган комплекслар, паррандачилик фабрикалари ҳамда фермаларга тўла ўтишимиз, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш резервларини қидириб топишимиз керак.

Б. Раҳимов. Аниқроғи, ривожланган социалистик жамиятда унумли, ижодий меҳнат, ташаббус, коллективларда камроқ ходимлар билан кўпроқ иш бажариш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва жорий этиш, кадрларни тўғри танлаш, қорхона ва хўжаликларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиш каби тадбирлар кундалик ишимизнинг мазмунини ифодалаш лозим.

Ҳисоб ва назорат одамни интизомли қилади, иккинчидан эса бундай рўй-рост ошқорлик кишини тарбиялаб боради. Бу ерда ошна-оғайнигарчилик, лўттибозлик кетмайди, балки, ҳамма ва ҳар бир кишининг фаол иштироки муҳим ўрин тутади. Одамларнинг кайфияти уларнинг фидокорона меҳнатига, куч ва ғайратига таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун аввало коллектив пудрат бригададаги ҳар бир аъзонинг маънавий оламини бойитиб боришига аҳамият бериш керак.

И. Тўхлиев. Бир-бирини назорат қилиш масаласини олиб кўрайлик. Кимдир бузуқ трактори ёки яроқсиз қуроли билан ишга чиқса: «Нега энди, созлаб олсанг бўлмайди?» Ё бўлмасам: «Сидқидилдан ишласанг-чи, оғайни...», «Бу умум мулки — ҳаммамизнинг мулкимиз, давлат мулки-ку. Нега шахсий ишларда фойдаланаясан?» дегувчилар энди оз эмас. Чунки ҳар бир ноқобил иш коллективнинг йиллик ишлаб чиқариши самарадорлигига путур етказишини, бу эса шу коллектив аъзоларининг барчасига касри уришини ҳамма билиб қолди. Энг муҳими, бу — давлатни ҳам алдаш эканлиги аён. Шунга қарамай, баъзи жойларда хўжасизлик, лоқайдлик кайфияти ҳукм сураяпти. Нарядсиз ишлаш асосида жуда катта ижтимоий мазмун ётишини, у коммунизм истиқболларига элтишга бир омил эканлигини ҳамманинг тезроқ тушуниб олгани қандай яхши!

А. Уркинбоев. Ҳа, кишиларимиз бу янги усул фазилатларидан, айниқса, ички хўжалик ҳисобига, меҳнат ва социалистик мусобақанинг ошқорлигига, коллективда ўзaro иззат-иқром ва мутлақ ишончни кенг ёйишга одатланиб боришяпти. Вақтида ишлаб вақтида дам олишга, вақтида маданий озиқ олишга кўникма ҳосил этишяпти. Келажагига умид ва ишонч билан қараб бўлмайдиган ҳеч бир янгилик ҳаётга татбиқ этилавермаслиги аниқ. Бу ўз-ўзидан равшан. Масалага шу жиҳатдан ёндашилса агросаноат бирлашмалари истиқболи кундек равшан бўлади-қолади.

Ф. Омонов. Бугунги кунда район партия комитетлари билан РАСБлар ҳамжиҳатлиги, фаоллиги, иш ва кадрларни тўғри тақсимлашда одил ҳакам бўлаётганлиги бизни қувонтиради. Аммо баъзи жойларда ҳануз эскича усулдан чиқиб олишга интилишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Буйруқбозликка, қоғозбозликка ва бошқа иллатларга чек қўйиш вақти аллақачонлар етди. Янгилик йўлига чим босиб бўлмайди...

Б. Раҳимов. Давра гурунгида йўл қўйилаётган камчиликларимиз тўғрисида ошқора сўз юритаётганимиз яхши бўлаяпти. Партия ва ҳукуватимиз қарорларида қайд этилганидек, ҳали ҳам айрим агросаноат бирлашмалари фаолиятида жиддий нуқсонлар юз бериб турибди. Кўзбўямачилик, сохта маълумотлар, «тўлди» деб имзо чекилаётган пуч ваъдалар... Гап яна давлат маблағлари ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир муаммолар ҳақида борапти.

М. Йўлдошев. Бу — жуда тўғри гап, Бектош Раҳимович. Ҳозир мамлакат иқтисодий самарадорлигининг ўсганлиги, агросаноат бирлашмаларининг моддий-техника базасининг мустаҳкамлангани, қишлоқ хўжалигининг техника билан тўла таъминланаётгани, деҳқончилик ва чорвачиликдаги ишларни механизациялаш даражаси ошганлиги, колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлиги тобора ўсганлиги қувончли воқеадир.

П. Шермухамедов. Бу усулларнинг умумбашарий, халқаро мақселади хусусида ҳам тўхталас.

Б. Раҳимов. Жаҳон тақдирига жавобгар, одамлари «асрларнинг танобини тортиб» яшаётган, еру кўкда мўъжизалар яратаётган ана шу юрт фидойилигидан фахрланасан, киши. Келажак ҳисобига ишлаётган, келгуси авлодлар истиқболини

ҳам ўйлаб ихтиро ва ижод қилаётган, янгиликлар жорий этаётган замондошларимиз шижоатидан ғурурланмай бўладими! Бу эса истиқбол уфқларини бизга яна ҳам кўркем ва равшан қилиб кўрсатади...

П. Шермухамедов. Демак, кишиларимизда кенг кўламли муҳаббат туйғуси ҳам, меҳнатни теран тушуниш туйғуси ҳам тобора ўсиб боради, денг.

Б. Раҳимов. Жуда тўғри!.. Бугун, меҳнатга муҳаббат, она Ватан ва коммунистик ғояларга садоқат кишиларимизнинг илҳом манбаи бўлиб қолди. Биз давра гурунгимизда давримизнинг муҳим масалаларига, кундалик эҳтиёжимизга айланиб бораётган янгича меҳнат шакллари ҳақида, агросаноат комплекси, Озиқ-овқат программасини ҳал этишда қўлланилаётган шакл ва усуллар ҳамда пудрат бригадалари усулининг фазилатлари хусусида қизгин ва батафсил суҳбатлашдик. Ана шундай мароқли суҳбатлар бундан кейин ҳам давом этиши керак. Жойларда энг яхши ходимларнинг, меҳнат аҳли қаҳрамонларининг тажрибаси ва новаторлиги, агросаноат бирлашмаларининг тажрибалари, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш борасида қўлланилаётган тадбирлар, пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида иқтисодий самарадорликни кўтариш методлари ва социалистик мусобақа кўринишларини атрофлича оммалаштириб бориш лозим. Газета ва журналлар саҳифаларида, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда шу мавзуларга доир материаллар янада бойиб бориши мақсадга мувофиқдир.

П. Шермухамедов. Кўриниб турибдики, давр суръатига уйғун бўлиб тушаётган бундай янгиликлар кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб қоляпти. Уйлайманки, буларнинг барчаси адабиётда ҳам маълум даражада ўз аксини топади.

Мен бугунги қизиқарли давра гурунгини машҳур совет педагоги ва адиби А. С. Макаренконинг сўзи билан якунламоқчиман: «Бизнинг жамиятимизда меҳнат қилиш ҳуқуқи бу иш ҳақи олиш ҳуқуқигина эмас, аввало ижод этиш, социалистик қурилишда давлат миқёсидаги вазифаларни ҳал қилишда қатнашиш ҳуқуқидир». Ёзувчи ҳақ. Бугун бу ҳуқуқ айни пайтда жаҳон миқёсидаги вазифаларни ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқи ҳамдир.

Давра суҳбатини ОТАЁР ёзиб олди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Бугунги Македония Югославиядаги олтин республиканинг бири.

Македон ва ўзбек халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги ҳамда адабий алоқалари йил сайин ривожланмоқда, анъанавий тус олмақда.

Бунинг асосий сабабларидан бири икки пойтахт шаҳар Тошкент ҳамда Скопле тақдирининг бир-бирига ўхшашлиги. Иккала шаҳар табиий офат — зилзила оқибатида қаттиқ зарар кўрган, ҳар икки шаҳар ҳам халқ жасорати ва қардошлар кўмагида қайта тикланиб, замонавий гўзал масканларга айлантирилган.

Совет Ўзбекистонининг пойтахти Тошкент билан Социалистик Македония пойтахти Скопле биродарлашган қардош шаҳарлар ҳисобланади. Бу дўстлик айниқса адабиёт соҳасида йил сайин ривожланиб бормоқда.

Ўзбек китобхонлари Македон шоирларининг шеърлари билан илк дафъа 1980 йили «Македон шоирлари» тўплами орқали танишишга муяссар бўлганлар.

Мазкур тўпلامга киритилган шеърлар XX асрнинг етук шоирлари қаламига мансуб ва бу асарларда она Ватан, социалистик жамият қураётган халқнинг эркин меҳнати тараннум этилган.

Ҳозирги кунда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Македония шоирларининг антологияси нашрга тайёрланди.

Ўз навбатида Македон шоирлари ҳам ўзбек шеърляти дурдоналарини таржима қилиб ўз китобхоналарига етказмоқдалар. «Современность» журналининг 1983 йил 5-сонида Люпчо Стойменски таржимасида буюқ мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳақида маълумот ва ижодидан намуналар берилган. Шунингдек, «Стрелец» журналинда ҳам (1983 й. 4-сон) «Ўн шоирнинг ўнта кўшиғи» рубрикаси остида шоирларимиздан Ҳамид, Ғулом, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али, Омон Матчон, Жамол Камол, Гулчехра Нуруллаеваларнинг шеърлари Люпчо Стойменски таржимасида македон тилида эълон қилинди. Таржимон ўзбек совет поэзияси ҳақида қисқача маълумот ҳам бериб, отахон шоирларимиздан Уйғун, Миртемирларнинг шеърлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Македонияда бугунги кунда «Ўзбек шоирлари антологияси» нашрга тайёрлаб қўйилган. Антологияга машҳур шоирларимизнинг шеърларидан намуналар киритилган.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Абдурашид Пардаев,
Набижон Тожибоев

ҚАЙИНЗОРДАН ЭСГАН ШАБАДА

Иваново ҳақида кўп эшитган, китобларда ўқиган бўлсак-да, бу диёрга қадам қўйишимиз билан ўзимизни бошқа дунёга келиб қолгандек ҳис қилдик. Кўзимизга ҳамма нарса: қайинзор ўрмонлар, этаги уфққа туташ ўтлоқлар, оддий рус қишлоқлари, қўрғончалар, бутхонаю, ибодатхоналар сеҳрли ҳамда қизиқ туюлди.

Поездининг иссиқ купесидан тушган заҳоти Россия кузининг изғирини юзимизга урилди. Бу ерларнинг серқуёш Ўзбекистондан тубдан фарқ қилишини, об-ҳавоси кузда ҳам рутубатли ва совуқ бўлишини ҳис этдик. Кўп қаватли уйларнинг пештоқларига алвонлар осилган. Ёзувлар ичидан «Иваново — биринчи Советлар Ватани» деган полотно алоҳида кўзга ташланади. Кенг, серқатнов Ленин проспектидан борарканмиз, ҳар қадамда инқилобий воқеалар, тарихий ёдгорликлар ёзувига кўзимиз тушади. Бейхтиёр кўз олдинда ўша суронли йиллар йилномаси, Иваново — Вознесенск ишчиларининг Октябрь инқилобининг илк баҳоридаги жасоратлари, қахрамонликлари, биринчи қизил гвардиячилар, биринчи Советлар ва уларнинг йўлбошчилари, машҳур саркарда М. Фрунзе, марксист-революционерлар Ф. Афанасьев, О. Воронцев, А. Бубнов, П. Постишев, С. Балашев ва бошқаларнинг ёрқин сиймолари гавдаланади.

Шаҳар ўртасидан ўтган кўп тарихий ва суронли жанглар гувоҳи бўлган Уводь дарёси куз қўшиғини айтиб, вазмин ва сокин оқади. Дарё кўпригидан туриб бутун шаҳарни кузатиш мумкин. Узоқларда фабрика ва заводларнинг мўриларидан буралиб-буралиб чиқаётган сарғиш, қорамтир тунлар, бутхона ва ибодатхоналарнинг

эскириб қолган гумбазлари, бир вақтлар шаҳарни ларзага солган мис қўнғироқлар кўзга ташланади.

Иваново чор Россияси даврида ҳам тўқимачилик маркази ҳисобланганига қарамай, бу диёр Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ҳар томонлама камол топди. Ҳозирги кунда Иваново мамлакатимизнинг йирик енгил саноат маркази саналади. Бу ерда ишлаб турган 50 дан ортиқ тўқимачилик комбинатларида ҳар йили 2 миллиард метр газлама ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон ва Иваново ўртасидаги интернационал дўстлик алоқалари узоқ йилларга бориб тақалади. Партия ва ҳукуматимизнинг ташаббуси билан 1975 йилдан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ивановони фақат енгил саноат марказига айлантирибгина қолмай, балки областда қишлоқ хўжалигини ҳам гуркиратиб ривожлантириш, бунинг учун эса унумсиз ерларни, ботқоқликларни ўзлаштириш керак эди. Партия чақириғига биринчилардан бўлиб ўзбекистонлик механизатор ва мелиораторлар енг шимариб биродарлик ҳашарига отланишди. 1975 йилнинг январида Ўзбекистондан самолётнинг биринчи рейси билан Ивановога 20 киши келиб тушди. Уларнинг ғайрат ва ташаббуси билан «Главсредзирсовхозстрой»га қарашли «Ивановоирсовхозстрой» трести иш бошлади.

Биз трест иши билан танишиш, ҳамюртларимиз ҳаёти ва улар бошлаган хайрли ишларни ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида Владимирга қилган сафаримиздан кейин Ивановога келган эдик.

Трест идораси Ленин проспекти охирида, Кузнецов кўчасининг бошида жойлашган. Бинонинг иккинчи қаватига кўтарилганда, вужудимизни ҳаяжон босди. Чунки ҳамюртларимиз билан бу

Давоми. Боши ўтган сонда.

ерда ҳам биринчи учрашув қандай бўлишини, биринчи бор кимларга дуч келишимизни ўйладик. Эни тор, қоронғи ва узун йўлакда одамлар у ёқдан-бу ёққа шошиб ўтиб туришибди. Шу пайт ўрта бўйли, қорачадан қелган, чамаси, эллик ёшдаги ўзбек киши йўлак сўнггидаги хонадан чиқиб келди. Қол-аҳвол сўрашганимиздан кейин, у киши бизни, ишлагани келишибди-да, деб ўйлади чоғи, трест бошқарувчисининг ўринбосарига учрашшимиз келарлигини айтди.

Хонага кирдик, одам кўп, улар стол тўрида ўтирган кўзойнакли йигит билан алланарсалар ҳақида баҳслашишарди. Бизнинг таширфимиздан кейин хонага жимлик чўкди. Ҳамма билан қўл бериб сўрашдик. Трест бошқарувчисининг ўринбосари Бахтиёр Абдумаликов бизни илиқ қарши олди. Деворга «Ўзбекистон», «Дружба» совхозлари посёлкасининг макетлари, ўзлаштирилган ва ўзлаштирилаётган зоналар тасвири туширилган харитачизма осифлиқ турибди.

Бахтиёр Абдумаликовнинг столи устидаги телефонлар тинмай жиринглайди. Биров цемент, биров гишт, яна бири ёғоч сўрайди... Бахтиёр эса иложи борича барча илтимосларни бажаришга ваъда беради. Бу йигит Ноқоратупроқли ерларни ўзлаштиришга қалб амри, комсомол йўлланмаси билан келганларнинг бири. У резина этик кийиб, ботқоқликларни ўзлаштиришда ўзини кўрсатган, комсомол-ёшлар бригадасини бошқарган, мехколонна бошлиғи ўринбосари лавозимларида меҳнат қилган, бир йилдан бери эса трест бошқарувчисининг ўринбосари вазифасини бажармоқда.

— Сизлар бугун меҳмонхонага жойлашиб, шаҳар бунго томоша қилинглар, — деди Бахтиёр хонада одам қолмагач, бизга юзланиб. — Йўлда чарчагансизлар. Эрталаб объектларга чиқарсизлар.

— Майли. Агар иложи бўлса бугуноқ бирорта объектни кўрмоқчийдик, — дедик биз ботқоқликларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз ҳузурига ошиқиб.

— У-ҳў, шаштларинг баланд-ку! — деди Бахтиёр кулиб. — Мен сизларга очигини айтай, энг яқин объектимиз қирқ чақирим, энг узоғи икки юз чақирим нарида. Машинасиз бориб бўлмайди. Эртадан сизларга битта машина ажратамиз. Бемалол айланарсизлар.

Биз тушган «Ниса» машинаси бир зумда ғала-говур шаҳарни тарк этиб, катта йўлга чиқиб олди. Шофёр йигит Володя шу ерда туғилиб ўсган, йўлни, қишлоқларни яхши биларди. Шунинг учун ҳам бизни қизиқтирган саволларга аниқ ва лўнда жавоб қайтарарди.

Йўлнинг икки томони ўрмон. Бирдан ўрмон тугаб, сайхонликка чиқиб қоламиз. Урли-қирли далалар бошланади. Ўтлоқларда пачан ғарамлари кўзга ташланади. Машинамиз бирдан яна ўрмон қаърига шўнғийди. Япроқлари тўкилган оқ қайинларнинг майин новдалари яланғочланиб қолган, қарағайлар эса кўм-кўк бўлиб куз табиатига чирой бағишлаб турибди.

Володя биз босиб ўтган Ветченко, Богданиха, Волжанка, Рубинина қишлоқларининг таржимаи ҳоли, тарихи ҳақида қисқача сўзлаб берди. Машинамиз тарихий Шуя шаҳрига яқинлашганда, Володя ифтихор билан шундай деди:

— Шуяга 1350 йили асос солинган. Тарихий шаҳар...

Шуя пастликда жойлашган, чиндан ҳам тарихий ёдгорликларга бой шаҳар. Шаҳарнинг қоқ ўртасини Теза канали кесиб ўтади. Бу ерда асрларга тенгдош обидалар, бутхона, ибодатхоналар кўп. М. Фрунзе, А. Фурманов революциядан илгари шу шаҳарда яшаган. Халқни инқилобга тайёрлаган. Шаҳар марказида М. Фрунзенинг уй-музейи жойлашган. Афсуски, бизга музейни кўриш насиб этмади. У вақтинча беркитиб қўйилган.

Шуядан беш-олти чақирим юргач, 6-механизациялашган кўчма колонна жойлашган Остапова посёлкасига етиб келдик. Посёлкада янги уй-жойлар қуриш давом этяпти.

Мехколонна бошлиғи Борис Васильевич Тронов тажрибали раҳбар. У бошлиқ коллектив ойлик ва квартал план топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажаради. Бошлиқнинг хонасига киргач, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғига кўзимиз тушди.

— Ноқоратупроқли зоналарни ўзлаштиришдаги хизматларимиз эвазига бу! — деди Борис Васильевич фахрланиб. — Колоннамиз асосан мелиорация ва ирригация ишлари билан шуғулланади.

Мелиораторларимиз эса Качалов совхозига 474 гектар, Горький совхозига 300 гектар ерни ўзлаштириб берди. Шу йилнинг ўзида 4 нафар киши РСФСР Олий Совети Президиуми таъсис этган «Ноқоратупроқли ерларни ўзлаштиришдаги хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Шуниси қувончлики, шулардан уч киши Ўзбекистондан келган мелиораторлардир. Жумладан, бульдозерчи Муҳаммадин Асламов Чирчиқдан, экскаваторчи Евгений Млюшкевич Тошкентдан, Евлянипи Пичеряга эса Қаршидан.

Борис Васильевич қурувчилар, мелиораторлар ҳақида ифтихор билан сўз-

лади. Бизни олдин Остапова посёлкаси билан танишишга таклиф этди. Биз бажонидил рози бўлдик. Ўзбекистонлик қурувчилар бунёд этган бинолар, йўлларни кўриш ва улар яшаётган хонадонларда бўлиш бизга хушёқарди.

Бизга ҳамроҳ бўлган колонна кадрлар бўлими инспектори Валентина Морозова асли шу ерлик, кўчма колонна бу ерга кўчиб келгач, у ҳам кўнгили бўлиб ишга кирган.

Икки тарафи қўш қаватли уйлардан иборат бетон кўчага бурилдик.

— Бу уйларга ишчилар ўтган йили кўчиб киришган, — дея ҳикоя қилади Валентина Морозова. — Уйларда яшовчиларнинг кўпчилиги Ўзбекистондан келишган. Мана бу бинода (у 11-уйни кўрсатди) боя бошлиғимиз айтган Асляммов оиласи туради. Наригисида Исмоил Нуридинов оиласи истиқомат қилади.

Биз бежирим қурилган уйларга ҳавас билан қараб тургандик, 11-уйдан қора фуфайка кийган, тивит рўмолли аёл чиқиб келди. Аёл бизни кўргач, севиниб кетди.

— Ие, ҳамшаҳарлар-ку. Қани, нега қараб турибсизлар, уйга марҳамат.

— Бу аёл Муҳаммади Аслямовнинг рафикаси бўлади. Темир-бетон заводида кран машинисти, — деди Валентина Морозова.

Фаузия қўярда-қўймай бизни уйга бошлади. «Бир пиёла чой ичмай кетсаларинг хафа бўламан», деб туриб олди.

Уч хонали уй дид билан жиҳозланган. Дераза тоқчасида хонаки гуллар...

— Уёқларда об-ҳаволар қандай? — сўради Фаузия.

— Яхши. Иссиқ.

— Пахта мавсуми қизгиндир?

— Ҳа.

— Биз газета орқали маълумотни кўриб борамиз.

Бундай оддий савол-жавоблар тугамасди. Биз у кишидан: «Зерикма-япсизларми, ишлар қалай боряпти?» — деб сўраймиз.

— Бу ерга келмасдан олдин Чирчиқда, ПМКда ишлардик, — дея ҳикоя қила бошлади Фаузия. — 1979 йили эрхотин маслаҳатлашиб, бошқармага бордик. Ноқоратупроқли ерларда ишлашга йўлланма беришларини илтимос қилдик. Аҳдимизни улар ҳам қўллаб-қувватлашди. Қўни-қўшнилар аввалига ҳайрон бўлишди. «Иссиқ жойларингни ташлаб кетасизларми?» дегувчилар ҳам бўлди. Мен уларга: «Ҳа, нима қипти?» — дедим. Ташкент зилзисада бутун мамлакат ёрдамга келди. Биз ҳам ўз навбатида Россия ерларини ўзлаштиришдек хайрли ишда қатнашамиз-да. Қолаверса, бу интернационал бурчимиз.

Тўғри, дастлаб бир оз қийинчиликларга дуч келдик. Тайёр уйлар йўқ эди. Вагон уйда яшадик. Бироқ эрта-индин уй ҳам бўлишига, қийинчиликлар ортда қолишига ишондик. Йўловчи қийинчиликлардан чўчиса манзилга отланмаслиги керак. Мана, уй ҳам бўлди. Ишлаб, яшаб юрибмиз.

Мақсад бир бўлгандан кейин қоқинмас экансан. Эрим — ПМКда, мен — заводда ишлаяпман. Турмушимдан нолимайман. Ўзбекистон нознеъматларидан баҳраманд бўлиб турибмиз.

Партия, ҳукуматимизга раҳмат. Қарерда бўлмасин, ҳалол, виждонан меҳнат қилсанг, меҳнатинг қадрланмай қолмайди. Эрим «Ноқоратупроқли ерларни ўзлаштиришдаги хизматлари учун» медали, мен эса «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан тақдирландим.

Фаузия билан хайрлашарканмиз, интернационал дўстликни ҳамма нарсадан баланд қўйган бу аёлга меҳримиз яна ҳам жўшиб кетди.

Тушдан кейинги сафаримиз 6-кўчма колонна мелиораторлари иш олиб бораётган Качалов номли совхоздан бошланди. Бу гал бизга мехколонна нормировкачиси Нина Тюкина ҳамроҳ бўлди.

Машинамиз Шуя шаҳридан чиқиб, шимолга қараб юрди.

Ўзбекистонлик мелиораторлар Иваново қишлоғи яқинида катта ҳажмда ўзлаштириш ишларини олиб боришмоқда. Биз тушган машина лой йўлдан бориб, узун вагон олдида тўхтади. Вагон атрофида сопол қувурлар уюми, автокран ва бульдозер турибди. Теварак-атрофни шағал ортган, кети узилмай келаётган «ЗИЛ», «КРАЗ» машиналари ва тракторларнинг овози тутган.

Билсак, бу ерда вагон ишчиларнинг ҳам идораси, ҳам дам олиш хонаси вазифасини ўтаркан.

Нина вагонга кириб чиққач:

— Келаверинглар, прораб шу ерда экан, — деди.

Ичкарига кирдик. Вагоннинг бир томонида белкурак, эҳтиёт қисмлар, ишчи кийимлари тахлибери ётибди. Кенг, узун хонада кўп кишилик стол, қўлбола скамейка. Бу — ишчиларнинг дам олиш хонаси. Вагонда уст-бошлари бир хил, узун резина этик кийган учтўрт киши ўтирди.

— Прораб Валентин Данковский, — деб ўзини таништирди ўрта ёшлардаги мовий кўз, малла соч киши.

Биз прорабдан мелиораторлар иши билан таништиришни илтимос қилдик. У киши оёқларимиздаги ботинкага қараб, ҳайрон бўлди.

— Кечирасизлар, бу аҳволда боролмайсизлар. Чор-атроф ботқоқлик.

Дам олиб ўтирган бояги ишчилар бизга резина этикларини беришди. Раҳмат айтиб, йўлга тушдик. Олдинмакетин, ботқоқлик кечиб борарканмиз, Валентин Данковский ҳикоясини бошлади.

— Мана бу ерлар, — дейди прораб ўнг қўли билан ўрмонлар қуршовидаги сайхонликни кўрсатиб. — Одам тугул бошқа жониворлар ҳам ўтолмайдиган ботқоқлик эди. Мана, экин тасаруфига киритдик. Яқинда эгаларига топширамиз.

Гап билан бўлиб, ўша ўзлаштирилган ботқоқлик яқинига бориб қолибмиз. Аввал ботқоқлик бўлган ернинг узунасидан коллектор ўтган. Тўғриси, бу коллектор Мирзачўл коллекторларидан фарқ қилади. Унинг икки ёни бетонлаштирилган, ўртасига шағал ётқизилган бўлиб, икки ёғига ёғоч тўсиқлар ўрнатилган.

— Шундай қилмасак, баҳор сели, куз ёмғири ювиб кетади. Мустаҳкам бўлгани маъқул.

Валентин Данковский истеъдодли раҳбар, мелиорация ишида катта тажриба тўплаган десак, муболаға бўлмайди. Чунки бу соҳада у қарийб ўн беш йилдан бери тер тўкиб келади.

— Ботқоқликларни қандай ўзлаштиряпсизлар? — сўрадик прорабдан.

— Э, нимасини айтгай, — деди у жиддий тортиб. — Ишонасизларми, қудратли техникамизни ютиб юборишига сал қолди. Бир томондан, яъни суви нишабликка оқадиган жойдан иш бошладик. Сувни нариги томондаги коллекторга оқиздик. Қийинчиликсиз иш битмайди. Ишчиларимизнинг иродасига раҳмат. Чидашди. Айтиб қўяй, қийинчиликлар олдида довдираб қолиб, кетворганлар ҳам бўлди.

Кориз қовлайдиган экскаваторнинг ишини кўрмоқчи бўлдик. Прораб розилик билдирди. Бордик. Экскаватор бир вақтнинг ўзиде ерни 1,5—2 метр чуқурликда қовлаб, қувурнинг остига капрон плёнка тушаяпти. Сопол қувурлар ётқизилгач, яна уст қисмига капрон плёнка тўшаллади. Сўнг тупроқ ётқизилади. Бу ёпиқ кориз ҳисобланади. Кориз орқали оққан сув бояги коллекторга қуйилади. Шуниси характерлики, коризлар оралиғи 100—120 метрдан ортмайди.

— Ўтлоқ ерларга бир курак урсангиз, — дейди прораб, — сув чиқади. Уйлаб кўринглар-а, шу ерларда қандай қилиб ҳосил битиши мумкин.

Прорабнинг гапи тўғри. Шунинг учун ҳам бу ерлар «унумсиз» ерлар рўйхатига киритилган. Энди эса ана шу «унумсиз» ерларни ўзлаштириш пар-

тия ва ҳукуматимизнинг диққат-марказида турибди. Партия даъвати билан сағиз тупроқли ерларни ўзлаштириш учун Россиянинг ҳамма областларида кураш бошланди. Ҳисоб-китобларга қараганда, бундай зоналар 2 миллион 800 минг квадрат-километрли жойни эгаллайди.

Прораб Данковский коллективида 45 нафар мелиоратор бор. Улар 4 экипаж бригадага бўлинган. Бригадаларга РСФСРда хизмат кўрсатган мелиоратор Николай Макушин, Анатолий Нечаев, Николай Труничев бошчилик қилишади.

Коллектив икки йилдан буён Семейкина объектида иш олиб борапти. Мелиораторлар икки йил давомида 900 гектар ер ўзлаштириши лозим. Улар 1982 йили 230 гектар ер топширдилар. 1983 йил эса қолган майдоннинг ҳаммасини ўзлаштирдилар. Шунингдек, 2 километр узунликда ёпиқ кориз битказилди. Мелиораторлар бугун эрта Качалов номли совхоз деҳқонларига яна 330 гектар ерни топширадилар.

Биз заҳматкаш мелиораторларимиз амалга ошираётган катта ҳажмдаги меҳнатни ўз кўзимиз билан кўриб беҳад хурсанд бўлдик ҳамда эзгулик ишларида уларга муваффақиятлар тилладик.

Кохмада шаҳридаги ўзбекларнинг посёлкаси замонавий меъморлик талаблари асосида бежирим қилиб қурилган. Бу ерда икки хўжаликка мўлжалланган юзта коттедж уй қуриб, фойдаланишга топширилди. Шундай уйлардан яна 20 таси битиш арафасида.

Колонна бошлиғи хонасида сухбат қуриб ўтирадик. Кадрлар бўлимининг бошлиғи Надежда Стурасова ногаҳон эътиборимизни радиорепродукторга қаратди.

— Эштинглар-а, Чўтбоевнинг қизлари булар, — деди у кўзлари севинчдан порлаб. Чиндан ҳам радио орқали рус халқ қўшиғи тараларди. Еқимли овоз гоҳ пасайиб, гоҳ авжига чиқади.

— Яхши куйлашяпти, — дедик биз.

— Ҳа, яхши куйлашади. Бизнинг фахримиз улар. Тўй-ҳашамларимизда ҳам улардан илтимос қиламиз. Гапимиз ерда қолмайди. Қўшиқлар эшитиб, ором оламиз. Уч опа-сингил улар. Наталья, Оля, Люба... Бирга келган ҳамшаҳарларимиз оиласидан шундай қўшиқчи фарзандлар чиққанидан мамнунмиз. Уларнинг қўшиғини эшитгимиз келаверади. Бу қизлар куйлаганда бутун трест ходимлари учун чинакам байрам бўлиб кетади.

Надежда Стурасова сўзини Виктор Севантеевич маъқуллади. «Бир оиласи билан танишиб кўринглар, қизиқиб қоласизлар. Ҳа, уларнинг тақдири ҳам

қизиқ. Интернационал оила», деди у. Биз шундагина чўтбоевлар оиласининг интернационал оила эканлигини билдик.

Чўтбоевлар оиласида бўлдиқ. Улар Кохма шаҳрида, мелиораторлар посёлкаси ёнидаги кўп қаватли уйлارнинг бирида туришаркан. Уйга бизни шофёр Володя ва чўтбоевларнинг тўнғич фарзанди Галия бошлаб кирди. Галия турмуш қурган, мелиораторлар посёлкасида яшайди.

Қувноқ, шаддод бу қиз йўл-йўлакай қизиқ воқеаларни сўзлаб берди. Буни қарангки, улар шу сатрлар муаллифлари яшайдиган Оқ олтин райони маркази Сардобада туришган, шу ердан Ивановога кўчиб келишган.

Галия эшикдан кириши ҳамона, ойиси билан кўришаётиб, шундай деди:

— Меҳмонларни қабул қилинглар, ҳамшаҳарларимиз келишибди.

Уйдагилар кутилмаган бу таширфимиздан, ҳар қалай, шошиб қолишди.

Оила бошлиғи Жума ака ҳам уйда экан. Қувониб кетди. Элликни уриб қўйган, кўринишидан анча ёш, озгин, қувноқ бу киши қачон уйлангани, кўчиб келгани, қизлари ҳақида яйраб, шоша-пиша ҳикоя қила бошлади.

Мария Кондратьевнанинг бир оз жаҳли чиқди.

— Меҳмонлар олдин чой ичишин. Кейин гурунг берарсан, — деди у эрига маъноли қараб.

— Қувончим ичимга сиғмаяпти, хотин! Ҳамшаҳарларим келибди!..

Жума ака телевизорни ўчириб, радионинг қулоғини буради. Пластинкалар тахламидан «Ялла» ансамбли куйлаган ўзбекча ашулаларни топиб қўйди.

Ширин суҳбат қуриб, чой ичдик. Биз опа-сингил хонада қизларни кўришни, улар билан ёшлик сурури ҳақида суҳбатлашишни хоҳлардик. Бугун қизлар уйга кечроқ қайтишаркан.

Жума ака Мария Кондратьевна билан қандай топишганлигини ҳикоя қила бошлади.

Мария Кондратьевнанинг миллати немис. У Сардобада қурилишда ишларди. Жума ака «Партия XXIII съезди» совхозида сувчилик қиларди. Мария билан Жума ака ишлаётган жой бирига яқин, деярли ҳар куни кўз-кўзга тушарди. Бора-бора икки ўртада муҳаббат пайдо бўлди. Улар турмуш қуришга аҳд қилишди.

Сардоба посёлкасида тўйлари бўлиб ўтди. Жума ака келинни олиб, Қўқонга — ўзи туғилиб ўсган Яйпан қишлоғига борди. Эр-хотин қурилишда елкама-елка меҳнат қилишди. Ивановога ишчилар танлаётганда, эр-хотин гапни бир жойга қўйиб, Главкага ариза кўтариб боришди.

— Фарзандларингиз кўп экан. Қийналиб қоласизлар, — деди бошлиқлари эр-хотинга қараб. — Кейинроқ уй-жой бут бўлганда борсаларингиз бўлмайдими?

— Йўқ, аҳдимиз қатъий. Қийинчиликдан қўрқмаймиз! — деб оёқ тираб олишди эр-хотин.

1975 йили чўтбоевлар оиласи бошқалар қатори Ивановога кўчиб келишди. Улар олти нафар фарзанди билан кўплар қатори вагон уйда яшадилар. Жума ака 57-ПМКга ғишт терувчи, Мария опа уй-жой коммунал хўжалигига оддий ходим бўлиб ишга кирдилар. Болалари мактабга қатнади.

— Вагон уйда салкам икки йил яшадик, — дейди Мария опа. — Совуқ, қор-бўрон... Ахир, аҳдимиз қатъий эмасмиди, чидадик.

Тўрт хонали, ҳамма қулайликларга эга уйда рўзгорга зарур ҳамма нарса бор. Радио-телевизор, мебеллар... Мария опа вагон-уй ҳақида сўзларкан, уйининг жиҳозларига чехраси ёришиб кўз югуртиради.

Галия олдимизга уй альбомини ва бир қанча фахрий Ерлиқларни олиб келиб қўйди. Суратларни кўздан кечирамиз. Фахрий Ерлиқларни қўлга олиб кўрамиз. Улар ичидан Жума ака номига берилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг фахрий Ерлиғи ҳам бор.

Шу пайт эшик очилиб, остонада опа-сингиллар пайдо бўлишди. Бўйлари деярли бир-бирига тенг, юз-кўзлари бир-бирига ўхшаш, истараси иссиқ уч қиз салом бериб кириб келди. Бизларга кўзлари тушиб, бир оз ажабланишди ҳам.

Галия бир зумда биз тўғримизда сингилларига ахборот берди-қўйди. Биз қизлардан санъатга бўлган қизиқиши ҳақида сўрадик.

— Санъатга, тўғрироғи, рус халқ қўшиқларига қизиқишимизга ойим сабаб бўлган, — дейди Наталья кулиб. — Ойим рус халқ қўшиқларини яхши куйлайди.

— Биздан давр ўтди, энди сизлар айтинглар, — деди Мария опа ҳижолат чеккандек қизариб.

— Нима, тўғриси айтиш керакда, — бўш келмади Наталья. — Тўртинчи синфда ўқиб юрганимда музика муаллимимиз Зоя Владимировна Зарадельская овозимда рус халқ қўшиқларини куйлашга тиниқ оҳанг борлигини айтиб қолди. Ўзи кўп марта синаб кўрди, устозлик қилди. Еттинчи синфдалигимда эди, шекилли, мактаблараро қўшиқ кўригида қатнашдим. Жюри ҳайъати мен куйлаган «Эй юпқалар,

юпқалар!» қўшиғини биринчи ўринга тавсия этди. Шундан кейин мен тўқимачилар саройига таклиф қилидим. 57-ПМК ансамблида қатнашиб юрдим. Ҳамюртларимиз ҳузурда қўшиқ айтиш ҳам шараф, ҳам масъулият.

Уч йилдан бери Оля, Люба билан бирга ўқиб, бирга куйлайман. Иваново областининг район ва шаҳарларида концерт бердик. Бадний раҳбаримиз Екатерина Антонованинг айтишича, яқин орада Тошкентга гастролга борарканмиз.

Наталья ўн саккизда, Оля ўн еттида, Люба эса ўн беш ёшда. Билим юртини тугатгач, Тошкентга келиб ўқиш описингилларнинг орзуси.

Натальянинг яна бир ҳунардан хабари бор. Темирни букиб, искана билан ранг-баранг суратлар чизади. Унинг қўлидан чиққан суратлар хоналарни безаб турибди.

— Ўзбекистондаги дўстларимга бир қанчасини совға қилиб юбордим, — дейди Наталья «сири» очилганидан кизариб.

Биз аҳил оила аъзоларига ҳаётда, ишларида улкан муваффақиятлар тилаб, хайрлашдик. Меҳнатлари билангина кифояланмай, ўз санъатлари билан ҳам биродарларимиз қалбини ҳуш-нуд этаётган чўтбоевлар оиласига ҳавас қилса арзийди.

Нихоят, бугун номи кўп марта тилга олинган ва бизни қизиқтирган ўша «Ўзбекистон» совхозига борадиган бўлдик.

— Кўрдингми, Володя, — дедик «Ниса» машинасининг шафёрига ҳазиллашиб. — «Ўзбекистон»га бораётганимиздан қуёш нур сочяпти. Бу — серкуёш Ўзбекистоннинг офтоби.

— Тўғри, тўғри! — деди Володя кулиб.

Ивановдан чиқиб, областнинг шимолига қараб йўл олдик. Манзилимиз — «Ўзбекистон» совхози шу томонда бунёд этилмоқда. Машинада биз билан бирга яна бир киши бораётган эди. У — Тошкентдан, Главкадан келган. Иси — Сукрот, фамилияси — Шосалимов. Главкада иқтисод бўлимини бошқаради.

Сукрот бу ерларда хизмат тақозоси билан кўп бўлган, йўлни, қишлоқларни беш қўлда яхши биларди. Сўзамол ҳамроҳ топилганидан биз хурсанд бўлдик.

Бораётган манзилимиз шаҳардан юз чақирим йироқда. Бир қанча қишлоқлар, кичик-кичик ариқлар, қайинзорлар ортда қолди.

— Йўлда, трестнинг яна бир ПМКси бор, — деб қолди Сукрот. Бир кўринглар-да, кўрсаткичлари ҳам яхши. Бу ПМКга Главканинг ҳурмати баланд.

Таклифимизга Володя ҳеч иккиланмай рози бўлди. Рулни Сукрот айтган томонга бурди.

Қайинзорларга суқланиб қараётганимизни сезган Сукрот изоҳ бера бошлади:

— Эҳ, бу ерларга ёзнинг июнь-июль ойларида келсангиз борми, маза. Атроф кўм-кўк. Табиатнинг гўзаллигидан роҳат қиласиз, Иложи бўлса, ёзда бир келинлар. Мен ҳар гал йўлим тушса, албатта ёзда бир келаман.

Бизнинг тасавури미зда ҳам табиат гўзал эди. Ўрли-қирли ўтлоқларга тугташиб кетган ўрмонлар, қайинзорлар оралаб ўтган ёлғизоёқ йўллар, ҳамма-ҳаммаси оддий ва табиий туюлади.

35-махсус механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Виктор Андреевич Банних, бош инженер Виталий Андреевич Ишченко билан суҳбатда бўлдик.

Меҳколонна бошлиғи анча босиқ, мулоҳазали, қирқ ўлчаб бир кесадиған одам экан. У, бу ерға келмасдан бурун республика Сув ҳўжалиғи министрлигида инженер, Бектемирдаги «ЦБЭ-СЭРЛП» заводида директор бўлиб ишлаган.

— Зиммамизга ерларнинг сувини қочириб ва суғориб ўзлаштириш вазифаси юкланган, — дейди Виктор Андреевич; ўсиқ ва қалин сочларини силаб. — Оддий қилиб айтганда, мелиорация ишлари билан шуғулланамиз. Колоннамизда ойлик, чорак ва йиллик топшириқлар бажарилмай қолмайди: ҳамма вақт 110—120 фоиз қилиб бажаряпмиз.

Бошлиқнинг кенг, шинам хонасига кўз югуртирамиз, бурчакда алвон ранг байроқ хонага кўрк бағишлаб турибди. Виктор Андреевич қизиқсиниб қараб турганимизни сизди шекилли, изоҳ бера бошлади:

— Колоннамиз мелиораторлари 1983 йилнинг I ва II чорак кўрсаткичлари бўйича Ноқоратупроқ ўлкаси учун таъсис этилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Мелиораторларимиз бундай юксак мукофотга осонликча эришганлари йўқ, албатта. Масалан, 1983 йили планда кўрсатилган 1 миллион 134 минг сўм ўрнига 1 миллион 195 минг сўмлик мелиорация ишлари амалга оширилди. План ошириб бажарилди. «Ўзбекистон» совхозига 182 гектар суғорилган ер топширдик. Айтиб қўй, колоннамиз асосан «Ўзбекистон» совхозий ерларини ўзлаштирамоқда. 1976 йилдан буён 1 минг 30 гектар ботқоқликнинг сувини қочириб ўзлаштирган бўлсак, 1 минг 57 гектр ерни

суғориладиган майдонларга айланттирдик.

— Ўн биринчи беш йиллик охиригача, — дейди Виктор Андреевич суҳбатини давом эттириб. — Мелиораторларимиз 2 минг гектар ернинг захини қочириб, 3 минг гектар ерни суғориб ўзлаштиришлари керак. Албатта, шунча ишни бажариш мелиораторларимиздан катта меҳнат, матонат талаб қилади.

Меҳколонна бошлиғининг сўзини тингларканмиз, бу ишларни амалга оширишда юз берадиган қийинчиликлар хаёлимиздан ўтади. Ахир, ўйлаб кўринг-а, нотекис ўтлоқлар, ўрмонлар ўрнида ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинларини бемалол экиб, мўл ҳосил етиштирса бўладиган ерни тайёр қолга келтириш учун озмунча маблағ, озмунча куч талаб этилади дейсизми? Ботқоқликларнинг сувини қочириш, 15—20 сантиметрлик қатламнинг пастиди сув қалқиб турган жойларни ўзлаштириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келар-вермайди. Бунинг учун инсонда кучли ирода, эл-юрт ишига муҳаббат бўлмоғи зарур. Бу ерда меҳнат қилаётган мелиораторларда ана шу хислатлар мужассам. Шунинг учун ҳам колоннанинг тракторчилари — Николай Дубинов, Валерий Волков, экскаваторчи Николай Ижболдин, мастер Владимир Цим Ноқоратупроқ ўлкасининг ўзлаштирилишида кўрсатган қахрамонликлари шарафига «Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришда кўрсатган хизматлари учун» медали билан тақдирландилар.

...Бошлиқ хонаси бўсағасида бир йигит пайдо бўлди.

— Кир, киравер, Баҳром, — деди Виктор Андреевич йигитни ичкарига таклиф этиб. — Сизларни шу йигит билан таништирмақчийдим. 1976 йили комсомол йўлланмаси билан келган...

Баҳром қорамангиз, зуваласи пишиқ, кишига кулиб боқади. Йигирма тўққиз баҳорнинг юзини кўрган йигит. Пайвандчи. Уни суҳбатга тортидик.

— Биз комсомол йўлланмаси билан 360 нафар ёш йигит-қиз келгандик, — дейди Баҳром бир оз уялинқираб. — Озчилик қолдик. Кўпчилик кетиб қолди.

— Сиз қолибсиз-ку, — дедик биз.

— Ҳа. Тўғриси, бизни олти ойга жўнатишган эди. Орада мен ҳам кетиб қолдим. 1977 йилдан 1979 йилгача ўзим туғилиб ўсган Пскентга ишладим. Ишлардим-у, хаёлим Россияда бўларди. Шовуллаб турган ўрмонлар, оқ қайинлар, сеҳри мени нуқул ўзига чорларди. Ўрнини Россияда эканлигини ҳис этдим. Бунни қарангки, бахтимни ҳам шу ердан топдим. Уйландим. Турмуш ўртоғим рус қизи — Надежда...

— Фарзандлар борми?

— Бор. Ўғил. Исмини Равшан қўйганмиз. Уч ёшда, — дейди Баҳром кулиб.

— Келини Пскентга олиб бордингизми? Ота-оналарингиз хурсанд бўлишгандир?

Баҳром Пскентнинг Муротали қишлоғида туғилган. Отаси Аваз ака, онаси Манзура опа дала одами. Саккиз фарзандни тарбиялаб, уларда эл-юрт ишига муҳаббат уйғотган. Фарзандларининг тўнғичи — Баҳром. Ўғлининг Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришда фаол қатнашаётганидан ота-она хурсанд. Баҳромдан кейин тўрт ўғил, уч қиз воёга етди. Шубҳасиз, улар ҳам акаларига ўхшаб, эл-юрт, жамият ишига фойда келтирадиган кишилар бўлиб етишади. Аваз ака ва Манзура опанинг умиди ҳам ўшалардан.

Йўлда давом этамиз.

Қанчадан-қанча ўрмонлар, йўллар, қишлоқлар ортада қолди. Тўғриси, ҳар қадамда Россиянинг ўрмон, қайинзорларини, ўрли-қирли ўтлоқларини учратасиз. Машинамиз йўлнинг ўнг тарафидида, «Ўзбекистон» совхозидеб катта килиб ёзилган лавҳа ёнида тўхтади. Машинадан тушдик. Атроф қуюқ ўрмонзор. Ўнг томонга бурилган йўлнинг муюлишида Тошкентдаги «Зангори гумбаз» чойхонасидан андоза олиб қурилган «Баҳор» чойхонаси.

Чойхонага кирдик. Ўзимизни худди Тошкентда юргандек, «Зангори гумбаз» чойхонасида ўтиргандек ҳис этдик. Ўзбекча таомлар, кўк чой бююрдик. Айтишларича, бу ерда аввал Бойота деган бир ўзбек киши ишлаган. У киши чойхона ходимларига ўзбекча таом тайёрлаш санъатини ўргатиб кетибди. Кабоб еб, чойхўрлик қилдик. Пахтагулли чойнак-пиёла, чинчиларни кўриб завқимиз келди. «Баҳор» чойхонаси исми-жисмига монанд қурилган бўлиб, Олтин ҳалқа йўлига замонавий кўрк бағишлаб турибди.

«Ўзбекистон» совхозига йўл олдик.

— Икки-уч йил олдин бу ерларда машина юролмасди, — деди Володя автомобилни текис асфальт йўлдан елдириб бораркан. — Фахрлансаларинг арзийди. Ўзбекистонлик мелиораторларнинг иши бу!..

— Одамлар беш-олти чақирим жойдан катта йўлга қандай чиқишган? — қизиқсиниб сўраймиз шофёрдан.

— От-улов билан-да. Транспорт юролмаса...

— Қишда-чи?

— Қишдаям. Қишда фақат арава ўрнига чана қўшилади.

Мана, «Ўзбекистон» совхозидеб посёлкаси. Замонавий уй-жойлар, мактаб, боғча, магазин, асфальт йўллар... Икки

қаватли, икки оилага мослашган коттедж уйларни худди Мирзачўл, Қарши ёки Жиззах чўлларида учратгандай бўласиз. Бежирим қурилган бу уйларнинг чоқина томорқаси бор. Бир йўла қўйхона, молхона, ўтинхонаю омборхонасигача қуриб қўйилган.

Биз бу ерда бир йигит билан танишиб қолдик. Шоҳназар Сафарбеков асли Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот шаҳридан, Россияга 1976 йили келган. Ушандан бери шу ерда. «Ўзбекистон» совхозининг тамал тошига биринчи гишт қўйишда, ботқоқликларни қуришти, уй-жойлар бунёд этишда жонбозлик кўрсатган. Ҳозир бетон қоришмаси тайёрлаш бригадасида мастер.

— Дастлаб келганимизда «Ўзбекистон» совхози посёлкаси ўрнида бешта вагон-уй бор эди, — деб хотирлайди Шоҳназар. — Ёшлар кўп эди. Бир чақирим йўл юриб ошхонага беш чақирим юриб магазинга борардик. Қурилиш ишлари шундай қизиқ кетдики, асти қўяверасиз. Бетон, шағал ортган, қурилиш материаллари ташиган машиналарнинг кети узилмайди. Қудратли техникалар ер суриб, ботқоқликларни чекинтира бошлади.

Бизлардан ўрناق олиб, шу ерлик ёшлар ҳам сафимизга қўшила бошладди. Надежда исмли шу ерлик қиз билан танишиб қолдим. Бирга ишладик. Ҳозир у сувоқчи-бўёқчи бўлиб ишлайди. 1976 йилнинг декабрида тўйимиз бўлди. Мана, ўғил ҳам кўрдик. Ҳозир Мурод олти ёшда. Уз қўлимиз билан қурган уйда яшаймиз.

Шоҳназарнинг оиласи билан танишдик, уйини бориб кўрдик. Уларнинг турмушига кўпчилик ҳавас қилгулик.

«Ўзбекистон»ни трестни 21-механизациялашган кўчма колоннаси қурапти.

Колонна бошлиғи Василий Демянович Швачкин эллик етти ёшда. Урта бўй, ғўлабирдан келган, қиров қўнган сочларини силлиқ тарайди. Бу киши Янгиерда кўп йиллар ишлаган, Главкадан келганига бир йилдан ошиб қолди. Тез орада тилга тушиб, Приволжск район Советига депутат қилиб сайланди. Колонна қурувчиларидан тўрт нафари посёлка қишлоқ Советининг депутати. Бу ўзбекистонлик қурувчи-мелиораторларга бўлган юксак ишончдан далолат беради, албатта.

— Колонна қурувчилари 1983 йили салкам икки миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариши лозим, — дейди Василий Демянович. — Бошқача қилиб айтганда, 2 минг 700 квадрат-метр уй-жой қуриб, фойдаланишга топширамиз. Шу вақтгача 12 хонали 7 та, икки хонали 26 та

коттедж уй, 340 ўринли мактаб, 320 ўринли болалар боғчаси, ошхона, амбулатория, дорихона савдо маркази, сут дўкони қуриб топширдик. Келаси йили эса маданият уйи, алоқа уйи, совхоз идораси, 800 қорамолга мўлжалланган ферма, минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлайдиган омборхона, тегирмон қурилишини тугаллаб, топширамиз. Бундан ташқари посёлкани газлаштирамиз ва телефонлаштирамиз.

Инсон кучи — дўстликда, деб бежиз айтишмаган. Дўстликнинг чинакам мурувватини Ўзбекистондан келган қурувчи-мелиораторлар намойиш этишмоқда. Бундан партия ва ҳукуматимиз ҳам; дўстларимиз ҳам миннатдор. Колоннада уч юздан ортиқ киши ишлайди. Улар биродарларимизга ҳамма қулайликларга эга шинам уй-жойлар, маъмурий биноларни сифатли қурган ҳолда муддатидан илгари топширишга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, Аҳмаджон Йўлдошев прораблик қилаётган иккинчи участка, бетончи Абдуманноп Абдумуталов, монтажчи Тоҳир Мусаев каби ёшлар кўпчиликка ибрат бўлмоқдалар.

— Бу ерда ҳали ишлар кўп эканда, — сўраймиз Василий Демяновичдан, «Ўзбекистон» совхози макети туширилган харита-чизмага ишора қилиб.

— Ҳа, албатта. 1984 йилда «Ўзбекистон» совхози қурилишини бутунлай тугаллаймиз. Кейин «Тошкент»га ўтамиз.

— «Тошкент» совхози ҳам бўлади-ми?

— Ҳа-да. «Ўзбекистон» билан чегарадош ерда ташкил топади... Маркази — Олтин ҳалқа йўли яқинида бўлади. Умуман, мен сизларга айтсам, трестимиз Иванова областига еттита совхоз қуриб, ерларини ўзлаштириб топшириши лозим. Ҳа, ҳали олдимизда қилинажак катта ишлар турибди.

Дарҳақиқат, «Ивановоирсовхозстрой» трести коллективи зиммасида ҳали бажарилиши лозим талайгина ва масъулиятли ишлар бор. Трест бошқарувчиси Геннадий Сергеевич Суриков ҳам бунни тасдиқлаб, амалга оширилажак ишлар ҳақида гапирди.

Хуллас, юртдошларимизнинг Ноқоратупроқ ерларида кўрсатаётган матонатю шижоатига қанча фахрия битилса, шунча оз. Лекин шунга шубҳа йўқки, Россия тупроғида ўзбекистонлик қурувчи ва мелиораторлар томонидан бунёд этилаётган кенг кўламдаги бу ишлар дўстликка қўйилган ҳайкал бўлиб қолади.

Рустам Шоғуломов

ҚАЛБИНГДА ҚУЁШ БОРМИ

Баланд бўйли, қувноқ, нозик таъб бу йигит билан Сирдарё соҳилида, тўғон тепасида узоқ суҳбатлашдик. Утган йили қурилган тўғон дарё йўлини ўзгартириб, қанча-қанча қишлоқларни тошқин хавфидан халос қилибди. Дарёнинг аввалги ўзани ўрнида совхоз ишчилари учун дам олиш зонаси барпо этиляпти.

Бир пиёла чой баҳонасида баҳордаги ёмғиру селлар, ишчилар иродаси, қариялар ҳиммати ҳақида ҳам фикрлашиб ўтирдик. Гап айланиб чўлга бориб тақалганда бешинчи бўлим ҳақида сўрадим.

— Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, — деди ҳамсуҳбатим кулиб. — Юринг, ўз кўзингиз билан кўринг.

Бешинчи бўлим Марказий Фаргонанинг Аччиққўл массивида. Бир вақтлар, суҳбатдошим Мўминжон совхозга директор этиб тайинланганда, ишни шу бўлимдан бошлаганди. Бунгача у узоқ йиллар Ленин номли совхоз комсомолларига етакчилик қилди. Кейин район партия комитетида инструктор бўлиб ишлади-ю, колхоз-совхозларни кезиб, бир қатор муаммоларга дуч келди.

Ҳаёт, тараққиёт бор экан, катта-кичик масалалар туғилаверади. Айниқса, тиниб-тинчимас одам учун. Мўминжон ана шунақа — бир ерда тинч туролмайдиган одам. Шу боисдан дарҳол муаммолар топди.

Муҳим масалалардан бири — ерларни машина теримига сошлаш. Долзарб паллалар эди, бутун ишчи кучи, техникани шунга жалб этиш шарт. Иккинчи муаммо, кеч кузда ҳосил йиғиштириб олингач, юзага келди. Ғўзапоялардан тозаланган ер шудгор қилинади. Қанчадан-қанча ишчи кучи техникага мурожаат этиши керак. Наҳотки?.. Ҳам иш унумини оширадиган, ҳам ишчи кучини тежайдиган ўзгача йўл наҳот бўлмаса! Бор, астойдил ихлос қўйилса ҳамма нарсанинг иложи топилади. Фақат бунинг учун ишнинг кўзини билиш, техниканинг сирини тушуниш керак.

Мўминжон бу муаммолар билан жиддий шуғулланиш мақсадида райком секретарига йўлиқди. Ниятини амалга ошириш учун рухсат сўради. Илтимосига биноан, у Ленин номли совхоз марказий-ремонт устахонасига мудир қилиб тайинланди.

Мудир устахона ҳовлисини кўздан кечирар экан, «ДИП-2»ни кўрди-ю кайфияти бузилди. Занглабди. Қанчадан-қанча маблағ ҳайф кетибди. Мўминжон кабинетга кириб, косилка ҳақидаги ҳужжат-маълумотларни кўздан кечирди. «ДИП-2» дашт ва ярим дашт ерлардаги озуқали экинларни йиғиштириб олади. Ҳаёлига ярқ этиб бошқа фикр келди. «Шу косилканинг кесувчи аппаратини пахта териш машинаси шпинделлари ўрнига ўрнатилса, қандай бўларкин? Тажриба муваффақиятли чиқди. Мўминжон яратган СБЖ (самоходная бункерная косилка) агрегати беда ва маккажўхори ўриш, қайтиш майдончаларидаги ғўзапояларни саранжомлаш, хирмондаги ёйилган пахталарни йиғиштириб прицепга юклаш каби турли-туман вазифаларни бажарарди. Унинг орзуси ҳақиқатга айланганди... Иқтисодчилар янгиллик туфайли бир миллионга яқин фойда олингалигини қайд этишди. Мазкур ихтиро бошқа хўжаликларга ҳам ёйилди. Ихтирочи учун бахтиёр дамлар бошланди.

Райком секретари инженернинг ихтироси билан обдан танишиб чиқиб, қаноат ҳосил қилгач, уни чақиртирди, қутлади, сўнг:

— «Поп» совхозини биласиз-а? — дея гап бошлади. — Ҳар йили планни бажаролмаяпти. Даромади паст... Сизнингча, қандай йўл билан совхозни кўтариш мумкин?

Мўминжон ўйга толди, бир оз мулоҳаза қилиб тургач, хаёлига келган фикрни айтди:

— Совхозда ишчи кучи оз. Бунақа шароитда айниқса техникага зўр бериш керак. Янги ерлар очиш ҳисобига мақсадга эришиш мумкин.

— Фикримиз бир ердан чиқди, — секретарнинг чиройи очилиб кетди. — Бунинг учун сизга ўхшаган иқтидорли инженерлар зарур. Бюро аъзолари билан масалани кўриб чиқиб, сизни ўша ерга директор этиб тайинлашга қарор қилдик. Нима дейсиз?

Мўминжон розилик билдирди.

«Поп»га келганидан бошлаб уч ой давомида директор Аччиққўл массивининг бутун майдонини синчиклаб кузатиб чиқди. Қаерга қандай бино қуриш, қайси майдонларга қандай экинларни экиш кераклиги ҳақидаги таклифларини кўпчилик ўртасига қўйди. Бир овоз билан Охунбобоев номли каналга кўприк қуриладиган бўлди. Натижада йўл роса йигирма километрга қисқарди.

Машинамиз янги очилган ўша йўлдан елиб боряпти. Директор машинани чаптастик билан бошқариб борар экан қилинган, қилинаётган ишлар ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қиларди. Ниҳоят, биртекис ўсган навихол толар қаршисида тўхтади. Шийпондан ўрта бўйли, миқти гавдаси полвонларни эслатадиган бир йигит чиқиб келди. Бу — 5-бўлим бошқарувчиси Ёқубжон Мирхонов эди.

Ёқубжон йигитлик куч-қувватини синаб кўриш учун Қўқондан келган экан. У билан бирга сув келса симириб, тош келса кемириб меҳнат қилаётган Саъдулла Нуралиев, Исмоил Баҳодиров, Иброҳим Йўлчиев, Адҳам Мамажонов, Олимжон Усмонов, Йўлдошали Ҳусанов, Абдулла Парпиев, Иброҳим Сотволдиев каби йигитлар маслаҳатни бир жойга қўйишиб, янги очилаётган ерга келаверишибди. Аччиққўллик азаматлар кейинги икки йил ичида асрий барханлар, ачима кўллар бағридан минг гектарга яқин ер ўзлаштиришибди. Бу йил эса чўлдан ажратиб олинган ерларнинг 500 гектарига пахта экишибди.

Директор ўз лойиҳаси асосида совхоз қурувчилари бунёд этаётган икки қаватли шийпон, чўлга ҳусн-кўрк бағишлаб турган «синфдош»лар боғини кўрсатаркан:

— Утган йилнинг илк баҳор кунлари эди, — деб эслайди. — Ун йил бир синфда ўқиб, бирга ўсган синфдош дўстларимиз йўқлаб келишди. Қадрдонларимга Аччиққўлнинг келгуси режаси ҳақида гапириб бердим. Улар муваффақиятимиздан қувониб, эсдалик учун чўлга мевали дарахт кўчатлари ўтказдилар.

...Аччиққўлдан қайтишда ортимга, атрофга ҳавас билан қарадим. Бепоён кенгликлар, яшнаётган боғ, шовуллаган шолитор, янги экинга тайёрланган яхлит майдонлар қуёшга тўш уриб ётар, битаёзган икки қаватли уйлар киши кўнглини кўтарарди.

Директор гапирган 6-бўлим совхоз марказидан роса 60 километр нарида — Пунгон даштида экан.

Изланувчан одамларни кеча қилинган иш бугун қониқтирмайди, ҳаёт мантиқи шундай. Одиловга хос характер — изланиш, яратиш, тиниб-тинчимаслик. Марказий Фарғонада «Навбаҳор» шаҳри қурилиши ҳаракатини бошлаб берган, бу хайрли ишга район, область ташкилотларининг диққатини жалб этган киши — Аҳмаджон ака Одилов эди. Мана, орадан кўп вақт ўтмай, барханлар ўрнида исми жисмига монанд, шинам шаҳар қад кўтарди. Худди афсоналардаги Эрам боғидек ям-яшил воҳа. Шаҳарча атрофида, ғурумсаройликлар ўзлаштирган ерларда эса «Навбаҳор» номли совхоз ташкил топди. Чоркесар тоғ этакларида «Високогорнийк» совхози, Чотқол тоғи этакларида эса «Зодак», «Тошкент» совхозлари ташкил топиб, шулар асосида Ленин номли территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси вужудга келди.

Кейинги пайтларда Аҳмаджон аканинг яшил «УАЗ»и Пунгон даштларида тез-тез пайдо бўларди. Бирлашма бош директорининг табиатини яхши тушунадиганлар у яна бир хайрли ишни бошлаш ниятида юрганини айтишди. Ҳақиқатан ҳам, орадан кўп ўтмай, Пунгоннинг тепасида, Тошкент йўли ёқасида «Ғолиблар» шаҳри қурилади», деган лавҳа пайдо бўлди.

Ўша кунларнинг бирида акасини йўқлаб, бу ерга Мўминжон келди. Тўғриси, у ҳам Пунгон дарагини эшитган, амалга оширилаётган бунёдкорликларни ўз кўзи билан кўриш ниятида эди. Штабдагилар Аҳмаджон ака дашт ичкарисида юрганини айтишди. Мўминжон зудлик билан машина рулини ўша томонга бурди. «Газик» ҳали текислаб улгурилмаган йўлдан силкиниб-силкиниб борар, Мўминжон эса атрофни синчковлик билан кузатарди. Баландапаст адирлар ёнбағирларида илк баҳордан дарак берувчи кўм-кўк майсалар

яшнаб ётарди. Бепоен майдонлардаги бу манзара жуда кўркам эди. Чўлнинг адоғи йўқдек. Мўминжон Ленин номли совхозда ишлаб юрган кезлари бу даштларга йўли ҳам, назари ҳам тушмаганига ажабланди. «Акам ҳаммасини биларкан-у, вақти-соати етишини кутиб юрар экан-да», деб ўйлади. Мўминжон дашт йўлларининг ҳаммасини босиб ўтди. Аҳмаджон акани эса учратолмади. Қаерда бўлиши мумкин? Ниҳоят у янги қазилган анҳор ёқалаб йўл олди. Беш-олти километр масофани босиб Сервақсойнинг бўйига етгач, уч-тўрт чоғли одам билан гурунглашиб турган акасига кўзи тушди. Аҳмаджон ака укасини кўриб, ҳамроҳларига нимадир деди-ю, машина томон юрди.

— Қалай? — сўради ака экскаваторлар гуриллаб ишлаётган томонга имо қилиб.

— Зўр! — жавоб қилди ука ҳаяжонланиб.

— Энди Сервақсой суви беҳудага оқмайди, — Аҳмаджон ака ўнг томонга ишора қилди, — у ёқдан «Чодак» — «Г» канали келяпти. Пастда Пунгон насос станцияси бор.

— Шунча сув ортиқчалик қилмайдим?

— Етмайди, укажон, етмайди, — деди Аҳмаджон ака ҳаяжон билан адирларга назар ташлаб. — Ер кўп. 15 минг гектар-а! Озгина меҳнат сарфланса, қуруқ таёқ кўкаради, бу ерларда!

— 15 минг гектар, чиндан ҳам кўп!

— Ҳа, — тасдиқлади акаси унга синчков тикилиб. — Нақ 15 минг гектар ер! Бу шаҳарчани беҳуда қураётганимиз йўқ. Келажакда битта район ташкил қилса арзийди, бу ерларда.

Мўминжон, акасининг сўзларини тинглар экан, юраги янги бир иштиёқ, шижоат билан гупиллаб ура бошлади. Ҳақ гап. Бу ерларга фақат об-ҳаёт керак. Тупроғи кумушдай соф. Мана сув ҳам келаётган экан. Чорвачилик учун қулайликлар яратилса, қандай бўларкин?

— Шаҳарча битса, бу ерларга Чодак, Қандагон, Гулистон, Туда, Олиш, Резак, Хонобод қишлоқлари аҳолисини кўчириб келамиз, — ҳамон тўлиб-тошиб сўзларди Аҳмаджон ака, — янги-янги совхозлар ташкил этамиз.

— Ака, ҳозирча биз бу ерга чорвачилик учун бирор нарса эксакмикан? Аҳмаджон ака мамнун жилмайди. «Пухта йигит бу!»

— Уддасидан чиқолсанг, марҳамат! — деди укасининг елкасига қўл ташлаб.

— Чиқамиз! Чиқолмасак, ўзингиз ёрдамлашасиз-да!..

— Уша куниеқ совхоз активларини йиғиб, маслаҳатлашдик, — ҳикоя қилади Мўминжон, — ҳаммага маъқул тушди. Чигит экиб бўлингач, ҳаммамиз 1 Май байрамини Пунгон даштларида кутиб олишга келишдик. Бу — ҳам хашар, ҳам сайил бўлиши керак эди.

Директорнинг ҳикояси давомини 6-бўлим бошлиғи Абдулла Тоҳировдан эшитдик. Абдулла 40—45 ёшлар чамасидаги, ўрта бўйли, қотмадан келган, юзи қизил мағиз киши. Аҳмаджон ака билан бўлган суҳбатдан кейин Мўминжон дашт сардорлигига кимни тайинласак экан, деган фикрни ўртага ташлади. Узоқ маслаҳатдан сўнг Абдуллани лозим топдилар.

Абдулла йигирма йилдан буён Марказий Фарғона ерларида трактор минди, сўнг бригадирлик қилиб, ҳар гектардан 50 центнердан пахта ҳосили олган. Хиёл қизиққон, бир сўзли, чўрткесар, ушлаган жойидан кесадиган, орияти қаттиқ бу йигит кўпчиликнинг ҳурматини қозонган мутахассислардан эди.

Мўминжон акаси билан учрашган ўша жойда машинасини тўхтатиб пастга тушар экан, Абдулланинг тирсагидан тутди.

— Мана шу ерларда «Поп» совхозининг 6-бўлими бўлади. Сиз шу бўлимни бошқарасиз!

Иш бошланди. Ўн саккизта трактор ва 200 киши келди. Вагон уйлар ўрнатилди.

— Чодирлар қурдик, — дея ўша кунларни эслайди Абдулла ака, — бир haftaда даштдан 400 гектар ер тортиб олдик. Абдибанно Худойқулов, Роҳатали Абдурахмонов, Алижон Рўзиев, Акбарали Мансуров, Роҳат Алихўжаев сингари йигитларимиз роса ишлашди. Офарин шуларга! Бу ерларда 3-«Поп» совхози бўлади, — давом этди директор.

— Иккинчиси?

— Аччиқкўлда!

«Ҳақиқий эл фарзанди, чинакам замонавий раҳбар», деган ўй ўтди беихтиёр хаёлимдан. Меҳнатдаги сафдошларини қандай бўлса, шундай тан оладиган, уларнинг ожиз томонларини тушунадиган ва нимага қодир эканлигини ҳам кўра биладиган, ҳамроҳларининг жамики фазилатини Ватан, халқ

манфаати учун йўналтира оладиган меҳнатсевар ва тадбиркор йигит билан Пунгонда хайрлашдим. У тоғда қурилаётган пионер лагерини кўриш учун Чодакка кўтарилиб кетди. Бу — Мўминжон билан биринчи учрашувимиз эди.

II

Директор билан иккинчи бор кузда учрашдик. Кексаю ёш, ҳосилни ёгин-сочинга қолдирмай йиғиштириб олиш, 9 минг тоннали баракали совхоз хирмонини кўтариш ташвишида эди. У, айниқса, тиниб-тинчимас, турли масалалар билан елиб-югуриб юарди. Бир маҳал рация орқали совхоз бош навбатчисини чақириб қолди.

— Ҳозироқ райижрокомга боринг, Мақсуда Бултуровага мукофот тариқасида берилган «Москвич»ни олиб келинглар. Кечқурун тошпирамыз.

— Мақсуда Бултурова ким ўзи? — сўрадим директордан. У, йўл-йўлакай, бу деҳқон аёл қақида мароқ билан сўзлаб кетди.

...Оқшом, ҳаронги тушиб борарди. Директор дала айланиб, Канапли қишлоғи чегарасидан ўтиб бораётган эди, ҳамон пахта тераётган бир аёл билан бир қизни кўриб қолди. Мўминжон «Нива»га тормоз берди ва уларнинг олдига бориб ҳол-аҳвол сўради:

— Тинчликми?

— Директор болам, моддий томондан сал қийналиб қолдим. Яқинда қиз чиқаргандим. Бугун-эрта ўғлим армияда қайтади. Уйлаб қўйиш керак. Шу туфайли, кўпроқ ишласак ҳам, бир оз даромад тўплаб, уйларимизни ремонт қилмоқчийдик...

— Нега менга учрашмадингиз, опа? — директорнинг овозида ҳам койиниш, ҳам меҳрибонлик оҳанги бор эди.

— Болажоним, ташвишингиз бошингиздан ошиб ётса. Сизни безовта қилишга тилим бормади.

— Ҳамма ишларимиз, югур-югурларимиз, ташвишларимиз сизлар учунда. Ийманмасдан киравериш керак эди.

Директор шу заҳоти рация орқали совхоз навбатчиси билан гаплашди:

— Канапли қишлоғидаги Мақсуда опа Бултуровани танийсизми? Яхши, дарҳол қурилиш бригадаси бошлиғини топиб тайинланг. Шу аёлнинг уйини ремонт қилиб беришсин.

Ҳовли ярақлаб кетди. Тўй қойилмақом ўтди. Мақсуда опа хонадонига келиннинг пойқадами ёқди. Хурсандчилик. Мақсуда опа шодлигидан кўзларида ёш, бир ўғлига, бир келинига боқади. Директорнинг бу яхшилигига қандай қилиб яхшилик қайтарса экан.

Мақсуда опа шундай хаёллар билан совхоз директори хонасига кириб қолганини ўзи ҳам сезмади. Мўминжон Одилов опани самимий қарши олди. Креслога таклиф этди. Уй-жой, бола-чақаларининг ҳол-аҳволини суриштирди.

— Раҳмат, Мўминжон! — опа юрак ҳаяжонини изҳор қиларди, — оиламиз аъзолари сиздан жуда миннатдор. Яхшилигингизга нима билан жавоб қайтарсак экан, деган уйдамыз. Армиядан келган ўғлим ҳам, келиним ҳам совхозда ишламоқчи. Улар билан маслаҳатни бир ерга қўйдик. Визга, бизнинг оиламизга ер берсангиз. Пахта эксак. Пахтачиликдаги тажрибаларимни ўғлим, қизларимга ўргатсам. Бу ташаббусдан совхоз директори ғоят шод бўлди. Шундай қилиб, Мақсуда опа Бултурова оила аъзолари билан 20 гектар ерга пахта экди. Натижа ёмон бўлмади. Бултурова звеноси колхозда биринчилар қаторида йиллик маррани эгаллади. Бўз ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу чўл шароитида рекорд кўрсаткич эди. Мана, шу меҳнатнинг мукофоти — ярақлаб турган «Москвич» уларга мунтазир.

Аччиққўлдаги 5-бўлимга кетяпмиз. Эрта баҳорда бу ерлардан ўтганимизда йўллар баланд-паст ва лой эди. Энди теп-текис, юрган сари кишининг баҳри-дили очилади.

«Тўлбоғ» совхози далаларидан ўтиб борардик. Йўл чеккасидаги «Совхозизмнинг балиқчилик хўжалигига хуш келибсиз!», лавҳаси эътиборимизни тортди.

— Бу хўжалик ҳам сизга қарашлими? — ҳамроҳимизнинг диққатини бўлдим.

— Йўқ, — жавоб қилди Мўминжон, — бу қўшнилариимизники. Тўғри, карта бўйича бизнинг совхозга қарайди. Лекин лубоғликлар йил бошида ана шу ерларни бизларга берсангизлар, балиқчилик хўжалиги ташкил этиш ниятидамыз, деб қолишди. Ён қўшнинг — жон қўшнинг, деганлар. Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши. Йўқ деёлмадик. Юз гектар ерни бердик. Бунинг ўрнига Аччиққўлдан — ўша ўзингиз кўрган кимсасиз барханзорлардан 200 гектар ер қўшиб олдик.

Аччиққўлда ҳосил яхши бўлди. Тўғри, пахта нозик ўсимлик. Баъзи бир пайкалларда тўла унмади. Лекин ҳосил чакки эмас. Айниқса, оқжўхори, кунгабоқарлар кўнглидагидай етилди. Бошларини эгиб ётибди.

— Бир-икки йил оқжўхори ва кунгабоқар экамиз-да, ер етилгач, навбат пахтага келади, — деди директор.

Аччиққўлдан қайтишда, Сирдарё ёқасидаги «Ирригатор» оромгоҳида тушиб ўтдик. «Ирригатор» оромгоҳи... Унинг ташкил этилиши ҳам алоҳида бир воқеа экан.

...Сирдарё — нурдарё, жўшқиндарё. Унинг тантилигига ҳам, телбалигига ҳам тараф йўқ. Ана шу дарё не-не қўриқларга, дашт ва адирларга ҳаёт бағишлаганини эслашнинг ўзи кифоя. У узоқ йиллардан бери совхознинг Мирзаобод, Чигаоқ, Қарчин каби қишлоқларига, пахтазорларига хавф-хатар солиб келарди. Айниқса, хатар баҳор пайтларида кучаяр, дарё ўзанига сизмай, қанчадан-қанча пахтазор, экинзорларни босиб кетар, хонадонлар талафот кўрар, деҳқоннинг меҳнати баъзан сув остида қоларди. Мўминжон Одилов совхозга директор этиб тайинланганидан кейин ана шу тошқин хавфини бартараф этиш йўллари излади. Мутахассислар, «Облводхоз» раҳбарлари билан маслаҳатлашишди. Кўпчилик унинг таклифига қарши чиқди. Дарё ўзанини ўзгартириб бўлар эканми?.. Келиб-келиб дарёи азим — Сирни бошқа ёққа оқизиш осонми? «Облводхоз» дагилар бу иш қўлларидан келмаслигини рўй-рост тан олишди. Нима қилиш керак? Директорнинг боши қотди. Бари бир орқага қайтиш йўқ. Айтилган сўз — отилган ўқ. Кўз қўрқоқ — қўл ботир. Бу Мўминжон Одиловнинг қатъий қарори эди. Тўғри, одамлар «дев» эмас. Аммо одамзодда ору бор. Ақл-идрок бор, қолаверса, замонавий техника бор. Наҳотки, дарёни жиловлаб бўлмаса? Ахир, халқимиз Катта Фарғона канали деб ном олган азим иншоотни 45 кунда барпо этган-ку!. Мўминжон Одилов халққа, одамларга мурожаат этди. Мурожаат қилганда ҳам юрагидаги режаларни баралла очиб, кўнглидагиларни тўкиб солди. Эртасигаёқ дарё бўйига одамлар сизмай кетди. Сон-саноксиз техника, ёш-яланглар... улар азим Сир билан тенгма-тенг, бўйма-бўй олишардилар. Шу олишув, шу қаҳрамонона кураш роса 40 кун давом этди. Дарё тўсилди. Сир талпина-талпина, инсонлар бунёд этган тўғонга бардош беролмай, ноилож ўзанини ўзгартиришга мажбур бўлди.

Биз ўша дарёга ташланган тўғон тепасидаги асфальт йўлдан борардик. Дарёдан ажратиб олинган жой — Сирдарё ёқасида ажойиб бир маскан қад кўтарибди. Инсонлар қаҳрамонона меҳнатининг тимсоли сифатида бу ерга «Ирригатор оромгоҳи» деб ном берилибди. Оромгоҳ атрофидаги қурилишлар давом этапти. Директор ўз лойиҳаси бўйича тузилган биноларни кўрсатди. Сочидаги, Ялтадаги дам олиш уйлари билан беллашаман, дейди. Кўркам, шинам, ораста, энг муҳими, бу ерда ўзига хос архитектура ансамбли вужудга келтириляпти.

Тушдан кейин Оқтепага боришга тараддудландик. Оқтепа Чотқол тоғлари бағрида. Маълум бўлишича, Мўминжон Одилов Пунгон ташвишида юрган кунларининг бирида тасодифан ташландиқ ётган бу ерга келиб қолади. Мўминжон ташаббуси билан ана шу қаровсиз ерларни тартибга келтириш, кўркам бинолар қуриш ниятида иш бошланади. Шу тариқа бир-биридан шинам уйлар қад кўтарди. Яна қанчадан-қанчаси қуриляпти.

Бу йил совхоз ишчилари теримга тушиш олдидан роса бир ҳафта шу ерда дам олишди. Тоза ҳаво, бадий ҳаваскорлик тўғарагининг куй-қўшиқлари танларга ҳузур бағишлади. Директорнинг тоғдаги ишларидан ҳамма жуда-жуда миннатдор. Мўминжон эса ҳануз тиниб-тинчимайди, ҳали қилинадиган иш кўп деб ҳисоблайди. У бу ерларнинг келажаги, одамлар иқболи ҳақида бош қотирапти. Директорнинг назарида иш эндигина бошланди. Улкан қурилишлар, бунёдкорликлар ҳали олдинда.

Муқаддас бурчини чуқур ҳис этган асл фарзандларини халқимиз эъвозлайди. Эл эъзозини қозониш эса осон эмас. Эндиликда бутун Наманганда қурилиш деса Мўминжонни, Мўминжон деса қурилишни тушунишади. Воиси бу тиниб-тинчимас йигит борган жойда дарҳол бунёдкорликлар, катта кўламдаги ишлар бошланиб кетади. «Тошкент» совхозида ҳам шундай бўлди.

«Тошкент» — Ленин номли агросаноат бирлашмасидаги ўн тўртта совхознинг бири. Сутчиликка ихтисослашган. Дастлаб совхоз иши ҳадеганда юришавермади. Қанча директорлар келиб-кетмади бу орада. Ҳаммаси ҳам аввал кўкракларига урарди: «Ундоқ қиливорамиз, бундоқ қиливорамиз» деб. Иш эса ўша-ўша, ўрнидан силжимасди. Хўжалик сутчиликка ихтисослашган-у, ўзи бу маҳсулот топширувчилар рўйхатининг охирида. Бунинг устига қарздор. Оз эмас, 2 миллион! Ҳа, совхознинг юки оғир эди. Қани, шу юкни

орқалайдиган азамат! Бу муаммо райкомдаги, обкомдаги йиғилишларда, бирлашмадаги мажлисларда бир эмас, бир неча бор муҳокамага тушди.

Мард қолур майдон ичинда, деганларидек, Мўминжон бел боғлаб ўртага чиқди.

— Мен ўз ихтиёрим билан «Тошкент»га ўтмоқчиман. Қани, бир уннаб кўрайлик-чи, — деди.

Йиғин аҳли унинг бу ташаббусини гулдурос қарсақлар билан олқишлади. — Сал катта кетдингиз чоғи, — деди райком секретари Маҳмуд Абдуллаев. Аҳмаджон ака бўлса ҳеч сўз демади, фақат «мана бу — ўғил боланинг гапи!» дегандек, укасининг елкасига шапатилаб қўйди, холос.

Мўминжон иш бошлади. Яна ўша Одиловларга хос услуб: одамларга меҳрибонлик, тинмай интилиш, изланиш...

Мўминжон билан бу гал авжи кuzда учрашдик.

Комплексе олдидаги мўъжазгина идора саҳнида ҳали оёғи ерга тегмаган яп-янги «Нива», «Жигули» машиналари қаторлашиб турибди.

— Мукофот эгаларини кутяпти, — деди директор жилмайиб.

— Совхоз пахта ҳам берадими? Янглишмасак, сутчиликка ихтисослашган эди, чоғи.

— Йўқ, — деди Мўминжон бош чайқаб, — 500 гектарга яқин пахтазоримиз бор. Уни бу йил Қирчин даштларида ташкил этдик. Минг тонна ўрнига 3000 тонна пахта берамиз деганмиз. План тугул мажбурият ҳам бажарилди. Ленин ордени Довуджон Одилов, Шавкат Бозоров, Аҳмаджон Тошбоев сингари азаматлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари гектаридан 40—50 центнердан ҳосил кўтардилар...

Совхознинг сутчилик комплексини чорвадорлар шаҳарчаси, дейиш мумкин. Бу ердаги ҳар бир биёда барча юмушлар механизациялаштирилган. Чорвадорлар ҳамма қулайликларга эга, шинам ва ёруғ уйларда истиқомат қиладилар. Комплексининг қоқ ўртасида озуқа-ем заводи ишлаб турибди. Бу ерда бир сменада 8 тонна витаминга бой аралаш озуқа ишлаб чиқарилади. Яхшининг шарофати, деганларидек, совхозга Мўминжон келди-ю, бу ерда ҳам қурилиш ишлари бошланиб кетди. Мўминжон даставвал совхоз ишчилар комитетининг раиси Ҳайитбой Эргашевни ҳузурига чақирди.

— Ишлар қалай?

— Яхши.

— Совхозда нечта соғувчи бор?

— Элик киши.

— Кимларнинг ёш боласи бор?

Ҳайитбой қизарди. «Кимнинг қанча боласи борлигини мен қаёқдан билай», дегандек директорга ажабланиб қаради.

— Аниқланг! — қатъий буюрди директор. — Биз ишни болалар боғчаси қуришдан бошлаймиз. Болалар тинч бўлса, оналар ҳам хотиржам меҳнат қиладилар.

Мўминжоннинг ҳаракати, назорати туфайли 50 ўринли боғча биноси қуриб, ишга туширилди. Боғча деса дегудек, мўъжазгина, қулай. Шундоққина идора ёнида совхоз ишчилари учун тураржой бинолари, теплица хўжалиги, меҳмонхона, мажлислар зали ҳам бунёд этиляпти. Бу қурилишларнинг ҳаммаси инженер Мўминжон Одиловнинг лойиҳаси асосида қад кўтаряпти. Директор иши бошидан ошиб ётганига қарамай, қурилиш жабҳаларини кунига бир неча марта бориб кўради. Қурувчилар билан суҳбатлашади, маслаҳатлар беради.

У теплица хўжалигини айланиб юраркан, девор қийшиқ урилаётганини сезиб қолди. Бунинча-мунча одам фарқига бормаслиги мумкин эди. Аммо Мўминжон... инженер, ахир!

— Уста, — дея тош урувчилар бригадирига мурожаат қилди у. — Қани, бу ерга келиб, орган деворингизга менинг кўзим билан бир қаранг-чи.

Уста қизарди.

— Йигитларингизга айтинг, деворни дарҳол бузиб, бошқатдан тиклашсин. — Кейин қўшиб қўйди. — Бу бинолар узоқ авлодларга биздан бир умрлик эсдалик бўлиб қолишини унутмайлик-да!

Теплица хўжалигининг ортида яхлит дала. Дала ўртасида кўп қаватли қандайдир ҳашаматли бино қад ростляпти.

— Сут заводи қураямиз, — деди Мўминжон аниқлик киритиб. — Совхоз территорияси оз эмас, 17 минг гектар. Ана шу улкан майдоннинг ҳамма жойида қурилиш бор. Қурилиш қилинганми, демак, одамлар келади...

Директор билан Сирдарёни ёқалаб ўтдик. Илгари бу ерларда пашшадан,

кўлмак сувлар ҳидидан туриб бўлмас эди. Энди эса йўл асфальтланган. Қамишлар ўриб олиниб, озуқа-ем заводига юборилапти.

Директор машинани соҳил томон бурди. Дарё ичкарасига ёриб кирган, шиббаланган тошлоқда тўхтади.

— Худди мана шу ерда ишчилар учун дам олиш зонаси барпо қиламиз. Поп совхозида яратганимиз — «Ирригатор»га ўхшаган бўлади.

Дарё ёқалаб кетган йўл Пунгон қишлоғига олиб чиқди. Пунгон — Фарғона водийсининг дарвозаси. Бу ердан бошланадиган йўл водий шаҳарларини Тошкент билан, Тошкент оша эса Москва билан боғлайди. Фарғонага тоғ орқали жўнаганлар Пунгонда тўхтаб, нафас ростлаб ўтишади.

— Бу қишлоқ водий одамларининг меҳмондўст деган номларига муносиб бўлиши керак, — дейди Мўминжон.

Энди бу ерда, янги директор ташаббуси билан, «Шаббода» оромгоҳ-комплекси қуриляпти. Анъанавий услубда тошдан бунёд этилаётган бу оромгоҳда салқинлаш жойлари, ошхона, чойхона, ресторан бўлади.

— «Шаббода» рўпарасида йўловчи автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи устахона ҳам очмоқчимиз, — дейди Мўминжон Одилов. — Йўловчи овқатланиб, салқинлаб, бир оз дам олгунча, техниканинг усталари машинани кўздан кечириб, сошлаб қўядилар. Олис йўлга отланганлар учун бу айни муддао бўлади.

Ажаб, бир томонда сутчилик ташвиши, бир томонда пахта, қурилиш, яна йўловчиларга ғамхўрлик... Замонавий раҳбар шундай бўлиши керак ҳам...

Мен хайрлаша туриб, бу ажойиб инсоннинг кўзларига боқдим. Хаёлга чўмдим. Агар кўзда меҳр порласа ҳар қандай чехра ҳам, ҳатто бирор нуқсон бўлган чехра ҳам ёқимли, жозибали бўлади. Инсон боласининг кимлигини кўзлар бехато айтиб туради. Қалби ҳиссиётга бой, саҳоват, илҳом ва жасоратга тўлиқ одамларнинг кўзлари тиниқ ва чиройли порлайди.

Ғурумсарой фарзанди Мўминжон Одиловнинг кўзларида ана шундай ёлқин мавжланади. Бу ёлқин бугун ва келажак ишқи билан яшаётган инсоннинг элга, юртга, она тупроққа бўлган меҳр чашмаси тўлқинларидир.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

21.XII.83.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалини тайёрлаш ва ўтказиш ташкилий комитетининг мажлисида 1984 йил май ойининг охирида Тошкентда бўладиган анъанавий саккизинчи анжуманга хозирлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Ингилишда республика министрликлари, идоралари, ижодий союзларининг раҳбарлари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кино санъатининг янги байрамига кўриладиган тайёргарликлар ҳақида сўзладилар.

«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» — кинофестиваль шиори этиб тасдиқланди.

Мажлиси Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева олиб борди.

12.XII.83.

Қозоғистон ССР Езувчилар союзи правлениесининг Олмаоғда бўлиб ўтган навбатдаги пленумида ташкилий масалалар кўрилди. Республика Езувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Жубан Мўлдағалиев ўз илтимосига биноан вазифасидан озод қилинди. Правлениенинг биринчи секретари қилиб Улжас Сулеймонов сайланди.

Лондондаги Роялкоурт театри англо-аргентина уруши қатнашчилари иштирокида «Фольклэндлар овози» ҳужжатли пьесасини

саҳналаштирди. Асарда англиялик ва аргентиналиклар, ороллар аҳли, матрослар, офицерлар, туллар ва жангларда қурбон бўлганларнинг оналари сўзга чиқадилар. Театр бу пьесани Британия ҳарбий денгиз флоты жойлашган Плимутдаги гастролларида намойиш қилиш ниятида эди. Бироқ Плимут театри директори бу фикрга қарши чиқиб: «Пьеса Фолькленддаги туллар ярасига туз сепеди, улар қайта бор азоб чекадилар...» — деган гапни қилди. Бу гапдан кейин ярим профессионал «Серенада» театри пьесани «Фольклэндлар овозидан Плимут овозигача» вариантыда қайта ишлаб, томошабинларга биринчи постановка тарихини кўрсатмоқчи бўлди. Бироқ Англия мудофаа министри бу асарнинг қўйилишига қарши чиқди. Плимут аҳолиси, шундай қилиб, пьесани кўришдан маҳрум этилди.

Лейпциг шаҳрида ҳужжатли ва қисқа метражли фильмлар Халқаро XXVI фестивали ўз ишини тамомлади.

Фестивалнинг «Олтин кабутар» — асосий соврини «Никарагуа: фронтдан репортаж» (АҚШ), «Оёққа қалмоқ ва қаршилик кўрсатмоқ» (Ғарбий Берлин), шунингдек Чехословакия ва Югославия мультимедиа ленталарига берилди. «Кумуш кабутар» соврини билан «Урушнинг юзи аёлларникидек мулоийм эмас» (СССР), «Гренада — умидларнинг бошланиши» (Куба), «Озодлик сари йўл» ва «Морасандан жўнатилган мактуб» (Сальвадор) фильмлари тақдирланди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ойбек

ЧЕХОВ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Ҳозирги замон ўзбек совет адабиёти — Октябрь революцияси туфайли янгидан дунёга келган ўзбек халқининг энг буюк маънавий ютуқларидан бири саналади. У совет даври фарзанди; у бизнинг ҳаётимизнинг ҳамма соҳаси каби, сифат томонидан қандайдир янги бир нарсадир.

Ўзбек совет адабиёти фақатгина ўз мазмуни жиҳатидан эмас, балки, формаси жиҳатидан ҳам революциядан илгариги адабиёти-миздан фарқ қилади. Октябрдан сўнг адабиёт ва унинг вазифалари тўғрисидаги тушунча тубдан ўзгарди; узоқ асрлардан бери давом этиб келган гўзаллик идеали ва поэтик ижод формалари, принциплари ўзга бир моҳият касб этди. Янги замонга боп янги қўшиқлар яратилди. Янгича талаблар, воқеликни янгича идрок этиш янги адабиётни вужудга келтирди.

Ўзбек совет адабиёти биринчи галда рус ва ғарб адабиётининг баракали таъсири остида ривожланмоқда; у шундай янги формалар ва жанрлар билан бойимоқдаки, булар ҳақида революциядан бурунги шоир ва ёзувчиларнинг ҳатто тасавури ҳам бўлмаган. Революциядан илгариги адабиёт асосан поэзиядан иборат эди. Энди биз, бошқа жанрлар қаторида бадиий прозага ҳам эгамиз; проза ривожланиб бормоқда ва ўзининг самараларини бермоқда; романлар, повестлар, ҳикоялар, очерклар яратилмоқда. Бизнинг қадимги адабиётимиз ҳозирги маънодаги беллетристиканинг нималигини билмаган эди, бадиий прозанинг ҳозирги формалари ҳақида ҳатто XX аср бошларида ижод этган ёзувчилар ҳам гира-шира тасаввурга эга бўлганлар.

Ҳозирги ўзбек прозаси эски прозадан тамомила фарқ қилади. Эски проза қофияли, дабдабадор, сунъий бўлар эди. Ҳозирги ўзбек прозаси рус, ғарбий Европа реалистик прозаси руҳида ва услубида парвариш топмоқда. Ўзбек ёзувчилари ўз ижодлари билан жаҳон адабиётини бойитган прозанинг улуғ санъаткорларидан сўз маҳоратини ўрганмоқдалар, Лев Толстойдан, Достоевскийдан, Тургеневдан, Чеховдан, Максим Горькийдан ўрганмоқдалар...

Ажойиб ўзбек новеллисти, «Сароб» номли катта роман ва талай гўзал ҳикоялар муаллифи Абдулла Қаҳҳор Чеховни ифтихор билан ўз устозин — «домлам» деб атайди. Хўш, очик қилиб айтганда, Чеховнинг таъсири нимада ифодаланади?

Абдулла Қаҳҳор ижодиётида биз, албатта, ғоявий, яъни мазмун жиҳатидан бўлган таъсирни кўрмаймиз. Чеховнинг анчагина асарларини қамраб олган кайфият — хафагазаклик, ноиложлик, умидсизлик каби ҳолатлар Абдулла Қаҳҳор ижодиёти учун бегонадир. Бу нарса ўз-ўзидан маълум. Улуғ рус ёзувчиси ўз замонасининг, димиқтирувчи бир даврнинг ифодачисидир. Чехов ўзининг кичик, мўъжаз ҳикояларида

А. П. Чехов вафотининг қирқ йиллиги муносабати билан ЎзССР Фанлар академиясининг сессиясида қилинган доклад.

увадаси ва расвоси чиққан, хунук ва разил муҳитни, ғам-ғуссали воқеани кўрсатди. У вақтларда халқ ҳаёти, М. Горький таъбири билан айтганда, «мудроқ ва чалажон» эди. Буларнинг ҳаммаси аллақачонлар йўқолиб, ривоят бобидан жой олган. Бизнинг эса энди ўз новеллистларимиз бор. Улар Чеховдан ўргандилар ва ўрганмоқдалар.

Абдулла Қаҳҳор бўлса Чехов ижодиёти учун характерли ва биз учун айниқса қимматли бўлган маҳорат сирларини ўрганди; форманинг мукамаллигига эришди. Бу — кичик ҳикоя ярата билиш, тугал композиция ярата билиш, мухтасарлик, аниқлик ва тилнинг соддалиги, образлар, картиналарнинг ҳайрон қоларли даражада характерли ва ифодали бўлиши, ҳаётни чинакамига реалистик акс эттириш билан боғлиқ маҳорат эди. Абдулла Қаҳҳор А. П. Чехов ижодиётига хос бу ажойиб хусусиятларни, предметнинг асосий, характерли ва ифодали томонларини пайқай билиш санъатини ўзлаштиришга интилди. Айтиш керакки, у ўз устози — ажойиб сўз санъаткорининг энг муҳим ижодий приёмларини муваффақият билан эгаллади.

Кенг китобхонлар оммаси ўртасида яхши танилган А. Қаҳҳор ҳикоялари чеховчасига моҳирлик билан ишланган. Уларнинг кўплари, масалан, «Миллатчилар», «Бемор», «Ўғри», «Томоша боғ», «Анор», «Мунофиқ», «Адабиёт муаллими», «Санъаткор» ва бошқалар ўз композицион хусусиятлари, образларнинг жонлилиги, типларни тасвирлаш усули, тилнинг сиқиклиги ва соддалиги жиҳатларидан Чехов ҳикояларини хотирлатадилар.

Баъзи ҳикояларнинг айрим образлари, воқеалар вазияти, кўри-нишлари маълум Чехов ҳикояларининг бевосита таъсири остида яратилганлигидан далолат беради. Икки миллатчининг бойиши ҳақидаги мулоҳазалари «Хамелеон» ҳикоясидаги одамлар типини хотирлатади. А. Қаҳҳор ҳикоясидаги кўрқоқ, мунофиқ Сухсуров ўз характерининг баъзи чизиқлари жиҳатидан Чеховнинг машҳур «Ғилоф бандаси» ҳикояси қаҳрамони Беликовга ўхшайди. Сухсуров ҳар қандай янгиликнинг пайдо бўлишидан чўчийди. У ҳар бир янгиликка, соғлом ҳодиса, воқеа, фактга ҳадиксираб қарайди: «Қандай янгиликка учрамасин, тагидан бир чатоғи чиқади, яхши иш бўлса, шу маҳалгача одамларга маълум бўлмасмиди?» дейди.

А. Қаҳҳор яратган типлар орасида мунофиқ, лаганбардор, ўжар, ўғри, порахўр, фоҳиш ва ҳоказоларни учратамиз. Бу кишилар Чехов қаҳрамонларига қараганда бошқача шароитда яшаб ҳаракат қилсалар-да, лекин улар ҳаммаси Чехов методи бўйича тасвир этилган. А. Қаҳҳор уларни кўрсатар экан, ўткир бадий воситалар билан ҳаётда ва кишилар онгида сақланиб қолган ўтмиш сарқитларини фош этади.

А. Қаҳҳор, Чехов сингари, ўз асарларининг тилига алоҳида эътибор беради. Унинг жумлалари қисқа ва қуйма бўлади: у оталар сўзи, мақоллар ва соф халқ ибораларига тез-тез мурожаат этади.

А. Қаҳҳор одамлар характерини уларга хос нутқ воситалари орқали очишга ғоят уста. Унинг қаҳрамонлари улар муҳити, касб-кори учун характерли бўлган тилда сўзлашадилар, улар нутқи ҳаёт тажрибаларини, интеллектуал савиялари даражасини ифодалайди. Ҳини маданият, билимли одам деб ҳаёл қилувчи нодон санъаткор сўзларни бузиб ашула айтади, у «бўса» сўзини «бўлса»га айлантириб юборади.

Бунинг устига, мазкур ашулачи «-нинг» қўшимчасини ишлатишга ишқибоз «-ни» ўрнига ҳамма вақт «-нинг» ишлатади. Бу эса унга билимдонлик аломати бўлиб туюлади. Адабиёт муаллими Боқижон Бақоев на ўзбек ва на рус адабиёти соҳасида аниқ бир билимга эга эмас. У минимум, максимум каби бир қанча ажнабий сўзларни ва «буржуазия реализми... объекти», «буржуазия реалистлари... акс эттирган объектив воқелик» каби бир неча ибораларни билади, холос. Унинг фикрича, иккита Чехов бўлган, бири Пушкиннинг замондоши эди.

А. Қаҳҳор ҳикояларида узун-узун тасвирлар, муҳокамалар,

ортиқча услуб безаклари учрамайди. А. Қахҳор ижодиётининг бир кўп ажойиб хислатлари Чеховга бориб тақалади. А. Қахҳор Чехов мактабини ўтди ва унинг ёзувчилик маҳоратини ижодий ўзлаштирди.

Ёш прозаик Саид Аҳмад асарларида биз Чехов таъсирини очик-ойдин кўрамиз. У кичик ҳикоялари ва очеркларида Чехов манерасини эгаллай бошлади. Саид Аҳмад Абдулла Қахҳор сингари деталларга, биринчи қарашда оддий бўлиб кўринган, лекин аслида характерли бўлган, кўзга ташланиб турмайдиган нарсаларга энг кўп эътибор қилади. Саид Аҳмад мухтасар ёзади, унинг сўзлари содда, ифодалидир.

Кўпгина ўзбек ёш ёзувчилари Чехов асарларини зўр меҳр билан ўрганмоқдалар. Улар Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошида очилган ўз семинарларида Чехов ижодиёти юзасидан муҳокамалар ўтказмоқдалар, унинг маҳорати сирларини атрофлича таҳлил этмоқдалар, ўткир билимдон, самимий санъаткор Чехов ёзгани каби, ҳаққоний, содда, табиий, гўзал ёзишга интилмоқдалар.

Улуғ рус ёзувчилари — Лев Толстой, Максим Горький Чеховнинг ажойиб талантини, унинг рус адабиёти олдидаги хизматларини жуда юксак баҳоладилар. Ҳақиқатан, Чехов новатор ёзувчи сифатида, новеллист, драматург сифатида, рус тили ва нутқининг донишманди сифатида бой рус адабиётига талай янгиликлар, қимматли дурдоналар қўшди ва унинг ижодиёти бизнинг замонамизда ҳам рус совет ёзувчиларига таъсир кўрсатиб турибди. Бизнинг ўзбек совет ҳикоянавис адибларимиз ва драматургларимиз учун эса Чехов ижодиёти тўғридан-тўғри бир мактаб деса бўлади. Зотан, яқин вақтга қадар бизда мазкур сўзнинг замонавий том маъносига бадиий проза мавжуд эмас эди. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам проза адабиётимизнинг қолақ участкаси саналади. Бизда проза чуқур тарихий традицияларга эга эмасди, — феодал адабиётига бадиий прозага, нафис адабиётга бевосита алоқаси бўлмаган, иккинчи даражали асар деб қараганлар. Масалан, бир талай проза асарлари ҳам яратиб қолдирган, гениал ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий, нафис сўз гавҳар каби ялтирамоғи учун, назм ипига маржондай тизилмоғи керак, деган эди. Шунинг учун ҳам бизнинг замонамизда бадиий проза кўп ёзувчиларга қийин бўлиб кўринади. Шунинг учун ҳам классикаларимиз, башарти, проза ёзгудай бўлсалар, уни қофиялар ёрдамида поэтикалаштиришга, услубни дабдабадор, жимжимали, рангдор қилишга тиришганлар. Шунинг учун ҳам ҳозирги ёзувчиларимиз учун прозага қалам уриш қийин бўлган эди.

Ҳозирги замон ўзбек реалистик прозаси эндигина туғилмоқда. Унинг вакиллари ҳали у қадар кўп эмас. Биз ҳали воқелик қандай бўлса шундайлигича кўрсатишга, инсонни бутун тўлалиги билан кўрсатишга етарлича ўрганганимиз йўқ. Бадиий проза заиф ривожланаётганлиги сабабли бизнинг адабиётимиз давримизнинг улуғворлигини тўлиқ бадиий акс эттирган, халқимизнинг ҳаётни янги асосда қайта қуриш йўлидаги курашини ёрқин ифодалаган йирик полотнолар берганича йўқ. Ўзбек китобхони бизнинг гўзал ватанимиз, унинг янги ҳаёти тасвирланган, Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳам, бунёдкорлик меҳнати соҳасида ҳам қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатган ажойиб кишиларимиз гавдалантирилган асарлар яратилишини кўпдан бери кутади.

Бизнинг ёзувчиларимиз ўз асарларининг бадиий формаси устида, сўз устида, тугалланган, мукаммал асар яратишда муҳим роль ўйнайдиган «майда-чуйда» тафсилотлар устида жуда кам ишлайдилар. Бизда, ҳақиқий ёзувчи муттасил ишлаши, ўз маҳоратини доимо мукаммаллаштириши, янги-янги формаларни тинмай излаши кераклигини кўпинча унутадилар. Ваҳоланки, улуғ ёзувчилар худди шу тартибда ишлаганлар, лекин бу хилдаги иш услуби Чехов учун айниқса характерли бўлган.

Антон Павлович Чехов реалист ёзувчи бўлган, лекин унинг

реализми характерларни жуда теран акс эттириши билан кўзга ташланади.

Чехов ҳаётни чуқур илдизлари билан кўрсатишга моҳир эди. У ўз қаҳрамонлари руҳининг ич-ичига кира олар эди. Чехов реализми унинг тобора чуқурлашиб борган импрессионизми билан узвий боғлиқ эди. У нарсалар ва табиат лавҳаларидаги энг характерли, энг ифодали жиҳатларни пайқаб ола билар эди. Тасвирда маълум даражада узилиш, қўққисдан бурилиш унга хос эди. Унинг сеҳрли мўйқалами икки-уч чизги билан ҳайрон қоларли даражада ёрқин ва ифодали картиналар яратар эди. Бундай кучли таъсир ўрнини ҳар қандай батафсил тасвирлар, тушунтиришлар ҳам боса олмасди. Чехов маҳоратининг бу жиҳати ҳақида Лев Толстой шуларни ёзади: «Санъаткор сифатида Чеховни илгариги рус ёзувчилари — Тургенев, Достоевский ёки мен билан ҳатто таққослаш ҳам мумкин эмас. Худди импрессионистларники каби, Чеховнинг ўзига хос формаси бор. Унга назар ташласанг, қўлига тушган бўёқларни гўё ҳеч суриштирмай истеъмол қилаётгандай ва бу бўёқларнинг ўзаро бири бирига сира алоқаси йўқдай кўринади, аммо узоқдан тикилиб қарасанг, умумий таассурот кишини жуда ҳайратга солади. Кўз ўнгимизда ёрқин, такорланмас манзара ҳосил бўлади».

Чехов ҳамиша янги, янада мукаммал формаларни излади. У ҳамиша чинакамига оригинал бўлишга интилди. У сўзнинг ҳамма шарбатини сиқиб олишга ҳаракат қилди. У ифодани максимал даражада ёрқин қилишга тирчишиб, унинг устида тинмай ишлади. Чехов ўз ижодий практикасида ҳамма ёзувчилар учун муҳим бўлган принципларни ишлаб чиқди. Чехов ёзувчилик касбининг кўп сирларини айтиб берди, булар эски формалар доирасини ёриб ўтган ҳар бир новатор ёзувчи чиқариши мумкин бўлган хулосалардир. «Табиат тасвири шундай картинали бўлиши керакки, — дейди Чехов, — китобхон уни ўқиб ва кўзини юмиб, тасвирлаган пейзажни хаёлида дарҳол тасаввур эта олсин.» Чеховнинг ёзувчиликка оид бунга ўхшаш маслаҳатлари ёш ўзбек совет адабиёти учун зўр аҳамиятга эгадир. Чеховнинг кўп бадиий приёмлари, қайнаб чиққан чашма каби бизнинг адабий дала-майдонларимизни суғоради. Лекин ёзувчи бу маҳорат сирларини механик равишда ўзлаштириши мумкин эмас, бунинг учун у Чеховни тушуниши, унинг ижодиёти моҳиятига кира билиши шарт. Чеховнинг бизнинг совет адабиётимизга кўрсатган баракали таъсири аниқ-равшан. Биз бу таъсирнинг ёрқин фактларини кўрсатиш билан чекландик, аслини олганда, айтиш мумкинки, бу ажойиб сўз санъаткорининг у ёки бу даражада ўз ижодига кўрсатган таъсирини сезмаган бирорта ўзбек ёзувчиси йўқдир.

Шубҳа йўқки, Чехов маҳорати бизнинг адабиётимизга тобора чуқурроқ кириб боради. Зотан, бу улуг ва ажойиб ёзувчи хотираси учун «Домла Чехов» сўзларидан кўра чуқур ҳурмат ва муҳаббатни ифодаловчи, бу икки сўздан кўра аҳамиятлироқ ва ёқимлироқ бирер нима бормикан?

ЗАМОН ВА ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН

1. Сиз замонавий ижобий қаҳрамонни қандай тасаввур қиласиз?
2. Ўзбек адабиётидаги қайси асарларда баркамол коммунист образи яратилган деб ҳисоблайсиз?
3. Яратмоқчи бўлган ижобий қаҳрамонларингиздаги қайси сифатларга кўпроқ эътибор беришни лозим кўрасиз?
4. Идеал қаҳрамон образини яратиш масаласига қандай қарайсиз?
5. Сизнинг фикрингизча, замонавий асарлардан қайси бирида баркамол ижобий қаҳрамон образи яратилган?
6. Яратмоқчи бўлган ижобий қаҳрамонингиз замонавий муҳитда ҳаракат қилишини афзал кўрасизми ёки тарихий муҳитдами?

Анкета саволларига Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Ҳақим Назир, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Уткир Ҳошимовлар жавоб беради.

Иброҳим Раҳим

1. Менимча замонавий ижобий қаҳрамон ҳар жиҳатдан етук, баркамол бўлиши керак. Негаки, омухта одамдан, яъни баъзан ботир, баъзан мужмал, чучмал, синик, силлиқ, аммо оғзи полвон қаҳрамондан нимани ҳам ўрганиш мумкин. Бошқаларга ўрнак бўлиб яшайдиган, ҳаракат қиладиган, эътиқодли, оқибатли, жасоратли, ибратли одам бош қаҳрамон бўлгани маъқул.

Ҳар қандай оғир шароитга чидайдиган, руҳан ва жисмонан бақувват, дуч келган мушкул ҳолатлардан йўл топиб чиқадиган тадбиркор, ёмонни яхшидан ажрата биладиган зийрак, келажакни кўзловчи, бутун вужуди билан илғор янгиликлар орасида юрувчи, ишга ижодий ёндашадиган ташаббускор, одампарвар, ватанпарвар, ҳалол ва инсофли, жонкуяр, жонбоз кишилар ҳаётда кўп. Мен шундай кишиларни ўз кўзим билан кўриб юрибман. Улар замонавий ҳамма хислатларга, кези келганда Ватан учун жонини ҳам аямайдиган, гоёвий, синфий рақибга, башарият душманларига нисбатан муроса-сизлик каби хусусиятларга эгадирлар. Мен ана шундай фазилатли чин инсон ижобий қаҳрамон бўлгани яхши, деб овоз бераман!

2. Иқроор бўлиш керакки, биз ўзбек ёзувчилари, баркамол коммунист образини яратишда ҳали кўп ижодий изланишлар, анчагина ишлар қилишимиз лозимга ўхшайди.

3. Одамийлик, самимийлик, тадбиркорлик, активлик, жасорат ва матонат — одамнинг нақши, деб биламан. Одамнинг ана шу фази-латлари кўпчилик қаламкаш дўстларим сингари менинг ҳам эътибо-

римни ўзига тортади. Ҳақиқий инсон ўз тақдирини бошқалар тақдири билан боғлиқ ҳолда ҳис қилади. Шунинг учун ҳам маслакдоши, оқоңдоши, дастгоҳдоши, кўшниси, дўстларининг бахти йўлида улар билан ёнма-ён курашади. Мен ижодимда совет кишиларининг ана шундай оламшумул қиёфаларига алоҳида урғу бергим келади. Умуман, менинг қаҳрамонларим ҳамиша жонбоз, жонкуяр, доимо ҳаракатдаги ишчан одамлар бўлади. Ланж, суст, тadbирсиз, ландавур одамларни ҳеч ким ёқтирмаганидек, уларни мен ҳам хуш кўрмайман. Шулардан кўришиб турибдики, камина ўз қаҳрамонларининг одамийлиги, самимияти, жасорати ва матонати каби хосиятли сифатларини ҳамиша эътиборида тутади. Бундай инсоний сифатлардан маҳрум кишиларни камина «хушёрхона»га чақириб қаттиқ савалашни афзал кўради. Чунки яхшилар кўпайса ёмонлар камаяди, ёмонлар озайса, яхшилар улуғланади!

4. Идеал қаҳрамон яратиш айни муддао масала. Ўзбек адабиётида замонамизнинг қорчагинлари, «ёш гвардиячилари»и, космодемянскаялари, мересьевлари яратилса нур устига нур бўларди. Биз энг юксак жамият қураёмиз. Ҳаётда бебаҳо инсоний қўриқлар очдик. Мураккаб замонда яшаб, чигал ва жумбоқли муаммолар, ядро уруши ҳалокатининг олдини олишдай қийин ва асабий жанглар ўтида чиниқяпмиз. Инқилоб даврида, граждандлар уруши йилларида, Улуғ Ватан уруши пайтида идеал қаҳрамон қандай заруратга айланган бўлса, ҳозирги давримиз ҳам замонавий идеал қаҳрамонга шундай мунтазир, деб ўйлайман. Идеал қаҳрамон адабиётимиз кун тартибидан тушмайдиган масала!

5. Ижобий қаҳрамонлар галереясининг рўйхати катта. Аммо КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми (1983) талаблари ва ўз ўзимизга юксак талабчанлик нуқтаи назаридан қараганда, барчага ўрнатилган баркамол ижобий қаҳрамон образи яратишда ҳали ҳам қарздор бўлиб турганга ўхшаймиз.

6. Мен ҳамиша ўз кўзим билан кўрганларимни қаламга оламан. Яхши гапимни ҳам, аччиқ таъналаримни ҳам замондошларимнинг юзига айтгим келади. Шу боисдан камина ижобий қаҳрамонларнинг замонавий муҳитдаги ҳаракатларини тасвирлашни афзал кўради. Тарихий муҳитда ҳам замонга мос қаҳрамон образини яратса бўлади. Аммо мен ўз замонам қаҳрамонлари олдидаги бурчимни бажаришни бирламчи, деб биламан. Мен ҳозир Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ҳақида, ўзбек совет лашкарбошиси образини яратиш устида ишлаяпман. Уруш ва тинчлик масаласи ҳам шу куннинг актуал, муҳим масаласи, бинобарин, бу мавзу ҳам ўз эътибори, мавқеи билан адабиётимизнинг замонавий талаби ҳисобланади. Биз, уруш-иштирокчилари бўлмиш ёзувчилар йигирма миллионли қурбонлар руҳи олдида ҳам, ҳозирда ҳаёт фронт ветеранлари олдида ҳам ўзимизни қарздор деб биламиз, қолаверса, ниҳоятда мураккаблашиб кетган халқаро аҳвол туфайли уруш чиқармоқчи бўлган империалистларга ҳам ўша давр сабоқларини эслатиб туриш керак.

Ҳаким Назир

1. Адабий асарнинг қиммати даставвал унда яратилган ижобий қаҳрамоннинг даражаси билан белгиланиши, ижобий қаҳрамоннинг тарбиявий роли, аҳамияти тобора ошаётганлиги шак-шубҳасиз. Айниқса мафкуравий тарбия савиясини янги поғонага кўтаришни кескин қўйган КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми (1983) материаллари мағзини чаққанимизда, зиммамиздаги бурч яна яққолроқ кўринади. Ҳа, партиямиз бадий асарнинг кишилар онги-руҳига таъсири тобора ортиб бораётганлигини кўрсатиб, бу соҳада янги катта ютуқларни қўлга киритишга чақирди.

Мен ижобий қаҳрамонни худди замон барометрига ўхшатаман. Шу

қахрамоннинг ўй-фикри, орзу-умиди, хатти-ҳаракати, руҳи — кайфиятида замон нафаси, даврнинг томир уриши акс этиб туради. Китобхонга маъқул ва манзур бўлган асарлар, аввало, уларда яратилган образлар жозибаси билан диққатни жалб этади. Китобхон қўлига китоб олиши билан ундан ўз қахрамони ни излаши турган гап. У ўзига ёқиб қолган қахрамонга қалб тўридан жой беради. Унга тақлид қилгиси, унинг ишлари ва хатти-ҳаракатларини такрорлагиси келади. Ҳар ишда унга ўхшасам, дейди. Шундай экан, биз китобхонда юксак коммунистик ахлоқ ва характерни шакллантиришга ёрдам берадиган ҳозирги куннинг илғор, актив, курашчан кишилари образини яратишимиз керак. Бу, асарга қахрамон танлаганда даврнинг катта талабларидан, кишилар олдига қўйилаётган улкан, жиддий ижтимоий-маънавий вазифалардан келиб чиқайлик, асарга қахрамонни тор кўчалардан эмас, ҳаётнинг олдинги марраларидан қидирайлик, деган гапдир. Буни уқтириш яна шунинг учун ҳам зарурки, баъзи бир ёш дўстларимизнинг асарларида иши юришмаганлигидан нолиб, ҳаммадан шикоят қилиб юрувчи, ношуд-нотавон, турмуш иқир-чиқирларига ўралашиб қолган кишилар образлари учраб туради.

Албатта, қахрамонлик, мардлик фақат фавқуллода ишларда, жанг майдонларида ёки табиий офатларга қарши курашлардагина туғилади деб ўйласак, бир ёқлама фикр юритган бўламиз. Қахрамонлик кундалик ҳаётда, тинч-осойишта ҳаёт учун курашиб меҳнат жабҳасида қилинаётган ижодий-яратувчилик фаолиятида, эзгу ишларда, ахлоқий софлик ва бахт учун, ҳақиқат ва адолат учун бўлган курашларда ҳам туғиладики, буларни яхши илғаб олиш ёзувчидан ўткир кўз, чуқур идрокни, халқ ҳаётига фаол аралашини талаб қилади.

Адабий асарларга бағишланган айрим мақолаларда ёки мунозараларда асар умуман мавзу, проблема жиҳатидан баҳоланиб, унда бош қахрамон образининг ўрни, сифати етарли очилмай қолади. Баъзан: «Асарда умуман ҳамма образлар бир хил ҳуқуққа эга. Ёзувчининг ғоявий мақсади асарнинг барча воқеа ва персонажларига (хоҳ ижобий, хоҳ салбий) сингдириб юборилади» дейишади. Назарий жиҳатдан бундай фикрга эътироз қилиб бўлмайди. Бироқ бундай дейиш билан асарда ёзувчининг асосий мақсад-муддаоси биринчи галда бош, ижобий қахрамон орқали ифода этилишини унутиб қўймаймизми?

Китобхонлар, айниқса ёш китобсеварларнинг яхши намунага, ижобий қахрамон образига нақадар берилиб қолишлари, севган қахрамонлари қилиқ-одатларини такрорлашларини кўп кузатганман. Улар билан учрашувлар, суҳбатлар, ёзишмаларда ўсмирлар ўзларига ёққан образлар ҳақида тўлиб-тошиб, зўр мароқ ва муҳаббат билан сўзлашади, шундай қахрамонлар билан «шахсан танишиш» истагини билдиришади. Шулардан кўринадики, асар ижобий қахрамони реал турмушдан олинган, ҳақиқатга жуда яқин бўлса, актив ижтимоий фаолияти, эзгу ниятлари қаторида гўзал хулқи, чин одамгарчилиги, олижаноблиги билан ҳам ажралиб турсагина жозоба кучига эга бўлади. Демак, вазифамиз — асар қахрамонининг ич-тошини яхши билиб қаламга олиш, бўяб-бежамасдан, ҳаётдагидай табиий қилиб, чин ихлос ва самимият билан тасвираб беришдан иборат.

Шу масаланинг яна бир нуқтасига тўхталиб ўтишга тўғри келади. Адабий доираларда баъзан ижобий қахрамоннинг камчиликлари бўлиши мумкинми ёки улар бекаму кўст, бадастир бўладими, деган баҳслар эшитилиб туради. Масалани бу тарзда қўйиш бизни юзакиликка, схематизмга олиб бормасмикан? Ижобий қахрамонни силлиққина мўмин-қобилгина, ҳеч янглишмайдиган одам қилиб кўрсатсак, ҳаёт ҳақиқатига зид иш қилган бўламиз. Бундай қахрамонни ҳар қанча мақтаганимиз билан ўқувчи унга қизиқмайди, лоқайд бўлиб қолади. Одам фаришта эмас, «ҳар тўқисда бир айб» деган гап бор. Ҳаётда шундай одамларни кўрамизки, уларнинг феъли-одатида айрим қусурлар учраса ҳам, бу қусурларни яхши томонлари босиб кетади, маънавий-ахлоқий сифатлари билан ўз тенгдошларидан устун турадилар, гўзал фазилатлари ва эзгу ишлари билан атрофдагиларни ром этадилар. Гап — уларни топиб, ҳаққоний кўрсатишда, уларнинг характер-психологиясидаги жиддий ўзгаришлар, тақдиридаги бурилишларни, характеридаги кучли томонлари заиф томонларини қандай энгиб ўтганини, ҳаёт йўлидаги тўғаноқларни ирода кучи билан қандай бартараф этиб чиниққанини кўрсата билишда. Ижобий қахрамоннинг кишиларда рағбат уйғотадиган ибрати, ўзига тортадиган кучи ҳам шунда, деб ўйлайман.

2. Адабиётимизнинг ҳамма босқичларида коммунист образини яратиш — энг шарафли вазифа бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай. Бу табиий ҳол. Чунки мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларида бош, ҳал қилувчи куч —

коммунистлар ҳисобланади. Хўжалик қурилиши соҳасида бўлсин, ижтимоий ва сиёсий соҳада бўлсин, барқарор тинчлик учун кураш соҳасида бўлсин, коммунистлар ташкилотчи ва ташаббускор куч сифатида майдонга чиқадилар, зўр ирода ва матонат билан оммани ғалаба сари етаклайдилар. Ватан манфаати йўлидаги ижодий меҳнатда фидокорлик, қийинчиликларни енгишда сабот-матонат кўрсатиш, сўзи билан ишининг бирлиги, қалби поклик, зиммасидаги вазифани шовқин-суронсиз, миннатсиз, писандасиз адо этиш, юксак ахлоқийлик, коммунизм ишига чуқур садоқат, эътиқод, чин инсонийлик — булар коммунист учун хос бўлган гўзал фазилатлардир. Ана шундай фазилатларга эга бўлган образларни яратишда адабиётимизда, жумладан, насрий асарларда, анчагина тажриба орттирилди. Бунга: Уктам ва Комила («Олтин водийдан шабадалар»), Саида («Синчалак»), Ойқиз ва Олимжон («Ғолиблар»), Заргаров («Бўронларда бордек ҳаловат»), Икромжон («Уфқ»), Шомуродов («Диёнат») ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Яна шулар каби муваффақиятли чиққан образларни Назир Сафаровнинг очерк китобларида, Сарвар Азимовнинг «Юлдузлар жамоли», Раҳмат Файзийнинг «Чўлга баҳор келди», Мирмуҳсиннинг «Умид», Ҳамид Ғулومнинг «Бинафша атри», Уктам Усмоновнинг «Гирдоб», Пиримқул Қодировнинг «Мерос», Шухратнинг «Олтин зангламас» ва бошқа асарларида ҳам учратамиз.

3. Меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва мустаҳкам эътиқод каби сифатларга кўпроқ эътибор бераман.

Ахир етук шахс, баркамол инсоннинг вояга етишида меҳнат ҳал қилувчи роль ўйнаши, инсонийлик даставвал ижтимоий меҳнатга, касбга муносабатда кўриниши аниқ-да. Айниқса, бу ёшлар тарбиясига кўпроқ тааллуқли. Бизнинг ёш қаҳрамонимиз ҳам жамият фойдаси учун эътиқод билан ҳалол меҳнат қилиш, фойдали ҳунар ортиришни ўз виждоний бурчи деб билгандагина чин граждан бўлиб етилади. Улуғ Горький, меҳнат кишиси асарларимизнинг бош қаҳрамони бўлиши керак, деб бежиз айтмаган. Партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленуми ёшлар тарбиясига, ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг нақадар зарурлигига алоҳида эътибор бериб, жамоатчилик диққатини жалб этадики, бу шарафли ишга адабиёт ҳам ўз ҳиссасини қўшимоғи даркор. Мен бу ўринда меҳнатнинг романтикасини, меҳнатдан келган бахт-шодлиқни, меҳнатнинг киши маънавий-ахлоқий камолотидаги ролини бадиий тадқиқ этишни кўзда тутаман...

4. Шундай вақтлар бўлдики, «идеал қаҳрамон» деган иборага ўта эҳтиёткорлик, баъзан киноя билан, ҳатто салбий қаровчилар топилди. Гўё идеал қаҳрамонни тан олиш — бу ҳаётни бўяб-бежаб кўрсатишга олиб борармиш. Ваҳоланки ҳаётда ҳам, унинг инъикоси бўлмиш адабиётда ҳам бундай қаҳрамонлар борлиги аён. Булар ўзларининг ажойиб ишлари билан ҳаммага ўрناق кўрсатувчи, ҳавас қилса арзийдиган, қалбларни ўзига мафтун этувчи сиймолар. Улар ҳақида гап кетганда эсимизга Чапаев, Корчагин, Мересьев, Давидов, Соколовга ўхшаш сиймолар тушади. Совет воқелигининг энг илғор, ижобий тенденцияларини ўзида акс эттирган бу сиймолар аллақачон китоб саҳифаларидан чиқиб, совет кишиларига «ўз кишиси»дай яқин ва сеvimли ҳамроҳ бўлиб қолишган. Буларнинг шериклари ўзбек адабиётининг юқорида тилга олганимиз асарлари орасида ҳам бор. Нима учун уларни идеал қаҳрамон, дейиш мумкин эмас? Ёки мамлакатимизнинг ҳозирги тинч қурилиши соҳаларини олайлик: асрларча қақраб ётган Мирзачўл, Қарши даштларини гулистонга, «оқ олтин» конларига айлантирган, юз-юз минглаб гектар ботқоқликларни қуришиб, тоғ-тошларни қўпориб, дарёларни бошқа изларга буриб, олис масофаларга магистрал темир йўл ўтказаяётган БАМ қурувчилари, ёки қитъадан-қитъага улкан газ қувурлари ўтказаяётган баҳодирлар-чи? Юксак мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатаётган бундай ватанпарвар азаматлар ичида ҳаммани ўзига оҳанрабодай тортиб турган маёқлар озми? Уларни давримизнинг идеал қаҳрамонлари десак арзимайдими?

Бу саволга кўп миллатли совет адабиётининг тажрибаси ижобий жавоб беради.

Менинг назаримда идеал қаҳрамон ижобий қаҳрамоннинг энг олий намунасидай бўлиб кўринади. Бошқача қилиб айтганда, бу — омманинг карвонбошиси, бахтли, тинч ҳаёт учун, коммунистик келажак учун энг эътиқодли курашчидир.

Фақат бунда идеал қаҳрамон билан қаҳрамонни идеаллаштириш тушунчасини аралаштириб юбормаслигимиз керак, идеаллаштириш эса ҳаёт воқелигини бузишга олиб келиши мумкин.

5. Шунинг қувонч билан айтиш мумкинки, сўнгги йилларда адабиётимизда замондошларни бор бўйи билан кўрсатиш томон сезиларли силжиш юз берди,

у етакчи мавзу бўлиб қолди. Ҳозирги куннинг долзарб мавзулари, ривожланган социализм даврининг муҳим муаммолари, зарур маънавий-ахлоқий масалаларни акс эттирувчи асарлар эндиликда бармоқ билан санарлимас, балки анчагина. Танқидчилик ҳам буни рўй-рост эътироф этиб, асарларга баҳо берганда уларнинг қандай ёзилгани ҳақидагинамас, нима ҳақда ёзилганига ҳам эътиборни қаратмоқда. Замонавий мавзунини кенгайтиришда катта авлод ёзувчилари қатори кичик авлод ёзувчилари ҳам актив ижодий ғайрат кўрсатаётганлари нур устига аъло нурдир.

Шу куннинг мавзуларида ёзилаётган асарларда ҳаётимизнинг янги-янги қатламлари очилиб, янги давр қаҳрамонлари сафи кенгайиб бормоқда. Иброҳим Раҳимнинг «Оқибат», Саъдулла Қароматовнинг «Сўнгги бархан», Жонрид Абдуллахоновнинг «Тўфон», Уткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор», Тўлепберген Қаипбергеновнинг «Кўз қорачиги», Нурали Қобулнинг «Яшаш учун кечикма» сингари асарларида биз шундай қаҳрамонлар образлари билан юз кўришамиз.

6. Тарихий мавзуларда ёзилган яхши асарларни асло камситмаганим ҳолда, мен ўз асаримда замондошларимиз ҳаётини тасвирлаб беришни афзал кўраман. Чунки замондошларимиз олдидаги қарздорлик ҳисси доим безовта қилиб туради. Тўғриси айтганда, адабиётимизда замонавий мавзу анча жонланган бўлса-да, аммо китобхонларнинг тез ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олганда, қилаётган ишларимизни ҳали қаноатланарли деб бўлмайди. Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳаётимизда ҳали қўл теккизилмаган қўриқлар, китобларнинг саҳифалари кутиб турган ажойиб қаҳрамонлар жуда кўп. Шу ўринда КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан алоқалари тўғрисида» деб чиқарган қароридagi ушбу сўзлар ёдимга тушади: «Совет кишиларининг янги авлодлари бадий ҳақиёт деб қабул этиладиган, одамларнинг феъл-атвориға таъсир қиладиган, халқ тақдирини акс эттирадиган, ўзининг руҳи ва замонавийлиги жиҳатидан дилга яқин бўлган ижобий қаҳрамон билан танишишга муштокдирлар.» Биз, ёзувчилар учун ана шу муштоқликни қондиришдан кўра шарафлироқ вазифа йўқдир!

Ўткир Ҳошимов

1. Тирик инсонда фазилат ҳам, камчилик ҳам бўлиши табиий. Бироқ одамнинг онгли равишда қиладиган хатолари, ёмонликлари қанча кам бўлса, қиладиган яхшиликлари қанча кўп бўлса, ўша — яхши одам. Бинобарин, «ижобий» қаҳрамон деганда мен шундай одамни тушунаман. Шубҳасиз, бу саволга илмий тилда жавоб бериб, адабиётшуносликка оид китоблардан кўчирмалар келтиришим ҳам мумкин эди. Атайлаб бундай қилмадим.

2. Бунақа қаҳрамон яратилган асарлар бор. Қатор адибларимиз, шоирларимиз ўз асарларида ўқувчи ишонадиган, ўқувчи дардига шерик бўладиган коммунистлар образини яратишган. Лекин менимча адабиётимизда ҳақиқий коммунистлар, яъни чинакам инсонлар образи етарли дея олмайман. Тўғрироғи, бундай образлар яратишга интилиш кучли, аммо аксарият ҳолларда улар одам эмас, аллақандай «фаришта»га айланиб қоладими-ей... Мабодо камчилиги бўлса ҳам шу «камчилик»ни ёзувчи атайлабдан ёпиштирганини сезиб турасиз. Бу ниманинг натижаси? Ҳамма бало шундаки, ёзувчи ўз қаҳрамонининг оламини чуқур ҳис қилмайди. У билан қўшилиб дард чекмайди, қувонмайди. Демак, ҳамма гап маҳоратга келиб тақалапти.

3. «Литературная газета»да бўлиб ўтган баҳс бир нарсани кўрсатди. Тўғри, мислсиз ишлар қиладиган адабий қаҳрамонлар керак. Лекин ҳозирги куннинг ижобий қаҳрамони, албатта, жуда катта жасоратлар кўрсатадиган, улкан ихтиролар қиладиган одам бўлиши ҳам жудаям шарт эмас экан. У аввало одам бўлса, ўзини шу замоннинг фарзанди деб санаса, инсон қалбидаги эзгулик уруғини ўстиришга ҳоли-қудрат ҳисса қўшса, шу образ ҳам замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамони бўлиши мумкин экан. Афеуски, қатор асарларда қаҳрамонлар ғоянинг иллюстрациясига айланиб қолаётгани кишини ранжитади. Албатта, биз чуқур коммунистик, яъни гуманистик ғоявий асар ёзишимиз шарт. Бироқ китобхон бадий асарда ўша коммунистик, демакки, инсоний ғоя қаҳрамон тақдирини билан, қолаверса, ўқувчининг ўз тақдирини билан қанчалик чатишиб кетганига қараб, ўзи ўқиётган китобни баҳолайди. Яқинда нашриётда кизиқ гап бўлди. Бир қаламкашнинг асарини москвалик ёзувчига ички тақриз

учун топширдик. Асар бугунги кун учун, умуман, ҳаётимиз учун жуда муҳим мавзуда, — интернационализм мавзусида ёзилган эди. Москвалик адиб бир ҳафтадан кейин қўлёзмани олиб келди. «Қалай?» деб сўради. «Бир тийинга қиммат! — деди адиб-рецензент. — Мен бунақа китобнинг чиқишига мутлақо норозиман. Бу қанақа майнавозчилик? Бош қаҳрамоннинг бутун қаҳрамонлиги — ўзбек йигитининг онасини алдаб рус қизига уйланишидан иборат бўлса?» Рецензент ҳақ эди. Ҳа, бизнинг мамлакатимизда ҳамма халқлар оғани бўлиб яшайди. Интернационализм мавзуси жуда ҳаётий. Бироқ турмушимизда худди шу туйғу москвалик адибнинг гашига теккан асардагидан кўра анча чуқурроқ, анча мукамалроқ эмасми? Мана, ҳаётнинг ўзига разм солайлик. Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Вали деган дўстим бўларди. Шу боланинг онаси Зеби хола деган шаддод хотин эди. Биронта бола Валини ранжитса, уйига бориб ўша боланинг онасини юмма таларди. «Сен эчкига ўхшаб ҳар йили иккитадан туғасан, мени болам битта!» Бунисиям майли. Зеби хола Валини камситмаслик учун элга ош тортиб, суннат тўйи қилиб берди... Яна бир воқеа эсимдан чиқмайди. Иккинчи синфда ўқир эдик. Синфимизга тўрт кишилик комиссия келди. Ўқитувчи опа ҳаяжонланганидан овози титраб дарс ўтяти. Шу пайт дераза шарақлаб очилди-да, Зеби холанинг дўриллаган овози эшитилди. «Вали, ма, нон!» Қарасак, Зеби хола деразадан иккита арпа нон узатиб турибди. Сап-сарик Вали шолғомдек қизариб кетди. Нуқул, кетинг, деб имлайди. Зеби холанинг жаҳли чиқди. «Олсангчи, қўлим куйиб кетди», деди овозини баралла қўйиб. Ўқитувчи бечора ҳовлига отилди. «Жоҳ хола, бу ер мактаб, комиссия келган» деб тушунтирди. Зеби холанинг жазаваси тутди. «Комиссия бўлса ўзига, болам эрталаб чой ичмасдан чиқиб кетганди, тишини кирини сўриб ўтирсинми, бир кун кеч олим бўлса садқаб сар!» деди бақириб. Қарасак, комиссия ҳам қорнини ушлаб мазза қилиб куляпти... Яна бир ҳақиқатни кейин билдик: Зеби холанинг бошида тоғдек оғир кулфати бор экан: бир ой ичида ҳам эридан, ҳам ўғлидан «қора хат» келган экан. Ленинграддан етим болаларни олиб келишганида Зеби хола ҳам менга бола берасанлар, деб борганида беришмабди. «Ўзингиз сўққабошсиз, топиш-тутишингизнинг мазаси йўқ,» — дейишибди. Шунда шаддод Зеби хола столни муштлаб шунақаям тўполон кўтарибдики, охири шу Валентинни унга хатлаб беришга мажбур бўлишибди... Ҳозир Зеби хола невара-чеварали бўлиб кетган. Вали онасини бошига кўтаради. Мана сизга ҳаёт! Интернационализм дейсизми, гуманизм дейсизми, совет кишининг фазилати дейсизми, ҳаммасини шу воқеанинг ўзидан топишингиз мумкин. Ахир ҳаётда қувонч билан ғам-алам, кулгу билан кўз ёши доим ёнма-ён юради-ку!

Нимага ҳаётнинг ичига чуқурроқ кириб бормаймиз? Нимаки маёридан ошиб кетса, одамларда тешкари реакция уйғотади. Яъни китобхон ишониш, ҳаяжонланиш ўрнига гаши кела бошлайди. Адиб айтмоқчи бўлган яхши ғоялар, тўғри фикрлар унинг эңсасини қотиради... Яна бир воқеа. Яқинда ёш бир қаламкаш ўзининг каттагина ҳикоясини ўқиб беришни илтимос қилди. Ўқидим. Воқеа шуки, бир студент йигит боғда сайр қилиб юрганида гулзор четига йиғлаб ётган чақалоқни топиб олади. Уйига олиб келиб воқеани тушунтиради. Севган қизи ҳам уни тушунади. Орадан йиллар ўтиб, боланинг онаси топилади, тавба-тазарру қилади, ҳамма мурод-мақсадига етади. Ҳикояда яхши ғоя бор. Айтайлик, капиталистик мамлакатда бировни машина уриб кетса, атрофдагилар парво қилмайди, кўнгли ағдарилишидан кўрқиб ёнига бормайди. Бу айна ҳақиқат! Биров ташлаб кетган болани асраб олиш ҳақида гап ҳам йўқ. Бизнинг жамиятимиз туб моҳияти билан инсонпарвар жамият: ҳеч ким кўчада қолмайди. Аммо ҳикоя менинг гашимга тегди. «Ҳаммаси ёлғон!» деб қайтариб бердим. Ёш қаламкаш ранжиди. «Ёлғон эмас, шу одамни ўзим танийман, қўшнимиз бўлади. Балки Ғафур Ғулом «Едгор»ни ичидан тўқигандир, бу воқеани эса ўз кўзим билан кўрганман», — деди. «Бари бир ёлғон, — дедим ўзим истаганимдан кўра кескинроқ оҳангда. — Ҳамма гап шундаки, Ғафур Ғулом ўша воқеани ўз кўзи билан кўрганми-йўқми, бари бир, «Едгор»даги воқеаларга ишонасиз, сизники бўлса ғирт ёлғон!»

Езувчининг гражданлик бурчи деганда мен аввало шуну тушунаман: биз ўз ҳаётимизнинг фазилатларини, одамларимизнинг қанчалик яхши эканлигини тасвирлашимиз керак. Лекин рост гапни ёлғон қилиб, бўяб-бежаб эмас, бутун мураккаблиги билан моҳиятини очишимиз лозим. Хуллас, менинг ниятим битта: асар қаҳрамони шунчаки «қаҳрамон» эмас, инсон бўлса. Замон дардини ўзида акс эттирадиган одам бўлса. Қолаверса, китобхон ўша одам тақдирида бир чеккаси ўзини ҳам кўрса, оддий воқеалардан фавқулодда фалсафа топса...

4. Умуман, китобхонга идеал керакми-йўқми? Менимча керак. Инсон тараққиётининг минг йиллик тарихига назар таштайлик. Тоҳир билан Зухра,

Фарҳод билан Ширин, Лайли билан Мажнун, Ромео билан Жульетта кўп авлодлар учун идеал бўлган. Булар фақат муҳаббату садоқатнинг эмас, умуман инсоний эътиқоднинг, қолаверса, одабийликнинг идеаллари бўлишган. Аслини олганда, адабиётнинг бош вазифаси ҳам инсоннинг пок бўлиши, яхшироқ бўлиши учун курашдан иборат. Лекин инсоният тараққиёти ҳозир шундай босқичга етдики, биз ҳамма нарсани бутун мураккаблиги билан ўйлаш даражасига келдик. Мен бир қаламкаш сифатида, «идеал қаҳрамон» у ёқда турсин, ҳатто, ижобий ва салбий деган тушунчалар ўртасига девор қўйишга ҳам қаршиман.

Жаҳонда реалистик адабиёт пайдо бўлганидан кейин, айниқса, социалистик реализм методи дунёга келганидан кейин, афсонавий қаҳрамонлар ўрнини ҳақиқий инсонлар эгаллади. «Сўна» ёки «Она» романларининг қаҳрамонларини, Павел Корчагин ёки Йўлчи, Григорий Мелёхов ёки Василий Тёркинни эсланг. Уларнинг ҳам ўз фожиалари, ўз камчиликлари бор. Имоним комилки, китобхон афсонавий қаҳрамонлардан кўра кўпроқ шуларга ишонади. Негаки, уларни ўзига ўхшаган одам деб билади.

5. Мукамал инсоннинг ўзи бўлиши қийин, мабодо бўлса ҳам адабиётда типиклик деган гап бор (Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романидаги Едигей образини олайлик). Бу одам бир умр меҳнат қилади. Саводи ҳам унчалик эмас. Хуллас, миллионлаб совет кишиларининг оддий вакили. Аммо у ҳаётнинг моҳиятини ўйлашга уринади. Еруғ дунёда инсон бўлиб яшаш нима ўзи, деб ўйлайди. Эҳтимол унинг ўйлари жуда соддадир. Аммо у, инсонларга озми-кўпми меҳр бергиси келади. Ҳозирги куннинг манқуртларини асло ҳазм қилолмайди. Қизиғи шундаки, у одам! Баъзи қилиқларидан гижиниб кетасиз. Аммо бари бир яхши кўрасиз! Еки Нодар Думбадзенинг Бачанасини олинг. Бачана Едигейдан тубдан фарқ қилади. Илмли одам, ёзувчи. Лекин унинг ҳам ўз фожиалари бор.

Бир қарашда бир-бирига асло ўхшамайдиган едигейларни, бачаналарни чамбарчас боғлаб турадиган ягона, қудратли куч бор. Бу — катта инсоний эътиқод!

6. Ҳар қандай чинакам маҳорат билан битилган тарихий асар маълум маънода замонавий бўлганидек, ҳар қандай ҳақиқий замонавий асар ҳам маълум маънода тарихий бўлади. Демокчиманки, тарихий асар ёзган талантили адиб, тарих қаъридан бугунги кун учун муҳим бўлган хулосаларни топса, замонавий мавзуда чинакам истеъдодли асар яратган адиб ҳам келажак учун бугунги куннинг тарихини яратади. Ёзувчи ўз замонасидан четда туролмайди, деган гапда чуқур маъно бор.

Бизнинг адабиётимизда тарихни бугунги кунга хизмат қилдирадиган, тўғрироғи, тарих сабоқларидан чуқур хулоса чиқаришга ундайдиган ажойиб асарлар бор. Асар қаҳрамонини замонавий муҳитда ҳаракат қилдиришнинг ҳам, тарихий муҳитда «яшатиш»нинг ҳам ўзига хос мураккабликлари бор. Асар қаҳрамонининг бугунги кунда ҳаракат қилиши ҳаётда бор нарсани шундоққина китобга кўчириб қўя қолиш деган гап эмас. Ҳали қаҳрамонга жон ато қилиш, унинг қалбига замон дардини сингдириш деган шартлар ҳам бор. Комил ишонч билан айтаманки, инсоний туйғулар билан, замон дарди билан яшайдиган қаҳрамони бўлмаган асар — асар эмас. Хоҳлайсизми-хоҳламайсизми, китобхон бунақа асарни қабул қилмайди! Агар бадиий асарда тирик одам бўлмаса, айтмоқчи бўлган гапингиз нечоғлик рост бўлмасин, бари бир ёлгонга айланаверади!

Тарихий асар масаласига келсак. Кўпдан бери тарихий мавзуда асар ёзиш орзуим бор. Аммо тарихий асар ёзиш учун ёзувчилик истеъдодининг ўзи етмайди, бунинг учун олимлик истеъдоди ҳам керак. Менда олимлик истеъдоди етишмаяпти... Лекин бир нарсани аниқ айтишим мумкин. Қаламкаш қайси давр ҳақида ёзмасин, унинг асари ҳаминша замонга, агар қўлидан келса, келажакка ҳам хизмат қилмоғи керак.



Озод Шарафиддинов

ХАРАКТЕР — БАДИЙЛИК МЕЗОНИ

Эминжон Усмонов адабиётимизга 70-йилларда кириб келган ёш адиблар авлодига мансуб. Унинг «Ниҳоллар» деб аталган биринчи китоби 1976 йилда нашр қилинган эди. Уша йили «Ёш гвардия» нашриёти Эминжон Усмоновнинг «Меҳригиё» романини ҳам босиб чиқарди. Орадан кўп ўтмай, ёш адиб «Тилла чанок» ва «Ёлқин» қиссаларини яратди. 1980 йилда эса унинг публицистик мақолалардан ташкил топган «Ер — коинот гули» китоби чиқди. Булар Эминжоннинг илк асарлари бўлишига қарамай, жамоатчиликнинг диққатини жалб қилди. Китобхонлар уларни қизиқиш билан кутиб олди, айрим асарлари эса баҳсларга сабаб бўлди. Танқидчилар ҳам бетараф қолганлари йўқ — вақтли матбуотда эълон қилинган тақриزلарда, мақолаларда ёш адиб шайнига анча илиқ гаплар айтилди. Дарҳақиқат, унинг романида ҳам, қиссаларида ҳам, публицистик мақолаларида ҳам ёш адибнинг ўзига хос навқирон истеъдоди яққол сезилиб туради. Уларда китобхон қалбини ром этадиган, уни чинакамига ҳаяжонлантирадиган саҳифалар кўп. «Ниҳоллар» китобини мустасно қилганда Эминжон Усмоновнинг асарлари бугунги социалистик қишлоқ ҳаётига, унинг ажойиб табиатли одамларига бағишланган. Муҳими шундаки, ёш адиб қишлоқ ҳаётини қуруқ баён этиш йўлидан бормайди, воқеалар ортидан эргашиб, уларни шунчаки тасвирлашга берилмайди. Аксинча, адиб бугунги қишлоқда содир бўлаётган жараёнларнинг ички моҳиятини идрок этишга интилади, ундаги етакчи тенденцияларни бадиий таҳлил қилади. Эминжон Усмонов таҳсинга сазовор бир журъат билан қишлоқ ҳаётининг муҳим проблемаларини қаламга олади, китобхонлар диққатини кечиктирмай ҳал қилиш зарур бўлган мураккаб масалаларга қаратади. Унинг асарларида, айниқса, XX асрнинг энг долзарб масаласи — инсон ва табиат масаласи кенг ўрин тутди. Ёш ёзувчи бу масалани республикамиз ҳаёти билан боғлаб тадқиқ этар экан, ер, сув, ҳавони кўз қорачигдай асраш зарурлиги тўғрисида, пахта егиштиришда заҳарли химиявий моддалар қўллашдан воз кечиб, ҳосил учун биологик кураш методини кенг жорий этиш зарурлиги тўғрисида эҳтирос билан ёзади. Буларнинг барчаси унинг асарларига ўткир замонавий руҳ бағишлаган, уларнинг юксак гражданлик пафосини таъминлаган.

Эминжон Усмонов асарларининг яна бир фазилати бор — адиб меҳнатда мўъжизалар яратаётган қишлоқ одамларини дил-дилидан севади ва бу муҳаббатини асарлари тўқимасига сингдириб юбора олади. У айниқса, ўзбек деҳқонига хос бўлган соддалик ва инсоний ғурурни, табиийлик ва доноликни, фидокорлик ва ижодкорликни юксак қадрлайди, шунинг учун ҳам унинг меҳнатини, ерга муносабатини тасвирлашда чинакамига шоирона бўёқлар топади. «Меҳригиё» романидан олинган парчага диққат қилинг:

«Сурп яктаги устидан уч қават қийиқ боғлаган, кўксини тўлдириб турган оппоқ соқоли ўзига жуда ярашган Ҳикмат бува эгилиб бир сиқим тупроқ олдида, қулоғига тутди. Тупроқ худди денгиз чиғаноғидек гувиллаётганга ўхшарди. Бу, ер етилганидан далолат эди. Ҳикмат бува кафтидаги тупроқни ҳузур қилиб узоқ ҳидлади. Кўзларини юмиб, аста бош тебратди:

— Ернинг ҳидини қаранглар, оҳ-оҳ... Худди қалампирмунчоқнинг ҳидига ўхшайди...

— Ялпиз ҳиди денг, — деди хушмўйлов Умар ака. — Баҳор пайтида мен ялпиз ҳиди билан тупроқ ҳидини ажратолмай қоламан.»

Деҳқон меҳнатига, пахтага, ерга, она юрт чиройига меҳр билан суғорилган бундай парчалар фақат «Меҳригиё» романида эмас, «Тилла чанок» ва «Ёлқин»

қиссаларида ҳам анчагина. Бундай шоирона руҳ яхши нарса, проза асари учун зарур. Бироқ у меъёрдан ошиб кетса, бўлар-бўлмасга ишлатилаверилса, асарга зарар ҳам келтириши мумкин. Бундай ҳолларда асарда чучмаллик кўпаяди, сентиментал руҳ пайдо бўлади, у эса ҳаққонийликка путур етказди. Ёш адиб буни яхши тушунади ва шунинг учун ҳам эҳтиросларини жиловлашга, ортиқча патетикага берилмасликка интилади. Зарур ўринларда эса тасвирда дағалроқ туюлса-да, ҳаққонийликни таъминлайдиган воситаларни қўллайди. Мана, «Тилла чаноқ» қиссасидан олинган парчага диққат қилинг: «Камол бўшаган пиёла узата туриб хотинининг қўлларига разм солди. Қовжираб кетган гўзапоянинг ўзгинаси. Бўйнингга чирмасга, худди тиржайётганга ўхшайди.» Ҳам табиий, ҳам жонли, ҳам қаҳрамон кайфиятини ифодалашга хизмат қиладиган бундай тасвирлар ҳам ёш адиб асарларида кўп. Уларнинг жами Эминжон Усмонов асарларига ўзига хос оҳанг бахш этган, уларда ёқимли бир майинликни ҳам, реалистик қабарлиқни ҳам намоён қилган. Буларнинг ёнига адибнинг ҳар қайси асарда сюжет қурилишида, композицияда янгиликларга интилаётганини, характер яратишда, асарнинг ўзига хос колоритини таъминлашда ривоятлардан, афсоналардан фойдаланишга уринаётганини қўшсак, аён бўладики, ёш адиб ижодининг илк қадамлариданоқ ўз услубини шакллантириш устида жиддий ўйламоқда.

Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Лекин шуниси ҳам сир эмаски, Эминжон Усмоновнинг асарлари ана шу фазилатларига қарамай, бугунги адабиётимизда катта ҳодиса бўлолмади. Биз уларни китобхонлар қалбида ўчмас из қолдирган ҳар томонлама мукамал асарлар дея олмаймиз. Бунинг сабаби нимада? Нега бир қатор жиддий фазилатларга эга бўлган асарлар адабиётимиз хазинасидан муҳим ўрин олиб қола оладиган даражага етмади. Сабаб шундаки, Эминжон Усмоновнинг асарлари бир текисда ёзилмаган. Уларда қиёмега етмаган, авжига кўтарилмаган, сози бузилган ўринлар бор. Айниқса, ҳаёт ҳақиқатининг туб-тубига кириб, дабдурустдан кўзга кўринмайдиган теран қатламларини тадқиқ этишда, роман ва қисса жанрининг мураккаб қурилмасини егаллашда, сўзнинг тасвир имкониятларидан кенг ва унумли фойдаланишда анча-мунча нуқсонлар мавжуд. Бироқ ёш адиб истеъдодининг рўйрост намоён бўлишига, ижодий имкониятларининг тўлатўкис рўёбга чиқишига монелик қиляётган асосий нарса характер яратиш масаласи билан боғлиқ.

Характер — адабиётнинг бадийлигини, таъсир кучини таъминлайдиган асосий омиллардан биридир. Ёзувчи ҳаётни кузатиш ва ўрганиш натижасида ижтимоий тараққиётни тезлаштиришга ёрдам берадиган теран умумлашмаларга келади. Бу умумлашмалардан салмоқли, муҳим ғоявий ниятлар туғилади. Бироқ ғоявий ният ҳар қанча олижаноб ва салмоқли бўлмасин, ёзувчининг ҳаёт ҳақида айтадиган гаплари ҳар қанча доно ва жиддий бўлмасин, улар характерлар орқали ифодаланмаса, уларнинг меҳнати, кураши, тўқнашувларида мужассамланмаса, ёзувчи мақсадига эриша олмайди.

Асарда характер бўлмаса, унинг ўрнини қуруқ насиҳат, узундан-узок баён, зерикарли таъриф-таъсифлар, таъсир кучидан маҳрум сафсатабозлик егаллайди. Айни чоқда, характер яратиш масаласи бадий адабиётнинг энг мураккаб ва энг жумбоқли вазифасидир. Жаҳон адабиёти бир-бирига ўхшамаган, бири-бирдан мукамал ранго-ранг характерларга ниҳоятда бой. Лекин, шунга қарамай, шу чоққача «характер қандай яратилади?» деган оддий саволга жавоб топилган эмас. Турли-туман асарларни таҳлил қилиб, уларда характер қандай яратилганини аниқлаш мумкин, лекин уни қандай яратиш кераклиги ҳақида рецепт бериб бўлмайди. Бундай рецептларни яратиш мумкин бўлганда ва уларга асосланиб асар яратилганда, бадий адабиёт жамики сеҳру жодусидан, сир уасоридан, жозибасидан маҳрум бўларди ва жўнгина бир ишга айланади қоларди. Характер яратиш бошдан-оёқ ёзувчининг истеъдодига, нигоҳининг ўткирлигига, ҳаётини ва ижодий тажрибасига, ғоявий эътиқодининг барқарорлигига, асарда олдига қўйган мақсадга боғлиқ. Фақат умумий талаблар мавжуд — характерда инсон шахсияти тўла намоён бўлмоғи керак. Характер ҳаётини, жонли, ишонтирадиган бўлмоғи шарт. Характер ҳар жой-ҳар жойда муаллиф ғояларини баён қилиб юрувчи карнай эмас, китоб саҳифаларида у мустақил, тўлақонли ҳаёт кечирмоғи даркор. Унинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, қилиқлари, жамики фаолияти ўзининг ички мантиғига хилоф бўлмай, психологик жиҳатдан далилланган бўлиши шарт. Шундагина бадий асарда ҳаракат қилувчи характер ўзида ҳаёт ҳақиқатининг муҳим жиҳатларини ифодалай олади, шундагина у китобхоннинг инсон ҳақидаги тасаввурини бойитиб, унинг учун чинакам кашфиёт бўлади, унинг онгига ҳам, қалбига ҳам таъсир кўрсатади.

Эминжон Усмонов асарларида анчагина ўзига хос жонли характерлар

мавжуд. Улар муайян мақсадлар йўлида фаолият кўрсатишади, кураш олиб боришади. Биз уларнинг фикрлари, ўйлари, туйғулари билан танишамиз. Кўп ҳолларда улар бизни ишонтиришади. Лекин, айтиш мумкин, уларда муайян етишмовчиликлар ҳам борки, худди ана шу етишмовчиликлар, кемтиклар ёш адиб асарларининг юксак бадий қудрат касб этишига йўл қўймайди.

Мисолларга мурожаат қилайлик.

«Меҳригиё» романининг бош қаҳрамони — колхоз агрономи Нодир. Қотмадан келган, қирғий бурун, кўзлари ҳамиша ўйчан боқувчи бу йигит анчагина сифатлари билан китобхонни ром қилади. У болалигиданоқ ҳамқишлоқларига муҳаббат қўйган. Айтишса, катта бўлиб, эсини танигач, унинг қалбидаги пахтакорга бўлган теран эҳтиром, ёлқинли меҳр янада кучайган. Нодир бу муҳаббати ҳақида лоф урмайди, балки уни амалда кўрсатишга, иш билан намоён этишга интилади. У деҳқонни кўпроқ қадрлаш учун, унинг меҳнатини енгиллатиш, шароитини яхшилашни ўйлайди. У заҳарли дори-ларсиз ҳам пахта етиштириш мумкинлигига астойдил ишонади. Нодир пахта зараркундаларига қарши биологик кураш методи толанинг сифатини яхшилашни, ҳосилни кўпайтиришни, ерни софлантириб, таркибини бақувват қилишни исботлаш учун меҳнат қилади, курашади. Нодир ҳаётини, билимини, иқтидорини ана шу олижаноб мақсадга бағишлаган. Унинг пачоққина жуссасида улкан бир қудрат бор — бу Нодирнинг эътиқодидан туғилган. Нодир инсон ҳаётининг маъносини ижодкорликда, яратиш иштиёқи билан яшада деб билади. «Акс ҳолда одам нима учун яшаётганини ҳам идрок этмайдиган бефарқ мавжудотга айланиб қолади... Ҳаётнинг маъноси кундалик ташвишлар билан ўралашиб яшада эмас-ку. Бундай майда-чуйда ташвишлардан улғурок, нурлироқ мақсадларга интила билишда...»

Бу гаплар Нодирнинг китобхон кўз ўнгига босиб ўтган ҳаёт йўлидан чиқарган хулосаси, эътиқоди. Шу эътиқод туфайли Нодир ҳузур-ҳаловатидан, хотиржамликдан, жонининг тинчидан кечиб, зиммасига бир дунё ташвиш ортиб, ҳамқишлоқларини ҳам анча-мунча ташвишга қўйиб, мақсади йўлидан кураш олиб боради. Демак, Нодир пассив кузатувчан шахс эмас, у фаолият одами, актив курашчи. Дўсти Исмоилжоннинг таъбири билан айтганда, Нодир ўртамеъна одам эмас, одаддаги жўн ишлар уни қаноатлантирмайди. Бирок, ана шу фазилатларига қарамай, Нодир қай бир нуқталарда китобхонни қаноатлантирмайди, унинг қалбини ларзага солмайди. Нега? Сабаб шундаки, айрим ўринларда унга табиийлик, инсоний жозиба етишмайди. Муаллиф Нодир характери яратишда битта жиддий нуқсонга йўл қўйган — айрим ўринларда ҳаётгиллик меъёрини бузган. Эминжон Усмонов қаҳрамонини ўз ишига ўта берилган, дунёнинг бошқа ташвишларини ҳаёлига келтирмайдиган фидойи одам қилиб кўрсатмоқни истайди-ю, бунга Нодирни дарвишнамо бир қиёфага солиш билан эришмоқчи бўлади. У ҳатто севгилиси Чаман билан учрашганда ҳам пахта, ҳашорат ҳақида гаплашади, тасодифан қамалиб қолганда ҳам фақат пахтани, ҳашоратни ўйлайди. Бундай тасвирда адабиётимиз аллақачон воз кечган арзон баҳо штампларнинг таъсири сезилади.

Ёш адиб бадий асарда қаҳрамон характери курашда, зиддиятларни енгиш жараёнида, реал ишларда, фаолиятдагина намоён бўлишини яхши билади. Шунинг учун ҳам Нодирни жиддий тўсиқларга рўбарў қилади. Романда Нодирнинг муваффақиятли кураш олиб боришига тўсиқлик қилувчи асосий куч сифатида Мурад раис образи тасвирланган. Мурад раис аслида ёмон одам эмас. У бирова ёмонлик қилмайди, аксинча, урушда жасорат кўрсатган, учта Шухрат орденининг кавалери. Колхозга ҳам меҳнати кўп синган. У ҳам Нодир каби колхозни обод қилишни, деҳқоннинг турмушини фаровон этишни ўйлайди. Романда Мурад раиснинг самимийлиги, одамохунлиги, мардлиги, феъли кенглиги, колхозга жонқуярлиги анча дуруст кўрсатилган. Лекин ана шу яхши инсон ва дуруст раис Нодирнинг ташаббусига қаршилик кўрсатади, ҳатто милиционерга буюриб уни қаматтириб қўяди. Шуниси қизиқки, Мурад раис бирор лаҳза бўлсин Нодирни душман деб ҳисобламайди, унга қарши кек сақламайди, аксинча, уни болалигидан яхши билади, унинг қобилиятига, олижаноб ниятларига ишонади, колхоздаги муҳим раҳбарлик лавозимига тайинлайди. Шундай экан, нега у Нодирнинг ташаббусига қарши чиқади? Романда тасвирланишича, Мурад раис биринчи навбатда планни ўйлайди. Унинг планга «садоқати» шу даражадаки, план инсон учун эканини унутиб қўяди. Унинг назарида биологик кураш методи «ҳали тугилмаган чучвара.» Аввал уни тугиб пишириш керак. Кейин таъмин татиб кўриш керак. Мазаси яхши бўлса бошқа гап. Акс ҳолда раис ҳар хил тажрибаларга йўл қўйиб беради, «ҳосил битмай, деҳқоннинг қорни нонга тўймай» қолиши мумкин. Қўринадикки, «жуда тўрни эгаллаб турган, зўр бўлмаса ҳам, районнинг тўрига яқин жойда ўтирадиганлардан» бўлмиш бу раис кўнглида кири йўк, одамларга

гамхўр бўлса-да, бугунги кун даражасидан орқада қолган, эртанги кунга назар ташлаёлмайди. Ёзувчи Мурод раис характерида одамларга тез-тез учраб турадиган бир хусусиятни очиб берган. Бу ташаббускорлик туйғусидан маҳрумликдир. Бундай одам қай соҳада фаолият кўрсатмасин, ҳаёт оқимиға мослашиб олади-да, бир маромда кетаверади. Кўникилган нарсалар тартибини ўзгартиришга уриниш унга малол келади, ташқаридан жиддий туртки бўлмагунча, кундалик майда-чуйда ташвишлар орасида ўралашиб юраверади. Негаки, бу — қулай, бугун куч-қувватини охиригача сарфлаб ҳаракат қилишни талаб этмайди. Мурод раис характери тасвирида ҳам китобхонни қаноатлантирмайдиган ўринлар бор. Асосий нуқсон шундаки, асардаги бош масалага муносабатда қаҳрамоннинг тутган позицияси кишини унча ишонтирмайди. Ўзингиз ўйланг — Мурод раис уруш синовларидан ўтган, ишнинг кўзини билладиган, одамлар манфаатини ўйлайдиган шахс бўла туриб, пахта етиштиришда заҳарли химиявий моддалар қўллашнинг зарарини тушунмаслиги мумкинми? Ҳарҳолда, Эминжон Усмонов романида тасвирланган Мурод раис ўша савияси, ўша характери билан бу ҳодисанинг салбий оқибатларини тушунмаслиги мумкин эмас. Ундай бўлса, билиб туриб Нодирнинг ташаббусига қарши чиқадики? Унда Мурод раис икки юзламачи, мунофиқ одамми? Муаллиф Мурод раиснинг қаршилигини планни ўйлаши билан изоҳлайди. Бироқ бу изоҳ ҳам кишини қаноатлантирмайди. Авваламбор, раис бўлгандан кейин планни ўйламай нима қилади? Ахир, планни ўйлаш, мўл ҳосилни ўйлаш, айни чоқда, колхознинг фаровонлигини, деҳқоннинг тўқлигини ўйлаш эмасми? Хуллас, романда марказий конфликтнинг ривожидан Мурод раис фаолиятини тасвирлашда ҳам муайян зўрма-зўракилик, сунъийлик сезилади. Афтидан, ёш адиб раис характери тасвирлашда «одамлар мураккаб бўлади, уларнинг характерида бир-бирини инкор этувчи зиддиятли томонлар бўлиши керак» деган ақидага амал қилган-да, бунинг оқибатида характерда ясамалик, сунъийлик пайдо бўлиши мумкинлигига эътибор бермаган. Худди шунинг оқибатида бўлса керак, у Мурод раисни характерига зид иш қилишга — Нодирни қаматириб қўйишга мажбур этади. Ахир, Нодир ёш бола эмас, қинғир ишлари, ярамас хулқ-атвори билан танилган безори эмас, катта бир колхознинг агрономи-ку! Агар Мурод раис шу ишни қилишга қобил бўлса, демак, у одамохун эмас, демак, у колхоз манфаатини ўйламайди, одамлар манфаатини кўзламайдиган, ҳеч ким ва ҳеч нарса билан ҳисоблашмайдиган ўта ўзбошимча, жоҳил ва зolim кимса! Ҳолбуки, бундай хулоса чиқариш учун мазкур характер тасвири асос бермайди. Визга эътироз билдиришлари мумкин: буларнинг ҳаммаси ҳаётда бор гаплар-ку! Бироқ биз бу ўринда «улар ҳаётда учрамайди, ёзувчи уларни тасвирлаши керак эмас эди» деяётганимиз йўқ. Ҳаётда нимаики мавжуд бўлса, ёзувчи уларнинг ҳаммасини тасвирлашга ҳақли. Фақат, гап шундаки, санъатнинг ўз қонуниятлари бор: бундай воқеалар асарга киритилар. экан, бунинг биринчидан, асардаги асосий гоёвий ният тақозоси билан қилиш керак, иккинчидан эса, ишонарли қилиб, далиллаб кўрсатиш лозим.

«Меҳригиё» романидаги иккита бир-бирига қарама-қарши турган марказий характерлар тасвирида йўл қўйилган сунъийликлар асарнинг асосий конфликтини етарли даражада теран очишга монелик қилган. Натижада, жуда муҳим ҳаётий проблема бутун мураккаблиги, жамики ўткирлиги билан кўрсатилмаган, унинг кўлами торайиб қолган. Эминжон Усмонов ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий қирраларга эга бўлган улкан муаммони икки шахс ўртасидаги низо даражасига тушириб қўйгандай туюлади. Наҳотки, пахтачиликда химиявий моддаларни қўллаш ё қўлламаслик масаласи фақат раиснинг ихтиёрига, унинг ўжарлигига, шуҳратпарастлигига боғлиқ бўлса? Агар шундай бўлса, Мурод раисга ўхшаган уқувиз, шуҳратпараст раисларни олиб ташлаб, ўрнига билимдон, ташаббускор, фикрлайдиган одамларни қўйиш билан масала ҳал, олам гулистон бўларди-ку! Афсуски, бундай эмас, муаммонинг илдизлари анча чуқур. Бунинг Эминжон Усмонов ҳам жуда яхши билади. Бироқ у муҳим муаммога қўл уриб катта жасорат кўрсатган-у, фақат бу жасоратини охиригача олиб боролмаган, яъни марказий қаҳрамонлар характери бунинг табиийлигида, ички яхлитлигида, уйғунлигида тасвирланмаган, уларни ўз эркига қўйиб, ўз мантиқлари асосида ривожланишига ва шу йўл билан ўз моҳиятларини тўла-тўқис намоён этишларига имкон бермаган. Бунинг ўрнига қаҳрамонлар характери муайян белгилар йиғиндисидан, турли-туман салбий ва ижобий хислатларнинг жамулжамидан иборат қилиб тасвирлаш йўлидан борган. Бу эса «Меҳригиё» романининг том маънода юксак бадиият касб этишига халақит берган.

Ёш адибнинг «Елқин» қиссаси ҳам қишлоқ ҳаётига бағишланган бўлиб, асар воқеалари «Ширинбулоқ» колхозидан ўтади. Қиссанинг бош қаҳрамони

колхоз раиси Назар. У шу жойда ўсган. Кейин ўқиб агроном бўлган. Беш йил аввал раисликка сайланган. Раис бўлиши биланоқ колхозчилар ҳаётини яхшилаш ҳақида, колхозни илғорлар сафига олиб ўтиш тўғрисида ўйлайди. Назар тиниб-тинчишни билмайдиган фаол табиат эгаси. У темир қувурлар билан тепага сув чиқариб тоғда боғ яратган. Қишлоқни бош план асосида қайта қуришга киришган. Пахтачиликни ҳам изга солиб юборган. Ишнинг кўзини билади. Бироқ колхознинг собиқ раиси Султонов бошчилигидаги бир гуруҳ ғаламислар Назарнинг бемалол ишлашига йўл қўйишмайди, унга қарши иғволар уюштиришади, унинг устидан думалоқ хатлар ёзишади.

Қисса конфликтли бугунги колхоз ҳаётининг ўзак масалалари асосига қурилмаган — унда бугунги ижтимоий ва иқтисодий муаммолар, ишлаб чиқаришни яхшилаш ва мукаммаллаштириш билан боғлиқ масалалар биринчи планга қўйилмаган. Конфликтнинг кўлами торроқ — у «яхши раис» Назар билан иғвогар ва ғаламис Султонов ўртасидаги келишмовчилик асосига қурилган. Айтиш керакки, конфликт бу тарзда қурилганда ҳам, умуман ўзига хос характерлар яратиш ва бу характерлар орқали одамларнинг янги ва муҳим қирраларини кашф этиш мумкин эди.

Хўш, муаллиф шунга эришганми? Қиссада ёрқин, ўзига хос, табиий характерлар борми? Бу саволга сира иккиланмай, бемалол «ҳа» деб жавоб бериш анча қийин. Фикримизни исботлашга ҳаракат қиламиз.

Ёзувчи қиссада Назарни ижобий қаҳрамон сифатида, давримизнинг илғор одами тарзида талқин қилади. Бироқ Назарнинг бугун фаолияти, феъли-атвори, қарашлари уни қаҳрамон деб аташга имкон бермайди. Авваламбор айтиш керакки, Назар реал ҳаётини зиддиятларга дуч келмайди, у ҳамма нарсани осонгина битказади, жиндай елиб-югуриш билан энг қийин муаммоларни ҳам ҳал қилиб ташлайверади. Масалан, тоғда боғ яратиш масаласини олайлик. Бу осон иш эмас, албатта. Тоғда юзлаб гектар жойни боғга ярайдиган ер қилиш учун, у ерга сув олиб бориш учун, ўн минглаб туп кўчат топиш учун югуриб, елишдан ташқари ҳозирги замон техникаси керак, юз минглаб сўм пул сарф қилиш зарур. Назар буларни қаердан топди, қандай топди, пулни қайдан олди — бу саволларга қиссада жавоб йўқ. Қиссада Назарнинг тоғда боғ яратгани ҳақида маълумот берилади, холос. Назар раисликка сайланиши биланоқ ёнига партком Ҳайдарни ва агроном Алиматни олиб қишлоқни айланади. Эски ўзбек қишлоғи унинг кўзига хароб ва хунук кўринади. У қишлоқни бузиб ташлаб, бошқа жойга янги қишлоқ қурмоқчи бўлади ва бунга ҳам осонликча эришади. Ҳолбуки, бу ҳам бир оғиз гап билан ёхуд мажлисда қарор қабул қилиш билан битиб кетаверадиган иш эмас. Афсуски, унинг бу ишлари ҳақида ҳам ахборот бериш билан чекланилади. Назарнинг колхоз истиқболига, хўжалик юритишни яхшилаш, механизацияни кенг жорий қилиш масалаларига қарши ҳам қизиқ. Қисса қаҳрамонларидан бирининг вақти-соати келиб, механизация кенг жорий қилинса, хотин-қизларнинг меҳнати енгиллашиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги гапига Назар шундай муносабат билдиради:

— «Бе... Унинг хотин-қизларимизга гўрда фойдаси тегадими. Механизация Мирзачўл, Қарши чўлига ўхшаш жойларда қўл келади. Водийда унинг фойдасидан зарари кўп. Бизнинг колхозда атиги беш юз гектар ерда трактор юриши мумкин. Қолгани қир, адир...»

Назарнинг механизация масаласига бундай муносабатини қандай баҳолаш мумкин? Нима учун водийда унинг фойдасидан зарари кўп бўлар экан? Наҳотки, қир-адирда трактор юрмаса? Наманган область Поп районидаги баъзи совхозларнинг тажрибасидан маълумки, уқув бўлса, қир-адир эмас, баланд тоғларда ҳам трактордан жуда самарали фойдаланиш мумкин. Ниҳоят, механизация дегани биргина тракторнинг ўзи эмас, у жуда кўп нарсани қамраб олади. Хуллас, Назарнинг механизацияга қарши ҳаётдан орқада қолган, консерватив қарашларга ёпишиб олган қолақ одамниқидан нимаси билан фарк қилади? Раис шунақа деб турса, колхоздаги аёлларнинг, мактаб ўқувчиларининг шароитини бу яқин-ўртада тузатиб бўлармикин?

Кўраимизки, Назарнинг ижтимоий фаоллиги, кўпчилик манфаати учун куйиб-пишиб жон куйдириши унинг реал ишларида, хатти-ҳаракатида эмас, фақат сўзда, ёзувчи баёнида очилади, холос. Бу эса характерни жонли ва ҳаётини қилиш учун кифоя эмас.

Энди Назарнинг шахсий сифатлари билан танишайлик. Эминжон Усмонов ўттиз бешга тўлмаган «ўрта бўй, қорамағиз», «суяги бузуқ» бу йигитни шаддод, кўнглидагини ҳеч нарсдан ҳайиқмай очиқ гапирадиган, бир оз ўзига бино қўйган, ўзининг «яхши раислиги»дан ғурурланувчи бир шахс қилиб кўрсатади. Булар яхши, албатта. Лекин шу сифатлар билан бирга анча-мунча ўринларда ёзувчи ўз қаҳрамонининг дағаллигини, одамларга қўпол муомала

қилишини, унча-мунчани менсимаслигини ҳам таъкидлайди. Юқорида Назарнинг раисликка сайланиши биланоқ машинада партком Хайдар ва агроном Алимат билан бирга қишлоқни айланишини айтган эдик. Машинада уларнинг ўртасида гап қочади. Шунда Назар дабдурустдан Алиматга: «одамларимиз ҳалиям бостирмада яшашяпти» деб дашном беради. Алимат бу ишга унинг дахли йўқлигини, пахта билан шугулланишини айтади. Шундан сўнг Назар қизишиб кетади-ю, Алиматни машинадан тушириб, ҳайдаб солади. Унинг қўполлиги бу билан тугамайди. Бир ўринда райком секретарига дағал муомала қилади. Яна бир гал Хайдарга, тузалсангиз тузалинг, бўлмаса «тутиб олиб ураман» дейди. Назар дўқ, пўписа, қўпол муомала билан чекланмайди — у муштумига ҳам эрк беради. Бир ўринда «жаҳл устида хотинини тарсакилаб юборади.» Яна бир ўринда эса гўзани сув босганга эътибор бермай дам олиб ётган Алиматни кўради-ю, марказий газета мухбирининг кўз олдида унга ташланади, «нима қилиб тўнгизга ўхшаб ётибсан, хунаса» деб сўқади-ю, Алиматнинг юзига мушт уриб, оғзи-бурнини қон қилади. Назарнинг мана шу қўполлиги, муштумзўрлиги, ўзбошимчалиги қиссада сира ҳам далилланган эмас.

Эминжон Усмонов қахрамонини ўз эркига қўйиб берганда, характер мантиғига қатъий амал этганда эди, Назар муштумзўрлик қилмаган, Алиматни уриб, қора қонига беламаган бўларди. Яна бизга эътироз билдиришлари мумкин: ҳаётда бундай ҳодисалар учрамайди? Езувчининг уларни акс эттиришга ҳаққи йўқми? Нега учрамади, учрайди? Нега ҳаққи бўлмасин, бор! Лекин гап шундаки, ҳаётдаги бунақа муштумзўрларни, ўзи хон, кўланкаси майдонларни биз сира қўллаб-қувватламаймиз, уларни қаттиқ қоралаймиз. Қиссада эса Назарнинг зўравонлиги тўла оқланади. Шуниси қизиққи Назарнинг ўзи кейинчалик шу жинояти учун заррача ўкинмайди ҳам, Алиматдан кечирим ҳам сўрамайди, виждон азобига берилиш у ёқда турсин, ўзининг бежазо қолишига астойдил ишонади. «Э, парво қилманг, ҳеч нарса бўлмайди. Бари бир, мени ишдан олишмайди. Кўриб турибсиз-ку, яхши раисман,» — дейди у. Ва ҳақиқатан ҳам «ҳеч нарса бўлмайди» — на маъмурий органлар Назарни тартибга чақиради, на партия органлари унинг жиловини тортиб қўяди. Аксинча, райком секретари Нусрат Валиев «Назарнинг галати ишлари кўп» деб ҳисобласа-да, «менга Назар шу туришида ёқади» деб уни оқлайди.

Замонамиз қахрамонини бундай талқин қилишга сира ҳам қўшилиб бўлмайди.

Хўш, нима учун шундай бўлди? Нега анчагина тажриба тўплаган Эминжон Усмонов бу қиссасида қахрамон характерини яратишда шундай чалкашиқларга йўл қўйди. Менимча, бунинг сабабини ёш адибнинг характер масаласига қарашларидаги кемтиклардан қидириш керак. Бундан бир неча йил аввал «Литературная газета» саҳифаларида бир муаммо атрофида жиддий мунозара бўлиб ўтганди. Муаммонинг моҳияти шунда эдики, кўпгина асарларнинг қахрамонлари замонавий одамлар бўлса-да, асарда уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти тасвирланса-да, бу қахрамонлар тусси, руҳсиз чиқади. Шунда уларга жон ато қилиш учун муаллиф асарга ҳар хил олди-қочди воқеаларни киритади. Бу воқеалар кўпинча оилавий муносабатлар доирасидан олинади — қахрамоннинг гўзал хотини ундан безиб бошқага кўнгил қўяди, ёхуд, аксинча, қахрамон ўзининг котибасини севиб қолади ва ҳоказо. Мунозара қатнашчилари яқдиллик билан шуни таъкидлашдики, бу йўл биздан қахрамоннинг тўлақонли фақат ҳаётимик ва ҳаққонийлик принциплари асосида катта маҳорат ёрдамидагина яратиш мумкин. Эминжон Усмоновнинг «Елқин» қиссасидаги Назар характерининг талқинида алланечук шу усулга яқинлик бор. Афтидан, Эминжон Усмонов қахрамон характерини фақат ижобий сифатлар орқали, ёрқин ранглар ёрдамида чизишдан чўчийди — бунинг оқибатида қахрамон идеаллаштириб юборилади, у ҳаётийликдан маҳрум бўлиб қолади ва китобхонни қизиқтирмай қўяди деб ўйлайди, шекилли. Қахрамон жонли одам бўлиши керак, жонли одам эса нуқсонлардан ҳам холи бўлмайди. Бироқ бунга қахрамон характеридеги ижобий сифатлар ёнига атайин салбий хислатларни қўшиб қўйиш билан эришиб бўлмайди. Бу муқаррар тарзда сунъийликка олиб келади, характернинг ахлитлигига, бинобарин, ҳаётийлигига путур етказади. Жонли характер яратишнинг бирдан-бир тўғри йўли уни муайян нисбатда олинган ижобий ва салбий сифатлардан иборат қилиб тузиш эмас, ҳаёт мантиғига, характернинг ички мантиғига амал қилиб яратишдир.

«Елқин» қиссасида характерни ўз майлига қўйиб бермаслик, уни муаллифнинг ихтиёрига бўйсундириш ва бунинг натижасида сунъий ҳаракат

қилишга мажбур этиш салбий образларда ҳам очиқ кўринади. Аввало, шуни айтиш керакки, Эминжон Усмонов салбий қаҳрамон асарда биринчи марта кўрингандаёқ унинг қиёфасини, портретини қора бўёқлар билан чизишга ва шу орқали китобхонда уларга нисбатан нохуш эмоционал муносабат уйғотишга интилади. Жумладан, «Елқин»да Назарга қарама-қарши турган асосий салбий қаҳрамон — собиқ раис Султоновнинг қиёфаси қуйидагича: у «беўхшов семирған», «боши ҳаддан ташқари кичкина», «хамакка ўхшайди.» Яна: «Султонов хамакдай бошига номуносиб барваста гавдали одам эди. Одимлаши салмоқли, гурс-гурс қадам ташлаб, полни дириллатиб юарди.» Лекин «майда ишлар билан шуғулланарди.»

Илгари агрономлик қилган, кейин колхоз партия ташкилоти секретарлиги-га сайланган эллик ёшлардаги Ҳайдарга ҳам салбий характеристика берилади. У Султоновнинг жияни, амакисининг айтганидан чиқмайдиган, мустақил фикрлай олмайдиган одам. «Эҳтиёткор. Бир чўқиб, ўн марта аланглайди.» «Олдин амакисидан гап сўраб, кейин бировга айтади.» Тўғри, воқеалар давомида Ҳайдар ўзгаради, лекин унғача кўп саҳифалар давомида муаллиф уни қора бўёқларда тасвирлашдан толмайди.

Энди Алиматнинг қиёфаси билан танишинг:

«Алимат узундан-узун бўлиб ўрнидан турди. Нақ тиззасидан пастгача осилиб тушган қўлларини саланглатганича минбарга чиқиб келаверди. Минбарга чиққач, худди ошқозон касали бор одамдек дўппайиб чиққан қорнини ушлаганча афтини буриштирди...»

Албатта, одамларнинг қиёфаси ҳар хил — уларни қандай тасвирлаш ёзувчининг ихтирида. Бироқ ҳозирги мисоллардан кўриниб турибдики, ёзувчи салбий қаҳрамонларнинг ҳаммасини деярли бир хил рангда қора бўёқлар орқали тасвирлашга мойил. Бу эса тўғри эмас. Шунинг учун тўғри эмаски, ташқи қиёфа одамнинг моҳиятини белгилай олмайди. Афти хунук, лекин қалби гўзал ва, аксинча, кўриниши бежирим, лекин қалби хунук, феъли ёмон одамлар бўлиши мумкин. Иккинчидан, бир нечта қаҳрамон бир хил тарзда тасвирланаверса, бу усул ҳам штампга айланиши, сунъийлик туғдириши мумкин. Адолат юзасидан айтиш керакки, Эминжон Усмонов қиссада воқеалар давомида салбий қаҳрамонларни жонли одамлар тарзида кўрсатишга интилади ва кўп ўринларда бунга муваффақ бўлади. Бироқ, шунга қарамай, китобхонни бу қаҳрамонларнинг салбий одамлар эканига ишонтиришга ҳар қанча уринмасин, бунга тўла эриша олмайди. Гап шундаки, Султонов ҳам, Ҳайдар ҳам, Алимат ҳам фақат салбий деб таърифланади, лекин уларнинг салбий моҳияти реал ишларда, конкрет хатти-ҳаракатларда очилмайди. Аксинча, принципал курашга сабабчи бўлган масалаларда улар ҳақроққа ўхшайди. Масалан, Султонов қишлоқни қайта қуриш масаласида Назарга қарши чиқади. Лекин у, умуман, қишлоқни қайта қуриш масаласига қарши эмас, фақат буни жуда катта иш деб ҳисоблайди, бу масалада шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмаслигини, аввал ҳар жиҳатини пухта ўйлаб, маслаҳатлашиб, кейин ишга кирилиши лозимлигини уқтиради. Султоновнинг бу мулоҳазалари тўғри эканига шубҳа бўлмаса керак. Назар эса буни душманликка йўяди. Яна бир ўринда Султонов гўза чеканка қилаётган жувон билан гаплашиб, Назарга муносабат билдиради: «Техника асридаги аҳволни кўрдингизми? Раис зўр бўлса олдин хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллатишни ўйласин. Ана унда ҳамма бирдек ҳурмат қилади.» Боши хамакка ўхшаган Султоновнинг бу фикри ҳам тўғри. Энди унинг думалоқ хат уюштиришига келсак, бу масалада ҳам унга бирор катта гуноҳ юклаб бўлмайди — чунки хатдаги Назарнинг зўравонлиги, одамларга қўпол муомаласи, ҳовлиқиб иш қилиши ҳақидаги гаплар, умуман олганда, тўғри. Кўринадики, характерларнинг фаолияти, хатти-ҳаракати етарли даражада салмоқли ва кўламли бўлмагани учун улар теран ҳаётийлик касб этмай қолган.

Юқорида айтилган мулоҳазалар яна бир хулосага олиб келади «Елқин» қиссасида ҳам «Меҳригиё» романидаги каби асарнинг ғоявий негизини ташкил қилувчи конфликт ўзининг бутун мураккаблиги ва тўлалиги билан очилмаган.

«Елқин» қиссаси муносабати билан яна бир ҳақиқатни таъкидламоқ керак: характер яратишда майда, аҳамиятсиз нарсалар бўлмайди. Қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати, кураши, ички дунёсигина эмас, унинг ташқи кўриниши ҳам, қилиқлари ҳам, гапириш услуби ҳам, нутқи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биз юқорида айрим қаҳрамонлар характерини яратар экан, муаллиф уларнинг портретини чизишда бир хилликка йўл қўйганини айтдик. Шунингдек, айрим ўринларда ёш адиб ўз қаҳрамонларини алланечук сохта қилиқлар қилишга мажбур этади ёки тасвирда ғайритабiiйликка йўл қўяди. Бир-иккита мисол келтирамиз. Ёзувчи бир ўринда Муниранинг қиёфасини тасвирлайди: «лаблари кулгига очилганда тилла тишининг шуъласи остки

лабига тушди. Бир чимдимгина шуъла унинг латофатини янада ошириб юборди.» Чиройли! Лекин тилла тишнинг шуъласи бўлармикин? Бўлса, у нега фақат остки лабга тушаркин? Бунда иборанинг ҳуснига маҳлиё бўлиб, муаллиф унинг сунъийлигини унутганга ўхшайди. Яна бир ўринда архитектор йигит Камолидиннинг қиёфаси шундай тасвирланади: «Унинг даҳани беўхшов чўзиқ, шу боисдан пастки лаби юқоридагисини босиб турарди.» Яна бир ўринда райком секретарининг қилиғи ҳақида айтилади: «Валиев лойиҳа устига энгашди. Гоҳ бошини қийшайтириб, гоҳ устки лабини тишлаб узоқ томоша қилди.» Даҳаннинг чўзиқ бўлишини тасаввур қилиш мумкин, лекин пастки лаби юқоридагисини қандай қилиб босиб тураркин? Бир уриниб кўринг, бунинг нечоғлик ғайритабиий эканига, шундай қилиш учун маълум даражада уриниш, ўзини мажбур қилиш лозимлигига амин бўласиз. Пастки лабини тишлаш кўп ҳолларда ғайри ихтиёрий, инстинктив содир бўлади. Буларнинг барчаси асар тўқимасига муайян сунъийлик олиб киради, унинг ҳаётийлигини хиралаштиради. Ҳолбуки, ҳаракатлар, қилиқлар, манералар, қиёфалар ҳам характерни чуқурроқ очишга, ундаги муҳим томонларни таъкидлаб кўрсатишга, уларни жонли ва табиий гавдалантиришга ёрдам берадиган воситалардир. Вадиятнинг юксак погоналарига кўтарилиш учун, жуда катта таъсир кучига эга бўлишга эришмоқ учун ёзувчи асарнинг ҳамма компонентлари устида қунт билан жиддий меҳнат қилмоғи керак.

Эминжон Усмоновнинг «Тилла чаноқ» қиссаси характер проблемасининг бошқа баъзи қирралари ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди.

«Тилла чаноқ» ҳам колхоз ҳаётига бағишланган — унинг воқеалари Бухоро яқинидаги қишлоқлардан бирида тахминан 50-йилларнинг иккинчи ярмида бўлиб ўтади (ёзувчи воқеаларнинг хронологик чегарасини аниқ кўрсатади-ю, қисса давомида ўша йилларнинг белгиларини очишга эътибор бермайди. Аксинча, қиссада вақт белгиларини чалкаштириб юборадиган деталлар ҳам мавжуд — масалан, бир неча марта «мошранг «Жигули тилга олинади»). Муаллиф оддий ўзбек қишлоғининг кундалик ҳаёт манзараларини чизар экан, соф ишлаб чиқариш муаммоларини, уларни ҳал қилиш жараёнида пайдо бўлган турли-туман коллизияларни диққат марказига қўймайди, балки колхоз одамларининг характери, уларнинг орзу-умидлари, бахт учун курашларини бадий тадқиқ этишни бош мақсад қилиб олади. Албатта, масалани бу тарзда қўйганда ҳам соф ишлаб чиқариш муаммоларини бутунлай эътибордан соқит қилиб бўлмайди, бироқ улар асарга қахрамонлар характерини очишда зарур даражада тилга олинади, холос.

Қиссанинг бош қахрамонлари — ўн йил мактабда бирга ўқишган, ўқиш давомида дўст бўлишган, кейинчалик бир колхозда ишласалар-да, яшаш принципларининг ўзгачалиги учун ҳаёт йўллари бир-бирдан айри тушган икки шахсдир. Булардан бири — Малика, иккинчиси — Камол. Малика — колхоз раисаси, Камол — шу колхозда агроном. Уларнинг аввалги дўстликларига бутунлай путур етмаган, бироқ иш давомида иккаласи ўртасида тез-тез низолар чиқиб туради, баъзан пинҳона, баъзан ошкора кураш боради. Ёзувчи уларнинг кураши ва тақдири орқали жуда муҳим ҳаётий гоёни ифодалайди. Бу гоё «Тилла чаноқ» ҳақидаги ривоятда акс этган. Афсонавий тилла чаноқ бор экан. Уни топган одамлар ҳаммадан қудратли, бахтиёр бўлишар экан. Бироқ, тилла чаноқ бор жойда одамлар бир-бирини алдаса, ёмон кўрса, тилласи дарров айниб қоларкан. Шу ривоятдаги гоё асарнинг тўқимасига сингдириб юборилган. Кўринадики, қиссада Эминжон Усмонов маънавий проблемаларини биринчи ўринга қўйган ва замондошларимиз характерини ҳаётимизнинг энг юксак маънавий ақидалари нуқтаи назаридан тадқиқ қилган. Шунинг учун ҳам ёзувчини қахрамонларнинг муайян мақсад йўлидаги ташқи фаолиятларигина қизиқтириб қолмайди, балки у кўпроқ қахрамонлар характерини шакллантирган омилларни очишга, у ҳаракатга келтирувчи ички пружиналарини кўрсатишга интилади. Хуллас, бу қиссада ёзувчининг психологик таҳлилга майли бошқа асарларидагидан кўра кучлироқ намоён бўлган.

«Тилла чаноқ» анча кескин, шиддатли вазият тасвиридан бошланади: «Камолнинг умидлари пучга чиқди. Режалари барбод бўлди. Ишонган одами шухрат гадоси бўлиб чиқди. Агар раиса қувгин қилмаганда ҳам унинг чўлга бош олиб кетишдан ўзга чораси қолмади.»

Бу шиддатли вазиятнинг моҳияти нимада? Нега Камолнинг умидлари пучга чиқади-ю, у чўлга кетиши керак?

Маълум бўладикки, колхознинг шунча ери турганда раиса болалар боғчасининг ҳовлиси ҳам, мактаб ёнидаги гулзорни бузиб, унинг ўрнига ҳам пахта эктирган. Камол бундан норози. У Маликани тўғри йўлга солмоқчи бўлади. Малика эса уни янги ўзлаштирилаётган Моҳонкўл массивига жўнатади. Бироқ ёзувчи шундан кейинги саҳифаларда раиса билан агроном ўртасида

бошланган мазкур конфликтни давом эттирмайди-да, бошқа воситалар ёрдамида қаҳрамонлар характери очишга киришади.

Малика аслида суяги меҳнатда қотиб улгайган. У қийин шароитда ўсган — унинг тўртта акаси ҳар хил касалликлардан вафот этган, отаси ҳам юрак хасталигидан ўлиб кетган. Малика онасининг ёлғиз қизи бўлиб қолган. У мактабни битиргач, тракторчилар курсини тугатган. Бир йилдан кейин звено бошлиғи бўлган. Кейин бригадирликка кўтарилган... Энди эса — раиса. Бироқ раиса бўлгандан кейин унда шуҳратпарастлик кучаяди. Ҳарқолда «орден олганидан буён бошқача бўлиб қолган. Димоғ пайдо қилди.» Камолнинг тили билан айтганда Малика «шон-шуҳратдан, обрў-эътибордан бенасиб қолмаслик учун интилаётганлардан бири.» Шу туфайли у болалар боқчаси ва мактаб ҳовлисига ҳам пахта эктиради, Моҳонкўлни ўзлаштириб, пахтазор қилмоқчи бўлади, одамларга қаттиқ гапирди, уларга ҳамдард бўлмайди. Қаттиққўлиги туфайли элу юртнинг назаридан қола бошлайди.

Езувчи Маликадаги шуҳратпарастлик илдизларини кўрсатмоқчи бўлади. «Амалга, шуҳратга интилиш аслида унинг қонида бор,» — дейди Камол ва Маликанинг синфком бўлишга интилганини эслайди. Менимча, бундай изоҳ шуҳратпарастликнинг туб илдизини очишга ожизлик қилади. Ҳарқалай, бу иллат қонда эмас, у кейин юкадиган, муайян муҳит ва муайян муносабатларда пайдо бўладиган нарса. Езувчи буни тушунади ва шунинг учун ҳам ўша изоҳ билан чекланиб қолмасдан, Маликанинг «юрагида тоши бор» эканини ҳам кўрсатади. «Шундай кўҳлик қизгинанинг кўксига тариқча меҳр бўлмас-я» — дейди Малика ҳақида персонажлардан бири. Ана шу меҳрсизлик, бағритошлик туфайли Малика «одамларга ҳам, оламга ҳам фақат даромад, ҳисоб-китоб кўзи билан қарайди.» Меҳрсизлиги туфайли ёши анча жойга бориб қолган бўлса-да, турмуш қуролмайди. Ҳатто унга кўнгил қўя бошлаган ўқитувчи Қудрат ҳам унинг бағритошлигидан воқиф бўлгач, Маликадан юз ўгиради. Худди шу масалада Камол Маликага қарши туради. Унинг қалбида одамларга бир дунё меҳр бор. Шу туфайли у ҳамқишлоқларини ҳам, она юртини ҳам янада гўзалроқ кўришни истайди ва шу йўлда ҳаракат қилади. Камол бир вақтлар Маликани яхши кўрган, лекин кейинчалик Маликанинг ўзи сабаб бўлиб, ундан кўнгли совиган. Энди Маликанинг шуҳратпарастлик ботқоғига ботаётганига ачинади. Уларнинг ўртасида принципиал масалаларда келишмовчиллик бор — Камол Моҳонкўлга пахта экилишига қарши, чунки «Моҳонкўл табиатнинг беназир аҳсони. Юлғун, саксовул, қандим сингари буталар ўсиб ётган ажойиб чўл ўрмони у ер.» Камол аёлларнинг меҳнат шароитини енгиллатиш тарафдори. У мактаб ўқувчиларининг ҳам колхоз ишларига кўп жалб қилинишларини истамайди. У, умуман, пахтадан рўкач қилиб, одамларга ортиқча зуғум қилувчи, дўқ-пўписа билан иш битирувчи раҳбарларни қоралайди. Шунинг учун ҳам Маликанинг ўзига тап тортмай фикрларини айтади, уни тўғри йўлга солишга ундайди. Эминжон Усмоновнинг муваффақияти шундаки, у Малика билан Камол ўртасидаги конфликтни тасвирлар экан, анъанавий йўллардан бормайди, уларни бир-бирига қарши турган, бир-бирлари билан ҳаёт-мамот жанги олиб боровчи рақиблар сифатида кўрсатмайди. Аксинча, Камол Маликанинг хатоларини кўра-била туриб, уни тушунишга интилади, унга меҳрибонлик қилишга уринади.

Ҳақиқатан ҳам, Камолнинг меҳрибонлиги, яна бошқа бир қатор одамларнинг меҳри Маликага даво бўла бошлайди. Яна бир муҳим нуқта — езувчи қиссада Маликани жазоламайди, партия органларида муҳокама бўлганини кўрсатмайди. Қисса чиройли бир эпизод билан тамом бўлади: ҳаётдан кўп дакки еган Малика изтиробли ўйлар ичида қоровул чолга дейди:

«— Мени инсофсизсан, дейишди ота, — Малика муштдаккина бўлиб букчайганича ҳамон ўпкасини босолмай йиғларди. — Мен... мен...»

— Инсофи йўқ одам сизга ўхшаб ўксинмайди, қизим, — қоровул чол меҳр билан яна унинг бошини силади. — Ҳаммани йиғлатади-ю, ўзи йиғламайди. Йиғлашни билмайди.»

Бу ўринда Маликанинг шашқатор ёшларини кўриб, унинг кўнглидаги тоши эриганига, эртаги куни бошқача бўлишига ишонгинг келади, киши.

Албатта, юқоридаги мулоҳазалар асосида Эминжон Усмоновнинг ижодида инсон характери ўзлаштириш ва тасвирлаш бобида янги босқич пайдо бўлди деб узил-кесил ва қатъий ҳукм чиқариб бўлмайди, лекин айтиш мумкин, унинг ижодида маънавий проблематика томон, психологик таҳлил томон сезиларли бурилиш содир бўлганини пайқамаслик ҳам мумкин эмас.

«Тилла чаноқ»да муаллиф психологик таҳлилни кучайтириш учун кўпгина воситалардан фойдаланади. Шулардан бири — ички монологдир. Ички монолог — моҳият эътибори билан айтганда — қаҳрамоннинг ўйлари, фикрлари, турли-туман ташқи ҳодисалар таъсирида, бошқа одамлар билан

муносабат жараёнида унинг руҳиятида пайдо бўладиган кечинмалардир. Уларни тасвирлаш қаҳрамон психологиясини очишда, унинг хатти-ҳаракатларини далиллашда, инсон фаолиятининг ички ҳаракатлантирувчи манбаларини кўрсатишда ёзувчига жуда кенг имкониятлар берувчи воситадир. Табиийки, ички монолог ҳам муайян талабларга жавоб бериши керак. У ҳам ёзувчининг гоъвий ниятига бўйсунган бўлиши, характер мантиғидан келиб чиқиши, асарнинг табиийлигини, ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилиши керак. Маҳорат билан фойдаланилганда ички монолог тўлақонли характер яратишга хизмат қилишдан ташқари, асарга бетакрор эмоционал конфликт ҳам бахш этади, унинг таъсир кучини оширади. Эминжон Усмонов қиссасида кўп ўринларда бу усулдан маҳорат билан фойдаланган. Лекин, афсуски, ҳамма ўринда ҳам шундай бўлаверган эмас. Айрим ҳолларда ички монолог бордай кўринса-да, аслида йўқ, характерни очишга хизмат қилмайди. Баъзи эпизодларда эса ички монологлар ўз ўрнида ишлатилган эмас. Мисолларга мурожаат қилайлик: бир ўринда шаҳарга баргга кетган колхоз машиналарини милиция ушлаб қолгани ҳақида гапирилади. Шоферлар рўлда ўтирганларига қарамай ичишган, бунинг устига одамларнинг тутини ҳўравонлик билан кесишган. Вазият жиддий. Малика ўзи бориб, жоҳарони ҳўр қилиши керак. Милиция идорасида бошлиқ Маликага дашном беради. Бу унга оғир ботади. У жаҳл устида қаттиқ гапириб юбормаслик учун деразага қарайди: «Олисдан кўкка бўй чўзиб турган виқорли Минораи Калон кўзга ташланарди. У гўё жумлаи жаҳонга инсон меҳнати-ю, ақл-заковатини кўз-кўз қилаётгандек туюларди. Лабиҳовуз яқинидаги Чор Минорнинг нийли гумбазлари бамисоли тиниқ осмон билан ранг талашаётганга ўхшарди. «Илгариги одамлар иморат қуришга эринишмаган экан-да, — дея ҳаёлидан кечирди Малика. — Биттаги-на минора қуриш учун қанча безак ўйлаб топишган. Гиштларни йўниб гул чиқаришган. Уларнинг бўш вақти кўп бўлган, шекилли. Бизга ўхшаб барг қидириб сарсон бўлишмаган.»

Шу ўйлардан кейингина Малика милиция бошлиғига мурожаат қилиб, асосий мақсадга кўчади. Бухоро минораларини кўрганда ҳар қандай одамда ҳам шу хилдаги фикрлар уйғониши мумкин, албатта. Лекин бу ўйларнинг қиссада худди шу ўринда, худди шу вазиятда берилиши табиий эмас. Аввало, Минораи Калон олисдан кўринди дейлади. Ундай бўлса, бу деразадан Чор Минор кўринмайди. Иккинчидан, олисдан кўринган бўлса, унинг нақшларини, гиштан йўнилган гулларини илғаб бўлмайди — минора яхлит кўзга ташланади. Ниҳоят ва энг муҳими шундаки, Малика бу вазиятда ўтмишдаги минораларнинг гўзаллигини эмас, ўз одамларини тезроқ, иложи борица бегалва, тинчлик билан олиб чиқиб кетишни ўйлайди, шунинг чораларини тазлайди. Демак, мазкур ўринда ёзувчи келтирган ички монологни вазият тақозо этмайди — у сунъий равишда ёзувчининг ихтиёри билан келтирилган. Бундай ҳолларда ички монолог характерни очишга хизмат қилмай, асарнинг ташқи беагага айланади.

Эминжон Усмонов Камол характерини яратишда ҳам ички монологдан анча унумли фойдаланган. Кўп ҳолларда бу монологлар Камолнинг маънавий дунёсини аниқ тасаввур қилишимизга ёрдам беради, унинг руҳият оламидаги ҳаракатни, силжишларни кўз ўнгимизда гавдалантиради. Айни чоқда, муаллиф Камол характери намён бўладиган энг муҳим нуқталарда сунъийликка, зўрма-зўракиликка йўл қўйган. Фикримизни далиллаш учун иккита мисол келтирамиз. Буларнинг бири — Камол барг кесишга боргандаги воқеа. Колхоз тутзорининг қоровули Камолга барг кесишни ман этади. Камол унга қулоқ солмай барг кесаверади. Шунда қоровул Камолга ов милтиғидан ўқ узади. Омон қолган Камол эса қоровулнинг қўл-оёғидан боғлаб, тутзорга ташлаб кетади. Бу воқеа — бошдан-оёқ уйдирма. Аввало шуки, қоровул ҳам, Камол ҳам бир қишлоқнинг одамлари. Қолаверса, Камол колхознинг агрономи. Ниҳоят, чол Камолни ўлдириб-нетиб қўйса, бунинг жавобгарлиги бор. Яна шуни айтиш керакки, қурт палласида барг масаласи ҳар қанча муҳим бўлмасин, ҳар қанча кескин низоларни туғдирмасин, барг учун одамни отиш мумкинлигига ақл бовар қилмайди. Буларнинг ҳаммасини эътибордан соқит қилганда ҳам, шу эпизоднинг қандай бадиий зарурият туфайли асарга киритилганини изоҳлаш қийин, чунки бу воқеа на сюжетни ривожлантиришга ёрдам беради, на бошқа бирон тайинли юк ташийди. Афтидан, ёзувчи бу эпизодни фақат бир мақсадда — Камол ғалати ишларни қилиб юради деган фикрни қувватлаш учунгина киритган. Бу эса характерни очиш ўрнига, уни хиралаштирган, сунъийликни юзага келтирган.

Иккинчи мисол — Камолнинг Маликага муносабати, аниқроғи, Маликани бутунлай оқлаб, унинг ҳамма гуноҳларини ўз бўйига олиши билан боғлиқ. Юқорида айтганимиздек, Малика ва Камол синфдош бўлишса-да, Камол ундан

кўнгли совиб, Маликанинг шуҳратпарастлигидан ғазабланади. Малика эса ўз билганидан қолмайди, Камол айтган тўғри ишларга бош қўшмайди, унинг ўзини Моҳонкўлга «сурғун» қилади, кўпчилик манфаатига зид ишларни амалга оширади. Камол, айниқса, Моҳонкўл масаласида чидаб туролмайди, ўз қарашларини баён қилиб, обкомга хат ёзади. Колхозга обком секретари келади ва Маликани нотўғри ишлари учун қаттиқ койийди. Шунда Камол обком секретарига мурожаат қилиб, Маликани бутунлай оқлайди, боғча ҳовлисига пахта экилгани учун ўзини айбдор деб эълон қилади:

«Ер учун биринчи галда агроном жавобгар, — Камол худди томоғи қақраётгандек қулт этиб ютинди, — мумкин бўлмаган жойларга ҳам пахта экишга йўл қўйибманми, демак, мен гуноҳқорман. Ҳар бир соҳанинг ўз жавобгари бор. Уша одамдан ҳисоб талаб қилиш керак. Ҳамма нарсага опани айбдор қилаверсак...» Табиий савол туғилади — шунини билар экан, Камол шу пайтгача қаерда эди? Нима учун у бевосита ўз вазифасини адо этмади? Нега Маликани вақтида нотўғри ишлардан қайтармади? Бу саволларга қиссада жавоб йўқ. Умуман, Камолнинг бунақа «олижаноблиги», аёл кишини ҳаёт мантиғига хилоф равишда ўз ҳимоясига олиши психологик жиҳатдан далилланган эмас, китобхонни ишонтирмайди.

Юқорида айтилган мулоҳазалардан хулосалар чиқарайлик. Авваламбор, шунини таъкидлаш керакки, «Меҳригиё» романи, «Ёлқин» ва «Тилла чаноқ» қиссалари, шунингдек, «Ер — коинот гули» китоби адабиётимизга ўзига хос истеъдод эгаси кириб келаётганидан далолат беради. Эминжон Усмонов ўз замондошларини чин юракдан севади ва уларнинг ҳаёти, кураши, юксак маънавий фазилатлари ҳақида китобхонга эҳтирос билан ҳикоя қилиб бермоқчи бўлади. Айни чоқда, бугунги ҳаётимизнинг долзарб муаммолари ёш адибни лоқайд қолдирмайди — ушбу муаммоларни чуқур ўрганган ҳолда уларнинг энг ўткир қирраларини хаспўшламасдан китобхон эътиборига ҳавола қилади ва бу билан ижтимоий тараққиётимизга бақадри имкон ёрдам беришга интилади. Буларнинг барчаси Эминжон Усмонов истеъдодининг ноёб ва қимматли хусусиятларидан — унда замонавийлик туйғуси ўткирлигидан, муаллиф ўз ижодида юксак гражданлик позициясида туришга интилаётганидан далолат беради.



ЗАРУР ОДАМ

(Ижобий қаҳрамон проблемасига доир)

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI Пленуми материалларида янги инсонни тарбиялашда, унинг маданий, ижтимоий билим доирасини кенгайтиришда, ҳаётий, гражданлик позициясини шакллантиришда адабиёт ва санъатнинг роли гоёт катта эканлиги алоҳида уқтириб ўтилди: «Халқнинг маданий савияси ўса борган сари, — дейди Ю. В. Андропов, — санъатнинг кишилар ақлига ўтказилган таъсири кучайиб бораётганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Шу тариқа санъатнинг ижтимоий ҳаётга актив аралашши имкониятлари ҳам ошмоқда.»

Коммунистик партия худди шуни назарда тутиб ижодкорлар эътиборини кўпроқ ҳозирги замон масалаларига, замонавий мавзуларга, актуал соҳаларни қаламга олувчи асарлар устида ишлашга жалб этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» деб чиқарган қарори ана шундай руҳ билан суғорилган эди. Қарорда, хусусан замондош ижобий қаҳрамон образини яратиш масаласи жуда кескин қилиб қўйилди. «Совет кишиларининг янги авлодлари бадиий кашфиёт деб қабул этиладиган, одамларнинг феъл-атвори га таъсир қиладиган, халқ тақдирини акс эттирадиган, ўзининг руҳи ва замонавийлиги жиҳатидан дилга яқин бўлган ижобий қаҳрамон билан танишишга муштоқдирлар», дейилади мазкур тарихий ҳужжатда:

Ижодкорларимиз партиянинг бу йўл-йўриқларига жиддий эътибор билан қарамоқдалар, ижобий қаҳрамон масаласининг аҳамияти ва масъулиятини теран ҳис этмоқдалар. СССР Езувчилар союзи Правлениеси биринчи секретари Георгий Марков бу масаланинг аҳамияти устида тўхталиб шундай дейди: «Табиийки, адабиёт кўпқиррали... унда ҳамма нарса муҳим, бироқ ҳозирги кунда бизнинг диққат-эътиборимиз энг асосий нарса — коммунизм бунёдкори, ватанпарвар ва интернационалист ижобий қаҳрамон образини яратишга қаратилган. Жаҳонда синфий кураш кескинлашган бир шариотда ижобий қаҳрамон ҳақидаги масала сиёсий аҳамият касб этмоқда. Ҳаётнинг муҳолифларимиз истаганидек, адабиётимизни ижобий қаҳрамондан холи этиш — бизни қуролдан маҳрум этиш, социалистик жамият тарбиялаётган инсон ҳақидаги ҳақиқатни, совет кишидаги бошқа тузум одамларидан ажратиб турадиган жамики идеал ва фазилатларни шубҳа остида қолдириш бўлар эди.»¹

Ижобий қаҳрамон масаласининг аҳамияти яна шундаки, бизнинг чет элдаги дўстларимиз, янги дунё одами, унинг қалби билан танишишга иштиёқманддирлар, асарларимиздан улар шундай одамларни қидирадилар. Покистонлик атоқли шоир Фаиз Аҳмад Фаиз ёзувчи Чингиз Айтматов билан суҳбатда совет

адабиёти «биз учун жуда кўп фазилатларидан ташқари яна янги дунё кишисининг қалб кўзгусидир,² деганида хориждаги миллионлаб холис ниятли китобхонларнинг ҳам фикрини изҳор этган.

Ижобий қаҳрамон ҳақида гап кетар экан, аввало, бир масалага аниқлик киритиб олайлик. Ҳозирги кунда ижобий қаҳрамон проблемасига жиддий эътибор берилмаётгани, социалистик реализм адабиётида бошқа хил қаҳрамонларнинг ҳам бўлиши табиийлигини, уларнинг ғоявий, тарбиявий, эстетик қимматини асло инкор этмайди. Чунончи, марказида курашчи, бунёдкор одамлар эмас, балки адашган, мураккаб, зиддиятли характерга эга кишилар турган «Клим Самгиннинг ҳаёти», «Тинч Дон», «Сарсонлик-саргардонликда», «Сароб» сингари асарларда ҳам социализм йўлидаги кураш, социализм тўғрисидаги ҳақиқат катта маҳорат билан ифода этилганлигини яхши биламиз. Улар социалистик реализм адабиётининг классик асарлари қаторидан муқим ўрин олган. Социалистик реализм адабиётининг ана шу анъаналари йўлидан бориб 60-70 йилларда яратилган рус адабиётида «Қизил бодрезак», «Яша ва ёдинда тут» ва ўзбек адабиётидagi «Қонли сароб», «Умид», «Баҳор қайтмайди», «Одам бўлиш қийин» сингари асарлар жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди, улар адабий танқидчиликда муносиб баҳосини олди.

Ҳозирги кунда ижобий қаҳрамон масаласига жиддий эътибор берилмаётган, бу борадаги аҳвол маълум даражада ташвиш туғдираётган экан, бунинг учун муайян асослар бор. Аввало, адабий тажрибанинг ўзида бу тур образларни яратиш билан боғлиқ кўпгина қийинчиликлар, қолаверса, мазкур масала хусусида қатор назарий чалкашликлар, бирёқлама қарашлар мавжуд.

Ҳозирги пайтда, ҳаттоки, ижобий қаҳрамон мезони — қандай образни ижобий қаҳрамон деб аташ масаласида ҳам яқдиллик йўқ, бу тушунчани ҳар ким ҳар хил талқин этмоқда. Чунончи, «Ёшлик» журнали уюштирган мунозарада баҳс қатнашчиларидан бири Хайридин Султоновнинг «Қоғоз гуллар» ҳикоясидаги мослашувчан, уддабурро, эпчиллик билан фанда юксак унвон ва мартабаларга эришган шахс Омон Ғаниевич образини онгли курашчи, янги жамият бунёдкори, бинобарин, чинакам ижобий қаҳрамон сифатида талқин этади; баҳс қатнашчиларидан яна бири эса шу ҳикоядаги асли адолатпарвар, ростгўй, аммо адолат учун кураш йўлини билмайдиган, тақдирдан қўл силтаб кетган, майда, бачкана гаплар билан ўралашиб қолган чапани кимса Сайдазни ҳақиқат, адолат, табиийлик тимсоли, ибрат ва сабоқ олишга арзийдиган қаҳрамон деб атайди. «Зеро, у — жамиятимизнинг табиий бир гули. Биз сабоқни Сайдазга ўхшаш

² Чингиз Айтматов — Фаиз Аҳмад Фаиз. Высокий долг писателя. «Вопросы литературы», журнал, 1983, 9-сон, 8-бет.

табий гуллардан олмоғимиз керак», деб ёзади. («Ёшлик» журналі, 1983 йил 8-сон, 74-бет).

«Қоғоз гуллар» — яхши ҳикоя, асардаги ҳар иккала персонаж ҳам баҳс-мунозара учун асос беради; аммо ҳикоя персонажларини ўз номлари билан аташ керак эди, уларга асло «курашчи» қаҳрамон мезони билан ёндашиб бўлмайди. «Курашчи» (русча «борец») сўзи қаҳрамонлиқнинг, қаҳрамон шахсининг муҳим сифати экан, қандай қилиб бундай сифатни Омон Ғаниевич ёки Сайдаз сингари қаҳрамонликдан йироқ турувчи кимсаларга нисбат бериш мумкин? Масалага бу тариқа ёндашиш орқали ҳикоя персонажлари моҳиятини очиш мумкин эмас. Бундай йўл назарий чалкашликларга, ижобий қаҳрамон тушунчасини ўта жўнлаштириб, қадрини тушириб юборишга олиб келади.

Айрим ўртоқлар, масалан танқидчи Леонард Лавлинский, аксинча, ижобий қаҳрамонга жуда катта талаб билан ёндашади. Унингча, совет адабиёти ривожининг илк босқичидаёқ ижобий қаҳрамон концепцияси ишлаб чиқилган, бу концепцияга кўра ижобий қаҳрамон кўплаб одамлар тақдирини, мамлакат тақдирини учун жиддий масъулиятни ўз зиммасига олган шахсдир. Мана шу мезонга таяниб у ҳаттоки «Асрга татиғулик кун» романидаги Ёдигейни ҳам том маъноли ижобий қаҳрамон қаторига қўшгиси келмайди, уни ижобий қаҳрамонга хос қатор хусусиятларга эга бўлган, аммо ўзгача мезон билан қаралиши лозим бўлган образ деб билади. («Вопросы литературы», журналі, 1983, 10-сон, 39-бет).

Ижобий қаҳрамон тушунчаси қадрини тушириб юбориш ноўрин бўлганидек, унга ўта катта талаблар билан ёндашиш ҳам бирёқламаликка олиб бориши, ижобий қаҳрамонлар доирасини торайтириб қўйиши мумкин. Чингиз Айтматов ижобий қаҳрамон ҳақида соддагина қилиб: «У — зарур одам. Усиз ҳаёт маънисиз» дейди. Ҳа, ижобий қаҳрамон биринчи галда одамлар учун, жамият ва мамлакат учун, тараққиёт учун ниҳоятда керакли — зарур одам, ҳаётда ҳар бир соҳада ўз ўрнига эга бўлган шахс, у бўлмасы дарҳол ўрни билинади, ҳаттоки ҳаёт ўзининг асл маъносини, гўзаллигини, тугаллигини йўқотади. Бинобарин, у адабиёт ва санъат учун ҳам ниҳоятда керакли — зарур шахс.

Кейинги йилларда танқидчилар орасида ҳам, ёзувчилар орасида ҳам ана шундай керакли — зарур одам — ижобий қаҳрамон масаласига бир оз менсимай қараш кайфияти пайдо бўлди. Танқидчи. Матёқуб Қўшжонов таъкидлаганидек, бутун-бутун авлодлар руҳий оламига таъсир ўтказган Павел Власов, Павел Корчагин, Олег Кошевой сингари образларнинг яратилишидаги услуб ва ифода йўлларини бадиий ижоднинг ўтмиш босқичига чиқариш ҳоллари юз берди. Икки йил бурун «Театр» журналі уюштирган мунозарарада бир қатор драматурглар тўғридан-тўғри ижобий қаҳрамон проблемасини сунъий, чайналган, меъдага теккан муаммо деб чиқдилар. Уларнинг даъвосига кўра, ҳозирги кунда инсонга баҳо беришнинг қатъий йўл-йўриқлари йўқ эмиш. Ёзувчи Алим Кешоков танқидчи Казбек

Султонов билан қилган суҳбатида «Театр» журналі мунозарасида айтилган фикрга яқин мулоҳазани ўртага ташлайди, ижобий қаҳрамонга эътибор сусайганлиги, адабиётда «гўзал — ижобий шахслар» образи камёб бўлиб бораётганлиги сабабини изоҳлаб: «Ўйлайманки, гап бу масалани атайин менсимаслик ёки унинг аҳамиятига етарли баҳо бермасликда эмас, балки ҳозирги давр адабиётида бадиий далиллаш табиатининг мураккаб тус олганлигидадир. Замондошимиз мураккаблашди, ҳаёт мураккаблашди, ҳаёт чигалликлари ичида тўғри йўлни топиб олиш қийин бўлиб қолди. Қаҳрамоннинг бир хилдаги монолитлиги ҳозирги пайтда сунъий, ясама оҳанг касб этмоқда» дейди. («Литературное обозрение» журналі, 1983, 7-сон, 9-бет).

Баъзи танқидчилар: «Ҳозирги адабиётда нега ўтган — XIX аср адабиётидаги каби йирик характерлар кам» деган савол қўйиб, унга ҳозир ёзувчиларда характерларни типиклаштиришга бўлган майл сусайиб бормоқда, натижада тип бадиий ҳодиса сифатида йўқолиб кетмоқда дейдилар. Бунинг сабабини улар ҳаётнинг ўзидан, унинг тезкор суръатидан қидирмоқдалар; уларнинг фикрича, гўё ҳозирги пайтда ҳаёт ғоят тез ривожланаётганлиги ва ўзгараётганлиги туфайли индивидуал характерларни тип даражасига кўтариш имконияти бўлмаётган эмиш.

Бу хилдаги назарий чалкашликлар, менимча, ижобий қаҳрамон тушунчасини тор, бирёқлама англаш, талқин этиш оқибатидир. Ижобий қаҳрамон проблемасини эскирган, чайналган, сунъий деб аташнинг ўзида қандайдир сунъийлик бор. Сўз санъати пайдо бўлибдики, қаҳрамон проблемаси мавжуд; ижобий қаҳрамон масаласи — кўҳна — қадимий, аммо ҳалиша навқирон муаммо; ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамони, қаҳрамонлиқни белгилайдиган ўзига хос мезонлари бўлади; айна пайтда, ҳамма давр қаҳрамонларини, қаҳрамонлиқларини туташтириб турадиган ворислик алоқалари ҳам мавжуд; инсонга меҳр, инсон, халқ, Ватан бахт-саодати, ҳақиқат, адолат учун кураш ана шундай доимий, зарурий воситалардандир. Ҳозирги пайтда ҳаётнинг, инсон шахсининг ўзгарганлиги; мураккаблашганлиги, ҳаётдаги жараёнлар тез суръатлар билан ривожланаётганлиги рост, бу ҳол адабиёт олдига, жумладан, ижобий қаҳрамон образини яратиш бобида янги талаблар қўяётганлиги ҳам тўғри; бироқ мана шундай шароитда инсонга баҳо беришнинг қатъий йўл-йўриқлари, мезонлари йўқолди. Ижобий характерларни бадиий тип даражасига кўтариш имкони бўлмай қолди дейиш адолатдан эмас; бу ҳозирги адабиётнинг ўзидаги мавжуд тажрибаларни назарга олмаслик, муайян ютуқлардан кўз юмиш бўлур эди. Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун», Нодар Думбадзенин «Абадият қонуни», Одил Ёқубовнинг «Диёнат» сингари асарлари шундан далолат берадики, ҳозирги тезкор мураккаб шароитда ҳам инсонга баҳо беришнинг қатъий, зарурий мезонлари бор, ҳозирги кун одамларини ҳам катта умумлашма — бадиий тип даражасига кўтариш мумкин. «Қаҳрамоннинг бир хилдаги монолитлиги ҳозирги пайтда сунъий — ясама оҳанг касб этмоқда» деган гапга келганда шуни айтиш керакки,

1. «Литературное обозрение», журналі, 1983, 10-сон, 13-бет.

2. «Адабиёт ва замон» тўплами, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1980, 82—83-бетлар.

3. «Контекст. 1981». Москва, «Наука», 1982, 249-бет.

ижобий қахрамон фақат бир хилдаги бўёқ билан чизилган ва монолитлаштирилган образлардан иборат эмас, ҳозир яратилаётган энг яхши асарлардаги ижобий қахрамонлар тасвирида ана шундай бир хилдаги монолитликдан қочиш мавжуд. Танқидчи Виталий, Озеров айтганидек, ижобий қахрамон образи асарларимизда бутун кучи, кўп қирралиги, жозибаси билан намоён бўлиши борасида қайғуриш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.

Ҳаётдаги янгиликларни, ҳаёт қахрамонларини адабиётга олиб кириш, адабиёт қахрамонларини ҳаёт қахрамонлари билан қиёсий ўрганиш масаласида ҳам бирёқламаликлар учрайди. Сўз санъатидаги, жумладан социалистик реализм адабиётдаги янгиликларнинг, бинобарин новаторликнинг бош асоси ҳаётнинг ўзи эканлиги маълум; ҳаётдаги янги жараёнлар, ижтимоий муносабатлардаги туб иқилобий ўзгаришлар, шунинг натижасида, туғилиб шаклланган янги типдаги инсон шахсини ифодалаш орқали социалистик реализм адабиёти тўхтовсиз бойиб боришини яхши биламиз. Айни пайтда юз бераётган янгиликларни, ҳаёт қахрамонларини адабиётга олиб кириш ғоят машаққатли, мураккаб ижодий муаммо эканлигини ҳам унутмаслик керак. Баъзан мана шу мураккаблик етарли ҳисобга олинмайди. Танқидчиларимизнинг адабиёт ва ҳаёт қиёсига оид мақолаларини эслайлик. Ушундай мақола муаллифи ҳаётдаги бирор муҳим янгиликни, шу янгилик ижодкори бўлган шахсни, унинг фазилатларини таъриф-тавсиф этади, сўнгра бундай янгиликлар, қахрамонлар ҳали адабиётда ўз аксини топмаганлигини афсусланиб қайд қилади. Бу хил мақолаларни ўқиганда шундай таассурот қоладики, ҳаётдаги янгиликлар, қахрамонлар, уларга хос фазилатлар шундоққина адабиётга олиб кирилса — бўлди, новаторона асар, янги адабий қахрамон туғилади-қолади... Ҳаттоки, ҳурматли танқидчимиз Матёкуб Қўшжоновнинг «Адабиёт ҳаёт қиёсида» сарлавҳали мазмундор мақоласи ҳам шундай қайфиятдан холи эмас.

Ҳаёт янгиликлари, янги мавзулар, янгилик ижодкорлари қаламга олинган асарларни баҳолашдаги бирёқламалик ҳамон тугагани йўқ; мавзунинг актуаллиги, ёзувчининг тезкор ва ҳозиржавоблиги, асар қахрамонларининг мавқеи, улар адо этаётган ишларнинг аҳамияти, характерига қараб ижодкор меҳнати, маҳорати хусусида ҳукм чиқариш Иброҳим Раҳимнинг «Оқибат» романига бағишланган айрим тақризларда яққол кўринди. Биргина мисол. Ҳафиз Абдусаматов «Дўстлик мадҳи» мақоласида («Ўқитувчилар газетаси», 1983 йил 19 октябрь) «Оқибат» романининг қимматли томони «ҳаётимизда эндигина пайдо бўлган, ҳали кўпчилик мағзини чақиб етмаган янгиликларни зудлик билан адабиётга олиб кирганлиги» аниқроғи, «ноқоратупрокда олиб борилган яратувчилик шижоатини биринчи бўлиб катта адабий жанрга олиб кирганлиги ҳамда у ерларни ўзлаштиришнинг оламшумул аҳамиятини очиб берганлигида» деб таъкидлайди, асар «тезкорликнинг ёрқин намунаси» эканлигини айтади; бундай тезкорлик асарнинг ғоявий-бадий савиясига пугур етказмаганлигини ҳам эслатиб ўтади. Танқидчи бунинг далили сифатида шуларни ёзади: «Ёзувчи ғоявий-бадий тўлақонликка ўша ер-

даги ўзбек ва қардош халқлар намоёндаларининг ҳаёти ва меҳнат фаолиятларини, уларнинг характерларини чуқур ўрганиш, масаланинг моҳиятини кенг англаб етиш туфайли эришди.» Асарнинг ғоявий-бадий тўлақонлигини кўрсатиш учун келтирилган бу далилнинг ўзи исботга муҳтож. Модомики, танқидчи романда ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришнинг оламшумул аҳамияти очиб берилган, деб ёзар экан, бундай катта даввони илмий жиҳатдан асослаши зарур эди.

«Литературная газета»нинг 1983 йил саҳифаларида бўлиб ўтган ҳозирги адабиётнинг замонавийлиги ҳақидаги мунозарада танқидчи Анатолий Бочоров муҳим бир фикрни уртага ташлади: «Ҳаётдаги янгилик ҳар доим ҳам санъатда янгилик бўлавермайди, санъатдаги янгилик ҳамиша ҳаётга янги томондан ёндашиш туфайли туғилади.» («Литературная газета», 1983, № 34). Санъат, адабиёт асари учун ҳаётини материалнинг, ҳаётдаги янгиликларнинг аҳамиятини, янги, актуал мавзуларга қўл урган адиблар ташаббусини заррача камситмаган ҳолда танқидчининг бу гапларида жиддий асос борлигини ўқитиб ўтмоқчимиз. Адабий тажрибада кўриб турибмиз: баъзан ҳаётдаги янгиликлар, донгдор кишилар ҳақида тезкорлик билан асарлар битилади, уларни адабиётда катта янгилик деб кўкларга кўтарувчи мақолалар пайдо бўлади, лекин, кўп ўтмай, улар унутилади, китобхон қалбида, адабий жараёнда сезиларли ўз қолдирмайди. Аксинча, ёзувчи баъзан аҳамиятсизроқ туюлган ҳодисага нигоҳ ташлайди, муҳим постларда эмас, ҳаётда жуда камтарона мавқе тугган оддий одамларни қахрамон қилиб олади; шуниси қизиқки, ана шу аҳамиятсиз туюлган ҳодисалар орқали даврнинг энг муҳим, жиддий маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий муаммоларини кўтаради, китобхоннинг дилида, тилининг учиде турган гапларни айтади; камтарона мавқели оддий одамларни даврнинг ҳақиқий қахрамонлари даражасига кўтаради, уларнинг характери ва тақдирини халқ руҳиятини, замона идеалларини ифода этади. Демак, ёзувчининг ҳодисаларга санъаткорона муносабатида гап кўп. «Санъатдаги янгилик ҳамиша ҳаётга янги томондан ёндашиш туфайли туғилади» деган гап адабиёт ва санъат табиатига мос тушади, оддий кўринган ҳодисалардан теран маъно топиш, «ишланган мавзу»ларнинг доимий янгилиниб туриши, аввал қаламга олинган тарихий шахслар ҳақида янгидан-янги асарлар яратавериш мумкинлигини назарий жиҳатдан асослашга хизмат этади. Шу билан борабар бундай қараш мавзунинг муҳимлиги, актуаллиги бадий заиф асарлар учун қалқон бўлмаслиги ҳақидаги партиявий йўл-йўриққа изчил амал қилишга даъват этади. Ҳаётдаги пайдо бўлган янгиликлар ва ҳаёт қахрамонларини бадий ҳақиқатга айлантириш ғоят машаққатли ва масъулиятли иш эканлигини, улар чинакамига бадий идрок этилган, кашф қилинган тақдирдагина санъат мулкига айланажагини эслатиб туради; бинобарин ҳаёт қахрамонларини шунчаки адабиётга олиб кириш билан иш битмайди; ҳозирги китобхон шунчаки тезпишар «қахрамон»га эмас, партия қарориде айтилганидек, бадий кашфиёт деб қабул этиладиган чинакам замондош ижобий қахрамонларга муҳтож, муштоқдир.

Қахрамонни бадий кашфиёт даражасига кўтариш... Бу айтишга осон. Бунинг учун ёзувчидан жуда кўп нарса талаб этилади.

1. «Литературная газета», 1983, № 42,

Кейинги пайтларда фақат ижобий қаҳрамон эмас, умуман адабиёт олдига ғоят катта талаблар қўйилляпти, ушбу талаблардан келиб чиқиб сўз санъатининг спецификасига доир янгича қарашлар илгари сурилляпти. Маълумки, адабиётни — инсоншунослик деб аташ кенг тарқалган. Адабиётнинг вазифаси хилма-хил бўлиб бораётганлигига асосланиб адабиётшунос Аркадий Эльяшевич «эҳтимол адабиёт фақат «инсоншунослик»дангина иборат эмасдир» деган фикрни ўртага ташлайди ва шуларни ёзади: «Ахир адабиёт ҳам инсон орқали берилган тарих, ҳам алоҳида хусусиятга молик жамиятшунослик, ҳам бутун бир халқ ҳаёти ҳақидаги ҳақиқат, ҳам ҳаттоки, истасангиз, табиатнинг эстетик ва ахлоқий жиҳатларини қамраб олувчи табиатшуносликдир. Ёзувчи ҳам публицист, ҳам социолог, ҳам тарихчи, ҳам файласуф сифатида иш кўради. Қаранг, унинг вазифалари нақадар кўп. Шунга кўра, эҳтимол у ёки бу роман ва повестнинг бадиияти ва замонавийлик қимматини улардаги чуқур индивидуаллаштирилган қаҳрамонлар характери сонига қараб белгилаш шарт эмасдир.»¹

Дарҳақиқат, адабиётни тарих, жамиятшунослик, табиатшунослик каби фанлар билан туташтирадиган жиҳатлари кўп, чинакам санъаткор бир вақтнинг ўзида ҳам публицист, ҳам социолог, ҳам тарихчи, ҳам файласуф сифатида иш кўриши мумкин; бироқ бундай хусусиятлар, бизнингча, адабиётнинг «инсоншунослик» эканига шубҳа билан қараш учун асос бўлолмайди; ҳақиқий санъат асар тарих, жамиятшунослик, табиатшунослик функцияларини ўзига хос тарзда адо этиш билан баробар инсоншунослигича қолаверадир, повесть ёки романнинг бадиий қиммати, замонавийлиги биринчи гада уларда яратилган чуқур индивидуаллаштирилган, бинобарин, оригинал концепцияга эга бўлган қаҳрамонлар характериға қараб белгиланади. Агар асарда характерлар бўлмаса ёзувчининг публицистлиги, социолог, тарихчи ёки файласуфлиги ҳеч нарсага арзимамайди. Замонамиз ва замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи «Асрга татигулик кун», «Абадият қонуни», «Йўл бошида», «Диёнат», «Гирдоб», «Дунёнинг ишлари» каби йирик асарларни эслайлик, уларда муаллифларнинг ҳаёт ва ҳаётий жараёнлар хусусидаги фалсафий ўй-мушоҳадаларига йўрилган тадқиқи, ҳукм ва хулосалари, одамлар ўтмиши, ҳозирги кун ва келажагига оид мулоҳазалари-барчаси чуқур индивидуаллаштирилган, хилма-хил ёрқин қаҳрамонлар характери орқали намоеён бўлган. Ижодкорлар ҳаммадан бурун китобхон учун ана шундай қаҳрамонларнинг қалб боситини, маънавий-руҳий оламини кашф этишда намоеён бўлгани сингари, замонамиз тўғрисидаги асарларнинг заиф томонлари, замондошларимиз образини яратиш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳам, биринчи навбатда, айна ўша курашчи, бунёдкор қаҳрамонларнинг маънавияти, социал характерлар ўз ҳаракат ва ҳаётийлигининг

ички томир уриши ифодаси масаласига бориб тақалади.

Ўткир Ҳошимовнинг «Квазарлар» қиссаси бугунги қишлоқ мактаби ўқитувчиси ҳаётдан баҳс этади, ёзувчи шу баҳонада ўқитувчининг билим савияси, маданий-маънавий қиёфаси, ўз касби — меҳнатиға муносабати, ўқитувчилик касбининг қадри, шарафи, қишлоқ мактаби болаларининг ўқув ва меҳнат шароити, уларнинг ишлаб чиқаришда ортиқча банд бўлиб қолаётганлиги, ўқитувчи билан ўқувчи, мактаб билан хўжалик раҳбарлари, ота-оналар муносабати сингари муҳим социал, маънавий-ахлоқий муаммоларни қаламга олади. Асарда қарама-қарши ғояларни ташишға қодир персонажлар ҳам мавжуд: заҳматқаш, фидойи муаллим Рустамов, унинг зидди Ҳамроев, меҳнатқаш деҳқон фарзанди, пок қалб эгаси Тошпўлат, унинг акси такаббур, савдо ходими ўғли — олифта, тантик, қуруқ бола Мамат...

Рустамов — астрономия ўқитувчиси, географиядан ҳам дарс ўтади. У ўз касбини жони дилидан севади, болаларға пухта билим беради, унинг дарсларини болалар қизиқиб тинглайдилар. Рустамов халқ иши учун фидойи, бетоб бўлишиға қарамай, ноқулай оби-ҳаво шароитида пахта теримиға чиққан ўқувчиларға бош бўлиб келган; бу ерда у болаларға меҳр-муруват кўрсатади, уларға қулай шароит яратиш учун курашади, дағал, маданиятсиз кимсалар унинг йўлини тўсади. У ҳар қандай вазиятда адолатни, ҳақиқатни ҳимоя қилади. Қишлоқдаги оғир шароитға, қишлоқ мактаби олдига турган қийинчиликларға, Ҳамроев типидаги кимсаларнинг қинғирлиги, таънадашномлари, камситишларига қарамай, бу шаҳарли зиёли йигит «киссиқ жойи»га қайтиб кетишни хаёлиға ҳам келтирмайди. У мураккаб қишлоқ шароитида яшаса ҳам маданий-маънавий қиёфасини, юксак инсонлик шаънини, ўқитувчилик касби шарафини баланд тутайди, юксак эътиқодига содиқ қолади...

Ёзувчи ўз қаҳрамонини ана шундай фазилатлари, олижаноб ишлари, хатти-ҳаракатлари эвазига ўқувчилари учун ибрат бўлиб қолганлигини, энг катта юлдуз — Квазарға айланганлигини айтади. Қизик, шундай ижобий фазилатларнинг соҳиби бўлган, жуда кўп хайрли ишлар қилган, ёшлар учун ибрат намунаси, Квазар деб таърифланган ижобий қаҳрамон Рустамов неғадир бизни унчалик мафтун этмайди, унинг ишлари, хатти-ҳаракатлари, дуч келган қийинчиликлар билан курашиши қалбимизда кучли ҳаяжон уйғотмайди, чуқур ўйға толдирмайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, асарда қаҳрамоннинг фазилатлари, хайрли ишлари ҳар хил йўллар билан қаламга олинади-ю, унинг қалби, қалбидаги кечинмалар таъсирчан ифода этилмайди. Асар охирида қаҳрамоннинг шахсий-оилавий турмушидаги чигалликлар ва шу туфайли юз берган изтироблардан ҳамда кўнглини қийнаган аламлардан сал-пал хабардор бўламиз. Худди шу ўринларда Рустамов бутун борлиги — ҳам ожиз, ҳам кучли томонлари, қайсарлиги, қатъияти, айна пайтда, итоати билан кўрингандай бўлади. Қани энди, бошқа ўринларда ҳам қаҳрамон шу тарзда қалб дарди, армонлари, борингки, айрим зиддиятлари билан тўла гавдаланса! Шаҳарлик зиёли йигитнинг қишлоқдаги мураккаб шароитда олдидан турган қийинчиликларни бартараф этиш учун кураш олиб бориши осонгина кўчадиган ҳол эмас. Булар киши қалбида хилма-хил кечинма-

¹ Аркадий Эльяшевич. «Литературная газета», 1983, № 41.

лар, қийноқлар, ларзалар, қолаверса, муайян шубҳалар, иккиланишларни юзага келтириши табиий. Қаҳрамон қалбидаги ана шундай жараёнлар таҳлилигина китобхонни ҳаяжонга солади, ҳаёт ва унинг чигалликлари, муаммолари ҳақида ўйлашга ундайди... Охириги тасвирдаги қаҳрамон қалби ифодасида унинг характери, қисмати ҳақида баҳо юритиш учун асос берадиган ўринлар мавжуд. Чунончи, адабнинг имо-ишораларига кўра, Рустамов шаҳарда ўзи севмаган хотини билан ажрашган экан, суд эса уларни зўрлаб қайта яраштирмақчи, муаллим бундан хуноб... Шунга асосланиб қаҳрамон, бир чеккаси, оилавий чигалликлар туфайли шаҳардан, ўз уйдан кўнгли совиб, улардан безиб қишлоқда қолиб кетган эмасмикин деган ҳаёлга ҳам бориш мумкин. Қисқаси, қаҳрамон қалбига чуқурроқ кирилса, у адо этаётган хайрли ишларнинг, хатти-ҳаракатларнинг туб сабаблари китобхонга тўлароқ аён бўлаверади. Реалистик асарда қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари психологик жиҳатдан асосланган, ўз ҳаракат ва ҳаётийлигининг ички томири уриши очилган тақдирдагина эстетик қиммат касб этади.

Худди шундай гапни Рустамовнинг зидди Ҳамроев ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ҳамроев, Рустамовга қарама-қарши ўлароқ, аввало маданиятсиз, кўриниши, кийиниши хароб; қолаверса билим савияси паст дарс ўтиши ночор, зерикарли; ахлоқий жиҳатдан ҳам тубан; таъмагир, нопок; ҳалол, фидойи одамларни кўролмайдди, улар устидан бўлмағур гаплар тарқатади; ўқувчиларга ота-оналарининг маъкеига қараб муомала қилади; ўқитувчилик касбига шунчаки «сабаби тирикчилик» сифатида қарайди; у ўқитувчиликни ташлаб дала ишига — бригадирликка ўтиб кетади, буни эса гўё қалб амри билан адо этилган ташаббус деб тарқатади... Ҳамроевнинг бу хилдаги кирдикорлари психологик жиҳатдан далиллаб берилганида ўз-ўзидан уни шу кўйларга солиб қўйган ҳаётий омиллар ҳам очилар, бу одамнинг бунчалик тубанлашиб кетганлиги сабабларини яхшироқ билиб олар эдик, аини пайтда ижобий қаҳрамоннинг маънавий-руҳий бисоти, ҳар икки кутб орасидаги зиддият моҳияти янада равшанроқ кўринган бўларди.

Эҳтимол, кичик бир қиссада қаҳрамонлар руҳиятига чуқурроқ кириб бориш имконияти йўқ деб эътироз билдиришлари ҳам мумкин. Қалови топилса қор ёнар деганларидек, таланти ёзувчимиз бунинг йўлини топиши мумкин эди. Чунончи, асарда Рустамовнинг билимдонлигини таъкидлаш учун унинг ўз фанига ва бошқа соҳаларга оид келтирилган кўп сўзларида илмий маълумотлар қалашиб ётибди. Мана, ўша гаплардан парчалар:

«— Биз чексиз коинотда шиддат билан учиб юрибмиз, — дейди муаллим ўйчан оҳангда... — Учиб юрибмиз-у, ўзимиз билмаймиз. Ер шари ўз ўқининг атрофида соатига бир минг етти юз эллик километр тезликда айланади. Унча-мунча самолёт етолмайди...»

Қаҳрамон сўзида давом этади: «Олам чексиз. Биз яшаб турган ер шари олам олдида заррадек бир гап. Ҳозирги астрономия фани етмиш беш миллион галактикани аниқлаган. Шундан учтаси бизнинг галактикага яқин жойлашган. Биттаси Катта Магеллан, биттаси Кичик Магеллан, яна биттаси Андромеда туманлиги. Андромеда туманлигининг нури ерга икки миллион йилда етиб келади...»

Муаллим юлдузлар абадий яшаши, сўнгандан кейин ҳам нури бизга етиб келавериши,

ўлкамизда астрономияга қизиқиш қадимдан кучли бўлгани, бобомиз Беруний бундан минг йил илгари ернинг диаметрини аниқ ўлчагани; Тунгуска воқеаси, Улуғбек бир минг ўн саккизта юлдузнинг ҳаракат харитасини чизгани ва ниҳоят ўта катта юлдуз Квазарлар ҳақида узундан-узқ сўзлайди...

Бир ўринда қаҳрамон фазодан бир озгина ерга тушгандай бўлади: «Осмондаги юлдузлар бизга бир текис жойлашгандек кўринади. Лекин ёнма-ён тургандек жуфта юлдузлар ҳам аслида бир-биридан жуда узоқда бўлади. — У негадир маъно хўрсиниб қўяди. — Одамларга ўхшаб... Бир хил одамлар бор. Ёнингда турганга ўхшайди-ю, ўзи олисда бўлади. Жуда олисда» Қани энди қаҳрамон тилидан берилган бошқа фазовий сўзлар, маълумотлар ҳам шу тариқа заминдаги ташвишларга, қаҳрамон дилини қийнаб ётган муаммоларга келиб тақалса! Модомики, илмий маълумотларнинг аксарияти муаллимнинг билимдонлигини таъкидлаш, ўқувчилари билан самимий мулоқотини кўрсатиш учунгина келтирилган, замин ташвишлари, муаммолари билан узвий боғланмаган экан, уларни ихчамлаштириб диққат-эътиборни кўпроқ қаҳрамоннинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий аҳамиятга молик хатти-ҳаракатларини кенгроқ ва конкретроқ кўрсатишга, психологик жиҳатдан далиллашга қаратиш мумкин эди-ку, деган ҳаёлга борасан киши.

Ёзувчи Одил Ёкубов биз билан суҳбатда курашчан қаҳрамонларнинг дунёга келиши «курашга», илмий тил билан айтганда ҳаётий конфликтга боғлиқ, принципиал масалалардаги конфликтлар, «ғоялар драмаси» осон ҳал бўлмайди, улар гоҳо қирғоқларни емирувчи тошқин янглиғ инсон ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб ташлайди деган эди. Ҳозирги пайтда ижобий қаҳрамон яратиш йўлидаги яна бир қийинчилик ана шундай «тошқин янглиғ инсон ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб ташлайдиган» курашлар ифодаси, уларнинг талқини билан алоқадордир.

Самар Нусровнинг «Майсаларни аёз урмайди» қиссасини дастлаб муайян қизиқиш ва умид билан ўқий бошлаймиз. Асли қишлоқдан чиқиб, шаҳарда ўқиб ўша ерда қолган, лекин шаҳар ҳаёти, «дом»даги турмуш тартибларига тўла мослашолмай, амалиётдан йироқ илмий муҳитга кўниқолмай қийналаётган ёш олим Нусратбекнинг ҳолат ва кайфиятларини тушунамиз; унинг киндик қони тўкилган, болалик йиллари кечган она юртига, у ердаги илмий текшириш институти филиалига ишга тақлиф этилган пайтдаги, тор шаҳар муҳитидан кенг чўл бағрига келишидаги ҳам сурурли, ҳам қандайдир ҳазин кечинмалари кўнглимизда аллақандай нурли ва дардли кайфият уйғотади. Гап шундаки, Нусратбекнинг қувончи — қишлоққа келиши қимматга тушмоқда, шаҳарда туғилиб, қишлоққа келин бўлиб тушган, бу ишидан пушаймон бўлиб юрган, ниҳоят, тор, тигиз муҳитда яшаса-да, қайта шаҳарлик бўлиб олганидан мамун Холиса эри қилмишидан қаттиқ норози, ўзигина эмас, болаларининг ҳам қишлоққа кетишига қарши. Нусратбек ана шу қаршиликларга қарамай қишлоққа отланган. Шу сабаб қаҳрамон қувончлари ғам-ташвишлар билан туташ. Ёзувчи Нусратбекнинг она юртга қайтиш воқеаси билан боғлиқ ҳолда қишлоқ ҳаётининг сурурли, поэтик томонларини завқ-шавқ билан қаламга олади, аини пайтда уларни асло идеаллаштирмайди. Асар қаҳрамони ҳар бир қадамда қишлоқ

хаётининг муаммоларига дуч келади; қишлоқ-да қарор топган ёки эндигина туғилаётган янгиликлар, урф-одатлар, уларнинг ҳам мусбат, ҳам манфий томонлари, қишлоқ кишилари маданияти, ўз кучини, таъсир доирасини сақлаб қолаётган удумлар, фойдали, зарур, аммо йўқолиб бораётган анъаналар, фантехника революцияси, она табиатни асраш, экология муаммолари, қишлоқ аёлларининг меҳнати — сигир соғиш, таппи ёпиш, қўш-киприкни куйдириб тандир оқартириш, ҳовуз-қудуддан челақлаб сув ташиш, бола тарбиясидан тортиб то терим машинаси штурвалини бошқаришгача адо этаётган ғоят хилма-хил юмушлари; қишлоқнинг ёзилмаган қонунлари — мактаб ўқувчиларининг дарс, имтиҳони асосан далада, нон, кийим-кечак бунёд этилаётган жойда кечаётгани — буларнинг барчаси қахрамон кўнглида ҳар хил ўй-кечинмалар уйғотади, гоҳо жиддий руҳий драмаларга асос бўлади, Асар қахрамонлари ўзаро мулоқотларда баъзан ҳозирги тараққиётнинг ўткир, чигал жумбоқларини тилга оладилар, характерли, ҳаяжонли фактларни келтирадилар. Бир ўринда Нусратбек билан Пайғамов орасида шундай гап бўлиб ўтади:

— Экинзорларимизда махфий жанг кетяпти. Йўқ, чинакам уруш. «Правда» газетасида ўқиган эдим: 1973 йилда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашга мамлакатимиз ўн икки миллиард сўм сарфлади. Улуғ Ватан урушида ҳам ҳар йили ҳарбий мақсадларга ўн икки ярим миллиард сўм сарфланган экан.

— Ҳа, — деди Нусратбек миясидаги фикрларни бир нуктага тўпловмай, — экиннинг ҳимоячиси бўлиш ўрнига зараркунандаси бўлиб қолди.

— Танқид қилишга ҳаммамиз ҳам уста. Кимёнинг юзига қорақуя чаплаш ҳам инсофдан эмас. ДДТ ихтирочиси Мюллерга вақтида Нобель мукофоти берилган. «Энди «яшил инқилоб» тарафдорлари бу буюк ихтирони инсониятнинг аламли хатоси деб баҳолашяпти. Сирасини айтганда ўзбек пахтаси ҳам шу кимё «соябони» остида жон сақлаб келди; ҳосилдорлиги уч баробар ошди!..

— «Кимё шамшири» табиатнинг мувозанатини бузиб, тарозининг бир палласини босиб кетганини ҳеч ким инкор этолмайди. Бунга ихтисослаштириш ҳам сабаб бўлди. Жуда катта майдонларда бир хил экин...» («Шарқ юлдузи» журнали, 1983, 7-сон, 66—67-бетлар.)

Бу хил мулоқот, «масала талаш»ларда ҳам озми-кўпми драматик зарядлар бор, бироқ ҳали улар асардаги асосий «жанг»нинг шабадалари, холос. Асосий «жанг»ни бетоқат бўлиб кутамиз, ниҳоят у бошланади: Нусратбек катта умид билан илмий тажриба ва тадқиқотга киришади, аммо, кўп ўтмай, янги илмий даргоҳда мураккаб вазиятга тушиб қолади, алданади, бошда унга марҳамат қўлини чўзган, билимдон, ҳаётни, одамларни пушта биладиган, мулоҳазакор бўлиб кўринган бошлиқ Бўри Пайғамов нопок, ғаламис, қаллоб бир кимса бўлиб чиқади, у ўзгаларнинг, жумладан, Нусратбекнинг илмий кашфиётларини маккорлик билан ўзиники қилиб олади, йигитга зуғум ўтказиб, сарсон-саргардон этади... Ёзувчи қахрамоннинг ана шу моҳаролар асосидаги руҳий ҳолатини ҳам бир қадар ифода этади, бироқ бу моҳаролар тасвири бизни кутилган ҳаяжонга солмайди, руҳий драмалар тасвири эса қахрамон ва унинг

қалби ҳақида деярли янгилик бермайди. Сабаби маълум: аини шундай моҳаролар «Умид», «Гирдоб» романларида ифода этилган, хусусан «Гирдоб»да мураккаб вазиятга тушиб қолган ёш олимнинг мушкул аҳволи, руҳий драмаси маҳорат билан кўрсатилган, қаллоб олимнинг тубан маънавий дунёси чуқур очилган эди. Модомики, «Майсаларни аёз урмайди» қиссаси муаллифи аини шундай муҳит, вазиятга, бир тоифа одамлар ҳаётига қўл урган экан, уларга янги томондан ёндашиш устида жиддий бош қотириши, ўзгача, оригинал йўллар қидириши лозим эди... Ҳодисаларнинг кейинги ривожини, моҳароларнинг ечимини ифодасида ҳам ёзувчи тайёр, очилган йўлдан боради: самимий, дилкаш, адолатпарвар қишлоқ кишилари, диёнатли раҳбар ходимларнинг аралашуви, мадади билан ёш илмий ходим ўзини ўнглаб олади, ҳақиқат юзга чиқади...

Ўйлаб қолсан киши, наҳотки илмий даргоҳларда истеғодли ёш олим учун нуқул тайёр ошга шерик бўладиган, бировларнинг кашфиётига кўз ола қиладиган бошлиқдан ўзга ғов, «жанг» — кофлик учун бошқа асос топилмас?! Биламизки, илм-фан даргоҳида гоҳо ўшандай плагиаторлик фактлари ҳам содир бўлиб туради, бундай жинойти, фельетонбон ҳодисалар ҳақида ҳам гапириш, ёзиш мумкин. Лекин асосий моҳаролар бу ёқда қолиб, кетма-кет нуқул плагиаторлик ҳақида бир-бирига яқин асарлар яратиларсиз меъдага тегар экан. Бизнингча, илм-фандаги энг қатта кураш одатда хилма-хил концепциялар орасидаги зиддиятлардан туғилади. Афсуски, ўшандай зиддиятлар адибларимиз этиборидан бир оз четда қолиб кетяпти. Тайёр ва осон кураш йўлидан бориб оригинал, курашчан қахрамон образини яратиш мушкул.

Қиссадаги бошқа моҳаролар — кўпол хўжалик раҳбарининг фанга, фан кишиларига нописанд муносабати, шундай одамнинг ўзбошимчаликлари туфайли ёш олим илмий тажрибаларининг завол топиши, қахрамоннинг шахсий-интим ҳаётидаги чигалликлар тасвирида ҳам қандайдир китобийлик — «Гирдоб», «Меҳриғиё», «Диёнат» сингари асарлардаги вазиятларнинг бошқачароқ қайтариғига, бир оз дағал, аммо содда, самимий адолатпарвар қишлоқ кишиси Аҳмад бригадир, диёнатли обком секретари образларида эса олдиндан таниш адабий қахрамонларга хос қатор хислатларга дуч келамиз. Буларнинг ҳаммаси жам бўлган ҳолда қиссанинг, биринчи галда ундаги ижобий қахрамоннинг оригинал, баркамол чиқишига монелик қилган.

Ҳаёт мураккаблашди, ижобий қахрамонларгина эмас, ҳаётдаги салбий кучлар ҳам мураккаблашди, нозиклашди деган гапларни кўп эшитамиз. Аммо асарларимиздаги салбий қахрамонлар аксар ҳолларда ҳамон бирёқлама бутун вужудидан салбий хусусиятлар ёғилиб турадиган, худбин мақсадларига дағал ва осонгина эришараврадиган ёки ўта ношуд-нотавон кимсалар сифатида берилляпти; шундай асарларни ўқиганда ижобий қахрамонлар қаршида турган салбий кучнинг маккорлигини, унга қарши курашиш мушкул ва мураккаб эканлигини, у билан олиб борилган жанг қахрамон учун қанчалар қимматга тушганлигини ҳар доим ҳам етарли ҳис этавермаймиз. Қахрамон йўлида қурлаланган бўлиб турган кучнинг ўзи ўта, ношуд, ожиз — нотавон, майда, арзимас, омонат кимса бўлса,

табийки, унга қарши олиб борилган курашнинг шиддати ҳам заифлашади, маъно салмоғи сусаяди. Шундай ҳолга ҳатто Нурали Қобулнинг; умуман, яхши ёзилган, танқидчиликда ижобий баҳо олган «Яшаш учун кечикма» киссасида ҳам дуч келамиз. Муаллиф коммунистликка номзод Абдумаликнинг одам боласи дош бериши мумкин бўлмаган мушкул бир вазиятда, ғоят оғир об-ҳаво шароитида халқ мулки — совхоз қўй-қўзиларини фалокатдан сақлаб қолиш учун олиб борган курашини, мана шу кураш жараёнидаги асабий, кескин руҳий — драматик ҳолатини ёрқин, таъсирчан ифода этади. Ана шу мушкул дамларда қаҳрамоннинг лоқайд укага, айбсиз тракторчи йигитга қилган ўринсиз ҳамлаларини кўриб, булар шунчаки дағаллик, шафқатсизлик эмас, балки ноилложлик, чинакам жонкуярлик натижаси эканлигини билиб турамин. Рўй берган машаққатлар бошда фақат табиат инжиқликлари оқибатидай туюлади. Бора-бора бу мушкулотнинг ижтимоий-ҳаётий сабаблари ҳам маълум бўла боради; айрим масъулиятсиз, бепарво раҳбарларнинг халқ мулкига, чорвадор меҳнати ва турмушига бепарво, лоқайд муносабати туфайли вазият янада чигал тус олганлигини сезиб оламиз. Қийин шароитда қаҳрамон тўқнаш келган кулчар анчагина. Бироқ қаҳрамоннинг асосий рақиби — дангаса, лоқайд Турсунбой ҳам эмас, отарга вақтида хашак етказиб беролмаган тракторчи Жўрақул ҳам эмас, сурувга ёрдам бериш баҳонасида ўз манфаатини ўйлаб келган довдир Ғаффор ҳам эмас, балки партия ташкилоти секретарлиги лавозимини эгаллаб турган бемаслак шахс Нарзиев эканлигини англаб етамиз. Ака билан ука орасидаги келишмовчилик охири бирмунча юмшайди, қийин дамда акасини ёлғиз ташлаб кетган Турсунбой яна акаси ёнига киради; Абдумалик Жўрақулни жаҳл устида ноҳақ ҳақорат қилганлигини, у билан ўринсиз ёқалашганлигини англаб, хижолат чекади; Абдумалик ибрати туфайли довдир Ғаффор ҳам анча ўзига келади; Ниҳоят, кўп кулфатлар келтирган табиат инжиқликлари ҳам енгилади. Энди китобхоннинг бутун диққат-эътибори асосий кураш майдонига — Абдумалик билан Нарзиев орасидаги зиддиятга қаратилади. Курашга отланган қаҳрамонда гўё шернинг шижоати бор, афсуски, қаршисидаги рақиб қувёндек ожиз — нотавон. Нарзиев ўзини «кичик одам» деб атайди, унда мустақиллик, инсоний ғурур етишмайди, у шунчаки директорнинг югурдаги, партком секретарлигини «директорга чой ташувчилик» деб билади. Шундай бўлгандан кейин қаҳрамонимиз у билан бемалол олишаверади, уни ошқора фош этаверади, оғзига нима келса сира тортинмай айтаверади, рақиб эса индамай бош эгиб тураверади. Тўғри, асарда Нарзиевнинг зимдан туриб Абдумаликка панд бергани, унинг кандидатликдан партия аъзолигига ўтишига тўсқинлик қилиши мумкинлиги, сурувдаги фалокат учун уни айбдорга чиқармоқчи бўлгани ҳақида фикрлар бор. Аммо ана шу қаршилик ва ғаламисликлар оқибатида юз бериши лозим бўлган драмаларни киссада деярли кўрмаймиз, етарли ҳис этмаймиз. Эҳтимол, курашчи қаҳрамон билан муҳим постада турган ношуд-нотавон, мустақилликдан маҳрум пассив шахс орасидаги ўзига хос зиддият орқали ҳам ҳаётнинг муайян муаммо-

ларини, давр драмасини очиш мумкин; бироқ бундай пайтларда кўламини бир оз кенгроқ олиш, Нарзиевдек нотавон кимсаларнинг масъулиятли постга келиб қолиш сабабларини очиш, бу тоифа шахслар ўта хавфли куч эканлигини бутун борлиги билан кўрсатиш талаб этилади. Шундагина қаҳрамон дуч келган кучнинг салмоғи, моҳияти аён бўлади, у олиб борган курашнинг маъноси теран тус олади.

Ниҳоят, яна бир масала — асарларимизда тасвир этилаётган юқори лавозимдаги раҳбар ходимлар образи ифодаси билан боғлиқ мулоҳазани ҳам ўртага ташламоқчимиз. Замонавий мавзудаги деярли барча романларимизда юқори лавозимдаги раҳбар ходим образига дуч келамиз. Улар катта меҳр-муҳаббат билан қаламга олинади, хислатлари таъриф-таъсиф этилади; ушбу қаҳрамонларнинг асар воқеалари ривожда муайян ўрни, роли бор, улар асосан ҳождатбардор одамлар сифатида кўринадилар. Лекин, негадир, уларнинг қалбидаги, боринги ҳаётдаги драмалар, мураккаб, зиддиятчи кечинмалар, ўй-мушоҳадалар адиблар эътиборидан кўпинча четда қолиб келяпти ёки юзакироқ ифода этиляпти. Ҳатто «Оқибат» романида анча кенг ўрин олган республика Компартияси Марказий Комитети секретари Розиков, «Сўнгги бархан»даги воқеалар ривожда фаол иштирок этадиган обком секретари Абдукарим Ваҳобович Ваҳобов образларида ҳам шундай ҳол сезилади. Чунончи, «Сўнгги бархан» муаллифи Саъдулла Кароматов Ваҳобовдаги дилкашлик, партиявий принципааллик, тadbиркорлик хислатларини анча ёрқин кўрсатади; бу одам оддий деҳқон билан деҳқонча, олим билан олимона суҳбат қўра олади, у область миқёсидаги жамий ишларга бошқош, муҳим хўжалик, маданий муаммоларни ҳал этишда, жиддий мунозара-муҳокамаларда бевосита қатнашади, Садрӣ Пўттиевдек қолоқ кимсалар билан тўқнашади. Қани эди ана шу катта хўжаликка бош бўлган, улкан ишларни адо этаётган бу одамнинг катта муаммолар, ҳаёт чигалликлари ҳақидаги дардли ўйлари, қалб қийноқлари ҳам тўлароқ, кенгроқ очилса! Ижобий қаҳрамон, Чингиз Айтматов айтганидай, бутун вужуди билан даврни ҳис этадиган одам, чунки давр ҳаммадан бурун унинг қалбида бунёдга келади; айна пайтда у моҳиятга кўра трагик қаҳрамон, чунки у ўйлаб ўтирмай одамлар бахт-саодати учун жонини фидо қилишга тайёр шахс. («Литературное обозрение» журналы, 1983, 10-сон, 13-бет). Бу гап раҳбар ходим образига ҳам даҳлдор. Мана шундай хусусият раҳбар ходимлар образига алоҳида жоизба, зўр эстетик таъсирчанлик бахш этиши табиий.

Маълум бўляптики, тўлақонли, баркамол, таъсирчан ижобий қаҳрамон яратиш, уни бадиий кашфиёт даражасига кўтариш ғоят мураккаб, масъулиятли ижодий муаммо. Бунга тинмай изланиш, оригинал концепциялар қидириш, энг муҳими, образ қалбига, маънавий оламига чуқурроқ қириб бориш, қалб бисотини янги, кутилмаган томонлардан очиш, қалб драмасини кўрсатиш, у орқали давр ҳақиқатини тадқиқ қилиш, ҳаёт муаммоларини кўрсатиш, шу тариқа унда халқ тақдирини ва руҳиятини ифодалаш натижасида эришиш мумкин. Шундагина ижобий қаҳрамон зарур одам деган шарафли номга муяссар бўлади.

Меҳр мавжлари

Шукрулло. Жавоҳирот сандиги.
«Еш гвардия» нашриёти, Тошкент —
1983.

Она диёримизнинг дилбар табиати-ю, меҳнаткаш халқининг шоирсифат қиёфасини, қалбини нозиктаъб китобхонларга манзур бўларли даражада бадий акс эттириш санъаткорларимизнинг азалий эзгу муддаоси. Жавоҳирот сандиги бўлмиш халқ қалбининг дарчаларидан унинг чексиз — канорасиз ички дунёсига назар ташлаб, кўпчиликни унга ошно қилиш ва шу йўл орқали китобхон қалбини янги жавоҳирлар билан бойитишнинг ўзи бўлмайди. Халқнинг орзу-умидлари беқиёс, қувончу севинчларининг ранги, таъми, шакли ва мазмуни адоқсиз. Уларни акс эттириш ҳар қандай улкан ёзувчидан ҳам катта маҳорат талаб қилади.

«Жавоҳирот сандиги» ҳам худди ана шу мақсадда ёзилган. Китобдаги мўъжаз изоҳномада қуйидагиларни ўқиймиз: «асарда Шукруллонинг устоз ва тенгқурлари ҳақидаги эсдаликлари, адабиёт ҳақидаги, ўз шахсий ҳаёти ва турмуш тарзимиз тўғрисидаги ўйлари ўрин олган.» Бу фикрлар тўғри, асар қурилмасини асосан, шу масалалар ташкил этади. Бироқ «Жавоҳирот сандиги»нинг моҳияти, ғоявий-бадий мундарижасида фақат шуларнинггина кўриш, фикримизча, бу асар қиммати ва талқинини бирмунча чеклаб қўйиш бўлур эди. Китобда келтирилган: кўринмаганини кўриш, айтилмаганини эшитиш ҳақидаги афористик фикр мазкур асар моҳиятини англашга ҳам ёрдам беради. Чунки асарнинг бош мақсади устозлар, тенгдошлар ҳақида хотира ёзиш, муаллиф ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлини тасвирлаш, турмуш тарзимиз тўғрисидаги ўйлари билан ўртоқлашишдангина иборат эмас. Буларнинг барчаси ёзувчиға материал бўлиб хизмат қилади, холос. Асарнинг бош ва етакчи мақсади эса ана шулар воситасида Инсон, Замон ва Халқ ҳамда уларга чамбарчас дахлдор бўлган давримизнинг муҳим ахлоқий-маънавий муаммоларини ўзига хос йўсинда бадий тадқиқ этишдан иборатдир.

Композицион қурилиши, шакли ва услуби жиҳатидан «Жавоҳирот сандиги»ни ўзбек прозасида янгилик дейиш мумкин. Тўғри, у бир жиҳатдан шарқ классик адабиётининг мумтоз намуналари ҳисобланмиш Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон»ини ёдга туширади, бошқа бир томондан Расул Ҳамзатовнинг «Доғистоним» асарини эслатади. Лекин, бундан қатъи назар, Шукрулло салафларининг ҳам, илгор замондошларининг ҳам тажрибаларини такрорламайди, балки уларни ижодий ўзлаштирган ҳолда ўз ғоявий-бадий концепциясини яратишга интилади. «Жавоҳирот

сандиги» «Бўстон» ва «Гулистон» каби асарлардан реалистик ижодий метод принциплари, ҳаёт материалининг ҳужжатлилиги ва конкретлиги билан кескин фарқланиб туради. «Доғистоним»га нисбатан эса бу асарнинг ўзига хослиги изчил композиция теварағида умумлашган автобиографик элементларнинг бўртиб туришида кўзга ташланади. Авар шоири Ватан ва халқ образини яратишда кўпроқ ривоятларга мурожаат этса, ўзбек адаби бу ниятни амалга оширишда кўпроқ тарихий шахслар ва замонавий конкрет ҳаётий ҳодисалардан фойдаланади, ривоятларни эса, асосан, маънавий-ахлоқий проблемаларни очишга бўйсундириш билан кифояланади. Юқорида биз «Жавоҳирот сандиги»да изчил композицион қурилиш мавжуд деган фикрни айтдик. Бу мулоҳаза эътироз уйғотиши ҳам мумкин. Чунки, унда биз кўникиб қолган аънавий роман ва қиссалардаги каби бутун асар бўйлаб ўтадиган яхлит сюжет ҳам, яхлит ва умумий композиция ҳам, конфликт ҳам йўқдек. Лекин бу — «Жавоҳирот сандиги»да улар мутлақо йўқ деган гап эмас. Улар бор. Улар ўзига хос кўринишда мавжуд.

Агар кунт билан кузатсак; асар композицияси ва сюжетини бирлаштириб турадиган икки муҳим нуқта борлигини илғаб оламиз. Биринчиси, кўплаб китобхонлардан муаллифга келган хатлар ва уларда ёзувчи олдига қўйилган муаммолар, саволлар. Ёзувчи ушбу асари билан ана шу хатлардаги саволларга, муаммоларга жавоб бераётгандек бўлади. Аслида эса улар фақат китобхонларнинг саволларигина эмас, ёзувчи олдига, унинг ғоявий ниятлари олдига, умуман, ҳаёт қўйган саволлардан иборатдир. Бинобарин, ёзувчининг бу китоби ўзини тўлқинлатириб юрган кўпдан-кўп ҳаётий масалаларнинг бадий талқинидир. Композициянинг иккинчи учи ёзувчининг ўз ижодкор дўстлари билан бўлиб ўтган сафар таассуротларига, ўйларига боғланади. Бу ҳам аслида бир ижодий приём. Шу усул баҳонасида адиб мазкур асарда ўз олдига қўйган ижодий мақсадларини амалга оширади.

«Жавоҳирот сандиги»нинг бош қаҳрамони муаллифнинг ўзи. Хассос ижодкор сифатида намоён бўлувчи бу образ ҳаётнинг долзарб муаммоларига муносабат билдирганда, улар ҳақида чуқур фалсафий мушоҳадалар юритганда умумлашган замондош қаҳрамон даражасига кўтарилади. Умуман, бу хусусият асардаги бошқа шахслар характери тасвири учун ҳам хосдир. Чунончи, адибнинг отаси образи хусусида шу фикрни айтиш мумкин. Ота образи — бу тарихий шахс, адибнинг отаси ва, айни вақтда, умумлашган халқ донишманди образидир.

Шу ўринда «Жавоҳирот сандиги»да умуман халқ образини ёритишга алоҳида эътибор берилганини таъкидламоқ лозим. Асар моҳият-эътибори билан қалби ва тафаккури, тажрибаси ва ташаббуси ҳикमतларга тўла халқ

қиёфасини акс эттиришга қаратилган. Асардаги халқ образи деганимизда унда турли даражада акс эттирилган халқ вакиллари Суннатулла Махсум, Йўлдош сичқон, Мўмин туппакчи, Далавой, Абдурашул почин, Олим тўра, Исроилбек, уста Мақсуд, Зокир паровоз, Ориф жинни, Махмуд тараша, Карим индамас, Али посончилардан тортиб, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Ҳабибий, Юнус Ражабий, Шароф Рашидовгача бўлган тарихий шахсларни назарда тутмоқ лозим бўлади.

Устоз санъаткорларга бағишланган саҳифалар бутун асар давомида тароватли нур сочиб туради. Уларни устозлар ҳақидаги хотираларгина деб чегарламаслик керак. Бу эпизодларда тарихан реал ва, айни вақтда, ўзига хос бетакрор фазилатлари тасвири билан уйғунлашган ҳолда улкан санъаткорларнинг умумлаштирилган характерлари яратилади. Ёзувчининг бу ижодий принципини фақат олқишламоқ керак.

Маълумки, аксар бадиий асарлар асосини ҳаётимиздаги муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолар талқини ташкил этади. Бунга эътироз билдириш мумкин эмас. Бироқ баъзи асарларда бу масалалар тасвирига ўта берилиб кетиш оқибатида шахснинг маънавий дунёсини акс эттириш бирмунча назардан четда қолаётгандек туюлади. Шу маънода замондошимизнинг маънавий дунёсига алоҳида эътибор берилиши жиҳатидан ҳам «Жавоҳирот сандиғи» диққатга сазовордир. Умуман, маънавий-ахлоқий проблемалар тасвири бу асар моҳиятини ташкил этади. Лекин бу тасвир ўз-ўзича, «автоном» эмас, ҳаётимизнинг муҳим ижтимоий масалаларига алоқадор равишда намоён бўлади. Масалан, Қирғовул фожияси талқинида мажозий йўсинда табиат муҳофазаси масаласи кўтарилади. Азалий ва Мазалийлар тақдири мисолида ижодкорнинг фаол граждандлик бурчига муносабат билдирилади. Бир отим нос баҳонасида гурунглашиб ўтирган мўйсафидлар ҳам фақат олди-қочидан гап юритадиган, «Қиссасул-анбийе»дан ваъз қиладиганлар эмас, замон титроғини қалбидан ўтказиб, даврнинг энг муҳим муаммоси — урушга нафрат, тинчликни кўз қорачигидек сақлаш истаги билан яшаётган қариялардир. Бу парча «Жавоҳирот сандиғи»нинг аввал босилиб чиққан биринчи китобида йўқ эди.

Бутун асарни ягона ўқ атрофида бирлаштириб турувчи бош қаҳрамон — муаллиф тимсолида умумлашган замондошимиз характери тасвирида катта проза жанрларига хос бўлган эволюцияни сезмаслик мумкин эмас. Бу қаҳрамон бутун асар давомида ҳам ижодкор, ҳам фаол гражданин сифатида тадрижий ўсиш жараёнини бошдан кечиради.

«Жавоҳирот сандиғи»да эътирос ва маҳорат билан ёзилган саҳифалар оз эмас. Қуёш ва пахта таърифи баҳонасида чизилган Ўзбекистон манзаралари тасвири ва бободехқон, пахтакор халқимиз шаънига чексиз меҳр билан йўғрилган қайдлар; Ғеғубор ёшлик хотираларига бағишланган лавҳалар; Ғафур Ғулом билан бирга бозор расталарини оралаш акс эттирилган парчалар ана шундай. Улар айни вақтда чуқур ва тиниқ миллий руҳи билан ажралиб туради. Бу саҳифаларни ўқир эканмиз, дўппи бозорини гулзорга менгаб қанот қоқаётган капалакларни кўргандек бўламиз, япроқлари билан чапак чалаётган мевазорлар товушини эшитамиз, ариқларда оқиб келаятган тутларнинг таъмини туйгандек сезамиз

ўзимизни, қуёшнинг нури ва ҳароратинигина эмас, гуркираб турган исини ҳам ҳис этамиз. Буларнинг барчаси умумлашган ҳолда Ватан образини, Ўзбекистон қиёфасини вужудга келтиради.

Бадиий ижод, сўз санъати сирлари ва моҳиятига доир нуздак кузатишлар ва хулосалар, бир жиҳатдан, бизни муаллифнинг эстетик принциплари оламга олиб кирса, иккинчи томондан, кенг китобхонлар оммасини санъат асарларини идрок этиш ва санъаткор меҳнатининг ўзига хос машаққатлари ва масъулиятини тушуниш борасида муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Ижод сирлари ҳақидаги бу бадиий мулоҳазалар китобхонга ўта «илмийлик» қобиғида ўралашиб қолган унча-мунча илмий ишларга нисбатан жозибалироқ таъсир кўрсатади.

Асардаги: «янги чиққан ойни ўроққа ёки товоқдаги ярми бузилган қаймоққа ўхшатиш мумкин. Лекин бу ерда қаймоққа нон ботирган одам ёки ўроқ тутган деҳқон унутилса, у етук асар бўлмайди», — сингари фикрлар ўзининг мўъжазлиги, оригиналлиги, санъаткорона айтилиши жиҳатидан жозибалидир. Айниқса, Ғафур Ғуломнинг ижодкор, инсон, гражданин сифатидаги яхлит қиёфасини очишга бағишланган эпизодлар ҳақдаги чиққан.

«Жавоҳирот сандиғи»да ниҳоятда оддий, содда, кундалик турмуш ташвишлари билан банд бўлган кишилар тасвирига кенг ўрин ажратилган. Бир қараганда улар бирор-бир кўзга ташланарли хислати билан ажралиб турмайдигандек туюлади. Бироқ, ҳамма гап шундаки, ёзувчи мана шу оддий, минглаб кишилар ичида сезиларсизгина яшаб юрган замондошларида асар қаҳрамонига арзигулик жиҳатларни топа бўлади. Бу хусусият уларнинг замон ҳодисаларини жиддий мушоҳада қилиш, идрок этиш, даврнинг муҳим масалаларига фаол муносабат билдира олиш каби фазилатларида намоён бўлади.

Масалан, уста Мақсуд, Зокир паровоз, Карим қориларнинг ўзаро суҳбатлари, тортишувлари турмушнинг оддий ҳодисалари ўстида бораётгандек туюлади, бироқ, чуқурроқ эътибор берсангиз, улар замирида ҳаётимиздаги баъзи исрофгарчилик ва режасизликлар, ҳайбаракаллагчилик, меҳнат тақсимоотию, унинг тўғри тақдирлиниши, пахта етиштиришдаги айрим тартибсизликлар ва шу сингари жиддий муаммолар кўтарилаётганини англаб оласиз. Ёзувчи қаҳрамонларнинг шу каби тортишувлари баҳонасида айрим камчиликларни тўғри танқид қилади. Шу жиҳатдан Уста Мақсуднинг «гап бир одамнинг мукофот олишида эмас, кишининг меҳнатини тўғри тақдирлай билишда. Гап унинг зарарли оқибатида. Бу бошқаларнинг руҳига таъсир қилмайди дейсизми?!» қабилдаги фикрлари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида (1983) кўтарилган масалаларга ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради.

«Жавоҳирот сандиғи» айрим камчиликлардан холи эмас, албатта.

Асарда халқ оғзаки ижоди намуналари билан бир қаторда ёзувчи ижодининг маҳсули бўлган кўпдан-кўп ажойиб афористик, ҳикматнамо фикрларга дуч келамиз. Бироқ улар ичида «икки сўзли дўстингдан бир сўзли душман афзал» сингари сунъийларига ҳам учраб қоламиз. «Бир сўзли одам» деган гап бор, лекин «икки сўзли одам» ибораси сунъий.

Асарда баъзи жиддий масалаларни ўта жўнлаштириб талқин қилиш ҳоллари ҳам кўзга

ташланиб туради. «Шоирлик бу — нишолдага ўхшайди (?). Нишолда қилиш учун аввало тухумнинг оқини мис қозонга солиб чилчўп билан роса чилпийсан. Бунинг ўзи билан ҳам нишолда бўлмайди. Унга етмак қуюсан, тўртта тухум бир қозон кўпик бўлади (Шоирлар ҳам баъзан ўзидан кўшиб кўпирмаса бўлмайди). Ундан кейин устига тобига келган қиёмни қуйиб, яна чилпийсан. Чилпишдан эринсанг, бирпасда етмаги пастга чўкиб, кўпиги тепага чиқиб бемаза бўлади-қўяди». Тўғри, бу Тожибой нишолдачининг гапи. Лекин, бундан қатъи назар, адиб хайрихоҳ бўлаётган бу фикр шеър ва шоирлик моҳиятидан кўра нишолда пишириш технологиясини шарҳлашга ўхшаб кетади.

«Муҳаббат бу — пулга ўхшаган нарса, пул шохда ҳам, гадода ҳам озми-кўпми бўлади» сингари мулоҳазалар китобхонга бирмунча эриш туюлади. «Севги бу — ўзини эмас, бошқаларни севиш» жумласи анча примитив кўринади.

Бундан ташқари аҳён-аҳён кўзга ташланувчи яланғоч дидактизм, жиддий ижтимоий, маънавий, тушунчаларни талқин қилиш ниятида ишлатилган ўхшатиш, қиёслаш, қоғиштириш каби бадий воситаларни ўта жўнлаштириб юбориш каби ҳолатлар ҳам асарнинг умумий салмоғига бирмунча соя ташлаб туради.

Китобда тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан баҳс талаб кўринадиган маълумотлар бор. Муаллиф айтишича, «Қўтлуғ қон» романи босилиб чиққач, Ойбек шундай деган экан: «Мен бу романи 15 йил аввал бошлаган эдим, бироқ тажрибам етмагани туфайли давом эттирмадим». Бу вақт тахминан 1927—1928 йилларда тўғри келади. Бироқ Ойбек бу даврда «Қўтлуғ қон»га қўл урмагани маълум. Бу йилларда у Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида материаллар йиға бошлаган. Шу сабабли гап «Қўтлуғ қон» эмас, «Навоий» романи ҳақида борса тўғрироқ бўларди. Ойбекнинг уч-тўрт дафтар ёзиб, ташлаб қўйган асари ҳам «Қўтлуғ қон» эмас, «Студентлар» романининг ёзиб тугатилмаган дастлабки қоралама саҳифалари бўлган, у ҳам 30-йилларнинг ўрталарига таллуқлидир.

Ғафур Фулом, «Юнус Ражабий ўзбек халқ музикасига оид етти жилдлик китоб тайёрлаганини айтди», — деган маълумот берилади китобнинг 120-саҳифасида. Асарда айтилишича, шу суҳбатда Юнус Ражабийнинг ўзи ҳам иштирок этган. Агар гап «Ўзбек халқ музикаси» тўплами ҳақида бораётган бўлса, у етти жилдлик эмас, беш жилдлик, «Шашмақом» ҳақида бораётган бўлса, у олти жилдлик. Лекин бу асар 1966—1974 йилларда нашр этилган.

Юқоридаги суҳбатда Етим Бобожон ҳам иштирок этганлиги айтилади. Бу машҳур санъаткоримиз 1956 йилда вафот этгани маълум. Демак, гап беш жилдлик «Ўзбек халқ музикаси» тўплами устида бораётгани эҳтимолга яқинроқ. Лекин бу тўплам ҳам 1955—1959 йилларда нашр этилган. Шуларни эътиборга олиб, юқоридаги маълумотга муайян таҳрир киритиш лозим кўринади.

142-саҳифада Навоийнинг «Мажолисун — нафоис»ида юздан ортиқ шоирлар ҳақида маълумот берилган, дейилади. Ҳолбуки, бу асарда 350 дан ортиқ шоир ҳақида фикр юритилади.

Ҳозирги ҳолатда асар биринчи ва иккинчи китоб тарзида икки қисмдан ташкил топган. Назаримизда уни икки қисмга бўлиш учун зарурат сезилмайди. Шу боисдан кейинги

нашрларда уни яхлит бир асар сифатида умумлаштириш маъқул бўлар.

Ватанга, халққа, устозларга, сеҳрли ижод оламига чексиз эътиқод натижалари ўлароқ майдонга келган ушбу асар бағридан таралувчи меҳр мавжлари ҳам ўзига муносиб равишда муҳаббат билан кутиб олиншига ишонамиз.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати

Шеър мулкига саёҳат

И. В. Стеблева. Семантика газелей Бабура. Издательство «Наука». Москва — 1982.

Шарқишунос олима И. В. Стеблева қаламига мансуб «Бобур ғазалларининг семантикаси» номли тадқиқотнинг юзага келиши тасодифий воқеа эмас. Туркий назм тарихи ва унинг қонуниятлари масалалари билан қизиқиб келган олима 1970 йил бошида Бобурнинг аруз ҳақидаги илмий рисоласига дуч келади. Уни тадқиқ этиш ва нашрга тайёрлаш жараёнида туркий шеърининг тузилиши ва қонуниятлари хусусида бир неча илмий мақолалар ёзлон қилади. Шунинг натижасида муаллиф Бобур ғазаллари туркий арузнинг қонуниятларини ўзида бекаму кўст ифодалайди деган хулосага келиб, уларнинг таҳлил ва тадқиқига изчиллик билан киришади. Ана шу изланишнинг самараси сифатида ушбу монография майдонга келган.

Бобур адабий ижодини чуқур ўрганишнинг аҳамияти нимада? Олима Бобурнинг аруз ҳақидаги рисоласи хусусида сўз юритар экан, бу саволга унинг туркий тилда ижод этган шоирлар орасида адабиёт тарихи ва назарияси бўйича фавқулодда чуқур билим эгаси бўлганини асос қилиб келтирган эди.

«Бобур ғазалларининг семантикаси» тўрт фаслдан ташкил топган. Ғазалларнинг таркибий-тузилиш жиҳатлари ва ундаги қисмларнинг маъно товланишларини аниқлашга қаратилган дастлабки фаслда муаллиф, аввало, ғазал жанрининг тузилиш қонунилари ҳақида тўхталади. Бунда у шеърини санъатларнинг ўрни, ундан фойдаланиш усуллари, таркибий қисмларнинг фикрий боғланиш йўллари борасида сўз юритади. Шамсиддин Муҳаммад ибн Қайс ар-Розий, Қобул Муҳаммад сингари бу соҳанинг машҳур назарийчилари фикрларини келтиради, тадқиқотчи Саъдий ижоди мисолида ғазал камолат нуқтасига кўтарилганини қайд қилар экан, китобхонга мазкур жанрнинг мураккаб хусусиятлари ва унинг тараққиёт тарихи ҳақида зарур маълумотлар беради. Олима бу билан ғазалнинг маънавий моҳиятини тушуниб етиш учун унинг бадий жиҳатини тадқиқ этиш зарур, деган фикрни яна бир бор эслатади.

Умуман, ғазалчиликда бўлгани каби, Бобур ғазалларида ҳам икки қарама-қарши семантик марказ ажралиб туради. Улардан бири «мен» орқали ифодаланадиган образ — лирик қаҳрамон ёки шоир, иккинчиси эса «сен» ёки «у» орқали ифода қилинувчи

маҳбуба образи. Фикр ифодаси диалог асосига қурилган ғазалларда лирик қаҳрамон ёки шоир образи характеристикасига оид мотивлар кучли, фикр тасвирий асосда баён қилинган ғазалларда эса ёр, маҳбуба образига алоқадор мотивлар кенгроқ ўрин олади. Ғазалдаги фикрий йўналиш диалог тарзда — «сенга қаратилганми ёки тасвирий тарзда учинчи шахс «у»га қаратилганми, ундан қатъи назар, ҳамма ва ҳар қандай мотив шу икки маъно марказидан бирига алоқадор бўлиб чиқверади. Китобда ғазалдаги мотивларнинг семантик (маъно) марказларга қандай боғланишини кўрсатувчи бир неча жадваллар келтирилган. Тадқиқотнинг худди шу йўли, яъни унда ғазалдаги ҳар бир ибора — ишора, шеърӣ санъат намуналаридан семантик марказлар характеристикасига оид мотивлар топиб чиқарилгани ва уларнинг ҳисоб-китоби олима учун асосий мақсадга йўл топишда, яъни ғазал семантикасини аниқлаш ишида калит бўлиб хизмат қилган. Олиманинг тадқиқотлар жараёнида қўлга киритган муҳим ютуғи ҳам, бизнингча, ана шунда.

Китобнинг навбатдаги фасли ғазал қурилмасини ва байтлар орасидаги фикрий алоқа масалаларини тадқиқ этишга бағишланган.

Асарнинг «Бобур ғазалларида образлилик системасининг тузилиш принциплари» деб номланган учинчи фаслида тадқиқотчи таҳлил натижаларини жадвал орқали ифода этади. Бутина эмас, олима Бобур ғазалларидаги тасвирий воситалар системасининг туркий ғазалиёт тарихидаги ўрни ва унинг илдишларини очиб бериш мақсадида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида олинган мисра ва байтларни ўрхун ёзуви ёдгорликлари ва бошқа қадимий туркий обидалардан келтирилган парчаларни ҳам таҳлил қилади. Қадимги туркий ёдгорликлар намуналарини Бобур ғазаллари билан семантик жиҳатдан ва шеърӣ санъатлар нуқтаи назаридан таққослайди.

Муаллифнинг узок йиллар мобайнида туркий халқлар маданий ёдгорликларини чуқур ўрганганлиги унга аввалги мақолаларида баён қилинган кўпгина фикр ва хулосаларни қатъийлаштириш имконини берган.

Тўртинчи фасл «Бобур ғазалларида анъанавӣ мавзу ва унда муаллиф шахсининг ифодаланиши» масаласини очишга бағишланган. Бу ўринда, тадқиқотчи, Бобур ғазаллари шарқ шоирларининг анъаналари асосида вужудга келган оддий таъсир самарасини ёки унинг реал ҳаётига алоқадор кечинмалар ифодасини, деган саволни ўртага ташлайди. Олима мазкур муаммони ҳал қилишни икки босқичда амалга оширган. Биринчи босқичда умуман классик санъаткорлар ижодида ушбу масаланинг қай даражада эканлигини аниқлайди. Иккинчи босқичда эса Бобур ғазалларининг мазмуни ижодкорнинг мураккаб ҳаёт йўлидаги айрим воқеа-ҳодисаларга қиёсланади.

И. В. Стеблева китобнинг қимматини Бобур ғазаллари семантикасини аниқлаб берганида, деб тушуниш камлик қилади. Тадқиқот Бобургача бўлган ва ундан кейин давом эттирилган классик поэзиянинг, хусусан, туркий ғазалчиликнинг ўзига хос тарихидир. Бироқ мазкур катта ишда баъзи нуқсонлар ҳам учрайдики, улар ҳақида

тўхталиб ўтишни лозим топдик. Кўзга ташланадиган камчиликларнинг биринчи хили тажнис ва муродифлик (омонимия ва синонимия) соҳаси билан боғлиқдир. Маълумки, ўзбек классик адабиётида тажнис ва муродифликдан фойдаланиб ийҳом санъати ва муносабат омили вужудга келтирилади. Бу, ўз навбатида, асарнинг бадиийлик даражасини кучайтиришга хизмат қилади. Ғазалнинг семантик таҳлили шеърӣ санъатларни ечиш асосида амалга оширилган мазкур тадқиқотда масаланинг бу жиҳатларини четлаб ўтиш, назаримизда, унинг пухталигига маълум маънода таъсир этган.

Лабинг бағримни қой қилди, кўзумдин қон равон қилди,

Нега ҳолим ёмон қилди — мен ондин бир сўрорим бор.

Бу байтнинг тузилишини таҳлил қилар экан, муаллиф, унда шеърӣ санъатлардан мураат ан-назир ва ташбеҳи идмор қўлланганини қайд этади-ю, улар қаторида ийҳом санъати хусусида тўхталмайди. Ҳолбуки, «сўрорим» сўзи бу ерда ийҳомда ишлатилган. Бундай ҳолат тадқиқотдаги бошқа ғазаллар таҳлилида ҳам гоҳо очик сезилади.

Китобдаги иккинчи хил камчиликлар матндаги чалкашликлар билан боғлиқ тарзда содир бўлган. Матнда котибларнинг айби билан баъзан айрим нуқсонларнинг юз бериши маълум. Тадқиқотчи илмий-мантиқий асосда ана шундай нуқсонларни тўғри-лаб кетиши лозим эди. Китобда эса бу хил чалкашликларга эътибор берилмайди.

Яна бир хил камчиликлар айрим сўзларнинг маъносини янглиш тушуниш оқибатида юзага келган.

Тош урар атфол мени уйида фориг

ул пари,

Телбалардек қичқирурмен ҳар замон

тошдин яна.

Китобнинг 61-саҳифасида бу байтдаги «тош» сўзи ҳам, «тошдин» сўзи ҳам «камень» тарзида таржима қилинган. Иккинчиси «снаружи» (ташқи томондан) деб тушунилса ва тушунтирилса байтнинг латофати яққол кўринади.

Китобда А. Н. Самойловичнинг Бобур шеърӣни таржимасига оид хизматлари ҳам қайд этилса янада яхши бўларди.

Юқоридаги камчиликлар катта тадқиқотнинг қимматини пасайтирмайди. Нега? Бунинг бир неча сабаблари бор.

Муаллиф, энг аввало, туркий халқлар адабиётида ғазал жанрининг шаклланиши ва ривожи тарихини, бу тарих босқичларини; туркий тиллардаги ғазалнавислик билан араб ва форс-тожик тилларидаги ғазалнавислик ўртасидаги алоқалар, ўзаро таъсирлар тарихини, шу билан бир вақтда, туркий тиллардаги ғазалнависликнинг ўзига хос йўли, оригиналлик белгилари, уларнинг бош манбаларни, бу ғазалчиликдаги шеърӣ санъатларнинг турлари, айрича хусусиятлари ва генезисига оид кўпгина масалаларни тилга олади ва уларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Китобнинг аҳамияти ана шу фазилатлари билан белгиланади.

Омонулла ВАЛИХОҶОВ,
Фатҳиддин ИСҲОҚОВ.

Ишонч ва бурч

Салоҳиддин Мамажонов.
Ишонч ва бурч. «Еш гвардия» наш-
риёти, Тошкент — 1982.

Тоғ чўққисидан пастга қараганда ҳамма нарса кафтда тургандек кўзга равшан ташланади. Уйлар, дов-дарахтлар, дарё, сойларнинг қандай жойлашганини ва гўзаллигини, салобатини яққол ҳис қиламиз. Адабиётимизнинг айрим даврлари таҳлилига бағишланган китобларни ўқиганимизда ҳам шундай ҳолатга тушамиз. Фарқи шундаки, танқидий китобларни кўздан кечирганимизда илгаридан таниш бўлган асарларга мунаққид нигоҳи орқали қайта назар ташлаймиз. У ёки бу асар юзасидан туғилган таассуротларимизни унинг фикр-мулоҳазалари ҳамда ҳаёт ҳақиқатлари билан таққослаймиз. Таниқли адабиётшунос олим Салоҳиддин Мамажоновнинг «Ишонч ва бурч» номли адабий-танқидий мақолалардан иборат тўплами ҳам ана шундай нигоҳ билан ёзилган китоблардан биридир.

Олимнинг таҳлил кўлами кенг — ўзбек болалар адабиётининг қарийб сўнгги ўн йилликдаги тараққиёт жараёнлари, ютуқлари ва айрим камчиликлари хусусида батафсил сўз юритишга ҳаракат қилади.

Тўпламнинг иккинчи фазилати олимнинг баён қилиш услуби билан боғлиқ. Одатда, «Еш гвардия» нашриётида босилган кўпгина адабий-танқидий асарлар, гарчи катта ёшдаги болалар ва ўсмирларга бағишланган бўлса-да, таҳлил аксари академизм ва илмийлик билан йўрилгани учун баён қилинган фикрлар мағзини чақишда ёш китобхон қийналиб қолар эди. «Ишонч ва бурч» да бундай ҳолат сезилмайди. Муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини ҳар қандай ёшдаги китобхон бемалол ҳазм қила оладиган тилда баён этишга муваффақ бўлган.

Шуниси муҳимки, мунаққид гапни бирданга бадий асарлар таҳлиладан бошламайди. Дастлаб уни нафосат оламини ҳис этиш ва тушунишга тайёрлайди. Бадий адабиётнинг маърифий-тарбиявий аҳамияти хусусидаги «Гўзаллик дунёси сари» мақоласи шу мақсадга хизмат этади. Унда олим инсон камолотида сўз санъати беқиёс катта роль ўйнашини Алишер Навоий, В. Г. Белинский, Н. Г. Чернишевский, А. П. Чехов каби мутафаккирлар ва Абу Али ибн Сино, Форобий, Веруний, Леонардо да Винчи ва Ломоносовлар ҳаёти мисолида жонли ҳикоя қилади. Шундан кейингина китобхонни гўзаллик дунёси — бадий адабиёт олами сари етаклайди.

Танқидчи бадий асарга баҳо беришда адабиётнинг туб масаласи бўлган қаҳрамон образини асосий мезон қилиб олади. У ўз

фикр-мулоҳазалари китобхонга тўла етиб боришини таъминлаш мақсадида яна бир қулайлик яратади: совет болалар адабиётининг классик намуналарини таҳлилга тортади. Шу билан бир қаторда, болаларга мактаб дарсликларидан яхши таниш бўлган Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ойбек каби атоқли ёзувчиларнинг ижодий оламига саёҳат қилади.

Олим ўзбек болалар адабиётида жиддий сифат ўзгаришлари юз бераётганини Худойберди Тўхтабоев, Темур Пўлатов, Латиф Маҳмудов, Фарҳод Мусајонов, Райм Фарҳодий, Миразиз Аъзам, Эргаш Раимов, Турсунбой Адашбоев, Сафар Барноев каби кейинги авлод вакиллари ижоди билан боғлаб кўрсатади. Унинг фикрича, эришилган марра ҳеч қачон чегара бўлиб қолмаслиги зарур. Негаки, ҳаёт жадал суръатлар билан илгарилаб бормоқда. Шу муносабат билан олим кўпгина асарларда қаҳрамонсизлик ҳамон сақланиб қолаётганини ҳаққоний танқид қилади.

Болаларни севги-муҳаббат масалалари билан таништириш керакми-йўқми, деган савол бир вақтлар ёзувчилар, танқидчилар ўртасида турли бахсларга сабаб бўлган эди. Мунаққид бу муҳим мавзунинг ёшларни тарбиялашдаги аҳамиятини таъкидлаш билан бирга, бадий ижодда уни «енгил-елпи ҳал қилиш ҳоллари ҳам учраётганлигига» алоҳида урғу беради. «Айниқса, бу мавзунини, — деб ёзади муаллиф, — шу кунги ҳаётимиз билан, одамларимизнинг, ёшларимизнинг шу кунги тақдири, руҳи, характери билан, замоннинг катта масалалари билан боғлаб ҳал қилишда баъзи ёшларимиз оқсаб қолмоқда.»

Салоҳиддин Мамажонов болалар прозасидаги иллатлардан яна бири қаҳрамон тилининг индивидуаллаштирилмаганлигида эканлигини тўғри таъкидлайди. Баъзи асарларнинг қаҳрамонлари бир хил услубда силлиққина гапирадилар. Улар орқасида «суфлёрлик» қилиб турган ёзувчини пайқаш қийин эмас. Бу эса қаҳрамон хатти-ҳаракатига ишончсизлик кайфияти уйғотади.

Олим болалар поэзия ва драматургияси ҳақида гапирганда ҳам бадий маҳорат масалаларини диққат марказида тутаяди. Бу борадаги камчиликларни «янги ва қизиқарли, муҳим ҳаётий материални кўтариб чиқмаслиги»дан, унда «изланувчи, курашувчи, катта ният билан нафас олувчи қаҳрамоннинг йўқлиги»дан, айниқса, ижодкорнинг бадий қашшоқлигидан излаганида мунаққид тамоман ҳақлидир.

Танқидчининг айрим асарларда ҳис-ҳаяжон ва жўшқин қалб кечинмалари етишмаслиги ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам жон бор. Бу нарса, айниқса, шеърый асарларга хосдир. Өлим шоирларни ижодда болаларнинг ёш хусусиятларини унутмасликка, талабчанликка қақиради.

Шу билан бирга, китобда қиёмига етмаган ўринлар ҳам учрайди. Масалан, айрим ҳолларда кўпчилик ёзувчилар ижодига хос умумий камчиликлар ҳақида сўз боради-ю, муаллиф негадир уларни конкрет асарлар мисолида, кўрсатишга истиҳоло қилади. «Болалар адабиётида замонавийлик ва маҳорат масалалари», «Болалар поэзияси» мақолаларида эса, саноклар кўпайиб кетган. Шунга қарамасдан, болалар адабиётининг сўнгги йиллардаги тараққиёти хусусида юксак талаблар асосида куюниб сўз юритилганлиги «Ишонч ва бурч» китобининг муҳим фазилатидир. Мазкур тўплам кичиктоғлар адабиётининг маълум даври ҳақида яхлит тасаввур беради ва бир бутун асар сифатида таасурот қолдиради.

Сафо МАТЧОНОВ,
филология фанлари кандидати

Кўнгилга жойланган умидлар

Мурод Муҳаммад Дўст. Галатепанага қайтиш. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1983.

Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепанага қайтиш» романи «Ешлик» журналида чоп этилиши билан танқидчилар диққатини тортди. Асар ҳақидаги мунозарани Абдуғафур Расулов ва Аҳмад Аъзамлар бошлаб беришди. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1982 йил 29 октябрь). Абдуғафур Расулов асарни қисса дейди. Лекин, танқидчи бу фикрни мазкур жанрнинг специфик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда исботлай олмаган. Аҳмад Аъзам воқеаларнинг кўпқиррали эканлигини ва уларнинг турли характерлар томонидан рангбаранг талқин этилишини ҳисобга олиб «Галатепанага қайтиш»ни роман деб атайди. Бизнингчә ҳам Аҳмад Аъзамнинг фикрида асос бор. Тўғри, «Галатепанага қайтиш»нинг композицион қурилишида ҳам; ундаги замон ва макон тасвирида ҳам ҳозирги жаҳон адабиётида яратилган машҳур асарларнинг таъсири сезилади. Лекин бу нарса баъзи танқидчилар назаридаги тақдидчилик эмас, балки асрлар оша яшаб желяётган фольклор, рус, ғарб ва ўзбек классик адабиёти анъаналари билан, қолаверса, қиёсий адабиётшуносликнинг адабий таъсир ва типология масалалари билан боғланиб кетади.

Танқидчи Норбой Худойберганов шу асар хусусида фикр юритиб Мурод Муҳаммад Дўстни «ҳаёт мантиқи меъёри»га риоя қилмасликда айблайди. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1983 йил 28 январь). Лекин мунаққид «ҳаёт мантиқи меъёри» деганда нимани назарда тутатганлиги қоронғи.

Норбой Худойберганов ўша мақоласида Мурод Муҳаммад Дўстни талантли, истеъдодли ёзувчи эканлигини эътироф этган. Худди шу ерда, мақола мантигидан келиб чиқиб қаралса, танқидчи ўз-ўзини инкор қилаётганга ўхшайди.

«Галатепанага қайтиш»нинг композицииси

ҳалқа шаклида қурилган. Воқеа бошланади, ўртада ўтмишга, бошқа қаҳрамонлар тақдирига экскурсия қилинади, яна бугунга қайтилади. Хуллас, бугун билан ўтмиш воқеалари галма-галдан алмашиб келади. Композиция жиҳатидан ана шу тарзда қурилган романлар ўқувчиларни изидан эргаштирибгина қолмай, уларни фикрлашга, қаҳрамон руҳий оламига чуқурроқ кириб боришга ундайди.

Асарнинг бош қаҳрамони Ғайбаров даврасидагилардан анча илгарилаб кетган одам. У, ҳар бир инсоннинг кўнгли тоза бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди.

Инсон боласи туғилганда бегуноҳ бўлади-ку! Нега айрим одамлар табиатга нисбатан жуда қисқа умри давомида қаллоблик, жиноят, хиёнат қиладилар. Одамлар феъл-авторидаги иллатларни қандай йўқотиш мумкин? Асар қаҳрамонини худди ана шу саволлар қийнайди.

Ғайбаров ҳамма одамлар гўдаклардай самимий ва бегубор бўлишини истайди. У ўз ҳаётида бунинг аксини кўради. Шу туфайли у, Аҳмад Аъзам таъбири билан айтганда, дўстлари орасида ёлғизланиб, «даврандан ташқаридаги одам»га айлашиб қолади.

Ғайбаров инсоннинг қадрини улугълайдиган хусусиятлар олижаноблик, орият ва ғурур, деб билади. Унинг учун бу фазилатлар ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Ғайбаровнинг отасига бўлган меҳру муҳаббати оддий сўзлар шаклига сиғмайди, у юрагининг тубига тош бўлиб чўккан, кўз ёш бўлиб қалқмайди. Бир эсланг-а, укаси Мавлонбой алоҳида участка солаётганлигини билганда у ич-ичидан отасини ўйлаб эзилади, унинг ёлғиз қолишидан қўрқади. Ўзининг аҳволи ва имкониятларини ҳисобга олиб, укасига ҳеч нарса дейлмайди. Ута ақлли, фаросатли одамларгина шундай йўл тутади. Жонкуярликни (ҳақиқий ва сохталигидан қатъи назар) фақат сўз ва ҳаракатларда кўравериб кўникаб қолганлар, инсон қалбига парчинланган муқаддас туйғулар билан ҳисоблашмайдиганлар Ғайбаровнинг отасига муносабатини ҳеч қачон тушунмайдилар.

Асарда Ғайбаровнинг хотиралари билан боғланиб кетган Райим оқсоқол, Инара, Анзират кампир, Мурод жиннилар тақдир чўқур драматизм билан суғорилган бўлиб, ўқувчи қалбини ҳаяжонга солади. Вадий асарда ўзи бевосита иштирок этмаган персонажларни бошқа қаҳрамон хотиралари орқали ишонарли ва жонли тасвирлаш ёзувчидан катта маҳорат талаб қилади. Мурод Муҳаммад Дўст шунга интиляётган ижодкор.

Мурод Муҳаммад Дўст руҳий ҳолатни тавирлашда аналитик усулни қўллайди. Шунинг учун ҳам қаҳрамонининг руҳида фикр ва туйғулар оқими, уларнинг ҳаракати ҳукмронлик қилади. Романда ички монологларнинг турли кил кўринишлари — монолог — хотира, монолог-мулоҳаза, монолог — муҳокамалар мавжуд. Шу билан бирга, асар баъзи камчиликлардан ҳам ҳоли эмас.

Жумладан, Ғайбаровнинг дўстларига муносабати, ҳар бир дўстнинг характери, маънавий олами асарда кенг планда тасвирланади, лекин у ишлаётган институтдаги ички муҳит етарлича очилмай қолган. Ваҳо-

ланки, асар қаҳрамони илм кишиси. Шундай экан, институт муҳити кенгроқ тасвирланиши лозим эди.

«Шоир», «Соқол» деб номланган қисмлар асарнинг композицион бутунлигини бўшаштириб турганга ўхшайди.

Мақсуда АБДУВАХОБОВА.

ОДОБ — НОЕБ БОЙЛИК

Эркин Юсупов. Фозилжон Исмоилов. Инсон одоби билан. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент — 1983.

Инсон энг аввало, ўзининг хулқ-атвори, одоб маданияти билан улуг ва гўзалдир. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Эркин Юсупов ҳамда фалсафа фанлари кандидати Фозилжон Исмоиловларнинг қаламига мансуб «Инсон одоби билан» номли китобда ана шу инсоний фазилат тўғрисида сўз юритилади.

Китобда одоб маданиятининг мазмун ва моҳияти, унинг асосий белгилари, намоен бўлиш шаклларига оид қизиқарли фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Муаллифлар китобда одоб маданиятининг муҳим тўрт томонига алоҳида эътибор берганлар.

Биринчидан, одоб-ахлоқ нормалари пайдо бўлишининг манбалари, уларни келтириб чиқарган, ривожлантирган ва ҳаракатга келтирадиган асосий куч ва сабаблар ишонarli ёритилган. Муаллифларнинг қайд этишича, одоб-ахлоқ нормаларини келтириб чиқарган ва унинг тараққиётини белгилайдиган манба — бу жамятининг моддий ҳаёт шароитлари, социал-иқтисодий муносабатлар, табиий муҳит талаби ва халқларнинг зарурий эҳтиёжлари бўлган.

Иккинчидан, асарда таъкидланганидек, одоб-ахлоқ нормалари — халқнинг энг бебаҳо ва нодир ахлоқий бойлигидир. Шу жиҳатдан, китобдаги, меҳнаткаш халқ афсоналар, эртақлар, дostonлар, қўшиқ ва музыкада ўзининг орзу-умидини ифодалаган, уларда одоб-ахлоқ борасида ибрат намунаси бўлиб қолган кишилар куйланган, деган фикрга тўла қўшиламиз.

Учинчидан, синфий антогонизм, социал-адолатсизлик ҳукмрон бўлиб келган жамятларда одоб-ахлоқ қондалари ҳукмрон синфлар манфаатини ифодалагани асосланган.

Тўртинчидан, китобда жаҳондаги бошқа халқлар сингари ўзбек халқининг ҳам асрлар давомида одоб-ахлоқнинг гўзал ва бебаҳо намуналарини яратиш ҳамда ри-

вожлантиришда қўшган ҳиссаси ҳақида кенг маълумот берилган.

Маълумки, совет кишининг маънавий қиёфасини характерлайдиган юксак фазилатлар жуда кўп. Шунлардан бири — совет ватанпарварлигидир, албатта. «Она-Ватан туйғуси» деб аталган бўлимда шу ҳақда хикоя қилинган. Унда ёзилишича, инсон ўз Ватанини севмаса, унга садоқат билан хизмат қилмаса, у ҳақиқий инсон бўла олмайди. Ватанпарварлик унинг энг олижаноб ва энг муҳим фазилати, одамийлигининг чинакам белгисидир.

Китобни ўқиб мобайнида таҳлил объекти қилиб олинган масаланинг моҳиятини чуқур очиш маъносиде муаллифларнинг фақат ҳозирги замонда яшаётган атоқли арбобларнинг фикрларидангина эмас, балки дунёнинг турли бурчакларида ҳар хил даврларда яшаб ижод қилган олис ўтмишдошларимизнинг бой фалсафий-илмий меросларидан ҳам унумли фойдаланганликларига гувоҳ бўламиз. Шарқ халқларининг, айниқса, ўзбек халқининг бир неча асрлар давомида яратиб келган мақоли ва ривоятлари, ҳикматли сўзларидан ўрни-ўрни билан фойдаланиш, бир томондан, асарнинг ўқиш-лилигини кучайтирган, мазмунини чуқурлаштирган ва бойитган бўлса, иккинчи томондан, унинг илмий, маърифий ҳамда тарбиявий аҳамиятини янада оширган.

Китобда одоб-ахлоқнинг ҳамма даврларда ҳам қадр баланд ҳисобланган муҳим қондалари тўғрисида кенг тўхталинган. Одоб маданиятининг муҳим қирраларидан саналмиш камтарлик, инсоний қадр-қиммат, дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик, самимийлик, тўғрилиқ, вазминлик, буюк зот — оналарни тоабат эъзозлаш борасида фикр юритиб муаллифлар улуг доҳийларимиз — Маркс, Энгельс ва Лениннинг шахсий ҳаётларидан, кўпқиррали ижтимоий-сиёсий фаолиятларидан ибрат бўладиган далиллар келтиришган. Буюк мутафаккирлар ҳаётдан олинган конкрет мисоллар ушбу асарнинг илмий-назарий, гоъвий-сиёсий ва ахлоқий-маърифий қимматини кучайтирган. Шу билан бирга китобда социалистик жамятимизга батамом зид ҳисобланган, инсонни маънавий жиҳатдан қашшоқ, ахлоқий жиҳатдан нопок бўлишига олиб келадиган фирромлик, бепарволик, текинхўрлик, чайқовчилик, порахўрлик, интизомни бузиш, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаш каби иллатлар кескин қораланиб, уларга қарши қандай курашиш зарурлиги ҳақидаги мулоҳазалар ўртага ташланади.

Жондор ТУЛЕНОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор.
Зоҳир ҒАФУРОВ,
фалсафа фанлари кандидати.

ИНСОННИ ТУШУНИШ

Эргалаб райкомдан «Раис, ҳеч қаёққа кетмай турина, ҳозир ёзувчилар боради», деб қўнғироқ қилишди. Ёзувчилар келса нур устига аъло нур-қў! Ёзувчилар таширф буюришса одамларимизнинг руҳи кўтарилади, қувонишади.

Уттиз-қирқ нафар мактаб боласини яхши кийинтириб, қўлларида гулдаста билан уларни кутиб олишга тайёргарлик кўриб қўйдик. Ишқилиб меҳмонлар хурсанд бўлса бизнинг ҳам, районнинг ҳам ҳурмати... Ҳатто радиоузел орқали «Колхозимизга ёзувчилар келишяпти, ҳозир улар сизлар билан учрашмоқчи. Шунинг учун у ёқ, бу ёқни саранжом саришта тутиб ўтиринглар. Меҳмонларга кулги бўлмайлик», деб эълон ҳам қилиб қўйдик.

Меҳмонлар келишди. Уларни рисолада кўрсатилганидек тантана билан кутиб олдик. Меҳмонлар колхозимизнинг данғиллама идорасини томоша қилишди. Мени неча йилдан буён раислик қилаётганимни сўраб-суриштиришди. Шу пайт райондан тайинланган вакил ёнимга келди-да:

— Меҳмонларга жой ҳозирланганми? — деб сўраб қолди.

— Жой ҳозир бўлади, унганча меҳмонларни бир дала айлантириб келсак. Колхозчиларимиз уларнинг келишини илҳақ бўлиб кутишяпти.

— Умрингизда ҳеч вақт меҳмон кутганмисиз ўзи? Бир пиёла чойсиз далага таклиф қилсангиз-а.

Меҳмонлар олдида ўзимни аранг босдим. Бўлмаса вакилга аччиқ-аччиқ гапларим бор эди-я.

Жой ҳам, меҳмондорчилик ҳам кўнгилдагидек бўлди. Утирибман-у, далада, меҳмонлар йўлига кўз тикиб кутаётган одамларни ўйлайман. Тушлик ҳам тугаб, ишга тушиб кетишмадимкин, дейман. Аммо, меҳмонларнинг гап халтаси очилиб қолдими, билмайман, ҳазил-мутойиба, аския бошланиб кетди.

Ниҳоят меҳмондорчилик тугади. Улар кўзғалишди.

— Пахталар қалай? — деди йўлкай оқ юз, сочлари ҳам қордай оппоқ одам. — Кўсаклар ҳам очилай деб қолгандир?

— Раҳмат, — дедим қўл қовуштириб. — Ҳали.. ҳозир кўсак йўқ. Бу йил пахтаимиз кечки.

— Нега, сувдан қисиб қўйгандирсизларда, а?

— Аксинча, сув сероб бизда. Фақат дўл, еел туфайли нигитни икки қайта эдик.

— Ха, ҳа, — деди меҳмон.

— Далаларни айланайлик, одамларимиз билан учрашинглар. Хўп шоритабиат, аскиячи одамларимиз бор..

— Далани бошқа сафар айланамиз, — чўрт кесди район вакили. — Яна бошқа хўжаликка ҳам айтиб қўйганмиз. Аммо ярим соатча кечикдик. Тезроқ етиб бормасак бўлмайди, — у шундай деб қўлимга бир даста қоғозни берди. — Шуларни тасдиқлаши керак эди, муҳр сиздами?

Қарасам «Путёвка»лар экан. Рости гашим келиб тургани учун жеркиганнамо:

— Муҳр менда бўлмайди, бош бухгалтерда. Ушани олдига киринг, тасдиқлаб беради, — дедим.

Улар кетишди. Бир оз ўтгач бош бухгалтерим халлослаб келиб:

— Э, бизларни хўп тушириб кетди-ку! — деб қолди.

— Қанақасига туширади? — дедим ҳайрон бўлиб. У тушунтирди: Путёвка учун фалон пул, совға-салом учун фалонча сўм, ўтириш учун фалонча, ҳаммаси бўлиб анойи ҳам эмас. Чўтга тушди-ю, ҳаммасини ойнадай кўз олдимга келтириб қўйди.

Сиз, азизлар, раис ҳамма нарсани пулга чақадиган экан, деб ўйламанг.

Пул кетгани алам қилаётгани ҳам йўқ, колхоз барака дарёси дейишади, меҳмондорчилигимизни таъна қилаётганим ҳам йўқ. Фақат одамлар олдида юзимиз шувит бўлиб, уларга ёлгончи бўлганимиз қолди, холос. «Ёзувчилар келади дегандингиз, раис. Қани улар?» деб сўроқлаб қолишса уларга нима деб жавоб қилишни билмай мулзам қотганимиз қолди...

Мен «гавжум шаҳардаги бир хил ҳаракатдан зериккан фикр одами қийлоққа келганидан кейин ёзилажак асарни қаҳрамонлари билан учрашади, улар дилидан кечган аччиқми, ши-

ринми, қувончлими, маҳзунми дардларига ошно бўлади», деб ўйлар эдим.

Назаримда, ўз зиммасидаги масъулия, наинки масъулия, балки катта ишончни қалбдан ҳис қилган ёзувчигина ўтказган ҳар бир кунини самарасиз якунламайди. Ният қилган, умид қилганини амалга оширади. Халқ фикр-зикри, дилини ифодалаган ёзувчилар озми? Ёзувчилар номини эшитган ҳар бир одамнинг қалбида ифтихор уйғонади, руҳи тетик тортиб, ўша адиб асарларидаги қаҳрамонлар унинг кўз ўнгиди намоён бўлади.

Яқинда ўғлим бир китоб бериб «Шуни албатта ўқинг, раислар ҳақида экан!» деди. Ўқидим, ўқиб чиққач ўғлимни койидим: «Сени деб кўз нуриمنى бекорга сарф қилдим!».

— Нима бўлди, ёқмадимми? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Ёқмади дейсан-а?! Қўлга китоб олганингдан кейин у сенга нимадир бериши керакми, керак. Эсинг йўқ бўлса, китобни ўқигач, ақлинг кириши керак. Раис ҳақида бўлгани учун «Хўш, раис қанақа бўларкин?» деган ўй билан бошдан охиригача ўқидим. Назаримда ёзувчи хонасида ўтириб, папиросни чекиб ёзаверибди, ёзаверибди, аммо чинакам раис, дала, тутуннинг ичида қолиб кетибди. Даланинг аччиқ чангилам, одамлар дарду ҳасрати ҳам ёзувчи эhtiборидан четда қолиб кетибди. Раис эмас, ўша китобдаги. Ғирт олифта, қўпол бўлса ҳам айтай: сатанг одам. Мен уни раис деб аташга ор қиламан.

Китобдаги раис нима қилади, денг: анчагина маблағ сарфлашиб идорасига бошқарув аппарати ўрнатади. Шу орқали бригадаларда бўлаётган, бажарилаётган ишлар ҳақида ахборотлар олиб туради. Мехнатни илмий асосда бошқариш дегани шу эмиш. Машинасидан тушмайдиган, одамлар дилини тингламайдиган раис кимга керак? Арининг захрини билмаган бол қадрини билармиди? Колхозга келиб, идорадан нарига ўтмайдиган, колхозчи дилини, қишлоқни, пахтачиликнинг ўзига хос сир-асрорини билмаган ёзувчи нима қиларди, дейсиз, ўтириб, ҳалигидақа раисларни ёзиб ташлайверади. Тўғри эмасми?

Колхозимизда ўзини пахта ишига бағишлаган, ишини яхши биладиган, ўзига мустақил бригада бошлиқлари жўда кўп. Улар пахтачиликни яхши тушунмайдиган, бу соҳадан йироқ одамни гап-сўзлариданоқ билйшадида, уларни пахтазорга киритишмайди. Шобарот акага ўхшаганлар эса «Пайкалимда айланмоқчи бўлсанг ювиниб, покиза бўлиб кел, йўқса кирмайсан»,

деб туриб олади. Ёзувчи мана шунақа деҳқонлар билан учрашса, гаплашса катта бойликка эга бўларди, деб ўйлайман. Агар қалам аҳли меҳнат аҳли билан яқинроқ бўлса, сохта шов-шувлар ҳам барҳам топарди. Мана, бир мисол.

Олимларимизга, селекционерларга тан бераман. Йилдан йилга пахтанинг янги-янги навларини яратишяпти. Лекин бир нарсага эътирозим бор: пахтанинг ҳосилдорлиги чегараси аниқ айтиб берилмаяпти. Онда-сонда қулоққа шундай гаплар ҳам чалиниб қолади. «Фалон колхознинг фалончи бошлиқ бригадаси пахтакорлари ҳар гектардан 60 центнердан ҳосил кўтарди. Яна ўн центнердан ҳосил олиш юзасидан қўшимча мажбурият олишди». Ишонса бўладими, шунга? Мен очик айта оламан: бу осмондаги гап.

Районимизда бир бригадир бўларди. Доимо йиғилишларда сўзга чиқиб «Ҳар гектардан 65 центнердан ҳосил оламан!» дея оғиз кўпиртирарди. Кузда эса ҳосилдорлиги 32—35 центнерга етиб-етмасди. Бироқ, ҳеч ким уни шу иши, мақтанчоқлиги учун қизартирмас, ўз навбатида у ҳам изза чекмасди. Хўш, десангиз, у қарсак эшитиб, мақтанаверса-ю, у ёқда ёз бўйи ҳалол меҳнат қилиб 30—35 центнердан ҳосил олган асл заҳматкаш бўйинини кўтар олмай юраверса? Йўқ! Виждони бўлса ўша бригадир кўкрагига уриб ҳаволанмасди, бўйи шарга ўхшаб ҳадеб шишмасди. Шишган пуфакнинг тақдири ҳаммага маълум-ку! Адолат бор, изласанг, интилсанг, тагига етсанг адолатни барқарор этишинг мумкин. Адолат шу бўлдики, ўша бригадир саҳнадан паққос чиқиб кетди. Ёзувчи учун мана шу воқеалар керак эмасми?

Хуллас, далага чиққан ёзувчи учун гап топилади. Энг муҳими, бу ерларга фақат кўнгил ёзиш, тоза ҳаводан нафас олиш учун эмас, моддий неъматлар яратаётган қадоқ қўлли меҳнаткаш билан бақамти суҳбатлар қуриш учун, уларнинг дилидагини билиш учун келиш керак. Мен барча ёзувчилар бизнинг меҳмонлар каби, демоқчи эмасман. Деҳқонлар ҳузурига келиб, ҳафта-лаб, ойлаб турадиган, уларга қўшилиб далада меҳнат қиладиган ёзувчиларни ҳам биламиз. Худди ана шундай ёзувчилар халқ қалбида қалам аҳлига нисбатан хурмат ўйғотган. Мен битта-иккита ҳавойи ёзувчи туфайли бу хурматга доғ тегишини сира-сира естамайман. Шунинг учун ҳам қўлга қалам олдим.

Алибой ОҚБўТАЕВ,

Андижон область Хўжабод районидаги Абдулла Набиев номли колхоз раиси

Бизнинг календарь

ХАЛҚ ХОТИРАСИДА

(Тарас Шевченко туғилган куннинг 170 йиллигига)

Украин ва ўзбек халқларининг тақдири ва кўхна тарихида кўплаб муштарак жиҳатлар мавжуд. Бу, аввало, икки халқнинг чор самодержавияси таъқиби остида ўз озодлиги учун ижтимоий ва миллий зулмга қарши олиб борган курашида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам икки халқнинг маданияти ва адабий алоқаларида узилмас дўстлик ришталари борлигини кўрамиз.

Украинада буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳамда инқилоб жарчиси Ҳамза ижодини нечоғли ҳурмат қилиб, эъзозласалар, ўзбек диёрида Тарас Шевченко ҳам шунчалик ардоқланади. Бу ўзига хос тарихга эга. 1919 йил 31 мартда Украина коммунистларининг Тошкент секцияси РКП(б) Тошкент Комитетига Тарас Шевченко хотирасини абадийлаштириш тadbирлари тўғрисида қуйидаги мактубни йўллаган эди: «Маълум қиламизки, шу йил 7 апрель (душанба) кuni коммунистлар партиясининг Украина секцияси буюк революционер, мазлум халқ озодлиги учун курашчи Т. Г. Шевченко вафотининг 58 йиллигини нишонлайди.

Шу муносабат билан мазкур секция Т. Шевченко (собиқ Константинович) кўчаси бўйлаб манифестация юриши ўтказишни мўлжалламакда. Республика Марказий Ижроия Қўмитасидан рухсат олиш учун кў-

маклашишингизни сўраймиз.»

Бу украин ва ўзбек халқларининг Улуғ Октябр инқилобидан кейинги дастлабки йилларда революционер-шоир хотирасини абадийлаштириш учун қўйган илк қадами, хайрли ишнинг муқаддимаси эди. Ордан кўп вақт ўтмай, Т. Шевченко номи буюк Алишер Навоий ва ўтмишдаги бошқа буюк сиймолар каби барча қардош халқларнинг «янги, эркин оила»сида таркиб топган интернационал дўстлик ва қардошлиқ тимсолига айланиб қолди. «Шевченко биз билан, — деб таъкидлаган эди украин шоири, академик Максим Рильский, — Шевченко улуғ, озод ва янги оиламизда мангу яшайди.»

Чор самодержавияси давридаёқ ҳоким ва тўралар таъқиқига қарамасдан фидойи ҳайкалтарошлар, рассомлар, шоирлар ва адабиётшунослар улуғ халқ даҳоларининг образларини абадийлаштиришга, уларнинг ижодий меросларини ўзга тилларга таржима қилишга уринган эдилар. Айниқса, чор Россиясида яшовчи барча мазлум халқларнинг оғир ҳаётини, орзу-умидларини ифода этган Т. Шевченко адабий мероси борасида тараққийпарвар кучлар билан реакция ўртасида муро-сакиз кураш борган эди. Мана бир мисол: ўтган асрнинг 60-йилларида

таниқли рус ҳайкалтароши Михаил Микешин Россиянинг 1000 йиллиги шарафига улкан монументал асар яратишга киришади. У асар композициясини бойитиш мақсадида лойиҳага улуғ рус шоири Пушкин, композитор Глинка, рас-сом Брюллов ҳамда Гоголь ва Шевченколари сиймосини ҳам киритди. Бироқ тахт соҳиби Александр II ҳайкалтарошнинг лойиҳага илова қилинган тушунтириш қатига ўз қўли билан шундай деб ёзган эди: «Гоголь тасвири сақлаб қолинсин, Шевченконинг ўзбошимчалик билан киритилган тасвири олиб ташлансин ва бундан кейин ҳушёр бўлинсин.» Шундан кейин ҳам академик Ф. Каменский, Р. Бах, М. Пименов, П. Забила, М. Гаврилко каби ҳайкалтарошлар буюк қўбузчи сиймосини абадийлаштириш учун кураш олиб бордилар. Шуниси диққатга сазоворки, чор ҳукмдорлари Украина ва Россияда Т. Шевченкога ҳайкал ўрнатмоқчи бўлган ҳар бир кишига таъйиқ ўтказиб турган бир пайтда, 1881 йили буюк қўбузчи сургун қилинган жойда — олис Қозоғистонда унга ҳайкал ўрнатилди. Бу — Т. Г. Шевченконинг чор Россиясидаги биринчи ҳайкали эди.

1905 йил революцияси Россия ва Украинадаги афкор омманинг ижтимоий ва миллий озодлик ҳаракатини кучайтириб

юборди, бу қудратли тўлқин чор империясини ларзага солди, унинг аксадоси Қозоғистон ва Туркистон каби чекка ўлкаларгача етиб келди. Бу курашда Т. Шевченконинг даъваткор шеърлари ҳам кўп миллатли Россия меҳнаткашларининг интернационал байроғига айланиб қолди. Инқилобчилар энди жандарм ва чиновниклардан Т. Шевченко хотирасини абадийлаштириш учун рухсат сўрамасдилар, балки бу хусусдаги қонуний ҳуқуқларини талаб этардилар, унинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ жойларни муқаддас зиёратгоҳ деб эълон қилардилар. 1909—1913 йилларда қаттиқ таъқибга қарамасдан, демократия ва инқилобий кайфиятдаги адабиёт, санъат ва маданият арбоблари Киев шаҳрида Тарас Шевченко ҳайкалини бунёд этиш бўйича «Бирлашган комитет» туздилар. Комитет энг яхш ҳайкал лойиҳаси учун халқаро конкурс эълон қилди, унинг шартлари Россиянинг ҳамма катта шаҳарларига юборилди ҳамда Рим, Лондон, Берлин, Мадрид каби маданият ўчоқларида яшовчи ҳайкалтарошлар ҳам конкурсда қатнашишга таклиф этилди. Айти вақтда ҳамма миллат ва элат меҳнаткашларидан ҳайкални бунёд этиш учун маблағ тўплаш иши бошлаб юборилди. Натижада, Россиянинг ҳамма ўлкаларидан, шу жумладан, Туркистондан ҳам, бу хайрли ишни амалга ошириш учун 170 минг сўм маблағ тўпланди. Айтик, бу тадбирда тошкентликлар фаоллик кўрсатдилар.

Хуллас, Т. Шевченко ҳайкали лойиҳаси бўйича тўртта конкурс ўтказилди, талабчан ҳайъат 158 ишни кўриб чиқди. Бироқ полициячиларнинг шафқатсизлиги, ру-



ҳонийларнинг турли кирдикорлари ва, ниҳоят, 1914 йилда биринчи жаҳон уруши бошланиши ва бошқа сабаблар туфайли бу иш амалга ошмади. Революционер ширнинг монументал образини яратиш яна орқага сурилди.

Шунга қарамай, Т. Шевченконинг ёрқин образини яратиш унинг ижоди билан таниш бўлган барча миллат ва элатлар қалбидан эзгу муддао бўлиб қолаверди.

1914 йили Тарас Шевченко таваллудига 100 йил тўлди. Лекин чор ҳукумати бу санани умуммиллий миқёсда нишонлашга рухсат бермади. В. И. Ленин бу ҳақда «Миллий сийёсат масаласига доир» мақоласида шундай ёзган эди: «Шевченкони хоғирлашни тақиқлаш ҳукуматга қарши агитация нуқтаи назаридан шундай бир жуда ҳам ажойиб, яхши, камдан-кам учрайдиган жуда ҳам соз ва ўнғай тадбир бўладики, агитация қилишда бундан қулайроқ нарсани тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бу тадбир ҳукуматга қарши нафрат уйғотишда шундай мислсиз муваффақиятлар қозондики, барча энг яхши социал-демократ агитаторларимиз бу қадар қисқа вақт ичида ҳукуматга қарши агитацияда бундай катта муваффақиятларга ҳеч маҳал эриша олмас эди-

лар, деб ўйлайман.» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 25-том, 76—77-бетлар.)

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси, В. И. Лениннинг монументал пропаганда ҳақидаги Декрети туфайлигина Т. Г. Шевченконинг инқилобий даҳоси, ўлмас асарлари советлар мамлакатаида яшовчи ҳар бир халқ, миллат ва элатларнинг маданий мулкига айланиб қолди. 1918 йилдаёқ Москвада ҳайкалтарош С. Волнухин лойиҳаси бўйича яратилган революционер-демократ шоир ҳайкали тантанали равишда очилди. Ҳайкал пойига буюк ширнинг машҳур васияти зарқал қарфлар билан битилган эди:

Сўнг улуг оилада
Бошлангиз эркин ҳаёт,
Секингина мени ҳам,
Ед этиб қилингиз шод.

Айти вақтда латиш ҳайкалтароши Я. Тильберг лойиҳаси асосида Петроградда буюк қўбучи бюсти ўрнатилди. Унга қуйидаги сўзлар ёзилган: «Буюк украин деҳқон-шоири Тарас Григорьевич Шевченкога (1814—1861). Буюк Рус Халқи».

Кейинчалик Шевченко кунлари Украинада умумхалқ байрами сифатида нишонлана бошланди, республиканинг катта шаҳарларида унинг ҳайкаллари ўрнатилди, мемориал давҳалар битилди, буюк қўбуччи ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ жойлар давлат муҳофазасига олинди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари, шоир даҳосининг ихлосмандлари ҳам Т. Г. Шевченко хотирасини дилда сақлаб келмоқдалар. Республикадаги билим масканларидан бири — Нукус Давлат университети Т. Г. Шевченко номи билан аталди, кўплаб кўчалар, мактабларга ҳам унинг номи берилган.

Ўзбек адабиёти намо-
андалари украин шоири
ижодий мероси билан
Ўзбек ўқувчиларини та-
ништириш учун кўп куч
ва ғайрат сарфладилар.
Т. Шевченконинг ўзбек
тилидаги илк тўплами —
«Қўбузчи» 1939 йилда
нашр этилган эди. Унга
Хамид Олимжон, Амин
Умарий, Мақеуд Шайх-
зода, Миртемир, Насрул-
ло Охундий каби сўз
санъаткорларининг тар-
жималари киритилган.
1959 йили эса «Шеърлар
ва поэмалар» номи билан
Т. Шевченконинг икки

томлик асарлари нашр
этилди. Шоир ҳаёти ва
ижоди ҳақида ўнлаб ма-
қолалар ёзилди. Шуни
айтиш керакки, бепоён
мамлакатимизда буюк
революционер-шоирнинг
ўлмас номи абадийлик
касб этади. Ҳозирги кун-
да унга 200 та монумент-
тал ҳайкал қўйилган,
600дан ошiq колхоз ва
совхозлар, 800дан ортиқ
кўча, 5 олий ўқув дар-
гоҳи, 20 га яқин театр,
маданият уйлари ва ку-
тубхоналарга буюк куй-
чи номи берилган.
Т. Шевченко қадамжола-

ри қўриқхонага айлан-
тирилган. Сермавж Аму-
дарё бўйлаб эса «Тарас
Шевченко» теплоходи су-
зиб юрибди. Хуллас, бу-
юк шоир таваллудининг
170 йиллиги нишонлана-
ётган ҳозирги кунларда
бутун совет халқи қато-
ри Ўзбекистон меҳнат-
кашлари ҳам Тарас Шев-
ченко номини яна бир бор
мамнуният билан хотир-
лайдилар, унинг боқий
дахосига таъзим қила-
дилар.

Иван СЕРЕДЮК,
Каримбой УРАЗБОВ

Тарас Шевченко

*Бу олис ўлкада, эй парвардигор,
Худди жон солигин ундирмоқчидай —
Келди қайғу ва куз, не иложи бор,
Ненинг эвин топиб, мен турайин шай?
Орол бўйларини дайдиб кезаман,
Яширинча ёзаман,
Шеърлар тўқир экан, йўлдан озаман,
Утган кунлар кетмас ҳаёл қошидан,
Эслайман қайтадан, яна бошидан.*

*Тагин қайд этаман қоғозга барин,
Қайғуни ҳайдайман, ки у батгарин
Суқилиб кирмасин солдат каби деб, —
Дилга солиб ваҳм...
Мишаб — бераҳм
Кўзини узмайди, кун бермайди ҳеч.*

1848 йил
Қўс орол

*Чақиртошли ҳам тиконли
Украинага элтар йўл,
Тарк этганман шекилли
Мен уни буткул.
Энди Украинага,
Чоғи, қайтмоғим маҳол?
Бу йиларни тутқунликда
Ўзим ўзимга алҳол —
Уқтираман чамаси?
Чидаб бўларми, худо,
Бу ҳаётга; агар бўлсанг
Дардкаш, сирдошдан жудо!
Сен бермадинг мен — инсонга
Инсоннинг қисматини:
Шунга зорман умрим бўйи!
Умрим бўйи кутдим уни!
Кўрмадинг қиз қалби билан
Ошноликни ҳам раво!
Ўтди кунлар, ўтди тунлар
Муҳаббатдан мосуво,*

*Сароб каби йитди улар,
Ишқсиз, завқсиз бўлиб зое —
Ғурбатларда! Тополмадим
Дўстлашгудек бир одам.
Ерилиб дардлашгудек
Ҳасратдош йўқ ҳозир ҳам!
Бунинг каби йиларни
Елғиз кўтармоқ, тангрим,
Еш юракка оғирдир.
Вировга деёлмай лом-мим,
Қалбга азиз бир одамга
Муқаддас сўз айтолмай,
Яхшини қувонтириб,
Эмонни забун ётолмай —
Улиб кетмак!.. Ераб! Изн бер,
Боқай, йўлай танамга,
Эзилган-хўрланган халққа,
Менинг Украинамга!*

1849 йил
Қўс орол

* * *

Сир бермайман, гўё оддекман, бардам,
Лекин ўз ҳолимни ўзим биламан,
Юрагим беҳолдир — бовар қиламан.
Очиққан гўдакка ўхшаб у ҳар дам —
Мижжа қоқмас, йиғлар, ненидир кутар,
Эҳтимолки, унинг руҳидан ўтар —
Кори ҳол бўлиши. Яхшилик кутма,
Эркни кутмоқдамиз бизлар беҳуда,
У ухлар. Николай ухлатган жуда —
Аллалаб. Шўрликни то ғафлат ютмай —
Тез уйғотмоқ учун, бир бўлиб жаҳон
Болта муҳрасини пешлатмоқ керак,
Узин ўтқир чархлаб ишлатмоқ керак.
Уйғотмоқ мумкиндир уни ўша он,
Гар шундай қилмасанг, ҳеч бир боки йўқ:
Қиёматга қадар ухласа тўлиқ.
«Қаттиқ ухласин», деб панлар тиришар:
Қасру кошонага ғиштлар теришар.
Шарафлаб маст-аласт жонажон шоҳни
Ҳам византиячи¹ ул аҳли жоҳни.
Бизда бошқасига ким ҳам эришар.

1858 йил 22 ноябрь
Петербург

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ таржимаси

¹ Шоир рус революцион-демократлари каби, православ динини византиячилик деб атайди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

КПСС Марказий Комитетининг Июнь ва Декабрь пленумлари тарихий қарорларини янада тўлароқ амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон ССР Коммунистик партияси ва ЎзССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишлаб Наманган областида «Шарқ юлдузи» кунлари ўтказилди.

«Шарқ юлдузи» кунлари иштирокчилари Наманган шаҳри, Наманган, Задарё, Чортоқ районлари меҳнаткашлари билан учрашдилар, корхоналарда ишчилар, колхоз-совхоз далаларида янги — 1984 йил пахтаси учуғ замин яратаётган деҳқонлар билан суҳбатлашдилар. Наманган районидаги Дзержинский номидаги колхозда «Шарқ юлдузи» журналі кутубхонаси ташкил этилди. Таъкидлаш керакки, «Шарқ юлдузи» ва Дзержинский номидаги колхоз ўртасида тузилган оталиқ шартномаси редакция ва редколлегия зиммасига юксак масъулият юклайди, журнал саҳифаларида эълон қилинадиган асарларнинг ғойивий-бадий савиясини тагин ҳам кўтаришга, Дзержинский номидаги колхозни эса кишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида комплекс тараққий этишга ва муттасил ўса боришга рағбатлантиради.

Наманган шаҳрида, районларда ўтка-

зилган учрашувларда меҳнаткашлар, студентлар, ўрта мактаб ўқувчилари сўзга чиқдилар, кўп миллатли адабиётимизнинг бугунги муваффақиятлари, «Шарқ юлдузи» журналида босилган асарлар тўғрисидаги ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, истақлари, танқидий фикрларини ҳам айтдилар. «Шарқ юлдузи» кунлари иштирокчилари Коммунистик партияни, доҳий Ленинни, совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган буюк ғалабани, замондошларимизнинг қаҳрамонликларини, тараннум этувчи асарларидан ўқидилар, ҳаёт ва адабиёт муносабатлари хусусида ўз фикрларини баён этдилар.

Модомики, таъкидлаш керакки, Намангандаги учрашувлар, мушоиралар, «Шарқ юлдузи» кунлари қатнашчилари ва партия, совет ходимлари, пахтакорлар, турли касбадаги адабиёт ихлосмандлари иштирокида ўтказилган «Ижодкорнинг гражданлик позицияси» давра суҳбати дастгоҳ ёки пайкал бошидаги суҳбатлар расмий нихоясига етди холос. Бу ижодий сафар «Шарқ юлдузи» кунлари иштирокчилари қалбларида узоқ йиллар давом этади, унинг таассуротлари шеър, ҳикоя, очерк ёки бошқа жанрдаги асар тарзида рўёбга чиқади.

МАДАНИЙ ҲАЁТ



Берди Кербобоев

ЧЕГАРАДАГИ ВОҚЕА

Ҳикоя

Бу йил баҳор анча кеч бошланди, май ойида ҳам кунлар исимади. Июнгача саноқли кунлар қолган бўлса-да, кечалари ҳамон салқин эди.

Чегара яқинидаги қишлоқчанинг кунботаридаги, шундоққина тоғ этагидаги уй яққол кўзга ташланади... Ҳовли пастаккина девор билан ўралган. Боғчада барг ёзган мевали дарахтлар; оқ ўрик аллақачон пишган, сершарбат, барқут шафтолиларга ҳам ранг кириб қолган, офтоб нурида олма гўралари қуёшчалардай товланади.

Мактабларда дарслар тугаб, ўқувчилар ёзги таътилга чиқишди. Черкез Чориев — қишлоқ четидаги, тоғ этагидаги хонадоннинг энг кичик аъзоси — ёз аввалидаги бундай илимилиқ кунларда тонгдан шомгача анҳор бўйида ўйнашга одатланган. Анҳор қишлоқнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтади, суви шишадай тип-тиниқ, болани салқин, оромбахш бағрига чорлагандай шалдираб оқади.

Бугун у отасининг олдига, колхозчилар куни кечагина лалми ўримини бошлаб юборган қирга жўнади. Отаси қирда тунаб қолганди. У лалмизорга етиб келиб, эрталаб онаси нонга тўлатиб берган хуржунни отасига топширди. Кейин икковлари лалмизорни айланишди. Мана, энди Черкез ўзига мос кичкинагина эшагини миниб қишлоққа қайтмоқда. Негадир ҳар куни юрадиган йўлидан юргиси келмади, довонгача бориб, эшагини пастликка, тик ёнбағирдаги сўқмоққа бурди. Черкез отасининг ёнида юриб бу ерларни кўп кезган, ҳар бир ғор, тошу бута унга яхши таниш.

Қуёш тоғ ортига ўтгач, водийни кўкиш бир парда, узун-узун соялар қоплади. Осмон қорая бошлади, яланғоч тоғ чўққилари ботаётган қуёш

Туркман совет адабиётининг асосчиларидан бири, атоқли ёзувчи Берди Кербобоев таваллудига тўқсон йил тўлди.

Берди Кербобоев Туркменистоннинг Тежин районидagi Каукизеренг овулида, деҳқон oilасида туғилган. Дастлабки таҳсилни мадрасада олган. 1927—1928 йилларда Ленинград университетининг шарқ факультетига ўқиган. Шу йилларда унинг ilk тўпламлари ҳамда «Қизлар дунёси» (1927), «Янги турмушга» (1928), «Қақроқ лаблар» (1929), «Амударё» (1931) каби достонлари эълон қилинди. Мазкур асарларида у туркман халқи тарихидаги янги даврни — инқилоб йиллари ва озод турмуш манзараларини ажс эттирди. Ижодкор кейинчалик ёзган «Ким ғолиб» (1934), «Ахлоқ» (1937), «Хурилиқо ва Ҳамро» (1940), «Қурбон Дурди» (1942), «Ойлар» (1943), «Ободон», «Ватанга муҳаббат» (1941), «Ким кимни севади» (1942), «Қадрдонлар» (1943) сингари турли жанрдаги рангбаранг асарларида совет кишиларининг ҳаёти, Улуғ Ватан уруши жанггоҳларидаги қаҳрамонлиги, фронт ортидаги фидо-корона меҳнати хусусида фикр юритади.

Адиб ўн беш йил давомида туркман халқининг ўтмишидаги

ёғдуларида ҳамон ярқираб кўринади. Бу ерларга илк бор қадам қўйган киши атрофдаги сукунатдан, кимсасизликдан ваҳимага тушиши турган гап. Черкезнинг кўнглида заррача ҳадик, хавотир йўқ, у бу йўллардан қоронғида, ойсиз тунларда кўп марта ўтган. Кулранг эшак, қайтиш йўл пастлик бўлгани ёки хуржундаги юкдан озод қилингани учунми, анча энгил одимлайди, тик сўқмоқдан жайронникидай ўткир туёқларини дадил-дадил босиб йўрғадайди. Черкез эгарга қапишиб ўтириб олган.

Сўқмоқ бир неча қайрилишлардан ўтиб, қияликнинг ўртасига етганда, қояларнинг учли, арратишсимон қирралари орасидан қаршидаги тоғ ёнбағри баралла кўринди. Чуқур дара ёнбағирни қоқ бўлиб, иккига ажратган. Черкез дарага қараб, ўша хилват тубанликда фавқуллодда нохуш бир шарпа кезиб юрганини тоғликларга хос ўткир нигоҳи билан илғаб олди...

У эшагини тўхтатиб, дарани обдан кузатди. Бир қарашда, қуюқ кўланка ва оқшом пардаси қоплаган ёнбағир бутун теварак каби бўм-бўшдай эди. Бироқ ёнбағирдаги шубҳали шарпа, ғира-шира қоронғилиқда Черкезнинг нигоҳи илғаб қолган ўша ғайриоддий шарпа унсиз ғимирлаб юрибди...

Черкез пастки лабини ўйчан тишлаганича кузатишда давом этди. Йўқ, уни хаёли алдамаяпти: ёнбағирда ростдан ҳам алланима бор. Нима экан?

Барча тоғликлар каби Черкез ҳам айна дамда даставвал ҳайвонларни бир-бир кўз олдига келтирди. Жайронларми? Йўқ, Черкез уларнинг одатини яхши билади: жайронларнинг кўзи ўткир, бирор шарпани сезишлари биланоқ бир лаҳза тик қотиб қолишади-да, сўнг дарҳол ғойиб бўлишади. Демак, у ерда жайронлар йўқ.

Бўрилармикан? Ёки шоқоллармикан? Йўқ, Черкез уларнинг разил табиатини яхши ўрганган: бу ҳайвонлар ваҳший бўлса-да, жайронлардай ҳайиқувчан, ҳаттоки қўрқоқ бўладилар. Улар Черкезни кўрган заҳоти жуфтаник ростлаб қолардилар, ахир у шундоққина сўқмоқ четида, баландликда турибди-ку!

Нима экан? Отлармикан? Сигирлармикан ё? Балки қўйлардир? Йўқ, бундай бемаҳалда улар ёнбағирда юрмайди.

«Демак, у ерда қандайдир номаълум одамлар бор», ниҳоят бир тўхтамга келди Черкез.

Аммо улар ким ўзи?

«Ёнбағирда илвасинлар йўқ, — ўйлади Черкез, — демак, овчилар у ёққа ўтишмайди. Яйлов ҳам йўқ, улар чўпон ҳам эмас». Бироқ дарада қандайдир кишилар қоронғида беркиниб, қўрқа-писа, эҳтиёткорона тимирқилиниб юргани аниқ эди. Черкез бунга заррача шубҳаланмасди. Ногоҳ унинг эсига яқинда газетада ўқигани бир хабар тушди: чегарага ёндош бир қишлоқда чегарабузарларни тўтишибди, бу ишда

турмуш тарзи, инқилобга келиш йўллари, озодлик учун кураши ва ғалабаси ҳақида ҳикоя қилувчи эпик полотно «Дадил қадам» трилогиясини ёзади. Асарнинг икки китоби 1948 йилда СССР Давлат мукофоти билан тақдирланган. Унинг кейинги даврда ёзилган «Ойсултон» (1949), «Ўпирилган тўғон» (1969) қиссалари, «Небитдоғ» (1957), «Қайғусиз Отабоев» (1967) романлари туркман совет насрининг ёрқин намуналари бўлиб қолди.

Берди Кербобоев таржимачилик санъатига ҳам катта ҳисса қўшган: у Л. Толстойнинг «Анна Каренина», «Ҳожимурод», А. Грибоевнинг «Ақллилик балоси», М. Горькийнинг «Она», М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» сингари роман, повесть, драмаларини А. Пушкин, И. Крылов, М. Жалилнинг шеърли асарларини туркманчага таржима қилган.

Улкан туркман адиби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Туркманистон ССР Фанлар академияси академиги Берди Кербобоевнинг бир қатор асарлари ўзбек китобхони жавонидан муносиб ўрин олган. Унинг «Дадил қадам», «Небитдоғ» романларини, «Ойсултон» қиссасини китобхонларимиз севиб мутолаа қилмоқдалар.

уларга бир пионер бола ёрдам берибди... Ҳамон ёдида, бундай қизикар-ли воқеа ҳақида жуда қисқа хабар ёзишганидан Черкез ўшанда ранжи-ган эди.

Балки ўша пионер бола ҳам шунақа қоронғида кезиб юрган шубҳали шарпаларни сезиб қолган-у, бирдан кўнгли нотинчланиб, гап нимадалигини билмоқчи бўлгандир? Хўш, Черкез Чориев аини ҳолда нима қилиши керак? Албатта, у ҳам сирли шарпаларнинг кимлигини аниқлаши лозим.

Черкез аҳволни обдан ўйлаб кўриб, ҳаракат бошлашга қарор қилди. Ишни нимадан бошлашни билмай, эшагининг бўйинини силлаганича бир муддат ўйланиб қолди: «Қисқароқ йўлдан юриб, уларнинг қаршисидан кесиб чиқиш керак», дея ўйлади у. Кейин-чи, кейин нима қилади? Ҳа, майли, аввал уларга етиб олсин, сўнгра уларнинг дўстми-душманлиги маълум бўлади. Агар улар душман бўлса-чи? Унда нима қилади? Мабодо улар босқинчи ёки йўлтўсар бўлса муштдай бир боланинг қўлидан нима ҳам келарди? Кўнгли қора кимсалар бўлсами, тамом, бу хилват дарада Черкезни кўз очиб юмгунча гум қилиб қўя қоладилар.

Черкезнинг кичкинагина юрагида катта жасорат бор эди. У кўнглидаги ёмон ҳаёлларни қувди-да: «Э, бола, бу туришда ҳеч нарса қилолмайсан, — дея ўзидан ўзи ранжиди. — Дарата тушай-чи, ҳамма гап равшан бўлади». У шиддат билан «ҳиҳ» дея эшагини ниқтаб, пастликка қараб дадил энабошлади.

Черкез дарага кириб келганида, ой ҳали тоғ чўққилари ортида эди. Тахминича, у энди номаълум кишилар келаётган йўл билан ўзи тушган сўқмоқ туташувчи чорраҳага жуда ҳам яқин жойда турар эди. Атрофдаги қора кўланкалар қуюқлашди, Черкез қоронғига тикилган кўйи энди қандай йўл тутиши тўғрисида ўйларди.

Тасодикий бир ҳол унинг ўйларига чек қўйди. Ҳаммасига унинг содиқ ҳамроҳи — эшак айбдор. Ҳамиша эгасининг раъйига қарайди-ган итоаткор маҳлуқ бу гал ўзини тутолмай қолди: шалпанг қулоқларини диккайтириб, бор овозда ҳанграб юборди. Тўғриси, эшакнинг овози унча-мунча одамга ҳуш келмайди. Бинобарин, шундайин нохуш вазиятда бирорта эшак ҳанграмаган бўлса керак. Шу боисдан Черкезнинг бу маҳлуқдан ранжиганига ажабланмаса ҳам бўлади. У ҳамроҳининг диккайиб турган тарафг қулоғига бошлаб халачўп билан туширгач, тишларини гижирлатиб сўкинди:

— Ҳа, қўтир қирчанғи! Баданинг қичиб қолдими? Фалокат, мени душманга рўпара қилмоқчимисан! Эшак билан дўст бўлма, деб тўғри айтишаркан.

Эшак бошини исёнкорона тебратиб, эндигина қатъий норозилик билдирмоқчи эди, Черкез тўрва билан унинг тумшугини ёпиб, ўраб-чирмаб ташлади.

— Ана энди тўйгунингча ҳанграйвер, овсар!

Аммо маҳлуқ бечора энди ҳанграй олмасди. У, одамлар шарпасини сезибми, бўғиқ пишқириб овоз қила бошлади. Черкез унинг ҳиқилдоғи-га халачўп билан бир нўқиб, тек туришга мажбур қилди.

Черкезнинг аҳволи жуда оғир эди. Номаълум кишилар бефаросат ҳайвоннинг товушини, албатта, эшитишган ва дарада кимдир юргани-ни англашган. Энди улар, душманлар, ҳушёр тортишиб, хилватга беркинишиб, қулай пайтни кутишаётган. Черкез уларнинг душман эканлигига шубҳаланмай қўйди. Акс ҳолда, нега улар очиқчасига бемалол гаплашишмайди, баралла кулишмайди, қўшиқ айтишмайди? Агарда, улар Черкезнинг ҳамқишлоқлари ёки қўшни қишлоқлик софдил одамлар бўлса, нега яширинишади, овоз чиқаришмайди? Улар қоронғиликка беркинишиб, махфий ҳаракат қилишяпти. Демак, ёт кишилар!.. Бегоналар чегара чизигини босиб ўтишибди... Черкез хавф-хатарни аниқ ҳис қилган ҳолда қарорини қатъийлаштирди: бу кимсаларни кўздан қочирмай кузатиш керак. Аммо ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, ҳар бир қадамини ўйлаб босиши лозим.

Черкез ортиқча имилламай эшакдан тушди, овоз чиқармасликка тиришиб, оҳиста-оҳиста босиб бутазорга кирди, эшакни боғлади. Кейин яна очикликка чиқиб, эгилганича олдинга қараб юрди. Теварак аввалгидай жимжит. «Демак, улар Черкездан — муштдай боладан ҳам қўрқишяпти, — хаёлидан шу гап ўтаркан, жилмайиб қўйди. — Балки улар бу ерда эмасдир? Наҳотки ўтиб кетишган? Йўғ-э!..» Черкез ёнбағирдаги барча сўқмоқларни жуда яхши билади — улар тушган йўл узун, ўтиб кетишлари мумкин эмас. Ҳар қалай, бошларини эгиб юришолмайди, қўрқишади, шунинг учун аста келишаётган. Бегонларнинг бу ерларда йўл топиб юриши осонмас. Шубҳасиз, улар ҳозир қияликдан пастга энаётган бўлиши керак.

Черкез овоз чиқармасдан, оёқ учида одимлаб бораркан, гоҳ-гоҳ тўхтар, атрофга қулоқ тутар, теваракни аниқ кўрмаса-да, хаёлан йўналишини тўғри англашга интилар эди.

У, авваллари бу йўллардан ўтганида, ҳар гал узокдан бўлса-да, қандайдир бир ваҳшийни кўрганини эслади. Бўри ҳам дуч келган, исқирт шоқолга ҳам кўзи тушган... Паҳмоқ думини ликиллашиб сўқмоқдан чопиб ўтган тулкиларни эса кўп кўрган... Айни пайтда дарада ҳеч нарса йўқдай, бирор жонзотнинг шарпаси эшигилмайди. Бу ҳол унинг кўнглидаги ишонччи янада мустаҳкамлади: ҳа, ростдан ҳам бу ерда одамлар бор, ҳайвонларни ўшалар қўрқитиб, қочириб юборишган.

Бутазор четига етиб келиб, Черкез теп-текис майсазор — ўтлоқни синчиклаб кузатаркан, худди шу лаҳзада, фалокат босгандай чўққидан ой мўралади, атроф ёришиб кетди. Бола дарҳол мук тушиб ётиб олди. Теваракка қулоқ тутди: жимжит. Судралиб олдинга интилди. Тахминича, номаълум кимсалар келаётган сўқмоққа етишига озгина қолганди, мабодо, пайт пойлаб туриб уларнинг устига тош ёғдирса ҳам, барини тубанга учириб юборарди...

Черкез бурни қичиб, акса ургиси келаётганини сезди. «Тамом, ҳамма иш расво бўлади!» — ўйлади у ётган жойида. Хушбўй ўт-ўлан барглари унинг юзини ёқимли қитиқларди. Оҳиста ўгирилди-да, чалқанча ётганича нафасини ютиб, қопқоронғи осмонда милтиллаётган юлдузларга тикилди. Дара бўйлаб енгилгина эпкин эсди, у яна судрала бошлади, шунда кўзига ёнбағирдаги, бир-икки қулоч наридаги буталардан бири бошқаларига нисбатан анча қуюқ кўринди. У тўхтади, бирор жонзот эмасмикан, дея синчиклаб тикилди. Ҳеч бир шарпа, ҳаракат сезилмади. Бари бир... у ерда қандайдир қора шарпа, кўланка бор эди. Балки нимадандир ҳадиксираб, тўнғизваччаларини бағрига олиб, қотиб турган мегажиндир? Черкез бутага яқинлашди. Юраги кўкрак қафасини ёриб қичиб кетгудек дукиллар, бу дукиллаш бутун дара бўйлаб акс-садо бераётган каби туюлар эди.

Кутилмаганда бута тарафда кимдир қимирлади — буни Черкез аниқ кўрди. Қора шарпа бор баста билан бутадан аста ажралиб чиқди-ю, худди шу лаҳзада аллакимнинг кучли пайжалари Черкезнинг елкасидан исқанжага олди.

Черкезга бирданига икки киши даф қилган эди, у кутилмаган хуруждан қичқиришга ҳам улгурмай қолди. Ўзига келиб, мутлақо но-чорлигини сезди, елкасидан ушлаб турган босқинчидан кўзини олиб, наригисига қаради.

Улар уч киши эди. Бир — барваста, шопмўйлов йигит бўлиб, ияги баҳайбат, ҳатто юзидан ҳам каттароқ кўринар эди. Черкез унинг пешонасида узун чандиқ борлигини илғади — чап қоши аралаш юзига эшак тепкиси тушганга ўхшарди. Иккинчиси — Черкездан ёши улурок, чўпдай ориқ бир ўспирин эди. Учинчиси — қоп-қора, қийшиқбурун, юзидан қони қочган, аммо кўзлари ёниб турадиган кимса экан — Черкезга шундай туюлди.

Чандиқли киши унга юзини яқинлаштириб:

— Кимсан? — дея сўради, унинг ваҳимали ияги Черкезнинг нақ пешонасига тега деб турарди.

Черкез каловланиб, жавоб беришга улгурмаганди, яна саволлар ёғилди:

- Қаерликсан?
- Қаёққа боргандинг?

Черкез қайсидир китобда ўқиган воқеани — бир совет жангчиси немислар қўлига тушиб қолиб, уларнинг сўроғига шошилмасдан, ҳар бир сўзни ўйлаб жавоб берганини эслади. Кейин ингичка қошларини сал чимириб, ҳўмрайиб, бир оз сукут сақлади-да:

- Отамнинг олдига боргандим, — деди.
- Отанг қаерда?
- Тоғда.
- Нима қиялпти у ёқда?
- Лалми ўряпти.
- Отангнинг олдига нима учун боргандинг?
- Нон олиб боргандим.

— Нон?! — дея учала кимса бараварига, ҳовлиқиб, азобли оҳангда ҳирқирашди; чандиқли киши Черкезнинг елкасини қаттиқроқ қисди.

- Қани нон?
- Нимада олиб боргандинг нонни?

Черкез уларнинг юзига бир-бир қараб, бу кимсаларнинг очликдан роса силласи қуриганини сезди.

- Нонни эшагимда олиб боргандим, — деди у секингина.
- Қани эшагинг?
- Қўлимдан чиқиб, қочиб кетди.

Қийшиқбурун унинг қулоғига қарс этказиб шапалоқ тортиб юборганди, кўзларидан ўт чақнаб кетди.

- Алдама. Гапир, эшак қаерда?

— Алдамаяпман. — Черкез қатъий сўзлашга уринса-да, овози бошқачароқ чиқди. — Кечаси қоронғи, қўрқинчли, кимдир келаётганга ўхшади, қўрқиб бутазорга яшириниб олдим. Чиқиб қарасам, эшак йўқ. Балки бирортаси миниб кетгандир.

— Елгон гапиряпсан, тирранча! Ҳозир алдаётган тилингни суғурволаман! — дея пишиллади қийшиқбурун.

- Ишонмасаларинг, ана, эшакни ўзларинг топиб кўринглар-чи!
- Учир овозингни, итвачча!

Черкезнинг хўрлиги келиб, жимгина бошини эгди.

Черкез индамади.

- Нима, тилингни ютвордингми? Гапир!

— Овозингни ўчир, деди-ю, — Черкез қийшиқбурунга қараб қўйди. — Гоҳ гапир, гоҳ гапирма дейсизлар.

— Овсарланма, алдашгаям уринма. Айтақол, эшак қайда? У шу атрофда бўлиши керак, ҳанграганини эшитдик.

— Сизларни алдаб ўлибманми, гапимга ишонмайсизлар-а. Эшагим қайдадир ҳанграганини ўзимам эшитдим. У ёққа югурдим, бу ёққа югурдим, топлмадим. Яна ўзларинг беркитиб қўйган бўлманглар уни...

— Эшакни қидирдим, чопдим, дегин, зумраша? Тошбақадай тумшугини ерга тираб судралиб юрган ким эди?! Сенмасми!

- Қўрқдим-да! Бўри-мўри кўриб қолмасин деб судралдим.
- Нимага эшагингни чақириб қўя қолмадинг?

— Айтдим-ку ахир: атрофда бўрилар, шоқоллар бор. Қўрқдим. Айиқлар ҳам бор бу ерда, овозингни эшитдим, тамом, шартта ушлайди-да, уйига опкетиб қолади.

Нотаниш кимсалар ёт тилда ўзларича чулдирашиб сўзлаша бошлашди, аммо Черкез уларнинг гапларига, тўла бўлмаса-да, тушунди: чегарага ёндош қишлоқларда икки тилда сўзлашадилар, жумладан, Черкезнинг отаси ҳам, ҳамқишлоқлари ҳам икки тилда мулоқот қиладилар.

Чандиқли одам, болага ишонмаслик керак, дея шерикларига

уқтирарди. «Мен уларни яхши биламан, ахир уларнинг орасида яшаганман, — дея такрорлади у. — Буларнинг муштдай боласиям, қўйдай ювош кўринса-да, тулкидай айёр бўлади».

Черкез кўрқинч ва аламдан қийналар, бу ярамаслардан қандай қутулсам экан, дея ўйланар, дурустроқ бир тадбир тополмас, бунга сари ўзидан-ўзи аччиқланар эди. Ахир у тунда тоғма-тоғ ошиб, беркиниб, хилватларда писиб юрган бу ғаразли кимсалар ҳақида чегарачиларга хабар бериши керак.

Уларнинг ивир-шивиридан Черкез шуни англадики, булар йўлдан адашиб, оч қолиб, тинкалари қурибди. Бу сарсонликка сен айбдор, дея ҳар бири бировини қоралаб, ўзини оқлар эди. Улар оғир аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир чораси нон топиш, бунинг учун эса эшакни ахтариш кераклиги хусусида баҳслашиб туришганда, Черкез айна гапга қўшилиш пайти келганини сезди ва:

— Яхшилар, эшагимни топишга ёрдам беринглар, — дея ёлворди.

Чегарачилар бошлиғи, ёшгина капитан йигит, Черкезнинг ахборотини эшитгач, дарҳол уч илғор чегарачини изтопар ит билан бирга қишлоққа юборди. Ит Черкезларнинг уйдан нотаниш кимсанинг ҳидини олиб, унинг изига тушди. Капитаннинг ўзи ҳам, ёнида иккита чегарачиси, Сазак ва битта изқувар ит билан тоққа — хатарли кимсалар беркинган дарага жўнади. Черкез уларга йўл кўрсатиб борди...

Чегара бузувчилар ҳақидаги хабарни ҳамма чегарачилар эшитишган, икки кундирки қидирув давом этар, аммо ҳеч бир натижа йўқ эди — бузғунчиларнинг изи йўқотилган эди. Шундай бўлса-да, капитан босқинчиларни бугун қўлга туширишга амин эди. Чунки чегара томондаги йўл тамоман кесиб қўйилди. Дарвоқе, Черкезнинг эшагини чақириб овоз қилгани ҳам беҳуда кетди. Унинг бақиргани бутун ёнбағир бўйлаб садоланиб турди, пастликда юрган икки чегарачи унинг тиниқ овозини эшитишди, кейин эса қандайдир шовқин таралди-ю, дара жимиб қолди. Чегарачилар сўқмоқдан тепаликкача бўлган бутазорларни қараб чиқишди, қандайдир изларни аниқлашди ҳам, лекин бирор жонзотни топишолмади. Ҳайқирган эдилар, жавобан ҳеч бир овоз бўлмади. Бу ҳол уларни шубҳага солди. Черкезнинг товушини-ку танишди, аммо шовқин аралаш сирли овоз... Агарда болага бирор ваҳший хуруж қилганда, у бошқачароқ бақирган бўларди. Худди ана шу иштибоҳ иккала чегарачиниям ўйлантириб қўйди, улардан бири шу депаранинг энг зўр изтопарни — Черкезнинг отаси олдига, лалмизорга жўнади, унинг шериги эса жинойтчиларни ахтаришда давом этди.

...Олисидаги тоғ чўққиларидан қуёш гардиши кўриниб, осмон бинафшаранг тус олди. Черкез эшакда, капитан отда, таниш сўқмоқдан ёнма-ён шошиб боришарди. Туманнинг сийрак пардаси остида буталарнинг яшил шохлари кўзга хира кўринади. Бутун дара паррандаларнинг чаҳ-чаҳига тўлган, қушлар сайроғининг акс-садоси ҳар тарафдан қулоққа урилади. Черкез жар ёқасидаги қалин чангалзор ёнига келиб, эшагини тўхтатди.

— Шу ерда эди, уларни охирги марта шу ерда кўргандим, — деди капитанга юзланиб.

Итни қўйиб юборишди, у жинойтчилар ҳидини олиб, ёнбағирнинг кунчиқар тарафига йўналган сўқмоқдан тепага чопиб кетди. Черкез жинойтчилар ўша томондан келишганини айтгач, итни орқага қайтаришди. Уларни ортга қайтган дея фараз қилишга ҳеч бир сабаб йўқ эди. Ит чангалзорда айлана-айлана бирдан бошини эгиб, худди ер сузгандай олдинга интилди...

Капитан отининг нўхтасини тортаркан, Черкезга қараб шундай деди:

— Оғайни, мана энди ишимизнинг охири кўриниб қолди, сенга раҳмат, уйингга жўнасанг ҳам бўлади. Мамедов аканг, — у чегарачилардан бирига ишора қилди, — сени кузатиб қўяди.

— Ўртоқ капитан! — дея қичқириб юборди Черкез, унинг овозида юрагида тўлиб турган илинж ва умид садоси жаранглаб кетдики, капитан бундан таъсирланиб, кўзини ундан олиб қочди. — Ўртоқ капитан, рухсат этинг, қолай!

— Ҳаққим йўқ, Черкез. Жўна энди.

— Йўқ, мен уйга кетмайман, — деди Черкез қатъий. — Мен уларни битта ўзим қидираман. Буни ҳеч ким таъқиқлай олмайди! Бу тоғлар — менинг туғилган жойим, ҳар бир қарич ери, ҳар бир бутаси менга яхши таниш...

— Унда гап бундай, оғайни, — деди капитан. — Майли, биз билан юравер, фақат орқароқда бор. Мамедовдан бир қадам ҳам узоқлашма. — У чегарачини чақириб, қулоғига нималарндир шивирлаб буюрди.

Изқуварлар гуруҳи исковуч ит ортидан қадамба-қадам юриб, жанубий тепаликларни айланиб ўтишди ва довонга кўтарилишди, шунда уларнинг кўз олдида уч томони тоғлар билан ўралган ўтлоқ пайдо бўлди. Яккам-дуккам бутали қоялардан пастликка тушилган сайин дарахту буталар қуюқлашиб бориб, ўтлоққа етай деган жойларда ўтиб бўлмас чангалзор ҳосил бўлганди. Изқуварлар тонг қуёшининг илк нурлари ёғилаётган чангалзорга рўпарадан қараб турганлари учун ёнбағирдаги оқиш туман аро юрган кишиларни аниқ кўришди. Улар — чегарачиларнинг иккинчи бир гуруҳи. Уларнинг ити ҳам пастликка — ўтлоққа қараб чопиб борарди. Тезда ҳаммага аён бўлдики, иккала ит ҳам, қарама-қарши сўқмоқлардан келишаётганига қарамасдан, бир нуқтага — тубандаги чангалзорга, ўтлоққа интилишар эди...

— Тушунарли. Хилватга ваҳшийлардай беркиниб олиб, қоронғи тушишини кутишяпти у жин ургурлар, — деди капитан секингина.

Чегарачилар дарҳол атрофга ёйилишиб, чангалзорни ўраб олишди. Бир неча марта ўқ овози варанглади, кейин ваҳимали жимлик чўқди, бир оз ўтгач эса, пастликдан чўпдай озгин ўспиринни, унинг орқасидан қийшиқбурунни тутиб чиқишди. Жиноятчилар қаршилик кўрсатмай таслим бўлдилар. Бир вақт чангалзордан чегара бузувчиларнинг учинчиси сакраб чиқди, ўқ ота-ота тисарилиб қочди. Мамедов отига қамчи босиб, унинг йўлини тўсиб чиқишга ошиқди. Черкез ҳам эшагини бир ниқтаганди, итоаткор маҳлуқ жон-аҳди билан отнинг изидан чопди. Мамедов жиноятчига етай деганда ўрнидан тура солиб унга ташланди, икковлон ёқалашиб, пастликка думалаб кетишди.

Шу пайт Сазак ёрдамга етиб келди. Мамедов иккови жиноятчини қуролсизлантиришиб, қўлини орқасига қилиб боғлашди, кейин ўрнидан турғазилди. Шунда чандиқли киши биринчи бўлиб эшакда ўтирган болани кўрди.

Черкез унга голибона назар ташлаб, отдан тушаётган капитанга юзланди-да, ундан узр сўради:

— Айбдорман, ўртоқ капитан! Бу ерга қандай келганимни ўзим ҳам билмай қолдим... Буйруқни буздим, айбдорман, жазолашингизни сўрайман.

Капитан индамади, жилмайганича келиб Черкезни қучоқлади, суёуб пешонасидан ўпди. Кейин у шундай гаплар айтдики, Черкезнинг қувончи ичига сиғмай, ўйнаб юборай деди.

— Яшавор, шоввоз! — деди капитан. — Сен асл чегарачининг ишини қилдинг.

Тоҳир ҚАХҲОР таржимаси.

Пўлат Мўмин

ШИФОБАХШ ДИЕР ҚУШИҚЛАРИ

(Шеърлар туркумидан)

1. Абхазия, Абхазия!

Абхазия, Абхазия,
Тоғлар юрти,
Боғлар юрти,
Гўзаллигинг — фантазия...
Боқмай сенга қай маҳал,
Эгнингда яшил баҳмал.
Қуёш кулган кенг кошона,
Сен ажойиб шифохона.
Мандаринзор пайкал-пайкал,
Сарвларинг посбон-ҳайкал.
Рица кўли,
Тоғлар йўли,
Сухуми ва Гаграларинг,
Сержозиба — теграларинг.

Пицундангда тарқар ҳордиқ,
Роҳат борми бундан ортиқ!
Соҳилларинг денгиз ювар,
Ғуборларни тандан қувар.
Сигмагайсан таъриф-сўзга,
Мўъжизасан кўрган кўзга.
Ўзбекистон каби боғсан,
Халқимдайин дили чоғсан.
Борган эдим, соғайтирдинг,
Келганимда соғинтирдинг.
Абхазия,
Абхазия,
Чиройинг бир фантазия!

2. Денгизда чиниқди Мухторжон

Қора денгиз ёқиб қолди
Мухторжонга,
Илиққина сувда сузар
Ҳар томонга.
Чўмилади,
Сўнг ётади
Офтоб-нурда.
Бундай ётиш роҳатижон,
Заб ҳузур-да!
Баданлари, мускуллари
Бўлди таранг.
Энди уни таниб бўлмас,
Бир бор қаранг:
Қуёшбобо суртдими ё
Қора бўёқ?
Шундай қолга тушиб қолди
Уч кундаёк.

Қорайдики, келган каби
Африкадан.
Чиниқди дейсан бўяйдиган
Фабрикадан?
Негр бола дейди, бирдан —
Уни кўрган.
Ҳа, соҳилда ўтди маза
Ҳар бир куни,
Чарақларди,
Ярақларди икки кўзи,
Гоҳ ўзидан кулар эди
Унинг ўзи.
Баданлари сувда, нурда
Чайирлашди.
Денгиз билан Мухтор зўрға
Хайрлашди.

3. Денгизда дўстлашди-лар

Тўртта бола чўмиларди
Сузиб, ўйнаб.
Ким ўзарга баҳс этишиб
Денгиз бўйлаб
Сузишарди,
Ўзишарди
Бақиришиб-
Чақиришиб...
Бир-бирига ташлашару
Кўз қирини,
Лекин улар танишмасди
Бир-бирини.
Бир бола дер:
— Қаердансан, оғайнижон?

.....
Сув ичида танишдилар
Тўртта ўғлон.
Бирн Коля — Москвадан,
Бирн Гелди — туркман ўғли.
Бошқа бири Бадахшондан,
Кўзи чўғли.
Тўртинчиси

Тошкентимдан,
Абдурахмон.
Бир-бирининг аҳтиётлар,
Ҳар зум, ҳар он.
Биргаликда калла ташлар
Тўрталоги,
Тўрт ўлканинг фарзандлари —
Шўх, олови.
Чақчақлашди,
Тойчоқлардай ўйноқлашди,
Шундай қилиб, сув ичида
Уртоқлашди.
Энди қаранг, қайда бўлса
Бирга улар:
Бирга юрар,
Бирга ўйнар,
Бирга кулар.
Дўстликлари бошланган жой
Денгиз бўлди,
Дўстликлари сувдай тиниқ,
Тенгсиз бўлди.

4. Денгизнинг жаҳли

Жаҳли чиқди денгизнинг
Бугунги оқшом,
Билмам недан бўлар у
Жуда беором.
Арслондай ўқирар,
Гоҳо шағиллар.
Тошиб чиқар соҳилга
Қумлар, шағаллар.
Келтирмайди ҳеч кимни
Соҳил-қирғоққа.
Тўлқинлар урар тинмай
Ўзин ҳарёққа.
Қудратини кўрсатар,
Қилар зўр хуруж.
Пайдо бўлган қай ердан
Бундай қудрат-куч?
Борга ўхшар унда ҳам
Юрак ва асаб,
Асаблари бузилиб
Қилмоқда ғазаб.
Эсдими ўзга ёқдан
Нохуш шамоллар?
Асабини буздими
Мудҳиш хаёллар?
Кезарми сув остида
Алланималар?

Тушдими океанга
Жосус кемалар
Бинки ракеталар
Ташилмоқдами?
Қорчалонлар урушга
Шошилмоқдами?
Денгизнинг пок сувини
Булғашмоқдами?
Шулар денгиз қалбини
Ғаш қилмоқдами?
Дунё ҳам денгизлардай
Турарми қалқиб?
Шунданми шовқин солар
Денгиз тутақиб?
Йўқ, тинчлик байроқлари
Ҳилпирар, балқар!
Урушга йўл қўймайди
Эркесвар халқлар!
Асов той-денгизнинг
Силадим ёлин,
Тинчлик томонларга
Бурдим хаёлин.
— Қўй, денгизжон, бунчалик
Ғазабланма, қўй!
Майин-майин тўлқининг
Чалиб берсин куй.

Ўзбекистон боғидан
Келдим атайин,
Тингла, таниш дўстлардан
Қўшиқ айтайин.

У тинчиди, чўмилдим
Илиқ қўйнида.
Роса суздим тўлқинлар
Рақс-ўйнида.

5. Одам «Полиз»

(Ҳазил)

Ез ойи эди,
Ҳаво роса дим.
Аксига олиб
Шамол эмас — жим.
Тўқсондан ошган —
Ҳавода намлик,
Олар нафасинг
Қилади камлик.
Ухшаб касалга,
Терлайсан салга.
Денгиз соҳили
Лиқ тўла одам,
Ҳатто йўқдир жой
Босишга қадам.
Семиздир биров,
Биров бақалоқ.
Қилтирик, озгин,

Найнов, япалоқ.
Иссиқ ва димда
Йўқ бошқа имкон —
Денгиз бўйида
Сақланади жон.
Кимлардир тез-тез
Чиқар чўмилиб,
Ўтиб олишар
Қумга чўзилиб.
Пляжга боқиб,
Хаёлим учди —
Қовунполизга
Ғиз этиб кўчди.
Одам «полиз»га
Ухшайди соҳил.
Мўл эди гўё
Пляжда «ҳосил»...

6. Денгизнинг «чанги»

Қараб турсам мен соҳилда,
Чўмилишлар турли хилда.
Денгиз суви лиммо-лимдир,
Балиқ мисол сузар кимдир.
Кимдир ётиб гоҳ чалқанча
Сузиб борар қанча-қанча.
Билагонлар сузар йўрға,
Баъзи бирлар юмалашар,
Сузолмасдан кўмилишар,
Сув юзига чиқар зўрға.
Сачратишар сувни ҳар ён,
Томчилардан гўё тўзон...
Сувда барча шошар-пишар,
Денгиз «чангин» чиқаришар...

Пишунда. 1983 й. Июль, август

Шафоат Раҳматуллаев

Бўлак-бўлак

Ҳар мақсад отин ҳар ким совутар бўлак-бўлак,
Ҳам кўнгил деган ёрин овутар бўлак-бўлак.

Ким юрар юртни безаб, ким тузар фосиқ режа,
Ҳар одам эмган сийна ҳам сутлар бўлак-бўлак.

Ким кутар осон ўлжа, ким боқар қадоқ қўлга,
У бунга лол, бу унга — сукутлар бўлак-бўлак.

Ким йиғлар кулиб туриб, ким ўлар қаҳ-қаҳ уриб,
Ҳар соат қалбда кечган мавридлар бўлак-бўлак.

Барчага ватан шу ер, барчага имкон — умр,
Ким дониш йиғди қолар — ёқут, зар бўлак-бўлак.

Шафоат, ҳар юракда ҳар йўсин ёниш кўрдинг,
Бирлашса, олам ёнар, вужудлар бўлак-бўлак.

Сурхондарё

Тўлқин

Ғилдирак

Катта йўлдан тўхтамасдан
Кетиб борар арава,
Ортилгандир елкасига
Бир умрлик улкан юк.
Ҳеч тўхтамас, ҳеч тўхтамас,
Йўлда мангу оввора,
Ўтган ҳар бир кунни санаб,
Кетиб борар — тақа-туқ.
Йўллар эса ғадир-будир,
Ўйган саноқсиз туюқ,
Кимдир унда мақсад сари
Тоғу тошлар ошади.
Кимдир ундан тушиб қолар
Ярим йўлга бормаёқ.
Кимдир эса от қамчилар,
Манзилига шошади.
Ҳаёт номли арава бу,
Кетиб борар тўхтамай,
Кимдир огнинг жйловини
Маҳкам тортиб ушлади.
Арава-чи, ўша-ўша,
Илгарилар чарчамай;
Фақат барча оғирликлар
Ғилдиракка тушади!

Тошкент

Ўғлимга насиҳат

Мен сенга қарасам, ўйинқароғим,
Югуриб-еласан — ютуқда ёдинг.
Кўп ҳам тўп қувлама, ўқи, чароғим,
Маърифат эрлари бўлган аждодинг.

Алломиш сиёқли ота-боболар
Шу ерда гулласин деган ҳаётинг...
Едгорбек келбагин ёдларга солар
Ҳали бу қиёфанг, алп қоматинг!

Кечмишда мазлумни хон-беклар еди,
Чаманда эгаллаб жойнинг энг тўрин.

Элатлар хилма-хил азобда эди,
Бу юртда инқилоб бўлмасдан бурун.

Босмачи тўралар — ёвуз золимлар
Тилкалаб турганда ўзбеклар дилин,
Руслардан етишган улуғ олимлар
Ўзбекка танитди ўз она тилин!

Улуғлар тош қўйган заминга қара,
Осориатиқа, обидаси кўп.
Менгамас, муқаддас Ватанга яра,
Гийҳин авайла, тупроғини ўп.

Муҳаммад Юсуф

Ҳайрон бўлмам турна кишнаса,
Қаҳратонда ёнғоқ гулласа,
Аммо сенинг севиб қолишинг...
Алдаб нима қиласан?

Осмонни сув босса — ҳайратим ёлғон —
Қуёшни ўт босса, юлдуз тулласа,
Аммо сенинг севиб қолишинг...
Алдаб нима қиласан?

Тошлар тилга кирса — цшонгум —
Трамвайлар юм-юм йиғласа,
Аммо сенинг севиб қолишинг...
Алдаб нима қиласан?

Сенга қараб кўзим пишмоқда,
Сени ўйлаб кўнгил увушмоқда,
Келин орзу қилиб, бағримни тилиб,
Тўшак қавир қари онам қишлоқда...
Алдаб нима қиласан?

Сендан хат йўқ

Тонг ёришди,
Жилмайди бепарво шаҳар.
Дил дардимни
Билмайди бепарво шаҳар.
Мен ўйладим: бу дунёда муҳаббат йўқ —
Сендан хат йўқ...

*Чопаверар
Кун бўйи бир манзил сари
Трамвайлар —
Паровознинг болалари.*

*Асримнинг бу темирида ҳам тоқат йўқ —
Сендан хат йўқ...*

*Сулувлардан сулув ҳам сен, хур сен эдинг,
Бу дунёдан сўраганим бир сен эдинг.
Кўп ўқиган дўстим деди: садоқат йўқ —
Сендан хат йўқ...*

*Энди билдим, бир кун сенинг тўйинг бўлиб,
Сурнай йиғлар, саҳаргача ўйин бўлиб.
Тўйдан нишон ўчоқ қолар, кул қолади,
Мен қоларман ширингина ўйинг бўлиб.*

*«Оламда нима гап» бўляпти.
Хира ёғду сочар телевизор.
Айвонда шолчада бир бола
Ултирар чўнқайиб... кўйлаклари кир.*

*Ховлида ёмғирми томчилар,
Ховлида ҳар кунги юмушлар.*

*Момоси даргазаб, беарқон
Тарғил бузоқчасини муштлар.*

*Бузоқни қаргайди ҳарсиллаб,
Қўзиқ ўқталади: «Бўйнинг узилгур!»
Айвончада эса бир бола
Ултирар чўнқайиб, иштонлари кир.
«Оламда нима гап» бўляпти.*

*Ёлғон ёмон дерлар,
Хушомад ёмон.
Ёмонликнинг бари ёмондир, бироқ
Менимча, дунёда энг катта гуноҳ —
Соғинмай яшамоқ:..*

*Тилга келганини айтаверамиз,
Суриштирмай ростдир-ёлғондир, бироқ*

*Менимча, дунёда энг катта гуноҳ —
Қари қиз ҳақида гийбат тўқимоқ.*

*Ким бу шеърим ўқиб, ошкора кулса,
Бечоралар ичра бечора билса...
Менимча, дунёда энг оғир гуноҳ —
Ҳиринглаб шёър ўқимоқ!*

Тошкент

Ғурур

*Сесканардик тўқнашса кўзлар,
Лек сўзлашга қўймасди ғурур.
Дилдан қайнаб чиқса-да сўзлар,
Бизлар ўғиб борардик мағрур.
Шундай яшар эдик ҳижронда,
Висол насиб этмади лекин.*

Мавлуда Эгамбердиева

*Севги ногоҳ аччиқ фироққа
Ташлаб кетди бизларни бир кун.*

*Мағрурликнинг қиличи мангу
Яралади қалбларимизни.*

ТошДУ талабаси

Нурулла Остонов

*Бу қишлоқни биламан кўндан...
илон изи, тор кўчалари,
зиллол сўвли шарқираган сой
кўзим қароғи ичра бари...*

*Бу қалашган ховлилар ичра
барно қизлар гуркураб ўсар.
Қарай-қарай деворларидан
йигитчалар хўрсиниб ўтар.*

*Бунда кўндир етилган қизлар,
гўзалликда беқийсдир хўп...
Шунинг учун бу уйлар қиммат,
бу уйларнинг харидори кўп...*

Оқшом

*Жануб туманига чўмди чироқлар,
ёғдулар қуйилди оқшом қаърига.
Қушлар шовуридан ҳориган боғлар
қунишиб ўранар япроқларига.*

*Тўлин ой паришон сочин ёяди,
чорбоғни оралар оппоқ сокинлик.
Хипча белларини нурга чаяди
Бир дарахт — кечанинг масрур ҳокими...*

Мана ой.
Келиб қолди шундоққина
томнинг энига
Қўл узатсанг кетар тўкилиб.
Бир ҳовуч тилло нур,
бир ҳовуч тилло нур
сенга ва менга!

Садалар остидан шивирлаб ўтар
япроқлар рақсига

хуштор шаббода.
Ешгина найзонгул атрини тўкар,
нафармон туйғулар кезар самода.

Сен юлдуз санайсан...
мен сочларингни,

Сен мени ўйлайсан,
мен олис йўлни...

Жимгина артасан кўз ёшларингни,
ганимат дамларнинг билинар ўрни...

*Теракларнинг самбит қомати
Шарпаларга кетди қўшилиб.
Юлдузларнинг изин ўпади
Нимдошгина ҳилол чўзилиб.*

*Бу паллада боғлардан ошиб
Ер бағирлаб таралар ифор.
Бу пайт қизлар уйқуси қочиб
неларнидир қўмсайди хумор...*

КЕЛГУСИ СОНДА:

**МУҲАММАДЖОН
МИРЗАМУҲАМЕДОВ**

**Сунбул
Қисса**

**МУҲАММАД АЛИ
Муҳаббат
достон**

**ШОЙИМ БУТАЕВ
Сирли юлдузлар
қисса**

**ТУРСУН ИБРОҲИМОВ
Қуёшни қўйнимга соламан
Монолог**

**МИРАЗИЗ АЪЗАМ
Мен ҳам шу ҳаводан
нафас оламан**

**АЗИЗ АБДУРАЗЗОҚ
Тўрт оғайни ботирлар**

**АМИРҚУЛ ПЎЛҚАНОВ
Дунё бунча гўзал бўлмаса
шеърлар**

**БУХОРО ШОИРЛАРИНИНГ
МУШОИРАСИ**

**«У биз учун билим,
қурол ва қудрат»
Давра суҳбати**

**«Нега севиб ўқилади?»
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ
90 ЙИЛЛИГИГА
Хотиралар, мақолалар**

На узбекском языке

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

№ 3

Орган Союза писателей
Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного
Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1984.

Редакцияга келган бир босма
табоқча бўлган материаллар
авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга,
«Шарқ юлдузи» дан олинди, деб
кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 5.01.84 й.
Босишга рухсат этилди 13.02.84 й.
Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
Фотонабор. Оффсет босма усули.
Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55
Нашриёт ҳисоб листи 20,2
Тиражи 166834
Заказ № 2513
P-09105

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётининг Меҳнат
Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси.
Тошкент — 700029,
Правда Востока кўчаси, 26-уй.

Рассом **О. Арутюнов**
Техник редактор **М. Аҳмедов**
Корректор **А. Билолов**